



Шарқ юлдузи

*Ойлик
адабий-бадиий,
ижтимоий-сиёсий
журнал*

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзининг органи

2

1989


58-йил чиқиши

Бош редактор:
Ўткир ҲОШИМОВ

Редколлегия:

Саид АҲМАД
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ
Омон МУХТОРОВ
(проза бўлими мудири)
Мурод МУҲАММАД ДУСТ
(бош редактор ўринбосари)
Умарали НОРМАТОВ
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА
Муҳаммад СОЛИҲ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Зоя ТУМАНОВА
Туроб ТУЛА
УЙҒУН
Ўлмас УМАРБЕКОВ
Носир ФОЗИЛОВ
(масъул секретарь)
Азиз ҚАЮМОВ
Ҳамид ҒУЛОМ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти



Неъмат Арслонов

ҚЎМОНДОН

Ҳикоя

Етти-саккиз ёшлар чамасидаги бола хона ўртасида қаддини ғоз тутиб, қотиб туради. Унинг бутун диққати буйруқни аниқ бажаришга қаратилган.

— Балли!..

Қотмадан келган, қомати тик, ҳаракатлари ҳарбийларникидек тетик киши эса буйруқнинг қандай бажарилганига кўз қири билан назар солади-да, қўлини карнай қилиб, оғзида жанговар машқ чалади:

— Тара-тара-там... Тара!..

Машқ аралаш гоҳо «Олға!» деган буйруқ ҳам эшитилади. Бола тиззаларини букмасдан музикага мос қадам ташлаб, хонанинг у бурчидан бу бурчига бориб келади. Машқнинг зўридан унинг семизгина юзи лорсиллайди.

— Тўхта!

Бола каравотлар оралигидаги торгина йўлакчада тўхтади.

— Шалпай!

«Кичкина аскар» бўшашди, олдинга эгилиб, бутун оғирлигини бир оёғига ташлаганича Қўмондонга қаради: эшик олдида нотаниш киши турарди. У отасига имо қилди. Қўмондон ортига ўгирилди ва дарҳол олдинги ҳолатига қайтиб, кескин овозда буйруқ берди:

— Хаёл бўлинмасин! Сафлан! Ростлан!

Бола оёқларини жуфтлаб қотиб қолди. Қўмондон якка-ю ягона аскардан иборат «армия»сига мамнуният билан кўз ташлаб олди-да, эшик томон юрди.

— Уртоқ подполковник!..

У сўзини тугатолмади: эшик олдида турган кишининг бирдан ғазоби жўшиб Қўмондоннинг олдидан шаҳд билан ўтди-да, тумбочка устидан сигаретини олиб, ҳеч нима демай, яна ташқарига чиқиб кетди. «Ким ўзи бу тип? Нима ҳаққи бор? Подполковник дейди-я...»

Қоржов ҳафтадирки, ёлғиз ўзи бир хонада дам олаётганди. Мана, бирдан тинчи бузилди. Хона тўс-тўполон, чанг, тахтаполга солинган гиламчалар оёқ остида йиғилиб ётибди. Дарвоқе, бу кишининг исми шундай — Қоржов, асли Шаҳрисабздан. Мактабда адабиётдан дарс беради. Яқинда «Мироқи манзаралари» деган туркум шеърлари газетада босилди. Тошкентга катта умидлар билан келган. Гўшанишин, ҳар хил олди-қочди суҳбатларни ёқтирмайди. Шунинг учун ҳам шаҳардан анча четдаги бу дам олиш уйдан бир кишилик ихчамгина хона олишга анча уринди. Хилватда ётиб, кеча-кундуз ижод қиламан деб ўйлади. Аммо у боп жой анқонинг уруғи эканми, ё ихчамроқлари бор бўлса ҳам бошқа мақсадлар учун сақлаб қўйилганми, ҳар ҳолда Қоржовни саккизта каравот қўйилган хонага жойлаштиришди. Дастлаб дили ранжиди, кейинчалик кўникди ва ҳатто бу хонани яхши кўриб қолди. Оқшомлари айвонга курсича қўяди-да, дераза ортидаги неон чироқлари нурига чўмилган атиргулга термулиб ўтиради. Хона шифтининг ҳозирги уйлардан қарийб бир ярим баробар ба-

ландлиги, ундан ергача осилиб турадиган оғир шоҳи пардалар; боғ ва хиёбонлардаги дарахтларнинг жуда кексалиги, баҳайбатлиги, айниқса, дам олувчиларнинг камлиги ва сукунат ажиб салобат кашф этардики, бу Қоржов учун айни чоқда хаёл, илҳом манбаидай эди. Қўмондоннинг пайдо бўлиши эса буларнинг ҳаммасига барҳам берадигандай... У шуларни кўнглидан ўтказганча хиёбон бўйлаб кеза-кеза тушдан оғанда хонасига қайтди. Эшик очиқ, ичкаридан Қўмондоннинг овози баралла эшитилмоқда:

— О, Украина!.. Беғубор ўлка! — хитоб қиларди у, кулги аралаш, ингичкароқ, зўриққан товушда. — Тупроғини айтмайсизми, қани иложи бўлса-ю, истганингча пахта эксанг...

Қоржов ичкари кириши билан Қўмондон ва яна бир нотаниш киши ўринларидан туришиб, қўл бериб кўришишди. «Салимбоев» деб қўйди нотаниш киши истар-истамас. Афтидан у жуда толиққан, ҳозир ҳар қандай қизиқ суҳбатдан кўра ётиб, ухлаб олишни ўйларди. Қўмондон ҳаммадан аввал ўғлини таништиришга шошилди:

— Уғлим! Спитамен... Отини шундай қўйганман. Спитамен Сарбозов. Ўзи исми ўнга яқин: Фирдавс, Муҳаммад, Ҳусайн, Алишер, Абдулла...

Қоржов боланинг узатган қўлини қўйвориб тескари ўгирилди. Аччиғи чиққан, зарурати бўлмаса ҳам ёстиғини нари-бери сурганча тўнғиллади:

— Ўзбекчиликка тўғри келмайди...

— Шундай, шундай, — шошиб унинг фикрига қўшилди Қўмондон, — дилда орзу кўп, ўғил бўлса битта-ю битта. Узидан кўпайсин деб ҳамма буюкларимизнинг исмларини шунга қўйдим. Ишқилиб Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Абдулло Орипдек бўлсин.

— Буюк бўлиш учун исм эмас, тарбия керак, — кесатди Қоржов.

— Тўғри, амакиси. Тарбиясини ҳам сира бўшаштирмайман. Мактабдаям ўзим дарс бераман.

— Сиз ҳали ўқитувчимисиз?..

— Физрук! Бошланғичниям ўқитаман...

Орага жимлик чўкди. Қўмондон суҳбатдошининг синчковлигидан андек хижолат чекиб шимини кўтарган, кўйлагининг ёқасини тўғрилаган бўлди. У жуда ориқ ва узун киши бўлиб, шими тушиб кетаверарди. Аслида, уйлиги ҳам, кўчаллиги ҳам шу шим.

— Қўмондонлигингиз... Буйруқларингиз ҳам бўлакча: «Шалпай», «Ўйдадай». Ёқимсиз сўзлар.

— Қулоғингиз ўрганмагани учун шундай. Бора-бора ботишиб кетади.

Қоржов бошқа индамади. Каравотига чўзилиб қўлига китобини олди. Қўмондоннинг бир зумгина чалғиганидан фойдаланиб кийимларини алмаштириб олиш пайида куймаланаётган Салимбоев дарҳол ечина бошлади. Қўмондон бунга йўл бермади, Салимбоевнинг елкасига қўл ташлаб, ҳикоясини давом эттирди:

— Шундай қилиб денг, ҳавоси ҳам худди Ўзбекистоннинг ўзи, олмалар гуллаб ётибди...

— А-ҳа...— деб қўйди Салимбоев ҳурмат юзасидан ва норози қиёфада жомадонини кавлаштираверди.

— Сиз бу ёғини эшитинг, ўртоқ Салимбоев! Хуллас...

Салимбоев ноилож жомадонини оёғи билан каравот остига суриб қўйиб, қулоқ сола бошлади.

— Хуллас, Украинада пахта экканман десам ҳеч ким ишонмайди.

— Экканмисиз?

— Экканман!..

Салимбоев елка қисди ва ночор илжайди. Қоржов янги келган кишининг ўта андишали ва бир қадар кўрқоқроқ, журъатсизроқ, шу билан бирга кўнгличанроқ эканлигини дарҳол сездди. Унинг ҳозирги ҳолати буни яққол англатиб турарди.

— Мана, сиз ҳам ишонмайсиз... — қизишди Қўмондон. — Эндиги ёшлар бундай қилишмайди! У пайтлар бизнинг дилимизда завқ бор эди-да! Тўғриси, Украинанинг табиати она юртимни эслатиб турарди. Олмалар оқ пушти бўлиб чунонам гуллайди, уларга қараб шеър айтгинг келади...

Қоржов каравотга ўнғайроқ ёнбошларкан, «шу тарашанинг ҳам кўнглида

шеъриятга ўрин бормикан» деб кулиб қўйди ва Қўмондоннинг чинқироқ ово-зига қулоқ тутганча ётаверди.

— Бир куни жомадонимни кавлаштираётиб икки дона чигит топиб ол-дим, — суҳбатдошининг елкасига туртиб қўйди Қўмондон, — аввал уларни бир четга ташламоқчи бўлдим. Қўлимда ушлаб турибман. Қаттиқ, худди жийда данагидай. Фақат тукликкина. Шунда хаёлимга лоп этиб бир фикр келди: чигит-ларни ҳовлининг бир бурчагига экиб қўйсам-чи! Бу фикр сира тинчлик бермай қўйди. Кечалари каравотимда ётаман-да, тупроқдан бош кўтариб чиққан нозик-кина ғўзаларни кўз ўнгимга келтираман. Икки дона ниҳол бир-бирига суянишиб турибди. Худди...

Қоржов унинг ҳикоясини тингларкан, бу одамнинг воқеани ёзувчилардек батафсил тасвирлаб беришига қойил қолди. «Бизда лоақал шу одам ҳикоя қил-ганчалик эплаб ёзадиганлар кам» деган фикр ўтди унинг хаёлидан ва яна диққат билан қулоқ сола бошлади.

— Эқдингизми ўзи? — сўради сабри тугаёзган Салимбоев.

— Эқдим! — жавоб қилди Қўмондон мамнун бир оҳангда. — Лекин денг, аввал эътибор қилмаган эканман, қарасам ҳамма жой бетон. Бир кафт тупроқ йўқ. Деворларнинг тагигача текис қилиб асфальт ётқизилган. Фақат майдоннинг ўртасидагина бир ҳовуз ўрничалик гулзор бор. Аммо у ерга гул экиш у ёқда турсин, ҳуда-беҳудага яқинлашиш ҳам мумкин эмас. Подполковник Маслобоев қўймайди, ўзи беллаб, ўзи гул эккан. Ҳар куни кўздан кечириб, тагини юмшатади, бирор дона ўтни қўймайди. Шундай бўлса ҳам бир куни тунда секин чиқдим-да, гулзорнинг бир бурчагидан уч-тўрт туп гулни суғуриб ташлаб, ўрни-га чигитни тикиб қўйдим. Ҳафта ўтдими-ей, тупроқни бошгинасига кўтариб униб чиқибди.

Салимбоев қаттиқ эснаб кафти билан оғзини ёпди. Кейин, каравотига қа-раб-қараб қўйди, қўллари билан оппоқ чойшабни сийпалади. Бу ёқда Қўмондон бўлса шавқу завқ билан ҳикоясини давом эттирарди

— Ғўза тез ўсди. Шох чиқарди, шоналади. Шунгача ҳеч ким пайқамади. Мени, айниқса, Маслобоевнинг сезмагани ажаблантирарди. Бир куни автома-тимнинг пичоғи билан ниҳолчаларнинг тагини юмшатаётиб, орқамда кимдир турганини пайқаб қолдим. Ўгирилиб қарасам, подполковник Маслобоев! Қад-димни ғоз тутиб, честь бердим. Подполковник дам менга, дам ғўзага қараб туриб сўради:

— Это що такое?

— Гуза! Гуза! — дедим.

Подполковник унинг қандай гуллашини суриштирди. Бу гиёҳнинг пахта эканлигини билмасди. «Зўр гуллайди, арадат, арадат» деб мақташга тушдим. Гулининг ранги қандай бўлишини суриштирганди, бошқа сўз эсимга келмай, «пурпур» дедим. Подполковник қизиқиб қолдими, ҳар куни келиб хабар ола-диган бўлди. Гулпараст Маслобоевни кўндирганимга яраша ғўза гули унга ёқсин-да, дейман. Барглари артиб ярқиратиб қўяман. Э, нимасини айтасиз, июлнинг бошларида ғўзам шоналади. Подполковникка кўрсатдим. Олдида имтиҳон топшираётган боладек қалтираб турибман. Маслобоев шонани аёлларнинг исирғасига ўхшатди. Кўнглим анча хотиржам тортди.

Қўмондоннинг чакаги тинмас, ҳар бир гапни қўл ва юз ишоралари билан изоҳлар, ҳатто тилга олинаётган кишиларнинг худди ўзи бўлиб ҳаракат қилар, сўзларди. Бир пайт, Маслобоевни полкда ҳурмат қилишини айта туриб, унинг юришини кўрсата бошлади.

— Полкимизда ҳеч ким Маслобоевдек юролмасди. У мана бундай қадам ташларди!..

Қўмондон қаддини тик тутиб, кекирдагини олдинга чўзди-да, бироз орқага чалқайганча гурс-гурс қадам ташлай бошлади. Мушт бўлиб тугилган қўли ияги остида бир дам тўхтаб яна шахт билан орқага кетарди. Қоқ суяк, қотма «под-полковник Маслобоев»нинг бутун вужуди пружинага айланган, гарчи хона анча кенг бўлса-да, унинг ҳарбий машқларига торлик қиларди. Шундай бўлса ҳам у сабот ва матонат кўрсатиб каравотлар орасидан ўтар ва машқни давом этти-рарди.

Хонада чанг кўтарилди. Умрида ҳарбий темада бирорта ҳам китоб ўқима-ган, бу соҳага рағбати йўқ Қоржовнинг ҳам кутилмаганда солдат бўлгиси, кенг

майдонда шахдам қадам ташлаб гурсиллатиб юргиси келиб кетди. Аммо «подполковник Маслобоев»нинг машқлари ҳадеганда тугайвермасди, бунинг устига шу даражада жазаваси орта бордики, Қоржов ортиқ чидаб туролмади. Ўрнидан турди. Бу пайтда «Маслобоев» тушкур бурчакда турган стулга, яъни «генерал»га рапорт бериш учун юриб келмоқда эди. Қоржовнинг ўрнидан турганини кўриб стулга эмас, у томон бурилди. Сўнгги қадамларини шунчалик баланд олдики, Қоржов ўзини четга тортиб қолмаганда нақ иягининг остидан уриши аниқ эди.

— Ўртоқ генерал!..

— Амаки, бу ер армия эмас, дам олиш уйи! —чинқириб юборди Қоржов.

Қўмондон бир зум жим қолди-да, сўнг ортига ўгирилиб қаради. «Солдат бола» отасининг ҳар бир ҳаракатини завқ ва ҳайрат билан кузатмоқда. Бу ҳолни кўриб Қоржов ҳам бироз ҳовридан тушгандай бўлди. Худди шу пайт эшик тақиллаб қолди. Қўмондон бориб эшикни очди. Ташқаридан аёл кишининг овози эшитилди.

— Исмингиз Қоржовми? — сўради Қўмондон ичкарига эгилиб қараб.

— Хўш, нима эди? — зарда қилди Қоржов.

— Сизни бир хоним сўраяптилар.

Бу гапдан Қоржовнинг баттар жаҳли чиқди. Қўмондон томонидан «қор» сўзига атайин урғу бериб айтилгандай, «хоним»да эса қандайдир яширин маъно ифодалангандай эди. У Қўмондоннинг олдидан шиддат билан ўтиб, ташқарига чиқди. Сўроқлаб келган қиз унинг важоҳатидан саросималанди. Улар эшик ортида бироз гаплашиб турдилар. Сўнгра Қоржов ичкари кирдида, ёстиғи остидан Цвейгнинг «Бир аёл мактуби» китобини олиб чиқиб кетди. Шу-шу бўлди-ю, Қоржов хонасига камдан-кам келадиган бўлиб қолди. Тунда алламаҳалда келиб жойида ухлар, эрталаб ҳаммадан аввал туриб кетади.

Бир куни кечқурун телевизордан чет эл фильми кўрсатилаётганди. Экранда аввал дарахтзор, сўнгра ёшгина, чамаси ўн беш-ўн олти ёшлардаги қиз кўринди. У кўм-кўм кўзларини кўкка тикканича дарахтга суянди. Аслида кўзлари рангсиз-у, унда осмоннинг кўки акс этиб тургандай. Олтинранг сочини шабада ўйнаб турибди. Шу пайт аллақердан бир барзанги пайдо бўлди. Улар гап-сўзсиз бир-бирларига ташланишди. Эркак қизни дарахт танаси билан қўшиб қучоқлаганча лабидан сўра бошлади. Унинг ҳаракатлари худди ўлакка гўштини чўзиб-чўзиб очикиб ютаётган итга ўхшарди. Қоржов нима учундир улар суяниб турган ёшгина қайиндан уялиб кетди. Секин ўтирганларга кўз қирини югуртирди. Баъзилар бу ҳолатга шу қадар берилиб кетишгандики, дунёни сув босди деб жар солсангиз ҳам нигоҳларини телевизордан узишмасди. Онасининг ёнида ўтирган иккита эгизак ўқувчи қизнинг юзида маъносиз илжайиш муҳрланиб қолган.

— Севгини қаранг-а! — хитоб қилди кимдир.

— Да!.. — деб қўйди биров тагдор қилиб.

Худди шу пайт телевизор ёнида Қўмондон пайдо бўлди. У даҳлизда, одамлар орасида ўтирган эканми, ё эшикдан кириб келдими, бунисини англамай қолди Қоржов. Одамлар ҳар томондан «қочинг-қочинг» деб қисталанг қилишарди.

— Ов, дўстим, бу қанақаси?!

— А-ҳа, ким ўзи бу маданиятсиз!

Ҳар томондан ғазабнок овозлар эшитила бошлади. Қўмондон пинагини бузмай телевизорнинг қизил тугмачасини босган эди, бир-бирларининг сўлақларини ютиб ётган «ошиқ»ларнинг тасвири экран ўртасига йиғрилиб келди ва лаҳза ўтмай ғойиб бўлди. Одамлар бараварига ўринларидан отилиб туришди. Ўнлаб кўзлар ўртада хотиржам қиёфада турган узун ва қотма бу одамга совуқ боқарди. Аёлларнинг норози овозлари эркакларга далда бўлдими, орадан икки киши ажралиб чиқиб Қўмондоннинг устига бостириб бора бошлади. Отасидан бир қадам ҳам ажралмайдиган Спитамен ўқталиб келаётган кишиларга қараганча йиғламсираб турарди.

— Сол тумшуғига!

— Уҳ, маданиятсиз!..

Айримлар ўртага чиққан йигитчаларни гиж-гижлашарди. Вазият қалтис тус олди. Қўмондоннинг ҳолига вой деб ўйлади Қоржов. Телевизорни ўчириб кўнгилдагидек иш қилган бўлса ҳам ҳар кунги ҳарбий машқлари ва бетиним жаврашларидан безиллаб қолгани учун бетараф тураверди. Шу пайт Қўмондон қў-

лини кўтариб кафти билан ўзидан ҳам баландроқ кишининг елкасига қоқди. Бу «тўхтанг, гап бор» дегани эди. Бир зумда ҳамма жимиб қолди. Ҳалига ўртага чиққан йигитлар ҳам, уриш бўлса қочмас, дегандек тўхташди. «Тамом, — деб ўйлади Қоржов, — ҳозир Қўмондон қўлини оғзига қўйиб карнай чала бошлайди, ҳарбийчасига буйруқ беришга ўтади, жанжал катта бўлади...» Бироқ сира кутилмаганда Қўмондон қўлини костюмининг чўнтагига тикди. Одамлар телевизорни қўйиш ҳам таҳқир кўзи билан қараб тураверишди. Афтидан ҳамма унинг чўнтагидан ғайритабиий бир нарса чиқишини кутарди.

Қўмондоннинг қўлида худди узунасига букланган журналдек келадиган қизил бир нарса пайдо бўлди. Ҳатто Қоржов ҳам дафъатан бунинг журналлигини пайқамади. Қўмондон ўша қизил нарсани баланд кўтарди. Шунда Горькийнинг Данкосини эслади Қоржов.

— Мана!

Ҳамма қизил муқовали журналга қаради.

— Бу ерда ким маданиятли-ю, ким маданиятсизлиги айтилган!..

Қўмондон Хоразмийнинг алгебра ва математикага доир яратган асарлари ҳақида ёзилган чоғроққина мақолани ўқий бошлади.

— Ал Хоразмийси ким ўзи?

— Бунинг бизга нима алоқаси бор?

— Шунинг учун телевизорни ўчириш шартмиди?..

Одамлар яна шовқин кўтаришди.

— Нима гап ўзи, ўртоқлар?

Ҳамма ўгирилиб эшикка қаради. Кимдир дам олиш уйи директорини чақириб келишга улгурганди.

— Нима шовқин? — яна ўша оҳангда сўради директор.

— Манави сўтак бизга маданият ҳақида лекция ўқияпти.

— Ҳайдаш керак уни!

— Мени эмас, мана буни ҳайдаш керак! — оқ халатли аёлни кўрсатди Қўмондон.

— Бу бизнинг ишимиз, лекин сиз нимага хулиганлик қиласиз?

Директорнинг қўполлиги Қўмондоннинг жаҳлини чиқарди.

— Чунки, мен маданиятсиз қишлоқиман. Умримда оқ прос... чойшабга ётиб кўрмаганман! — деди унинг кўрслиги тутиб.

Директор, бу қанақаси бўлди, дегандек атрофга аланглади ва Қўмондонга «ортимдан юринг» деб имо қилди. Улар чиқиб кетишди. Спитамен ҳам отасининг орқасидан эргашди. Дам олувчилар оқ халатли аёлни ўраб олишди. «Вазира опа, нима бўлганди ўзи» деганча сўраб-суриштира бошлашди. Вазира бошидаги зар рўмолини тўғрилаб қўйиб, қўлларини силкитганча, унинг простиначини алмаштирмаганини, бошқаларга етиб, шу одам билан ўғлига етмай қолганини, эртага алмаштираман деса ҳам кўнмай, ўғлимни олдида мени пазор қилдинг, деб жанжал кўтарганини гапира кетди.

— Менам гап кўтарадиганлардан эмасман, — чинқирди у худди олдида Қўмондоннинг ўзи тургандек хезланиб, — бор, уйингда сассиқ кўрпангда қандай ётган бўлсанг, шундай ётавер, умрингда простинача кўрганмисан ўзи дедим. Қаранг, бугун телевизорни энг қизиқ жойида ўчирганини! Мендан аламини олмоқчи. Алмаштирмадим. Эртага ҳам... Қани додини кимга айтаркан?

Қоржов ҳаммасига тушунди. Вазира ҳамон чийиллаганча гапирар, эртагаёқ директор уни ҳайдаб юборишини айтиб ғурурланар, дам олувчилар назарида эса улғайиб борарди.

— Бўлди, отбой! — деди у. — Ҳамма жой-жойига. Менинг сменамда ЧП бўлмаслиги керак!

— Есть, Вазира опа! — деди кимдир хушомад билан.

Ҳамма тарқалди. Қоржов оғир хаёллар оғушида далага чиқиб кетди.

Хиёбондан бораркан, анҳорнинг нариги тарафидаги корпусга қаради. Еқутхоннинг деразасидан ҳам нур ёғилиб турибди. Аммо у бу ҳақда жиддийроқ ўйламади, хаёлини бўлиб ўтган воқеалар банд этганди. Ортига қайтди. Ҳамроҳлари тинчгина ухлашарди. Чироқни ёқмай ечинди. Алламаҳалгача хаёл суриб ётди. Ниҳоят уйку элитди. Мудроқ ичида англадики, кимдир эшикни астагина очиб, ташқарига чиққандай бўлди...

Эрталаб одатдагидек Қўмондоннинг қўлбола музыкаси янгради. Спитамен ҳаммадан олдин уйғонди, гиламча устида оёқяланг турганча тўшагини йиғишти-ра бошлади. Аммо ёстиғига қўли тегиши билан бир лаҳза тўхтаб қолди. Нима-дир эсига тушгандай ялт этиб отасига қаради.

— Тара-тара-там... Тара!..

Бола шошилмади. Ёстиғини бир кўтариб қаради-ю, қаддини ростлади. Энди унинг кўзларида нафақат қувонч, балки ғурур ҳам бор эди.

— Тезроқ! — команда берди Қўмондон.

— Дада!

Қўмондон музыкасини тўхтатиб, «армия»сига қаради.

Бола ёстиқни кўтарганча беқиёс қувончла отасидан нигоҳини олмай тура-верди. У тунда бажарган қаҳрамонлиги қандай баҳоланишини сабрсизлик билан кутарди. Ҳеч нарсани назардан четда қолдирмаслик, ота юзидаги ҳар бир қу-вонч, ҳар бир ҳайрат ифодасини илғаб олиш ниятида ундан кўз узмай турарди. Қўмондон каравотга яқинроқ борди. Қўлларини орқага қилганча эгилиб қаради. Оппоқ чойшаб устида гулдор қийқимларни кўрди. Спитамен оғзи қулоғига етгудек илжайди. Қўмондон шодлик ва тантанани боисини англаб етмади, «нима бу» деб сўради. Бола жавоб берди:

— Рўмол!

— Рўмол? Қандай рўмол? Кимники?

— Ушаники-да!.. — деб бола боши билан эшик томонга имо қилди.

Қўмондон ўғлига ҳайрат билан қаради. Спитамен ҳамон жилмайиб турар, кўзларида қасос тантанаси, болаларча беғараз муғомбирлик ва ғурур бор эди. У қилган ишидан шу қадар масрур эдики, отасининг ранги оқариб кетганини ҳам пайқомади. Қўмондоннинг қуруқ тарашадек қўли боланинг сарғиш тукли лўм-билдоққина юзига шарақлаб урилди. Шундагина унинг юзидаги қувонч ҳайрат ва кўрқувга айланди. Қўллари билан юзини тўсганча каравот устида ётиб қолди. Йиғлади, аммо ёнинг деб овоз чиқармади.

Қўмондон ғужанак бўлиб ётган болага қайрилиб ҳам қарамай ташқарига чиқиб кетди. Бундай шафқатсизликдан лол қолган Қоржов билан Салимбоев ни-ма қилишларини билмай ўз каравотлари олдида тик туришарди. Ниҳоят, бара-варига Спитамен томонга югуришди. Бола қимирламай ётар, бутун вужуди би-лан титрарди. Улар болани силаб-сийпалашди, юпатишди, ўрнидан туришга ундашди. Бола ҳолатини озроқ бўлса ҳам ўзгартирмади. Шунда Қоржов уни ёлғиз қолдириш кераклигини тушунди.

Шу кунни биринчи марта ҳарбий машқлар ўтказилмади. Бола нонуштага бормади. Қўмондондан ҳам дарак йўқ. Қоржов болага тушлик олиб келди. Спи-тамен каравот бурчагида ётган кўйи ухлаб қолганди. Қоржов чойшабнинг бир учини қайириб унинг устига ёпиб қўйди. Сўнгра секин ёстиқ остини кўтариб қа-ради. Қимматбаҳо япон зар рўмолининг қийқимларига кўзи тушди. Бу рўмол ўша йиллари эндигина мода бўлган, камёб матоҳ эди.


Бироздан сўнг Салимбоев қайтди. Эшикнинг очилиши, қадам товушидан бола сескангандай бўлди. Афтидан уйғониб қулоқ солди, лекин бошини кўтариб қарамади. Салимбоев унга ачиниш билан қараб қўйди-ю, оёқ учига юриб жойига бориб ётди. Хонадагиларга уйқу ўз таъсирини ўтказмоқда эди. Бир пайт нимқоронғи хонада Қўмондоннинг шарпаси кўринди. У ҳарсиллаб нафас олар ва хона ўртасида қимирламай турарди.

Қоржов ҳушёр тортди. Дамини ичига ютиб кузата бошлади. Қўмондон эҳ-тиёткорлик билан юриб бола ётган каравотга яқинлашди. Қўлидаги қоғозга ўроғлиқ нарсани секингина ерга қўйди-да, тахтапол устига тиззалади. Энди унинг юзи Спитаменнинг юзига тегай-тегай деб турарди. Шу алпозда анчагача қимирламай туриб қолди. Қоржовнинг назарида бу ҳолат бирор соатдан ҳам кўпга чўзилгандай туюлди. Энди Қўмондон секин-аста чайқала бошлади. У ички бир ҳиссиёт билан олишаётгандай эди. Ҳақиқатан ҳам ота боласи қошида аста-секин тебранар ва йиғларди.

Қоржов юраги юмшаб, илиқ туйғуларга тўлиб бораётганини ҳис қилди. Ни-ма учундир унинг ўрнида шу лаҳзада ўзи бўлишини истарди.

Эрталаб одатдагидек Қўмондоннинг ўғлини машққа ундовчи қўшиғи янгра-ди:

— Тара-тара-там... Тара!..



Абдулла Шер

МЕНСИЗ ЁНАР ОЛИСДА ГУЛХАН

Коммунистлар

Не мардлар йиқилди майдонда у кун,
Қурбонсиз бўлмагай муқаддас қирон
Ва лекин унгача поклиги учун
Мардларни қатл этди Иосиф-Нерон, —

Хўжаев инграйди: «Ленин бўлсайди!..»
Лениннинг руҳи-чи, қалтираб турар:
Ҳар нотиқ ўзига Ленин ясайди,
Ясама Ленинлар ялтираб турар.

Дод десанг эшитмас юрак-бағри доғ,
Тиканли симлардан қонталаш Ватан.
Арвоҳдек қўрқитиб, ўчганда чироқ,
Бошини пайпаслар ҳар тун минглаб тан...

Биз ўша йиллардан ўтдик шон билан,
Эндиги ҳар бир йил асрга татир.
Биз тарих ҳукмини ёздик қон билан:
«Ҳақиқат биттадир, Ленин биттадир!»

Шаклар чўлида

Асрагандек денгиз суронин
Ўз бағрида жажжи чиғаноқ,
Асраб келар Широқнинг қонин
Бу чўлдаги ҳар бир қизғалдоқ.

Мовий тортиб жавзо осмони,
Учганида ўрдак билан ғоз,
Тилга кирар ботирнинг қони, —
Қизғалдоқдан таралар овоз:

«Бу ер чўлдир, даҳшатли чўлдир,
Мен ёлғизман, ёғийлар мўлдир.
Бу ер чўлдир, ҳикматли чўлдир, —
Ватанингга боражак йўлдир!»

Сеҳрлайди бу мангу шивир:
Тирикларга «Ҳайт!» деб кетурман;
Широқ изин топиб мен охир,
Ватанимга бир кун етурман!

* * *

Валфажридан айрилди бўғот,
Бўғот энди маъюс мудрайди.
Энди уни қанотсиз ҳаёт
Баҳоргача ерга судрайди.

Учиб борар жанубга қараб,
Уни кутар сеҳрли хилқат...
Эрта кузнинг ёмғири, ё раб,
Уйғотади, аммо, бешафқат.

Яна кўрар, лекин, бир бор туш,
Титраб кетар қанотдан осмон.
Ҳайрат билан боқар суюк қуш,
Учиб борар бўғот ёнма-ён.

Олисларда йитди қалдирғоч,
Бўғот эса маъюс кузатар.
Учмоқ учун тополмай илож
Ёмғирларни йиғлаб тугатар...

* * *

Тушимда бут яшар бузилган ўша
Ота мерос уйнинг вассажуфт шифти.
Лекин тез қулайди ул азиз гўша, —
Тонгда сал тегса бас, замоннинг кифти.

Шом кўнган кўчадан мени чақирган
Онамнинг овози қувар умримни,
Гоҳ эса ўйимда гувлаб айқирган
Чирчиқнинг мавжлари ювар умримни.

Гоҳ учиб келади болалик сўзсиз,
Қанотли ул гўдак бетонга кўнар.
Сўнг тафтсиз дунёни лаънатлаб из-из,
Зинадан чиқолмай қишлоққа жўнар...

Мен эса тонггача тушлар кўраман
Ва азиз чорловга бераман жавоб.
Сарпойчан, ялангбош кулиб тураман
Гуноҳкор дунёга улашиб савоб.

Усмон Носир ҳақида эртак

«Эй ўткинчи, сочлари оппоқ,
Пахмоқ соқол, кўк кўз амаки,
Бир зум кўйкўз қардошингга боқ,
Ураб бергин менга тамаки.

Ураб бергин, чекай, мажруҳ тан,
Тирсаги йўқ кўлларим учун,
Тиззаси йўқ оёқлар билан
Юролмаган йўлларим учун.

Юрагимдан ўзга дўстим йўқ,
Ёвларим ҳам чиқмиш ёдимдан.
Мен асридан сачраган бир чўғ,
Менсиз ёнар олисда гулхан.

Борлиқ хира, кўзларим кўрмас,
Бор аъзойим менинг фақат тил.
Қиличингни серма энди, бас,
Бўйним узра тебранган эй қил!

Рўёлардан қайтай ўнгимга,
Буюк Сибирь — шафқатли диёр,

Таскин берма, кўйгин, кўнглимга,
Боқ, эримас кипригимда қор!..

Йўқ, бу ёлғон, бу бир ҳазилдур,
Парво қилма бунга, амаки;
Кел, меҳрингдан олайн ҳузур,
Ураб бергин менга тамаки.

Мен-чи, куйлай: муз қотган бўшлиқ
Жўр янграсин олов бардошга,
Ўзбекистон ҳақида кўшиқ
Олиб кетсин бизни қуёшга!..»

...Ураб берди. Гугурт ҳам чақди.
(Пахмоқ соқол бобога раҳмат!)
Чўқинди-да, сўнг, кўкка боқди:
«Жаллодларни туққанга лаънат!»

Бобо кетди, эргашди аммо
Кўшиқ бўлиб гул Ўзбекистон.
Ҳануз борар, тўхтамас бобо,
Ўзбекистон эргашар ҳамон...

Яйраб янги кўчган хонадонида,
Бурчни қандил қилиб шифтга осади.
Қишлоғи дод солиб ўтар ёнидан:
У Ватан ҳақида шеърлар ёзади.

Мадор ҳам кетмоқда, мана, онадан,
Ота яйлов кезиб толар ҳойнаҳой
Ва лекин ҳайҳотдек бешта хонадан
Битта кўрпачага топилмайди жой.

Куйиб тўнғичига она бўлар қон,
Отаси уҳ тортиб ўзни босади.
Оқпадар фарзанд-чи — «шоири замон»:
Ҳақиқат ҳақида шеърлар ёзади...

Улуғбек

Томирида бир пайт чопган қон
Ханжар тутиб югургач, ҳайҳот,
Юлдузларни болам деб султон
Учиб кетди кўкка беқанот.

Омбир тумшук, гажир чўян қуш
Бурай бошлар чакка томирни.
Ҳансирайди ўлаётган ҳуш:
«Бўшатинг! Бўшатинг! Омбирни!..»

Омбир бўшар. Омон қолар ҳуш:
Яна ўша дераза, сирень...
Энди сайрар йироқда у қуш:
«Қисматман мен. Қисматингман мен!..»

Бибихоним ҳақида баллада

Маҳобатли, чўнг масжид аро
Ҳарир парда ортидан ёниб,
Қуръон ўқир бир бахти қаро,
Қуръон ўқир рутбадан тониб.

Асир айлар мунглуғ муножот,
Асир айлар қўнғироқ овоз.
У тилайди тангридан нажот,
У сўрайди бир фарзанд холос.

У сўрайди, тинмай сўрайди,
Хотирини этмайди малул:
Йўргакларга қувнаб ўрайди
Лўппи-лўппи хаёлларни ул.

«Омин!» — деган пайтида, бироқ,
Ҳовучидан тўкилар шув-шув
Ташна тақдир лабидан йироқ, —
Қаро ерга энг азиз орзу.

Хўжасига йиғлар дилпора:
«Қон тўкмангиз, бегим, бегуноҳ;
Гуноҳимиз кечсаю зора,
Фарзанд берса бизларга оллоҳ!»

Жанггоҳларга кетса жаҳонгир,
Инсоф тилаб йиғлаб қолар у.
Кундошларнинг ўғлини бир-бир
Ёқасидан солиб олар у.

Унга ҳурмат, унга тавозе:
Бибихоним атарлар уни,
Маликамас, аёл овози
Янграр, лекин, ҳар жума куни, —

Олти юз йил ул сас шикастбанд,
Олти юз йил оғрийди жоним,
Олти юз йил, тингла, Самарқанд,
Фарзанд тилар Сароймулкхоним!

Сонет


Мен бахшининг дардларини англаб ет,¹ —
Раммол дегин билагингдан ушласам,
Туйғун дегин тўшларингда қишласам,
Демагин: «Кет!», демагин: «Кет!», дема: «Кет!»

Дунё билан туриб гоҳо бетма-бет,
Қулундаги довшим билан кишнасам,
Қаро тунни қарсиллатиб тишласам,
Афу этгин, афу этгин, афу эт!

Билагимни қўйвор дема бекорга,
Тушгин, дема — қишловимдан тушмайман,
Мен кирмайман ҳижрон деган бозорга!

Лекин нечун, лекин нечун учрайман:
Қор оралаб мен бораман баҳорга, —
Қанотлари эсдан чиққан қушдайман?!

¹Сонет анъанавий ташбеҳлар асосида ёзилган. (Муаллиф)



Фарҳод Мусажонов

ИККИ ҲИКОЯ

Еттибулоқ

Жуда олис эди улар — қорли чўққилари осмонга найзадек санчилиб турган баланд тоғлар шу қадар олис эдики, кўз аранг илғарди. Уша улугвор тоғлар орасида қишлоқ борлигига ва унда одамлар яшашига ақл бовар этмасди. Бироқ, қишлоқ бор эди. Эпақали йўл бўлмагани туфайли, яқин-яқинларда ҳам қишлоққа от ёки эшакда бориларди. Беш-олти йилча бўлди, забардаст қояларнинг бағрини тилиб Еттибулоққа асфальт йўл ётқизилди. Яна бир йилдан кейин қишлоқда «Бойчечак» деган пионерлар лагери очилди.

Еттибулоқнинг манзарасига тараф йўқ: номига яраша булоқ сероб ва шу боис атроф кўм-кўк дарахт, чанг-ғуборсиз, тинч ва осуда макон эди. Иқлими ҳам кетворган: жазирама ёзда салқин, қаҳратон қишда илиқ. Еттибулоқнинг чиройи шу қадар ажиб эдики, қараб, зилол сувларидан шимириб қониб бўлмас, ҳавоси шу қадар мусаффо, шифобахш эдики, нафас олиб тўйиб бўлмасди.

Қишлоқ болаларига маза, ёзда жамики томоша текин. Қиш пайтида, мисол учун, янги фильм кўриш учун икки довон ошиб район марказига бориш керак. Ёзда бўлса, кино дейсизми, концерт дейсизми, танца дейсизми, ҳаммаси шу ерда, пионерлар лагерида муҳайё! Тўғри, битта ноқулай жойи — лагерь маъмуриятининг қишлоқ болаларини нима учундир чиқиштирмаслиги. Айниқса, битта аёл директори бор, кўзойнак таққан, жуда жаҳлдор, лагерьга қишлоқнинг бирорта боласини яқинлаштирмасди. Болалар бунинг ҳам йўлини топишган, дарахтларга чиқиб олиб киноми, концертми бемалол томоша қилаверишарди.

Лагерь радиоузели карнайларини эрталабдан варанглатиб қўяр, қишлоқ узра шўх музика садолари янграрди. Табиийки, ҳамманинг кайфи чоғ. Бинобарин, «Бойчечак»да дам олиш мавсуми очилиши билан қишлоқдаги бир маромда кечадиган зерикарли ҳаёт ўзгариб, шодиёна жонланиш пайдо бўларди.

Ҳовлидаги сўрада ухлаб ётган Исмоил саҳарлаб қишлоқ узра янграган горн садоларидан уйғониб кетди, аммо туришга шошилмади. Кеча отаси билан қирга пичан ўргани чиққанди. Кун бўйи ишлаб кеч қайтди, чарчаган экан, ухлаб қолибди. Аслида одати бўйича тонг ёриши билан уйғонарди. Бугун отаси унга дам берди; биз ариқ қазигани борамиз, сенинг керагинг йўқ, уйдаги юмушларга қараша қол, деди. Исмоил ўрnidан туриб иссиқ нон ва қаймоқ билан нонушта қилди. Кейин, молга пичан солди, сойдан сув ташиб хумни тўлғазди, онасига ўтин ёриб берди.

— Бошқа ишингиз йўқми?— сўради яна.

— Ҳа, кўчага қочмоқчимисан? Одатингни ким билмас экан, бир кетсанг кечгача қорангни кўрсатмайсан!— деди онаси.

— Кўрқманг, узоққа кетмайман, лагернинг олдида бўламан.

Исмоил кўчага чиқди, аммо онасига айтганидек лагерга эмас, ўртоқлари Назир ва Абдувосиқниқига йўл олди.

Одатда ҳар қандай қишлоқ ёки маҳалла болаларининг ўз жўравошиси бўлади. Бундай «фахрли» номга энг кучли ва довюрак бола зришади. Исмоилни тенқурлари ичида абжири ёки паҳлавони деб бўлмасди. Устига-устак, чапанироқ бўлгани учун муомалани билмасди, гоҳида дағаллик қилиб бировнинг кўнглини яралаб қўйиши ҳам мумкин эди. Шунга қарамаздан доим атрофида болалар ўралашиб юришар, у билан ошно бўлишни ҳар ким ҳавас қиларди. Негаки, Исмоил чиранишни билмасди, зўравонлик қилиб ўзидан кучсизларни ёки кичкиналарни ноҳақ ранжитмасди. Йўқ, ақлли бўлгани учун эмас, юраги тоза, адолатли бўлгани учун безориликдан йироқ эди. Адолатпарварлик эса одамларни жипслаштирадиган энг зўр куч, энг қудратли оҳанрабо!

Бир тарафи баланд тоғ, иккинчи ёни сойга олиб тушадиган жарлик бўлгани туфайли лагерга олиб борадиган йўл жуда тор эди. Фақатгина лагернинг дарвозаси ёнида озгина текис сайхон бор эди ва сайхонда дам олиш кунлари болаларни кўргани келган ота-оналарнинг машиналари тиқилиб кетарди.

Исмоил қадамини эринчоқлик билан босиб, иккита оғайниси Назир ва Абдувосиқлар ёнида сайхонда пайдо бўлди. Уччовлон бир чеккада ётган катта харсангга бориб ўтиришди. Лагерь дарвозаси ёнида бўйнига қизил галстук таққан иккита бола навбатчилик қиларди. Исмоил мазахла тиржайиб навбатчиларга тикилди. Гарчи улар Исмоилга эътибор бермасликка ҳаракат қилишса-да, безовталанишганлари сезилди. Айниқса, биттаси хавотир ва шубҳа билан Исмоил тарафга қараб қўйди.

— Ўв олифталар, галстугинларни бир кунда неча марта ювиб, неча марта дазмоллайсанлар?— навбатчиларга гап отди Исмоил, Назир билан Абдувосиқ бу гапдан қийқириб кулишди.

Шаҳарлик ва еттибулоқлик болалар ўртасидаги муносабат нима учундир унчалик илиқ эмасди. Маҳаллий болалар кўринишдан одамовироққа ўхшаганлари учунми, шаҳарликлар улардан сал ҳадиксирашарди; ўз навбатида еттибулоқликлар лагерь болаларига ётсираб қарашарди, чунки уларнинг кийим-бошлари, хатти-ҳаракатлари, гаплари ғалатиноқ эди; кейин улар гўё ўзларини жуда доно ҳисоблаб, бу ердагиларни назар-писанд қилмаётгандек тутардилар. Балки, аслида унчалик бўлмаса ҳам, еттибулоқликларга шундай туюларди.

— Нега жавоб бермаяпти булар Назир? Ёки соқовмикин?— атай болаларнинг жигига тегди Исмоил,— Ҳа, айтгандек, булар ибратли пионерлар. Мураббия опалари қишлоқнинг болалари билан гаплашманглар, безори улар, деб тайинлаган. Агар гапига киришмаса, опалари қулоқларидан чўзғилаб, адабларини бериб қўяди.

Исмоил билан Абдувосиқ хандон отиб кулишди. Бирдан тепаларидан уларниқидан ҳам жарангдорроқ кулги эшитилди. Қарашса, тоққа олиб чиқадиган сўқмоқдан бир ўспирин тушиб келяпти.

— Қизиқчиликни жойига қўяр экансан, тан бердим,— худди эски танишлардек Исмоилнинг елкасига қоқди йигит.

Исмоил, ким бўлдикин бу хушчақчақ йигит, деб ҳайрон бўлди. Шаҳарлик экани аниқ, оёғида кроссовка, эгнида футболка ва эскириб кетган жинси шим. Дам олишга чиққанлардан бўлса керак — ёзда тоғма-тоғ санғиб юрадиган ҳаваскор альпинистлар кўп бўлади. Исмоил ўспириннинг мақтовига учмади, нима мақсадда гапга аралашганини билиш учун жим тураверди.

— Ишқилиб, сал опқочвормадингми?

— Нима деб олиб қочибман?

— Беш панжа баробар эмас деганларидек лагердаги болалар ҳам ҳар хил. Кўпчилиги суянса бўладиган асл болалар, ғирромликни билмайди. Лекин тўғри, Тошкентда шабада эсса, бу ерда туриб тумов бўлиб қоладиган бир-иккита ипакойимлари ҳам бор. Исмоил яна ҳайрон бўлди; нега энди бу йигит лагерь болаларининг ёнини оляпти?

— Билмадим, синашта бўлмаганмиз,— деди Исмоил,— бизларни ё назарга илишмайди, ё ҳазар қилишади. Ишқилиб, бизга сира яқин йўлашмайди.

— Ўзларинг гап отиб, мазах қилганларингдан кейин қандай яқин йўлашсин. Ундан кўра футбол командаси тузиб келларинг-да, ўртоқлик учрашуви ўтказинглар. Ёки полвонларни олиб келиб кураш бўйича мусобақа уюштиринглар.

— Ким билан кураш тушамиз, нави «паҳлавонлар» биланми?— навбатчиларга ишора қилди Исмоил, иккала оғайниси ҳиринглаб кулди.

— Анвар, бу ёққа кел,— навбатчилардан бирини чақирди ўспирин.

Жуссаси кичкинагина, нимжонгина Анвар уларга яқинлашди, одоб билан ёппасига салом берди.

— Мана бу аканг,— Исмоилга ишора қилиб гапирди ўспирин,— лагердагиларнинг орасида кураш туша оладиган бирорта бола йўқ деб куляпти. Ростдан ҳам шундайми, фақат ипакойимлар йиғилганми бу ерга?

— Қидирса топилиб қолар буларга бас келадиган болалар ҳам,— камтарлик билан жавоб берди Анвар.

— Топилишга-ку топилар-а,— Анварни писанд қилмай ўспиринга мурожаат қилди

Исмоил,— лекин бизларни лагерга ўлақолса қўйишмайди, буларни чиқаришмайди, мусобақани қаерда ўтказамиз?

— Мана мен чиқиб юрибман-ку,— деди Анвар.

— Сен билан кураш тушмаймиз-ку,— кулди Исмоил.

— Нега энди, мен йўқ демас эдим.

Анварнинг хотиржамлик ва ишонч билан айтган бу сўзлари болаларни ажаблантирди. Улар ҳазиллашяптими ё чиндан гапиряптими, билолмадилар.

— Биз қишлоқда ўсган бўлсак ҳам сизлар ўйлаганчалик тўнка эмасмиз, тенгқурларимиз билан олишда турамыз, ўзимиздан кичиналарга кучимизни кўрсатмаймиз.

— Ҳеч ким сизларни тўнка деб ҳисобламайди,— деди Анвар,— назаримда, мени менсимаяпсиз. Айтдим-ку, агар кураш тушсангиз сиз билан баробар олишардим.

Исмоил тиржайиб қўйди.

— Мана бу акамиз сенга ким бўладилар, билмадим-у, лекин менимча шуларга орқа қилиб гапиряпсан, болакай.

— Ғаффор акам бизнинг пионервожатийлар.

— Лекин, энага эмасман, ҳалол кураш тушишни истасаларинг халақит бермайман,— деди Ғаффор.

Олдинга Анварнинг чираниши ғалатироқ туюлган эди, Ғаффор аканинг гапи эса болаларни ҳайрон қолдирди. «Бу қандай пионер вожатий, болаларни ажратиш ўрнига «кураш тушаверинглар, халақит бермайман» дейдиган?..»

— Ана, ҳозироқ куч синашиб кўришимиз мумкин экан,— деди хотиржамлик билан Анвар.

— Шу ердами?— сўради Исмоил.

— Бўлаверади, менга барибир,— Анвар ҳамон хотиржам эди.

Исмоил оғайнилари Назир билан Абдувосиққа: «Нима дейсанлар, болакайни чалпақ қилиб ташлайми?» дегандек қараб қўйди. Улар текин томоша кўришга тайёр эдилар.

— Мақтанчоқнинг додини бериш керак,— деди Назир.

— Ишқилиб кетидан ишқал чиқмайдимми?..— хавотирланди Исмоил.

— Қандай ишқал?— сўради Анвар.

— Тарбиячиларингдан биронтаси кўриб қолса, уйга шикоят қилиб бормайдими?

— Ахир биз ўз хоҳишимиз билан кураш тушмоқчимиз-ку!..

Анвар ростдан ҳам кураш тушишга тайёр эди. Исмоилга гапни чўзиб ўтириш эриш туюлди. У: «Бўпти, мен тайёрман» дегандек олдинги рақибига ҳавола қилиб, ўзини асосий зарбага чоғларди. Охири: «Тураверамизми бир-биримизга тикилиб» — деди Анвар. Бу гап Исмоилнинг иззат-нафсига тегди. У Анварнинг белидан даст кўтариб, энди ерга ураман деганида ўзи чалқанча ағдарилди. Нима бўлганини пайқаб улгурмади ҳам. Ирғиб ўрнидан туриб, Анварга ташланди ва яна қандай қилиб ерга чалпақ бўлиб тушганини сезмай қолди. Бу гал у дарров ўзига келолмай ерда бир зум ётди. Кейин яна дик этиб ўрнидан турди, энди сал эҳтиёткорлик билан Анварга яқинлашди-да, бор кучи билан белига чирмовиқдек ёпишганди, барибир яна ўзини ерда кўрди. «Анварни қурмагурнинг жуссаси кичкина бўлишига қарамай жуда чайир ва эпчил экан, қандай қилиб чалиб йиқитганини билмай қолади одам...» Охири гал Исмоил кифти билан тушди ерга, зарб кучли бўлган экан, елкаси зирқираб оғрий бошлади. Ўрнидан туролмади, ўтирганича қолди. Анвар унга кўмаклашди.

— Хўп десанг, бўлди қилсак,— деди Анвар,— кучинг кўп бўлгани билан курашнинг приёмларини билмас экансан.

— Анвар республика биринчилигида самбо бўйича учинчи ўринни олган. Унинг таклифини адолатли деб ҳисоблайман,— деди Ғаффор.

— Курашда сен ютдинг, энди уришамиз,— қўлларини мушт қилди Исмоил аламазадалик билан.

— Уришсак сен зўр чиқасан...— бўш келди Анвар.

— Кураш-мусобақа, мушшлашиш — ўч олиш,— гапга аралашди Ғаффор.— Қани, бир дўстона қўл қисишиб қўйинглар!

Исмоил жиззакилигидан изза бўлганча, Анварга қўл берди.

— Баракалла, мана танишиб ҳам олдинглар. Агар хоҳласаларинг, кечқурун келинглар, зўр кино бўлади,— деди Ғаффор.

— Бизни лақиллатмоқчимисиз?— ишонқирамай илжайди Исмоил.

— Нега энди?

— Қишлоқ болаларини лагерга қўйишармиди? Директор опа жуда баджаҳл аёл. Тагин бизни деб гап эшитиб ўтирманг.

Ғаффор иягини қашиб, бирпас ўйланиб қолди.

— Гапингда жон бор, директоримиз темир интизомни яхши кўради. Лекин, мен битта гапирман, кечқурун келаверинглар, бирга кино кўрамыз.

— Жуда... бизларга яхшилик қилгингиз келиб қолди?

— Қойил!— хитоб қилди Ғаффор,— мен шунақа дангал гапни яхши кўраман. Сенинг фойданг тегиб қолиши мумкин, бизга! Гоҳида походларга чиқиб турамыз...

Агар малол келмаса, бизни бошлаб борардинг, ахир сен бу ердаги ҳар бир чўққини, ҳар бир сўқмоқни беш панжангдек биласан! Кейин, лагерлик ва қишлоқлик болаларнинг иноқ бўлишларини истайман...

— Тоққа бошлаб чиқишдан қочмаймиз,— деди Исмоил.

— Бўпти, кечқурун кутаман сизларни,— Ғаффор илдам юриб лагерь ҳовлисига кириб кетди.

Ғаффор Исмоилга ёқиб қолганди, буни у ўртоқларига ҳам билдириб қўймоқчи бўлди.

— Одатда вожатийлар ё қуруқ, ё насиҳатчи бўларди. Аммо бунга қойил қолдим, зўр йигит экан.

— Бизлар ҳам Ғаффор акадек вожатийни биринчи кўришимиз,— деди Анвар,— кечқурун албатта келинглар. Ғаффор ака айтдим, сўзининг устидан чиқади.

— Сенга ҳам тан бердим, бало экансан,— ҳовуридан тушиб, илиқ гапирди Исмоил.

— Истасанг бир-иккита приёми ўргатиб қўяман,— зигирча керилмасдан гапирди Анвар,— эпчил экансан, техникасини ўргансанг сендан яхши курашчи чиқиши мумкин.

— Ўргатсанг жон-жон дердим.

— Бўпти, эртага бешларда вақтинг бўлса кел, курашчиларнинг машғулоти бўлади, бирга қатнашасан.

— Менга рухсат этишармикин?..

— Ғаффор акадан илтимос қилсак, рухсат олиб беради.

— Зўр бўларди-да, эвазига ҳар кунни десанглар ҳам тоққа олиб чиқаман. Ғаффор ака рост айтдилар, бу ердаги ҳар бир чўққини беш панжамдек биламан.

Анвар «келишдик» дегандек илжайиб бош силкиди.

Исмоил иккала оғайниси билан чўмилгани сой томонга тушиб кетди.

Кечқурун Исмоил ваъдага биноан иккала оғайнисини етаклаб лагерь дарвозаси ёнига келди. Анвар йўқ, ўрнига бошқа бола навбатчилик қиляпти. Ичкарига қўймади.

— Бизни бош пионервожатийнинг шахсан ўзи таклиф қилган кинога,— деди Исмоил.

— Бирпас кутиб турларинг, ҳозир бориб ўзларидан сўраб келаман,— деди навбатчи.

— Нима, ишонмайсанми бизга?

— Гап ишониш-ишонмасликда эмас,— чайналди навбатчи,— ҳар ҳолда олдиларидан ўтган яхши...

Шу пайт узун аллеяда Ғаффор ака билан Анвар кўринди.

— Кираверинглар,— деди Ғаффор ака болаларга яқинлашиб,— охириги қатордан сизларга бешта жой ажратиб қўйдик.

Шундай одамлар бўладими, суҳбатлашсанг гапига тўймайсан, сира зерикмайсан, ҳеч ажраинг келмайди. Ғаффор ўшанақалардан эди.

— Ўзингиз биз билан бормайсизми?— сўради Исмоил.

— Битта фильмни икки марта кўролмайман. Иннайкиеин телевизорда футбол бор, «Пахтакор» ўйнайди. Менинг ўрнимга сизлар билан Анвар бўлади.

— Агар походга чиқмоқчи бўлсанглар бир кун олдин айтсанглар адамлардан рухсат олиб қўяман,— деди Исмоил.

— Нима, аданг...— Ғаффор тутилиб қолди.— Сени лагерь болаларига қўшгилари келмайдими?

— Йўғ-э, бунақа нарсаларга сира аралашмайдилар,— кулиб юборди Исмоил,— ёзда совхозда иш кўп бўлади, мен адамларга қарашаман.

— Э, гап бу ёқда дегин,— Исмоилнинг елкасига қоқди Ғаффор,— шу ёшингда адангга ёрдам берар экансан, демак, чакки эмассан. Совхозинглар нима етиштиради?

— Аслида боғдорчилик совхози. Чорваси, асалариси бор... Хуллас, қандай юмуш бўлса ҳам қилиб кетаверамиз.

— Зўр-ку!..— ҳайратланди Ғаффор,— Нима дединг, Анвар?

— Исмоилнинг гапларини эшитарканман, ўзимни дам олишдан бошқа юмушга ярамайдиган текинхўрдай тутаетирман...

Ғаффор Анварнинг гапидан дув қизарди.

— Гапинг тўғри.. Лагерга келамиз-у, атрофимизда қандай одамлар яшайди, нима иш қилишади, билмасдан қайтиб кетаверамиз... Лагерь бўлса, темир панжара билан ўраб қўйилган...— қизишиб кетган Ғаффор қўл силтаб гапга чек қўйди.— Бўпти, боринглар, бўлмаса кинодан кечга қоласиз!

Анвар Исмоил ва унинг ўртоқларини ёзги кинотеатр томон бошлади.

— Ҳоласизларми, нега Ғаффор ака бирдан тутатиб кетди?— Анвар болаларга қаради.— Ҳозиргина директор билан айтишиб қолишди.

— Бизнинг дастимиздан бўлса керак-да?— топқирлик қилди Исмоил.— Айтувдим-ку, опа бегоналарни лагерга қўйишга қаршилик қилади деб.

— Ҳа сизлар баҳона бўлдинглар. Адабий жиҳатдан айтсак,— жилмайиб сўзида давом этди Анвар,— тарбия муаммолари, педагогик назариялар тўқнашуви бўлди.

— Ким ютиб чиқди?

— Ғолиб ҳам, мағлуб ҳам йўқ. Ҳар ким ўз фикрида қолди.

— Аслида келмасак бўларкан, билувдима бизни деб Ғаффор аканинг гап эшитини.

— Гап эшитиш ҳам гапми, ишдан ҳайдалиб кетишига оз қолди. Лекин, мияси ишлар экан, опани уч-тўрт марта мот қилди. Битта гапи менга жуда ёқди; болалар ҳамма ерда бир хил, фақат ёмон тарбиячилар уларни қишлоқ ва шаҳарликларга ажратади, деди. Тўғри-да, баъзилар сизларни бизга ёввойи, ваҳший қилиб кўрсатишади. Яқинлашишга чўчйди одам. Ундан кўра танишиб, оғайни бўлган яхши эмасми? Ғаффор ака ҳам шуни талаб қилди. Масалан, мен жон-жон деб сен билан бирга адангга ёрдам бергани борардим. Лагерда эркинлик йўқ, ҳамма ёққа сафга тизиб олиб боришади, сафга тизиб олиб келишади. Юракларинг сиқилиб кетади. Бундай жойда қандай қилиб яхши дам олиш мумкин?

— Сен ҳам, боя ўзинг айтган педагогик назария бўйича, Ғаффор акадан қолишмас экансан,— Исмоил Анварнинг елкасига қоқиб қўйди.

— Э, булар Ғаффор аканинг гаплари,— кулди Анвар,— қани кетдик, кино бошланиб қолди.

Болалар қадамларини жадаллаштирдилар.

Кино кеч тугади, болалар Ғаффорни қидириб ўтирмадилар, Анвар билан эртага яна учрашишга келишиб, уй-уйларига тарқалдилар. Бироқ эртасига Исмоилнинг вақти бўлмади, у сахар туриб отаси билан совхоз кўрасига кетди. Қўйларнинг юнгини олиш палласи — оғир ва хуноб иш эди бу. Исмоил бир-икки қайчи ишлатиб кўрган, эпполмаганди. Шунга қарамасдан отаси уни ўзи билан бирга кўрага олиб борар, йигит кишига қирқ хунар оз деб ҳисобларди.

— Ада...

— Нима?

— Назирлар янги уй қуришар экан, ҳашарга чақиршияпти...

Ўғлининг феъли отага маълум. Қолаверса, ҳашар қишлоқ аҳли учун муқаддас, ундан ҳеч ким, ҳеч қачон бош товламайди.

— Майли,— деди отаси,— лекин, ҳашарга борсанг вақтинги бекорга ўтказма, устанинг ишига кунт билан разм сол, баҳона билан яна битта хунарлик бўлиб қоласан.

Исмоил бош силкиди.

Учинчи куни у лагерь эшигига бориб навбатчи орқали дўстини чақиртирди. Кўп ўтмай дарвоза ёнига югурганича Анвар етиб келди.

— Нега кеча келмадинг, тренировкага?!

— Иложи бўлмади.

— Бўпти, юр, ўн минутдан кейин машқлар бошланади. Ғаффор акам директорнинг ҳам, тренеримизнинг ҳам розилигини олдилар.

Ўша куни Исмоил лагерь болалари билан роса бир соат машқ қилди, курашнинг жуда кўп приёмларини кўрди, уларни ўрганишга ичида қарор қилиб қўйди. Кейин, Анвар билан хайрлашар экан, узр оҳангида гапирди.

— Машқларинг жуда ёқди-ю, лекин энди қатнашолмайман, Назирларникида ҳашар бор.

— Нима қиласизлар?

— Уй қуришмоқчи, ўзлари кўпчилик, ўн икки жон, жуда тиқилиб қолишган. Ўзинг биласан, ҳашардан бош тортиб бўлмайди.

— Мен ҳам ҳашарни яхши кўраман,— деди Анвар,— ҳўп дейишса тўрт киши бўлиб бизлар ҳам борардик.

— Кошкийди борсаларинг; қанча кўп ёрдамчи бўлса, шунча яхши. Фақат директор опанглар рухсат этармикин?

— Яна Ғаффор акани ишга соламиз, рухсат этади,— деди Анвар,— унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. Агар вақтинг бўлса ҳозир учрардик Ғаффор акага.

— Кетдик,— рози бўлди Исмоил.

Улар Ғаффор акани лагерь стадионидан топишди, болалар билан футбол ўйнаётган экан. У Анварнинг гапига диққат билан қулоқ солди. Жавоб беришдан олдин жичча фурсат ўйланиб турди-да, деди:

— Ҳашарга қатнашсанглар жуда яхши бўлади. Менга қолса бутун лагерь болаларини совхозга олиб чиқардим... Аммо ҳозирча директоримизни кўндиролмаяпман. Сизлардан бекитадиган сирим йўқ, тарбияда ошкоралик тарафдориман. Шунинг учун директоримиз билан нима масалада келишолмаганимизни сизларга ҳам айтиб қўймоқчиман. Ноила Мақсудовна албатта, ўзича ҳақ: мактаб ўқувчиларини пахтага олиб чиқиш ҳозир қоралаяпти, сиз эса болаларни ишлатмоқчимисиз, ахир улар лагерьга дам олгани келган деяпти. Бу фикрига қўшиламан. Тўғри, болаларни пахтага ҳайдаш жаҳолат, соғлиқларидан айриладилар, ўқишдан қолиб кетадилар... Лекин ёзда, дам олиш пайтида ярим кун-ярим кун ишлаш фақат фойда сенларга. Чиниқсанларга, меҳнат нималигини, ундан оладиган завқ нималигини биласанлар, баҳона билан озгина пул ҳам ишлаб оласанлар. Бекордан худо безор деганларидек иш билан овора бўлсанглар зерикмайсанлар ҳам. Совхозга келтирадиган фойдаларинг-чи! Нима дединг, Анвар?!

— Лагерда диққинафас бўлиб ўтиргандан кўра далага чиқиб ишлаганга нима етсин. Менимча, ҳамма болалар бунга жон-жон деб кўнади.

— Майли, Ноила Мақсудовна билан яна гаплашиб кўраман,— деди Ғаффор,— кўринишидан баджаҳлга ўхшаса-да, ўзи аслида ёмон аёл эмас. Бировнинг фикрини эшитишни билади, аччиғи тезроғу лекин дарров ҳовуридан тушади.

— Э, Ноила Мақсудовнага қўйиб берсангиз лагердаги ҳар битта болани целлофан қопга солиб асрайдилар,— ҳазил қилди Анвар.

— Унга ҳам осон тутма. Бирортангни ўт-бўтинга сал шилинадиган бўлса ҳам балога ўша қолади. Ҳар ота-оналар борки, арзимаган нарсага чанг чиқаради. Ҳа, масъулияти оғир Ноила Мақсудовнанинг. Бундай ишда ҳар қандай одам ҳам кўрқоқ бўлиб қолади. Лекин, сенларга ваъда бериб айтаманки, Ноила Мақсудовнанинг ўжарлигини синдирамиз. Балки совхозда ишлашга кўндиришим қийин бўлар, аммо ҳашарга борасанлар, жилла бўлмаса тўрт кишига рухсат олиб бераман.

— Қойилман сизга Ғаффор ака!..

— Фақат мақтама,— Анварнинг сўзини бўлди Ғаффор,— иннайкейин ҳашарга бормоқчи бўлсанг шартим бор.

— Биламан, ўзимизга эҳтиёт бўламиз, ҳеч қаеримизни майиб қилмаймиз, ҳўл меваларни ювиб еймиз...

— Бу ўз йўлига, шартим бошқа,— Ғаффор яна Анварнинг сўзини бўлди,— шартим шуки, ўзларинг билан бирга тўртинчи отряддан Нортойни ҳам олиб борасизлар.

— Ким у Нортойингиз?

— Кўрсанг танийсан, жуда тортинчоқ, қиздек мулоим бола. Ҳеч кимга қўшилолма, доим битта ўзи юради. Уйдагилари жуда эрка қилиб ўстиришганми, сира гап кўтаролмайди. Сал овозингни баландлатсанг кўзида филт-филт ёш пайдо бўлади.

— Нима кераги бор бизга унақанги «сувга тушган бўлка нон...»нинг?

Ғаффор жавоб беришга шовилмади. Кейин феъл-атвориға хос бўлмаган вазминлик билан гапирди.

— Биласанларми, гоҳида шу болага ачиниб кетаман. Агар кўрган бўлсаларинг лагерь ошонсининг орқасида катта чинор бор. Нортой бўш қолди дегунча ўша чинорнинг тағига бориб, қаққайиб тургани-турган. Нега шундай қиларкин деб бир кун ёнига бордим. Бордим-у, гапга солишга ҳожат ҳам қолмади, ҳаммаси аён бўлди қўйди. Чинорнинг тағидан шаҳарга олиб кетадиган йўл яққол кўринар экан. Бола бечора қачон уйимга қайтаркинман, деб соатлаб йўлга тикилиб тураркан...

Ғаффор шундай бир ўқинч билан гапирардики, Анварнинг ҳам, Исмоилнинг ҳам эти жимирлашиб кетди.

— Тортинчоқ бўлса бизлар билан ҳашарга боришга кўнармикин?— шубҳаланди Анвар.

— Бу ёғи сенларга боғлиқ, бир амаллайсанлар,— деди Ғаффор,— ҳар ҳолда кўнса керак, лагерда димиқиб ўтириш кимга ёқарди дейсан?!

— Бўпти, иложини қилармиз,— Анварнинг овозидан «гапингизни ерда қолдирмаймиз, Ғаффор ака» деган маънони уқиб олиш қийин эмас эди.

Исмоил Анварни тўртта ўртоғи билан эрталаб лагернинг дарвозаси ёнида кутиб турадиган бўлди. Ишнинг оғири Ғаффорнинг зиммасида эди: осонми Ноила Мақсудовнани «синдириш». Улар — директор ва вожатий — қарийб уч соатча даҳанаки жанг қилдилар. Ниҳоят, ҳолдан тойган Ноила Мақсудовна таслим бўлишга мажбур бўлди. Ғаффорнинг назариясини, яъни дам олишни меҳнат билан бирга ўтказиш истагини синаб кўришга розилик билдирди-ю, лекин ҳар эҳтимолга қарши ундан «Ҳашарда қатнашадиган ҳар бир боланинг жавобгарлиги зиммамда» деган тилхат ёздириб олди.

Кечки овқатдан кейин Анвар Нортойни Ғаффор айтган ўша азим туп чинор тағидан топди. Бу пайтда лагерда ҳаёт айниқса қизирди: спорт мусобақалари, танца, концертлар уюштирилди. Анвар узоқдан бирпас Нортойга тикилиб турди, қандай баҳона қилиб унга яқинлашишни, нимадан гап бошлашни билмасди. Нортой узун бўйли, қотмадан келган бола экан. Анвар бўлса паст бўйли, қачон бўйим чўзиларкин, деб орзиқиб кутиб юрарди. Шунинг учун усталик қилиб ўтирмасдан Нортойга яқинлашди-да, кўнглидагини очиқ айта қолди:

— Сендақа найнов бўлганимда волейболчилар командасига ёзилган бўлардим. Нортой ҳайрон бўлиб Анварга боқди, унинг кўзлари маъюс ва сокин эди.

— Эттига ўтдингми, саккизгами?

— Саккизга,— янада кўпроқ таажжубланди Нортой.— Нимаёйди?

— Мен ҳам саккизга ўтдим, аммо бўйимни кўр, сендан анча пастман. Найновларга ҳавасим келади.

— Мен бўлсам уяламан найновлигимдан,— ўнғайсизланиб тан олди Нортой.

— Нима, ялқовмисан?

Анвар борган сари кўпроқ Нортойни ажаблантирарди.

— Ялқовманми, йўқми, сенинг нима ишинг бор?

— Одатда ялқовлар, жисмоний меҳнат қилмайдиганлар теракдек ўсиб кетишаркан,— кулиб, гапни ҳазилга йўйди Анвар.

— Жуда ишчанман деёлмайман-у, лекин ялқов ҳам эмасман. Уй ишларини қилишдан қочмайман.

— Э, уй юмушлари нима бўпти. Эркак одам оғир ишларни қилиши керак.

— Мисол учун ер чопсин, ўтин ёрсин, уй қурсин...

— Бўпти,— юзига жиддий тус бериб гап қотди Нортой,— лагердан қайтсам сакизинчи қаватдаги уйимизнинг балконига тупроқ ташиб чиқиб терак экаман. Терак вояга етгандан кейин арралаб тахта қиламан, ана иннайкейин ҳовлининг ўртасига уй қураман. Агар адресингни бериб кетсанг, уй битганда сени меҳмонга чақираман.

Анвар шарақлаб кулиб юборди, Нортой эса тишининг оқини ҳам кўрсатмасди.

— Мана шунақа-да, ҳамма сенга ўхшаган, энди бир иш қиламан десам дарров кулги қилишади!

— Ҳасима оғайни, агар ишлашга росмана иштиёқинг бўлса юр, эртага шу қишлоқдаги битта хонадонда ҳашар қиламиз.

Нортой гумонсираб турганди Анвар Исмоил ҳақида, Ғаффор аканинг директордан тўртта болага рухсат олиб бериши ҳақида гапириб берди.

— Нега энди мени танладиларинг?

Анвар илжайиб гапни ҳазилга бурди:

— Нарвон қидирмаймиз. Ғиштми, тахтами, туниками, нима керак бўлса томга ўзинг узатиб тураверасан. Қора ишлар — лой қориш, гувала қуйиш, ёғоч арралаш бизнинг бўйнимизда.

Нортой биринчи марта жилмайди, қўлини Анварга узатиб:

— Бирга-бир,— деди,— ҳашарга оборсанглар жон-жон дейман.

Гап тугаган эди, лекин ҳар икки томон ҳам бир-биридан ажралишни исташмасди. Шу кеч улар кўпдан кадрдон ошнолардек узоқ суҳбатлашдилар.

Эрталаб Исмоил ушланиб қолди. Саҳар туриб уйдаги бир кунлик ишни икки соатда қилиб берганини, шунинг учун кечикканини болаларга айтиб ўтирмади.

— Кетдикми?— югуриб келгани учун ҳарсиллаб сўради у.

Келишилгандек лагердан тўрт нафар бола йиғилган эди. Ноила Мақсудовна билан Ғаффор ака ҳам шу ерда. Лагерь бошлиғи эҳтиёт бўлиш кераклиги ҳақида болаларга узундан узоқ панд-насиҳат қилди. Кейин, ҳар бир боланинг қўлига биттадан қоғоз халта тутқазди, унда колбаса, пишлоқ, тухум, печенье, хуллас, бир кунлик озуқа бор эди.

— Вақтида овқатланглар! Хўш, кун бўйи ишламанглар, пешинда икки соат дам олволинглар, кечқурун роппа-расо еттида шу ерда бўлинглар,— тайинлади Ноила Мақсудовна.

— Овқатдан хавотир олманг, оч қолишмайди,— деди Исмоил,— эрталаб нонушта қиламиз, пешинда ва кечқурун иссиқ овқат пишириб беришадилар.

— Ҳар эҳтимолга қарши «сухой паёк»ни ҳам олволаверинглар,— гапга аралашди Ғаффор,— иннайкейин Ноила Мақсудовнанинг гапларини яхшилаб қулоқларингга қуйиб олинглар, кимда ким ўзбошимчалик қилиб тартибни бузса эртага ҳашарга бормайди.

Шундан кейин кетишга рухсат тегди. Исмоил йўл бошлади, лагерлик болалар унинг кетидан эргашдилар. Назирларнинг ҳовлиси қишлоқнинг қоқ ўртасида, унча олис эмасди. Уй эгалари болаларни худди туғишган қариндошларидек очиқ чеҳра билан кутиб олдилар. Ҳовлининг ўртасида катта супа бор экан, меҳмонларни ўша ерга таклиф қилишди. Дастурхонда қаймоқ, асал, тандирдан янги узилган иссиқ нон...

— Кимда ким овқат емаса бизга кераги йўқ,— ҳазил аралаш гап қилди Назирнинг отаси Чори ака,— нега деганда овқатни яхши емаган одам ёмон ишлайди.

Супада Назир, акаси, دادасидан ташқари яна иккита одам ўтирарди. Биттаси миқтидан келган, думалоқ, қопқора киши; пастки лаби қалин ва осилиб тушган, шунинг учун оғзи доим очиқ ва худди илжайиб турганга ўхшарди. Иккинчиси ўзбекка сира ўхшамасди. У қотмадан келган, юзи қизғиш, қўнғир сочли, ингичка қошли, бежирим мўйлови ва сочи малларанг, кўзи мовий, қирра бурун одам эди.

Нонушта қилиб бўлганларидан кейин малла соч одам кафтини фотиҳага очди.

— Қани, вақт ўтмасин, омин...

Чори ака малласоч кишига қаради.

— Уста, бу ёғи сизга ҳавола. Мана бу жиянлар сизнинг хизматингизда. Мен баковуллик қиламан.

Малласоч ўтирган жойида болаларга кўз ташлади: қараши ўткир, худди одамни пармалаётгандек...

— Менга битта ёрдамчи бўлса кифоя, қолганлар Сотимбойга қарашаверсин, негаки Сотимбойнинг иши оғир,— деди у.

— Қуллуқ Феруз ака, қуллуқ,— деди Сотимбой,— лой иши дарҳақиқат оғир, лекин сизнинг кўланкангизда чарчоқ билмайди одам.

Феруз амаки Сотимбойнинг лаганбардорлик билан қилган бу сўзларидан на суюнди, на ғижинди.

— Агар рози бўлсалар, менга мана бу укамиз қарашиб турадилар,— деди у Нортойни кўрсатиб.

Феруз амаки шошилмасдан ўрнидан турди. Шу заҳоти бошқалар ҳам жойларидан

кўтарилдилар. Кимдир кийимини ўзгартирди, кимдир белигача яланғоч бўлиб олди, яна кимдир дастрўмолчасини бошига танғиб «дўппи» ясади — хуллас, ҳар ким ўзича ишга шайланди.

Назирларнинг ҳовлиси катта эди. Пастқамгина учта хонадан иборат уйлари кўчага терс тушган, ҳамма деразалари ҳовли томонда. Чап тарафда ўчоқбоши, молхона ва яна қандайдир хўжра бор эди. Ҳовли гўё иккига бўлингандай: уй олдидаги чорсигина жойга ҳеч нарса экилмаган, паст тарафи катта боғ. Янги уй боғнинг этагига тушади.

Сотимбой ака бир зумда ўз қўл остидагиларга ишни бўлашиб берди. Анвар билан Исмоил пойдевор ўрнини қазийди? Иккита бола кўчага, дарвоза тагига тўкиб қўйилган харсанг тошларни ташийди, Сотимбой аканинг ўзи эса лой қилди.

Чори ака ўчоққа ўтин қалаб, овқатга уннаб кетди.

Нортой Феруз амаки нега уни танлаганига тушунмади, оғир ишни эпловмайди бу нимжон бола, деб ўйлагандир-да, деган фикрга бориб сал кўнгли чўкди. Лекин кўп ўтмай бу фикридан қайтди.

— Қани, мен билан юринг-чи,— Феруз амаки уни боғнинг бир чеккасига, ходалар тахлаб қўйилган жойга бошлаб борди. Бу ерда йўғон харилардан тортиб Нортойнинг билагидек келадиган бағазларгача бор эди. Феруз амакининг қўлида кичкина таёқ: ходаларни уриб-уриб, товшини эштади. Унинг бу қилиғи Нортойга уйларига пианинони созлагани келган устани эслатди.

Уста навбатдаги ходани уриб кўриб, қандайлигини аниқлади, кейин Нортойга қаради. Нортой устага маъқул бўлганини англади-да, илдам бориб ходани бир ёғидан кўтарди, иккинчи ёғидан уста олди. Улар биринчи ходани ажратиб, четга олиб қўйдилар.

— Бир кўргандаёқ зийрак йигит эканлигини билувдим.— деди Феруз амаки Нортойга,— Ўзим инжиқроқ одамман, бефаросатларга сира тобим йўқ. Кейин, кўп гап — эшакка юк. Сизга ўхшаган битта қараганимда нима демоқчилигимни англаб оладиган уқувли одам керак менга. Шунда иш юришади.

Нортой суюниб кетди. Бош устага маъқул бўлиш ҳазилакам гап эмас. Кўп ўтмай таёқнинг сирини ҳам аён бўлди — ёғочнинг қуруғи ажратиларкан...

— Ишимиз жуда нозик, етти ўлчаб бир кесиш керак...

Нортой «тушундим» дегандек бош ирғаб қўйди. Феруз амакининг қўлида сантиметр билан бўр, қулоғига қалам қистириб олган. У ажратилган ходаларни сантиметр билан қайта-қайта ўлчарди, қалам ва бўр билан белгилар қўярди. Ҳа, шошилмасди, лекин имирсиламасди ҳам. Кўп ўтмай у бир талай ходага белгилар қўйиб чиқди.

— Исмингиз нима эди, ука?

Нортой исминини атади.

— Хўб, қани бўлмаса энди кучингизни кўрсатасиз, Нортой ука.

Улар ишни энг катта харини арралашдан бошладилар. Умрида арра тортмаган Нортой олдиниға довдираб қолди, ўзини кучли кўрсатиш учунми, шошилиб, бор кучи билан аррага ёпишди. Феруз амакининг жаҳли чиқмади, ётиғи билан ўгит берди.

— Аррани унақа қаттиқ босманг, ўз ҳолиға қўйиб тортаверинг, иннайкейин шошадиган жойимиз йўқ. Ҳа, кучни аяб сарфлаган маъқул.

— Хўп...— бош силкиди Нортой.

Улар яна арра торта кетдилар.

— Ана бу бошқа гап, ёғдек силлиқ кетяпти,— Нортойнинг кўнглини кўтарди уста.

Иш юришиб кетди. Вақт ўтган сайин бир ўлчовда арраланган ходалар сони кўпаяверди. Уста сезгир одам эди, аҳён-аҳён чой ичиш баҳонасида Нортойга дам бериб турарди. Ишнинг деярли ярмиси битганда Феруз амаки қаддини ростлади.

— Энди бундай, Нортой ука, мана теша, арраланган ходаларнинг пўстини шиласиз. Аммо жуда эҳтиёт бўласиз, тешани юза урасиз, фақат пўсти кетса бўлди, ходанинг танасига шикаст етказмайсиз. Мана бундай...

Феруз амаки битта ходанинг пўстини шилиб кўрсатди.

— Қани, энди ўзингиз бир руниб кўринг-чи.

Нортой теша билан ходанинг пўстини шилишга киришди. Уста унинг ишига бирпас разм солиб турди-да, рағбатлантириб қўйди:

— Дуруст, ҳадемай қўлингиз келишиб қолади, ортиқча куч ишлатмасангиз бўлди.

Феруз амаки Нортой тозаланган ходаларнинг учини теша билан йўнишга киришди, кейин бир қарич — бир қарич оралигида тешиклар ясай бошлади. Нима қияпти экан, деб ўйлади Нортой. Феруз амаки бу гал ҳам Нортойнинг хаёлини илғаб қолди.

— Уйни синчдан қураимиз. Илгарилари усталар умуман миҳ ишлатишмаган, асосан ҳисобни тўғри олишган, пона, ширачдан фойдаланишган. Ходаларни шу қадар бир-бирига мослаб йўнганларки, тишлаштириб қўйганларидан кейин миҳга ҳожат ҳам қолмаган.

— Тоғли жойда уйларни синчдан қурган яхши, нимага деганда тез-тез ер қимирлаб туради,— Нортой устага анча кўниқиб қолган эди, иннайкейин ҳадеб мум тишлаб ўтиравермай сал очилиб гаплашиш ҳам керак-да.

— Баракалла, синч минг йиллар давомида синовдан ўтган. Ҳозир кўпчилик пишиқ ёштга ҳирс қўйяпти. Бекор қиладилар, сиз айтганингиздек тоғли жойда синчдан ўтадигани йўқ.

Кун тиккага келганда Чори ака Феруз амакининг олдига келиб қўл қовуштиради:

— Уста, ош тайёр.

Феруз амаки қўлидаги ходанинг учини йўниб бўлиб, тешасини белбоғига қистирди-да, чўнтак соатини чиқариб қаради.

— Соат бир ярим бўлибди. Ҳали овқатга яраша иш қилмадик чоғи?

— Ешларни биласиз, уста, вақтида овқатланишмаса ичлари таталаб кетади. Қолаверса, лагерлик болалар бор, улар жадвал билан овқатланадилар.

— Ундай бўлса гап йўқ.

— Жойни сўрига қилдик, уста,— Чори ака ҳашарчиларга қараб баланд овозда эълон қилди,— шоввозлар, бўлди қилинлар, овқат тайёр!

Феруз амаки ариқ бўйига бориб муздек сувда юз-қўлини ювди. Нортой пайтдан фойдаланиб ўртоқларининг ишини бориб кўрди. Болаларга қойил қолди, росмана тер тўкишибди. Бўлажак уйнинг пойдеворини ярмисигача қазиб улгуришибди, тош, шағалларни уюм-уюм қилиб қўйишибди. Сотимбой аканинг лойи ҳам ҳалимдек бўлиб турибди.

— Қалай, Нортой, дурадгорликни анча ўрганиб олдингми?— сўради Анвар.

— Қаёқда,— жилмайиб жавоб қилди Нортой,— дурадгорликдан кўра алгебрадан масала ечган осонроқ экан. Нега деганда, ҳисобдан сал адашсанг тамом, ҳамма қилган ишинг бир пул!

— Миянг ишлашини билиб сени танладилар-да, мана биз — пўстаккаллалар, тупроқ қазиш билан оворамиз,— хандон отиб кулди Анвар.

Ҳамма дастурхон атрофига жамулжам бўлди. Болалар ҳеч қачон бундай мазали палов ейишмаган, ҳеч қачон шунчалик иштаҳа билан овқатланмагандилар.

Ошдан кейин катталар одат бўйича ўтириб пича чойхўрлик қилишди. Болаларнинг чойга сира товлари йўқ эди. Назир билан Исмоил кўз уриштириб олдилар.

— Ада, сизлар чой ичиб бўлгунингизча сойга бориб биттадан қалла ташлаб чиқайлик,— отасига ёлборди Назир,— жуда ҳам исиб кетдим, дарров қайтамиз.

Чори ака «нима дейсиз, уста» дегандек Феруз амакига қаради.

— Майли, сазалари ўлмасин, ҳалол ишлашди азаматлар,— Феруз амаки сахий одам эди.

Болалар қувончлари ичларига сиғмай ўринларидан ирғиб турдилар. Назир болаларни боғ орқали сойга бошлаб кетди. Улар кетишлари билан эшикда Ғаффор пайдо бўлди. У тавозени ўрнига қўйиб ҳамма билан қўл олишиб сўрашди. Меҳмонни дастурхонга таклил қилиб бир пиёла чой узатишди. Ғаффор қўлини кўксига қўйиб узр сўради.

— Раҳмат, ҳозиргина овқатланиб, чой ичиб келяпман. Болалардан бир хабар олиб кетай дедим. А, бу кўринишмайди?..

— Ҳозир келишади,— деди Чори ака,— сойга тушиб кетишди, чўмилгани.

— Нима?! Чўмилгани, сойга?! Тентаксоини биласизлар-ку, неча одамни оқизиб кетган?!.

Чори ака оғзини очиб улгурмасданоқ Ғаффор ҳовлидан ўқдек отилиб чиқиб кетди. У сой бўйига ҳаллослаб етиб борганида болалар офтобга баданларини товлаб қирғоқда чўзилиб ётишар, Анвар қумлоқда Исмоилга самбонинг приёмларини кўрсатарди.

— Ким... ким...— Ғаффор нафасини ростлаб ололмай ҳансирарди,— ким... рухсат берди?

Анвар вожатийга юзланди.

— Ўзимиз, тренировка қилаётувдик...

— Тренировкани айтмаяпман, чўмилишга ким рухсат берди?! Ахир сенлар бу ахорни билмайсанлар, номини бежиз Тентаксой деб қўйишмаган! Бултур битта студентимиз чўкиб кетди. Суви муз, оқими тошни думалатади, бошинг билан урилсанг борми, тамом, қайтиб чиқмайсан!

— Ҳаммасини биламиз, Ғаффор ака,— деди Исмоил,— чўмилаётган жойимизга қаранг, сойнинг четида, алоҳида ҳовузча, чуқур эмас, белдан келади.

У сакраб тушди-да, ҳовузчанинг чуқурлигини ўлчаб кўрсатди. Дарҳақиқат, Исмоилнинг белидан келар, оқим деярли йўқ, сув айланиб оқар, териби қўйилган тошлар орасидан сизиб чиқарди.

— Ўзимиз ясаганмиз, чўмилгани,— деди Исмоил.

Ғаффор енгил тортиб, ерга ўтирди-да, даструълчасини олиб юз-кўзидаги терини артди.

— Бу, Ғаффор ака дейман,— Анвар қув қараш қилди,— Ноила Мақсудовна ип эшолмас эканлар-а?!.

Гурра кулги кўтарилди.

Ғаффор ҳам хахолаб кулди. Анчадан кейин кутилмаганда директорнинг ёнини олди.

— Лекин, Ноила Мақсудовнани ҳам тушуниш керак... Назирларникидан сенларнинг олдларингга қандай етиб келганимни билмайман, ўтакам ёрилаёзди,— кейин сал ўкинч билан қўшиб қўйди.— Одамни унақа лақиллатиш яхшимас, ҳашарга борасанлар деб келишдикми, сўзда туриш керак. Чўмилишдан оғиз очмаган эдик-ку!

— Буларда айб йўқ, Ғаффор ака, мenden ўтди,— ҳамма учун узр сўради Назир,— чарчадик, бу ёқда ҳаво қизиб кетди...

— Бўпти, унутдик,— гинахонликни, чайналиб панд-насихат ўқишни ёмон кўрарди Ғаффор,— бундан буёқ ўзбошимчалик қилиш йўқ!

— Сув зўр экан, битта ташлаб чиқмайсизми, Ғаффор ака, маза қиласиз,— деди Анвар.

— Ташлаб чиқаман,— Ғаффор ечиниб қирғоққа яқинлашди, битта оёғини сувга тикиб, шу заҳоти тортиб олди,— вой, ях-ку, қандай чўмиляпсанлар?!

Ғаффор тиззасигача сувга тушди, қизиқчилик қилиб «вой-вой»лаб уввос кўтарди. Болалар унинг қилиғидан қотиб-қотиб кулишарди. Кейин, у сувга шўнғиди, зум ўтмай анҳорнинг ўртасида пайдо бўлди. Кучли оқим домига тортиб пастга судрарди. Аммо Ғаффор ҳовлиқиб қолмади, хотиржамлик билан сузиб нариги қирғоққа чиқиб олди-да, болаларга қараб қўл силкиб қўйди. Уларнинг ҳайратдан оғизлари очилиб қолганди. Биринчи бўлиб Исмоил ўзига келди.

— Балиқдек сузар экан... Бизнинг қишлоқда сойнинг нариги бетига ўта оладиган одам йўқ.

— Наҳотки?— сўради Анвар.

— Ёлғиз одамга йўл бўлсин... Лекин, катталар керак бўлиб қолганда кўпчилик бўлиб ўтишади.

Анвар Исмоилга саволчан назар ташлади.

— Соё унчалик чуқур эмас, фақат тез оқади,— тушунтира бошлади у.— Шунинг учун тўртта ёки бешта одам бир-бирларининг елкаларидан қучиб, доира ташкил қилишади. Ана иннайкейин доира секин-секин айланиб нариги қирғоққа, яқинлашаверади. Бир марта кўприкни сел олиб кетганда кўргандим, катталар шундай қилиб у қирғоқдан бу қирғоққа керакли нарсаларни олиб ўтишганди.

Ғаффор нариги қирғоққа, қандай дадил ўтган бўлса бу қирғоққа ҳам шундай хотиржам, пинагини бузмай ўтди.

— Лагерга борганимда чўмилганимизни Ноила Мақсудовнага айтиб бераман,— ҳазиллашди Анвар.— Бир саваласинлар!..

— Тўғри қиласан, фақат эси пастлар чўмилади бу сойда,— жиддий гапирди Ғаффор,— кўрдинг-ку, сув оқизиб кетди, яхшиям нариги қирғоқ ясси экан чиқиб олдим, сал қолди тошга урилиб абжағим чиқишига.

Ғаффор болаларни чўчитиш учун гапирдими ёки ҳақиқатан ҳам сув оқизиб кетди-ми ҳеч ким аниқ билмасди. Барибир унинг довураклигига қойил қолишди.

— Қалайсан Нортой?— Ғаффорнинг аслида «уйдагиларингни соғинмаяпсанми» деб сўрамоқчи бўлганини Нортой тушунди.

— Зўр!.. Хўп десанглар, ҳар куни ҳашарга келаман.

— Хўп деймиз,— мамнуният билан жилмайди Ғаффор.

Эртасига иш биринчи кунга қараганда унумлироқ бўлди. Бир метр баландликда пойдевор қуриб битказилди. Феруз амаки билан Нортой ҳамма ходаларни тозалалаб, йўниб, ишлатишга тахт қилиб қўйдилар.

Учинчи кундан бошлаб ишнинг асосийси Феруз амакининг зиммасига тушди, ҳамма унга қарашиб турди. Лекин бош ёрдамчи Нортой эди. Хода ташиш каби майда-чуйда юмушларни бошқалар қилар, Нортой эса синчни бир-бирига киритиб мустаҳкамлашдек нозик ишда Феруз амакига ёрдам берарди.

Бир ҳафтада синч қадаш битди. Энди синчлар орасига гувала териш қолди. Феруз амаки лойга қўл урмас экан.

— Бу ёғини сизлар қойил қилаверинглар,— деди у Сотимбойга.— Биз Нортой укамиз билан эшик, ромларни ясашга киришамиз.

Ром, эшиклар битгунича Сотимбой ака гувала териб, уйни қора сувоқдан чиқарди. Лагерлик болалар шу қадар ишга берилиб кетган эдилар-ки, кунлари қандай ўтганини ҳам сезмай қолдилар. Уйнинг томи ёпилиб эшик, деразалар ўрнатилган куннинг эртасига болаларнинг дам олиш муддати ҳам тугади.

Лагерда хайрлашув гулхани бўлди. Ҳашарда қатнашган болалар Назирни, Исмоилни ва яна беш-олтита еттибулоқлик болаларни гулханга таклиф этдилар. Хурсандчилик, шодийна ярим кечагача давом этди: ашула айтдилар, рақсга тушдилар, турли ўйинлар ўйнадилар.

Эртасига эрталаб Еттибулоққа болаларни олиб кетгани шаҳардан ўн бештача автобус чиқди. Табиийки, отрядларни автобусларга жойлаб, жўнатиш ишларига Ноила Мақсудовна бош-қош эди. У лагерь дарвозаси олдига чиқиб хангу манг бўлиб қолди: неча йиллардан бери турли лагерларда директорлик қилган, лекин бунақасини умрида кўрмаган эди. Қишлоқ аҳли кузатгани чиқибди. Қизиғи шундаки, кузатгани чиққанлар орасида уч-тўртта катталар ҳам бор. Бу ҳолдан таъсирланиб кетган Ноила Мақсудовна дарров Ғаффорни қидириб топди.

— Тарбия ҳақидаги баҳсимиз ҳали давом этади,— деди у.— Лекин, баъзи масалаларда сизга тан бердим...

— Раҳмат, Ноила Мақсудовна,— деди Ғаффор,— қотиб қолган одамлар бўлади,

уларнинг дунёқарашини ўзгартириш жуда қийин, ўшанақалардан эмас экансиз, шунга хурсандман.

Автобус ёнида шаҳарлик ва еттибулоқлик болалар хайрлашардилар.

Анвар Исмоил билан тил топишиб олган эди.

— Мана бу сенга, самбонинг ҳамма приёмларини ўргата олмадим, бу китобчада ҳаммаси ёзилган. Шунга қараб машқ қилсанг, бир йилга қолмай мендақаларни чирпирак қилиб ташлайсан.

— Ие, қаердан олдинг?— Исмоил суюниб кетганидан раҳмат айтишни ҳам унутди.

— Уйдагилар кўргани келишганда айтиб юборган эдим, автобуснинг шофёридан бериб юборишибди.

Исмоил китобчани ола солиб варақлай бошлади. Нортойни Чори ака, Феруз амаки, Назирлар ўраб олишган эди.

— Феруз амаки, менга дурадгорлик ҳунари жуда ёқиб қолди, сизга ўхшаган уста бўлаолармиканман,— деди Нортой.

— Зийрак йигит экансиз, кунт қилсангиз ўрганиб оласиз,— деди Феруз амаки. Гапга Чори ака аралашди.

— Энди Нортой ука, Анваржон ва бошқа оғайниларингиз билан яна келасизлар. Янги уйни ювамиз.

— Ҳа, албатта келасизлар,— тайинлади Назир ҳам.

Нортой ҳам, Анвар ҳам янаги йилга, албатта келамиз, деб ваъда беришди. Ваъдалари чин эди. Чунки, энди улар еттибулоқ деган бегона жойга, нотаниш болалар орасига эмас, қадрдон оғайнилари олдига, қучоқ очиб кутиб оладиган дўстлари ҳузурига келадилар. Бу ёқда Гаффор ҳам ўзида йўқ шод эди.

Мазмунли ўтсин...

Саратоннинг авжи. Қоқ пешин. Офтоб жазирама нурларини аямасдан сочмоқда, гўё ер қиздирилган тандиру ундан кўз илғамас дуд кўтарилаётгандек. Жониворлару ўт-ўланларнинг, дов-дарахтлару борингки, еру кўкнинг иссиқдан тинкаси қуриган, қимирлашга мадори йўқ. Ҳа, борлик мудроқ уйқуда, фақат расмларда ҳамма нарса шунанга қотиб қолгандек кўринади.

Деразаларига парда тутилган, кондиционер ишлаб турган салқин хонада Бўтавой бақага ўхшаб кўнишиб олган: тагида на кўрпача, на ёстиқ бор, гиламнинг ўзи. Кўрпача-ёстиқ одамни иситворади-да! Ухлаяптими ёки шунчаки кўзини юмиб мудраятими ўзи ҳам билмасди, билишни истамасди ҳам.

Телефон жиринглади. Олгани эринди, бўлмаса шундай ётган жойида қўлини чўзса етади. Яна жиринглади, тўхтовсиз жиринглайверди. Тинчи бузилган Бўтавой трубкани кўтаришга мажбур бўлди.

— Ким керак?— сўради ҳафсаласизлик билан.

— Сен кераксан,— деди трубкадаги овоз.

— Нима дейсан?

— Зериккандим, озгина гап сотмоқчиман.

— Сотақол.

— Кимлигимни биласанми?

— Йўқ.

— Билишни хоҳлайсанми?

— Менга барибир.

— Зўр экансану...

— Бўлмаса-чи...

— Каникулга чиқаётганларингизда синф раҳбаринглар нима деган эди?— гапираётган ўйинқароқ ва шўхроқ бола эканми, овози жаранглаб чиқарди.

— Эсимда йўқ,— Бўтавойнинг овози эса аксинча, зўрға эшитиларди.

— Бекорга лақиллаб юрмасдан каникулни мазмунли ўтказинглар, деганмиди?

— Деган эди, шекилли.

— Мазмунли ўтказаяпсанми?— бурролик билан сўради қарши томон.

— Утказаяпман.

— Зерикмаяпсанми?

— Йўқ. Каникулда сираям зерикмайман. Сурункасига бир йил каникул қилсам ҳам зерикмайман. Мен фақат ўқиш бошланганда зерикаман...

— Зўр экансан.

— Бўлмаса-чи!..

— Демак, яхши дам оляпсан.

— Ҳа, ёмон эмас.

— Лагерга бормадингми?

— Лагерда пишириб қўйибдимми!..

— Энди... ҳар хил тўғарақларга ёзилиб, ҳунар-пунар ўрганасан, янги танишлар

орттирасан, кино, концерт кўрасан. Уйда яккамоховга ўхшаб ўтираверасанми моғор босиб?

— Ўтиравераман моғор босиб, моғор босишни яхши кўраман.

— Зўр экансан.

— Бўлмаса-чи!..

— Ҳозир нима қиялсан?

— Сен билан гаплашяпман.

— Битта ўзинг ўтирибсанми?

— Битта ўзим.

— Ота-онанг қани?

— Кетишган.

— Қаёққа?

— Чўмилгани.

— Чўмилгани дейсанми?

— Ҳа, чўмилгани кетишган, Қора денгизга.

— Сени нимага олиб кетишмади?

— Мен сузишни билмайман.

— Борсанг ўрганардинг.

— Урганмайман.

— Нега?

— Эринаман.

— Зўр экансан.

— Бўлмаса-чи!..

Ҳамсуҳбатлар бир лаҳзага тўхтаб, нафасларини ростлаб олдилар.

— Нечанчи синфга ўтдинг?

Бўтавой жим қолди.

— Утдим-да,— ниҳоят жавоб қилди у.

— Майли, айтгинг келмаса қистамайман, бошқа нарса сўрайман. Яхши ўқийсанми?

— Тушунмадим.

— Баҳоларинг қанақа?

Бўтавой бу гал узоқ сукутга кетди. Эмакляб бориб холодильникдан «Тошкент» суви олди, пиёлага куйиб, симирди, яна жойига қўйди, ўрнига чўзилди. Ерда ётган трубкадан эса «алло, алло» деган товуш эшитиларди. Анчадан кейин у яна трубкани қулоғига тутди.

— Намунча шанғиллайсан?

— Билдим, ўқиш ҳақидаги гапни ёқтирмас экансан. Энди оғиз очмайман.

— Ана энди ўзингга келдинг.

— Футболни яхши кўрасанми?

— Фақат томоша қилишни.

— Футбол ўйнашни ёмон кўрадиган болани биринчи кўришим.

— Янглишасан...

— Ўлай агар!.. Ҳамма болалар ҳам яхши кўради футбол ўйнашни. Лекин, сенда-қасини биринчи кўришим.

— Кўриш эмас, эҳтимол биринчи эшитишинг.

— Ҳа, айтгандек, эшитишим. Аммо зўр экансан.

— Бўлмаса-чи!..

Ҳамсуҳбатлар яна бир лаҳза нафасларини ростлаб олдилар.

— Спорт билан ҳам шуғулланасанми?

— Шуғулланаман десам ҳам бўлади.

— Қайси тури билан?

— Анави бору... кўтариш.

— Оғир атлетиками, тош, штанга кўтариш?

— Ҳа. Лекин мен на тош, на штанга кўтараман. Умуман, бошқа нарсани кўтараман.

— Нима экан у?

— Қошиқ.

— Қанақа қошиқ?

— Қанақа бўларди, овқат тўла қошиқ-да!

— Зўр экансан.

— Бўлмаса-чи!..

— Лагерга-ку бормабсан, балки дам олгани бирор қариндош-париндошингникига борарсан: дала-палагами, бошқа шаҳаргами?

— Мен бунақанги қийин саволга жавоб беролмайман.

— Нимаси қийин, режаларинг қанақа деяпман, холос.

Бўтавой трубкани ерга қўйди, тургани эриниб яна эмакляб холодильникка яқинлашди, бир шиша «Пепси-кола» олди, очиб пиёлани тўлғизди, шошмасдан майдалаб ичди. Кейин эриниб яна трубкани кўтарди.

- Оҳ, ёзда «Пепси-кола»нинг олдига тушадигани йўқ-да! Бир кунда юз шишасини ичиб ташлашим мумкин.
- Билдим, режалар ҳақидаги гаплар ҳам ёқмас экан сенга. Лекин, мен бошқа нарсани сўрамоқчийдим. Хўш, уйингда ҳеч ким йўқ экан, кунингни қандай ўтказасан, демоқчиман. Балки китоб ўқирсан?
- Кўнглимни оздирма.
- Бўпти, китобдан ҳам оғиз очмайман.
- Умуман ақлли гаплар қилма, агар мен билан гап сотмоқчи бўлсанг...
- Зўр экансан. Мен ҳам шунақаман, ақлли гаплар эшитсам қайт қилиб юборай дейман.
- Одамга ёқадиغان гапни ҳам билар экансан-ку?..
- Отинг нима?
- Бўтавой.
- Лақабинг-чи?
- Қора таппи.
- Зўр лақабинг бор экан.
- Бўлмасам-чи!..
- Бир лаҳзага яна ўртага сукут чўқди.
- Исминми билишни хоҳлайсанми?
- Менга барибир.
- Наҳотки зигирча қизиғи бўлмаса?!
- Савол беришни ёмон кўраман.
- Ёмон кўрасанми ё эринаданми?
- Униси ҳам, буниси ҳам.
- Зўр экансан. Бир ҳисобдан савол беришни ёмон кўришинг менга жуда қўл келди. Нега деганда иккала тараф савол бераверса суҳбат қизимайди. Нима дединг?
- Балки...
- Лекин жуда зўр суҳбатлашяпмиз-а?! Гапни чиройли кетишини қара. Отинг нима? Ҳа, Бўтавой, лақабинг Қора таппи. Ростдан ҳам чиройли гаплашяпмиз-а?!
- Ҳа, силлиқ чиқяпти.
- Сен ёзни яхши кўрасанми, қишними?
- Ёзни.
- Мен ҳам ёзни кўпроқ яхши кўраман. Нимага десанг, қишда бир-икки марта қор ёғадию дарров эриб кетади, яраб чена ҳам учолмайсан. Ёзда эса тўйгунингча чўмила-сан, велосипед учасан, футбол ўйнайсан. Албатта ёз яхши-да!..
- Унинг учун эмас, ёзда каникул бўлади, шунинг учун ёз яхши.
- Зўр экансан.
- Бўлмасам-чи!..
- Биз ёзда мактабга бориб ремонтга ёрдам беришимиз керак. Сизлар-чи?
- Шунақа шекилли.
- Борасанми?
- Зарур келибдими, каникулни дам олишга чиқарган.
- Бундан чиқди, маҳалладаги якка-ёлғиз қарияларга ёрдам берадиган отрядларга ҳам аъзо эмасан?
- Нима, яна трубкани ерга ташлаб қўяйми?
- Кечирасан, билмасдан оғзимдан чиқиб кетибди. Аммо маза-маза сенга маза экан. Кун бўйи иш қилмасдан чўзилиб ётганга нима етсин.
- Кун бўйи чўзилиб ётмайман, тўрт маҳал физкультура машқлари қиламан.
- Йўғ-э?
- Боя айтдим-ку, тўрт маҳал қошиқ кўтариб овқат ейман. Кейин, олтидан бошлаб ярим кечагача телевизор кўраман.
- Сенга ҳавасим келяпти, дам олишни қойил қилар экансан. Айтгандек, иссиқ овқатни ким пишириб беради?
- Бувим.
- Бувинг бор бўлса, уй юмушларидан озод экансан-да?
- Бувим жуда чаққонлар, уй юмушларинигина эмас, кўча юмушларини ҳам қойил қиладилар.
- Кўча ишларинг нимаси?!
- Бозор-ўчар. Мана ҳозир ҳам ҳўл мева олиб келгани бозорга кетганлар. Мен кечаги шафтолини емайман, фақат бугунгисини ейман.
- Бувингга қарашиб турасанми, қари эканлар?
- Бўтавой яна трубкани ерга қўйди. Бориб холодильникдан ликобчада шафтоли олиб келди, биттасини пўстини арчиб оғзига солди-да, трубкани кўтариб қулоғига тутди. Жимжит, аммо гудок йўқ.
- Ҳалиям пойлаб ўтирибсанми?— сўради у.
- Ҳа, пойлаяпман! Намунча йўқ бўлиб кетмасанг?
- Ишим чиқиб қолди.

- Йўғ-э?! Наҳотки иш-пиш қилган бўлсанг?
 - Худо сақласин. Ҳўл мевадан гап очганинг учун шафтоли егим қистаб қолувди, туриб ўшани олиб келдим.
 - Евоссанми?
 - Чайнамасдан қулт-қулт ютвомман.
 - Зўр экансан!
 - Бўлмаса-чи!..
 - Уйинг қаерда?
 - Ростдан ҳам мени танийсанми?
 - Танимайман, қўлимга тушган рақамни териб телефон қилавердим.
 - Сен ҳам ўзимиздан экансан-ку!
 - Ҳа-да, эрталабдан бери узала тушиб ётувдим шипга чирт-чирт тупуриб. Бир маҳал, кел бирортаси билан телефонда валақлашай, деб дангал рақам тердим. Толейимни қара, сенга тушиб қолдим, бўлмаса бунақа ажойиб суҳбатдош қаерда эди дейсан?
 - Шуни айтсанг-чи!..
 - Қаерда туришингни, телефонингни номерини айт, қўнғироқ қилиб тураман.
 - Уйимиз Юнусободда. Телефон номерим олтита икки.
 - Зўр экан, телефон номеринг.
 - Ҳа, қийналиб ёдлаб ўтирмайсан.
 - Мен ҳам айтайми қаерда туришимни?
 - Узинг биласан.
 - Мен циркнинг ёнида тураман. Уйимиздан беш-олти минутли йўл-ку, лекин ҳеч тушмайман. Нима кераги бор жонни койитиб, ҳамма нарсани телевизорда кўрсатади.
 - Сен борган сари менга кўпроқ ёқяпсан.
 - Сен эса менга дарров ёқиб қолдинг. Гаплашинг ҳам зўр: шошмасдан, донадона қилиб гапирар экансан. Бугун ярим соат гаплашдик, янаги гап бир соатга етказамиз. Бўптими?
 - Кўрармиз.
 - Кўрармиз деганинг нимаси, ахир маза қилиб гаплашвоммиз-ку!
 - Олдиндан мажбурият олишни ёқтирмайман, елкамдан тоғдек босиб туради.
- Мен эркин қуш бўлишни яхши кўраман.
- Сени пўстаккалла десам, роса пихини ёрган содда муғомбир экансан, миянг ишларкан!
 - Нима, каникулда бошқа болаларга ўхшаб мактабнинг ремонтига қарашайми? Ё сен айтгандек, маҳалладаги қариялардан бирортасини оталиққа олиб, юмушини қилайми?.. Бэ-э...
 - Бай-бай-бай... Жуда зўр экансан-э!..
 - Бўлмаса-чи!..
 - Аттанг, гапимиз чала қоладиган бўлди, ойим овқатга чақиряптилар.
 - Бўпти боравер.
 - Яна қўнғироқ қилайми, дам олишингга халақит бермайманми?
 - Узинг биласан.
 - Узинг биласанинг нимаси, каникулни бекорга ўтказиб бўлмайди. Шунақа суҳбатлашиб турганимиз яхши.
 - Балки...
 - Майли, оғайни, яна телефонда учрашгунча хайр, каникулинг мазмунли ўтсин.
 - Узингни ҳам. Уфф...
- Бўтавой трубкани илди, худди оғир иш қилиб ҳориган одамдек қўлларини икки ёққа ёйиб чалқанчасига чўзилиб ётди. Ухлаяптими ё шунчаки кўзини юмиб мудраяптими ўзи ҳам билмасди, билишни истамасди ҳам.



Саъдулла Аҳмад

СУРМАРАНГ САҲАРЛАРДА

Навоий ҳайкали пойида

Бир руҳий чироғни этдимми поймол,
Урилиб хаёлот фавворасига?
Соғиниб келдим мен, боқмас у алҳол,
Бу янги дунёнинг оворасига?

...Оламни қаритгай шу битта армон,
Васлига етгунча қайта то унинг.
(Мен-ку, минг марталаб келиб кетарман,
Уруғи кўп, ахир, ёмон қовуннинг!)

Дунё, шул ҳикматдан огоҳ бўл, огоҳ,
Ўликлар ҳукми-ла тирик бу тарих.
Сўроқлаб келаркан бир «мажнун гумроҳ»¹,
Тош билан рўпара қилма, водариғ!

1967

Рубоб

Бир шўрликни йиғлатиб қўйиб,
Сўнг ўзлари қилдилар роҳат.
Абдулла Орипов. «Най».

Биламан, Хомердай куйлаши тайин,
Ун тортса кўзлари ўйиқ қамишлар.
О, қашқар рубоби, дардлар атайин
Сенинг юрагингни ўйиб олмишлар.

Сени яратдилар, бўлсин деб ҳамдард,
Ўзи йиғлайвериб тўйган одамлар.
Энди-чи, йиғлашнинг пайтимас ҳамда,
Юракни бой бериб қўйган одамлар.

¹ Навоий ибораси.

Энди фақат сени тинглайди улар,
Узоқ ўтганларни эсламак бўлиб.
Қўшилиб йиғлашни билмайди улар,
Сен эса йиғлайсан сочларинг юлиб...

Шу сабаб, торларинг чертиб туришса,
Узоқ фарёд қилсанг керак улардан.
Қайга борсин улар кертиб кўришса,
Алиф ҳам чиқмагач юракдилардан!

1967

* * *

Таёғингни ташла, йўловчи,
Қишлоқчилик, ахир, безарар,
Элдан бурун, гар ирилловчи
Итлар қарши олган бўлсалар.

Хурмайди ҳам улар ортингдан,
Кетганингга қайта оғриниб,
Ху, дўнглиқда, таранг тортилган
Йўлга бериб ётар бағрини...

Паст тушару улар ҳадемай,
Ҳар галгидай, дилдан берилиб,
Сув сепилган, жимжит, қадимий
Кўчалардан бошлар керилиб...

Рўйхуш бермас сенга қизлар-да,
Яширмасанг пичоқни белга.
Ўзбекчилик, ахир, бизларда
Қурол тутиб кирмаслар элга!

1967

* * *

Қора парда тутиб қўйдим юзингга,
Қора кунларимнинг шоҳиди — сурат!
Ҳамон жилмаясан келмай ўзингга,
Қора кўзларингга илоҳий қудрат...

Висол осмонида қалдирғоч эдик!
Баъзан султонлардек сурдигу сафо,
Мирзо Улуғбекнинг олтин тожидек,
Менинг толеимга қилмадинг вафо.

Жангда тож ютқазди султон Улуғбек...
Мен-ку, қимор каби ютқаздим сени!
Султон эмас эрдим! Аммо унингдек,
Бир зум бошгинамдан қўймасдим сени.

Сен-ку бошим узра бир гултож эдинг!..
Шундай бўладики, баъзан, одамлар
Тошни ҳам кўтарсанг, бошдан оларлар!
Олтин бўлганда ҳам қолар чоринг...

Сен-ку, бошим узра бир гултож эдинг,
Сенсиз кимга керак менинг савлатим?!
Бармоққа ўралган бир нах соч каби,
Сенинг қўлларингга кетди давлатим...

Бир йўла баридан маҳрум бўлдиму
Вале хаёлингдан бўлмадим озо.
Ётлар сени бошга кўтаролдимми?
Бугун тожларнинг ҳам бозори касод...

Қирол Лир тахлити мен-ку, баҳарнав,
Алафлардан чамбар тақиб юргайман.
Нурсиз юлдузларни қилгайман тергов,
Осмоннинг бағрини ёқиб юргайман.

Тонгларда Чўлпондай ёниб беармон,
Хаёл осмонида туриб қолгайман.
Телба Қирол каби бергайман фармон,
Яна ҳуқуқимни қўлга олгайман...

Менга поёнсиздир...кўкнинг этаги,
Ишқинг хаёлимдан уйғотмаса бас!
Уйғонган кунимда яна Лир каби,
Ердаги қисматдан узилгай нафас...

1968

* * *

Аё дўстлар, мен зар излаб келган эмасман,
Бойлик излаб келганларга дунё тангу тор...
Кирдим Тоқи Заргаронга, заргар эмасман,
Мен ошиқман — ўз торини излаган дутор.

Бошга соя солганида шу кўҳна гумбаз,
Афсун айтди қулоғимга эртак илоҳи:
Не ажабким, Торобийнинг қозикда эмас,
Ҳарб майдони узра қолмиш экан қулоҳи...

Бугун унда ёр васлига етолмай сарсон,
Кўршапалак бўлиб қолган шўрлик ҳисларим,
Ўз-ўзига суқлангудай ёш ҳам эмасман,
Жуда эрта севиб қолдим, десам, дўстларим!

Ошиқлигим бошга тушган мусибат эди,
Шундан ўзга нолигулик не кўрдим букун.
Тилсиз ишқки бир ўртада хусумат эди,
Шоирнинг ҳам кўзларини ўйдилар у кун...

Ўкинчларим қалби қотган қизларга эмас,
Зотан лутф ҳам сўрамасман, ўзни тиғламанг!
Сиз ўйламанг, кўз ёшларим сизларга эмас,
Сиз қанотсиз тақдиримга асло йиғламанг!

Рудакийнинг кўз нурини излаб ғазалдан,
Бу кун тарих ёқасидан тутмоқда нолам.
Шоир дунё қисматига йиғлар азалдан,
Шоирларнинг қисматига йиғлайди олам!

1968

* * *

Маърифатга

Фалак гардишида, нима ҳам бўлиб,
Сен билан келибмиз дунё сайлига.
Кеча-кундузларни оралаб юриб,
Сени айлантирай, юргил, майлига.

Мен-ку, шоир бўлиб, Данте эмасман,
Сен ҳам беҳиштдаги Беатриче эмас.
Аммо-чи, менга ҳам бош эгар осмон,
Хўп десанг, кўкларга учайлик бир пас!

Осмоннинг жилваси жаннатга ўхшар,
Юлдуздай ёнса-да, толе деганинг.

Юлдуз-ку, сўнмагай то рўзи маҳшар,
Аmmo сен унутма, хокий¹ эканинг.

Бас, жоним, юлдузга қўймагил ҳавас,
Шунча термилганинг, бас, етар энди.
Ерда бўлганида, у ҳам нур эмас,
Сенинг кўзларингдай ёш тўкар эди...

Мунажжим эрмасман, боқиб юлдузга
Тақдир тахтасида очиб берсам фол.
Билмам, не каромат кўрсатар бизга
Ўн тўрт кунлигидан букчайган ҳилол?

Осмонда осондир, заминда қийин
Меҳр кўргазмаклик балки қуёшга?
Одамлар пайпаслаб кўргандан кейин,
На ҳожат кўтариб юрмоқлик бошга?!

Бекадр бўлмасми қуёшнинг васли,
Сенга олиб берсам, ўтиб қўлма-қўл...
Муқаддас нарсалар, жонгинам, асли,
Қўл етмас жойларда тургани маъкул!

Осмоннинг жилваси жаннатга ўхшар:
Бағридан юлсанг ҳам ҳар қанча юлдуз,
Осмон-ку, сўнмагай то рўзи маҳшар,
Ернинг тунлари ҳам бўлмагай кундуз...

Азал қонунлари қойимдир, қойим,
Томошабоғ — дунё, бўл ундан озод;
Ажал дарвозаси очиқдир доим,
Ошиқ кўнгилларни шод этайлик, шод!

1968

Навбаҳор ҳикояти

Баҳорларда гул очди оҳим,
Ешларимдан шудринглар тақди,
Кулиб боқди аввал илоҳим,
Сўнг танамга оловлар ёқди.

...Балки бир кун бу сирни ечар,
Уйқусизлик теккан қарилар,
Деразамдан тушиб бир кеча
Олиб қочмиш мени парилар.

Пари мени кушдай учирди,
Учаётиб оҳ тортдим узун.
Оҳим ойни уриб туширди,
Бориб кўрдим бошига ўзим.

Бориб кўрдим ойдаи қиз экан,
Оқарибди пахтадай юзи,

Онасига қиз ёлғиз экан,
Томоғида сиртмоқнинг изи...

— Суриштириб ўлтирмоқ нечун,
Бекоргамас балки бу ишлар?
Бевафолик қилгани учун
Намойишга осиб қўймишлар, —

Шу гапларни энди галма-гал
Ўтказган ҳам эдим кўнглимдан,
Қиз ёвқараш қилиб бир маҳал
Оққуш бўлиб учди кўлимдан,

...Учирганим бир оққуш эди,
Оққуш қувиб юрган эмишман.
Бу дунём-ку ўзи туш эди,
Тушимда туш кўрган эмишман.

1971

* * *

Сурмаранг саҳарларда
Саҳро сари от сурсам...
Қайда қолдинг, Саманим?!

Қаҳри қаттиқ қумларга
Чечакдай чирой берсам...
Қайда қолдинг, Чаманим?!

...Ич-ичимдан той кишнаб;
Тошиб келса сой пишнаб...
Яшнаб кетди баданим!

Шу — сен бўлсанг керак-да,
Гўдакликдан юракда —
Йўргакланган Ватаним!

1976

¹ Хокий — ерлик маъносида.



Алишер Мақсумов

ҶОРРАҲАДА ҚОЛГАН ОБЛА

Кичик қисса

Болалар ҳақида ўйлангиз!..
Эдсон Арантес до Насименто-Пеле

— От ҳуркиб орқасига тисарилганди, арава йўлдан силжиди-ю, чуқурликка қараб оға бошлади. Бўйинча, айил, қайишлар билан чандиб ташланган жонивор оёқларини тираб қанчалик тиришмасин, чираниб пишқирмасин, барибир арава уни ўзи билан бирга тортиб кетди. Чуқурдан оғир гурсиллаган овоз эшитилди.

— Азонлаб туриб бу нимаси эди-я?! — дўкончилар расталарини ташлаб югургилаб қолишди. Бирпасда чуқур атрофига одам йиғилди. Ҳамма ёқдан савол ёғиларди:

— Ким ҳуркитди?

— Эгаси қани? Эй, эгасини чақиринглар!..

Кимлардир от-арава эгасини ахтариб кетди. Тезда аравакаш ҳам етиб келди. Узун мўйловли, барваста. Тўпланиб турганлар, ҳозир ваҳимага тушади-ю, уввос солади, деган хаёлда эди. Аммо у ҳеч нарса бўлмагандек пинагини бузмай, отини қутқариш учун хотиржамлик билан чуқурга сакради.

От, тўрттала оёғи осмонда, арава тагида ночор аҳволда ётар, типирчилаб ўрнидан турмоқчи бўлар, даҳшатли пишқирар, аммо қулаган жойининг торлиги, ҳатто қимирлашга ҳам иложи қолмаганидан жон аччиғида кўзлари косасидан чиққудай бўлиб эгасига термуларди. Унинг ақлли, аянчли кўзлари атрофдагиларда ачиниш, шафқат туйғуларини уйғотар, бу уларнинг юзларида аксланар, бироқ ҳеч ким ёрдамга жазм этолмас, томоша қилишдан бошқа нарсага ярамасди.

— Ҳозир ўлиб қолади!..

Тўда ичидан ёш боланинг нолиши эшитилди. Ҳеч ким унга қайрилиб ҳам қарамади. Кўпчилик пастга энгашиб, отни кузатарди.

— Аввал отни аравадан бўшатиш керак!... Кейин...

Атрофдан маслаҳатлар ёғилар, амалда гапирётганларнинг биронтаси ҳам чуқурга

тушиб, аравакашга ёрдам беришни ўйламас, ё ҳеч кимнинг хаёлига бундай фикр келмасди.

Ниҳоят, аравакаш ёрдамга келиб қолган деҳқонлар билан аравани ташқарига чиқариб олди.

— Ҳа, баракалла азамат! Ана энди, отни кўтариш керак. — Хўрозбоз мўйсафид ҳаммадан кўпроқ шовқин-сурон кўтарарди. — И-и... эҳтиёт бўл, болам, тегиб юбормасин тагин!..

Чуқур атрофига борган сайин одам йиғиларди. От, араванинг қулаши баҳона танишлар учрашиб қолишган — гурунг, суҳбат қизигандан қизирди. Ахири аравакаш отни ҳам чуқурдан чиқариб олди. Атрофда шодон қий-чув кўтарилди.

— Ҳеч қаерига шикаст етмаганмикин?

— Пича етакланг!.. Сув беринг!..

Барваста аравакаш ўша-ўша хотиржамлик билан отини етаклади. У пича оқсоқла-ниб, сўнг оёғини ровон боса бошлади. Кимдир челақда сув тутди. От ташналик билан сувни шимириб ичди. Ҳамма хурсанд. Шу пайт бирдан аёл кишининг чинқирган товуши эшитилди.

— Вой шўрим!.. Шўрим қуриди!..

Давра қалқиб, овоз эшитилган томонга оғди.

— Уғри!.. Уғирлади!.. — ўрта ёшлардаги чиройли аёл, ранги қум ўчган, оёқ-қўли титрар, катта кўзлари одамларга жовдираб қараб турарди.

— Ким? Ким ўғирлади?

— Билмайман! Вой, билмайман-э!..

Одамлар бир-бирларига хавотирлик билан қарашар, ҳамма ўзидан хижолат чекар, аёл чамаси нарсасини биринчи мартаба ўғирлатган шекилли, дир-дир қалтирарди. У атрофга жовдираб қараб, яна тилга кирди.

— Халтамни қўлимда ушлаб тургандим-а!.. Рўмолимни тўғриламоқчи бўлиб ерга қўйишимни биламан, қарасам жойида йўқ...

— Эҳтиётроқ бўлмайсизми холажон, — деди бир йигит.

— От бояқишга раҳмим келиб, ўшанга қараб хиёл алахсибман... — аёл айбдордек бошини эгди.

— Ёнингизда ким турганди, эслай оласизми? — сўради кимдир.

— Ёнимда... Э эсим қурсин, мен билмасам... — аёл эсламоқчи бўлиб, қўли билан пешонасини силади-да, бирдан жонланди. — Йўқ, тўхтаг, ёнимда — тахминан ўн ёшларча келадиган бир зумраша турганди. Уша! Худди ўша жувонмай олган!..

Одамлар орасида ғовур-ғувур бошланди:

— Уғрининг қари, ёши бўладими-я...

— Нима, бозорга биринчи мартаба тушингизми?..

— Бозор-ўчарни раҳматлик эрим қиларди, — энди аёлнинг жаҳли чиқабошлади. — Тушганман-э!.. Аммо бозорнинг бунақалигини туш кўрибманми. Ер юткур ўғри бад-башара бир махлуққа ўхшаса керак деб юрардим.

— Халтангизда нима бор эди? — сўради кимдир.

— Халтадами? Нон, картошка, яна...

— Яхшироқ эслаб кўринг.

— Ҳа, айтгандай, икки кило мош олгандим, болаларга мошкичири қилиб бермоқчийдим...

— Бола-чақани боқаман деб эсанкираб қолибсиз... — келишган бир йигит аёлнинг ёнига халта қўйди. — Мана бу эмасми?

— Вой... Худди ўзи!.. Илойим умрингиздан барака топинг! — аёлнинг кўзлари ёшланди.

— Йиғламанг. Қаранг-чи, ҳамма нарсангиз жойида эканми?

— Жойида. Кармоним ҳам...

Аёл ўзида йўқ хурсанд эди. Кейин, кармони ғилофини очди. Қаради-ю, бирдан бў-шашди, юзидаги қувноқ табассуми йўқолди. Ҳаммаси тушунарли: ўғри пулни олган-у, жуфтакни ростлаганди.

— Пулингиз қанча эди? — давра олганлар бараварига сўрашди.

— Бир сўмлик — сўлкавой, яна етмиш саккиз тийин...

— Жуда инсофли ўғри экан, пул олибди-ю, кармонни ташлаб кетибди...

— Қанийди шунақа ўғрига йўлиқсанг!..

— Балки мошкичири егани келар?!.

Кулги кўтарилди. Аёл ҳар тарафдан ёғилаётган савол, аския ва кулгидан довдираб, нима дейишни билмай қолганди. Одамлар бироз тинчигандан сўнг, бир киши аёлнинг ёнига келиб, меҳрибончилик қилди.

— Бу гаплардан хафа бўлманг янга, ҳазиллашишяпти. Пулингиз чиндан ҳам бош-кўзингиздан садақа бўлсин.

— Ҳа, ҳа, тўғри айтасиз. Уғри ўлгур инсофлик экан, нимасини айтасиз иним, — деди аёл кўзлари жовдираб. — Айтганингиздай, бош кўзимдан садақа. Балки, ҳеч кими йўқдир. Балки, етимчадир...

Одамлар аста-секин тарқалишарди. Аёл ҳам нималарнидир ўзига ўзи гапириб, қўлида харажатлар халтаси, автобус бекати томон йўл олди. Аравакашнинг ҳам вақти чоғ. У ҳам аравасининг у ёқ-бу ёғини кўздан кечириб, бир сакрашда устига чиқиб олди-да, одам билан тўла бозор кўчадан, «пўшт-пўшт»лаб отини елдириб кетди.

Аёл автобусларнинг бош манзилига келиб тўхтади. Чарчаганидан уф тортиб, қўлидаги оғир юкини ерга қўймоқчи бўлганиди, бирдан бояги воқеа эсига тушиб, халтасини маҳкамроқ ушлаганича, ён-верига хавотирланиб қаради. Биронта ёш бола йўқ. Хотиржам бўлиб автобусга чиқди. Утирди. Хаёл суриб деразага тикилиб қолди. Автобус энди юрган ҳам эдики, аёлнинг кўзи икки юз метрча чамаси наридаги гўшт дўкони ёнида турган бояги «ўғри» болага тушди. У «вой ўша!» дейишга улгурди, холос. Автобус шитоб билан кетиб борарди.

* * *

— Ҳожи-и!..

— Ҳожиакбар уйда йўқ! — бақириб берди Зухра хола ўтирган жойида. Сўнг бошидан тушиб кетган рўмолини зарда билан тўғрилаб, ўпкасини тўлдириб «уф» тортди. — Мунча бақиради-я! Эрталабдан бери шу аҳвол. Ҳожиакбар ҳам қуриб кетмасин илойим. Миямни қоқиб кўлимга берди...

Зухра хола ўрнидан туриб, қўлига обдастани олди-да, ариқ ёнига борди. Келинлари кир чайишарди.

— Ҳой келин пошша, бу, Ҳожиакбархон қани?

— Анҳорга чўмилгани кетди-и-и-и!.. — Кўчадан яна бояги боланинг чийилдоқ овози эшитилди.

— Қанақа безбет бола экан-а, бу?! Йўқол бу ердан, ҳе уяти йўқ!

— Уятим бор, бо-о-ор!..

Келинлар бир-бирларига маъноли қарашиб, мийиғларида кулиб қўйишди. Бу ҳол Зухра холанинг ғашига төгди.

— Ҳой келин пошша, Ҳожиакбархон қани деб сўраяпман сиздан!

Бу учирма гап катта келинга тегишли эди. У бугун эри билан аразлашган бўлиб, эрталабдан қош-қовоғини уюб олганди. Хўрсиниб «товба» деди-ю, индамади. Урнига кичик келин бидирлаб жавоб қайтарди:

— Вой, биз қайдан биламиз-а... Эрталаб чой ичиб, кўчага чиқиб кетганларидан бери ҳалигача қораларини кўрсатганлари йўқ. Кейин, ўзингиз ҳам шу ердасиз... кўриб турибсиз-ку!

Зухра хола индамасдан обдастага сув тўлдириб, ўрнидан турди. Келинларининг қилиқлари маълум. Попикларини қанақа қилиб пасайтириб қўйишни яхши билади. У таҳорат олгани ҳаник ёнига бориб, пўнғиллади.

— Ҳали Маҳмудхон ишдан келсин, ҳаммасини бирма-бир айтиб бераман. Айтмасам бўлмайдиганга ўхшаб қолди. Боплаб жиққинасини эзиб қўйсин у яшшамагурни!

Хола ер остидан келинларига қараб қўйди. Бу сўзлар Ҳожиакбархон тўғрисида айтилган бўлса-да, аслида келинларига тааллуқли эди. Катта келин ўзгарди. Овсинининг боши қуйи солинганини кўриб, кенжа келин ҳам жим бўлиб қолди. Зухра хола мағрур: «Бу даргоҳда мендан бошқа ҳеч ким ҳукмронлик қила олмайди». У кеналиб, кервозланиб ичкари уйга кириб кетди.

Келинлар нафас чиқаришмайди. Бир ёғи қайнона, юзига тик қараш одобдан эмас, орқасидан гапириш хунук. Ҳарқалай бир нарса деб аламдан чиқиш керак-ку! Катта келин вазмин, кенжаси ёш. У чидаб туролмади:

— Ойимла қизиқлар-э, ўғилларини ўртоқлари «Ҳожи» деб чақиришар экан-ку, биза «хони»ни қўшиб чақирмасак хафа бўладилар.

— Ҳожиакбархон! — ташқаридан бояги боланинг овози эшитилди.

— Ҳалиям кетмабди-я, ўлиб кеткур!

Катта келин, қайнонасининг заҳар-заққум сўзлари таъсирида, жаҳл билан эрининг тоғорадаги шимини ғижимлай бошлади. Қани энди, шим экан-ку, бошқа нарсаларни ҳам тилка-пора қилиб ташласа!.. Илож қанча, тоғораларнинг тарақ-туруқи, мағзаванинг шалоп-шулуп сепилиши тинди, ювилган кирлар дорларга илинди, қошлар ўсма билан суғорила бошланди.

— Ҳожи!.. Ҳожих-о-н!..

— Балога йў-л-и-қ!.. Ҳалиям кетмабди-я!

Кенжа келин чўчи тушиб, ўсмани юзига чалпиб юборди. Кўзлари ачишди. Жаҳл билан ўрнидан турди-ю, ёнида турган сув тўла челақни олиб, эшик устидан кўчага сепди. Кейин бопладимми, дегандек ғоз юриш билан жойига келди. У энди ойнага қараган ҳам эдики, кўчадан қиқир-қиқир кулги эшитилди.

— Уф... Мунча қилиғи совуқ, бу болани!

— Анави етимча бола. Жар маҳалласидан... — катта келин хўрсиниб қўйди. — Ота-онасиз — бошвоғсиз...

— Опа, — деди кичик келин атрофга қараб олиб, — онаси «ёмон» хотин бўлгани ростми?

— Қайдам... Эри ташлаб кетганини биламан. Одамлар... ҳар хил гапиришади.

— Нима дейишади?

— Гап кўп. Қийин-қийин болага қийин!..

Кенжа келин овсинининг сўзларини эшитарди-ю, нигоҳини ойнадан олмасди. У ёноғидаги майда қизилчани кўрди-ю, кўнгли бузилди. Аммо буни овсинига сездирмади.

— Шунақа қилиб, онаси иккита эрга теккан денг?..

Катта овсин индамади.

— Биласизми, тунов куни мулла акам Ҳожиакбархонни роса урдилар: «ўша бола билан ўйнаганини кўрсам, каллангни оламан» дедилар.

Катта келин талтайди.

— Акаси, уради-да!..

Кичик келин жим қолди ва бирдан овсинига юзланди.

— Опа, Раҳматхон акамла кеча менга бир нарса олиб келдилар...

— Нима экан?

— Ойимлага айтмайсиз, хўпми?

— Хўп. Нима экан ўзи?

— Ҳозир ўзингиз кўрасиз, — кенжа келин зипиллаб ичкари уйга кириб кетди ва зум ўтмай қўлида бир кийимлик атлас кўтариб чиқди.

— Жухут атлас-ку!..

— Ҳайитгача тиктириб оламан. Енгини калта қилиб тиктирмоқчиман!

Овсинининг ғайирлиги келди, энсаси қотиб деди:

— Ойимла енгини калта қилиб тиктирмайдила!

— Жуда ғалатила-я! Нега унақа қиладила?

Йўлакда ёш боланинг додлагани, эркак кишининг сўкингани эшитилди.

— Амакижон қўйиб юборинг, иккинчи қилмайман!

Икки овсин жим бўлиб қолишди. Хиёл ўтмай ҳовлига савлатли мўйсафид киши кириб келди. Келинлар қайноталарини кўриб ўринларидан туришди, салом бериб, ичкари уйга йўл олишди. Ичкаридан Зухра хола чиқди.

— Келдингизми, адаси? Ассалому алайкум!

— Чакмонни ол! Манави итвачча эшикда нима қилиб юрибди?

— Қайдам...

— Йўқол!..

Зухра хола эрининг чакмонини ечиб қозиққа илди, калишини артди, қўлига обдас-тада сув қуйди. Кейин, эр-хотин ичкари уйга кириб кетишди. Ҳовлига сукунат чўкди.

* * *

Илгари шофёр бўлиб ишлаган Обид ака кейинги пайтларда ҳар хил йўллар билан тиркичилигини ўтказарди. Паст бўйли, тепакал, юм-юмалоқ семиз бу киши, давраларда ўтирганида ёш йигитларга қараб: «Пул жигардан пайдо бўлади», деб насиҳат қилар, агар биров уни фикимлаганини кўриб қолса: «Ҳай-ҳай, озор бермагин-а, укам!» деб хафа бўларди.

Баҳор келди дегунча Обид ака варрак ясаб болаларга сотар, ёз кунлари уйда расмли кино кўрсатиб пул ишларди. Билет баҳоси эллик тийин.

— Яна биттаси бор, — дерди у кўрсатув тугагач, болаларнинг юрагига ўт ташлаб. — Шундай уруш, тўполонки, қараб ўтириб тахта бўлиб қоласанлар. Кейинги гал кўрсатаман...

У хотинидан кўрқар, шу ишини билиб қолса борми, сочини юлиб, уввос кўтаришини биларди. Шунинг учун у йўқ вақтида тамоша кўрсатар, келиб қолса «уй ишига ёрдамга чақирдим» деб алдарди. Яна бир одати: болаларни бир-бири билан уриштириб, томоша қилиш.

— Хўп, пулинг йўқ экан, — дерди у болаларни бир-бирига гиж-гижлаб. — Манави билан курашиб кўр, йиқитсанг текин кино кўрасан.

Ёқаллашиш, муштлашиш бошланарди. Бир вақт қарабсизки, муштлаша-муштлаша бурниларини пачоқ қилган икки бола мишиқлари оқиб унга тикилишади.

— Вей, шуям уришиш бўлди-ю, — Обид ака четга қарайди. — Мен сенлардек пайтимда ўртага пул тикиб уришардим. Эҳ-эй, қанча қовурғаларим синиб кетган. Ўзи бундоқ ораларингда тузукроқ уришадиган бола борми?

— Бор, — дейишарди бараварига болалар. — Дониёр!

— Анави Жар кўчалик букир болами?

— Уша! Уша!..

— Букур бола ҳам уриша оладими?

— Э, сиз олдин томоша қилинг, — бараварига чуғурлашарди болалар.

— Қани, чақиринглар бўлмасал!

Болалар «хўп» деб баравар югуриб кетишарди. Обид ака хурсанд: яна уриш-жан-жал, тамоша бўлади...

* * *

Кўча эшик тақиллади, Ҳуври буви бориб, дарвозани очди.

— Вой айланай сизлардан!.. Келинлар, кела қолинлар. Узим ҳам ҳозиргина хаёлимдан ўтказиб тургандим.

Ҳуври буви «Жигули» машинасидан тушиб келаётган куёви ва чақалоқ кўтарган қизи билан кўришди. Меҳмонлар уйга киришди. Буви дастурхон ёзиб, чой қўйди. Ҳол-аҳвол сўрашишди. Сўнг, овқатга уннамоқчи бўлган эди, қизи қўймади.

— Ишимиз шошилишч оёи, — деди куёви. — Аэропортга боришимиз керак.

— Тинчликми?

— Уғлингиз курортга путёвка олган эканла,— жавоб қилди қизи.— Сочига. Бир кўриб кетайлик, дедик.

— Анча вақтдан бери кўрмагандим... — бўшашиб гапирди кампир.

— Қайтишда кирамиз, ўтирамиз... — деди куёв.

— Майли ундоқ бўлса...

— Ҳа, айтганча, — қизи дарвозага яқинлашганларида орқасига ўгирилди. — До-ниёр қани, оёи?

— Эрталаб кўчага чиқиб кетганди.

— Унақа ҳар ерларда тентираб юрмасин-да, кўз-қулоқ бўлиб туринг, оёижон.

— Мана буни олиб қўйинг, — куёв қайнонасининг қўлига қўярда-қўймай юзталиқ тутқазди.

— И-я... Хўп, оёи бориб, омон қайтинглар...

Кампирнинг яна бир ўзи қолди. Ҳовлига кириб, дастурхонни йиғиштирар экан, набирасини эслади. «Қаерларда юрибди экан, қорни очмаганмикин? Ҳа, ҳали уйга бир-ров келгандек бўлувди, шумтака...» У нима қиларини билмай сўррайиб турди-да, уйга кириб, попоп тикадиган машинасининг қулоғини бурашга тушди.

* * *

Обид ака ястаниб ётган ерида машина орқасидан қараб мийиғида кулиб қўйди. У болаларнинг келмаётганидан хуноб. Нима қилишини билмай турганда кимнингдир оёқ товуши эшитилди. Ўгирилиб қаради: тепасида нотаниш бир одам турарди. Афт-ангорига қараб бўлмайди.

— Биродар, чекишдан топилмайдими?

— Мана, оғайни.

Обид ака чўнтагидан «Беломорканал» чиқариб, унга узатди. Нотаниш одам ерга чўккалади. Бир дона папирос олиб, қўллари қалтираб эзғилай бошлади. Обид ака гугурт чақди. У бурқситиб ичига тутун ютаркан, ерга жойлашиб ўтириб олди.

— Ҳозир шу ердан хотиним эри билан машинада ўтиб кетди... Кал эри билан!..

Обид ака тушунди: демак, Ҳуври бувининг олдинги куёви...

— Нима, кетидан пойлаб юрибсанми?

— Менга ўғлим керак... Эшитдингизми? Ўлганнинг устидан тепиш яхшимас.

— Мен сени хафа қилмоқчи эмасдим...

— Уғлимни кўргим келаяпти. Мени кўрса қочиб кетади.

— Сени отаси эканлигингни билладими?

— Узимни танитишдан қўрқаман. Тушунапсизми, кўрқаман! — У қўлларини мушт қилиб, тишларини ғичирлатди. — Ичимга чироқ ёқса ёримайди, биродар. Юрагим ёнапти!..

Обид ака кўрқиб кетди. Бу нотаниш кишидан ҳамма нарсани кутиш мумкин.

— Ука, ўзи нима гап? — сўради оҳиста.

— Э, барибир ҳеч нарсага тушунмайсиз. Ҳамма ёқда виждонсизлар тўлиб ётибди, ахир!

— Биламан...

— Нимани биласиз?! Сиз... сиз ястаниб ётишни биласиз, болаларни алдаб, пулини шилишни биласиз!

— Оғзингга қараб гапир-э! Қаерда эканлигингни унутма!

Обид ака ётган ерида хезланди. Аламзада киши индамай қолди.

— Хафа бўлманг, — деди у бўшашиб. — Сизни айтаётганим йўқ. Виждонини сариқ чақага сотадиганлар тўлиб-тошиб ётибди, ахир!

— Бу мен учун янгилик эмас, — Обид ака ўрнидан туриб ўтирди. — Бундай одамлар ҳар доим бўлган. Яна бўлади. Ҳаётнинг ўзи шунақа. Агар ичингда дардинг бўлса, очик-ойдин гапир. Балки, ёрдам берарман.

— Нимасини айтай, — жулдир киши бутун вужуди билан қалқинди. — Еру биродарларсиз мусофир шаҳарларда тентираганларимни айтайми, биров севган хотинимни

йўлдан урганини айтайми?! Э, тоға... Уғлимни кўргим келса-ю, йиллар давомида мендан яширишса, бу қандай виждонсизлик! Яна боланинг кўнглини «Отанг ташлаб кетган» деган «ахлат» билан тўлдиришса... Бу нима деган гап?!.

— Жуда сен айтганча бўлмаса керак. Уғлингга ўзингни танит. Мен сенинг отанг бўлман дегин.

— Қанақа қилиб айтаман... Қўрқаман. Тилим бормайди!..

Йигит бошини ҳам қилганча жим қолди. Кейин, шимининг чўнтагидаги дўппайиб турган шишани олди.

— Келинг ака, мен билан бир ичишинг!..

— Қанақа бўларкин? — Обид аканинг томоғи тақиллаб кетди. — Кун иссиқ, ёндириб юбормасмикин?..

— Менинг ичим эса, дўзах!..

Улар ароқни ичишди. Хийла вақт сўзлашиб ўтиришди. Сўнг, йигит ўрнидан туриб, гандираклаганча жўнади. Обид ака яна чўзилди.

* * *

Дониёр югуриб келиб гўшт дўконининг орқасига беркинди. Ерга чўккалаб ўтириб олиб, писиб атрофга тикилди. Сўнг хиёл вақт ўтгач, хотиржам ўрнидан турди. Хурсанд. Энди қўлидаги пулларини санай бошлаганда, елкасига нақ гурзи тушгандек бўлди. Уғрилиб қараганиди, бу ҳам етмагандай, юзига қарсиллаб тарсаки тегди.

— Яна келдингми? — семиз киши бўйнидан маҳкам ушлаб, тобора сиқарди.

— Қўйиб юборинг! Оғрияпти... — чинқириб юборди Дониёр.

— Падарингга лаънат, дўконни олдига қадам босмагин демаганмидим?!.

Қассобнинг ғазаби қайнаб, қип-қизил гўштор башараси яна ҳам қизариб кетган, бола бечоранинг ҳиқилдоғидан тутганча ерга босарди. Дониёр жонининг борича бақирмоқчи бўлди-ю, овози чиқмади, бўғизланган қўйдек хириллади.

— Уғ-ғ-ри-ма-с-с-ман!..

— Йўқол, бу ердан ифлос!

Қассоб итариб юборди. Дониёр ерга йиқилиб, чалқанчасига ётиб қолди, қўлидаги тангалари сочилиб кетди. У энди турмоқчи бўлганиди, биров яна туртиб юборди, яна йиқилиб тушди. Қизил майкалик бола тангаларни териб олаётгир. Дониёрнинг кўзи хиёл нарироқда ётган бир сўмлик сўлкавойга тушди. У ирғиб туриб, сўлкавойни олди-да, рақибининг тумшугига туширди.

— Ҳой, ҳой, жўжа хўрозлар, эрталабдан-а!

Ўткинчилар болаларни ажратишмоқчи бўлишганди, Дониёр эпчил ҳаракат қилиб уларнинг қўлидан чиқди-да, ердан тош олиб гўшт дўконига қаратиб отди:

— Ҳамманг ўғрисан, ҳамманг!

У анча ергача қочиб борди. Чарчади. Ҳеч ким орқасидан қувламаётганига ишонч ҳосил қилгач нафасини ростлаш учун ерга чўккалади. Пича ўзига келди. Пешонаси ачишарди. Қўли билан пайпаслаб кўрди — ғурра. Зардаси қайнаб сўкинди. Кейин, билагининг шилинган жойига тупроқ суркаб кўйди. Кафтига қараганиди, тангаси турибди. Қувониб кетди. Кўз ёшини қўлининг терси билан артди-да, бозор ичидан югуриб кетди.

Тонг саҳарда Хуври буви Дониёрни уйғотди. Маҳалладошлардан бири тўй қилиб, юртга ош тарқатаётганди. Хуври буви ҳар доим, мана шунақа юртга ош тарқатаётганда, набирасини элга қўшилсин деб одамлар сафига қўшиб юборарди. Дониёр уйқудан оғриниб турди, муздек сувга юз-қўлини ювди-да, югуриб кўчага чиқиб кетди. Кампир унинг орқасидан хаёлчан тикилиб қолди.

— Илойим сенинг ҳам тўйларингни кўрай...

Ёзнинг соф, салқин саҳарлари димоққа тўй ошининг ҳиди урилади. Ҳофизларнинг қўшиқлари етти маҳаллага таралиб, қулоқни қоматга келтиради. Бугун ҳам дарвоза олдида ҳассакашлар қўл қовуштириб туришибди. Улар кети узилмай келаётган меҳмонларни илтифот билан кутиб олишмоқда. Болалар оёқ остида уймалашиб юришибди. Кимдир Дониёрга ўшқириб берди:

— Э, уят борми сенда, йўқол-э!..

Дониёр ўрганиб қолган, пайт пойлаб кўпчилик орасида лип этиб ичкарига кириб олишга уста. Ҳозир ҳам шундай қилди. Катталардан бири уни орқасига қайтармоқчи бўлганиди, одамлар келаётганини кўриб, бирдан башара ифодасини ўзгартирди, юзига ўта чиройли тус бериб, табассум қилди. Ичкарига кириб олган Дониёр қозон ёнига бориб. ошпазга лаган узатиб, ёрдамлашган бўлди. Хаёлида — ош... Ошпаз бўлса, ўз иши билан овора, унинг қорни очлиги билан иши йўқ. Ниҳоят, кимдир: «уста, манави чурвақалар-гаям бир-икки лаган сузиб беринг, жуда бошни оғритишди» деб қолди. Ошпаз икки-уч лаганга супиратма қилиб ош сузиб берди. Болалар хурсанд бўлиб, талашиб-тортишиб ошни ейишди.

Дониёр тўйхонадан чиқиб, бозорга йўл олди. Гўшт бозорнинг ёнида товуқ, хўроз, тухум сотишади. Шу ернинг ўзида хўроз ҳам уриштиришади. Хиёл нарироқда эса, «танга



Рассом Ғ. Алимов

тойдириш» ўйини бўлиб туради. Дониёр танга ўйинига қўшилмоқчи бўлди. Кеча дўконга шиша топшириб, унча-мунча чақа йиққанди.

Даврада болалар кўп. Мухтор исмли қизил майкали қора боланинг омади юришган кўринади — олдида бир уюм танга. У Дониёрдан икки ёш катта. Отаси шу ердаги гўшт дўконига ишлагани учун ҳар доим бозорда уймалашиб юради. Лақаби — Қора Мухтор. Танга ўйинида, агар қўли келмай қолса, ғирромлик қилади. Болалар унга чурқ этишолмайди, кўрқишади. Дониёр ҳам пинак бузмай ўйинга қўшилди. Танга тойдиришда бировдан қолар жойи йўқ. У ютабошлади. Қора Мухторнинг аччиғи чиқиб, ғирромлик қилабошлади.

— Қирраси билан урма, — деди Дониёр унга қараб. — Бир сўмингни ютиб олганим-га шунчами? Мухлёфка қилаяпсан-а!..

Мухторга худди шу гап керак эди. У Дониёрга ўдағайлади.

— Учир чакагингни! Ярамас букир...

— Узинг?!. Узинг нимасан?.. — Дониёрнинг аччиғи чиқиб, тангаларини йиғиштирабошлади. — Мен ўйнамайман.

— Нега ўйнамайсан? Ютиб қочмоқчимисан?

Мухтор уришишга хезланди. Шериклари Дониёрнинг атрофини ўрай бошлашди. Нима қилиш керак? Дониёр ёнида турган боланинг қорнига калла уриб ағдарди-да, очиқ жойдан югуриб ўтди. Бу воқеа шунчалик тез юз бердики, болалар анг-танг бўлиб қолишди. Мухтор ердан тош олиб унга отганди, ариқ ёнида турган аравага тарақлаб тегди. От хуркиб, орқага тисарилди ва арава билан чуқурга қулаб тушди.

* * *

От-аравани чуқурдан чиқариб олишганидан сўнг, одамлар тарқалишди. Ўша таниш киши Дониёрга тикилиб турарди. Қотмадан келган, юзларини ажин босган. Бу одам қачонлардир унинг тушига кирган, бола хотирасида ўрнашиб қолган мавҳум кўланкадай жонланар, буни аниқ эслай олмасди. Уни кўриши билан негадир юраги безовталанади, ғалати ҳолатга тушади. Фақат бир нарса Дониёр учун аён: бу одам унга нисбатан ўзини жуда яқин тутди... Акс ҳолда кутилмаганда пайдо бўлиб, орқасидан эргашмас, ганди-

раклаб ширинликлар тутмасди. Шунақа вақтларда унинг қовжираб кетган юзига хиёл қизиллик югургандек бўлади. Бу одамнинг алам ва изтиробга тўла юз кўриниши Дониёрда ғалати, ҳеч тушуниб бўлмайдиган туйғу уйғотар, хаёлга толар, унинг қулишини сира ҳам тасаввур қила олмасди. Тўғри, бир марта чиройи очилганини кўриб қолди. Узида ҳам унга нисбатан қандайдир яқинлик сезди.

— Исмнингиз нима? — деб сўради.

— Дарвеш!..

Номаълум кишининг юзига табассум ёйилди. Унинг табассуми жуда чиройли эди. Дониёр ҳайратдан унга жим тикилиб қолди: юзида табассуму кўзларида ёш... Бу ҳол узоққа чўзилмади, кўз ёшлари ажинли юзидан оқиб тушди. Дониёрнинг назарида мана шу оқиб тушаётган кўз ёш унинг вужудидаги оғир дардни, чексиз оғриқни ўзи билан олиб кетаётгандек, ҳализамон тарс этиб ёриладиган ернинг қаърига кўмадигандай... У қўрққанидан кўзларини чирт юмиб олди. Лекин ҳеч нарса бўлмади, ҳамма нарса ўз ўрнида: ўша-ўша осмон, ўша-ўша дарахтлар, тупроқли тор кўча, эски уйлар...

— Уғлим!..

Дониёр чўчиб тушди: ичида бир нарса талпингандек, аллақандай иссиқ бутун вужудини куйдириб юборгандай бўлди. Хаёлига илиқ ва оппоқ шарпага ўхшаган нарсалар келди. Уни қандайдир даҳшат босди.

— Бувижон!..

У ҳайқирганча қочди. Қаёққа, нима учун кетаётганини билмасди. Талмовсираб юра-юра охири Обид аканинг уйига кириб келди. Қора Мухтордан кинога киришга етарли пул ютиб олган. Буни Обид ака билмасди.

— Келдингми, полвон,— деди у.— Агар пулинг бўлмаса... мана шу болалардан биронтасини курашиб йиқитсанг, кинога киритаман.

— Текин кино-я!..

Донёр хурсанд бўлиб, сўрамай-суриштирмай Ҳожиакбарникига меҳмон бўлиб келган бола билан олишиб кетди. «Қанча кўп урсам, шунча текинга кинога тушаман...» Хаёлида шу гап. Дониёр ҳеч нарсага тушунмай ерда додлаб ётган боланинг устига миниб олиб роса дўппослади. Агар Ҳожиакбар келиб қолмаганида жанжалнинг нима билан тугаши номаълум эди. Ҳожиакбар сўкина-сўкина меҳмон болани олиб кетди. «Ҳозир ўзи билан катталарни бошлаб келса-чи?!» Обид аканинг шумлиги тутди.

— Кучинг ёмон эмас,— деди у.— Лекин, Ҳожиакбар келиб қолмаганида, худо билади, ким-кимни ютарди... Хўш, кейин, кеннойинг уйда... Кинони бошқа сафар кўрарсан...

Дониёр ғамгин бўлиб қолди. Нима қиларини билмай Ҳожиакбарларнинг уйи олдига борди. Яна «Ҳожиакбархо-он», «Ҳожиакбархо-он» деб чақирсинмикан? Оғзи тинмайди-бор келинлар устидан сув сепишса сепишади-да! Маза... Буёқда кун борган сайин қизиб борарди.

* * *

Дониёр пахса деворлари нураган, бир-бирига ямашиб кетган эски уйларни кесиб ўтган пастликка қиялаб кетган билқ-билқ тупроқли кўчадан борарди. Жонзод борки, мудроқ босган. Борлиқ сирли сукунатга чўмгандек. Унинг назарида ҳамма кўчиб кетган, ёлғиз ўзини абадий ташлаб кетишган-у, назарида аллақаерларда, узоқ-узоқларда ажиб бир чиройли ҳаёт кечаётгандек...

Бола мурод-мақсадсиз тентираб юраркан, ҳовлидаги қалин шохлари девор устидан ўтиб, кўчага олачалпоқ соя ташлаётган ўрик дарахти тагида туриб қолди. У ердан кесак олиб дарахтга отди. Дониёр мўлжални аниқ олгани учун биринчи галдаёқ дув этиб анча ўрик тўкилди. Ўрик ўтиброқ қолган экан, ерга тушиши билан пилч-пилч эзилиб кетди. Агар шу пайт уйдан Ҳаби чиқиб қолганда борми, албатта: «Нега ўригимизга тош отасан, суқатой», деб бу ердан ҳайдаган бўларди. Лекин, дангаса Ҳабининг маза қилиб ухлаб ётганига Дониёр юз фоиз амин эди. Шунинг учун ҳам қўрқмасдан ўриikka тош отганди. У эзилмаган ўрикларни териб олиб, чангини пуфлаб, иштонига артиб еди. Пилчиллаб кетганларининг данакларини йиғиштириб липпасига қистирди.

Деворга оқ каптар келиб кўнди. Дониёр жойида қотиб қолди. Ҳойнаҳой иссиқда сув қидириб, адашиб келиб қолган. У каптарни чўчитиб юбормаслик учун девор тагига пусиб борди. Букчайиб кузатди: оппоқ, семиз, чиройли... Юраги гурс-гурс урарди. У пахса деворнинг ёриқ жойига оёғини қўйиб, устига чиқа бошлади. Каптар уни кўрди, лекин учиб кетмади, бир-икки майда қадам ташлаб нари кетди. Мана, ҳозир тутиб олади! Дониёр энди яқинлашиб, қўл чўзган ҳам эдики, каптар қанотларини бир-бирига «пат, пат» уриб, учиб кетди. Омади юришмаганидан хуноби ошган Дониёр девор устидан тушмоқчи эди, арғимчоқ учаётган қизга кўзи тушиб қолди. Гурс этиб ўзини ҳовлига ташлади.

— Мастир мениям учир?

— Ҳо, девойдан сақяганинг учунми?!

— Бўлмаса, мен эшикдан кириб келаман, майлими?

— Майли, бошқаттан кий, бизани ховлия.

Дониёр қоронғи йўлакдан ўтиб, эшик ёнига борди. Эшикни ғийқиллатиб очди, кейин яна ёпди ва Мастуранинг ёнига қайтиб келди.

— Энди учир...

— Йў-ўқ, байибий учиймийман. Узимни учгим келяпти.

— Унақада, ке иккаламиз учамиз, — Дониёрнинг ичида алланима ёнаётгандай эди...

— Мен билан қўғийчоқ ўйнасанг учияман.

— Хўп, — дарров рози бўлди Дониёр.

— Мана қўғийчоқлай, — Мастура кир қўғирчоқларини олиб келди. — Буниси келин — меники, буниси киёв — сеники. Тўй-тўй ўйнаймиз.

Улар айвонга боришди. Бунақа ўйин Дониёр учун зерикарли бўлса ҳам у ўзининг ички хоҳишини қондириш учун мажбуран ўйнади. Бирдан Мастура қўғирчоғини ерга ташлади.

— Айғимчоқ учаман. Мени тейватсанг сениям учияман.

Дониёр ғижинди, аммо индамади, ноилож кўнди. У арғимчоқни тебратор экан, Мастуранинг майда қилиб ўрилган сочларига тақилган толбаргакларни, момиқдек оппоқ юзларини, майда тер босган чимчақирдек бурнини томоша қиларди.

— Уйилада ким бор?..

— Нима ишинг бой?

— Агар ҳеч ким бўлмаса бекинмачоқ ўйнардик.

— Ёстанми? Ҳеч ким йўқ! — хурсанд бўлиб кетди Мастура. — Бўпти ўйнаймиз!..

— Фақат, бир шарт билан... Ким кимни топса юзидан ўпиши!

— Майли, — деди Мастура ҳеч нарсага тушунмасдан. — Топсанг тишлама, хўпми?..

— Хўп...

Дониёр Мастурани бир амаллаб алдаганига хурсанд эди. Улар бекинмачоқ ўйнай бошлашди. Бола осонгина тутқич бериб, Мастурага юзидан ўптирди.

— Энди сен қидиясан.

— Сен молхонага беркингин, у ер қоронғи, ахтариб топиш қийин, — деди Дониёр ниятини амалга ошириш учун.

Мастура молхонага беркинди. Дониёр уни қидириб топди. Боланинг кўнглида ғалати истак борган сайин кучайиб борарди. Бирдан оёқ-қўли бўшашиб, боши гир-гир айланиб кетди. У Мастурани маҳкам қучоқлаб олиб юзидан ўпа бошлади. Қиз ҳеч нарсага тушунмас, типирчилар, қитиғи келиб қиқир-қиқир куларди. Шу пайт қизчанинг қўлидаги қўғирчоғи ерга тушиб кетди.

— Вой ўлай!...

Мастура қўғирчоғини яхши кўрарди. У энгашиб ўйинчоғини олди, чангини қоқди, бошини силади.

— Оғиймияптими? — Кейин, бирдан Дониёрга қараб, юзига чанг солди. — Мана сенга! Йўмон бола!..

— Нега юмдалайсан, нима қилдим сенга?

Мастура қўлидаги қўғирчоғини бағрига босиб, узун қилиб тилини чиқарганча масҳара қилди. Дониёр индамай юмдаланган юзини силарди. Шу пайт бурчакдан ғалати пишиллаган товуш келди. Дониёр ўгирилиб қараганиди, бир нечта ялтиллаётган нарсаларни кўрди. Қўрқиб кетди.

— Нима у?

— Қўйқма, ула бизани қўйлайимиз.

Мастура кулиб юборди. Дониёр ҳам кулди. Унда яна бояги истак уйғонганди. Мастурага ялинишга тушди.

— Мастир... Юмдаламагин энди. Атиги би-ир марта!

Мастура Дониёрнинг ялинишларидан ўзида йўқ хурсанд эди, ҳам унга ачинарди.

— Хўп майли, фақат бий майта.

Кўча эшик очилиб, ёпилди. Кимдир келарди. Мастура Дониёрни итариб юбориб, югуриб кетди.

— Дада, дадажон!..

— Дониёрмисан?

Бола истиҳола қилиб, ҳовлига, Мастуранинг дадаси ёнига борди. Салом берди. У кишининг кийими, брезент этиги чанг-тупроқ эди. Уф тортиб, супа четига ўтирди, бошидан дўпписини олиб, ёнига қўйди. Сув бўлиб терлаган бошини дастрўмоли билан артди.

— Қани, она қизим, пичоқ олиб келинг, полвонга хандалак сўйиб берайлик.

У хандалакни тилимлаб, бир тилимини Дониёрга, бир тилимини Мастурага узатди. Дониёр ўзини ноқулай сезар, уялганидан тезроқ бу ердан кетишни ўйларди. У хандалакни еб бўлиб, ер остидан Мастуранинг дадасига қаради.

— Раҳмат амаки, энди мен бораё.

— Майли ўғлим бора қол. Бувингга Хусан амаким салом айтдила, деб қўй. Дониёр югуриб чиқиб кетди. У бояги қилган ишидан уяларди.

Сукунат. Аллақаерда ахён-ахёнда мусичанинг зериктирарли ку-куси эшитилади. Қуёш чарақлаб турибди. Кун иссиқ... Агар иссиқнинг ҳарорати яна хиёл кўтарилса бутун жонзод куйиб, тил тортмай ўладиганга ўхшайди. Дониёр ариқдан жилдираб оқаётган сувга тикилиб ўтирибди. Кейин, липпасидаги данакларни олиб, тош билан чақиб ея бошлади. Ҳаби «гадой», «суқатой» деди-я!..» Дониёр ҳеч қачон суқатой бўлмаган. Бувижониси, қарздан қутилиб олганларидан сўнг яп-янги костюм-шим олиб бераман, деган. Ушанда бир ҳамманинг оғзи очилиб қолсин. Дониёр кампирнинг сўзларини эслаб, кулиб қўйди. Сўнг, кеча кечаси тушида кўрган воқеани эслади.

Тушида Ҳуври бувисининг попоп машинаси бирдан тўрт ғилдиракли ўзи юрар машинага айланиб қолибди. Маза. Бувиси билан тушиб олишибди. Машина демаган елдек учармиш. Кейин, қутилмаганда ердан кўтарилибди.

— Бувижон биз қаёққа кетаяпмиз? — сўрабди Дониёр.

— «Ўзининг» олдига, болам, — депти бувиси.

Дониёр, унинг кимлигини билмаса ҳам, «Ўзининг» олдига тезроқ етиб бориш иштиёқида хурсанд эмиш. Шамол юзларини, дўнг кўкракларини сийпалармиш...

— Қаранг, бувижон, букирим йўқ бўлиб қолди!..

Шундай дея бақира-бақира уйғониб кетибди.

Дониёр ўтирган ерида алам-аччиқ билан энгашиб, ариқдан ютоқиб сув ичди. У ҳозир ўзини қўярга жой тополмасди. Урнидан турди. Югуриб-елиб сой бўйига тушганида кўкрагига анҳор сувининг салқин ҳавоси урилганини сизди. Чўмилгиси келди. Эғнидаги кўйлак-иштонини ечиб, ўзини сувга ташлади. У анҳорнинг нариги бетига сузиб ўтди-да, нафасини бир оз ростлаб, яна орқасига қайтди. Ҳаво иссиқ бўлишига қарамай, анҳор суви жуда совуқ. Чарчади. Кейин, бир ўзининг чўмилиши зерикарли эди. У анҳорнинг лабига чиқиб, кўкрагини иссиқ ерга бериб ётди. Бундан танаси ором оларди. Бир муддат ўтгач, чалқанчасига ўгирилди ва қўлларини бошининг орқасига қилиб осмонга тик қараб олди. Дониёр қуёшни ва осмонни жуда ҳам ёқтирар, мана шунақанги вақтларда соатлаб томоша қилар, ҳузурланарди. Ҳа, у қуёшни қанчалик севарди!..

Дониёр, бояги танга эсига келиб, иштонининг липпасидан уни олди ва қўлида ўйнай бошлади. У тангани гоҳ осмонга пирпирак қилиб ирғитар ва сакраб футбол дарвозабонларидек ирғиб илиб олар; гоҳ ерда ғилдиратар, кетидан ўзи ҳам югуриб олдинга ўтиб олар, чатаноғини керарди-да, оёқлари орасидан ўтказиб, ерга йиқилиб, ушлаб оларди. Кейин, кафтидаги тангани қизиқиш билан кузата бошлади: беш қирралик юлдуз, бугдой бошоғли... «Қизиқ, нега пулга бунақа расмлар чизилган?...» У тангага ишланган қуёшни кўриб қолди. Илгарилари бунга ҳечам аҳамият қилмаган экан, бирдан хурсанд бўлиб кетди. Нега пулда қуёшнинг расми бор? Тушуна олмасди. Уйлаб ўйига етолмай, яна ерга ётиб, осмонни томоша қилди. Шу аснода тангани бошида баланд кўтариб қуёшга кўз-кўз қилди. Офтоб нурлари кумуш тангага урилиб парчаланиб, ҳар тарафга сочилиб кетаётганга ўхшайди.

Ғўнғиллаб самолёт учиб ўтди.

— Ана Дони! Ҳув ана!..

Дониёрнинг қулоғига нотаниш болаларнинг бақирган товуши чалинди. У хавотирланиб, ётган жойида ўгирилиб қараганди, бир оз нарироқда бояги бозордаги жанжаллашган болаларнинг югуриб келишаётганини кўрди. Сапчиб ўрнидан турди. Шу пайт атрофини беш-олти бола ўраб олди. Дониёр ҳимояланиш учун қўлларини мушт қилиб турди.

— Тўхта! Тўхтатиб турларинг!

Нарида белидаги камарини ечиб Қора Мухтор келарди. Дониёр уни кўрди-ю, ерга тез энгашиб тош олди. Барибир, тошни отишга улгурмади. Муштлашиш бошланди. Бегона болалар ўртада қолган Дониёрни Мухторга қўшилиб, бирга дўппослашарди. Дониёр ҳам бўш келаётгани йўқ: рақибларининг дуч қелган жойига тушираётир. Ҳаммадан кўп ҳаракат қилаётган — Мухтор, эрталаб Дониёрдан еган калтагининг аламини олмоқчи.

— Қўлга тушар экансан-ку, букир!

Мухтор камарининг тўқаси билан Дониёрнинг яланғоч елкасига, букирига урган эди инграб юборди. Томоғига аччиқ нарса қадалиб қолгандек бўлди. У йиғи аралаш сўкиниб, орқасига бир-икки қадам ташлади-да, қўлидаги тошни бор кучи билан Мухторга қараб отди. Тош мўлжалга яхши тегмади. Яна энгашиб тош олмоқчи эди, болалар ёппасига ёпишиб, уни ерга йиқитиб, тепкилай бошлади. Дониёр энди йиғламасди. Бояги, томоғига қадалган аччиқ нарса йўқолганди.

— Пулини олинглар! Қўлида!

Мухтордан бу гапни эшитган Дониёр йиқилиб ётган еридан туриб кетди. Унда қанақадир куч пайдо бўлган эди. «Пулимни олиб қўйишмоқчи! Ҳеч қачон, ўлиб қолсам ҳам бермайман». Қочмоқчи бўлганиди, болалар ёпирилиб, Дониёрни яна ерга йиқитишди. Улар тангани қисиб олган кафтига ёпишишганда, эпчил ҳаракат қилиб оғзига солиб олди. Буни кўрган Мухтор яна бақирди.

— Менга қўйиб беринглар! Узим!..

Мухтор Дониёрни эшак қилиб миниб олди-да, оғзини қўллари билан йира бошлади. Дониёр бутун вужуди билан қаршилиқ қилар, кучлар тенг эмаслигига қарамай, бор кучи билан курашарди. Мақсади битта: бир сўмлик тангани бермаслик!..

— Бурнини сиқларинг! — Мухторнинг Дониёр тишлаб олган қўлидан қон оқарди. — Қаттиқроқ сиқларинг...

— Ана, оғзини очди!

— Темир-пемир топларинг, тишлари орасига қўямиз!

Болалар Мухторнинг ҳамма буйруқларини сўзсиз бажаришарди. Улар занглаган тунука синиғини топиб, Дониёрнинг тишлари орасига қўймоқчи бўлишди. Ортиқ чидаш мушкул. Еттита бола босиб олган. Қийноқдан ҳолсизланган Дониёр охириг кучини тўплаб, болаларни нари сурди-да, оғзидаги тангани олиб, анҳорга улоқтирди. Аввалига ҳамма жим бўлиб қолди. Кейин танганинг сувда чўкиб кетганини кўриб, яна Дониёрни калтаклашга тушишди.

— Сувга тушиб, олиб чиқсин!

Болалар Дониёрнинг оёқ-қўлларидан кўтариб, анҳор лабига судраб келишди. У оёқларини типирчилатар, тепмоқчи бўлар, аммо қўйиб юборишмасди.

— Бир, икки, уч...

У сувга шалоп этиб тушди. Қалҳиб чиққанида қўлини қимирлатишга мадори келмас, оғзини каппа-каппа очиб ҳаво олишга тиришар, аччиқ-аччиқ йўталарди. Қирғоқдаги ўтўланларга чангали билан ёпишди, чиқмоқчи бўлганиди, кимдир бошига тепиб, яна сувга тушириб юборди.

— Чўкиб кетаман! Қутқаринглар!..

Яхшики, анҳорнинг кескин бурилишидаги тез оқим жонига ора кирди, амаллаб қирғоққа чиқиб олди. Лой, қум уюмида ётаркан, омон қолганига хурсанд. Анҳорнинг нариги бетидаги болаларнинг сўкинишларини ҳам эшитмайди. Бир вақт атроф жим бўлиб қолди. Аламидан чиққан Мухтор, болалар жўнаб кетишганди.

Дониёр ўрнидан туриб, мажнунтол тагига, чимнинг устига ўтиб ётди. У осмонга тикилар экан, жуда баландда аллақандай митти қушнинг ёлғиз бир ўзи парвоз қилаётганини кўрди. Қуш гоҳ кўздан ғойиб бўлар, гоҳ яна қайта кўринарди-да, миҳ билан қоқиб қўйилгандек бир жойда қотиб қоларди. У чуғур-чуғур овоз чиқариб, бирдан ғойиб бўлди. Балки, яна кўриниб қолар, деган мақсадда Дониёр уни ахтариб кўрди. Йўқ! Қайдандир пайдо бўлган парча-парча оппоқ булутлар осмонни тўлдириб, худди денгиздаги елканлардек сузиб ўтаётди. Дониёр онасининг шунақанги оқ шойи рўмолини эслади. Яна булутларга тикилди. Кўз олдида ҳам меҳрли, ҳам аянчли бир қиёфада онаси намоён бўлди...

... Ҳамма билан хайрлашар экан, онаси Дониёрни кучоқлаб, ўқсиб-ўқсиб йиғларди. Унинг айбдорона боқаятган кўзлари, машина юриши билан хилпираган оқ рўмоли Дониёрнинг хотирасида сақланиб қолган. Гўё у бу булутга айланиб, осмонга учиб кетгандай... Кейин, анча вақт ўтиб, эшик олдида Хуври бувиси билан турган Дониёр, семиз киши билан бирга дастурхонга ўралган катта тоғорани кўтариб машинадан тушаётган онасини танимай қолди. Узун сочлари калта қилиб қирқилган, тўлишган, чиройли юзларига ёқимсиз доғлар тушган. Кўзларида илгариги илиқ меҳрибонлик йўқ, совуқ... У кучоқлаб ўпар экан, Дониёрнинг димоғига бегона ҳид анқиб келди.

— Болажоним, даданг билан саломлашмайсанми?!.

Хуври бувининг ялинчоқ овози аслида семиз кишига қаратилганлиги, ўшанинг кўнглини олиш учун хижолат ва хўрлик оҳангида айтилганлиги учун Дониёрнинг вужудини аччиқ оғриқ қамраб олди. У кўз ёшларини яшириш учун бувисини маҳкам кучоқлаб, юзини унинг эски қўйлагига беркитиб олди. Катталар ноқулай кулиб қўйишди.

— Уяляпти! Кўникиб кетади... — деди семиз киши.

Аммо Дониёр кўникиб кетолмади. Олдинига онаси тез-тез келиб ўғлидан, онасидан хабар олиб турди. Дониёрга сингил туғилганидан кейин эса келиши анча камайиб қолди. Бориб-бориб йилда бир марта келадиган, ўшанда ҳам ўтирар-ўтирмас жўнаб қоладиган бўлди. Дониёр биринчи кунлари эшик олдида онасини кутар, келмаганидан кейин ҳовлининг бурчагига бориб, бувисига билдирмасдан товуссиз йиғларди. Вақт ўтгани сайин Дониёр бундай ҳаётга ўрганиб кетди. Бора-бора онасини ўйламай ҳам қўйди.

У бугун, ҳозир онасини соғинди, кўргиси келди. Қани, маҳкам кучоқлаб олиб, тўйиб-тўйиб йиғласа, ичидаги бор дардларини айтса... Ичи алланимани қумсаётди. Она меҳрини!.. У бугун она меҳрининг нима эканлигига тушуниб етди... Йиғлай-йиғлай ухлаб қолган Дониёр уйғонганида оқшом эди. Қушларнинг сайроғи авжига чиққан. Анҳор бўйидаги теракларнинг барглари ботаётган қуёш нурларида жилваланар, шамол ўйнар, ариқда сокин оқаятган тиниқ сувнинг силлиқ сатҳи тебраниб-тебраниб қўярди. Осмонда оппоқ қуюқ булутлар ўтиб бормоқда. Узоқдан карнай, сурнай, ноғора садоси келади.

* * *

Тўйхонада одам гавжум: куёв навкарлар келин томонга шайланишмоқда. Столлар ясатиғлиқ. Ҳар ерда ҳангома, кулги... Хотин-халаж, бола-чақаларнинг бир-бирлари билан

қилаётган шўх-шан гурунглари сўрида ўтирган созандаларнинг куй ва хонишларига қоришиб кетади.

— Ҳов, полвон?! — узун мўйловли башараси қип-қизил, чапани сифат бир киши Дониёрнинг қўлига чойнак тутқазди. — Ошхонага бориб, самоварчи амакингга айт: Садирхон акамларга ўзингизни анави чойингиздан дамлаб бераркансиз, де. Тушундингми? Айтганимни қотириб келсанг, келинникига ўзим билан олиб кетаман.

Мўйловли киши қовоқлари шишиб кетган кўзини қисиб қўйди. Дониёр хурсанд бўлиб ошхона томон югурди. Чойхоначи Дониёрнинг гапини эшитгач, унинг қўлидан чойнакни олди-да, ичига бутилкадан қизил вино куйиб берди. Кейин, яна ўзининг иши билан овора бўлиб кетди.

— Эй, баракалла, азамат!.. — Дониёрнинг қўлидан чойнакни оларкан, башараси қип-қизил киши хурсанд бўлиб кетди. — Кимнинг ўғлисан-а? Ҳалиги, отангни исми нимаиди?

— Билмайман...

— Нима, отанг йўқми?

Дониёр, йўқ, деган маънода бошини чайқаб қўйди.

— И-я, ўзимиздан экансан-ку, укам, — мўйлов бир зум жим қолди. Сўнг, жаҳл билан иккита пиёла олди-да, лим-лим қилиб вино тўлдирди. — Шунақа дегин!.. Ундай бўлса, қани, буни ичиб юбор!

— Ичмаганман. Ичолмайман, амаки... — Дониёр ўзини тортди.

— Қаёққа? — бирдан ўдағайлади мўйлов. — Сен билан менинг дардимга шу даво. Ичмасанг... ичмасанг ўлдираман!..

Дониёр тумшугига тиралган пиёладан келаётган аччиқ ҳидга чидаб туролмасди. Бу кўрқинчли, хўрозга ўхшаган қип-қизил кишидан қандай қилиб қутилсин!.. Ялиниб-ёлвориб кўрди — бўлмади. Ичсам кўйиб юборар, деган ҳаёлда ноилож пиёлани қўлига олди.

— Ҳа, балли, охиригача ич!..

Дониёр пиёлани оғзига олиб келди, юраги гупиллаб урарди. У кўзларини чирт юмиб, винони ичиб юборди. Бирдан нафаси қайтиб, ичига худди ўт тушгандек бўлди. Аъзойи-бадани қизиб кетди. Нафас олиш учун оғзини каппа-каппа очаётганини билмасди. Лекин хиёл вақтдан кейин ҳамма уқубатлар унутилиб, ичида тасаввур қилиб бўлмай-диган хушнудлик, ҳузур-ҳаловат ғимирлай бошлади. Бу ҳам узоққа чўзилмади. Дониёр чайқалиб кетганини билмай қолди. Йиқилиб кетмаслик учун мўйловга қўл ташлаганди, у гурсиллаб ерга ағдарилди. Дониёр ҳам йиқилди. Тўйхонадагилар одатдагидай «маст киши»га, «тарбиясиз бола»га эътибор беришмади.

* * *

Карнай, сурнай, ноғора чилдирмалар гумбирлаб кетди. Сўнг, бир зум тинди. Маҳалла оқсоқоли куёвга, куёв жўраларига фотиҳа берди. Улар келинникига қараб йўл олишди. Тўйга нима етсин!.. Бўйи етган қизлар деворлардан тўйчиларга ҳавас билан мўралашади. Қийқириқ, чапак авжга чиққан. Даврада бир бола завқ билан ўйнамоқда. Бу — Дониёр.

Дониёр қандай қилиб тўйхонадан кўчага чиққанини, куёв навкарлар даврасига тушиб қолганини билмайди. Ҳазаваси кўзиб, чунонам ўйнамоқдаки, унинг ҳаракатлари ҳаммага ғалати, ҳатто кулгили туюлаётганлигини ҳам сезмайди. Балки, ичидаги дард-аламларини ўйин билан тўкаётгандир... Кўриниб турибдики, ҳозир у ҳамма нарсани унутган — туққан онасини ҳам, Ҳуври бувисини ҳам, уни хўрлайдиган Қора Мухторни ҳам... Ҳатто ҳеч қачон кўрмаган, аммо ҳар доим орзиқиб кутадиган отаси ҳам хотирдан кўтарилган. Қалбида фақат алам-ўкинч ҳукмрон. Ноғора, чилдирмаларнинг гумбир-гумбири оз бўлса ҳам аламларини тарқатаётгандек, кўзларидан ёш қилиб оқизаётгандек... Боз устига шинавандалар қўшилиб, давра яна ҳам кенгайиб бораётир. Улар букир боланинг ғалати қилиқларидан қийқиришади, қотиб-қотиб кулишади. Лекин уларнинг биронтаси ҳам Дониёрнинг қалбида содир бўлаётган ўзгаришдан, қудратли туғёндан беҳабар. Бу ўзгаришни, бу туғённи ким билиши мумкин? Ким тушуна олади?..

Дониёр ўзи билмаган ҳолда қўлларини осмонга кўтариб, овозининг борича бақирди. Узундан-узоқ бақирди... Боланинг оҳини, нидосини тушунган бирор бир кимса бўлганидами, «бай-бай, бу аҳволда ҳозир осмон тити-пити бўлиб кетади...» деган ҳаёлга борарди. Йўқ, ундай бўлмади. Ҳар ким ўзи билан ўзи сервар. Осмон эса, ўша-ўша оғир, қудратли сукунатини сақлаб турарди.

Х О Т И М А

Кўп йиллар давомида ўқиш ва кейинчалик иш билан бошқа жойларда бўлиб, мана ниҳоят ўз она шаҳримга қайтиб келдим. Шаҳар ўзгариб кетибди. Янги районлар пайдо бўлибди, баланд, ҳашаматли иморатлар қад қўйибди, кенг кўчалар тушибди. Янги шаҳар эски шаҳарни сиқиб чиқараётганлиги шундайгина кўзга ташланади. Эски чолдевор

уйлар, жин кўчалар йўқ. Хурсандлигим ичимга сиғмайди. Аммо эски шаҳарнинг ўзига хос файзи, унинг қувончли, мунгли таассуротларини унутиб бўладими?!

Анҳор бўйига тушишим билан ўтлаб юрган қўйлару мажнунтол тагида, чим устида ўтирган букир одамга кўзим тушди. Таниш. Жуда таниш!..

— Дониёр?!

— Кетиб қолди!..

У ўтирган еридан менга ўгирилиб ҳам қарамади. Совуқ муомаласи, тўғрироғи, бепарволиги ажаблантирди: мен қучоқлашиб кўришмоқчи бўлсам-у, у бўлса... Бошига ташвиш тушганмикин?.. Хавотирланиб сўрадим:

— Ким кетди?

— Хотиним...

— Нега кетади?

— Ҳайронман... Онаси имонсиз: «Қизимни мол боқарликка сенларга узатмаганман!» дейди. Мақсад: мenden ажратиб олиш. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, боласини кўтарди-ю, кетди-қолди...

— Хафа бўлма, кетган бўлса келади.

— Тўхта, тўхта. Сен... — у менга кир, ёрилиб кетган қўлини узатди. — Омонми-сан? Ҳа, сенларнинг йўриғинг бошқа...

— Ҳозир ким билан турибсан? — қизиқиб сўрадим.

— Ёлғиз ўзим... Қўйларим...

— Онанг тирикми?

— Тирик... Угай укам билан туради. Шол бўлиб қолган...

— Энди нима қилмоқчисан?

Дониёр қошларини чимириб, бир зум менга тикилиб қолди. Сўнг алам-аччиқ билан костюмининг ён чўнтагини кавлаб, шиша чиқарди.

— Э, у гапларни қўй... Яхшиси, мана бунга шерик бўл...

— Мен вино ичмайман.

Дониёрнинг ранги ўзгарди.

— Узр, «культурний»ларнинг вино ичмасликлари эсимдан чиқибди...

Ютоқиб шишанинг ўзидан винони ичиб тугатди. Оғир нафас олди. Кейин, лабини қўли билан артиб, шишани улоқтирди. Индамай кузатиб турибман. Бир нарса дейишга тилим бормайди. Бирдан Дониёр, узоқ-узоқларга маъюс тикилганча бир нарсани эслагандек бўлди, жонланди.

— Биласанми, — деди у энтикиб. — Назаримда қанақадир бошқа ҳаёт борга ўхшайди. Бутунлай бошқача!.. Қандайдир ёруғ, оппоқ... Ҳув, анави оқ булутларга ўхшаган!.. Болалик вақтимда ўша ҳаёт ҳақида ўйлардим, жуда кўп ўйлардим!..

Дониёр жим бўлиб қолди.

— Кеч бўлиб қолди, мен борай.

— Уйга кирамиз, — деди у ўрнимдан туришим билан жуда ғалати оҳангда.

— Раҳмат. Яхши кунларда учрашайлик.

Биз хайрлашдик. Дониёрнинг толиққан, сархуш кўзлари маъюс боқарди. Йўқ, бу кўзлар илинж, умидворликдан йироқ, аксинча, ҳаётнинг янги зарбаларига бардош беришга тайёрдек эди.



Нусрат Карим

МЕНИНГ ЮЛДУЗЛИ ОНИМ БУ...

Ватан тупроғи ҳақида ҳикматлар

Сўғдиларда бўлган эзгу бир удум:
Очкўзлик дардидан ким бўлса адо,
Ватан хокин сепиб очофат кўзга,
Демишлар: тупроқдир бу дардга даво!

Сайёҳ ўзга юртда сарғариб тамом,
Тушакда дармонсиз чўзилса ночор,
Юрт гардини сувга қўшиб бермишлар,
Ватан тупроғи деб танингга мадор.

Ўғлон ўзга элда қилиб айш-сафо,
Унут бўлса тамом ёру диёри.
Унга Ватан гардин ичирсалар гар,
Тинмасдан, чорлармиш Ватан хумори.

Жанг аро жангчининг бағри бўлиб чок,
Бемаҳал сўлса гар киприк — япроғи,
Юрт хокин юракка босар эмишлар,
Унга шифо дея Ватан тупроғи...

Виждон — хотирот

Бир кўчат ўтқазинг хилват маконда,
Хазон топган гулнинг ёди-ҳурмати.
Забун қилди мени ушбу замонда
Чалажон туғилган гўдак миннати.

Бир кўчат ўтқазинг сокин маконда,
Бўғизда бўғилган эзгу сўз учун.
Бир дам ҳамдард бўлинг ул хонадонга,
Ёш жонга қасд этган қора кўз учун.

Бир кўчат ўтқазинг қабристон аро,
Қалбларда кўмилган армонлар учун.
Мен ўзим қотилу жавобгар танҳо—
Афғонда жон берган ўғлонлар учун.

Мажнунтол ниҳолин ўтқазинг шитоб,
Қадди эгик, бахти заволлар учун.
Мен тилсиз гувоҳман, мен жонсиз хитоб —
Жонига ўт қўйган аёллар учун.

Хотира — ниҳолга бош эгинг, дўстлар,
Эрку-тилдан жудо бўлганлар ҳаққи.
Йиғлангиз, дийдаси тош қотган кўзлар,
Заҳри қотил ютиб ўлганлар ҳаққи.

Наҳот мен шунчалар бесубут инсон,
Фалокат юз берса кўриб, кўрмадим.
Нажот деб чақирсанг, мен тилсиз ҳайвон,
Ўзликдан тондим, лек, ҳолинг сўрмадим.

Қабртошга ҳақ сўзни иншо этинглар,
Бошим уриб унга бўзлайин, ҳайҳот.
Ғафлатда қолганлар, нидо этинглар,
То абад уйғонсин виждон — хотирот!

Фаластин шоири Муин Бсису васияти

Тақдирга бўйсунган қул бўлиб ўлар!
Халқ мақоли.

Ердан кўзни узиб турингиз дадил,
Тиз букиб саждага бошин қўйганлар.
Тингланг, кўқдан нажот кутган мазлум эл,
«Тақдирга бўйсунган қул бўлиб ўлар!»

Қўлга кишан тушса кўргилик дебон,
Эрку-тилсиз қолса, қисмат деганлар.
Қувғинга учраган бадбахт оломон,
Тақдирга тан берган қул бўлиб ўлар!

Тўралар ғанимга ҳамтовоқ мудом,
Улар эл номидан қад эгиб турар.
Тингланг юртин ёвга олдирган авом,
Душманга тиз чўккан қул бўлиб ўлар!

Эркин сотиб элни тирик сўйганлар,
Қовоқ бошга қачон ақлу онг тўлар?
Эй кундага Ватан бошин қўйганлар,
Зурёдинг эрк кўрмай қул бўлиб ўлар!..

Босқинчи ёв сари қўзғалинг, қалқинг!
Курашган инсоннинг иқболи кулар.
Ҳақ! — дея ҳайқиринг мисоли чақин,
Нажот деб ётганлар қул бўлиб ўлар!

Инқилоб шарти бу — ҳаёт ё мамот.
Юзтубан ётганлар, ердан бош кўтар!
Эрк деб бош кўтарган қул эмас — озод!
Юртим деб ўлган қул хур бўлиб ўлар!

Ғазо¹, сизнинг юртдир. Ғазовот —

Ватан.

Қасос — сизга қисмат, тангри — эрк бўлар.
Эрксиз ўлганларни кўминг бекафан,
Ори бор одамзод эрк дея ўлар!..

Жаҳонда битмаган, эй гул

Чақиндек кўзларинг чақнаб
Ушал фасли баҳоримга,
Нигоҳингдан олов тушди
Бу қалби лолазоримга.
Бу ташрифга тасаддуқ жон,
Хуш келдинг, сафо келдинг,
Жаҳонда битмаган, эй гул
Битибсан гулзоримга.
Аё дўстлар, бу не бахтдур,
Самовий ул гўзалданким,
Муҳаббат элчиси келмиш
Менинг кўнгил диёримга.
Менинг юлдузли оним бу
Нусрато, аён бўлди,
Инжулар тушиб кўздан
Сочилмиш ашъоримга...

Икки наргис, икки қош

Жонга ўт солди, нетай,
Икки наргис, икки қош.
Ўт аро қолди танам,
Дилни эзди икки тош.
Не бало мунча қаро
Қошларинг куйган десам,
Икки қошнинг остидан
Жой олмиш икки қуёш.
Дилга солдим қизганиб
Икки қуёшнинг ишқини,
Вожааб, ўт тўфони
Жонима солди талош.
Қалбга чиздим нур билан
Ул малак сиймосини,
Жон топиб дил меҳридан
Кўксима ул кўйди бош.
Нусрато, ҳеч ким ҳали
Бу янглиғ бахт кўрмади,
Бу севинчинг тошқини —
Кўзларингда ҳалқа ёш.

ТҮРТЛИКЛАР

Чегара

Қалбинг, орзуларинг каби бепоён,
Чексиз яралмишдир бахтингга жаҳон.
Нечун кемтик қилиб она заминни,
Чегара тортибсан бахтингга, Инсон?!

¹ Ғазо — шоир туғилган шаҳар.

Қасам


Қалби куйик-куйик сўзона бир шам
Ишқда исён этиб ичади қасам:
— Оловли бағримга тортсаму, эй ишқ,
Аввал сени ёқиб, сўнг ўзим куйсам!

Манқуртлар

Жўшқин дарё ичра тош қотганлар — манқурт!
Беор юзларга ниқоб тортганлар — манқурт!
Чароғон, нурли кунда ҳақ йўлдан озиб,
Нопок ҳислар комига ботганлар — манқурт!

Устоз

Зукколик тиғи-ла устоз зиёкор.
Қалби мажруҳларни шифоланг зинҳор.
Виждонсиз кимсадан туғилган фарзанд,
Ё сотқин бўлур, ё жоҳил, риёкор...



Музаффар

УЗУК КЎЗИДАГИ ХАТ

Ҳикоя

«814 шамсиянинг жавзо ойинда¹
[Шоҳмаликнинг] Шайх Озарийни ҳибсга ҳукм
этиб, Қозизода Румийга маҳв тошини отғони ва
инчунун дўсти, сардор Шайх Нуриддинни кундан
дўзахга рўбарў қилғони соҳиб-тахтни [Улуғбекни]
беҳад ташвишга солмиш»...

Ҳофизи Абрў

Шайх Озарийнинг фавқуллода ҳибсга олинishi, у қолдирган узукнинг тақдири Тоҳир ибн Масъудни бир қадар саросимага солди. Кунда мақбарани зиёрат қилгани келадиган шаҳзодадан, мана уч кундирки, дарак йўқ. Ибн Масъуднинг дилига ғулғула тушди. «Ҳар қадамда изғиб юрган дарвишлар сиру асрордан воқиф бўлишлари мумкин...»

У кўнгилсиз ҳол рўй беришини сезди. Рўпарадаги мақбара остонасида тиланчилик қилиб ўтирган кимсанинг кўзини шамғалат қилиб, Сароймулкхоним дафн этилган хонақоҳи анбиёга кирди. Узукни сопол ғишлардан бирининг остига яширди. Елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил тортди.

Тушга яқин «Мавлоно Қозизода Румий пойтахтга қайтмишлар. Шоҳрух Мирзо Самарқандга келиш ниятида эмишлар» деган миш-мишлар тарқалди. Ноиблар ҳамма ёқни тартибга солишга киришишди. Шоҳмаликнинг фармони билан Шоҳизинда қабристонидан бир нави тирикчилигини ўтказаетган тиланчи, дарвишлар ҳам қувғинга олинди. Қўлида қамчи ўйнаётган навкарлар ҳеч кимга шафқат қилмай, уларни олдиларига солиб ҳайдашди:

— Ҳаромнамаклар, фисқу фасодларинг билан азиз-авлиёларнинг руҳини бадном этмакдадурсенлар!..

Тоҳир ибн Масъуднинг вужудига муз югурди. «Наҳот, узук ҳақида ноибга хабар етгон...»

Навкарларнинг ҳақоратига жавобан айримлар сўкинди, баъзилар нола қилишди. Дарвишларнинг кўпчилиги елкаларига тушажак қамчи зарбидан чўчиб, итоаткорлик билан қабристон дарвозаси томон юришди. Меъмор ҳам шулар сафига қўшилди...

...Улуғбек икки сипоҳ кузатувида аввал бобосининг мақбарасини зиёрат қилди. Кейин эса, Бибиҳоним мадрасаси меҳробига бош қўя туриб, бувисининг

¹Милодий 1412 йил.

руҳини ёд этди. Кўнгли анча таскин топди. Дилида Шоҳизинда қабристонни эта-гада қурилаётган аркни бориб кўриш истаги туғилди.

Кун ботарга қаратиб қурилаётган арк битай деб қолганди. Кошинкорлар бинонинг ташқи безагини парчинлаш билан банд эдилар. Муҳандис Улуғбекни тавозе билан кутиб олди. Эгардан тушишга кўмаклашди.

— Хуш кўрдик, шаҳзода, — деди у.

— Сизларга тангри мададкор бўлсун!

— Қурилиш ривожини аъло! Таърифи баҳонингизга мунтазирмиз!

Улуғбек муҳандис билан аркнинг атрофини айланди. Чошгоҳга оған қуёш нурида арк пештоқидаги тилларанг ой жилваланиб, кўзни қамаштирарди. Шаҳзода усталарнинг ишидан хурсанд бўлди. Муҳандисга ташаккур билдириб, оқ йўрғасининг ёнига келди. Узангига чап оёғини кўйган чоғида ортида кимнингдир ноласи эшитилди:

— Улуғбек Мирзо! Бир оғиз гапим бор! Ижозат берсангиз...

Еш ҳукмдор овоз келган томонга ўгирилди. Сипоҳлар қуршовидаги бир қўли кесилган йигит унга илтижоли боқиб турарди. Улуғбек исмини айтиб чақирган кимсага ҳайрон бўлиб боқди.

— Нарин тур! Ҳукмдорнинг сендан ўзга юмуши йўқми? Арзингни қозига айт! — сипоҳлардан бири унинг елкасига туртиб, нарига итарди. Этигининг кўнжидан қамчисини олди.

Тоҳир ибн Масъуд сипоҳнинг хатти-ҳаракатидан зил кетди. «Наҳот шаҳзода ни бор гапдан огоҳ этолмасам» деган хаёл елкасига тоғдек ағдарилди. Қаддини ростлашга уринди.

— Бибихоним ҳаққи-ҳурмати, сўзимга қулоқ осинг, Мирзо!

Йигитнинг боқишидаги дадиллик, бибисининг номини тилга олиши Улуғбекни сергаклантирди. Усти юпун ва ямоқ йигитнинг бошқалар сингари бошини пойқадамига урмагани, аксинча, мағрурлиги Улуғбекни ажаблантирди. Унга томон қадам ташлади. Хотираси панд бермаганди. Қаршисида Румий қўлида бирга таҳсил олган сарой меъморининг ўғли турарди.

— Ибн Масъуд... — Улуғбекнинг овози титраб чиқди. Вужудини ғалати ҳис қамраб олди. У атрофида турган ғулому акобирларга заррача эътибор қилмай йигитни қучоқлаб олди. — Сизни ким бу кўйга солмиш?

— Саволнинг мавриди эрмас, Мирзо. Бундан ҳам зарурроқ юмуш бор! Бибихоним қабрларига ўтайлик. Омонатни қўлингизга топширай. Кейин бафуржа гаплашурмиз!

— Қандай омонат? — деб ҳайрон бўлиб сўради Улуғбек.

Тоҳир ибн Масъуд Улуғбекни қабристон томон бошлади. Йигитнинг рўбарўсида тоғдек сад бўлган сипоҳлар Улуғбекнинг бир имоси билан орқага тисарилишди.

— Ҳутнинг учинчи жумасинда Шайх Озарий маликаи доруссалтанат қабрини зиёрат қилғони келгандилар.

— Ким? Озарий?

Улуғбек қадам босган жойида карахт туриб қолди.

— Ҳа, — Тоҳир ибн Масъуд сўзида давом этди. — Мен билан мулоқотда эрдилар. Ногоҳ сипоҳлар ул кишини бесабаб ҳибсга олдилар. Ул зот бир узук қолдирдилар. «Ани ўз эгасига топшир» дедилар...

— Не учун саройга бормабдурлар?..

— Васий Шоҳмалик...

Иккиси ғира-шира ёруғ хонақоҳи анбиёга кирдилар. Тоҳир ибн Масъуд қабр ёнига бориб тиз чўкди. Сўнг ўрнидан туриб, эшик томон икки қадам ташлади. Чўккалади. Бир қўллаб қабр ғиштини кўчиришга уринди. Улуғбек ҳайрон бўлганича унинг ҳар бир хатти-ҳаракатини нафас ютиб кузатиб турарди. Ғишт ўрнидан кўчирилгач, меъмор бармоқлари билан қумни титкилади. Мақбара гумбазидан тушаётган шуъла йигит кафтидаги зумрад кўзли узукнинг тилла гардишида жилваланди. Улуғбек узукка боққанча ҳайратдан лол туриб қолди. Гардшига аллақандай белгилар, ёзувлар битилган узук шаҳзоданинг диққатини ўзига тортди.

Тоҳир ибн Масъуд узукни кўзларига суртиб, Улуғбекнинг қўлига тутқазди.

— Шу кунга етказгон оллоҳга шукр! Шайх Озарий узукда мактуб борлиғининг огоҳ этгандилар.

— Мактуб? Қандай мактуб?!

Улуғбек ҳаяжон билан узукни кафтига олди. Титраётган бармоқлари билан белгиларини силади. Унинг юраги ҳаприқиб кетди. Тезроқ саройга бориш, узук тилсимотини очиш иштиёқида ёнди...

Улуғбек оқ йўрға ёнига келганида бир нарса ёдига тушиб, орқасига кескин ўгирилди. Ортидан изма-из келаётган Тоҳир ибн Масъуднинг ёнига қайтди. Бармоғидаги олтин бандли узукни ечиб, унга узатди.

— Хазинадан яна мукофот олғайсиз, — Улуғбек фармонига маҳтал бўлиб турган сипоҳларга қаради. — Анвар, Шайх Озарийни озод этишни зиммангга ол. Ул кишини Кўксаройга олиб борурсен! Саид, меъморға от келтиринг!

Сипоҳлардан бири отга қамчи босиб, шаҳар томон елиб кетди. Иккинчиси ғулومлардан бири тутиб турган отни етаклаб Тоҳир ибн Масъуд ёнига келтирди ва унинг эгарга минишига кўмаклашди...

Кўксаройга қайтган Улуғбек тўғри хосхонасига йўл олди. Ички бир ҳаяжон билан узук бандидаги мўъжаз мурватни босди. Зумрад тошли гардиш жиринглаб очилди. Унинг ичида тўрт букланган саҳифани кўрди. Улуғбек олтин суви билан дастхат этилган иборани овоз чиқариб ўқиди:

— «Ё соҳиби салтанат, жувонмард Мирзо Улуғбек, инни кароматул султони одилун фил арзи, фаҳқум байнан носи бил ҳаққи». Улуғбек тўнининг заррин уқасидан тутди. — Во ажаб! Бибим бу ҳадисни қачон битганлар?! Наҳотки...

Бибисининг бу кароматидан у ҳайратга тушди. Сароймулкхоним набирасининг юриш-туришидан бохабардек фикр баён этиши Улуғбек учун кутилмаган ғайри табиий ҳол эди...

— ...«Султонил—одилун фил-арзи...» Одил шоҳ бўлишинғизға ишончим комил... — дея такрорлади Улуғбек.

Бироқ, ҳадисдаги иккинчи «фаҳқум байнан носи бил ҳаққи» жумласи шаҳзодани ўйга толдирди. Бу сўзнинг маънисини англаса-да (маъноси: энди сен одамлар орасида ҳақ билан ҳукм юрит), унинг замиридаги мағзни чақишни, бу билан бибиси не демоқчи эканлигини билолмай гаранг бўлди.

Улуғбек дастхатни ушлаганча анча вақт хаёл суриб ўтирди. Бу ҳадис ёз осмонида ногоҳ гумбурлаган қалдиروقдек унинг дунёсини алғов-далғов қилиб юборди.

Бир неча сониядан сўнг, у дастхатни узук тилсимотига солди. Ўрнидан турди. Шайх Озарийни кўришга ошиқди.

Хилватгоҳдан тахтиравонга қайтаётган Улуғбек эшиги ярим очик кўшқдан Шоҳмаликнинг овозини эшитди.

— Шакоклар! Аҳли ислом ҳақида фисқу фасод тарқатғувчиларнинг танобини тортиб қўймоқ даркор! Энг аввало Озарийни!

— Шайх Озарийни ўринсиз зиндонбанд этдинғиз, амир! — Бу Саид Ошиқнинг овози эди. — Муслиму мўминлар бу хабардан огоҳ бўлсалар, ғалаён қилишлари аниқ. Ул зот илмда бўлғони каби динда фасиҳғуфтор, кўзга кўринғон арбоб! Шайх уч карра Маккани зиёрат қилғондурлар. Алқисса, Муҳиддин Ғазолийнинг таълимини олғондурлар.

— Қўрқоқ экансиз, Саид! — деди Шоҳмалик зарда билан. — Доруссалтанат муслимларнинг ихтиёри, қўлинғизда бўлса-ю, битта олчоқни бошини олмақликнинг важ-карсонини тополмасанғиз!

— Шоҳмалик, падарингиз тенгиман, менға ўшқирманг!

— Ул ярамас менга ҳар қадамда панд берғон, Озарий туфайли Мероғда ўн минг динор тилламдин айрилдум... Гапим битта, Озарийни Улуғбекдин батамом узоқлаштириш керак. Майли, ўлдириш қочмас, лоақал уни доруссалтанатдин бадарға қилмоқ даркор!

Улуғбек кўшкка шиддат билан кирди:

— Ҳукмдорнинг фармони не бўлғай!

Иккиси тўсатдан мушт еган киши мисол, талмовсираб қолишди. Саид Ошиқ ўрнидан турганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Шаҳзода тўғри Шоҳмаликнинг қаршисида тўхтади.

— Не иш билан машғулсиз, амир! — деди Улуғбек атайин «амир» сўзига урғу бериб. Бир зум васийдан нигоҳини узиб, сиркор деворга боқди. Иродасини

қўлга олиб, илк бора зуғумға ҳозирланди. Шоҳмаликнинг беун туришидан тоқати ошди. — Сизни отамдек азиз кўрурмен!

— Баракалло! — деди Саид Ошиқ орадаги ноқулайликни кўтариш учун.

— Самарқанд тахтини эгаллашимда катта хизматлар қилдинғиз, — деди Улуғбек Саид Ошиқнинг сўзларига эътибор бермай.

— Шундай! — деди Шоҳмалик базўр ғўлдираб.

— Бу яхшиликлар эвазиға сизға ё хонликни, ё бутун салтанат хазинасини бермоқ зарур!

— Қуллуқ! — деди Шоҳмалик Улуғбекнинг сўзларидаги пичингни сезмай.

— Мовароуннаҳр тахтини ва салтанат муҳрини сизға топширсам, не бўлур?

Шаҳзода Шоҳмаликнинг кўзларига боқди. Унинг қути учиб, ранги бўз янглиғ оқариб кетганди. Сўнг у Саид Ошиққа ўгирилди. — Хўш, ҳазрат, сиз бу таклифға не деғайсиз?

Саид Ошиқ жавоб бериш ўрнига Шоҳмаликка юзланди.

— Мен сўзларинғизни онглай олмадим чоғи, шаҳзодам, — деди сир бой бермай Шоҳмалик. Аммо ёш ҳукмдорнинг сўзлари худди ўқдек мўлжалга текканлиги унинг титроқ овозидан сезилиб турарди.

— Онглай олмадим денг?! — деди Улуғбек киноя билан. — Амир, сизға майда гаплиғ ярашмас эркан! Мени палахмон гирдобига отмоқдин мақсадинғиз не?

— Ё алҳазар! — деди Шоҳмалик ғалати оҳангда. — Ахир сизни фарзандимдек кўрурмен.

— Бас! Мушаъбидлик қилманг!

— Шаҳзодам, ғазаб жиловиға эрк берманг! Васий — ярим падар демак! Изминғиз менинг рози-ризологиғимға боғлиқ! — деди Шоҳмалик, ниҳоят саросимадан қутулиб.

— Гапнинг индоллосини айтинғиз, амир!

Улуғбек қалбининг тубида чўкиб ётган алам ва дард хубобдек юзага чиқиб, Шоҳмалик қаршисидаги мутеликка чек кўйганди.

— Озарийни огоҳимсиз ҳибсға олибсиз?! Бу не синоат? — деди Улуғбек заррин ҳошиялари жилваланиб турган камарини тутиб. — Мени фарзандинғиздин аъло кўрурсиз. Аммо бу юмушға не ҳожат?

Шоҳмаликнинг ранги яна қув оқариб, тиззасидан мадор қочди. У бир оғиз сўз демакка ожиз қолди...

— Шаҳзодам, бу ишға мен изн берғонмен, — деди Саид Ошиқ сохта ғурур билан. Саид Ошиқнинг бу гапи Шоҳмалик жонига ора кирди. — Аҳли муслим сиздин норизо!

— Боис?

— Маҳмурсиз! — деди Саид Ошиқ.

— Бизни майхўрликка ундағон ким? — Улуғбек Шоҳмаликка тик қаради. Васий жавоб бериш ўрнига кўзларини олиб қочди.

— Ҳа, маҳмурмен! Шаҳзода Мирзо Улуғбек маҳмур, ҳақиқий ҳоким Шоҳмалик! — Улуғбекнинг кулгуси сарой сақфида акс садо берди.

— Асос, дадил! — деди Шоҳмалик ўзини қўлга олиб.

— Бир саволимға жавоб беринг, сардор! Бу ерда иккинғиз кимнинг жониға ҳукм ўқияпсизлар?

— Отанғиз, сизнинг шаънинғизға нолайиқ ғийбатлар тарқатиб юрғон Озарийни ҳибсға олдуқ. У ақлдин озғон, — деди Шоҳмалик пинагини бузмай.

— Ақлдин озғон!!! — Улуғбекнинг вужуди ғазабдан титраб кетди. — Асл ниятинғиз мени тахтдин узоқлаштириш! Аммо бу режанғиз пойдеворсиз, шу боисдин ҳам инқирозға юз тутғай!

Улуғбек шундай деб ғазабдан букилган мушлари орасидаги фикимланган тўннинг барини силтаб, саройдан чиқиб кетди.

Ёш ҳукмдордаги бу кескин ўзгаришни кутмаган Шоҳмалик кўнглидан «Уч йилдан бери содиқ, итдек итоаткор шаҳзода ногоҳ бетга сопқондек отилса!», деган ўй ўтди.

— Таажжуб! — деди Саид Ошиқ ғўё Шоҳмаликнинг фикрини ўқигандек.

— Бу тахт меники бўлиши керак!

— Иншооллоҳ!

— Шунча кутганим етар, энди бас! Улуғбек... Май балоси ёмон, май ақлни

кесади... Май тахтдан маҳрум этадур. Гўдак, кимға зарда қияпти! Кимға?!
Амир Темур ёнида жанг қилиб, ярим оламини зир титратғон Шоҳмаликка-я!
Улуғбекнинг сўнги сўзларини ҳазм қилолмаган Шоҳмалик вужудида адо-
ват олови лов-лов ёнарди. Унда шаҳзодадан қақшатғич ўч олиш ҳисси уйғонди...

...Кутилмаганда саройда машварат қақририлишининг сабабини тушунмаган
Шоҳмалик Улуғбек ҳузурига ҳовлиқиб кирди.

— Мендин бемаслаҳат не ишни режаладинғиз, шаҳзода?

— Аъёнларнинг менға бўлгон садоқатини билмоқ ниятинда аларни им-
тиҳон қилмоқчимен, — деди Улуғбек бамайлихотир, тахтада қўл қовуштириб
ўтирганча, пинагини бузмай.

Унинг бу хотиржамлиги Шоҳмаликни баттар асабийлаштирди.

— Яна қандай имтиҳон?

— Имтиҳон тафсилотини айтмоқни лозим топмасмен, чунки сиз анинг шо-
ҳиди, ҳам иштирокчиси бўлғайсиз.

— Аҳли ниёз устидин кулмоқдин ўзға юмушинғиз қолмадиму?!

— Амир, базму наво, най ила майдин зерикдим, — деди Улуғбек ўрнидан
туриб. Аста юриб Шоҳмаликнинг рўпарасига келди. — Ақлни танимоқ вақти
етди, амирим!

— Имтиҳон сиз учун интиқомға айланғай!

— Ҳеч кимдин ҳадик қилмайдурмен... Ҳеч кимдин! — деди Улуғбек
овозини баландлатиб...

Сарой эшиги очилиб, Қозизода Румий, Шайх Озарий, уларнинг ортидан
аъёнлар кириб келишди.

Шоҳмалик тилига эрк бериб, муҳтарам аъёнлар олдида бебурд бўлиб қо-
лишдан ҳайиқди... Аламини ичига ютди. Рўй беражак воқеани зимдан кузатиш-
дан ўзга иложи қолмаганди...

Улуғбек ўрнидан туриб, даврани айланиб чиқа бошлади.

Унг томонидаги нақшин курсиларда Қозизода Румий, Ориф Озарий, Саид
Ошиқ, сарой аъёнларидан Исомиддин қози, Муҳаммад Мискин ва бошқалар
жой олишган. Қолганлар эса, қўл қовуштирганча таъзим билан туришарди.
Улуғбек бир-бир қадам ташлаб даврани айланаркан, кўпроқ йиғилганларнинг
кўзига қарашга ҳаракат қилди. Аъёнларнинг барчаси ҳам Улуғбекка тик қараш-
га ботина олмасдилар. «Ким садоқатли, ким эса йўқ! Товба, кўзларини яшириш-
дин мақсадлари не!.. Балки бу сарой одати бўйича ҳурмат белгисидур?! Йўқ!
Бобом мулозимларининг кўзга тик боқшини истарди. Тик боқшдан ҳайиққан
аъёнларнинг кўзида сафолат яширинган деб билур эди. Нигоҳларини яшириш-
дан муддаолари не, ёки анга жо бўлган маънони ошкор қилишдан чўчишми?..
Ҳурмат ниқобига яширинган ҳийла, такаббурлик! Ҳийлаларингга ҳийла билан
жавоб берурмен! Ани ҳийла билан фош этурмен!!!»

Улуғбекнинг нигоҳи унга жилмайиб, самимий термилиб турган кўзлар би-
лан тўқнашди.

— Шайх ул калом, не учун пойгакда турибсиз. Тўрға ўтинг! — у Лут-
фийнинг билагидан тутиб, Озарийнинг ёнидаги бўш курсилардан бирига ўти-
ришни сўради. Сўнг Саид Ошиққа юзланди:

— Шайхулислом, қомусул қонуннинг олтинчи саҳифа, учинчи бандида не-
лар битилғонини маълум қилсанғиз-да, машваратни бошласак.

Саид Ошиқ бундай савол берилишини сира кутмаганди. Бу саволдан кўз-
ланган мақсадни билолмай каловланиб қолди...

Улуғбек бир нафас Саид Ошиқнинг жавобини кутиб, ундан садо чиқиши
мушкуллигини билиб, даврадагилар томон ўгирилди:

— Машваратға маълумки, падаримиз Шоҳрух Мирзо ҳазратларининг пой-
тахтға келишлари муносабати ила олтин танга зарб этдик. — У пойгакда турган
ҳазинабонга мурожаат қилди. — Ҳазинабон, келтир олтин тангаларни! Аъён-
ларимнинг хизматини тақдирлаб, аларға янги зарб этилгон тангалардин инъом
этгум...

Ҳазинабон икки нақшин халтада танга келтириб, таъзим билан уни Улуғ-
бекнинг қўлига тутқазди.

Улуғбек халталардан бирини олиб, ундаги тангаларни гилам устига сочиб
юборди. Баъзи сарой аъёнлари дам Улуғбекка, дам қип-қизил гилам устида

оловдек товланаётган олтин тангаларга кўзлари ола-кула бўлиб термилиб қолишганди. Улуғбек хазинабон қўлидаги иккинчи халтани олиб, ундаги тангаларни ҳам гилам устига сочиб юборди. Ана шундан кейингина у кутган воқеа рўй берди. Бир неча аён ўзини идора қилолмай, ерда сочилиб ётган олтин тангаларни бир-бирларидан қизғаниб, териб олишга тутиндилар. Улуғбек оёқлари остида ҳашоратлардек ўрмалашиб, танга талашаётган аёнларга нафрат билан тикилганча индамай турарди. Сўнг Саид Ошиққа қаради. Ҳатто шайхулислом ҳам оёқлари остидаги тангаларни ўзгалардан қизғаниб, дарҳол териб оларди.

Улуғбек кулгидан ўзини тўхтатолмади. Унинг кулгиси саройнинг нақшин сафқига урилиб, бир неча бор акс садо берди...

Аёнлар ҳайратдан бир нафас турган ерларида тош қотиб қолдилар. Улар бу кулгининг боисини тушуниб етмагандилар. Улуғбек яна Саид Ошиқ рўпарасида тўхтади:

— Хўш, шайхулислом, қомусул қонуннинг учинчи бандини эсладингизми? Ёки ўзим айтимай?

— ...

— «Ман залла фи нафсиҳи рафаъ аллоҳу қадроху ва ман аzza нафсиҳи азаллаҳу фи аъони ибодиҳи»...¹

Давранинг у ер-бу еридан «тўғри», «жуда ҳақ гап» деган овозлар эшитилди.

Улуғбек оҳиста юриб келиб тахтга ўтирди. Бир оз ўйланиб олгач:

— Нафс деб алифдек қаддини дол этгон аёнларни ортиқ саройда тутиб туришни лозим кўрмаймен! Саид Ошиқ, сизга ҳам тааллуқли бу гап!

— Шаҳзодам, бу не ҳазил! — деди таажжубланиб Саид Ошиқ. — Ахир биз сизнинг ҳурматингиз, марҳаматингиз...

— Ҳурматим деб! Марҳаматим!.. Олтин билан ўлчангон ҳурмат, садоқат! Хўш, нима учун Лутфий ёки Саккокий тангага қўл узатмадилар?! Меъмор Тоҳир ибн Муҳаммад-чи? Демакки, алар мени ҳурмат қилмайдилар. Шундайми?!

— Шаҳзода!..

— Бас, Саид Ошиқ, мунозара қилишдан уялинг! Бу кундин эътиборан вазифангиздан озод этурмен!

— Бизни оллоҳ бу мансабга танлагон, фақат ул вазифамиздан озод этур.— деди Саид Ошиқ овозини баландлатиб.

— Демак, мен худонинг набираси эканмен-да? — деди Улуғбек ўзини кулгидан тутолмай.

— Оллоҳга шак келтирманг, шаҳзодам! — деди Саид Ошиқ астойдил ачиқланиб.

— Бу мансабга сизни бобом тайинлаганини эрта унутибсиз-да! — деди Улуғбек ҳам жаҳлдан бўғилиб. — Мени сира кўрқитолмайсиз. Мен фақат яратгандин кўрқадулмамен, бандасидин эмас. Гуноҳимдин ёлғиз оллоҳ ўтадир! Шайх Озорий жониға қасд қилганингиз учун аллақачон бошингизни танангиздан жудо қилган бўлурдим! Лекин оллоҳга шукур қилинг. Мен бибимнинг, бобом Темирнинг руҳиға иснод келтириб, қўлимни қонға бўямоқни сира-сира истамаймен! Бу ҳам сизнинг бахтингиз. Энди иззат вожиб, машваратни тарк этинг!

Даврада ғала-ғовур, жонланиш кучайди. Улуғбекнинг охирги сўзидан кейин гапиришга оғиз жуфтлай олмаган Саид Ошиқ ғазаб билан саройдан чиқиб кетди. Унинг кетидан бошқа аёнлар ҳам эшик томон йўналишди. Саройда ўттиз чоғли аёндан бор-йўғи ўнбеш киши қолди...

«Мана энди сенларнинг бутун кирдикорларинг менга яхши аён бўлди», дея кўнглидан ўтказди Улуғбек.

У ўрнидан шахд билан туриб, қарсак чалди. Саройбон тавозе билан ҳукмдорнинг пойига келди.

— Дабирни ҳузуримға чорланг! — деб буюрди Улуғбек.

Шаҳзоданинг саъйи ҳаракатини кузатиб турган Шоҳмалик Улуғбекнинг ҳақиқий султонлар каби ўзини салобатли тутишидан ҳам ажабланган, ҳам ҳаяжонга тушганди. Ундаги бу ўзгаришни Қозизода Румий ва Озарийнинг, яна муҳтасиб Исомидиннинг фаолияти билан боғлади. Лекин, Улуғбекдаги бу руҳий ўзгариш, дадилликка Сароймулкхонимдан қолган ёлғиз ёдгорлик — узук ичидаги ҳирзи амоний сабаб бўлгани у учун қоронғу эди...

¹Кимки ўз нафсини хор тутса, худо унинг қадрини оширади, кимки ўз нафсини иззат қилса, худо бандалари олдида уни хор қилади.



Ихтиёр Ризо

УММОНЛАР МАМЛАКАТИ

Қизлар

Қизлар тинч ўтирмас
Жўшиб-тошаётган шалолалар каби.
Очилар юзлари баҳорда
Тоғлардаги лолалар каби.
Кўзга куладилар,
Сўзга куладилар
Баҳорий шабадалар каби,
Уринли-ўринсиз ҳукм чиқариб...
Истаганларини қиладилар.
Кўпинча учрашувларга
кўпчилик бўлиб келадилар.
Сўз очадилар муҳаббатдан, шуҳратдан —
жонга тегадилар,
Сўнг, хафа бўлиб кетадилар...
Недандир тўйгандай
Хомуш ўтадилар...
Баъзан арслонлар каби
Ҳужум қиладилар,
Ҳисларга, туйғуларга,—
Баҳорга ҳусн берган
Баҳордай қизлар...

«Уммонлар мамлакати» туркумидан

Топарди

Уммонларнинг
Хилма-хил жойларидан
уруғ қўйиш учун
чучук сувларга
бир-бир,
икки-икки,

тўда-тўда бўлиб
интилар балиқлар,
интилар...

Уруғ қўйган жойлари
хилма-хил,
бурчак-бурчак,
сувлари шўр эмас,
чучук-чучук...
Бир ҳафта... Икки ҳафта...

Аммо, орқага қайтиш бор ўртада,
болалар улғайиши бор,
авлодлар кўпайиши бор ўртада.

Агар тўрларга,
қармоқларга илинмасалар,
талон-тарожга учрамасалар,
болалар оналарини,
оналар болаларини
топарди, албатта топарди...

Қўрқмасдан

Ажабо, кутум балиқ,
кичкина бўлса ҳам,—
қилтаноғининг кўплигиданми,
гўштининг бемазалигиданми, —
на лаққа балиқдан,
на наъра балиқдан қўрқар!..
Ва, ҳар хил балиқларга
араллашиб яшаса ҳам,
на уларга зарари тегадир,
на-да фойдаси.
Фақат ўзи учун яшар,
ўзи учун яшар,
қўрқмасдан...

Ҳайкал

Бу — на алломанинг,
на шоирнинг
на-да озодлик учун
қурбон бўлган
саркарданинг ҳайкали!..

Бу ҳайкал...

— Алло!.. Алло!..
Ўрта Ер денгизидамиз,
ўн саккизинчи узунлик,
ўттиз еттинчи кенглик...
Эшитяпсизми?..
эшит... яп... сиз... ми?!
— Ҳой, ҳой одамлар!
кўзимнинг оқу қораси —
болам чўкяпти!
ёрдам...
ёр... дам... бер... инг!..

— Биз Болтиқ денгизидаги
«Ҳамбург» танкеридан...
Танкеримиз ёрилди...
Тан... кер...

— Биз жанубий ер шаридамиз
бизни Жем қутқазди!..
Эшитяпсизми?!
Жем!.. Жем қутқазди!..

Ғарбда Дельфин дерлар,
Шарқда Сулаймон балиғи.
Бу — Дельфиннинг,
Жем лақабли
Сулаймон балиғининг ҳайкали.

Нега

Илонбалиқларнинг
ажойиб-ғаройиб
хосияти бор:
йилда бир марта,
қайда бўлсин-бўлмасин —
истанг уммонларда,
истанг дарёларда,
тубсиз денгизлар қаърида, —
йилда бир марта
зиёратгами,
уруғ қўйишгами,
(балки мажлисга!) —
тушуна олмадим,
Фақат Бермут учбурчагига,
Улим уч бурчагига
йиғин-йиғин,
тўда-тўда бўлиб интилар.
Илонбалиқлар...
Улим учбурчагига, нега?!

Илонлар

Тегма,
заҳари ўткир,
қонингни ғалтон қилади,
Ҳисларингни, туйғуларингни,
ҳаяжонингни қўлларингдан олади...
Тегма...
Тегмасанг — тегмайди...
Қўй,
яшасин
сендай,
мендай
чўчимасдан, кўрқмасдан яшасин...
ўзлари учун,
бу заҳарли,
қўш тилли
илонлар...



Рассом Ф. АЛИМОВ



Эркин Самандар



Роман¹

12

Якшанба куни Гулсора уйига келди. Остона ҳатлаши билан кўрдик, яна ўша ҳангома: уй тўла меҳмон. Бу гал меҳмонлар ойисига тегишли экан. Дадаси бел боғлаб ошхонада хизматда, ойиси меҳмонлар билан ичкарида. У онда-сонда кириб-чиқиб турарди.

— Зап вақтида келдинг,— деди ойиси,— дарров ошхонага ўт, дадангга қараш, шўрвани тортаверинглар.

Ойисининг оғзидан арақ ҳиди анқирди. Дадасига яқин борса, унинг ҳам кайфи бор.

— Косаларни тайёрла,— деди дадаси ёрдамчи топилганидан хурсанд бўлиб.— Иссиғида тез-тез олиб кираверасан.

Гулсора овқатни олиб кираркан, биринчи кўрган одами Аминов бўлди. Ўша тош тегиб ўлган Камолнинг дадаси. Ҳеч нарса бўлмагандай яйраб ўтирибди.

Косаларни Гулсора ойисига тутди. У биринчи косани тўрда ўтирган одамга узатди. Уни ҳам Гулсора танирди: колхоз раиси, уйларига бир неча марта келган. Унинг ёнидаги йўғон кишини танимади. Магнитофондан ашула таралиб турар, стол усти турли шисаларга тўла, айримлари бўшай деб қолган, меҳмонларнинг кайфи баланд эди. Гулсора тезгина чиқиб эшикни ёпди.

Отақўрғон марказидаги олтин буюмлар дўконида мудир бўлиб ишлаган Гулсоранинг дадасини ҳамма Ўғил бола дейди. У дуч келган одамни ўғил бола деб атайверганидан шу лақабни олган.

Бугун Ўғил бола хурсанд. Хизмат юки елкасида бўлгани билан меҳмонлар унинг чарчоғини чиқарадиган одамлар. Учови ҳам қўли очик, жўмард...

Ошхонада Ўғил бола куймаланаётганида ичкарида меҳмонлар қадаҳларни жаранглатиб, «нодон ва бад» одамлар ҳақида бири олиб, бири қўйишарди.

— Шундай қилиб, осмонга ўқ уздим денг,— кула-кула деди йўғон кишини туртиб Исроил раис.

— Э, ҳаммасининг ўтакасини ёрдим,— Раҳмоновнинг қизариб кетган кўзи катта очилди.— Ростдан ҳам отади деб ўйлади шекилли, бири ўзини йигитларнинг орасига урди.

— Хо-хо-хо! — Исроил раиснинг кулгуси томни тешгудек отилиб чиқди.— Бу Ибройим писмиқ бўлса керак. Бува юр деган заҳоти эргашиб кетаверган. Ўзи ўлгудек қўрқоқ одам.

— Аммо-лекин ботирлари ҳам кўп экан.— Раҳмонов жиддий тортди.— Бува дегани-ку тўпнинг ўқидан ҳам тап тортмайди.

¹ Давоми. Боши ўтган сонда.

— Буёқ— деди Аминов Исроил раисни кўрсатиб,— мени, мен сизни огоҳ этмаганимизда...

— Нима қилишарди, қурилишингизни тўхтатиб қўйишармиди? — унинг сўзини бўлди Олтиной.

Аминовнинг энсаси қотди. Унинг учун Исроил раис жавоб берди:

— Ғавғо кўпаярди.

Аминов Исроил раисни мақтаган бўлди:

— Буёқнинг хислати шунақа зўр, ер тагида илон қимирласа билади.

Исроил раис номини тилга олишни истамаганидан Аминов у ҳақда гапирмоқчи бўлса ҳамиша «буёқ» сўзини ишлатарди. «Буёқ ундай деди, буёқ бундай қилди...» Исроил раис бундан кўнглига олмас эди. Унинг ўзи Аминовни орқасидан «тепакал» деб атайдди, ёнида эса Аминов дейди, исмини айтмайди.

— Аминов,— деди Исроил раис,— бу ижроқўм Маздубатда нима қилиб юрибди.

— Ушандан бери ўйлайман, ғорга у қандай бориб қолди? Сабабини билолмайман. Иброҳимов ҳам анойилардан эмас.

— Ўша куни мен бир нарсага ишондим,— деди Раҳмонов.— У бизнинг йўлимизда кўндаланг турган одам. Бузғунчиларнинг ёнини олди, уларнинг олдида мени ўсал қилди. Шу жўмашўвнинг ўрнига ўзингиз чиқиб олсангиз бўлмайдимиз, а, Исроил ака...

Бу майор балони билади, ўйлади Исроил раис, яқинда Болтабеков «ижроқўмга сизни раис қилмоқчимиз» деб эди. Шу гапни эшитган бу даюс.

— Э, йўқ,— деди Раҳмоновга,— бизга шу колхоз тузук. Хўпми!

— Колхоз жонингизга тегмадимиз? — ўзи айтиб ўзи кулди Раҳмонов.

— Колхоз бор — Исроил акам бор, Исроил акам бор — колхоз бор,— нозланди Олтиной.

— Аммо-лекин у куни қариялар ёмон аҳдга миниб келишган экан,— деди Раҳмонов яна ғор олдидаги воқеага қайтмоқчи бўлиб.— Агар отмасамми...

— Ҳамиша отди-чопдидан гапирганингиз-гапирган, Берди ака,— деди Олтиной.— Бундай бир очилиброқ ўтирсанглар-чи.

— Отди-чопди бизга, олди-сотди сизга ёқади, а?

— Э, олди-сотди ҳам қуриб кетсин. Аввалгиларига сира ўхшамай қолди.

— Ундай деманг, Олтиной. Бизнинг разведка дуруст ишлайди. Яқинда олиб келган нарсаларингизни ҳали сандиқдан чиқарганингизча йўқ.

— Сизнинг кўзингизга шу ордона сандиқ кўрингани-кўринган. Менинг эсам кейинги пайтларда негадир кўнглим вас-вас. Гўё бир ёмон нарса бўлагандай...

— Қўрқманг, Олтиной,— деди Раҳмонов,— устингиздан қуш учирмайман.

— Майор тўғри айтди. Бундан ташқари, чумчуқдан кўрққан тариқ экмайди. Қани, магнитофоннинг овозини кўтар, Олтин.

Исроил раиснинг бу сўздан кейин сўлаётган ўтириш яна гуллаб кетди.

Ўғил бола ошни суза бошлаганида бўшаниш учун бўлса керак, Аминов ташқари чиқди. У икки-уч марта гоҳ у-гоҳ бу томонга оғди. Капирни Гулсорага тутқазиб, Ўғил бола меҳмонга йўлни кўрсатиб қайтди. Унинг ҳам энди кайфи ошиб қолган, ичкарига ҳар кириб-чиққани сайин кўзлари сузилиб борарди. Аминов келиб даҳлизда қўлини юваётганида ичкаридан Олтиной чиқди ва меҳмоннинг қўлига тоза сочиқ тутди.

Аминов меҳмонхона буёқда қолиб, айвон сари юрди. Олтиной унга эргашди. Улар айвонга кириб эшикни ёпдилар. Бу пайт Гулсора айвон тўридаги ётоқхонага ниманидир излаб кирган, хонанинг эшиги очиқ турганидан овоз баралла эшитиларди.

— Ниманг бор менга?

Гулсора секин бошини чиқариб қаради. Аминов билан ойисини кўриб ўзини дарҳол ичкари олди. Ойисининг овозини эшитди.

— Айтганингизни опкелдим.

— Қанча тураркан?

— Дўкон баҳоси ўн. Қўлда ўн беш.

— Пулини эртага оларсан.

— Хўп бўлади, Ғанижон ака.

Улар чиқишди. Гулсора тушунолмади. Нима экан у опкелгани? Ун-ўн беш дегани-чи? Ун-ўн беш минг бўлса керак. Ана сенга керак бўлса...

Гулсора бир хаёли дарҳол ойиси билан гаплашмоқчи, сирни очиб ташламоқчи бўлди-ю, даҳлизга келиб дадасини оёқда туролмайдиган ҳолда кўргач, нима қилишини билмай гарангсиз турди-да, дадасига ёрдамга ошиқди. Уни суяб ошхонага киритди, диванга ётқизгач, ичидан бир нола келди:

— Нега менинг дадам бунақа, ойим унақа...

13

Ҳафта олдин Болтабековга Марказкомдан қўнғироқ қилишиб, Яманга бориб ишлайдиган мутахассис зарурлигини айтишган эди. «Ирригатор бўлсин. Одамлар билан тез тил топишадиган бўлсин. Оиласи, ахлоқий томонлари, кўриниши, дунёқарashi ҳаммаси жойида бўлсин».

Шу гапни эшитиши билан Болтабековнинг хаёлига Духнов келди. Ҳамма талабларга жавоб беради. Боз устига у кетса Дулдулсой лойиҳаси атрофидаги жонга теккан гаплар, тортишувлар барҳам топади.

Уч-тўрт кундан кейин яна бир ўйлаб кўргач, аниқ тўхтамак келди. Духновни Болтабеков ўз кабинетида илиқ қарши олди. Духнов ҳеч нарсадан беҳабар, навбатдаги зарбага ўзини тайёрлаб келган эди, бу мулозаматни кўриб ҳайрон бўлди. Болтабеков биринчи марта у билан ўрнидан туриб омонлашди. Соғлигини, оиласини, кайфиятини суриштирди. Бу илиқликдан Духнов ҳам юмшади. Вазиятни ана шундай «етилтирганидан» кейин Болтабеков мақсадга кўчиб, гапни халқаро аҳволнинг чигаллашиб кетганидан бошлаб, Яман республикасига келтириб тақади. У ерга бориб ишлашнинг аҳамиятини гапиргач, бахт қуши Духнов бошига келиб қўнганини айтди. Кутилмаган гапдан Духнов саросимага тушди.

— Бу ҳақда ўйлаб кўришим керак.

— Нимасини ўйлайсиз, Иван Иванович. Сизга шундай ишонч билдирилган экан, бундан фақат хурсанд бўлиш керак. Ахир, ҳаммани ҳам чет элга ишга юборавермайди-ку.

— Тушунаман, Султон Болтабекович, ҳаммасига тушунаман. Лекин буёқда бошлаб қўйган ишларим нима бўлади?

— Қайси ишни назарда тутяпсиз?

«Билиб билмасликка олади-я,— ўйлади Духнов,— гўё лойиҳа устида ҳеч гап бўлмагандай, гўё менинг Дулдулсойга дахлим йўқдай...»

— Мени Дулдулсойнинг тақдири ташвишлантиради, Султон Болтабекович. Таклифларимнинг биттаси ҳам инobatга олингани йўқ. Қурилиш кун сайин кенгайиб бормоқда. Котлован деярли битай деб қолибди. Бу кетишда...

— Тўхтанг, тўхтанг. Гапни ўзингиз бошладингиз, келинг, масалани ойдинлаштириб олайлик. Сиз қурилишни тўхтатишни талаб қиляпсиз, шундайми?

— Ким айтди сизга шундай деб, Султон Болтабекович? Қурилишни тўхтатишни талаб қилаётган одам йўқ. Гап айрим ўзгартишлар ҳақида бораётганини биларсиз деб ўйлайман.

Мунозарани тўхтатиш учун Болтабеков масалани ҳал қилишнинг «осон» йўлини таклиф қилди:

— Сиз бундай қилинг, Иван Иванович. Чертёжларингизни қолдиринг. Мутахассислар тўпланишиб, яна бир кўриб чиқишсин. Фойдали таклиф бўлса ким ҳам қарши чиқарди...

Сухбатни давом эттиришнинг бефойда эканини сезган Духнов:

— Кўрамиз,— деди истехзо билан.

Болтабеков баҳсинг барҳам топганини кўриб, Духновга мулойим боқди.

— Ҳужжатларингизни тайёрланг, Иван Иванович. Беш-ўн кун ичида жўнайсиз.

— Шунақа тезми?

— Контракт шундай тузилган. Ҳа-ҳа. Сафар жабдуғини ҳозирланг. Хайр, саломат бўлинг.

Духнов ўридан турди. Болтабеков ҳам.

— Айтганча,— деди Болтабеков тўрдан чиқиб Духновга яқин келаркан,— кўпдан Анисимов ҳақида фикрингизни билай деб юрардим. Шу ўзи қанақа одам?

— Бизда гўшт ҳаммас, балиқ ҳаммас, деган ибора бор,— жаҳли чиқиб турган Духнов гапни калта қилди.

Болтабеков кулди:

— Тушуникли.

Духнов чиқиб кетганидан кейин Болтабеков ўйга толди. «Гўшт ҳаммас, балиқ ҳаммас... Бир ҳисобда шундай бўлгани ҳам яхши. Бошқариш осон. Агар Анисимовнинг ўрнида оғизли бошқа бир одам ўтирганида борми... Ахир, у бевосита энг юқорига бўйсунди. Бу ердагиларни оёғининг учида кўрсатиши мумкин. Унда аминовларга йўл бўлсин. Дарвоқе, Аминов... унинг ўзини бошлиқ қилиб қўйса бўлмасмикан? Ҳозирча бир қарорга келиш қийин. Қурилишда кўп миллат одамлари ишлайди. Раҳбар европалиқдан бўлмаса тўғри келмас. Қолаверса, Аминовнинг аравани қуруқ олиб қочадиган одати бор. Ишлайверсин-чи...»

Болтабеков шу куни яна кўп режалар тузди. Экскаваторчи Сотим Сафоев... Уддабурон, мўмин-қобил йигит кўринади. Сиртқи ўқишга киритиб қўйилса, битта участкани бемалол эплаб кетадиган уқуви борга ўхшайди. Искандаров ҳам ёмон йигит эмас. У анча пишди, бош инженер қилиб қўйса бемалол олиб кетади.

Қурилишнинг ўзида, районда ҳал этиладиган бундай ишларнинг қулф-калти Болтабековнинг қўлида эдики, истаса очади, истамаса йўқ.

Иш куни охирида Анисимов ёнига Искандаровни олиб балиқ овига чиқди. Бу унинг сеvimли машғулоти эди. Ҳафта-ўн кунда бир марта овга чиқмаса хумори ёзилмас эди. Кейинги пайтларда ёнига Искандаровни оладиган бўлди. Бу меҳнаткаш йигит унга ёқиб қолган эди. Кўлга қармоқ ташлаб, қумда балиқ-шўрва қайнатиб, чақчақлашиб ўтиришни хуш кўрарди.

Бугун ов бароридан келди. Бирпасда челақ балиққа тўлай деб қолди. Балиқлар челақда шалоп-шалоп этади. «Ҳа-ҳа, — дейди Анисимов, — қўлга тушганингни билиб типирчилайсан-а, жим ёт, йўқса Юсуфбек сени кабоб қилади.»

Бу сўздан кейин Искандаров ўчоққа қарайди, гулхан ёқади. Олов атрофида ўрнашиб, қитдай-қитдай отилганидан сўнг олди-қочди гурунг бошланади, кўпроқ латифа айтилади. Жуда очилиб кетганида Анисимов гоҳо ўзи ҳақида гапириб қолади.

— Шу вақтгача ўндан кўп шаҳарда ишладим, Юсуфбек. Йирик-йирик қурилишларни бошқардим. Бир жойда михланиб ўтирган одамларга ҳайронман. Моғор босиб қолмайдими. Отам ҳам шунақа жаҳонгашта бўлган. У шаҳардан бу шаҳарга кўчганимиз-кўчган эди. Кўчманчининг нақ ўзи, ҳей. Бундай олиб қарасанг, шу яхши-да. Дунё кўрасан. Одам танийсан. Яшаб қоласан. Сенлар, Юсуфбек, мени маъзур тут-у, киндик қоним тўкилган деб битта тупроққа ёпишиб олсанлар. Ўла-ўлгунча ундан бир қадам нари жилмайсанлар, ҳей. Киндик қони тўкилса нима бўпти. Мен киндик қоним тўкилган жойни айрича тутмайман. Қаерда одамнинг қорни тўйса, шу ер унинг ватани...

Искандаров бу гапларга диққат билан қулоқ солиб ўтирар, гоҳо бош чайқаб «ҳовва» деб қўяр, бирон нарсага ҳам эътироз билдирмас эди. Анисимовнинг айрим фикрларига қўшилмас, айниқса ватан ҳақидаги гапига қарши чиққиси, унинг билан тортишиб-талашгиси келар, аммо уни хафа қилиб қўймаслик, сазасини ўлдирмаслик учун тилининг учига келганини ҳафсала билан ичига ютар эди.

— Кўп одамлар мансаб талашишади, ҳей. Курсини деб ҳар қандай разилликдан ҳам тап тортишмайди. Гап шу ерда қолсин-у, мана Аминовни ол. Амал учун бировнинг орқасини ялашдан ҳам қайтмайди, ҳей. Ол, ўрним керак бўлса, номард. Мен курсимга ёпишиб ётганим йўқ. Менга бу ер бўлмаса, бошқа ер. Ҳамма жойда менга иш беришади. Бермаган тақдирда ҳам ўлиб қолмайман. Топган-тутганим, мен сенга айтсам, умримга етиб-ортади. Нима, юз йил яшармидим. Дам шу дамдир, Юсуфбек, қани, қуй, ҳей.

Кеч кириб чигирткалар чириллади. Гулхан ёғдусида икки овчи қуюқ гурунглашишар, тўғрироғи, бири сўзлар, иккинчиси тоқат билан тинглар эди.

Шу тоқати Искандаровни кўп ўтмай олдинги қаторга чиқариб қўйди.

У бўшашди. Манглайига совуқ тер тошди. Купу¹ да айрон чайётган Анор хола Анварни докторга югуртирди. Ичкари хонага жой қилиб, ўғлини катга ётқизди. Қайноқ сутли чой ичирди. Исириқ тутатди.

Она ивирсиб боласини ўйлар, оғир нафас олиб ётган Ганжа эса танадаги дард қолиб, кўнгил яраларидан ингранарди. Тузалмас ярани кўнгилга Қумрихон солди.

Ўшанда ҳам Ганжа тоби қочиб ётиб қолган эди. Қиртепанинг, хумлар ва кўзалар қоясининг яксон этилиши, ғор оғзига бетон қуйилиши гангитиб қўйдими, охири кўринмайдиган ва бенаф олишувлар ҳолдан тойдирдимми, мажоли кетиб, борлиғи сирқираб оғрий бошлади. Кўзига олам қоронғи бўлиб ётганида Қумрихон янги гап топиб келди.

— Эртага Тошкентга кетадиган бўлдик, кенгашга,— деди гул-гул очилиб.

Эри ўзи не ҳолда ётибди, дард олиш, кўнгил сўраш ўрнига кенгаш хушхабарини айтиб, ўйноқлаб туриши Ганжанинг сабр косасини тўлдирди.

— Боланг ёш, қандай борасан?

— Раънога абам қарайдилар.

— Энамнинг мол-ҳоли бор, бизникига келиб туролмайдилар.

— Келишлари шарт эмас, қизимни олдиларига қўйиб келаман.

Шундай бўлди ҳам. Қумрихон болани Қораянтоққа, Анор холага ташлаб, Аминов ва Ткаченко билан кенгашга кетди. Ганжа тўшак билан бир бўлиб уйда ёлғиз қолди.

Нега Қумрихон эрига бундай бефарқ бўлиб боряпти. Авваллари ҳам шундай қилармиди? Йўқ. Эрининг оёғига кирган тиканни киприги билан олишга тайёр эди. Қачон, не боисдан у ўзгариб қолди? Балки айб Ганжададир, ўз ташвишлари билан ўралашиб, хотинига эътибор бермай қўйгандир, хафа қилгандир, ўзидан совутгандир?

Лўқиллаб оғриётган бошини ёстиқ тагига суқиб ётганча Ганжа узоқ ўйлади. «Кийим-бошига тузук қаролмадим. Уёқ-буёққа томоша қилдирмадим. Лоақал икки қадам наридаги тарихий ёдгорликларни кўрсатишга ҳам олиб боролганим йўқ. Лекин нима ташвишларда юрганимни кўриб-билиб турибди-ку. Битта қурилишда ишлаймиз, битта қозонда қайнаймиз, орамизда кўзга кўринмас девор қачон тикланди, ким уни тиклади?»

Агар ўртада шу девор бўлмаганида тўшакда унинг жисми ўт бўлиб ётганини кўрган бўларди, бу ҳолда ташлаб кетмас эди. Нима, кенгаш усиз ўтмайди-ми, Дулдулсойда кенгашга олиб борадиган хотин-қиз озми? Жуда ҳам кўп. Лекин Аминов уни олиб кетди. Нега?

Эшик тақиллади. Ганжа имиллаб бориб очди. Қаршисида қоғоз халта кўтариб Обод турарди.

— Жўра деган ҳам шундай бўладими? — гина қилди даҳлизда туфлисини ечаркан Обод.— Қасалман деб бир оғиз айтмайсанми? Искандаров айтмас юраверарканмиз беҳабар.

— Қасалман деб жўраларни ташвишга қўйдим...

— Ташвиши бор эканми, одамнинг тафтини одам олади.

Диван пойига тўшалган атлас кўрпачага ўтирдилар. Ганжа дастурхонни очиб қўйди. Чой қўймоқчи эди, Обод унамади.

— Қумрихон ишдами?

— Йўқ. Тошкентга кетди.

— Тошкентга кетди?

— Кенгаш бор эканми...

— Кўпчилик бўлиб кетишганми?

— Уч киши. Аминов, Ткаченко, икковининг ўртасида бизнинг хотин...

— Аминов ҳам кетганми? — Обод ёмон нарсадан хабар топгандай сесканди.— Қумрихонни бекор юборибсан.

— Иш-да, жўра. Командировка...

— Майли, хотин амалдор бўлса, шунақа парвозда юради.

— Хўш, ўзингдан гапир, яхши юрибсанми?

¹ Купу — айрон чайиладиган идиш.

— Мени дев урармиди, жўра. Аммо сенга кўнгилсиз гап олиб келдим.

Ганжа унга сабрсизлик билан боқди.

— Духнов кеча чет элга жўнаб кетди.

— Қаёққа? Кўпгами?

— Яманга. Ишга кетди.

— Яманга?..

— Духновдан қутулишнинг ана шундай силлиқ йўлини топишди.

— Вой, олғирлар-эй, энди иш нима бўлади?

Ганжа касаллигини унутди, кўзлари чарақлаб кетди. Обод унга яқинроқ ўтирди.

— Духнов ҳамма чертёжларини менга қолдириб кетди. Дулдулсойдаги тўқайларнинг тақдири Ганжа Қиличев билан сенга боғлиқ, деб айтди.

— Бизнинг қўлимиздан иш келмайдиганга ўхшайди.

— Шу ётишинг бўлса келмайди, албатта. Тез оёққа тур, гап бор.

— Не гап?

— Москвага борамиз. Тўғри министрга кирамиз.

— Фойдаси бўлармикан?

Яна эшик тақиллади. Искандаров кирди. Беморнинг ҳол-аҳволини суриштирди. Гап орасида Обод Москвага боражакларини айтди. Иложи бўлармикан, деб сўради. У Ганжанинг командировкасини назарда тутган эди.

— Нега энди иложи бўлмас экан,— деди-да, Искандаров Ганжага юзланди.— Ишга чиққач, тўғри Анисимовга кириш.

— Э, Анисимов ҳеч нарсани ҳал қилмайди,— деди Обод.

— Ҳал қилади,— деди Искандаров қатъий.— У ўзи яхши одам. Фақат унга масалани ётиғи билан тушунтириш керак. Лойиҳани ўзгартиришга борамиз демайсиз, албатта. Унинг нозик жойини топиш керак. Кўнглида иккита нозик тори бор, тегсанг жаранглаб кетади.

— Хўш-хўш?

— Унинг балиқ овига ишқибозлигини биласизлар?

— Буни ҳамма билади. Хўш, нима демоқчи эдингиз?

— Унинг олдига кириб аввал балиқдан гап очасиз. Гидроузел лойиҳасида балиқ йўли ҳам, кема йўли қурилиши ҳам кўзда тутилган. Аммо иккови ҳам амалга ошмайдиганга ўхшайди. Анисимов ана шундан хуноб. Бунда сизларнинг ёрдамингиз асқотиши мумкин.

— Нима бўлаётганига ўзи сира тушуниб бўлмайди. Лойиҳада бор, планга кирган, лекин қуриш мумкин эмас. Бундан ҳам ортиқ бемаънилик бўлиши мумкинми, а?

— Ҳеч ким уларни ўз балансига олишни истамаяпти. Балиқчилик давлат комитети ҳам, Денгиз флоти министрлиги ҳам ўзларини четга олишди. Иқтисодий фойдаси оз эмиш.

— Йўли тўсилса балиқ қандай урчийди? Бундан етадиган иқтисодий зарарни ким чўтга солади?

— Ҳамма бало шунда-да. Ҳеч ким бош қотиришни истамайди.

«Ҳеч ким бош қотиришни истамайди... бунинг ўзи-чи,— хаёлидан ўтказди Ганжа,— ўзи бош қотирадимми? Қайда. Юқоридан буюрилса орқа-олдига қарамай югургилайди. Ўзи мутахассис бўлса. У билан аини гаплашиб оладиган вақт келди.»

— Биров бош қотиришни истаса, Маздубат ғори ёпиб ташланмаган бўларди.

Ганжанинг бу гапи бевосита ўзига қаратилганидан Искандаров қизарди. — Бирон нарса амалга ошадиган бўлса, бош қотирганга яраша... Маздубат ғори бугун бўлмаса эртага йўқотиларди. Бош қотир-қотирма...

— Э, йўқ,— деди Ганжа ғазабини ичига сиғдирилмай,— амалга ошадиган нарсага бош қотирилмайди. Жумбоқни ечиш учун керак бош дегани...

Буни Искандаров, сизларда бош йўқ, деб тушунди.

— Тиш ўтмайдиган жумбоқ бўлса-чи,— овози дағал чиққанини ўзи сезди, лекин шу зайлда давом этди,— Маздубатга сув қўйишни мендан ва сиздан сўрамай юқорида ҳал этганлар. Демак ғор ҳам сув тагида қолади. Сувни у ютиб юбормаслиги учун оғзи шувалиши керак. Шу ишни мен қилмасам, бошқа биров қиларди.

Ганжанинг юрагини чангаллаб турган оғриқ зўрайди.

— Мен бажармасам, бошқа бажаради... Топган гапингизни қарангу. Одам ўзи истамаган ишини қилса ё шу иш учун бошқаларга йўл берса, унинг одамлиги қаёқда қолди? Мана, сиз ғорнинг оғзини шуваб ташладингиз. Одамларни унга кириб-чиқишдан, ўз ўтмиши, табиат яратган мўъжизани кўриш, ундан баҳра олишдан маҳрум этдингиз. Тарихнинг бир варағини шафқатсизлик билан йиртдингиз. Бу ҳам, агар билсангиз, ўзига яраша бир тарих. Машъум тарих...

Ганжага Ободнинг раҳми келди:

— Асабийлашма, жўра. Узинг бетоб бўлсанг...

— Тарих, тарих дейсиз,— Искандаров бўзариб кетди,— чанқаб ётган ерларга тарих эмас, сув керак.

— Тўғри, сув керак, буни биров инкор этаётгани йўқ. Лекин тўқайлар, ғорлар, конларни, денгизни йўқотиш ҳисобига сув олиб борган кишилардан ер миннатдор бўлади деб ўйлайсизми? Ахир, ҳеч нарсага зарар етказмай туриб ҳам сиз айтган шу сувни ерга олиб бориш мумкин-ку. Сиз, мана, дипломли миробсиз, айтинг, гапларим хатоми?

Искандаров ҳеч нарса деёлмади. Аслида у гидроузел ва сув омборларининг бу тарзда қурилишига қарши эди. Тўғри келганида Духновни бир неча марта қўллаб-қувватлади ҳам. Аммо, бундоқ қарасаки, бошланиб кетган ишни тўхтатиш, тузатиш ва бошқатдан бошлаш кўп мушкул муаммо. Устига-устак, бу катталарга маъқул келмаяпти. Шундай бўлгач... Искандаров ўзининг ожиз томонини билади. Зўрга ён босиш одати йўқ эмас. Манави икковлон эса зўрдан-зўр келамиз дейишяпти. Нафсиламрини айтганда, буларники тўғри.

Искандаровнинг ён босганини кўриб, Ганжа кўпдан бери сўрамоқчи бўлиб юрган гапини тилига чиқазди:

— Айтинг-чи, ёшлар бу ишлардан нега четда турибди?

— Четда тургани йўқ,— деди у ҳозиржавоблик билан,— ёшлар Дулдулсойни ўз идеали деб билишади. Ўрта Осиёдаги энг катта сув омборини қуришаётгани билан фахрланишади. Ҳар хил баҳс-мунозара, иккиланишлар уларнинг ташаббус ва ғайратларини сўндириб қўйиши ҳеч гап эмас.

— Мен эса бундай деб ўйламайман. Ёшлардан ҳеч нарса яширмаслигимиз керак. Бугун яширилган гап эртага барибир ошқора бўлади.

Ганжани Обод қувватлади.

— Табиатнинг қанотларини қирқаётганимизни ҳали ёшлар англаб етганларича йўқ. Ҳозир билмаганлари билан улғайиб камолга етганларидан сўнг билдилар. Ана шунда бизларни айблайдилар. Ўзларининг ғўрлик билан қилиб қўйган хатоларини умр-умр кечирмайдилар. Лекин уларда айб йўқ, айб биз — катталарда.

Буни Искандаровнинг ўзи ҳам яхши биларди. Ёшлар унга қулоқ солишади. Сўзини икки қилишмайди. Бироқ хатоларни айтиб, ҳозир уларнинг кўнгилларига ғулғула солиш тўғри бўладими? Бу, биринчидан, чопиб бораётган отнинг пешонасига уриш бўлади. Қолаверса, уларни қайрашнинг нима билан тугаши номаълум. Аминовлар ёшларнинг сўзи билан ўз қўлларидаги тошни ташлашадими? Нари борса тошни қўйинларига яширадилар. Пайт пойлаб ёшларга отаверадилар. Уларнинг қўлларидан ҳамма иш келади.

Искандаровнинг юзидаги ифодадан Ганжа сездики, у билан тортишиб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Бунинг устига, касал кўргани келган одам бўлса. Бу гапларни бошқа жойда айтиш керакмасмиди. Эҳ, асаб, асаб...

Яхши-ёмон гап ўтганига қарамай, Искандаров кетаётиб Ганжага очиқ чехра билан қўл берди.

— Тез тузалиб кетинг.

— Раҳмат.

Эшик олдига бориб тўхтади.

— Москвага борадиган бўлсанглар, тезроқ боринглар...

У чиқиб кетгач, Ганжа деди:

— Бир қарасанг ундай, бир қарасанг бундай...

— Демак, ўсадиган йигит, келажаги порлоқ,— деди ҳазилга олиб Обод.

Улар Москвага айна қишда боришди. Дулдулсойнинг изғирин шамолларидан чиниққан йигитлар қор устига янги ёққан қорни ғарч-ғарч босиб, йўл

йўлакай кўча ва майдонларни томоша қилишди. Оқ қайин бутоқларига ўрнашган паға-паға қорлар, арчалар устидаги оппоқ уюмлар, борлиққа ястанган шуъла кўзни қамаштиради. Осмонга бўй чўзган қарағайларнинг оқ либосларига қизил ва кўк куртка, болдирларни сиқиб турадиган хорижий жинси кийган қизлар ҳавас билан қарашади. Қандай оқ ва беғубор кўйлакларингиз бор, қарағайжонлар. Мактабдан қайтаётган болалар қизларга қор отишади, қизлар сумкаларини ерга қўйиб, қорларни коптокдек юмалатиб, болаларга отишга ҳозирлаганлари заҳоти йигитчалар тумтарақай қочишади, қизлар аламларидан дўконларга югуришади, оғиз-бурунларидан буғ чиқариб, мороженое ялашади. Узаро нималарнидир сирлашиб, чақ-чақ кулишади. От қўшилган чаналарда келин-куёвлар ўтишади. Талаба қизларнинг кўзлари ёнади, чаналар кўздан ғойиб бўлгунча қараб турадилар, чала тишланган мороженоелар устига янги қор учқунлари қўнади. Ер оқ, боғлар оқ, осмон оқ — Москва қиши қирчиллама ёшда, соғлом ва тоза, нафаси мусаффо, кўзингга, танангга, юрагингга роҳат бағишлайди.

Аммо министрлик хоналарида бу ҳавони «учратиб» бўлмади. Коридорлар, кабинетлар қоронғи, қандиллар фақат столларни ёритади, бошқасига кучи етмай милтирашади, деразалар икки қаватли, форточкалар берк. Ҳаммаёқдан папирос ва қоғоз ҳиди келади.

Министр чет элда сафарда, ўринбосарлари банд бўлганлигидан Дулдулсойдан келган икки йигитни эртаси куни бўлимда қабул қилишди. Бўлим мудири Сидоров, унинг ўринбосари Кубасов уст-устига сигарет чекиб, йигитларни тинглашди, Духнов чертёжларини кўздан кечиришди.

— Дулдулсойни яхши биламан,— деди Сидоров,— қурилиш бошланмасидан олдинроқ борганман. Ғани Аминович билан отда, кемада, вертолётда ҳаммаёқни айланганмиз.

«Тамом,— деди ўз-ўзига Ганжа,— бу ҳам Аминовнинг қармоғига илинган экан, ҳозир унинг ноғорасини чалади». Сидоров чертёжга яна бир марта кўз югуртирди.

— Бунинг фойдали томонлари йўқ эмас,— деди бармоғини чизиқ ва белгиларга яқинлаштириб.— Манави ўрмонни сақлашни кўзда тутати. Лекин бизнинг ўрмонларимиз кўп, бизга пахта керак.

Шу пайтгача чурқ этмай, кўзойнаги остидан бир йигитларга, бир Дулдулсой харитасига қараб ўйга толиб ўтирган Кубасов луқма ташлади:

— Бизга ўрмон ҳам керак.

Сидоров Кубасовга қаради. Негадир унинг кўзларига эмас, балки ихчам, қора соқолига боқди. Сидоров эллик ёшларга борган, кўзлари ҳорғин, кўса одам эди. Вужудидан ғайрат ёғилиб турган Кубасовнинг чиройли қора соқолига ҳасад қилдимиди, ё уни масхараламоқчи бўлдимиди:

— Сиз ўрмон жиннисини, ўрмон деса ўзингизни томдан ташлайсиз, аммо лекин пахта нималигини билмайсиз, билишни истамайсиз ҳам,— деди.

Кубасов бошлиғининг бетгачопарлигидан ўнғайсизланди, бир нима демоқчи бўлди, Сидоров уни гапиргани кўймади, қўлларини кериб:

— Ҳайронман,— деди бир Ганжага, бир Ободга қараркан,— сизларга ҳам хурмо керак, ҳам бурмо. Бир нарсдан кечмай туриб иккинчисига эришиб бўлмайди.

— Бу принцип ҳаммавақт ҳам ўзини оқлайвермайди,— деди Кубасов.

— Тўғри-да,— деди Обод,— албатта бир нарсани йўқотиш ўрнига иккинчисига эришиш керакми? Бизда сиз ҳам куймасин, кабоб ҳам дейдилар.

— Пахтани кўпайтирамиз деб тўқайдан ҳам, шифобахш кондан ҳам воз кечиш тўғри эмас. Қолаверса, уларни сақлаб қолган билан пахта камаймайди. Ўша-ўша ҳосил хазинага тушаверади.

— Бизга ўша-ўша ҳосил эртага камлик қилади,— деди Сидоров Ганжанинг «ўша-ўша»сини атай такрорлаб.— Бизга кўп пахта керак, жуда кўп пахта керак, тушуняпсизми?

— Сизни тушуниш учун кўп ақлнинг кераги йўқ,— қизишди Ганжа.

Сидоров ошириш юборганини тушунди.

— Буларнинг ўрнига ўзимизни қўйиб кўрайлик. Москва атрофидаги биргина кичик ўрмонни сувга бостиришни тасаввур этиб кўринг, этингиз жунжикади, — деб Кубасов вазиятни юмшатмоқчи бўлди.

Чинакам рус экан,— ўйлади ўзича Ганжа,— чинакам рус ҳеч қачон ўзим бўлай демайди. Аммо буни Сидоров еб юбормаса эди. Йўқ, Сидоров пичоғини қинидан чиқармади. Уч ҳамфикр кишига битта ўзининг бас келолмаслигини тушуниб, бошқача йўл тутди:

— Бу аҳволда ҳеч қачон келишолмаймиз. Масалани коллегия ҳал қилсин.

Бу, гап тамом, кабинетни бўшатишлар, дегани эди.

— Коллегия қачон бўлади?

— Уни министр билади. Мен кичик одамман.

Яша, эй, кичик одам. Агар ҳар министрликда сенга ўхшаш уч-тўрт кичик одамлар бўлса, бу юртнинг косаси ҳеч қачон оқармайди.

Ганжанинг табассумида манамен деб кўриниб турган бу фикрни Сидоров тушундими, йўқми, номаълум, аммо Кубасов истехзони англади. Уларни эшиккача кузатиб қўйди.

Кубасовга истехзо бўлиб кўринган нарса аслида алам эди.

Улар «Россия» меҳмонхонасига келиб бир оз дам олган бўлдилар.

— Юр, шаҳарни томоша қиламиз, Москва оқшомлари файзли бўлади,— деди Обод диванда ланж бўлиб ўтирган Ганжага.

— Оқшом ҳам, кундуз ҳам, умуман ҳеч нарса кўзимга кўринмай қолди.

— Тушкунликка тушганинг ёмон-да, сенинг. Биров бир нарса деса, аввал мағзини чақ, мақсадини бил, шунга қараб қиличингни қайра. Бу менинг сўзларим эмас, бувамнинг буваси шундай деган, жўра,— Ганжани кулдирмоқчи бўлди Обод.

— Гапнинг рости, ҳеч қаёққа бормайман. Жуда томоша қилгинг келаётган бўлса, ўзинг боравер.

— Гапингни қара-ю, сенсиз қаёққа борардим.

Шундай деб Обод телевизорнинг мурватини буради. Иккови ҳам ҳайратдан лол қолишди. Аминов экранда салобат тўкиб, қироат билан гапирмоқда эди: Дулдулсой гидроузели ишга тушгач, юз минг гектар янги ер ўзлаштирилади, пахта ҳосилдорлиги икки баравар ошади...

— Учир! — деди Ганжа ўзини йўқотиб.

— Қўявер, гапираверсин.— Обод яна одатдаги ҳазилига ўтди:

— Сўзлаётган аҳмоқ бўлса, тингламоққа доно керак!

15

Москвадан қайтиб келганидан кейин ўзи билан Қумрихон орасидаги девор яна-да қалинлашганини кўрган Ганжа ўйланиб қолди. Тўқайдаги дарахтларнинг ташвишини қилибди-ю, (бундан ҳам натижа чиққани йўқ) ўз ишқ чинорини асрашни унутибди. Севги экологиясини назаридан қочирибди. Муҳаббат ҳам табиат неъматини. Муҳаббатни асрамай, табиатни асрайман деганлар хато қиладилар. Этни тирноқдан ажратиб бўларканми.

Муҳаббат дарахтини асрашни Ганжа уйга қарашдан (унинг илдизи оилада-да) бошлади. Бундай қараса, янги берилган уйда ҳеч вақо йўқ. Иккита палос, пойандоз олди. Кредитга холодильник, ошхона жиҳозларини харид қилди.

Ўзи билан ишлайдиган ҳамкасбининг машинасини сўраб, Қумрихонни Хивага саёҳатга олиб борадиган бўлди. Америкадан, Англиядан сайёҳлар оқиб келишади, тарихимизни ўрганишади, биз бўлсак икки қадам нарида оқаётган ўз ариғимизнинг қадрига етмаймиз. Қумрихон эрининг фикрига қўшилди. Хивага борадиган бўлишди.

«Москвич» эшик олдига келиб, сигнал берди. Пардоз-андоз билан андармон бўлаётган хотинини Ганжа шоширди. Ичкари хонадан Қумрихоннинг аввал мана, ҳозир деган овози, кетидан сал ўтмай овозидан ҳам мулойимроқ бўлиб ўзи чиқди. Устида ҳарир кўйлак, оёғида қора туфли, бошида ироқи дўппи, Қулоғида бриллиант сирға, бармоғида бриллиант кўзли узук.

— Қалай, ярашибдими? — деди Қумрихон сирға билан узукка ишора қилиб.

Хотинининг бундай тақинчоқлари йўқ эди. Ганжа ҳайрон бўлди.

— Қаердан олдинг?

— Магазиндан.

— Бу... магазинга чиқарканми?

- Чиқади. Аҳён-аҳёнда. Обод акамлага айтиб қўювдим.
- Ободга? — Ганжанинг овози узоқдан келгандай бўғиқ эшитилди,— нимани айтиб қўйган эдинг?
- Райпога кеб қоса айтинг девдим. Кепти. Кеча айттила.
- Нега менга айтмадинг?
- Айтганимдан нима фойда. Сизнинг тилла магазинингиз бормиди?
- Пулни қаердан олдинг?
- Абамла юборувдила.

Ганжанинг қони қайнади. Қайнонаси пул юборса билмаса, хотини дўсти билан узук савдолашса билмаса, бу қанақаси? Бундан кейин эр неча пуллик одам бўлди. Енг ичидаги бу ишларнинг тагида нима ётибди?

«Москвич»нинг эгаси уйга кириб қистади. Ганжа бормаймиз демоқчи бўлди. Хотинининг кўчага чиқаётганини кўриб, ноилож орқасидан эргашди. Йўл узоқ эканлигига қарамай, бора-боргунча ҳеч кимдан садо чиқмади.

Отадарвоза олдида машинадан тушдилар. Ичон қалъага кирдилар. Калтаминор ёнида тўхтадилар. Чала қурилган миноранинг нақшлари кечагина уста қўлидан чиққандай. Экскурсовод шаҳар ҳақида ҳикоя қила бошлади: Муҳаммад Аминхон минора қуришни буюрди. Бир минора бўлсинки, устидан Бухоро кўриниб турсин. Усталар куну тун ишладилар. Миноранинг ярми қурилиб битганида ғазавот бўлди. Яқин одамлари хонни сотдилар. Унга хиёнат қилдилар. Улдириб бошини ёвга олиб бордилар. Ёв совғани қабул қилди. Совға келтирганларга зиёфат берди. Зиёфатдан сўнг ҳаммасини ўлдирди. Ўз хонингга хиёнат қилдинг, бир куни мени ҳам сотасан, деди. Хон ўрнига Абдулла хон бўлди. Минорани қурдирмади. Шу-шу қолиб кетди.

Яқин одамлар... хиёнат... ўлдирди... чала қолди... Ганжа негадир бу сўзларни ичида такрорлади. Феруз мадрасаси, Саид Оловиддин мақбараси олдидан ўтаётганларида ҳам қулоғидан шу сўзлар кетмади.

Паҳлавон Маҳмуд мақбарасида қудуқдан чакар билан сув тортиб, челакининг ўзидан ичдилар. Қумрихон битта ҳўплади. Ганжа ютоқиб ичди. Кўнгли бир оз равшан тортиди. Қумрихон қудуқ тубига тикилди. Гуноҳини кечиришни сўрапти, ўйлади Ганжа. Одатда гуноҳкорлар муқаддас қудуқ сувига тикилиб, гуноҳларини ювмоқчи бўладилар. Ганжанинг қовоғи уюлди. Экскурсовод Паҳлавон Маҳмуднинг рубойсини ўқиди. Маъниси: «аёлни маҳкам тут. Пишиб турган мева боғ деворидан ошса, йўловчи унга бешак қўл чўзар. Боғингни эҳтиёт қил...»

Ганжа тасаввур қилди. Пастқам девор. Ғарқ пишган олма шохи девордан ошиб йўл устига энгашган. Йўловчи шундоқ қўлини чўзди. Олиб оғзига солди. Боғбон боғ ичида ер чопади, терга ботиб ер чопади. Пишган мевани ўйламайди. Ўйлашга унинг вақти ҳам йўқ. Меванинг мазасини йўловчи тотди. Йўловчи...

Калтаминор билан мевали пастқам девор то уйга қайтиб келгунча Ганжанинг хаёлидан кетмади. Хотини-ку, аёллигига бориб Ободдан узук сўраган бўлсин. Бу ҳақда нега Обод ғинг демади? Хотини айтманг деган бўлиши ҳам мумкин. Лекин Обод унинг энг яқин дўсти эмасми, бир оғиз шипшитиб қўйиши керак эди-ку. Ё буларнинг тили бир, ёки хотини ёлғон гапирди. Шу бугуноқ Обод билан учрашиш керак. Шарт.

Ганжа Ободнинг олдида боришни ўйлабди-ю, гапни нимадан бошлашни ўйламабди. Сўзловмай қолди. Аввало Ободнинг самимияти бирон нарса дейишга йўл бермади. Учта стол турган товароведлар хонасида битта ўзи чўт қоқиб ўтирган экан. Ганжани кўриши билан юзи ёришди. Қучоқ очиб кўришди. Чойнакнинг тагидаги яхна чойни қуйиб узатди. Узоқ вақт иши юришмай, кутмаганда омади чопган одамдай қувончдан энтиқди. Чинакам дўстлар учрашганида рўй берадиган беғубор ҳолат, илиққина бир муҳит пайдо бўлган эдики, айнан шу нарса Ганжанинг тилини бойлади. Бундан ташқари, хотинимга узук топиб бердингми, деб қандоқ сўрайди. Хотинига ишонмас экан, изини қувиб юрибди, демайдими?!

Улар райпо биносидан чиқдилар. Обод Ганжани уйига таклиф қилди. Ганжа кўнмади. Автобус бекатига қараб юришди. Олтин буюмлар дўкони олдида Ганжа йўлга сўрагандай деди:

— Яхши узуклар чиқибдимми?..

— Бриллиант кўзли узукни айтаётган бўлсанг керак. Зўр-а?

Демак, хотини тўғри гапирган. Узук билан сирғани олишга Обод ёрдам берган. Балки пулига ҳам ёрдамлашиб юборгандир. Хотинининг оймим пул юборди дегани ёлғон. Ойликка яшаётган одамлар шунча пул юбора олади-ми? Пули бўлганида ҳам нега юборади? Аксинча, фарзанд ота-онага ёрдам бериши керак-ку. Ганжа ич-этини еди.

Обод уни автобусга чиқазиб, машина юриб кетгунча турди. Ганжа йўлда Ободнинг ҳар бир сўзини тарозига солди, ҳар битта ҳаракатини эслаб, қандай маъно англатиши устида бош қотирди. «Бриллиант кўзли узукни айтаётган бўлсанг керак. Зўр-а?» Бу гапни Обод жуда самимий қилиб айтди. Ахир, узук билан сирғага аралашган бўлса, бир оз тутилган, қўлга тушганини англаб, типирчилаб қолган бўларди. Йўқ. Обод умуман узук ҳақидагина гапирди. Тақинчоқни у олиб бермаган. Обод унинг ишонган дўсти. Дўст дўстнинг хотинига ўлиб қолганда ҳам кўз олайтирмайди. Бу бошқа бировнинг иши. Бирон бойваччанинг ҳадяси. Ким бўлди экан? Балки, Аминовдир? Тошкентга бориб келганларидан бери Қумрихон икки гапнинг бирида унинг номини тилга олади: «Ғани Аминович мард». «Ғани ака бир сўзли одам...»

«Бир сўзли одам» уни СМУ партия ташкилотининг секретарлигига тавсия этган. Коммунистлар уни бир овоздан сайлашган. Ажабо, тажрибаси бўлмаса, ишни қойиллатаётган бўлмаса, нега секретарь қилиб сайлашади? Яна, бир овоздан! Демак, Аминов. Лекин буни қандай исботлаб бўлади? У яқинига ҳам йўлатмайди, албатта.

Ганжа автобусдан тушди. Уйлар уни уйига келаётганида ҳам қўйиб юбормадилар. Бир кўнгли, хотинингни исканжага ол, тўғриси айттирмагунча қўйма, деди. Хотинингда нима айб, деди иккинчи ўйи, пулни ойиси юборгани тўғри, она-да, ўзини ўйламайди, нима топса боласига тутуди. Яхши узук камёб нарса, дўстинг ёрдам берган, хотининг олган, шунга ҳам ота гўри қозихонами! Ганжага иккинчи ўй жўяли туюлди. Хотини узук билан сирғани унга сюрприз қилмоқчи бўлган. У эса арзимаган нарсага хотинини ёмонотлиғ қилиб ўтирибди. Ўзиям васвасанинг васваси бўлган. Тамом. Хотинида айб йўқ. Ҳозир уйга кириди-ю, ўртадаги гина-кудуратни олиб ташлайди. Хотинини сийлайди, унга ош пиширтиради, ўзи фартукни кийиб ёрдамда туради.

Афсуски, шундай бўлмади. Бунга кўчадаги икки нотаниш кишининг тасо-дифий суҳбати сабаб бўлди. Улар Ганжадан сал олдинда, ўзаро гаплашиб боришар, товушлари аниқ эшитиларди. Улардан бири: «Яқинда олтин буюмлар дўконига икки комплект тақинчоқ келган, узук билан сирға, бриллиант, фалон сўм турармиш»,— деди. Иккинчиси сўради: «Қиммат бўлса ётгандир, ким оларди шунча пулга?» Биринчиси деди: «Пулдорлар кўп. Уша заҳотиёқ кимдир олиб кетган». «Ким экан ўша миллионер?» «Яна билмадим-у, менимча: Аминов бўлса керак, дўконга кириб кетганини кўрганлар бор эмиш».

Ганжанинг оёғига чўқир тикан кирди.

16

Обод ўз сўзида туриб олди. Сен уни кўришинг шарт, кўрсатмай қўймайман, деди. Уёғига ўтди, буёғига ўтди, хуллас Ганжани Оролга боришга кўндирди. Кўнганининг бошқа сабаби ҳам йўқ эмас эди. Мўйноқда қариндоши Ғуломжон ака бор, анчадан бери кўришганлари йўқ, баҳонада бир хабар олиб келади.

Уларни Нукусда Ободнинг дўсти Шомурод кутиб олди. Институтда бир курсда ўқишган экан. Экспедитор бўлиб ишлайди. Жиккак, серҳаракат, оғзини тўлдириб сўкиниб гапирадиган одати бор.

Шомурод қўй сўйган экан, калласини меҳмонлар олдига қўйди. Хотинига тайинлади: меҳмонларнинг кўнглини ол, гап ўғирлама, қайноқ-қайноқ чойдан қуявер, қисталоқ арақни ўзим қуяман.

Шу куни дам олиб, эртасига саҳармардонда Мўйноққа жўнадилар. «Победа» Нукусдан чиқиб, Амударёдан ўтаётганда Шомурод деди:

— Амунинг аҳволини кўр, бу ёбнинг ўзи-ку, қисталоқ. Уёқда Қорақум канали, Аму-Бухоро канали, Таллимаржон, энди Дулдулсой, дарёни соб қилдилар.

Мўйноқда уларни Шомуроднинг дўстлари қаршилади. Ўзидай очиқ, ичида гап турмайдиган йигитлар экан. Денгиз бўйига бораётганларида Ганжа улардан Ғуломжон акани суриштирди.

— Э, у кишини ким билмайди. Райсоветнинг бошлиғи-да.

Шомурод унга телефон қилишни тайинлади. Соҳилга етиб боришгач:

— Худди шундай деб ўйлаган эдим,— деди Обод.— Камида беш-олти қарич чўкибди. Биласанми, Ганжа, Орол аввал қандай эди, тўлқинлари нақ осмонга сапчирди.

— Кўрганман,— деди Ганжа ён-верини кузатиб,— адашмасам, биз турган мана шу ер ҳам аввал денгиз эди.

— Туври, қўноқ, туври. Орол ҳўв жердан оқар эди.

— Шунча чекиндими, а?

— Сувдан олаберсанг, жубермесенг, шекиниб-шекиниб, охири қуриydi.

Обод йигитларни саволга тутди. Ганжа уларнинг Орол ҳақидаги гап-сўзларига бирпас қулоқ солиб турди-да, нарироқ бориб, туфлисини ечди, сувга кирди. Денгиз ҳам шундай ювош тортаркан-а, худди жимит кўлнинг ўзгинаси. Ганжа оёғини сувдан олди. Кўнгли алланечук бўлиб кетди. Хаёлига Дулдулсой сув омборини қуриб ётган кишилар келди. Бу оддий, сара, фақат меҳнат қилишнинг биладиган қурувчи йигитлар Орол ризқиға чанг солаётганликларини хаёлиға ҳам келтирмайдилар. Баҳайбат гидроузел қуриб битказилгач, Амударё тўсилгач, уни жиловлаб, тўғоннинг калитини чўнтағиға солиб олган одамлар Оролга сув берадиларми?!

Ганжа юрағиға кирган мунг худди оғир тумандай анчагача жону жаҳонини қоронғи қилди.

Мезбонлар қўноқларини денгизнинг шундай бўйидаги шийпонга бошладилар. Ёғочдан тикланиб, устиға шифер қоқилган шийпон олдидаги катта қозонда балиқшўрва биқир-биқир қайнар эди. Шийпонга кириб энди ҳам ўтирган эдиларки, Шомурод дастурхон тузаётган йигитға:

— Шиша кисталоқни оч,— деди.

Обод Шомуродни анчадан бери кўрмаган эди. Ўқишда боадаб йигит ишға келиб, мана, айнабди. Ёмон айнабди. Қаттиқ ичиб алжишға одатланибди. Уни йўлбошчи қилганиға, Ганжани унинг уйиға бошлаб келганиға ачинди Обод. Кўнгил бир бўлмаса гап ҳам бир ердан чиқмас экан. Давраға файз кирмади. Бунинг устиға шамол турди. Дастурхоннинг усти бирпасда оқарди. Денгиз ташлаб кетган ернинг шўри нонға, балиққа, чойнак-пиёлага кўнди. Кўзни очирмай қўйди. Мис қозиққа осилган тўнғир тинмай устунға урилар, «танг-танг-танг» товуш чиқарар эди.

Косагул янги шишани чайқаб-чайқаб очди. Арақ газли сувдай жимирлаб яна тиниқди. Пиёлалар тўлдирилди. Шу пайт шийпон олдиға чангга ботган «Жигули» келиб тўхтади. Машина эғаси остонада туриб, давраға ҳурмат билан салом берди.

— Ке, қўноқ, ке.

— Раҳмат. Ганжа оға ким бўлади?

— Мен.

— Сизни Ғуломжон ака кесин деяптилар.

Мезбонларнинг қаршилиғиға қарамай Ганжа ўрнидан турди: бораману келаман.

Ғуломжон ака Ижроқўм биноси олдида кутиб турган экан, машина тўхташиға ҳам тоқати бўлмай унга пешвоз юрди.

— Ассалому алайкум, Ғуломжон ака.

— Ваалайкум ассалом. Биз томонларға ҳам келаркансан-ку. Қалайсан, энанг, отанг, келин, болалар соғмилар?

— Раҳмат. Энам сизға салом айтдилар.

— Саломат бўлсинлар.

Ижроқўм ҳовлисига ўтиб, гулзор ичида ўтириб суҳбатлашдилар. Столда турли ноз-неъмат сероб эди.

— Узр, жиян. Бир оз шошиб турибман. Нукусға мажлисға чақиришган экан. Ахир, бундай бир айтиб, хабардор қилиб келмайсанми?

— Қандай йўлга чиққанганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Дўстим юр деб ҳеч қўймади. Келавердим.

— Яхши қибсан. Мен эртаға тушдан кейин қайтиб келаман. Бафуржа гаплашамиз. Ҳаммаёқни кўрсатаман сенға.

— Раҳмат. Биз бугун кетамиз.

— Ҳеч қаёққа кетмайсан.

— Иш кўп, Фуломжон ака, бормасам бўлмайди. Хўш, ўзингиз тузукмисиз, Зуфаржон қалай?

— Зуфар бу йил ўнни битиради. Тошкентга ўқишга кетмоқчи.

Ганжанинг хаёлидан Тошкентда, лола сайлида Комила опа айтган ҳикоя ўтди.

— Тошкентга бориб турасизми, Фуломжон ака?

— Онда-сонда. Тошкент яхши шаҳар, аммо менга тўғри келмади. Э, хаба-ринг бор-ку, ҳаммасидан.

— Бирда опа билан лола сайлига чиққан эдик. Сизни жуда ҳурматлаб гапирдилар.

Фуломжон ака буни кутмаган шекилли, таажжубланиб сўради:

— Йўқ-а?

Ганжанинг самимий кулиб турганини кўриб, ўзининг юзига ҳам табассум ёйилди.

— Комила опанг бебаҳо санъатчи.

Фуломжон ака чуқур уҳ тортди. Бир оздан кейин деди:

— Бу, яқинда Тошкентга бормайсанми?

— Йўқ. Нима эди?

— Ҳай, майли. Ўзим шундай. Қани, овқатга қара, жиян.

Ганжа ўша «Жигули»да орқасига қайтаркан, Фуломжон аканинг хаёли ҳали ҳам Тошкентда эканини ўйлаб мийиғида кулди. Шунча жабр кўрсаям опадан кўнглини узолмайди-я. Унинг ўрнида агар мен бўлсам... энг аввало ширин оилани бузган ўша машҳур ашулачининг додини берардим. Шундан кейин... Ганжа ўйлаб қолди, хўш, шундан кейин нима қиларди? Мана, ўз хотини, Қумрихон, қуюшқондан чиқиб кетмаяптими. Ганжанинг қўлидан нима келяпти, ҳеч нима. Шундай экан, Фуломжон акани айблаб бўладими? Унинг-ку, йўриғи бўлак, аммо Ганжа хотинини бундай кўёлмайди. Бриллиант тақинчоқлар қаёқдан келди, биринчи бўлиб шунинг тагига етиши керак.

Машина шийпонга яқинлашди. Пайдар-пай қўшиқ эшитилди. Бу — ҳойна-ҳой Шомурод. У энди машинани қандай бошқаради?!

Ганжа келиши билан Обод шошилиб ўрндан турди.

— Шунча ҳам кетмоқ бўладими, жўра. Кеч бўлиб қолди, қани, турдик бўлмасам.

Кўзғалдилар. Мезбонлар боғистонликларни уйга тортишди. Меҳмонлар бўй беришмади. Утиришларининг белига тепган тунд меҳмонлардан Шомуроднинг ихлоси қайтди. Машинасини қаҳр билан вариллатди. Кайфидан чўчиб, меҳмонлар унинг аравасига тушмадилар. Қорақалпоқ йигит ўз машинасида уларни Нукусгача олиб борадиган бўлди. Уларнинг иши Шомуроднинг иззатнафсига тегди. Йўлда кўндаланг туриб олди. Устимдан босиб ўтасан, деди. «Победа»га ўтирдилар. Ганжа яна олдинга жойлашди. Обод орқага. Машина қора тутун чиқарди. Чанг кўтарди. Қирда ёвшан, юлғун, янтоқ билан олишди. Шом қора пардаларини ёйди. «Победа» чироғи ёнди. Уттиз қадамча йўл ёриди.

Ганжа йўлга қараб денгизни кўрди. У фара ёритган йўл орқасида аста-аста чайқалди. Тун унинг устига қора кўрпасини ёпди. Тўлқинлар кўрпани тебратдилар. Ҳар ер-ҳар ердан бошларини чиқардилар. Кўрпани оёқлари билан тепдилар, юқорига отдилар. Денгиз юзи ёришди. Тўлқинлар бир-бирларини кучдилар. Уларнинг ўйнагиси бор эди. Ётгилари йўқ эди. Юқоридаги кўрпа яна устларига тушди. Бедор тўлқинларни Она ухлатмоқчи бўлди. Бутун денгиз бешикка айланди. Бешик тебранди. Алла эшитилди: кун ухлади, жоним болам, ухла... Тўлқинлар устидаги кўрпага янада қалинроқ кўрпа тортилди. Кўрпа қўшқават бўлди. Тўлқинлар уйғоқми, ухладиларми, энди кўз илғамас эди. Улар энди қачон уйғонадилар? Тонг отганида! Тонг ҳали кўп узоқда. Узоқларда. Тун ҳали-вери ўрнини бўшатмайди.

Ҳаммаёқ зимистон бўлганига қарамай, Шомурод машинани оллатасир елдириди. Чуқурлар устидан сакратди, кўприклардан ҳатлатди. Таваккал қилиб газни босаверди. Олдда машина кўринди. Чироқ унинг орқасини ёритди. Сомон юкланган грузовик инқиллаб кетиб борарди. Сомон кузовнинг икки томонига тарвақайлаб чиққанидан машина йўлни деярли эгаллаб олган эди. Шомурод қувиб ўтмоқчи бўлди. Босиб-босиб сигнал берди. Сомон-машина икки энлик

йўл бўшатди-ю, тезлигини оширди. Бўшатадиган бошқа йўлнинг ўзи йўқ эди. Тезлигини балки шунинг учун оширгандир? Нарироқда йўл кенгроқдир, ўша ерга етиб, орқасида келаётганларга йўл бермоқчидир?

Орқада имиллаб юришга Шомуроднинг сабри чидамади. Икки энлик йўлга бош суқиб кира бошлади. Обод унга, тўхта, деди. Шомурод тўхтамади. Балки кайfli кўзларига йўл кенг кўрингандир, балки таваккал қилмоқчидир. Ўйчи ўйлагунча у манзилга етиб олишга қасд қилгандир. «Победа» сомон машинанинг биқинига кирди, тезлигини оширди. Обод Шомуроднинг елкасига қўлини қўйди. Кескин қилиб, тўхта, деди. Шомурод унинг қўлини силтаб ташлади. Жаҳл билан газни босди. Йўлга сиғмаган «Победа» аввал бориб сомонга урилди, бир нима қарс этди, сўнг йўлдан чиқиб пастга ағанаб кетди. Шомурод жонҳолатда қисталоқ деб бақирди. Буни шофёрга айтдимиз, ўзигами, эътибор берадиган пайт эмас эди. Балки ўзига айтгандир.

Ганжа машинанинг ўмболоқ ошганини, ўзининг боши ошоқ, оёғи юқори бўлганини билади, кейин нима бўлди, билмайди.

17

Аминов машинасининг эшигини очди. Қумрихон лип этиб унинг ёнига ўтириб олди. Аминов кўкрак чўнтакли қора кўйлак кийган. Енгини билагигача шимарган. Қумрихон бошдан-оёқ оқ кийинган. Оқ шим, оқ кофта. Сочи чамбарак. Бўйнида марварид, қулоғида бриллиант сирға, унга мос узуги бармоғида жилоланади. Икковининг ҳам кайфи чоғ.

— Қаёқни томоша қилдирай?

— Ихтиёриз.

Машина Маздубатга қараб юрди. Аминов бир гапириб ўн кулди. Қумрихон гапирмай кулаверди. Аминовнинг кулгисиз гапларига ҳам кулди. Қирда бо-раётганларида Аминов Қумрихоннинг тиззасига қўлини қўйди. Қумрихон унинг қўлини қайтарди.

— Нима қипти?

— Кераги йўқ.

Аминов латифа айтди. Қумрихоннинг юзига истиғно қўнди. Машина Банди Султон ёри олдига келиб тўхтади. Тушдилар. Ёрнинг оғзи шувалган. Ай-ланиб нари кетдилар. Жар ёқасига бордилар. Қўлингизни менга беринг, деди Аминов, Қумрихон ўзини эшитмаганга олди. Бир оздан сўнг юмшоқ қўлини берди. Балки жарга тушиб кетишдан кўрқиб шундай қилгандир. Аминовнинг қўли тошдай қаттиқ экан. Момиқ қўлни қисди. Жар ёқалаб юрдилар. Пастда нимадир қулдиради. Қумрихоннинг юраги шув этди. Жарда ваҳшийлар бўлади. Абасидан эшитган. Келганига пушаймон бўлди. Юраги бежо урди. Аминовнинг кафти момиқ қўлнинг безовталигини сезди. Унинг иккинчи қўли Қумрихоннинг белига борди. Узига тортди. Кўрқувданми ё ўзига ёқдимиз, Қумрихон унга қаршилиқ кўрсатмади. Буни кўриб Аминов дадил ҳаракатга ўтди. Уни ўпмоқчи бўлиб бошини ўзига тортди. Қумрихон унинг қучоғидан сидирилиб чиқди. Бу нима қилганингиз, деди аччиғи келиб. Аминовнинг жаҳли чиқди. Орқасига қайрилиб машинаси томон юрди. Қумрихон уёқ-буёғини тузатиб унга эргашди.

Машина юриб кетди, иккови ҳам жим эди. Чорраҳага келдилар. Ўнг томонда Дулдулсой, чап томонда Кийиктўқай, тўғрида оролча—Бува манзилгоҳи. Аминов машинани аввал ўнгга бурмоқчи бўлди, кейин бирданига чапга қайрди. Қумрихон, қаёққа борамиз, деб сўрамади.

Аминовнинг бир кўзи йўлда, бир кўзи Қумрихонда эди. Енбошидан ҳам худди парининг ўзи. Эрим бор, болам бор деса биров ишонмайди. Қиз боладай. Онаси ўпмагандай. Узун бўйин. Оқ томоқ. Қулоғи кичкинагина. Қуш патидай енгил бриллиант сирға қулоғи билан ўйнашади. Кўкраги олмадай. Сони шимни йиртгудай.

Машина тўқайга кирди. Тўхтади. Тумшуғи екан¹нинг ичига ўтди. Пишиллади. Тинди. Филдираклари қамишларнинг белини босиб турди. Шоҳлардаги ғужгон қушлар чуғур-чуғур гаплашдилар. Машинага, эркак билан аёлга кўз таш-

¹ Екан — қўғай.

ладилар. Осмонда бир гала ўрдак кўринди. Аминов шошиб қўшотарни олди. Бир кўзини юмиб ўрдаклар галасига нишонни тўғрилади. Тепкини босди. Тизимнинг охирида бораётган ўрдак силкинди. Мувозанатини йўқотди. Тез ўзини ўнглаб олди. Тўдаси билан бир бўлиб кетаверди.

Аминов ўсал бўлди. Тупугини майсага сочди. Яшил ўтнинг юзи булғанди. Сигарет чиқариб оғзига илди. Гугурт чақди. Қамишнинг орасидан пирр этиб сулгун қочди. Аминов сигаретни тишлади. Тепкини босди. Сулгун чайқалди. Нарироқ бориб йиқилди. Аминов еканларни босиб турди. Сулгун йиқилган томонга кетди. Тўронғилар ичида кўздан ғойиб бўлди.

Қумрихон сумкасидан кўзгуни олди. Ўзини-ўзи томоша қилди. Ўзига ўзи ёқди. Кўзлари тиниқ. Юзи сутга чайилгандай. Қошлари терилган. Ингичка. Қора. Кипригига озгина қора тортди. Ёноғини яна сал қизартирди. Бурнига пудра тегизди. Гажагини бураб тартибга келтирди. Тилини чиқариб лабидаги қизилни ялади. Янги қизил суркади.

Икки қўлини бурнига тиқиб келган Аминовнинг қовоғидан қор ёғди. Аламини беозор қушлардан олди. Ердан ризқини тераётган бир тўп чумчуққа ўқ узди. Тўрт-бешта шерикларини ерда қолдириб, чумчуқлар гурра қочдилар. Чумчуқларнинг ҳолидан беҳабар зағча келиб шохга кўнди. Зум ўтмай ўққа учди. Офатдан дараксиз секин қанот қоқиб келаётган қарчиғай гумбурлаган овоздан чўчиб, йўлини ўзгартирмоқчи бўлди, улгура олмади. Ер тишлади. Аминов нима кўринса отаверди. Думини тутқазмаган ўрдак учун деб отди. Улигини топтирмаган сулгун учун деб отди. Чор-атроф қушлар ўлигига тўлди.

Бир-икки қуш қулаганида Қумрихон кулди. Аминовнинг мерганлигига қойил қолди. Таҳсин айтди. Кейин қушларга ачинди. Юраги эзилди. Бешафқат мерганни тўхтатмоқчи бўлди. У Қумрихоннинг сўзларини эшитмади. Эшитадиган ҳолатда эмас эди. Қутуриб кетган эди. Йиртқичга айланган эди.

Ҳовуридан тушганидан сўнг Қумрихон унга, садист экансиз, деди. Аминов буни ҳазил деб тушунди. Қумрихон юзини терс ўгириб олганидан кейин гапнинг чинлигига ишонди. Тилёғламаликка ўтди.

Ўзининг айтиши бўйича, Аминов шаҳарда туғилган. Кўзини очиб ёнида ўздан бўлак бола кўрмаган. Отаси катта бир идорада ишларди. Ҳар куни уйдан машина олиб кетар, қоронғи тушганидан сўнг келтириб қўярди. Ойиси ҳеч қаерда ишламасди. Кўпроқ меҳмонда бўларди. Уни бошқирд кампирга ташлаб, аллақайларда юргани-юрган эди. Оқсоч кампирни аний дейишарди.

Аний кир юварди. Пол юварди. Овқат пиширарди. Ҳанининг устидан қулфлаб бозорга кетарди. Икки қўлида тўрхалта, инқиллаб келарди. Юзидан тер оқарди. Иши кўплигиданми, эсидан чиқибми, юзидаги терни сидириб ташлай демасди. Ҳанининг ҳам терини артиб қўяй демасди. Яхши едирарди, қўғирчоқдай кийинтирарди. Бурни оқса жон-пони чиқиб кетарди. Тер оқса, индамас эди.

То мактабга боргунча Ҳани шу тахлит ёлғиз ўсди. Мактабда болаларга қўшилолмади. Шу ётсираши институтда ҳам қолмади. Бир қассобнинг уйида ижара турди. Ётоқхона етишмаганидан эмас, шу «сассиқ» болалардан четроқ бўлиш учун участка уйни танлади. Қассоб мол сўйиб сотарди. Мол сўйган куни унга жир битарди. Икки кун пичоғи қинидан чиқмаса, тамом, кўзи қонга тўлиб, болачақасига тишини қайрарди. Учинчи куни ҳам мол сўймаса, милтиқни олиб овга жўнарди.

Ҳанини ҳам бир куни овга олиб борди. Хумсонда каклик овлашди. Тоққа чиқиб кийик отишди. Қассоб ўша куни кўп қон тўкди. Юзи қондек қизарди. Типирчилаб ётган кийикни бўғизлаб қонини ичди. Ҳанининг эти сесканди. Қассоб унинг устидан кулди. Йигитмассан, деди. Қўлига милтиқни тутқазди. Нишонга уришни ўргатди. Ҳанининг биринчи отган нарсаси қора қарға бўлди. Учиб бораётган қуш юзтубан тушди. Кейин каклик отди. Кейин кийик. Лекин қонини ичолмади. Сўйди, қовурди, кабоб қилди. Қассобнинг ёнида туриб мол ҳам сўйди. Инженерликка ўқимаса балки қассоб бўлармиди. Уқигани тузук бўпти, қассобликка берилиб кетса, Қумрихонни учратиш қийин эди.

— Ҳозир ҳам, қассобдан қолишадиган жойингиз йўфакан, — зўраки жилмайди Қумрихон.

Қумрихоннинг бу «қамчиси» Аминовга ёқди. Қумрихоннинг сўз оҳангида жаҳл йўқ эди. Аминов латифа айтишга ўтди. Кулги кўзғатадиган гапларни топиб айтди. Қумрихоннинг кўнглидаги ғашликни қувди. Машинадан шиша би-

лан икки пиёла олди. Биринчисини тўлатди, иккинчисини нимкоса қилди. Нимкосани Қумрихонга тутди.

— Қўлимни қайтарманг, хафа бўламан.

— Тўғри келмайди,

— Тўғри келмай, эгри келармиди, Қумрихон.

— Бўлмайди... Ғани ака...

Бир-икки томчини Аминов ўз пиёласига олди. «Бир қултум»гинани Қумрихоннинг қўлига тутқазди.

— Кечагина оддий инженер эдингиз. Бугун кимсан, СМУ партком секретарисиз. Бу ҳали трамплин. Бўлажак парвозингиз учун!

— Ҳаммаси сиз туфайли.

— Аёлларни кўтариш бурчимиз. Яқин кунларда юқори бўласиз.

— Йўғи-й...

— Бу дунёда бировга суянч бўлганинг қолади. Сизга елкамни тутиб бермасам, яшаб нима қилдим.

Ичдилар. Тўронғига сояладилар. Қадаҳларга яна қуйилди.

— Қўрқаман, Ғани ака.

— Ҳеч нима қилмайди. Ўзи бир қултум.

— Эримни айтяпман. Билиб қолса нақ жонимни суғуриб олади.

— Ҳеч нимани билмайди. Билдирмайсиз.

— Виждон...

— Э, виждонни ўйласанг бу замонда яшаб бўлмайди. Қадамнинг бундай ташла, чапга бурилма, ўннга қарама... Шуям ҳаёт бўлдию... Дунёга бир марта келганмиз. Қани, олинг.

— Эримнинг бетига қандай қарайман?

— Қараб нима қиласиз? Жонингизга тегмадимми?

— У... чин инсон.

— Хих-хих-хих. Инсонлиги жумбоқ. Жумбоқлиги чин. Ҳамиша норози. Нимадан норози бўласан? Қўлингга дипломинг бўлса. Уй берган бўлсак. Амалинг бўлса. Яна нима керак? Юрмайсанми қандингни уриб. Бир қарасанг лойиҳага осилган, бир қарасанг бошлиқларга. Ўзингиз ҳам, Қумрихон, зап одамни топиб теккан экансиз-да.

— Эримни... камситманг.

— Вой-вўй. Жуда тегманозиксиз-ку, а. Жаҳлингиз бурнингизнинг учида экан. Билмабмиз. Узр.

Аминов ўзини хафа бўлганга олди. Пешонасини буриштирди. Қўлидаги қадаҳни қисганча бошини кўксига солинтирди. Унинг бу нотавонлигини кўриб, Қумрихон ўзини айбдор санади. Шундай бообрў, ҳамиша унга ёрдам қўлини чўзиб турадиган одамни, барча соясага салом берадиган раҳбарни, ўзининг суянч тоғини хафа қилди-я.

— Ғанижон ака...

Аминов унинг мўлтираб турган кўзларига мунгли боқди. Ичида кулиб турганини, артистлик қилаётганини Қумрихон қаёқдан билсин. Аминов қўлидаги қадаҳни сипқорди. Пиёлани боши устидан орқага отиб юборди. Қумрихонга яқинлашди. Бир қўлини елкасига, бир қўлини белига юборди. Даст кўтариб олди. Қумрихоннинг кофтаси шимарилиб, кўкрагига борди, қорни, бели кўринди. Ердан узилган оёқлари типирчилади. Аминов уни машинага ётқизди. Эшикни қарсиллатиб ёпди.

— Йўқ-йўқ, — қичқирди Ганжа палатадаги машъум жимликни бузиб.— Улдираман, қонингни ичаман.

Ҳамшира унинг қўлларини, оёқларини босди. Беморнинг алаҳсирашини эшитиб, доктор кирди. Пешонасига қўлини қўйди. Кафти куйди. Укол қилишни буюрди. Уколдан сўнг бемор тинчиди. Бир оздан кейин кўзини очди. Тепасида оқ халатли икки жувонни кўрди. Тиқилиб қараган эди, аёллар учта бўлди. Биттаси Қумрихон эди. Ганжа бошини кўтармоқчи бўлди. Эплай олмади. Ёнбошига кўз қирини ташлади. Каравотда Ободни кўрди. Шомурод кўринмади. Яна аёлларга тикилди. Қумрихон бир нима демоқчи, ундан ниманидир сўрамоқчи бўлди. Тили томоғига тикилди. Аёллар ҳам, Обод ҳам, каравотлар ҳам, шип ҳам гир айлана бошлади. У яна ҳушини йўқотди.

Боғистоннинг подшоси тирноққа зор эди. Тахтда ўлтириб эл тақдирига дохил бўлганида ҳам, базми жамшидларда юрт ғамидан фориг бўлганида ҳам дилида илтижо тори жаранглар, қариб қоляпман, бенишон кетмай, тахтимга ворис, умримга давом ато эт, деб самои муруватга ёлворгани-ёлворган эди. Ихлос билан йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқар деганлар. Уғил бўлар девдилар. Қиз бўлди. Иншооллоҳ, умрим гули бўлар, деди подшо. Шаҳру қишлоқларда жарчилар овози эшитилди: бандаи мўминлар, ҳазрат олийлари қасри гулшанида саҳармардонда бахт юлдузи шуъла сочди. Подшои оламга тангри фарзанд ато айлади. Ҳамма тўйга. Эшитмадим деманглар.

Карнай-сурнайлар чалинди. Ноғора садолари еру кўкни қоплади. Гўяндалар ўтли-ўтли талқин айтдилар, чавандозлар майдонда от сурдилар, дарбозлар, масҳарабозлар, кўчқорбозлар, полвонлар, раққослар элга томоша бердилар. Мерганлар олтин қовоқ отдилар.

Подшонинг кўкси тоғ бўлди. Ота-онанинг муродини ҳосил қилиб қиз ўсаверди. Қўғирчоқдай, жингалак сочли. Янги туғилган ойдай кун сайин тўлишди. Доноларнинг ўгитларини тинглади. Ер юзидаги барча мамлакатлардан нодир китобларни топиб келтирдилар. Қиз бош кўтармай ўқиди. Ақлини чархлади. Жаммики илмдан, риёзатдан, табобатдан, набототдан, нуктадонликдан, ашъордан огоҳ бўлди. У сето чалганида гуллар сабуҳий наволардан сархуш бўлдилар, булбуллар чаҳ-чаҳ сайрадилар.

Қизини подшо қошига чорлади. Тўрабекхоним тавозе билан отаси ҳузурда бош эгиб турди. Ўтир, қизим, деди падари бузруквори. У ипак кўйлагини енгил ҳилпиратиб ўтирди. Ҳам қизимсан, ҳам ўғлимсан, деди падари. Меросхўримсан. Ҳарб машқини ол. От билан дўст тутин. Илгингни шамширга эш қил.

Тўрабекхоним ота ўгитини қулоғига сирға қилди. Довруқли саркардалардан ҳарб илминини ўрганди. Майдонга от сурди. Қайрилма қошларидек ёйни даст кўтариб, нишонга бехато урадиган бўлди.

Унинг зеҳну камолига бағишлаб аҳли шуаро қасидалар тўқиди. Унинг қуёшдай мунаввар ҳусни ҳақидаги овоза оламга таралди. Не-не шаҳзодалар, аслзодалар унинг ҳусни чироғидан баҳраманд бўлиш умидида бурж-буржлардан от суриб келдилар. Унинг ақли, жамоли ҳақидаги ривоятларни эшитган чўпонлар найларини қиру даштларда ёниб-ёниб чалдилар, меъмор йигитлар қизнинг назарига тушиш иштиёқида подшо хизматига кириб, нилий гумбазлар, нақшиндор миноралар бунёд этдилар.

Тўрабекхоним таърифи салжуқ ҳокими Султон қулоғига ҳам етди. Султон кўпдан бери Боғистонни забт этиш орзусида эди. Бунинг энг қулай йўли қариб қолган подшонинг сулув қизига уйланиш деб билган Султон Тўрабекхонимга совчи юборди. Подшо кексайган бўлса-да, ернинг тагида илоннинг юришини кўра биладиганлардан эди. Султоннинг режасини англади. Қизининг кўнглига қўл солди. Тўрабекхоним дарғазаб бўлди. Унг қўл ва чап қўл оқсоқоллари билан маслаҳат қилгач, подшо Султонга берадиган қизимиз йўк, деб жавоб қилди.

Султон Боғистон устига қўшин тортиб келди. Ҳарчанд уринмасин, Боғистоннинг дарвозасини очишга қурби етмади. Шундай бўлса-да, Тўрабекхоним ҳуснига ва Боғистоннинг тож-тахтига эгалик қилиш майлидан воз кечмади. Разил бир режа тузди. Жайхунни тўсишга — халқни, боғ-роғларни сувсиз қолдиришга, қайсар подшони ва унинг сулув қизини тиз чўктиришга қарор қилди.

Ҳали биронта босқинчи Жайхунни тўсишга журъат этмаган эди. Султон журъат этди, айқириб турган дарёни тўсишга амр қилди.

Лак-лак қўшин Дулдулсойда дарё билан жанг бошлади. Дарёга харсангларни ағдардилар, ютиб юборди. Қояларни синдириб, сувга тўсиқ қилдилар — пилдиратиб оқизиб кетди. Султон одамларнинг жасадларидан тўғон қуражани айтиб, кўнгилларга қўрқув солди. Қўшин билан юрган донишмандларни йиғди. Чора топишни буюрди. Чора топдилар.

Шошилич хумбузлар қурилди. Уларда хум ва кўзачалар тайёрланди. Хум ва кўзалар чага билан тўлдирилди. Билакдай занжирлар билан бир-бирига уланди. Уларни дарёга ташлай бошладилар, Бевош тўлқинлар уларни ютиб юбормоқчи бўлдилар. Хумларни боғлаб турган занжирларни узишга уриндилар. Пишқирдилар. Ўшқирдилар. Калла қилдилар. Тепдилар. Хумлар тўлқинлар зар-

бига дош берди. Буни кўрган Султон донишмандлар бошидан зар сочди. Дарёга хум кетидан хум, кўза кетидан кўза тушаверди.

Бундан хабар топган подшонинг кўнглини ғам босди. Элининг сувсиз қолишини ўйлаб, юрак-бағри хун бўлди. Машварат тўплади. Қани, аёнлар, маслаҳат беринглар, не қилдик, деди. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Унг қўл оқсоқол юрак ҳовучлаб сўз айтди. Султонга элчи юборайлик. Бож тўлайлик. Чап қўл оқсоқол уни маъқуллади. Дарпарда орқасида машваратга қулоқ тутиб турган Тўрабекхоним отасининг ёнига келиб, сўз сўради. Бож бермаймиз, сўнги томчи қонимиз қолгунча олишамиз, деди. Подшонинг кўнгли ҳам шу эди.

Жасур саркардалар бошчилигида юрт чегарасига — Дулдулсойга қўшин юбордилар. Қирқ кеча-кундуз олишув бўлди. Дулдулсойда қон сув бўлиб оқди. Султоннинг қўли баланд келди, Боғистоннинг лашкари чекинди. Султон уларнинг кетидан қувмади. Дарёни тўсаверди. Ҳаётни қуритишга, боғистонликларни бешикдагисигача қириб ташлашга қасд этди. Хумбузларга янгидан ўт қаланди.

Олти ой деганда дарё тўсилди. Танига сиғмаган дарё Қисноқ, Маздубат, Ойбулоқ чуқурликларига бош урди. Боғистонга бир қатра ҳам сув ўтмади. Султон ўз чодирда базм бошлади. Созандалар шўх-шўх наволар туздилар. Хонандалар ғалабадан сўнг айтиладиган ўйноқи кўшиқларга эрк бердилар. Раққослар хиром айладилар. Олтин кўзачалардан шароблар ичилди. Каклик, сулгун, кийик гўшларидан тайёрланган кабоблардан қоринларини қаппайтирдилар. Овқатга бўкиб халлослаган навкарлар дарёнинг муздай сувида чўмилдилар, қулоқ ёйиб суздилар, сув сачратиб бир-бирлари билан ўйнашдилар. Иссиқлаб кетган отларини ҳам дарёга солдилар, отлар ёлларини силкитиб-силкитиб суздилар. Дарёнинг саёз ерида чавандозлар отларини ювиб-тарадилар.

Боғистонда бу пайтда ташналар унсиз фарёд чекардилар. Ёб ва солмалардаги сувлар тугади. Қудуқлар адоқ бўлди. Янги қудуқлар қазидилар. Бир челакники челак сувдан кейин чакарлар қуруқ бориб келаверди. Боғларнинг ранги сарғайди, гужумларнинг шохлари осилди. Ернинг лаблари тарс-тарс ёрилди. Тупроқ ранги кулга дўнди. Ҳовузларнинг тағларида қолган лойлар оқарди, тошдай заранг тортди. Пишай деб қолган ғўзалар, буғдой, арпа, қовун-тарвузлар, сабзи-пиёзлар қурий бошлади. Далалар қовоқларини уйди. Хўрсинди. Кўндан томчи тилаб оғизларини очди. Ёмғир ёғмади. Майсалар қадларини букдилар, бошларини ерга қўйдилар, қумрилар, каптарлар, чумчуқлар сув излаб кўлларга учдилар. Кўлларнинг ўрнида балчиқларни кўрдилар. Тумшуқлари билан чўқидилар, қатра сув топмадилар. Моллар, қўйлар чанқаб тилларини осилтирдилар, бурун катаклари кенгайди, қулоқлари шалпайди. Болалар оналаридан сув талаб қилдилар. Оналар зорланиб эркакларга қарадилар. Эркаклар бошларини елкалари ичига олдилар. Ўчоқлардаги чўғлар кул бўлди. Қозонларнинг таги муз бўлди. Супраларни, ўқловларни чанг босди. Тандирлар ўт ҳидини, рапида ҳидини, нон ҳидини унутдилар.

Султон буларнинг ҳаммасини кўриб турар эди. Оёғига тиз чўкиб келишларини кутарди. Узоқда чанг кўтарилди. Султон лашкарларининг қулоғи диккайди. Номаълум чавандоз от суриб келмоқда эди. Элчи бўлса керак, деб ўйлади Султон. Отнинг устида қизил кўринди. Демак, келаётган аёл. Зум ўтмай Султон қошида тенгсиз бир соҳибжамол пайдо бўлди. Унинг оти хансираб, ўзи чуқурчуқур нафас олар, чеккасига осилган қизил дуррасининг учини нафаси шамолдай ўйнатар эди. Султон унинг жамолидан ҳайратга тушди, кийимидан шоҳ қизи эканини англади, инсонлар ичида юрган бу парининг жасоратига қойил қолди. Бироқ сир бой бермади.

— Хуш кўрдик, — оёқларини кериб, мўйловини буради Султон.

— Боғистон подшосининг қизиман, Тўрабекхоним бўламан, — от устида ўзини таништирди ғаройиб меҳмон.

— Балли. Довюрак қиз экансан. Отдан туш.

Тўрабекхоним от жоловини бўшатди. От бошини силкитди. Қора ёллари ўйнади. Тўрабекхоним кўз қирини дарёга ташлади. Қафас нималигини билмаган, баногоҳ унга тушиб қолган қушдек типирчилаётган дарёнинг нидосини эшитди. Султонга боқди. Калта. Бақалоқ. Биткўз. Япалоқ бурун. Супра қулоқ. У қизнинг отдан тушиб, таъзим этишини кутяпти. Қиз отдан тушмади. Султоннинг хос навкарлари уни қуршаб туравердилар.

Қиз юқорида, ўзи ерда туришидан ор этдими ёки бошқа хаёлга бордим, Султон от келтиришни буюрди. Девдай отини келтирдилар. Ғўла бўлса ҳам учиб эгарга қўнди. Олтин сопли қамчини от бошида ўйнатди. От кишнаб, олд оёқларини кўтарди.

— Хўш, қулоғим сенда,— деди Султон қизга рўбарў келиб.— Холи сўзла-йин десанг, қирга юр ё ўтовимга кир.

— Йўқ,— деди қиз,— одамларингдан яширадиган сирим йўқ. Сен менинг дарёимни тўсиб қўйдинг. Менинг одамларим сувсиз қолдилар. Улар дарёни тўсганларни қарғамоқдалар. Қарғишдан қўрқ, Султон, дарёни оч.

— Дарёни очиш-очмаслигим сенга боғлиқ, сулув. Сенинг васлингга етиш учун дарёни тўсганимни билурсан. Муродимни ҳосил этар бўлсанг...

— Ошиғи беқарорман демоқчисан-да. Бирор ошиқ этмаган ишни этдинг. Ошиқлар ҳеч қачон дарё тўсмаганлар. Дарёни ёв тўсади.

— Ишқнинг кўзи кўр, сулув. Ёрга етиш йўлида не ишлар бўлмас.

— Ҳақрост айтдинг, Султон. Фарҳод Ширин васли умидида тоғ чопди, унинг юртига сув олиб борди. Сен эрсанг...

— Ширин Фарҳодни севганини унутма. Сен мени севсанг, дарёни тўсмас эдим. Балки...

— Ошиқ бундай ўйламас. Суймаганини суйдириш учун куч ишлатмас. Зўравонлик қилмас. Ёр куйида яхшилик уруғларини сочар. Ундан униб чиққан умид гулларини кўриб, маъшуқа ишқ ихтиёр этар. Султон бўлиб шуни билмасмусен?

— Айтганларича бор экан, зукко экансан. Шу ақлинг учун таҳқиринг-ни афв этдим.

— Мен сендан афв сўрагани келмадим. Қалбингда зарра инсофинг қолган эрса дарёни оч.

— Дарё керак эрса менга хотин бўл.

Тўрабекхоним қамчи дастаси билан дуррасини юқори кўтарди. Султонга тик боқди.

— Шартингни қабул қилдим. Дарёни оч. Лекин мени-да бир шартим бор. Одамлар дарёни очтириб Султонга хотин бўлди демасунлар. Дарёни оч-да, пойга туз. Орқамдан қувиб етсанг, эгарингга олсанг, мен сеники.

Султон тўғонни бузишга амр этди. Лашкар дарё бўйнидаги занжирни бўшатди. Хум ва кўзалар ўрнидан қўзғалдилар. Уларни қирғоққа чиқариб, тепа қилиб уйдилар. Қиртепа ҳосил бўлди...

Дарё Боғистонга қараб шарқираб оқди. Қисноқ, Маздубат, Ойбулоқ чуқурликларидаги сувлар ўзанга қайтди. Боғистонга ҳаёт қайтиб келди.

Пойга бошланди. Тўрабекхоним отига қамчи урди. Султон уни қувди. Бир дамда етиб олмоқчи бўлди. Дев отига ишонди. Унга тенг келадиган от оламда йўқ деб ўйларди. Зўрдан зўр кўп экан. Тўрабекхонимнинг оти шамолдан ҳам тез учди. Ора тобора очила борди.

Султон бир сирдан воқиф эмас эди. Тўрабекхоним Боғистондан дулдулсойгача бўлган масофани қирқ бўлакка бўлган эди. Яқинда қулунлаган қирқ бия тайёрлатган, ҳар биянинг тойчоғини бир бўлакда қолдирган эди. Тойчоғига талпинган бия елдиришдан тез учади, дейдилар. Худди шундай бўлди. Тўрабекхоним биринчи бўлакка етиб келгач, бияни тойчоғи ёнида қолдириб, бошқа бияга минди. Бия иккинчи бўлакка турган тойчоғи томон елди.

Тўрабекхоним бўлақларда бияларни чапдастлик билан алмаштириб бо-раверди. Султон ва унинг суворийлари отларга қанча қамчи урмасинлар, уни қувиб ета олмадилар.

Султон қувишнинг фойдасизлигига кўзи етгач, орқага қайтди. Қиз боладан енгилиб, номусга қолиб, ўлардан бери бўлди. Лашкарини эргаштириб, Маздубат чуқурлигига тушди. Отдан тушиб чўккалади. Бор лашкари чўккалади. Султон кўзёш тўқди. Унга қўшилиб, лашкари хўнг-хўнг йиғлади. Ҳисобсиз кўзёшларидан чуқурда шўр пайдо бўлди. Аламига чидай олмаган Султон бошини тошга урди. Тош ёрилиб, ғор пайдо бўлди. Султон лашкарига алвидо айтиб, ғор ичига кириб кўздан йўқолди. Бировлар уни шу кетишда Марвдан чиққан, қаландар жандасини кийган, умри хор-зорликда кечган дейдилар. Лашкари беному нишон кетган. Банди Султон ғори ва Маздубат туз кони ана шундай яралган, у аёвсиз курашлардан ёдгорликдир...

Тўрабекхоним бўлса ўз юртида шод-хуррам яшашда давом этди. Яна майсалар ердан бошларини кўтариб, қадрларини тикладилар. Қушлар тумшуқларини сувга ботирдилар. Болалар ёпларда чўмилдилар. Учоқлар ёқилди. Тан-дирларда нонлар ёпилди...

Ганжа кўзларини очди. Сув ичгиси келди, нон егиси келди.

Гулдор кемани тузатишга бериб юбориб, арава орқасидан хомуш қараб қолганида Ганжа шуларни ўйлади. Шундан кейинги воқеаларни ёдга олди. Ўшанда беш-олти ой ишга чиқолмаган эди. Чап оёғи гипсдан сўнг ҳам анча-гача ўнганмади. Обод энгил жароҳат еган экан, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетди. Шомурод авария пайтидаёқ оламдан ўтган экан, буни Ганжа кейинроқ билди. Кайфнинг оқибати не бўларди. Умрлари бор экан, Ганжа билан Обод тирик қолишди. Обод шундан кейин лойиҳани ўтказиш ташвишида елиб-югурди. Ганжа уйда ўтириб, лойиҳанинг инженерлик ҳисоб-китобларини кенгроқ қилиб қоғозга туширди. Шу орада Анвар туғилди. Кўп ўтмай, Қумрихон ишга чиқиб кетди. Болага Ганжа ўзи қаради.

Қумрихон шаҳар ижроқўмининг бўлим мудирлигига кўтарилди. Эрта кетиб, кеч келадиган бўлди. Мажлислари, сафарлари кўпайди. Ганжа тузалиб, ишга қайтгач, ўз режаларини бажаришга қаттиқ киришди. Ишни тезлаштириш йўлларини топди. Лекин амалга ошириш насиб этмади. Тақдир уни бўлак йўлга бошлади.

Ўша тунда Қумрихон уйга кеч қайтди. Ганжа соатга қаради. Ўн иккидан ҳам ошиб кетибди.

— Намунча кеч?

— Боғистонга кетувдим. Ижроқўмда мажлис бўлди.

Раъно ухлай олмай ётган экан, ойисининг овозини эшитиб чиқди. Анвар йиғлади. Қумрихон ҳорғин ва нимадандир жуда безовта эди. Суйканиб келган қизига ҳам қарамай, ўзини диванга таппа ташлади. Чўзилди. Иш кийимини ечмади. Бўйнидаги ипақ шарфни тортиброқ бойлади. Юзи оқарган, кўзининг таги кўк. «Мажлисида жеркишдимикан? Кўчада мушт еб, уйга сулайиб келган одамга ўхшайди. Ё йўлда безорилар ҳужум қилдимми?»

Кўнглидан кечган бу саволларга Ганжа жавоб тополмайди. Тергаб ўтириш одати йўқ эди. Узича ўйлаб, ўзича хулоса чиқариб қўяқоларди. Бу гал ўйлади-ю, хулоса қилолмади.

Тинмай йиғлаётган Анварни Раъно тўшакдан кўтариб олди-да, ойисига берди. Қумрихон уни ёнбошига ётқизиб, бошини силади. Бола тинмади. У кўкрак сўраётган эди. Қумрихон шарф тагидан пайпаслаб тугмасини ечди, кўкрагини чиқазди. Олдида эри эмас, балки номаҳрам ўтиргандай, қўли билан кўкрагини бекитди. Бу Ганжага эриш туюлди. Тўйдан олдин кўкрагини бекитмаган қиз энди нега бундай қилди?

Анвар оғзига эмчакни олиб тинчиди. Жажжи қўлини ойисининг юзига чўзди. Бурнини, оғзини «тутиб кўрди». Шарфини тортиб юборди. Қумрихоннинг бўйнида доғ кўринди. Ганжанинг юраги шиғ этди. Ниманинг изи? Хотини апил-тапил бўйнини бекитди. Очилиб қолган кўкрагида ҳам худди бўйнидаги каби қизил ва кўкимтир доғлар кўринди. Уларнинг тиш изи эканига шубҳа йўқ эди.

Ёшлигида бир марта Ганжани ток урган эди. Супа устидан отилиб ҳовузга тушган эди. Ҳозир ҳам худди шундай бўлди. Ток урди. Аъзои бадани қалтиради. Ҳовуз ўрнига тубсиз жарга отилиб кетди. Лат емаган жойи қолмади. Кўзи тинди. Томоғи қақради. Мияси ғовлади. Болаларни хонада ухлатиб чиққан хотинидан сўради.

— Ким?

— ...

— Сенга айтаяпман, жавоб бер, ким?

— Мени қийнаманг.

Нима қилаётганини ўзи билмаган ҳолда Ганжа кийина бошлади.

— Шу топда қаёққа?

Хотинининг изтироб тўла саволига Ганжа жавоб бермади. Тикка туриб

пайпоғини, туфлисини кийди. Эшик тутқичига қўл чўзганида орқасига қайтди. Залдаги шкаф тортмасидан Шаҳристонда ўзига совға қилинган пичоқни олди. Газетага ўраб, қўлтиғига қисди. Кўчага отилиб чиқди.

Шаҳар гўрдай жимжит. Чироқлар ўчган. Боши оққан томонга кетаверди. Унинг номусини оёғости қилган ким бўлди экан? Унинг оиласини ифлос оёқлари билан шафқатсиз тепкилаган ким? Хотинининг бўйнидан, кўкракларидан ким тишлаган? Қайси йиртқич тишлар уни мўматалоқ қилган? Аминовми? Аминов... Бриллиант сирға ва узук...

Бир ўйи Ганжа Аминовнинг уйига бормоқчи, ёқасидан олиб кўчага судраб чиқмоқчи, бўғизлаб ташламоқчи бўлди. Коттеджлар томон юрди. Аминовнинг эшиги олдида тўхтади. Ўзини босди. Аввал тагига етиш керак. Орқасига қайтди.

У кўчага кирди, бу кўчадан чиқди. Бир ўтган йўлидан икки ўтди. Уч ўтди. Тўхтади. Соатига қаради. Уч. Эсига отаси тушди. У шаҳар касалхонасида инсулт бўлиб ётган эди. Касалхонага қараб юрди. «Тез ёрдам» машинаси кўринди. У шошилмай ўтиб кетди. Машина қай томонга юрди, Ганжалар уйи томонга қайрилмадими? Хотини... ўзини-ўзи бир иш қилдими? Ўзини ўлдириб қўйиши мумкин. Сир очилмасин дейди. Энди оиланинг қулаб кетганини, бирга яшаб бўлмаслигини билади. Эл олдида шармисор бўлишдан кўрқади. Амалидан ажраб қолишдан чўчийди. Болаларининг кўзига қарашдан чўчийди. Шуларнинг ҳаммасидан бир йўла қутулмоқчи бўлади. Аммо буни қандай амалга оширади? Ўзига пичоқ урадими, ўзини осадими, заҳар ичадими? Заҳарни шу пайтда қаёқдан олади? Уни жонига қасд қилишдан тўхтатиш керак. Аввал айтсин... Ким уни шу қўйга солганини айтсин. Кейин...

Ганжа орқасига қайтмоқчи бўлди. Қараса касалхонага келибди. Кирди. Ҳамширани уйғотди. Отасининг аҳволини сўради. Палатасига кирди. Отаси ухлаётган экан. Ёнидаги каравотга чўзилди. Отасининг чап қўл-оёғи ишламай қолган. Бир кун хотини, бир кун қизи келиб ёнида бўлишади. Нима учундир бугун келишмаган. Ҳамшира ёстиқ келтирди. Дам олинг, деб оёқ учида чиқиб кетди.

Ганжани хаёллар ўраб олди. Боринги, Аминов унинг хотинига осилди. Ҳайвоннинг ишини қилди. Лекин нега бу хотин жим туриб берди? Нега унинг қулоқ-чаккасига туширмади? Сен ўйлаган енгилоёқ хотинлардан эмасман, ифлос, демади. Бошимда эрим бор, номусим булганса, у қандай қилиб бош кўтариб юради, деб ўйламайдими, ахир! Ўйламаган-да. Онаси тузук аёл. Опаларининг суяги ҳам бутун дейишади. Битта бу суюқ чиқди. Суюқ эмас эди. Кейин суюлди. Суягида бўлмаса нега суюлади? Нима етишмайди унга? Уйи бор, эри бор, ўғил-қизи бор, касб-ҳунари бор. Ҳусни-жамоли бошига бало бўлдими? Нега чиройли хотинлар орқасида гап-сўз илашиб юради? Ҳусн билан мағрурланиш ўрнига нега ўзларини оёғости қилишади? Ҳусн ҳаммага ҳам берилавермайдиган энг катта бойлик эмасми? Одамни бойлик бузар экан-да.

Ҳиёнат қачон пайдо бўлган? Қайси замондан бошлаб одамлар унинг жабрини тортиб келадилар? Уни ким яратган, нега яратган? Ҳиёнат не-не умрларни жувонмарг этмади, не-не ошиқларни йиғлатмади. Чўлларга бош олиб кетганлар, дарёда оққанлар, ўзини осганлар, ўтга ёққанлар, жинни бўлганлар қанча. Ҳиёнатга чидаб, унинг заҳридан юзлари заъфарон бўлганлар, бўлаётганлар озми. Ҳар қандай надоматга, маломат тошларига чидаса бўлади, аммо хиёнатга чидаш, хиёнатни кечириш, хиёнат билан ёнма-ён бир уйда яшаш, бир тўшақда ётиш мумкин эмас. Бундан ортиқ бахтиқаролик борми?

Ганжа туриб ўтирди. Бошини чангаллади. Сочини юлиб олмоқчидек тортқилади. Юлди. Чатирлатиб юлди. Зарра оғриқ сезмади. Тишларини қисди. Уттиз икки тишини ҳам битта қўймай синдириб ташламоқчидай қисирлатди. Кўзларидан ёш чиқди. Энди бу хўрлик ҳам бормиди, хотини ғар деган шармандали юкни кўтариб юриш азоби ҳам бормиди. Бунга елка чидайдими, бундан юрак тарс ёрилиб, бурда-бурда бўлиб кетмайдими, қонлари вулқон бўлиб отилмайдими. Эҳ-фалак!..

Ҳамширадан Ганжа уйку дориси сўраган эди, седуксин бериб, икки таблеткани бирданига ичиб юборинг, деди. Олти таблеткани оғзига солиб, совуқ сув билан ютиб юборди. Ётди. Нима қилиш керак? Биринчи навбатда қайнонасига қўнғироқ қилади. У келсин. Қизининг аҳволини кўрсин. Қизига берган оқ сутини

ўйласин. Не умидлар билан қизини тўй қилганини, не орзу-истаклар билан бегона шаҳарга юборганини, умрининг охирида унга суюнмоқчи бўлганини қизига эслатсин. Ота-она юзини ерга қаратган беномус қизнинг юзига тупурсин. Тупурармикан? Зайнаб хола ҳалол хотин. Ориятли хотин. Тупуради. Ганжанинг кўзи илинди. Ярим соат ўтар-ўтмас безовта бўлиб уйғонди. Тонг ота бошлаган эди. Қилич ака уйғонган экан. Уғлининг турганини кўриб, бошини у томонга энгаштирди. Қилич ака қимирлай олмас, аллақандай кўзга кўринмас куч кўпдан уни тўшакка михлаб ташлаган эди.

— Қачон келдинг, ўғлим?

— Ҳали.

— Не қилардинг...

Отасининг ёстиғини тиклаб, бошини кўтариб қўйди. Тагини тозалади. Бир қўлига сув қўйди. Сочиқ билан ўзи юз-кўзларини артди. Чой қуймоқчи эди, отаси кўнмади. Ганжа ўйлаб қараса, ота-бола бўлиб улар бирон марта очилиб гаплашмаган эканлар. Отасига кўнглини ёргиси, дардини айтгиси келди. Аммо касал одам буни қандай тушунаркан. Ўзи бир томирда ётган бўлса. Уни қийнашнинг нима кераги бор.

— Ойим қанақа аёл эдилар,— узоқ сукутдан сўнг сўради Ганжа.

Уғлидан бу саволни кутмаган Қилич ака узоқ ўйлаб шипга термулиб ётди.

— Ойинг раҳматлик яхши аёл эди. Уйнинг ўти билан қириб, кули билан чиқадиغان аёл эди. Ёху.

— Сизга ҳеч иккилик қилганми?

— У не деганинг, ўғлим?

— Хиёнат қилганми?

— Ёху. Хиёнатинг не. Шудрингдан ҳам тоза эди.

Қумрихон ҳам шудрингдан тоза эди. Маздубатга бораётганларида бедазорда шудрингни кўриб, Ганжа хотинини унга тенглаган, беғуборсан, деб мақтаган эди. Бекор қилган экан. Лекин ўшанда тоза ҳам эди-да. Энди унга доғ тушди. Умр-умр ўчмайдиغان ғубор ёпишди. Бу ғуборни ҳеч нарса йўқота олмайди. Фақат қон билангина ювиш мумкин...

— Эсимда бор,— деди Қилич ака,— ёшгина бола эдим. Кўча чангитиб чуллик¹ ўйнаётган эдик. Бир аёлни от судраб ўтди. Орқасидан чопмоқчи бўлдик. Ичимизда Сафар пучуқ деган ёши каттароқ бола бор эди. Бизни тўхтатди. Кейин билсам, Салим жувозкашнинг хотини отга судратилган экан. Кўшни йигит билан ўйнашгани учун.

Кун чиқар чоғи Ганжа отаси билан хайрлашди. Кўчаларда санқиб уйига келди. Хотини кеча диванда қандай ўтирган бўлса, шундай ўтирибди. Уша кўйлак, ўша шарф, ўша турқ-авзо. Ганжа шкафни очиб, паспортини ахтарди. Тополмади. Ҳамиша тортмада турарди, йўқ.

— Паспорт қани?

— Билмадим.

— Бер паспортни. Кетаман. Уй ҳам, мол ҳам сенга.

— Менга ҳеч нарса керакмайди.

— Ихтиёринг. Паспортни бер.

Қумрихон бошини тиззаси орасига олди. Пиқ-пиқ йиғлади. Сапчиб турди-да, эрининг оёғига йиқилди. Қалтироқ қўллари билан оёқларини қучди.

— Ганжа ака... Мен адашган, йўлини йўқотган хотинни... Лекин менда... менинг сизнинг олдингизда гуноҳим йўқ.

— Гуноҳим йўқ? Тушингни сувга айтасан. Ҳаммаси кўришиб турибди. Ишботи бўйнингда, кўкрагингда...

Елкалари силкиниб йиғлаётган хотинини Ганжа турғизди. Қулоқлари остидан ушлаб, юзини юзига яқин келтирди.

— Гапимга қулоқ сол, Қумри.

Хотини унга мижджа қоқмай тикилди.

— Эркак одам тўйга боради, зиёфатга боради. Дўст-душман олдада баъзан катта ҳам гапиради. Мен даврада ўсал бўлмаслигим учун ҳам унинг кимлигини билишим шарт. Ичида мақтанишини қара, мен унинг хотинини... деса,

¹Чуллик — чиллик

устимдан пинҳона кулиб ўтирса. Йўқ, мен уни билишим керак. Айт, Қумри, ким сени шу кўйга солди?

Қумрихон эри овозидаги ғам-аламга чидай олмай бошини эгди. Хотиннинг иккиланганини кўрган Ганжа унга яна изтиробли гаплар айтди. Эркаклар ўртасидаги муомаланинг нозик жиҳатлари кўп. Бир-бирига панд берувчилар, сўнгра орқаваротдан кулиб масхара қилувчилар ҳам бор. Ишда олишиб қолсанг, хўп, сен керилавер, мен сенинг қизингни... дегувчилар ҳам бор. Гийбатингни қилиб, уйингга келиб овқатингни егувчилар, хотининг гўзалроқ бўлса, уни кўз остига олувчилар, ширин турмушингга заҳар солувчилар ҳам бор. Кимнинг қанақа эканлигини билиб бўлмайди. Одамнинг олеси ичида.

— Отини айтсанг бўлди, сенга даъвои жанжалим йўқ...

Қумрихон бошини кўтарди. Кўзини ердан олмай пичирлаб:

— Обод,— деди.

Ганжани учинчи бор ток урди. Кўзларидан учқун чиқиб кетди. Пол ларза берди. Шинга бориб қадалди. Оёғи пол устида, боши шипда. Анчагача эсини йиғолмади.

— Ким дединг?

— Тўсатдан мажлисга чақиришди. Боғистонга. Машина сўраб таниш-билишларга кўнғироқ қилдим. Машина тополмадим. Вақт эса ўтиб борарди. Ободга кўнғироқ қилишга мажбур бўлдим. Хўп, деди. Машина топамиз, деди. Қўп ўтмай, «Москвич»да келди. Рулда ўзи эди.

Тупуги томоғига тикилди. Ютинди. Ҳайкалдай қотган эри сўзининг охирини кутарди.

— Бордик. Мажлис кеч тугади. Қоронғида йўлга чиқдик. Ярим йўлга келганда...

— Бас!

Ганжанинг қичқириғидан деворлар титради. Ранги бўзарди. Юрагида қалтироқ турди. Сасидан қулоғи кар бўлай деди. Ўтидан тани қоврулай деди. Ту-тунидан кўзи кўр бўлай деди. Шу ҳолатда уйдан чиқиб кетди. Тез қайтиб келди. Стол устида қолган пичоғини қўлтиғига қисди. Кўзи қонга тўлиб чиқиб кетди.

Йўлда қулоғи остида бир нима гувлади. Шамолми ё юрагидаги қалтироқ сасими? Буларнинг бари ўнгими ё тушими? Наҳотки Обод... Энг яқин дўсти. Синфдош жўраси. Икки куннинг бирида учрашиб турадиган сирдоши. Ақлга сиғмайди. Кўз олдига келтириб бўлмайди. Ё хотини тўхмат қилдими? Аминов шундай ўргатдими? Покиза одамни булғаш, икки дўстни бир-биридан жудо қилиш, уларнинг режаларини чиплакка чиқариш учун балки шу ҳийлани йўлаб топгандир. Нима деб гапиришни Қумрига ўргатгандир? Ундан ҳар нарсани кутиш мумкин. Лекин Қумри... Бегуноҳ одамни қоралашга тили борадими? Уларни юзлаштириш керак. Шунда ҳаммаси равшан бўлади-қўяди.

Райпога қараб юраркан, Ганжа Ободни ҳам оқлайдиган, ҳам қоралайдиган нуқталарни кўз олдига келтирди. Қумрига бирон марта гап отдими? Йўқ. Ҳазил-ҳузил билан тегажоқлик қилдими? Ҳамиша Орол билан, Дулдулсой билан боши банд. Ҳаром ишга вақти борми. Вақти бўлганида ҳам келиб-келиб энг яқин дўстининг хотинига кўз олайтирадими? Ганжадан ўч олишга ундайдиган бирон гап ўтдими? Эслаб бўлмайди.

Ё уни шайтон йўлдан оздирдими? Шунини исботловчи нима бор? Тўхта. Бор. Комила опанинг уйда Қумри рақс тушаётганида Обод ўтиролмай ўрнидан туриб кетмаганмиди? Туриб кетган эди. Унинг пинжигга кириб ўйнаган эди. Муқом қилгани йўқмиди ўшанда? Қошини учирган эди. Ҳа, кечагидай эсида, Қумрихонга кулиб қараганича қошини учирган эди. Сўнг дам олишга тўқайга борганларида Обод билан Духнов осмондан тушдими? Қумри, ана Обод акам, деди. Аввал тил бириктиришмаганми? Нега Қумри кутилмаганда тўқайга бора-миз деб қолди? Шундай учрашувни тасодифий деб бўладими? Сўнгра Қумрининг туғруқхонага кетганини унга Обод айтди. Бу ҳам кечагидай эсида. Аминов ариза ёз, деди, у йўқ, деди. Эшикни тарақлатиб ёпиб, дарё бўйига кетди. Олам кўзига тор бўлиб ўтирганида «суюнчи» деган овоз эшитилди. Қайрилиб қаради. Обод ундан суюнчи сўраб келмоқда эди. Қумри билан оралари яқин бўлмаса, буни қаёқдан билади? Сўнгра Қумри Аминов билан Тошкентга кетганида Ободнинг жиғибийрони чиқмаганмиди? Жуда ҳам чиққанди-да. Нега юбординг деб ўдағайлаган ҳам эди ҳатто. Нега? Аминовдан уни қиз-

фанганмиди? Хотин бировники, нега у куйиб-пишади? Бу ип жуда узоқлардан тортилган экан, Ганжа кўрмаган, очиқ кўр бўлиб юраверган.

Дунёда энг ишончли одам дўст дердилар. Яхши кунингда ҳам, ёмон кунингда ҳам дўст керак. Дўстинг-қанотинг. Усиз учолмайсан. Обод қанот бўлиб, Ганжани қаёққа учирди? Узи қолиб уйдаги бахт қушини учириб юбормадими? Уни номус ботқоғига чўктирмадими? Унинг энг азиз кишисини — хотинини йўлдан урмадими? Шу дўстнинг ишими? Одамлар бекорга от билан, ит билан дўстлашмас эканлар. На от, на ит дўстликка хиёнат этади. Одам одамга — дўст дўстга хиёнат қилади. Обод шундай қилди. Ундан ит яхши. Ганжа шу пайтгача нега ит билан дўстлашмади. Ит билан дўстлашса, бошига бу кулфат тушмаган бўларди. Дўстингдан топ, дегани шуми? Ишонмагил дўстингга, сомон тикар пўстингга деганлари шуми? Одам зоти нега бунчалик ёвуз. Одам зоти нега бунчалик ёлғиз. Одам зоти нега бунчалик бахтсиз!?

Хайрият, Обод иш жойида экан. Ганжани кўриб ўрнидан қўзғалди.

— Сени опкетгани келдим.

— Қаёққа, жўра?

«Жўра» сўзи Ганжанинг жонини ўқдай тешди.

— Дулдулсойга, шаҳарқўмга.

Обод нега деб сўради. Борганда биласан, деди Ганжа. Обод иши кўплигини айтди. Ганжа обормасдан қўймайман, деди. Обод унинг авзойини кўриб, кўнишга мажбур бўлди. Ганжа дир-дир титрарди. Машинага чиққанларидан сўнг Ганжа Ободнинг тирсагидан маҳкам ушлаб олди. У қўйиб юбор, демади. Бу шаҳарга боргунча қўйиб юбормади. Бири-бирига сўз қотмади. Гўё икки дўст эмас, бир-бирига ашаддий ёв бўлган икки киши ёнма-ён тебранишиб боришарди. Уларнинг қиёфаси дуэлга бораётган одамни эслатарди. Дуэль белгиланган жойга иккаласи икки томондан эмас, бир ёндан боришарди. Бирининг бармоқлари иккинчисининг биллагини омбурдай қисарди.

Қизиқ. Улар биринчи синфга бирга қадам қўйишди. Ун йил бирга ўқишди. Тўйларга, ўтиришларга, мажлисларга бирга боришди. Дарёга, Маздубатга, тоққа бирга боришди. Москвага, Оролга бирга боришди. Мана энди дуэлга бирга боришмоқда. Мантиққа зидми? Англаш қийин. Ай, бу дунёнинг ишларини англаш қийин. Уни билдим деган янглишади. Ҳамма нарсани биладан деб ўйлайди, аслида ҳеч нарсани билмайди. Айтсанг ишонмайди. Пешонаси бориб деворга текканидан кейин билади. Чигал дунё экан, бир кам дунё экан-ов.

Вақт тушга яқинлашган, ижроқўмда одам кам эди. Қурилиш бўлими эшигини очишди. Қумрихон ҳузурида одам бор экан. Буларни кўриб унга тез рухсат берди. Эшиқдан аввал Ганжа, кетидан Обод кирди. Қумрихон билан Обод кўз уриштирди. Обод мийиғида кулди. Буни Ганжа аниқ кўрди. Кўрдию қўйнидаги шер ўкирди. Кўкрагига тиш урди. Қонини қайнатди. Обод унинг устидан кулмадими? Албатта, унинг устидан кулди. Уни масхара қилди. Сенинг хотинингни ҳам, ўзингни ҳам... демадими? Деди. Худди шундай деди. Буни Ганжанинг юраги эшитди. Шер панжа урган кўкси эшитди. Ҳар бир мўйи эшитди. Энди қулоқлари эшитиши керак эди.

Учови ҳам тик турарди. Ганжа қўлидаги пичоқни тап эткизиб стол устига ташлади. Қўлтиғидаги пичоқ қулбқларига халақит бермасин. Унинг қулоқлари бор гапни аниқ эшитиб олиши керак.

— Обод... сен кеча буни Боғистонга олиб бордингми?

— Илтимос қилди, олиб бордим.

Илтимос қилди... Бу гап Ганжага айб менда эмас, хотинингда, мени ўз кунимга қўймади, тарзида эшитилди. Фунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди, деб эшитилди.

— Яна нимани илтимос қилди сендан?

— ...

— Гапир!— жон-жаҳди билан қичқирди Ганжа.

— Бақирманг. Одамлар эшитади,— типирчилади Қумрихон.

— Сен... қачондан бери одамлардан қўрқадиган бўлиб қолдинг. Одамлардан қўрққан хотин... бировга тишлатадими?

— Мен нима қилай... зўрлаган бўлса. Девдай одам...

Шер Ганжанинг кўкрагига тишини қаттиқроқ ботирди. Кўз ўнгига девнинг зўрлаши келди. Эти сесканди.

— Сени зўрлаган одам йўқ. Нонни оғзимга ейман¹.
Ободнинг бу гапидан сўнг Қумрихон шартта шарфини бўшатди. Тугмаларини ечди. Э, худо!

«Бўлди. Нега серрайиб турибсан. Одам бўлсанг, ол пичоқни қўлингга.»
Бу гапни ким айтди, Ганжа билмади. Балки ўзига-ўзи айтгандир. Балки хотини айтгандир. Не бўлганда ҳам шу гап айтилди. Ганжа буни эшитди ва пичоқни олди.

— Елғон. Менда айб йўқ. Ишонма, Ганжа.

Ободнинг сўзлари унинг қулоғига кирмади. Ободга ташланди. Обод унинг қўлига ёпишди. Ганжа бир силкинди-да, қўлини унинг чангалидан олди. Бир қўли билан ёқасидан бўғиб, кўксига пичоқ урди. Пичоқ бориб нақ юрагига санчилганини кўрди. Сўғуриб олди. Яна санчди. Пойандозга қон сачради. Қумрихон, ким бор, деб эшикка отилди. Коридорда кимдир кўринди. Ёрдам, ёрдам дея уни ичкари киритиб юборди. Навбатчи олдидан 02 га қўнғироқ қилди-да, коридордан югуриб бориб кўча эшигини очди.

Таниш машина кўринди.

— Илтимос, уйга обориб қўйинг. Тез.

Кечаги воқеадан кейин Қумрихон қизини мактабга юбормаган, Анвар ҳам уйда эди. Қумрихон аввал ўғлини бағрига босди. Юзидан, кўзларидан ўпди. Хайр, ўғлим, деди. Сўнг қизини қучоғига олди. Чеккасини-чеккасига қўйди. Юзидан ўпди. Хайр, қизим, деди. Қаёққа кетмоқчисиз, ойи, деди Раъно. Қумрихон нима дейишини билмади. Болаларини овутиб, қайта-қайта ўпди. Ётоқхонасига кирди. Қайтиб чиқди. Сумкасидан ручка билан ёндафтарини олиб яна кириб кетди. Дафтардан бир варақ қоғозни йиртиб олди. Трюмо сандиғига энгашиб, тикка турганича ёзди. Сандиқча тортмасини очди. Қоғозни буклаб, унга қўйди-да, тиқ эткизиб ёпди. Бу ёзув узоқ йиллар давомида эгасини кутиб шу тортмада ётишини билмади.

Кўчага чиқди. Юк машинаси келаётган экан. Қўл кўтарди. Машина тўхтади. Кабинага чиқди.

— Дарёга обориб қўйинг.

Машина уни соҳилда қолдириб, йўлига кетди. Атрофда одам кўринмади. Томирлари сувга тегиб турган тўронғи тагига бориб, Қумрихон ечинди. Ўзини дарёга отди. Сузиб ўртароғига борди. Орқасига қайтди. Оёғи ерга теккач, тўхтади. Бўйинларини, кўкракларини ювди. Ишқаб-ишқаб ювди. Бошини уч марта сувга ботириб олди. Сочларини, бетларини ювди. Тўронғи тагига чиқиб, силкинди. Кўйлагини кийди. Шарфининг битта учини тўронғи шохига бойлади. Соҳилдан каттагина бир харсангни кўтариб келди. Устига чиқиб, шарфнинг иккинчи учини ўзининг бўйнига бойлади. Дарёга қараб турди-да, шарфга осилиб, харсангни тепиб юборди. Оёғи ердан узилди. Харсанг пастга думалаб кетди...

ИККИНЧИ ҚИСМ

Табиат ҳазилни кўтармайди. У доимо жиддий, доимо қаттиққўл. У доимо ҳақ. Хато ва камчиликларга фақат одамлар йўл қўядилар.

ГЕТЕ

20

Ёз ўтди. Ўзи билан гармселларни олиб кетди. Кетарда барглар юзидан яшилликни, тупроқ юзидан ҳароратни олди. Куз келди. Осмонга феруза рўмол келтирди, тўқайга сариқ сарупо келтирди. Тўронғилар, толлар, тераклар уни кийиб ясандилар. Сарик япроқлар ўзларини тиллага менгзадилар. Шаббода уларни ўйинга чорлади. Ўйнадилар. Ўйинларида баҳорги шўхлик, ёзги оташ кўринмади. Вазмин-вазмин ўйнадилар. Қўшиқ ҳам айтдилар. Аста-секин ҳазин-ҳазин айтдилар.

Қамишлар, эканлар ғуж-ғуж эди, сийрак тортди. Ўтлар тизза бўйи келарди.

¹ Нонни оғзимга ейман — жинни бўлганим йўқ, маъносида.

Тўпиққа тушди. Тўронғилар оралаб кетган ичгичка сўқмоққа хазон тўшалди. Отлар тушмушқларини тегизиб, искаб кўрдилар, юмшоқ япроқлар устидан тўқай ичкарисига қараб юрдилар. Сўқмоқ устини тўсган букри шохларни айланиб ўтдилар. Ҳали ҳам кўк майсасини йўқотмаган ўтлоққа етиб, отлар тўхтади. Мелиқуш уёқ-буёққа аланглади. Хавф-хатар асари кўринмади. Фақат Жайронтепада ўтирган Сорбургут уларга совуқ қараш қилди.

Авваллари ўтлоқ чеккасида Жайронтепа йўқ эди. Унинг ўрнида чингил ўсиб ётарди. Аллақайдан шу Сорбургут пайдо бўлиб қолди. Жайронни тутиб келиб чингил ичида еди. Суягини қолдириб учиб кетди. Икки бўри писиб келди. Мелиқуш уларни аниқ кўрди. Кишнаб шерикларини хатардан огоҳлантирди. Бўрилар отларга ҳужум қилмади. Суякни ғажиди. Узоқдан бўлса ҳам Мелиқуш бўриларни таниди. Бу ўша бўрилар, отларни қийратган бўрилар. Қўққисдан ёпишган эди. Олақашқани думидан тишлаб тортди. Ҳар қанча кучли бўлса ҳам Олақашқанинг орқа оёқлари букилди. Ана шунда иккинчи бўри келиб унинг бўйнига оғиз солди. Мелиқуш ёрдамга келаман дегунча Олақашқани судраб жарғанак орқасига олиб ўтишди, кейин ерга кирдими, осмонга учдими, билиб бўлмади. Шундан сўнг ҳам кўп ҳужум қилишди. Мелиқуш поданинг орқасига ўтиб юрадиган бўлганидан сўнг бўрилар оёқ тортди. Билишгандир-да, Мелиқушни арасотда қолдириб бўлмайди. Унинг кўзи кўп. Ёвни биттаси кўрмаса, биттаси кўради.

Ўша бўрилар жайрон суягини ғажийётганларида ўтлоқ тепасида яна Сорбургут кўринди. У ўлжасини бағрига маҳкам қисиб, пастлаб келмоқда эди. Бўрилар типирчилаб қолишди. Кичик бўри қовурғани тишлаб қочаётган эди, катта бўри суякни уриб юборди. Суяк бўрининг оғзидан тушиб кетди. Бўрилар зим ғойиб бўлдилар. Сорбургут тирик жайронни суяк устига ётқизди. Чўқилаб ея бошлади. Гўштини еб, суяк устида мизғиб ўтирди. Кейин яна кўп жайронларни тутиб келтириб шу ерда еди. Кўп ўтмай бу ерда суяклардан Жайронтепа пайдо бўлди. Сорбургут жайрон тутди дегунча шу ерга келтиради, тепада ўтириб шошмасдан ейди. Бу боришда Жайронтепанинг тоққа айланиши ҳеч гапмас.

Отлар хотиржам ўтлай бошлади. Маржон Мелиқушнинг ўнг ёнида ўтлади. Тойчоқ-да, отасининг қанотидан чиқмайди. Қанотда бўлмаса ҳам чатоқ. Уларни таъқиб қиладиган фақат бўри бўлганида бунчалик эҳтиёткорликнинг кераги ҳам бўлмасди. Тўқайда нима кўп, санқиб юрган қоплон, тўнғиз, шоқол кўп. Улар айниқса, тойчоққа ўч бўлишади. Маржоннинг ёнида онаси бўлганида Мелиқушга бунчалик оғир тушмас эди. Нима бўлганда ҳам Қандим зўр эди. Унинг ўлимига Мелиқуш сабабчи. Йўқ. Айб Қандимнинг ўзидан ўтди.

Бўлар иш бўлди дегандай, Мелиқуш бошини силкитди. Тумшугини кўтариб, чуқур нафас олди. Оёғига қўнган итпашшани думи билан қувди. У бориб Маржоннинг қулоғи остига қўнди. Маржон оғзини ўтдан олди. Қулоғини осилтирди. Бошини қаттиқ-қаттиқ силкитди. Итпашша кўзғалмади. Мелиқуш Маржонга яқин бориб, қаншари билан итпашшани босди.

Чангалзор шитирлагандай бўлди. Мелиқуш қулоғини диккайтирди. Отлар бошларини кўтардилар. Биргина Маржон бамайлихотир ўтлар эди. Бола-да, ҳали кўзининг ўти олинмаган. Йиртқишлар чангалига дуч келмаган. Тузоққа тушиб кўрмаган. Тушмасин. Тузоқ нималигини Мелиқуш кўрди. Боласи кўрмасин.

— Мели, Мели! — Чангалзордан келган товушга от қулоқ солди. Ҳам қизиқиш, ҳам кўрқув билан товуш келган томонга қараб турди. Чангалзордан узоқроқ бўлган яҳши, ўтлоқ орқасидаги жийдазор сари юрди. Отлар унга эргашди.

Чангалзорда товуш берган Бува эканлигини Мелиқуш билдими ё билмадими? Мелиқуш сезгир от. У ҳамма нарсага тушунади. Овозини-ку, етти қақиримдан илғайди. Шундоқ ёнгинасидан чиққан товушни танимаслиги мумкин эмас. Таниди. Шунинг учун ҳам кетди. Буванинг овозини эшитишдан ҳазар қилди. Қаттиқ аразлаган экан, Умр-умр юз кўришмасликка аҳд этган экан. Мелиқуш аввал кечириб келарди. Бошига қамчи туширса ҳам аразламас эди. Нима сабаб бўлди-ю, бир кун Бува уни урди. Чўқмор билан бошига солди. Ипини устига ташлаб ҳайдаб юборди. Мелиқуш қонини оқизиб кетди. Ярим тунда қайтиб келди. У Бувани кечирган эди. Ёшли кўзларига боқиб, Бува буни сезган, қилмишидан пушаймон бўлган эди.

Жангал шохларини кўтариб Бува тепага ўрмалади. Димиқиб кетган экан, кўксига шамол тегди, тери совуди. Отлар аллақачон кўздан ғойиб бўлган эди. Очиқ жойда кўрса, кўзи-кўзига тушса, Мелиқуш балки жаҳлига ҳай берар, исканиб эгаси олдига келар, ўтган ишга салавот дегандай, бошини итоаткорона эгар, қайга бошласа борар. Бунинг акси бўлиши ҳам мумкин. Чунки Мелиқуш ҳаммасига Бува айбли деб билади. Буванинг тепасида раис турганини от қаёқдан билсин?!

Уша кунни ҳеч қачон Бува унутмайди. Исроил раис уни қошига чорлади. Ҳисобингда қанча от бор, деб сўради. Қирқ, деб жавоб берди Бува. Раис қўлини столга уриб, шақиллатиб ўтирди. Бир муҳим гап айтса кераг-ов, деб ўйлади Бува. Ем келган бўлса, бермоқчидир. Отларнинг оғзи емдан чиққанига озмунча бўлгани йўқ. Лекин чертаётган куйи оғирроқ. Кўнгилсиз гапмикан?

— Қулжоннинг жони борми?

Раиснинг бу сўзидан Бува Қулжоннинг устидан яна хотини арз қилган деб ўйлади. Қулжон ёмон отбоқар эмас. Шу хотини чатоқроқ. Қошидан бир қадам силжитгиси келмайди. Йилқичи одам хотини билан кўзқочирар ўйнаб ўтиролмайди-да. Жанжалнинг боши шундан.

— Юрибди. Шу ўзингиз билган Қулжон.

— Бўлмаса гап бундай, Бува. Ёнингга Қулжонни оласан. Отларнинг борини олдинга соласан. Тўқайга оппориб ташлаб келасан. Хўпми?

— Тушунмадим.

— Қулоғинг карми, Бува. Отларни ташлаб кел, тўқайга.

— Нега?

— Колхозга ҳозирча отларнинг кераги йўқ. Тўқайда ўтлаб туришсин. Керак бўлса, яна опкеласан.

Бува қулоқларига ишонмади. Аввалига раис ҳазиллашаётган бўлса керак, деб ўйлади. Сабаби, раис тушмагур ҳазилкашроқ эди. Сал жинига ёқадиганроқ одам бўлса саломдан ҳам аввал ҳазилни бошларди. «Бува, бурганинг оёғига тақа қоқдингми, Қулжон, кўрпа қимирлайдимми...» Шу сўзларга яраша жавобни олиб, хўпми, хўпми, деб бир очилиб куларди-да, тинчирди. Бу гал раиснинг гаплари жиддий кўринди. Буванинг капалаги учди.

— Колхозга нега от керакмас экан, раис?

— Беш-олти трактор олдик. Машина олдик. Яна оламиз.

— Отнинг йўриғи бошқа. Шунча арава бор колхозда. Ҳаммаси ишлаб турган бўлса.

— Араванга энди иш қолмади. Тошбақа одим билан ишлайдиган замон эмас. Элликта араваннинг бир кунлик ишини битта трактор икки соатда бажаради. Гапни чўзма, Бува. Топшириқни бажар.

— Мен... бу ишни қилолмайман.

— Қилолмайман? Сен колхозчисан, отбоқарсан. Мен раисман. Колхознинг отасиман.

— Ота деган ўз фарзадларини отидан жудо қилмайди.

— Ким жудо қилаётир, ким? Отларни биров сўйяптими? Тўқайда юришади, туёғи кўпаяди. Биздан ўт-ем сўрамайди. Сарф-харажатсиз кўпаяди. Керак бўлса, оласан-келасан.

— Тўқай олтмиш чақирим нарида бўлса. Бундан ташқари, от жонивор ёввойилашиб кетмайдими?

— Булар ёввойилашадиган жайдари отлар эмас. Ўзинг қанча мақтайсан бу отларни. Насли зўр. Қайтанга семириб кучга киради.

Исроил раис аввал керосинчи эди. Пўррих¹чи ҳам эди. Дарёдан пўррих тутиб, қуригиб, ўтин қилиб сотарди. Сўнг эски-туски идорасига бошлиқ бўлди. Бир йилча олдин Қораянтоққа раис қилиб опкелишди. Ерни билмаган, мол деганнинг сиртидан ўтмаган одам отнинг қадрини не билсин...

Раис столни черта бошлади. Бу куйи аввалгисидан ҳазинроқ эди. Буванинг кўнгил косаси тўлди. Кўзи тўлди. Отни севмайдиган раиснинг олдида кўзига

¹ Пўррих — сувда ўсадиган дарахтлар илдизи. Тўлқин уларни оқишиб келади.

ёш чиқармаслиги керак эди. Узини тутолмади. Раиснинг оғир куйи енгил бўлди. Қотиб-қотиб кулди. Отбоқарнинг устидан кулди. У билан ҳазиллашмоқчи ҳам бўлди. Буванинг юраги тош қотди.

— Отларни Матёқубдан қабул қилиб олганимда ўн бешта эди. Қирққа етказдим. Меҳнатим сингди. Нима қилсанг қил, раис, отларни силжитмайман.

— Чиқ идорадан...

Бува чиқиб кетди. Кун ботаётган эди. Пода кўтарган чанг қуёшнинг сўнги нурларини кўздан яширди. Буванинг кўнгли хуфтон. Тўғри отхонага борди. Дарвозадан кириши билан димоғига от ҳиди урилди. От ҳиди. Қиз боланинг сочидан анқиган ҳид билан ёўч йигитнинг билагига тошган тер ҳидининг қотишмасига ўхшайди. Бува уни ўспиринлигидан ҳидлайди. Усиз туropolмайди. Пучиқ Исроил раис бўлса... керосин ҳидидан бошқасини билмайди.

Ҳар от ўз уюрида, бир-бири билан искашади. Тумшуғини тумшуғига тегизади, ёлига оғиз солади. Тишламоқчи бўлади. Тишламайди. От отнинг жонини оғритмайди. Одам отнинг жонини оғритади. Раисга ўхшаганлар отга озор беради. Бува Ғирковик ёнига келди. Ғирковик Бувани дарвоза олдидаёқ кўрган, ёнидаги шеригини туртиб, севинчини билдирган эди. Кўрдим дегандай шериги унга суйканган эди. Ғирковикдан кейинги уюрда Мелиқуш турибди. Унга бу йил эгар урилди. Туёғига шу йил тақа қоқилди. Қандим Мелиқушдан икки ёш кичик. Кўзлари кийикнинг кўзларидек қоп-қора. Туғилганида Бува унинг кўзларини кўрибоқ отини Шахло деб қўймоқчи бўлди. Қулжон кўнмади. Қишлоғимизда Шахло исмли қизлар кўп, хафа бўлишади, деди. Уни тўқай гулига менгзаб, Қандим деб аташди. Қандим мана энди етилди. Униям, бошқасиниям сургун қилмоқчи бу раис...

Бува Мелиқуш билан Қандим орасига кирди. Бир қўлини Мелиқушнинг иккинчисини Қандимнинг бўйнига ташлади. Отларнинг бошларини ўзининг чеккаларига тегизди. Иккала от ҳам диркиллади. Бекорга хурсанд бўляпсан, Мелиқуш. Жуфтинг ҳам офатдан беҳабар гижинглайди. Сенлар дунёда идора деган жой борлигини, у ерда раис ўтиришини билмайсанлар. У калласига нима келса, шуни қилишидан хабарларинг йўқ. Унинг калласидан мана сенларники яхши, бир гапни айтса, тушунасанлар. Раис тушунмайди. Унга от ҳам, арава ҳам керакмайди. Керосиннинг ҳидини пуркаган трактор бўлса бўлгани. Мен тракторга қарши эмасман. У керак, жуда ҳам керак. Лекин сен ҳам кераксан, Мелиқуш. Сенсиз Қораянтоқ ҳувиллаб қолади. Отсиз қишлоқ қишлоқми. Отсиз йигит йигитми... Аммо-лекин мен сени тўқайга юбортирмайман. Ҳеч кимга бермайман мен сени, Мелиқуш!

22

Буванинг кўнглида пайдо бўлган бу журъат у остона ҳатлаб уйига кириши билан худди омонат тонг кайфиятидек бирпасда тарқади. Эрининг қадам олишидан нохуш бир нима рўй берганини сезган Момо ўз кўнглида содир бўлган хавотирни сиртига чиқармади. Мулойимлик билан дастурхон тузади. Бува даҳлизда ечган этикни чангини қоқиб, жойига келтириб қўйди. Қўлини совунлаб ювди. Оппоқ сочиққа ишқаб-ишқаб артди.

— Момо, иш чатоқ,— деди Бува чой устада.

Айни шу гапни кутиб ўтирган Момо дастурхоннинг четидаги ушоқни олган бўлди, эрига яқинроқ сурилиб ўтирди. Ҳамиша шундай. Муҳим гап чиқиб қолса, эрига яқин ўтиради. Бошқа пайтларда ора масофани сақлайди. Узоқроқ ўтиради эридан. Унинг кўнглига, раъйига, кўзига қарайди. Келинлик чоғидаги бу одатини орадан шунча йил ўтса ҳам қанда қилмади.

— Раис отларни тўқайга ҳайдамоқчи.

— Тўқайга? Ё тавба. Ким айтди?

— Ўзи айтди. Қулжон иккаланг отларни тўқайга ташлаб келинлар, деди.

— Нима бало, эсини еганми раис. Шундоқ отларни-я? Тушунтириб айтинг эди унга.

— Айтдим. ЭшитишнIAM истамайди.

— Истамайди деб сиз ҳам дарров кўнақолдингизми?

— Нега кўнарканман. Отларни бермайман, дедим.

— Тўғри қилибсиз.

— Тўғри дейсан-у, у хўжайин-да, менга қулоқ солиб ўтирармиди, билганини қилади-да.

— Хўжайин бўлса ўзига. Хўжайинман деб оғзига келганини айтиб, оёғига келганини босаверадими?

— Шундай бўляпти-да, Момо. Замона зўрники бўлиб қоляпти. Додингни кимга айтишни ҳам билмайсан. Раҳбар зоти борки, бир-бири билан чатишиб кетган. Бошим қотди. Нима қилиш керак?

— Кўпам хуноб бўлаверманг, бор гапни колхозчиларга айтамыз, ҳамма маҳкам турса, раиснинг қўлидан нима келарди.

— Колхозчига қулоқ соладими шу Исроил?

— Нега қулоқ солмас экан? Колхоз колхозчиларники, отлар ҳам колхозчиларники. Шундай дулдул отларни тўқайга ҳайдайдиган аҳмоқ колхозчи йўқ.

Хотинининг бу гапларидан Буванинг кўнгли кўтарилди. Унга меҳри ийди. Ҳамиша арасотда қолганида биринчи бўлиб унга хотини ёрдам қўлини чўзади. Қачон умидсизлик қаърига тушиб кетса, уни хотини оёққа турғизиб, ёруғликка олиб чиқади. Аммо Бува хотинига зарур пайтда ёрдам беролмаган эди.

Бувага отасидан эски кунгурали уй ва кичик боғ қолди. Онаси вафотидан кейин орадан бир йил ўтар-ўтмас отаси қайтиш бўлди. Ҳовли-боғда ўспириннинг ёлғиз ўзи қолди. Қўшни қишлоқда тоғаси бор эди, вақти-вақти билан у хабар олиб турди. Бир куни ўша тоғаси янги гап топиб келди. Исмоил йўниғчи деган қўшнисининг қизи бўй етибди. Жуда ажойиб қиз эмиш. Бува унинг билан бир ёстиққа бош қўйса, тоғасининг кўнгли тинчир экан. Бува бир ёстиққа бош қўйиш қанақа бўлишини билмас эди. Бир нима деёлмади. У қаршилик қилмагач, тоғаси тарадудни бошлаб юборди. Тез орада (отасининг йили ўтгач) Бува Моможон билан бир ёстиққа бош қўйди. Қараса, бир ёстиқ дегани маза экан. Ҳувиллаб ётган уй гуллаб кетди.

Моможоннинг қизиқ одатлари бор экан. Келин аравада у-бу нарса билан дутор ҳам олиб келишган эди. Одамларнинг оёғи узилиши билан келин дуторни қўлга олди. Куёв нима деркин деб ўйлаб ҳам ўтирмади. Чала кетди, қўшиқ ҳам айтди. Қўли ишдан бўшади дегунча дутор чалади. Яна бир одати — уйда, боғ ичида ялангоёқ юраркан. Оёғимга тикан-пикан киради деб ўйламас экан. Келинга деб тоғаси аллақайдан топиб келган калишни бир марта ҳам киймади. Кичиккина, чиройли оёқларини кўз-кўз қилгандек боққа шундоқ чиқиб кетаверади, товусдай ўйнаб уйга кириб келаверади.

Бува отасидан кейин унинг ўрнига отбоқар бўлиб қолди. Саман отни миниб уйга келади, саман отни миниб ишга кетади. Отасидан бошқа ҳунарларни ҳам ўрганиб олган эди. Дурадгорлик ҳам қилаверади, кема ҳам ясади, темирчилик ҳам, этикдўзлик ҳам қилди. Лекин асосий вақтини отбоқарликка берди. Бир куни Моможонни ҳам ўзи билан ишга олиб кетди. Отларга сув, ўт бераман, тағларини тозалайсан, деди. Моможонга бу гап маъқул тушди. Отхонага ишга кирди. Уйга саманда бирга бориб-келадиган бўлишди. Моможон от минишни тез ўрганди. Саман ётсирамади. У саманга куйлар чалиб берган эди-да.

Бирда Моможон отга қийналиброқ минди. Иккиқат бўлган экан-да. Шундан кейин Бува уни отга миндирмади. Энди сен уйда ўтиришинг керак, деди. Моможон кўнди, ишга бормади, кун-кундан тўлишди. Юзлари қизариб, кўзлари чарақлаб, гўзалдан-гўзал бўлиб бораверди. Бироқ кутилмаганда фалокат юз берди. Моможон боғни суғораётиб илонни босиб олибди. Талвасада илон унинг оёғини чаққан. Моможоннинг чинқирғидан уй ларзага келди. Бува энди ишдан келиб отдан тушаётган эди. Хотинининг йиғисини эшитиб эхонаси чиқиб кетди. Отасининг гапи (у киши табиб ҳам эдилар) эсига тушди. Заҳарни сўриб олиш керак. Ҳушидан кетиб қолган хотинини кўтариб сўрига ётқизди. Товонини тишлаб қонатди-да, қонни сўриб, туфлаб ташлайверди. Дока билан оёғини чандиб бойлади. Эртасига Моможоннинг ҳомиласи тушди. Ўғил бола экан...

Вақт ўтиб, Моможон тузалиб кетса-да, ҳеч бўйида қолмади. Ушанда қаттиқ қўрққан экан, дейишди кампирлар. Хуллас, Моможон туғмайдиган бўлиб қолди. Ҳазин-ҳазин дутор чалиб, ўзи билан ўзи бўлди. Бува хотинини

юқорироққа олиб бориб, докторларга кўрсатиб келмоқчи бўлди. Аммо қўли калталик қилди. Бир томони иш, отларга қарайдиган одам йўқ. Хуллас, ўшанда Бувадан хатолик ўтди.

Кейин қанча ўксинишди, Моможон уйдан кетиб қолмоқчи ҳам бўлди, кетди ҳам. Лекин Бува усиз яшай олмади. Бошқа уйланиш ҳақида ўйлашни ҳам истамас эди. Эр-хотин тақдирга тан бериб, бир-бирига суянишиб яшайвердилар. Моможон ҳамон дутор чалади. Эзиб чалади. Эзилиб чалади.

Бува шулар ҳақида ўйлаб, Моможон отларга ўрганиб қолгани, отлар билан овуниши, агар уларни раис тўқайга чиқариб юборадиган бўлса, ўзининг ҳам, хотинининг ҳам ҳоли не кечишини кўз олдига келтирганида юраги ҳаприқиб кетди.

— Ўксиманг,— деди Момо эридан баттар эзилаётганини яшириб.— Раис хон бўптими. Отлар уники эмас, колхозники. Ҳайдаб бўпти.

Бу ҳақ гап эди. Ноҳақ бўлса ҳам Исроил раис ўз билганидан қолмади.

23

Қулжон отларни тўқайга ҳайдаб кетди. Ёш молбоқар унга ёрдамчи бўлди. Бирови олдинда, бирови орқада, худди маҳбусларни отишга олиб кетаётгандай, отларни Қораянтоқдан чиқариб олиб кетишди. Кўпчилик отларнинг қаёққа бораётганини билмади. Билганларнинг юраги увишди. Нима бало, охир замон яқинлашдими, дейишди. Қайси замонда отлар қишлоқдан чиқариб ташланган.

Бува кўксини қора ерга бериб ётиб олди. Бирон нарсага қарши турсангу қўлингдан ҳеч нарса келмаса, бундан ёмони йўқ экан. У раис билан қанча олишди. Момо кўни-кўшнилари олиб идорагача борди. Фойдаси бўлмади. Раисликнинг ҳадсиз ҳокимлик эканини энди билишди. Шундай бўлса-да, охири куни Бува райижроқўмга, ундан чиқиб райкомга кирди. Отбоқарга қулоқ соладиган одам бўлмади. Буванинг кучи ўзига етди. Кўнглини зардобга тўлдириб, чилимни аччиқ-аччиқ тортиб ётди. Эшик ҳатламади, куни бўйи кўча юзини кўрмади. Туз тотмади. Мотам тутди.

Отларни Қулжон дарё ёқалаб юқорига олиб кетаверди. Отлар бир текис қадам ташлаб, олддагилари орқадагиларнинг оёғига қараб боравердилар. Мелиқуш ёш бўлганидан орқароқда юрди. Қандим у билан ёнма-ён борди. Олдда Фирковик. Отларнинг каттаси шу эди. Биронта от унинг ҳукмига қарши бормасди. Фирковик қай йўлдан бошласа, бошқалари орқасидан эргашиб кетаверарди. Фирковик Мелиқушни назардан қочирмас, бошқа отларга қараганда унга кўпроқ майл кўрсатар эди. Мелиқушнинг бўй-басти ҳам, дадиллиги ҳам, тартиби ҳам унга ёқарди.

Қулжон ёрдамчиси билан отларни ҳайдаб кечувга келди. Дарёнинг нариги бетидан тўқайнинг шовуллаши эшитилиб турарди. Отларга дам берди. Ўзлари дарёга нон ботириб еб ҳордиқ чиқардилар. Кун оғиб борарди. Узоқ ўтиришга имкон бўлмади. Отларни дарёга солдилар. Фирковикнинг орқасидан биринкетин олға бораётган отлар оқимнинг ўртасига етмасданоқ оёқлари дарё тубидан узилиб, қалқиб-қалқиб суза бошладилар. Отларнинг фақат бошлари кўринар, дарё уларни оқизиб юборишга уринар, отлар жон-жаҳдлари билан тўқайга қараб сузардилар.

Фирковик сузишни секинлатди. Унинг ҳориб қолганини Мелиқуш сезди. Тезгина етиб олди. Унг ёнига ўтиб, тўлқин қаршилигини ўзига олди. Фирковик мамнун пишқирди. Сузиши енгиллашди. Бирпасдан сўнг туёғи дарё тубига тегди. Дармони қочган оёқларини ерга тираб турди-да, дадил олға юрди. Яғрини сувдан кўтарилди. Орқадаги отлар ҳам қирғоққа яқинлашдилар. Силкиниб-силкиниб тўқай четига чиқиб олдилар.

Қулжон билан ёрдамчиси бериги соҳилда қолди. Отлар тўқайдан туриб уларга қарашди. Нега келмаяпсан дегандек, Фирковик кишнади. Қулжон кетавер маъносида қўлини силкиди. Эгасиз қолган отлар бир нафас тек туришди. Сўнг Фирковик бир қарорга келди шекилли, шерикларини тўқай ичкарасига бошлаб кетди. Қулжон ёрдамчиси билан қишлоққа қайтди.

Йўл-йўлакай Буваникига кирган Қулжон уни уйдан топмади. Момо унинг қаёққа кетганини айтмади. Момо Қулжонни ҳам ёқтирмас, бугунги воқеадан

кейин кўрарга кўзи йўқ эди. Қулжон буни сезди ва хайр-хўшни нася қилиб чиқиб кетди.

Бува бу пайтда Отақўрғонда, ҳайкалтарош Ёдгор Ҳамронинг уйида ўтирарди. Ёдгор Ҳамро кўпдан бери «Учар отлар» ёдгорлиги устида ишлар, қайда йилқичи бўлса, излаб топиб суҳбатлашар, ўтган ёзда Буванинг олдига ҳам борган эди. Ушанда Буванинг отлар ҳақидаги ҳикоясини берилиб эшитди. Отхонага ўтиб ҳар битта отни эринмасдан кўрди. Ғирковикнинг олдида узоқ тўхтаб қолди. Уни отхона олдидаги майдонга олиб чиқишни илтимос қилди. Бува уни бўшатиб, қуёшламага олиб чиқди. Оқ от қуёшнинг оппоқ нурларида чўмилди. Узун ва бўлали оёқларини керди. Унг оёғи билан чагана куради. Етиб уёғига, буёғига ағанади. Туриб силкинди-да, доира ясаб чопа бошлади. Бува жиловнинг учини маҳкам ушлаб турди. Ғирковик уни айланганча тинмай чопди. Ҳовури босилмади. Олд оёқларини кўтариб кишнади. Шу жойга келганда Ёдгор Ҳамро «их» деб юборди. Бўлди, деди Бувага, худди мана шу ҳолатни ишлайман. Оёқларини осмонга кўтариб, парвозга шайланган кенг сағринли оқ от...

— Ғирковик ҳам кетди, бошқаси ҳам,— деди Бува куюниб.— Билмадим, раисни қандай жин урди. Бундай зотли отларни соғ одам кўлидан чиқармайди.

— Ҳамма гап тепангда қандай одам ўтирганига боғлиқ,— деди бу хабардан фиғони фалакка чиққан Ёдгор Ҳамро.— Яхши бўлса олам гулистон. Исроил раисга ўхшаб миясини егани бўлса, ҳамманинг дили хуфтон. Унинг ўрнида бошқаси бўлганида ўзи биларди нима қилишини. Қирқ от колхозни айлантиради. Қолаверса, аждодларимиздан қолган сўнгги нодир отлар.

Бувани Ёдгор Ҳамро ўз устахонасига бошлади. Катта айвоннинг қибла томони ярмигача ёғочдан ишланган, усти ойна билан қопланган. Ойнадан тушган мўл шуъладан устахона чарақлаб турибди. У ер-бу ерга ҳар хил катталикдаги харсанглар қўйилган. Бир чеккада оҳак, шағал, аллақандай тоғ жинслари уюлиб ётибди. Нарвон тираб қўйилган чала чўққи. Унинг пастида от туёқлари. Нарироқда қанотлар. Бор мўъжиза чала чўққи орқасида экан. Боши шипга етай деб турган аллақандай баланд бир нарсанинг устидаги оқ сурпни тушираркан, Ёдгор Ҳамро ўзича шу-шу деб қўйди. Сурп тушди. Бува ёпирым деб юборди. Қаршисида Ғирковик турарди. Ҳа-ҳа, олд оёқларини кўтариб, кишнаб турарди Ғирковик!

Бува ҳайратдан не деярини, ўзини қаёққа қўярини билмай қолди. Икки-уч қадам орқага тисарилди. Ғирковикнинг теварагини айланди. Уни қўли билан ушлаб кўрди. Ёдгор Ҳамрога сеҳрарга қарагандай ҳайрат билан боқди. Урта бўйли бу йигит кўзига Алпомишдай келбатли кўринди. Қўллари узун, кўзлари ййчан, юзи фариштали. «Ҳар кимни ҳар хил яратган-да,— ўйларди у,— бири тирик отларни қишлоқдан ҳайдаб юборади, бири отнинг суратига уйининг тўридан жой беради, ўз сеҳрли бармоқлари билан унга жон ато этади. Агар ҳамма ҳам Исроил раисга ўхшаганида дунё аллақачон меҳваридан чиқиб кетган бўларди».

— Буни,— деди Ёдгор Ҳамро,— чорраҳага ўрнатаман. Тўрт томондан кўриниб туради. Ўтганнинг ҳам бир кўзи тушади, қайтганнинг ҳам.

— Рухсат беришармикан? Отларни тўқайга қувишган бўлса...

— Ижроқўмбувани танийсиз-а? Олтин одам. Аллақачон у кишидан рухсат олиб қўйганман.

— Олтин одам дейсиз. Чин олтин бўлса, Исроил раиснинг пайини қирқан бўларди. Отларни...

— У ҳойнаҳой бу харасот¹дан беҳабар,— Буванинг гапини бўлди ҳайкалтарош.— Эртагаёқ унга учрайман. Отларни колхозга қайтарамиз. Ёдгорликни бўлса нақ чорраҳага ўрнатамиз.

Бува уйига кўнгли ўсиб қайтди.

Қоронғи чўқди. Лекин отлар тўхтамади. Тўда ёт сўқмоқ билан кетаверди. Олдда Ғирковик чор-атрофни сергаклик билан кузатиб борди. Бўри увлади.

¹ Харасот — тўс-тўполон.

Отлар таққа тўхтади. Тойлар олазарак бўлди. Биялар қулун ва тойчаларини пинжиларига олишди. Айғирлар кишнади. Ғирковик жилди. Бошқалари эргашди.

Атрофи жарғанақ билан ўралган пастқам қамишзор ёнида отлар тўхтади. Қамишзор орасида сув кўринди. Ғирковик қамиш оралади. Қурбақалар чўлп-чўлп ўзларини сувга отди. Безовта бўлиб бир-бирларига овоз беришди. Катта, қора илон сувга шўнғиди. Ғирковик тиззасигача су кирди. Сувни тотиб кўрди. Туёғи лойга ботди. Орқасига қайтди. Уни кутиб турган ҳамроҳларининг ёнига бориб бошини осилтирди. Сув шўр, оғизга олиб бўлмади дегандек эди. Отлар барибир шу ерда тўхтамади.

Ой кўтарилди. Тўронғининг сариқ япроқлари оқарди. Қамишлар ораси ярқиради. Кўлданми, қамишданми кўтарилган беҳисоб чивинлар отларга ёпирилди. Уларни қувишга отларнинг думлари ожизлик қилди. Қулунлар типирчилади. Чивин чақиб шиширган жойларини биялар ялади.

Мелиқушнинг тўқайга киргандан бошланган безовталиги ҳаддан ошди. У танига ёпишган чивинларга парво қилмади. Шу ергача оёғи тортмай келди. Ҳадеб орқасига қарайверди. Ҳар қараганида кўзлари мўлтиради. Қандим ёнида ёнбошлади. У ёлидан тутиб тортган эди, силтаб ташлади. Сўқмоққа қараб-қараб кўйди. Турди. Шерикларини айланиб ўтиб Ғирковикнинг ёнига келди. Кишнади. Ғирковик ўшқирди. Мелиқуш бошини эгди. Ғирковик қаттиқроқ ўшқирди. Мелиқуш бошини тик кўтарди. Сўқмоқ томонга юрди. Ғирковик орқасидан асабий кишнади. Мелиқуш парво қилмади. Сўқмоққа кириб кўздан ғойиб бўлди.

Мелиқуш одимини тезлатди. Лўкиллаб чопди. Сўқмоқ уни кечувга олиб келди. От иккиланмай ўзини дарёга отди. Қирғоққа ўтиб нафасини ростлади. Дарага кўтарилди. Таниш йўлдан Қораянтоққа қараб юрди.

Тонгга яқин отхонага етиб келган Мелиқуш дарвоза олдида тўхтади. Елкаси билан уни очмоқчи бўлди. Очилмади. Қулфни топиб тишлади. Занжирни кемириб ташлай деди. Тиши ўтмади. Дарвозага бошини тираб турди. Терини совутди.

Отхона олдидаги майдондан ўтиб йўлга чиқди. Ит ҳурди. Узоқ-яқиндаги бошқа итлар унга қўшилди. Йўл бориб далага уланди. Дала охирида қорайиб толлар кўринди. Даладаги сўқмоқдан-сўқмоққа ўтиб Мелиқуш толликка қараб юрди. Тонг оқарди. Хўроз қичқирди. Узоқдаги хўроз овозини чўзиб-чўзиб чиқарди. Турли тарафдаги хўрозлар унга жавоб бердилар.

Мелиқуш толликка етиб, ариқча бўйида тўхтади. Тиниқ муздай сувни шимириб ичди. Ариқчадан ҳатлади. Атрофи қалин девор билан ўраб олинган боғлар ёқалаб юрди. Унг қўлда гужумлик кўринди. Йўлини шу томонга бурди. Бедазорга кириб борди. Бир-икки чимдим йўнғичқа узиб еган бўлди. Бедазор четидаги олчалар ёнидан ўтиб гужумликка етди. Ҳовуз бўйидаги кат устига қурилган пашшахона ёнига келиб тўхтади.

Худди шуни кутиб ётгандай, Бува пашшахонадан отилиб чиқди. Сенми-сан, Мелиқуш, деб отнинг бўйнига осилди. Отнинг ёшли чеккасига манглайини босиб турди-да, бирдан орқасига ўгирилиб:

— Момо, чиқсанг-чи, Мелиқуш келди!— деб қичқирди.

25

Қиш ўша йили қаттиқ келди. Туф деган тупук ерга тушмади. Бурундан чиққан нафас мўйловда қиров бўлди. Дарё заранг музлади. Декабрда тушган қор февралнинг охиригача муз бўлиб турди. Қуруқ, изғиринли, қулоқни оладиган совуқ бўлди.

Қиш бошида Бува раисга аччиқ қилиб тўқайга келди. Бир пайт чўпонлар турган эски капани божимондан тилаб олди. Наридан бери ремонт қилди. Ичига ўчоқ-плита қурди. Дераза ўрнатди. Елимлаб қоғоз ёпиштирди. Томга кўпроқ пичан босди. Икки лампа, керосин, эҳтиётга уч-тўрт лампашиша келтириб қўйди. Уйдан ун, гуруч, мой, сабзи-пиёз келтириб, айримларини ўра қазиб кўмди. Омонлик бўлса гўштни тўқайнинг ўзи беради, деб қўшоғиз милтиқни олди. Капа дарё бўйида бўлганидан балиқ унга деҳқончилик эди.

Бува кетар олдида Исроиил раис ёмон қилиқ кўрсатди. Колхознинг отини

уйида яшириб қўйган деб мелиса чақирди. Мелиса имонли йигит экан, боз устига Ёдгор Ҳамронинг ошноси бўлиб чиқди, энди, ака, отни тўқайга юборинг, шунда бошингиз омон қолади, деди. Бошқа ҳеч иложи йўқми, деб сўради Бува. Йўқ, замон қаттиқ, деди мелиса. Бўпти, деди Бува, Мелиқуш тўқайга боради. Ўзим олиб бораман. Ўзим ҳам унинг ёнида бўламан. Тўқайда яшайман.

Буни эшитиб Исроил раис бир баҳя тушди. Тўқайда яшайверсин, отбоқарлик маошини беравераман, деб мелиса орқали айттирди... «Маошини бошига урсин,— деди Бува.— Бошим омон бўлса шунинг ўзи давлат. Қирқта отимни юзтага чиқараман».

Гапнинг жиддий кўчганини кўриб Момо эрига деди:

— Тўқайга кетсангиз уй нима бўлади, Бува?

— Нима бўларди, ўзинг яшайверасан. Биринчи ёлғиз қолишингми, уруш йилларини эсла.

— У давр бошқа эди. Унда мажбур эдик. Сиз фронтда эдингиз, бошқа иложимиз йўқ эди. Энди бўлса...

— Ҳозир ҳам иложимиз йўқ, Момо. Кўряпсан-ку, раис даюснинг қилиқларини. Ё кетмайинми, а? Унда отлар нима бўлади?

— Мен кетманг деяпманми сизга. Уйни ўйлаяпман. Қолаверса, сиз уёқда ёлғиз, ҳолингиз не кечади?

— Мени жин урмайди, Момо. Уйга келсак, мана ўзинг борсан, йўқлигимни билантирмассан, ахир?

— Уйда эркакнинг ўрни бошқа. Хотин киши минг югургани билан ҳам хотин. Бундан ташқари, уй тутиб емайдими битта ўзимни?

— Нима қил дейсан, аниқроқ гапир.

— Мен ҳам кетаман сиз билан.

— Ана холос. Энди ўша саволингни ўзингга бераман. Уй нима бўлади?

— Уй... тураверади.

— Тураверади эмиш. Уйнинг чироғини ким ёқади?

Бу гапдан сўнг орага жимлик чўкди. Момо бошини қўйи эгганча чап қўлини силаб ўтирди. Ўзи беҳосдан босиб олган илон ёдига тушиб сесканди. Тушган ҳомиласи ўғил бола эди... Илон захаридан нобуд бўлмаганида балки ҳозир уйнинг чироғини ёқишга яраб қолган бўлармиди. Ана унда Бува иккаласи отларга қарагани тўқайга бемалол кетаверган бўлишарди. Қайданам ялангоёқ юришни одат қилди экан ўшанда...

Момо ер остидан Бувага қаради. Бува букчайиб ўтирарди. Эҳтимол у ҳам шу ҳақда ўйлаётгандир. Уйнинг чироғини ким ёқади, деди. Ростдан ҳам, иккаласи тўқайга кетишса чироқни ким ёқади? Қўни-қўшниларда чироқ ёниб турса, буларнинг уйи қора қишда қоп-қора бўлиб хувиллаб ётса, одамлар нималар дейишмайди. Исроил раис буларнинг чироғини ўчирдим деб ана жир боғлар. Йўқ, Момо уйни ташлаб кетса сира ҳам бўлмас экан. Беҳуда шу гапни кўтариб, эрининг дилини хуфтон қилди-я.

— Майли, Бува, мен уйда бўлай. Тўқайда якка-ёлғиз ҳолингиз не кечади дегандим.

— Авваламбор, якка-ёлғиз эмасман. Ёнимда шунча от. Мелиқуш бўлса қанотим. Боз устига тўқайда биринчи бўлишимми? Урушда-ку, кўп кунларим ўрмонларда ўтган. Хош эржам бўл, Момо, менга ҳеч бало бўлмайди.

Буванинг тўқайга кетишини мелиса ошнасидан эшитиб, уйига Ёдгор Ҳамро келди. Тўғри қилдингиз, деди у. Ҳақиқий отбоқар азбаройи шундай бўлади.

— Мени қўятуринг. Ўзингиздан сўрасак, Ғирковикнинг ҳайкали нима бўлди?

Ғирковикни одамга ўхшатиб, монументни ҳайкал деб гапириши Ёдгор Ҳамрога ёқди.

— Ҳайкални шу яқин орада ўрнатамиз, Бува. Ижроқўмбува отингни тезроқ ўрнат, пенсиядан аввал кўриб кетайин, дейди.

— Яхши одам экан. Тўқайдаги отларни ҳам айтмабсиз-да.

— Айтдим. Тирик отлар мураккаб масала, деди. Ҳайкал отнинг йўриғи бошқа. Ут-ем сўраймайди. Қоққан қозиқдай тураверади, дейди.

— Яхшилиги чала.

— Бутун одам қайда.

— Чаладан бутун кўп, Ёдгоржон. Бутунга йўл йўқ. Мана Ғирковикнинг

ўзи тирик. Тўқайга бадарға қилинган. Ҳайкали бўлса чорраҳада туради. Ҳайкалнинг асоси қандай бўлади?

— Балки ҳайкалини кўриб раҳбарларнинг кўнгиллари юмшар. Отларни қишлоққа қайтаришга рухсат беришар. Отлардан заҳар олинса, битта менинг эмас, балки бутун ҳайкалтарошлик санъатининг ютуғи бўлади.

Бу суҳбатни қаҳрли қиш оқшомларида қапада Бува кўп эслади. Ёдгор Ҳамро ёмон одам эмас. Ёмон бўлса отнинг ҳайкалини ишламасди. Аммо-лекин қип-қизил мосламачи. Ҳар қандай шароитга мослашиб кетаверади. Бир ҳисоби бундай одамни яхши дейиш ҳам қийин. Зўр келса отнинг ҳайкалидан воз кечишдан ҳам тоймайди. Эътиқод деган нарса қайга кетди? Одамларнинг юрагидан уни ким юлиб олди?

Отлар қапага ўрганишди. Куни бўйи тўқай ичкарасида ўтлашади. Кечқурун қапа олдидаги бостирма тагига келиб тунашади. Бува хурсанд. Отлари ёнида. Емаги бор. Тану жони соғ. Гоҳ музни ёриб балиқ ушлайди. Шўрва қайнатади. Гоҳ қуён отиб димлама қилади. Уйдан, одамлардан йироқ демаса ҳаммаси жойида. Мелиқушнинг диққатли юрганини кўришнинг ўзи яшашга арзийди.

Ҳаммаси кўнгилдагидек кетаётган эди. Қишнинг ҳам дами қайтди. Дарёнинг у ер-бу ерида муз эрий бошлади. Мартнинг бошида кун бирданига исиди. Дарёда тасодифан сув кўпайиб, музни ёриб юборди. Муз кўчди. Фавқулодда кўчди. Дарё харсангдай-харсангдай музларни қирғоққа отди. Елкасидаги музни отиб юборган мавж ёйилиб соҳилга чиқди. Муз парчаларини ўзи билан тўқайга оқизиб кирди.

Бува бостирмада отлар ёнида эди. Ғўладай-ғўладай музлар қарсиллаб қапага урилди. Дераза учиб кетди. Деворча келадиган муз отилиб келиб капани босди. Қарс этиб қапа қулади. Муз парчалари бир зумда бостирмага ёпирилди. Отлар тум-тарақай қоча бошлади. Тошдай учиб келган муз Фирковикни қулатди. Бува унга томон югураман деган эди, устига балодай санг бостириб келди. Мелиқуш Бувани сарғини билан туртиб, учириб юборди. Бува тўронғи тагига бориб тушди. Мелиқуш келиб унинг гупписидан тишлаб тортди. Бува тўронғига тирмашиб, отнинг устига аранг чиқиб олди.

Мелиқуш уни тўқай ичкарасига олиб кетди.

26

Чорраҳада Фирковик монументи ўрнатилди. Ижроқўмбува алвон лентани кесди. Монумент устидаги оқ сурпни туширди. Ҳар икки ҳолатда ҳам қўли қалтиради. Бу кексалик аломатими ё охириги иш куни ҳаяжоними? Бугун пенсияга чиқиб кетаётганини ўйлаб имрандими, қўли шундан қалтирадими? Нимадан бўлганини Ижроқўмбுவанинг ўзи англай олмайди.

Одамлар сезишмаса бўлгани.

У митингга тўпланганларга разм солди. Асосан мактаб ўқувчилари эди. Улар нимани тушунишарди, деб ўйлади. Болалар Фирковикни кўриб, қарсак чалиб юбордилар. Ёдгор Ҳамро бошини баландроқ кўтарди.

Шоҳсупа устида оқ от. У олд оёқларини кўтариб, учишга шайланган. Икки кумуш қаноти суворийни кўкка олиб чиқиб кетишга тайёр. Суворий темир қалқон, совут кийган. Қўлидаги шамшир учлари юқорига қадалган. У жангга ошиқади.

... Қораянтоқда ўзини ўйлайдиган одам тахтга ўтирди. Тахтга ўтириши биланоқ ўз фароғатини кўзлади. Базмхона қурдирди, ҳарамни гўзаллар билан тўлдирди. Овқатни фақат олтин идишларда ейдиган қилиқ чиқарди. Ётадиган катини ҳам олтиндан ясади. Бунинг ўзи бўлармиди. Халққа оғир солиқлар солинди. Улпонлар йиғилди. Подшодан ўрнак олган тўралар, қозилар, юзбоши, мингбошилар ҳам халқни таладилар. Меҳнаткаш одамнинг қадди дол бўлди. Бурни ерга тегай деб қолди. Дала-туз эгасини йўқотди. Қимирлаган от-улов кўринмай қолди.

Қораянтоқнинг бахтига Найсонбува бор эди. Бува бир куни ерга қулоқ тутиб ётди. Дарада отлар дупурлади, деди ердан қулоғини олиб. Ойбулоққа келиб отлар сув ичди. Рахшон ботир, ёнингга йигитларни ол. Ойбулоққа бор.

Хосиятли отларга ўхшайди. Шояджарим омад сизларга кулиб боққай. Хўроз қичқирганда йўлга чиқ.

Рахшон бир вақтлар алп йигит эди. Курашда елкаси ерга тегмаган полвон, савашда ўлган-қотганини билмайдиган ботир эди. Кейинги йилларнинг йўқчилиги эл қатори уни ҳам эзди. Полвонлиги оғзида қолди. Тиззасидан қувват кета бошлаган эди. Найсонбуванинг сўзлари жонини киритди. Яна ботирлиги тутди.

— Бувамиз адашмайдилар,— деди йўлда шерикларига Рахшон.— Нимани каромат қилсалар тўғри бўлиб чиқади. Ойбулоқдаги не отлар бўлди экан...

Тонг ғира-ширасида йигитлар Ойбулоққа етиб келдилар. Булоққа яқин жойда макон тутиб, бутазор ичида кўздан яшириндилар. Булоқнинг шилдирашидан бўлак нарса эшитилмади. Чарақлаб турган Зухра юлдузи ўз ўрнини оқ нурларга берганида осмонда бир гала қушлар кўринди. Уларнинг кетидан қанотларини кериб учар отлар келди. Отлар қанотларини бургутлардек оҳиста керганча пастлаб учди, булоқ бўйига қўнди.

— Астағфирулло,— деди Рахшон пичирлаб,— отда қанот бўлади деган гап етти ухлаб тушимга кирмаган. Бувамиз нени билмайдилар.

Отлар қанотларини йиғиштирдилар. Навбатма-навбат булоқдан сув ича бошладилар. Улар жуда ҳам кўп эди. Ойбулоқ дарасига сиғмас эди.

Шошиб қолган йигитлар не қилишни билмадилар. Арқон ола келган эдилар. Рахшон сув ичаётган отлар томон эмаклаб кетди. Яқин бориб отнинг бўйинини мўлжалга олди-да, арқонни отди. Отлар ҳуркиб гурра осмонга кўтарилдилар.

Доғда қолган йигитлар Бува олдига маслаҳатга келдилар. Бува турли ўтлардан дори ишлади. Дорини булоққа сол, деди Рахшонга. Эрта тонгда йигитлар Ойбулоққа бориб, Буванинг айтганини бажо этдилар. Булоқдан сув ичган отларни уйқу босди. Учолмадилар. Учиш у ёқда турсин, ҳатто юролмадилар. Бари уйқуга кетди. Йигитлар отларни қўлга олдилар. Оёқларини тушовладилар. Бўйинларига жилов солдилар. Санадилар. Отлар роппа-роса мингта экан.

Қораянтоқликлар учар отларни қўлга ўргатдилар. Аравага, омочга қўшдилар. Чиғир айлантирдилар. Кузга бориб хирмон-хирмон ҳосил кўтардилар. Қораянтоқ яна обод бўлди. Отларни миниб тўйларга бордилар. Шошилганда отлар учар, бир зумда манзилга элтар эди. Қораянтоқликлар бир-бирларининг уйларига ҳам отларда учиб бориб-келадиган бўлдилар.

Ўзини ўйлайдиган подшо олтинларини янада кўпайтириш пайига тушди. Деҳқонлардан отларни тортиб олди. Қўшинига берди. Отларни жангга солди. Учар отларга минган лашкар қўшни мамлакатни осонгина ишғол этди. Мол-мулкни талади, ул подшонинг олтинларини келтириб, бул подшога берди. Подшо бу билан ҳам қаноат ҳосил қилмади. Меникидай учар отлар ҳеч кимда йўқ, дунёни босиб оламан, бутун ер юзига султонлик қиламан, деди.

Саройда айтилган бу гапни ерга қулоғини бериб ётган Найсонбува эшитди. Эшитди-ю, тани ларзага келди. Подшонинг қўшни мамлакатни талаганидан ўзи терисига сиғмай юрган эди, энди бу ниятидан қатъий қарорга келди. Учар, деб қичқирган эди, унинг нафасидан учар отлар бир зумда тошларга айландилар.

Бундан кейин қанча сувлар оқди. Ўзини ўйлайдиган подшо оламдан ўтди. Халқ Найсонбувадан отларни тирилтиришни сўради. Бува икки отни тирилтиришни ўйлади. Икки отни тирилтириб берди. Меҳнат қилиб шуни кўпайтириб олинлар, деди. Деҳқонлар икки отни парвариш этдилар. Сабр-тоқат билан кўпайтирдилар. Ҳарчанд уринсалар ҳам отларнинг қанотлари ҳаракатга келмади. Лекин елдиришдек учагон эдилар. Шунинг ўзи бас, одамзоднинг нафсига чегара йўқ, деди Найсонбува. Одамлар унинг сўзларига қўшилдилар. Отлар униб-ўсаверди. Алпомишнинг оти ҳам ўша отлардан тарқаган. Гўруғлининг Ғирковиғи ҳам ўша отларнинг авлоди. Узимизнинг Ғирковик ҳам шулардан...

Митинг қарсақлар билан тугади. Ўша куни Ижроқўмбува пенсияга кетди. Ўрнига Исроил раис ўтирди. Унинг ўрнига Дулдулсойдаги экскаваторчи йигит Сотим Сафоев раис бўлди.

Учала воқеа ҳам одамларни ажаблантирди.

Мелиқуш тиззасидан қор кечиб кўп юрди. Туёқ изларини олиб бораверди. Қордан бели букилган қўғайлар ёнидан ўтди. Оқ кийинган тўронғиларни оралади. Қор уюмлари олдида тўхтади. Отлар уни айланиб ўтган эдилар. Мелиқуш кучига ишониб уюмлардан ошиб ўтмоқчи бўлди. Оёғи чангалга бориб тегди. Тиканлари болдирини тирнади. Қорда қон изларини қолдириб орқага қайтди. Уюмни айланиб ўтди.

Оёқлари шикастланган Бува ихтиёрини тамоМ Мелиқушга топшириб, унинг бўйнига ястанганча чалажон инграрди. Мелиқуш жирғанақли ўтлоққа етди. Қунишиб турган отлар уни кўриб кишнадилар. Уларнинг бу галги кишнаши йиғига ўхшади. Мелиқуш олдига биринчи бўлиб Қандим келди. Бўйнини, ёлини искади. Устида ётган одамнинг қўлига тушмуғини тегизди. Бува кўзини очди. Қаерга келиб қолганини анчагача англай олмади. Бошини кўтарди. Отларни кўрди. Совуқдан тараша бўлган танида оғриқ кўпди. Борлиғи зирқиради. Тишини-тишига босиб қаддини тикламоқчи бўлди. Оёқлари зирқираб оғриди. Ҳар қанча уринмасин, ўзини ўнглолмади. Мелиқуш тиз чўкди. Бува сирғаниб қор устига тушди. Мелиқуш тасирлатиб қор куради. Сарғайган ўт-ўланлар кўринди. Бува судралиб борди-да ўт устига ўзини ташлади. Чалқанча ётди. Қорни ёжимлади. Бир сиқимини олиб, пешонасига, чеккаларига босди. Кўзи, ақли ойдинлашди. Бўлиб ўтган воқеани эслади. Муз кўчкисидан қочиб қутулган отларга қаради. Ярми ҳам қолмабди. Кўпчилиги қирилиб кетибди.

Бува тирсагини ўтларга тираб, гавдасини кўтарди. Оёқларини пайпаслаб кўрди. Йўқ, синмабди Мелиқуш сағрини билан отиб юборганида қаттиқ оғриган, ёмонроқ шикастланган, холос. Тузалиб кетади. Одамнинг боши — оллонинг тоши, деганлар. Бошга тушганни кўз кўради. Бу кунлар ҳам ўтиб кетади. Аммо-лекин Ғирковикнинг ўлгани кўп ёмон бўлди. Уюрнинг кўз-қулоғи эди. Усиз бечора отларнинг ҳоли не кечаркин?

Қор кураб ўтлаётган отларни, уларнинг бошида Мелиқушнинг турганини кўриб Бува таскинланди. Лекин ўзининг аҳволи ачинарли эди. Емаги, идиш-товоғи, милтиғи — ҳаммаси муз остида қолиб кетган. Хайрият, гугурт чўнтагида экан. Хайрият, пичоғи белбоғида экан. Музнинг бу кўчишида яқин орада қишлоққа боришни тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Қишлоқдагилар хавотир олиб келишгани билан дарёдан ўтишолмайди. Кимсасиз тўқайда чалажон оёқ билан қандай кун кечиради? Бўриларга ем бўлмайдим. Жисми қотиб музга айланиб қолмайдим. Ҳаракат қилиш керак, ўлмаслик учун қимирлаш керак, оғриқни енгиб оёққа туриш даркор.

Бува кўзғалди. Оғриқдан кўзлари ёшланди. Бутун оғирлигини қўлларига ташлаб, тиззасини ерга босди. Унинг чўккалаганини кўриб Мелиқуш келди. Бошини эгди. Бува қўлларини унинг бўйнидан ўтказди. Аста кўтарилиб оёқларини ерга босди. Қорли ер чўққа ўхшаб товонини куйдирди. Қовуриб ташласа ҳам оёқларини ердан олмади. Аста-аста чўғ ҳовури босилди. Отга суяниб Бува бир-икки одим ташлади. Чидаб юрса бўлади. Юриш шарт.

Ўн-ўн беш қадам нарида битта оқ қуш қорни куради. Бағрини майсага бериб ётди. Мелиқуш ёрдамида Бува қуш томон борди. Ғоз экан. На ҳуркди, на қочди. Қаноти остидан бир томчи қон оқди. Ё бирон овчининг ўқидан яраланган, ё бирон йиртқичнинг чангалидан чиқиб қочган. Бува унинг думидан тутиб аста кўтарди. Қанотининг ости қип-қизил қон эди. Кўкрагини бериб ётгани майса эмас, қабар¹ экан. Одатда яраланган қушлар қабарга суйканади, ундан ярасига малҳам топади. Даволанишга келган ғозни Бува яна қабарга ётқизди. Аммо у типирчилаб жон бера бошлади. Бува уни сўйди. Қонидан қорлар қизарди. Мелиқуш қорни сачратиб куради. Беҳисоб қараб барглари кўринди. Бува қабарни юлиб икки даста қилди. Оёқларига қават-қават қилиб ўради. Белбоғини йиртиб иккига бўлди. Қабарнинг устида чандиб боғлади. Кўп ўтмай оёғи исиди. Томирлари лўқ-лўқ урди. Худо хоҳласа, энди юриб кетасан, деди оёқларига қараб.

Кун охирлаб қолди. Ёруғ кўзда ўтин жамғариш керак. Бува бир оз қабар йиғди. Янтоқни қордан тозалаб, илдизидан синдирди. Катта уюм қилди. Қотиб қолган ғумаиларни йиғди. Чангал бутоқларини синдириб бир четга уйди.

¹ Қабар — тўқайда ўсадиган доривор гиёҳ.

Отга тирмашиб минди. Қўли тўронғига етди. Осилиб-осилиб тўронғи шохларини кесди. Тўронғи узоқ ёнади. Чўғлари йирик-йирик, ўткир, кулга чидамли бўлади. Кулнинг тагида ҳам узоқ муддат кўрини йўқотмайди.

Қоронғи тушмасиданоқ гулхан ёқди. Янтоқ бирпас тутаб турди-да, гурил-лаб ёнди. Бува оловга чангал босди. Устига тўронғи ташлади. Ўт олишиб кетганидан сўнг қабарни тутатди. Тутунини тўйиб-тўйиб ютди. Кафтларини ўтга тутиб иситди. Оёғини оловга яқин олиб борди. Чандиб боғланган қабар қизиди. Танига кирган касаллик чиқиб кетгандай бўлди. Нон егиси келди. Ҳозни теридан чиқарди. Гўштини бўлаклади. Юлғунга санчиб ўтга тутди.

Тун ярмидан оққанида Буванинг киприкларин уйқу босди. Гулхан уни элитган эди. Аммо ухлаш мумкин эмаслигини у яхши биларди. Гулхан ҳадемай сўнади. Қишнинг дами кескир. Музлатиб ташлайди. Тўқайда яхлаб ўлган одамлар кўп бўлган. Ким қулоқ-бурнидан, ким оёқ-қўлидан ажраган. Қиш билан ўйнашиб бўлмайди. Олов алдайди.

Бўри увлади. Овози жуда яқин жойдан чиқди. Бува чўчимади. Олов бор. Бўри келолмайди. Отлар барибир оёққа қалқди. Уларни тинчитиш ва оёғини ёзиш мақсадида Бува тўронғидан ҳали ўзи ясаган ҳассага суяниб ўрнидан турди.

Эртасига отларни олиб дарё бўйига келди. Муз парчалари худди кечагидай қасирлаб оқар, бир-бирининг устига мингашиб қирғоққа отилиб чиқар эди. Капа кунпаякун бўлган. Девор кесаклари муз тагида қолиб кетган. От ўликлари яхлаган. Каттакон муз парчаси отга ўхшайди. Бува унга тикилиб қаради. Ғирковик... Худди ўзи. Туёқлари, яғрини, сағриси, ёли ҳаммаси муз. Муз—от дарёга орқасини ўгириб, тўқайга юз тутиб турарди. Мелиқуш уни кўрди. Кишнади. Ғирковик жавоб беролмаслигини Мелиқуш билмади. Яна чўзиб кишнади. Буванинг юраги эзилди.

...Элдан мадор кетган йиллар эди. Йигитларнинг жонини уруш суғурган, кексалар ва аёллар, бола-чақа йўқчилик азобини тортишар, тирикчилик чидаб бўлмас азобга айланган эди. Отақўрғонни ўтин билан таъминлаш ҳаммишагидек қораянтоқликлар гарданида бўлганидан қурби етган кишилар Қорақумдан саксовул кесиб келишар, шундан чойчақа ишлаб, рўзғор тебратишарди.

Қумнинг қўл етадиган жойларидаги саксовуллар кесиб бўлинди. Энди фақат қумнинг энг ичкарасида, Бўриётоғи барханларидан наридагина саксовуллар қолган эдики, у ерга ундай-бундай уловда етиб бўлмасди. Отларнинг ичида биргина Ғирковик тоғдай баланд қум уюмларидан ошиб ўтишга қодир эди. Тепалик Бўриётоғи номини беҳуда олмаган, одам зоти камдан-кам келадиган бу қоясимон барханларни бўрилар ўзларига кўпдан макон қилиб олишган эди. Жони икки одамгина юрак бетлаб у ерларга қадам боса оларди.

Жони иккилик қаёқда, Бува у пайтларда урушдан жароҳатланиб қайтган, яримжон эди. Шундай бўлса-да, Бўриётоғига боришга жазм этди. Биринчидан, қишлоқда бу хатарли жойга борадиган йигитнинг ўзи йўқ эди, иккинчидан, Буванинг ишонч тоғи — Ғирковиги бор эди.

Ғирковик бунинг уддасидан бир эмас, бир неча бор чиқди ҳам. Лекин қор ёққан кунни Бўриётоғида офат устига офатга дуч келишди. Тепаликка оз қолганида бўралаб қор ёға бошлади. Қор шундай қалин қуюлиб келдики, икки қадам наридаги барханлар мутлақо кўринмай қолди. Тўхташ, қорнинг тинишини кутиш мумкин эмас эди. Ёруғ кўзда орқага қайтилмаса, йўл хавфли, тепаликдан ошиб ўтиш амримаҳол иш.

Ғирковик қорни писанд қилмай юқорига тирмашиб борарди. Қор худди тумандек йўлга қалин парда ёпганидан Ғирковик тахмин билан илгарилаб борар, аммо одимлари дадил эди. Юқорига етдим деганда Ғирковикнинг оёғи чуқурга тушиб кетди шекилли, у типирчилаб ўзини ўнг томонга отди. Мувоzanатини йўқотиб пастга сирғалиб кетаверди. Бува отнинг устидан ўзини қумга отди, унга ёрдам бермоқчи бўлди, лекин от билан қўшилиб чуқурликка ағанаб кетди.

Бува ўшанда энди чуқурликда нобуд бўламиз, деб ўйлаган эди. Аммо Ғирковик ҳеч нарса кўрмагандек, бошқатдан юқорига қараб ўрмалади. Улар омон-эсон Бўриётоғига чиқиб олдилар.

Бу гал Бува саксовулни кўп олмади. Қор ҳамон тинай демасди. Тимирскиланиб орқага қайтишди. Тепаликка чиқишда Ғирковик аввалгисидан ҳам кўпроқ қийналди. Энг ёмони шу бўлдики, от юқоридан пастга сирғаниб кетганида Бува эгардан учиб, кўз кўрмас чуқурликка бориб тушди. От тепада қолиб кетди. Бир нимага зарб билан урилган Бува ўзини йўқотди. Қанча ётганини билмайди. Кўзини очса... тепасида мўлтираб Ғирковик турибди. Қор тинган, атроф оппоқ, от йўлга шай. Ҳей, Ғирковик фақат от эмас эди, у одамнинг нажоткори ва халоскори эди...

Бува музлари қарс-қарс ўйнаётган дарё бўйида анча турди. Нариди қирғоққа бир неча бор қараб-қараб қўйди. Муз кўчкисини эшитгандирлар, хавотир олиб келарлар, деган умидда анчагача кетолмай турди. Ўзи билган Исроил раис бўлса одам юбормайди. (Раиснинг алмашганидан Бува беҳабар эди-да.) Момо бўлса келолмайди. Кучи кўзига етади. Эгиликдан умидини узган Бува отларни тўқайга бошлади.

Тўқайнинг қайсидир буржида божмоннинг кулбаси бўлиши керак. Бува уни излаб топишга қарор қилди. Сўқмоқдан-сўқмоққа ўтди. Лекин на от изи, на одам изини учратолди. Божмонни излаб кунни кеч қилди. Бир-бирига туташиб кетган чангалзорлар, тўронғиларнинг чеки йўқдай эди. Кулбани топиб бўлмастегини тушуниб, отларнинг бошини кечаги жойга — Жарғанаққўлга бурди. Очликдан кўзлари тинди. Қани ейишга бир нима бўлса...

28

Ушанда ҳам оч эди. Ўрмонда отлар билан ёлғиз ўзи қолиб кетган эди.

У Волхов фронтда ўлим билан кўп марта юзма-юз келди. Учинчи бор яралангач, ўрмон ичкарасидаги госпиталда узоқ даволанди. Соғайганидан кейин ҳам анчагача кўз олди қоронғилашиб юрди. Кўп қон йўқотган эди, бир оз вақтгача жангга киришга рухсат беришмади. Госпиталдан унча узоқ бўлмаган ветеринария лазаретига юборишди. Лазарет қошидаги уч ойлик курсда ўқиб ҳам чиқди. Отларга тақа қоқишни ўргатишди. Буни ўзи ҳам биларди. Аммо нозик томонлари кўп, ўқимасанг бўлмайди, дейишди. Ўқигани яхши бўлди.

Лазаретга жангда яраланган отларни келтиришарди. Тезгина даволаб, яна фронтга жўнатишарди. Бува отларнинг тақаларини янгиларди. Баланд, кенг сағринли, қараб кўз тўймайдиган отлар эди. Танларида жароҳат излари кўп бўларди. Чидамли отлар эди. Тақа қоқаётганида типирчилашмас эди. Фақат мўғул отларигина сабрсиз эди. Йиқитиб, оёқларини боғламагунча уларга тақа қоқиб бўлмас эди. Буванинг шериги Лукич уларни йиқитишга уста эди. Ҳар қандай тажанг отни ҳам бирпасда оёғини осмондан келтирарди. Аммо Лукичнинг феъли чатоқроқ эди. Нафси йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайди-ганлар тоифасидан эди.

Соғайган отларни бир неча кун ўрмонда ўтлатиб, дармонга киритишни Бува билан Лукичга топширишди. Улар анча ичкарилаб кетишди. Қалин ўтлоққа етишгач, отларни қўйиб юборишди. Ўтлоқ қишлоққа яқин эди. Уйлари дурбинсиз ҳам кўриниб турарди.

Кечга бориб Лукичнинг феъли айниди.

— Қорним ноғора чалапти, сеники-чи?— деди Бувага.

— Сухарка бор-ку, еяқол.

— Сухарка нима бўларди. Қайноқ бирон нарса бўлсайди. Масалан, шўрва. Гўштсиз бўлсаям майли, картошка ҳам бўлаверарди.

— Қайда у сен айтган картошка?

— Ана... фақат ҳафсала керак.

Лукич қишлоқ томонга имо қилди.

— Картошканинг ҳозир нақ пишган вақти. Истаган огороддан ковлаб олаверса бўлади.

— Нималар деяпсан, Лукич? Бировнинг картошкасини қандай оласан?

— Нега бировники бўларкан? Ўзимизникиларга қарашли. Бундан ташқари, билиб ўтиришибдим. Ҳадемай донг қотиб ухлаб қолишади.

— Бу нақ ўғирликнинг ўзи-ку. Гуноҳга ботма, Лукич?

— Гуноҳ дегин. Сиз осиеликлар гуноҳга ботмаин деб, ўлиб кетасизлар. Сизларни асли гуноҳ сўзи билан қўрқитиб қўйишган. Чапга юрсанг гуноҳ, каттанинг олдидан кесиб ўтсанг гуноҳ, ноннинг ушоғини босиб олсанг ҳам гуноҳ.

— Бўлмасам-чи. Албатта, гуноҳ.
— Нариги дунёда сўроғи бўлади, де?
— Қайси дунёда бўлишини билмадим, аммо сўроғи бўлиши аниқ.
— Ушандан қўрқаман, де?
— Сўроқдан қўрқининг нимаси ёмон? Гуноҳга ботишдан қўрқмаслик бориб турган ёмонликдир.

— Майли, сен яхши бўлавер, гуноҳга ботма. Фаҳминг етмайди-да, гуноҳ деган сўз асли пўписа. Бандаларни қўрқитиш учун чиқарилган. Гуноҳ-пуноҳингни билмайман. Гуноҳни ўйлаб чиқарган руҳонийларни ҳам, худойингни ҳам тан олмайман.

Бува Лукичнинг сўзларидан титраб кетди. Уни бошлаб сўкмоқчи эди, улгуролмай қолди, Лукич қишлоқ томонга жадал юриб кетди. Бува унинг орқасидан қичқирди, «Қайт, Лукич!» Хуллас, Лукич Буванинг гапини назарига илмай, картошка ўғирлагани қишлоққа кетди. Лукичнинг бу қилмишини Бува ҳазм қилолмади. Фронтда одамлар жон олиб, жон бераётган бўлишса. Одамлар ниманинг ғамида-ю, бу ниманинг ташвишида. Лукич картошка кўтариб келди.

— Қани, ўчоқни тайёрла, тақачи.

Бува юзини тескари ўгирди.

Лукич болохонадор қилиб сўкинди-да, ўтин йиға бошлади. Бува ортиқ чи-долмади.

— Жинни бўлганмисан ўзи? Бу ерда гулхан ёқиб бўладими?! Немис бурнингнинг тагида бўлса. Самолётлари, ана, изғиб юришибди. Гулхан ёқсанг...

— Ишинг бўлмасин,— бақирди Лукич.— Нима қилишни ўзим биламан. Менга ақл ўргатмоқчимисан, эшак...

Гулханга тайёрланган ўтинни Бува жаҳл билан тепиб юборди. Лукич картошка арчиш учун қўлга олган пичоғини Бувага ўқталди.

— Тўхта, отаман.

Ўзига қараб турган милтиқни кўриб Лукич тўхтади. Туф, деб сўкинди. Орқасига қайтди. Бува тепиб юборган ўтинларни терди. Гугурт чақди. Бува шахд билан отга минди. Лазаретга қараб отни ниқтади. Офатни сезгандек от уни зумда учириб кетди. Отлар унинг орқасидан елишди. Сал ўтмай тепада немис самолёти пайдо бўлди. У гулхан ёқилган зонани нишонга олиб ўқ ёғдирганидан ҳаммаёқ олатасир бўлиб кетди. Отлар ҳуркиб йўлни йўқотишди. Бува ёлғиз қолиб кетди.

Эртасига Лукичнинг жасадини гулхан қолдирган кул устидан топишди.

— Бу очкўзни нега ўзинг отиб ташламадинг?

Командирнинг саволига Бува жавоб беролмади. Аслида-ку, отиши керак эди.

Э, бу дунёда қилиш керак бўлган, лекин қилинмаётган ишларнинг ҳисобига етиб бўларканми. Отларни, Бувани мана шу кўйга солган Исроил раисни отиш керакмасми? Унинг Лукичдан нима фарқи бор? Иккови ҳам бир гўр. Иккови учун ҳам муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Лукични-ку, немис жазолади. Буни, Исроил раисни ким жазоларкан? Аммо-лекин жазоланиши керак. Ёмон жазоланиши керак. Омон-эсон шу тўқайдан чиқиб борса, уни ўзи жазолайди. Ғирковикнинг, бошқа ўлган отларнинг, манави дайдиб юрган отларнинг қасдини олади ундан. Момо учун ҳам ўч олади. Дарвоқе унинг ҳоли не кечди экан?

Момо янги раисни фермадан топди. Раис молхонанинг синиб тушган дарвозасини тиклаётган экан. Усталар совуқда дийдираб ишлашар, янги туркман пўстини кийиб олган шоп мўйлов ферма мудири қўлларини енглари ичига олиб, раис олдида ғуддайиб турар эди. Унинг ёнида Қулжон куймаланар, қулоқчинини бостириб кийганидан юзи-кўзи деярли кўринмас, оғзидан узун-қисқа буғ чиқарар эди.

Сотим Сафоев йўлга орқа ўгириб турганидан Момонинг яқин келиб қолганини пайқамди.

— Аввало сени қамаш керак,— деди ферма мудирига ўдағайлаб.— Молларнинг нобуд бўлганига сен жавобгарсан. Молхонанинг дарвозаси йиқилиб тушибди-ю, сен бўлсанг пўстинингга ўраниб уйингда ётибсан. Уят. Ўлиб

қолган молларни бўйнингга ураман. Қаматаман сени, гапнинг очиғи.

Ферма мудирни бўш келмади.

— Молга молбоқар қарайди. Тиригига ҳам, ўлигига ҳам у жавоб беради.

Қулжон бир сапчиб тушди. Мудирнинг нимага керилаётганини у яхши билди. Исроил раис омон бўлса, бир-икки мол ўлгани тугул бутун бошлиқ ферма ёниб кетганида ҳам мудирнинг битта мўйи-да куймайди. Лекин Исроил раис Қулжонни ҳам бировга талаттириб қўймас. Исроил раисга Қулжоннинг ҳам қилиб қўйган хизматлари йўқ эмас...

— Менинг қўлимда уста бўлмаса, ёғоч бўлмаса,— Қулжон раисга ялтоқланди,— буйруқчи буюради, кунликчи югуради.

Мана бу сўзни аввал ҳам Қулжондан кўп эшитган эди. Бу иборадан Буваннинг ҳам энсаси қотар, Қулжоннинг исмини тилга олмас, орқаваротдан уни заҳархандалик билан кунликчи деб атар эди.

Момони усталар кўриб қолишди. Уни илиқ қарши олишди. Борлиғидан ғамандуҳ ёғилиб турган бу аёлни кўриб раис ҳам ўзгарди. Уни диққат билан эшитди.

— Бувангиз умр бўйи колхознинг хизматини қилди. Энди уни ўлимдан сақлаб қолишга колхознинг қурби етмайdimи?

Бир неча савол-жавобдан кейин раис гап нима ҳақда бораётганини англади. Пўстинга ўраниб турган мудирга ташланди.

— Молларни ўлдирдинг, энди одамларни ҳам ўлдирмоқчимисан, даюс?

— Нима қилай?

— Мен-ку, янги одамман. Сен-чи? Ҳамма балодан хабаринг бор-ку! Тўқайда одам қолиб кетган экан, нега менга бир оғиз айтмадинг?

— Қулжонга айтдим, бор деб.

Қулжон яна сапчиди:

— Борганнинг фойдаси борми? Муз кўчиб ётган бўлса.

Раис кўзларини катта очди.

30

Уйқусиз иккинчи тун ҳам ўтди. Кеча қайтишда ёввойи жийда терган эди Бува, шунинг қолганини еди. Оч ерига бормади. Тўқайда сулгун, қуён кўп, аммо милтиқ бўлмагач, на илож. Бува итини олиб келмаганига ачинди. Момо кўнмади-да. Қоровулимни олиб кетманг, деди. Бир ҳисобдан тўғри. Аёли ёлғиз, итсиз бўлмайди. Тўқайда ҳам лекин ит асқотади. Битта-яримта сулгунни таппа босиб, оғзига қисиб келаверарди. Бува уни кабоб қиларди. Итни суяги ҳам тўйдирарди.

Емак топиш илинжида Бува қушларни кузатди. Улар кўпроқ дарахтларнинг шохларида овқатланишарди. Бирлари ерга қўнди. Куранди. Чўқилаб ниманидир ейишди. Бува шу жойга борди. Чиғаноқ экан. Олиб қорда тозалади-да, оғзига солди. Егулик. Бир оз чиғаноқ жамлади. Жийдадан яна терди. Белгача ўсган, қотиб қолган барги нўхатдай-нўхатдай келадиган ўсимликка дуч келди. Эшакмия экан. Унинг маржондай-маржондай уруғи бўлади. Сулгун ейди. Сулгун еган нарсани нега энди одам ея олмайди? Ейди. Еса бўлади. Эшакмия уруғидан ҳам бир ҳовуч терди.

Учинчи тунда мадори кетди. Ияги қалт-қалт титради. Гулханга яқин бориб, юлғун устига чўзилди. Ё ухлади, ё ҳушидан кетди...

31

Кечадан бери елиб-югурган меҳмонхона хизматкорлари ниҳоят ҳамма нарсани муҳайё этишди. Кўлдан овланган лаққа, қашқалдоқ, ўрдак, қумдан отиб келтирилган қуён, эрталаб сўйилган қўй, ёввойи каптар гўшти кетмакет қовурилиб ва қайнатилиб дастурхон шоҳона безатилди. Болтабеков сабзи шарбатини ёқтиришини кўп колхоз меҳмонхоналарининг ошпазлари билиб олишган эди. Қизил сабзидан алоҳида, думбул сабзидан алоҳида шарбатлар тайёрланди. Анорлар беш юлдуз шаклида кесиб ҳам қўйилди, шарбат ҳам қилинди. Қишга яхши сақланган узумнинг бир неча навидан, олма турлари-

дан, беҳи, нок, лимон, апельсин, теплицада етиштирилган исли, хосиятли ўтлар, бошқа неъматлар худди кўргазмага терилгандек, чертиб-чертиб дастурхонга жойлаштирилди. Утириш охирида тортишга қовун, тарвузлар тайёрлаб қўйилди. Иккита қозонда сабзи-пиёз билқ-билқ қайнаб турди, ишора бўлиши билан гуруч босилади, бирида сузма палов, бирида оқ палов қиёмига етади.

Сафоев раис бўлиб ишни нимадан бошлашни билмай гарангсиб юрганида колхозга Болтабековнинг келиши айна муддао. Сафоев уни колхоз чегарасида кутиб олди. Утган йил Болтабеков келганида Исроил раиснинг югуриб бориб машина эшигини очганини кўрган эди. Сафоев ҳам худди шундай қилди. Янги раиснинг одоб-икромни хушёқди шекилли, Болтабеков уни ёнига ўтқазди. Колхозингни кўрсат, деди. Пахтачилик ва шолитчилик бригадаларини айланиб кўришди. Машина меҳмонхона олдига келиб тўхтади.

Кейинги пайтда Қораянтоқда икки ҳашаматли бино пайдо бўлган, бири Исроил раиснинг уйи, бири Исроил раиснинг иккинчи уйи — шу меҳмонхона эди. Меҳмонхона катта боғнинг гужум билан қопланган шинам жойида қурилган, олдида ҳовуз қазилиб, фаввора ўрнатилган, бинога мармар зинапоялардан кириб бориларди. Узун ва кенг даҳлиздан сўнг қўлда нақш бериб ишланган зал, чап қўлда бильярдхона, тўғрида икки хонадан иборат ётоқ, унинг ичкарасида фин ҳаммоми жойлашган. Хоналарга туркман гиламлари тўшалган, ҳар хона ўз рангига мос импорт мебель билан жиҳозланган.

Чой устида ундан-бундан гаплашиб ўтиришди. Болтабеков кўпроқ раисни гапиртирди. У Сафоевнинг ичу ташини билмоқчи, унга нисбатан ўз кўнглида айланиб юрган шубҳани бугун шу ерга ташлаб кетмоқчи эди. Тўғри, деган эди райком секретари, ғайратли, ёш, тоғни талқон қилишга кучи етади. Лекин... ўқимаган, биронта раҳбарлик лавозимида ишлаб кўрмаган. Колхоз бўлса катта, ҳам пахта етиштиради, ҳам шולי. Чорваси кўп. Сотимбой шундай катта кемага дарғалик килолармикан? Яна ўзингиз биласиз... Болтабеков унга айтдики, ўқиган ўнта миждовдан ўқимаган битта жўмард афзал. Қолаверса, ўқитасиз, сельхозга заочний кирсин. Ғайрати танига сиғмайди. Беш йилда ўн йилнинг ишини қияпти. Раҳбарликка ўтли-шудли одам керак. Сотимбойга ўхшаган содда, қувватли йигитлар билан ҳар иш қилса бўлади... Болтабеков бу гапларни айтишга айтдию, барибир кўнглида шубҳа қолди. Бугун у шубҳани тарқатмоқчи райком секретарини четлаб ўтиб, колхозга ўзи ёлғиз келишининг боиси ҳам шу.

— Гапнинг рости, ҳали ҳам экскаваторда ўтиргандайман, Султон ака,— деди Сотим Болтабековга кўнглини ёриб.— Фақат қазийдиган жойимнинг ташини йўқ.

Дангалчи йигитнинг эътирофи Болтабековга ёқди. Уни Болтабековнинг назарига туширган нарсанинг бири ҳам асли шу дангалчилиги эди. Тўғрими, нотўғрими, кўнглига келганини тап тортмай айтарди. Тўпорилиги бор, албатта. Лекин юмшоқсупургилиги йўқ. Унга маслаҳат бериш керак. Уёғини ўзи олиб кетади.

— Экскаватор де,— Сотимга мулойим боқди Болтабеков,— хўжаликнинг ҳам рули бор. У сенинг кўнглида. Қаёққа бурсанг, шу ёққа кетади. Шолини кўпайтиришимиз керак. Колхоз ўтган йил беш минг тонна шולי бердимиз, ҳа беш минг. Шунга бу йил икки мингни қўшасан.

— Ҳисобга тўғри бўлсин, Султон ака, беш мингни қўшаман, жами ўн минг бўлади.

— Унда сени герой қиламиз.

— Шарбатдан олинг, Султон ака.

Болтабеков сабзи шарбатидан ҳўплаб, ўйланиб қолди. Отақўрғондаги ўн икки колхознинг ҳаммаси оз-оздан шולי экади. Йиғиштириб борсанг, ҳаммасининг берадигани ўн минг тоннага етмайди. Бунинг бир ўзи шунча бераман, деяпти. Шולי етиштиришни ихтисослаштирган яхши эмасми? Бу шולי эксин, улар пахта.

Суҳбат узоқ давом этди. Утириш кўнгилли ўтди. Болтабеков кўп овқат емади. Ҳар хилидан тотинди. Унга қараб Сотим ўзини тийди. Қуён гўшти ҳил-ҳил пишган экан. Роса туширгиси келди. Нафсини жиловлади. Уни кузатсин, овқат қочмайди. Узатаётганда пилдираб бориб машинанинг эшигини Сотим очди. Болтабековни ўтқазиб, эшикни оҳиста зичлади. Исроил раис шундай қилган

эди. Ҳамма раислар шундай қилишса керак-да. Болтабековни хушнуд кузатиб, Сотим қафтларини бир-бирига уриб ишқади-да, қуён гўштининг совуб қолишини ўйлаб, ичкарига шошилди.

Орадан кўп ўтмай, Қораянтоқни шолчиликка ихтисослаштириш ҳақида қарор чиқди. Баъзилар янги раисга қойил қолди. Кўпчилик елка қисди.

Лекин Сотим Сафоев раислик курсисига ўтирганидан кейин эл оғзига тушган биринчи иши бу эмас, балки Бувани ҳалокатдан қутқазгани бўлди. Дарёдан кечишнинг иложи бўлмагач, Боғистонда катталар билан боғланиб, аллақандай вертолёт топтирди. Бувани чангалзордан эти суягига ёпишганида топишди. Дулдулсойдаги касалхонага ётқизишди. Ҳушига келганидаги биринчи сўзи Мелиқуш бўлди. Мелиқуш тўқайда қолди, дейишди. Бунни эшитиб, кичрайиб қолган кўзлари олайди. Отларни қутқазиш керак, дея ўрнидан турмоқчи бўлди, оёғи боғлаб ташланганини шунда билди.

32

Буванинг оёққа туриб кетишига икки йил керак бўлди. Унг оёғининг бармоқлари жонсизланиб қолди. Доктор кесамиз, деди. Бува рози бўлмади. Жонсиз бўлса ҳам бори яхши, деди. Бор бўлса аста-секин жон киргизаман. Бунни айтганида Бува Маздубат туз конини орқа қилган эди. Саратон кириши билан кўнглига тугиб юрган ниятини бажарди. Маздубатга бориб, бир ҳафта қозоқ чайласида муқим яшади. Ҳар куни икки мартадан оёғини тузга кўмди. Эрталаб ва ётар олдидан исириқни қайнатиб, илиқ сувига бармоқларини муолажа қилди. Еттинчи куни бармоқлари тузнинг шўрини сезди. Ўлик бармоқларида ҳаёт нишонасини кўрган Бува чайлада яна бир ҳафта қолди.

Қораянтоқнинг оёқдан қолишига шу икки йил кифоа қилди. Бутун қишлоқ шоли экишга ўтганидан кейин далаларни сув билан таъминлашга ариқларнинг кучи етмай қолди. Пахтани суғоришга етарди. Шолига етмади. Шоли одатдагидан икки-уч ҳисса кўп сув талаб қиларди. Шошилини янги ариқлар олинди. Борларини қазиб чуқурлаштиришга ва кенгайтиришга тўғри келди.

Сув муаммоси ҳал бўлди-ю, бошқа чигал чиқди. Ер ости суви юзага кўтарилди. Ерларни шўр босди. Боғлар ёппасига қурий бошлади.

Бува Орқабоққа келганида тонг оқара бошлаган эди. Олислардан келадиган шуъла забтига тоб беролмай юлдузлар бирин-кетин эриб бормоқда, чекинишдан бошқа иложи қолмаганини сезган зулмат замин устидан ўз пардасини йиғиштириб олмоқда эди. Қўйларга йўнғичқа ўриш ниятида боққа кирган Буванинг кўзи олмазорга тушди-ю, юраги орқасига тортди. Олмазор адои тамом бўлибди. Умридан санокли кунлар қолганини сезган хастадай жонсарак. Бува ўроғини челга санчиб, олмазор сари юрди. Белбоғини ечиб, қуруқ пешонасини артди. Олмага айни саратонда хазон терса-я. Ям-яшил япроқлари сарғайиб сомон бўлибди. Қирқ туп олмадан битта ҳам соғи қолмабди.

Бува Узаншоҳнинг (ўртадаги йирик дарахтга шундай ном берган эди) қуруқшаб қолган танасини сийпади. Бармоқлари худди совуқ ёғочга теккандек тўхтаб қолди. Унга энгашиб чеккасини босди. Юрак уришини эшитмоқчи бўлган табибга ўхшаб узоқ вақт мижжа қоқмай жим турди.

Қораянтоқнинг боғларига ўқ отсанг ўтмас эди. Энди-чи, Мағрибда қўйилган тухум Машриқдан кўринади.

Нобакорликнинг тури кўп бўлади. Бир хили одамнинг умрини заҳарлайди, бир хили оилани бузади. Бир хил нобакорлик бўладиги, битта киши ёки битта оиланинг эмас, балки бутун бир ўрамнинг, элатнинг, бутун бошли бир қишлоқнинг ёстиғини қуритади. Гуллаб-яшнаб турган Қораянтоқни шолиторга айлантириб, боғларини зах ботқоққа едириш ҳам нобакорлик. Тўғри, шоли керак. Ўзбек бор, палов бор. Лекин шолини хонадонларнинг иягига келтириб экиш шартми. Қум этакларида қанча бўш ерлар ётибди. Қанча шоли экман десанг, эк. Том-томга, боғ-боққа тегиб турган, аҳоли зич жойлашган қишлоқнинг қоқ ўртасига шоли экиш ақлданми? Катталарни ақлсиз деб бўлмайди. Ақлсиз бўлганларида ҳукумат уларга амал ва мартаба бермаган бўларди. Бироқ бундай режасиз иш қиладиганларни оқил дейишга қандай тил боради?

Бир дақиқа Бува ўзини раҳбарлик курсисидан тасаввур этиб кўрди. Мана, ҳашаматли кабинет. Одамлар қўл қовуштириб туришибди. Аввало Бува

кабинетни ўзгартирган бўларди. Ҳашаматнинг нима кераги бор, сиғиб ўтирадиган жой бўлса бўлди-да. Қўл қовуштириб турган одамларни бўлса тум-тарақбай қуварди. Ишга келсак... Қораянтоққа шоли экдирмасди. Ерини, боғларини обод этарди. Тўқайдан отларни олиб келарди. Қишлоқда йилқичиликни шундай ривожлантирар эдики, натижада машинага иш камаярди, бинобарин сарф-харажат камаярди, ҳаво мусаффо, ўсимлик ва одамлар соғлом бўлишарди. Мабодо сал каттароқ амал тегиб қолса, Дулдулсой сув омбори қурилишини тўхтатган бўларди. Бошқача курдирарди. Маздубатга ҳам, тўқайга ҳам сувни яқинлаштирмасди. Дулдулсойнинг суви ҳаммага етади. У раҳбар бўлиб қолса...

Бува мийғида кулди. Уқимаган одамни ким ҳам раҳбар қиларди. Уқиганлар шунча хато қилишяпти-ю, ўқимаганларга йўл бўлсин. Раҳбар бўлиб, чакки қадам ташлаб, халқнинг қарғишига қолгандан ҳар нарса бўлган яхши.

Отларнинг ҳоли не кечди экан? Ҳали ҳам Жарғанаққўл атрофида санқиб юришганмикан, ёки бошқа томонларга бош олиб кетишдимикан? Касаллик оёқ-қўлини боғламаганида Бува отлардан хабар олган бўларди. Ё муқим тўқайда яшаб йилқичилик қиларди, ёки раис нима деса ҳам отларни қишлоққа қайтариб олиб келарди. Лекин Мелиқуш энди Қораянтоққа келишга кўнармикан? Қувиб чиқарилган жойга бош эгиб келармикан? Унинг одамга садоқати қанча бўлгани билан аччиғи ҳам қаттиқ. Феъли нозик. Балки тўқайга ўрганиб қолгандир. Энди саломатлик кўтаради, зудлик билан тўқайга бориш керак. Бечора отлар...

Кутилмаганда эртасига раис ҳам шу гапни айтиб қолди.

— Тез тўқайга борилсин. Отлар битта қўймай тутиб келинсин. Улар колхоз балансида турибди. Гапнинг рости. Боз устига қурувчилар дарёни тўсишга киришдилар. Яқинда тўқай сув остида қолади. Отлар дарҳол опкелинсин. Қандай қилиб бўлса ҳам.

Бундан Бува ҳам суюнди, ҳам куюнди. Ниҳоят отлар қишлоққа қайтариладиган бўлди. Бунга суюнмай бўладими. Аммо тўқайнинг сув остида қолиши...

Тўқай ўрнида сув омбори бўлади деган гап аввал ҳам унинг қулоғига чалинган эди. Олдинига ишонмаган, тўғри Анисимовнинг кабинетига бориб, шу миш-мишлар ростми деб сўраган эди. Анисимов рост деб жавоб берганди ўшанда. «Лекин,— деб қўшиб қўйган эди у,— бошқа вариантлари ҳам йўқ эмас!»

Сўнграқ Ганжа ҳам шунга ўхшаш гап айтди. Тўқайга сув қўйдирмаймиз, деди.

Шу нарса тасалли бўлдими, ё ғафлат босдими, ҳарҳолда Буванинг хотири жам бўлдию, бу гапнинг орқасидан қувиб юрмади. Мана, оқибати нима бўлди. Анисимов сўзида турмабди. Ганжа бўлса касофатга учраб, қамалиб кетди. Қандай ақлли йигит эди-я. Қамалмаганида эҳтимол тўқайга, у ердаги турли-туман жониворлар, бола очиб ётган қушларга қалқон бўлар эди.

Бува уйга кириб даҳлиздаёқ Момонинг жиғибийрон сўзларини эшитди.

— Илоё ер ютсин шу Аминов деганини.

Буванинг келганидан беҳабар, ёнида ўтирган меҳмонга — Анор холага тасалли бераётган Момо эрини кўриб кўзғалди. Анор хола ҳам ўрнидан турди.

Бува бу муштипар аёлни яхши билади. Унинг эри билан урушга бирга кетган эди. Оёғининг остида мина портлаб ҳалок бўлди бечора. Анорхон бўлса бир умр унинг руҳини шод этиб келяпти. Аммо ўғли қамалиб бунинг қадди букчайди, жуда чўкиб қолибди.

— Анорхон сизни қора тортиб келибди.

— Хўш? Зора бирон нафимиз тегса.

Анор хола бошини эгган кўйи эшитилар-эшитилмас деди:

— Ўғлимнинг уйини олишяпти. Аминов кўч-кўронингни кўтар, деб дағдаға қилди.

Анор хола ортиқ гапиролмади. Буёғини Момо тушунтирди.

— Ганжавой қамалганидан кейин уйи ҳувиллаб қолган. Қизини Шаҳристонга опкетишди. Ўғли Анваржон ҳозирча бу ерда, Анорхоннинг олдида. Уйни оламан деб Аминов буларни чўқилаб ётган эмиш.

Анор хола рўмолининг учи билан кўзларини артди-да:

— Анваржон бу йил мактабга боради. Бориб ўша уйда турмай, қайда тура- миз. Уйни олса... — деб Момонинг сўзига қўшимча қилди.

— Ололмайдими,— деди Бува қатъий.— Уй Ганжаники. Қамалди деб уни босқилашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Шу куни кечқурун Бува Анисимовнинг уйига борди. Анисимов Бувани кўриб, тўқай ҳақидаги гап эсига тушдимми, қизариб кетди.

Мезбон анчагача Бувани қўйиб юбормади. Хотиржам бўлинг, Ганжанинг уйини ҳеч ким ололмайдими. Бунга йўл қўймаймиз. Унга кўз олайтирган кўр бўлади, деди.

Буни эшитиб Анор холанинг ҳоври бир оз босилди.

Йилқичилар ёввойилашиб кетган отларни қўлга олиш йўлларини излади- лар. Гараждан кимдир бир ғалтак трос олиб келди. Шундан тузоқлар ясаймиз, деди. Кўпчиликка бу гап маъқул тушди. Бўлмаса отиб олинглар, деди ферма мудирини. Бунга кам одам қўшилди. Ҳамманинг умиди Бувада эди. Отлар уни кўрса бўлди, тузоқ ҳам, милтиқ ҳам керакмайди. Узлари келади. Бир чеккада жимгина ўтирган Буванинг ичида ёнаётган ўтни биргина унинг ўзи билар, шу ўт ичида ўзи пинҳона қоврилди эди. «Нима, отларга ўқ узамизми? Узимизнинг отларга-я! Бу — ўз-ўзимизни ўлдириш деган гап эмасми...»

Ужар йилқичилар барибир милтиқларни олиб олдилар. Қулжон трос ҳам олди, милтиқ ҳам. Бува ҳеч нарса олмади. Мелиқуш уни унутмагандир. Улиб- дими унутиб. Садоқатли бу отлар. Найсонбуванинг минг отидан тарқаган бу от- лар. Аммо уларни ёмон хафа қилдик. Кек сақлаб юришган бўлса, унда... иш- қилиб, охири бахайр бўлсин.

33

Ижроқўмбуванинг ўрнига ўтирган Исроил раис кўп нарсани ўзгартиришга қарор қилди. Авваламбор исполком биноси бир пулга қиммат. Исполкомга ўхшаган жойи йўқ. Бир қават. Лойдан тикланган. Эски. Юраверган эканлар-да, Ижроқўмбува ҳам...

Район марказини икки-уч айланиб чиққан Исроил раис (у ўзининг Ижро- қўмбува дейилишини ёқтирмайди) охири чорраҳада тўхтади. Мана шу тўрт йўлнинг бандаргоҳида қурамыз ижроқўм биносини, деди. У ёқдан ҳам кўриниб турсин, бу ёқдан ҳам.

Райком секретари ижроқўм биноси қурилишига аралашмади. Раиснинг ўзига қўйиб берди. Буни кўриб Исроил раис қулочини янада кенгроқ ёйди. Юқоридан архитекторлар чақиртирди. Кўнглимдаги бинони чиқазиб берсанг- лар, мукофотсиз қолмайсанлар, деди. Бинонинг бир неча лойиҳасини ишлатди. Ўзи эгри-бугри қилиб бир лойиҳа чизди. Бош архитектор бинога миллий нақш- лар ишлатмоқчи бўлганида Исроил раис унинг оғзига урди. Бу нақшлар эскилик сарқити, деди, буралиб кетган жойлари араб алифбосига ўхшайди. Тушунинг, бу исполком биноси, Совет ҳокимияти.

Замонавий бино чорраҳада, магистраль йўлнинг ўнг бетига тушадиган бўл- ди. Аммо учар от монументи унинг нақ манглайига тўғри келиб қолди. Архитек- тор хурсанд эди. Худди узукка кўз қўйгандай, деди. Исроил раис хўмрайди. Архитекторга қараб дабдурустдан, сиёсий кўр экансиз, деди. Исполком қайдаю, от қайда, архитектор. Отни подшолар минган, босқинчилар минган. Келиб-келиб энди у исполкомнинг олдида қаққайиб турадимми?

— Подшо минган бўлса мингандир, — деди архитектор қизишиб, — лекин от меҳнат симболи. Деҳқоннинг қаноти шу от бўлади.

— Деҳқоннинг қаноти — техника.

— Унда бу ерга трактор ўрната қолинг.

Исроил раис архитектор йигитни тўғри маънода тушунди.

— Трактор ўрнатса ҳам бўлади. Яқинда бир исполком раиси ўз биноси олдига танк ўрнатган. Урушда қатнашиб ҳисобдан чиқарилган танк экан.

— Танкни энди қаердан олдик...

Архитектор киноясини Исроил раис сезиб қолди. Лекин ундан хафа бўлма- ди. Қолоқ фикрли экан, деб қўяқолди ичида.

— Сиёсийроқ бир нарса керак, — деди архитекторга қарамай.

Улар бир тўхтамга кела олмадилар. Отни олиб ташлашга буйруқ бериб, Исроил раис янги анъаналар комиссиясининг йиғилишига кетди.

Учар от монументини йиқиб ташлаш ҳақидаги гап оғиздан-оғизга ўтиб, Ёдгор Ҳамронинг қулоғига етди. Ёдгорлик устида узоқ йиллар ишлаган эмасми, юраги ёмон увишди. Бошқа ҳайкалтарош бўлганида эҳтимол ижроқўмга бориб, масалани ётиғи билан тушунтирган бўларди, тушунмаса жанжал кўтарарди, уёқ-буёққа ёзарди, нима қилиб бўлса ҳам юрак қони билан яратилган, кўпчиликка манзур бўлган ёдгорликни сақлаб қолган бўларди. Ёдгор Ҳамро ундай қилмади. Исроил раис ҳукумат одами. Унга қарши гап яхшиликка олиб бормайди. Ёдгорнинг отаси сартарош ўтган. У айтганки, ўйнашмагил арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан. Ёдгорнинг ёшлигида қулоғига кирган бу гап томирларига ёйилиб, қонига сўрилиб кетган. Энди у фақат жони билангина чиқади.

Ўйлай-ўйлай охири Ёдгор Ҳамро нима бўлса ҳам ижроқўмга боришга жазм этди. Ўзича тош босадиган таклиф билан борди.

— Қулоғимга чалиниб қолди, отни йиқмоқчи экансиз.

— Хафа бўлма, Ёдгор бола. Хўпми. Отинг ўзи бир нав, аммо турган жойи ёмон. Биламан, меҳнатинг синган. Лекин ҳақини олганингни ҳам унутма, бола.

Бу таъна Ёдгор Ҳамронинг иззат-нафсига тегди ва қалбининг қаеридадир мудраб ётган ориятини уйғотиб юборди.

— Пул учун ишламаганман ёдгорликни. Учар отларни, ўтмишимизни авлодлар билсин, деганман.

— Учар отларинг чўпчак. Совет ёшлари бунга ишонмайди. Ўзи ўтмишнинг нимасини мақтайсан авлодларга. Харобалариними, саводсиз кўр аждодларинми? А, айт, нимасини мақтайсан?

— Харобалар бўлган. Лекин нақшинкор гумбазлару миноралар бугун ҳам ярақлаб турибди. Саводсизлар бўлган. Лекин буюк боболаримизнинг китоблари бугун ҳам қўлдан-қўлга ўтиб ўқилмоқда.

Исроил раис буни рад этолмади. Рақибини бошқача йўл билан таслим этмоқчи бўлди.

— Сен бу, бола, ўтмишни идеаллаштиришга уста экансан-ку. Бу сиёсий кўрликдан бошқа нарса эмас. Эҳтиёт бўл, тагин бошингга бало орттириб ўтирма.

Ёдгор Ҳамронинг тиззаси қалтиради. Раис ҳужумни кучайтирди.

— Фан-техника асрида яшаяпмиз-у, сен бўлсанг нуқул отларни пропаганда қиласан. Бу нима, ўтмишга қайтайлик деганинг эмасми?...

— Йўғ-эй.

— Тилингда йўғ-эй дейсан, дилингда бўлса...

Ёдгор Ҳамро ўзи сезмаган ҳолда қизишди.

— Мен тили бошқа, дили бошқалар тоифасидан эмасман.

— Сен буни исботла. От-потларингни, ўтмиш чўпчакларингни йиғиштир. Яхшиси, сен эртанги кун гулшанларини тасвирла. Гапим маъқулми, бола.

Исроил раис билан Ёдгор Ҳамро деярли тенгқур эди. Бошқа одам бўлганида икки гапнинг бирида бола деб камситишга чидаб турармиди. Ёдгор Ҳамро унинг ўтмиш ҳақидаги сассиқ гапларига ҳам чидади. Сабаби Исроил раис ижроқўм. Ҳукумат одами. Отасининг сўзи эсига тушди. Раисга мулойим боқди.

— Бир нарсани сўрасам майлими?

— Гапиравер.

— Агар сир бўлмаса, отнинг ўрнига нима қўйилади?

— Шунини ўйлаяпмиз. Ўзинг биласан, ижроқўм маҳаллий ҳокимият. Унинг олдида ё давлат арбобларидан бирининг ҳайкали ёки сиёсий бир ёдгорлик туриши керак.

Ёдгор Ҳамро ўйлаб келган таклифини ўртага қўйди.

— Дулдулсой ҳам сизнинг қарамоғингизда. Дарёни тўсувчиларга бағишлаб бир ёдгорлик ишлаб берсам. Отнинг ўрнида чорраҳада турса.

— У қандай бўлади?

— Масалан, тош кўтарган Фарҳод.

— Йўқ. Бўлмайди. У ҳам ўтмиш. Бизнинг қаҳрамонлик кунларимиздан бир нарса керак.

Ёдгор Ҳамро апил-тапил бош ирғаб хўп, деди. Раис хўпми дейишга ҳам улгуролмай қолди.

Гап тугаган эди. Хайкалтарош эгилиб қопу¹га юрди. Уни ёпаётганида яна бир эгилди. Эртагаёқ келаман деб чиқиб кетди.

Исроил раис ўзидан-ўзи хохолаб кулди. Креслога ястаниб билакларини керди. Эшакмия рассом. Мен отларни тўқайга юбортирганимда сен Ғирковикни чорраҳада тикладинг. Мана, кўриб кўйинглар, раис отларни қувди, биз эса ёдгорлигини майдонга ўрнатдик, деб керилмоқчи бўлдинг. Бузоқнинг югургани сомонхонагача деб бежиз айтмаганлар. Ёдгорликни шу бугуноқ қўпортириб ташлайман. Бу ердан ҳар ўтганимда оёқларини кўтариб турган от калламга тепаётгандай бўларди. Энди оёқларини синдириб, ахлатнинг орасига ташлаб, саҳрога кўмдираман. Эртага келаман, эмиш...

34

Отлар тўқайни ўзлариники қилиб олдилар. Ғирковикнинг ўрнини Мелиқуш босди. Отлар унинг кўзига қараб қадам босишадиган бўлишди. Қандим Маржонни туғиб берганидан кейин Мелиқушнинг ташвишлари янада ортди. Энди унинг уюри кенгайди. Кўз-қулоқ бўлиш, уни ёмон кўздан асрашнинг ўзи бўладими. Дам бўри ҳужум қилади, дам тўнғиз тиш қайрайди. Уюрларнинг ичида ҳам оғзи олачилик бўлиб туради. Ҳаммасига аралашшишга, ички низоларни тинч йўл билан бартараф этишга айғир ҳар қалай улгуриб келади.

Сорбургут билан Мелиқушнинг ўртасида ҳамжиҳатлик пайдо бўлди. Биринчи қадамни Мелиқуш қўйди. Бу вақтга келиб Сорбургут уйган жайрон суяклари бўй етмас тепаликка айланиб қолган эди. Олдин Мелиқуш унинг бу йиртқиличигидан жирканиб юрди. Егани-еган, суякларини бир жойга йиғиб, устига чиқиб қаққайиб ўтириши нимаси. Бора-бора отлар бунга кўникди. Бир чеккаси Сорбургутнинг суяктепага чиқиб ўтиргани ҳам яхши. Атрофда нималар бўлаётганини кўриб туради, хавф-хатардан огоҳ бўлади. Бир-икки йиртқични ҳисобга олмаганда ҳамма жонзот ундан ҳайқади. Отларга тегмайди. Балки уларга кучи етмаслигини билар, балки Мелиқушнинг яхшилигига ёмонлик билан жавоб қилгиси келмас.

Мелиқушнинг қилган яхшилиги аслини олганда унча айтарлик ҳам эмас. Сорбургут йўқ эди. Овга кетган бўлса керак. Унинг йўқлигидан фойдаланибми, ёки тасодифанми тулкилар жайронтепа атрофида айланиб қолишди. Мелиқуш уларни кўриб, Жарғанақкўл бўйидан кузатиб турди. Тулки суякка оғиз солди. Қимирлата олмади. Иккинчи тулки суякларга тирмашиб юқорига кўтарила бошлади. Юқоридаги ҳали совумаган суякнинг исини олиб борарди. Мелиқуш кишнаганча Жайронтепага қараб қолди. Бошқа отлар ҳам кишнадилар. Пастдаги тулки ура қочди. Юқоридаги тулки оғзидаги суяк билан ўзини пастга отди. Мелиқушнинг туёқлари остидан лип этиб қочди. Мелиқуш уни қувди. Осмонда Сорбургут пайдо бўлди. От қувиб бораётган тулкини, унинг оғзидаги суякни кўрди. Тулки устига ўқдай учиб борди. Тулки суякни ташлаб, ўзини чангалзорга урди. Мелиқуш орқасига қайтди. Сорбургут суякни олиб маконига қараб учди. Суякни ўз жойига қўйиб, устида ўрнашиб ўтирди. Мелиқушга хайрихоҳлик билан қараб-қараб қўйди.

Пайти келиб у ҳам отларнинг жонига ора кирди. Қуёш ботган бўлса-да, ҳали қоронғи тушмаган эди. Отлар бамайлихотир ўтлаб юришарди. Чеккадаги малла от тўсатдан типирчилаб қолди. Жарғанақ орқасидан отилиб чиққан бўри унинг думидан тишлаб орқага силтаб тортди. Малла орқа оёқларига ўтириб қолди. Иккинчи бўри келиб тўғри унинг бўғзига чанг солди. Бунини Мелиқушдан ҳам аввал Сорбургут кўрди. Малланинг бўйнидаги бўрига ўзини урди. Бир панжаси билан бошини эзди, иккинчи панжасини томоғидан ўтказиб олди. Бўрининг кўзи олайди. Малланинг думига ёпишган бўри шеригини Бургутнинг чанга-лида қолдириб қочди. Малла инқиллаб ўрнидан турди.

Шундан кейин отлар Сорбургутга илиқ қарайдиган, Сорбургут ҳам уларга майл кўрсатадиган бўлди. Жарғанақкўл бўйида қарор топган бу дўстлик шу масканда хавфсизликни таъминлади. Бўри ва тулкилар бу ерга қадам босишга ҳайиқадагидан бўлишди. Улар энди узоқдан тиш қайрар эдилар, холос.

Ташқи оламни тинчитиб Мелиқуш яйраб яшай бошлаганида оёғининг таги-

¹ Қопу — эшик.

дан бошқа офат чиқди. Қоратош тез-тез унинг уюрига келадиган одат чиқарди.

Қоратош дегани исни-писни билмайдиган, бесўнақай, бошдан-оёғи қопқора айғир. Суяги бузуқ, бадбашара, лекин девдай бақувват, эти ҳам, бети ҳам тошдай қаттиқ. Қишлоқдалигида тузук эди. Гавдаси анча ихчам, эти гапга юпқа, бир қамчи билан йўрғалаб кетаверади дуркун Қоравой эди. Тўқайга келдию ўзгарди. Тўғри, тўқайда ҳамма ўзгарди. Масалан, олдинги мулойимлик энди уларнинг ҳеч бирида йўқ. Меҳнат қилиб ҳоримагандан кейин, тайёр барра ўтларни паққос туширавергандан кейин семириб кетиш, фўдайиб кетиш, тўқликка шўхлик қилиш деган қилиқлар пайдо бўларкан. Бу озми-кўпми отларнинг ҳаммасида бор, яширишнинг ҳожати йўқ. Туслари ҳам ўзгарди, дағаллашди, танларини, юзларини тук босиб, анча кўримсиз қилди. Лекин яшаш учун кураш, хавфхатарни енгиш зарурияти уларни бирлаштирди, кўзга кўринмас бир ип уларни ўзаро боғлади. Аммо Қоратош бу ипни узди. Уртадаги тартиб-интизомни, ақидани бузди.

Ҳар бир айғир ўз уюрига бош, азалдан шундай, от зоти пайдо бўлибдики, шу удум бор. Қоратош удумни оёғости қилди. Ўз уюрига қарамай қўйди. Бошқа уюрларга суйканадиган қилиқ чиқарди. Байтал кўрса кўзи ёнади, битта мўйи қолмай тикланади. Уятни бир чеккага йиғиштириб қўйиб кишнайверади. Бегона уюрнинг бошида айғир бор, хафа бўлади деб андиша қилмайди. Айғирлар уни ёмон кўриб қолишди. Бир-икки байтални ҳисобга олмаганда биялар ҳам уни жеркадиган бўлишди.

Қоратош ҳадеб Мелиқуш уюри атрофида пайдо бўлаверди. Бошқа жой қуригандай, уларнинг биқинига келиб ўтлайди. Қандимга суқланиб қарайди. Кишнаб-кишнаб қўяди. Қандим унга аввалига парво қилмади. Кейин-кейин у ҳам Қоратошга нигоҳ ташлайдиган, яқинроқ келса, диркиллаб ўйнайдиган бўлди. Маржон эммоқчи бўлса, уни жеркади, болам оч қолди, демайди. Думини ўйнатиб, ёлларини силкитиб, тойчоқдай гижинглайди.

Буларнинг ҳаммасини Мелиқуш кўриб-билиб юрарди. Бир-икки марта ғазабини Қандимга билдириб ҳам қўйди. Маржонга эмчак бермай Қоратош томонга анграйганида Қандимни тишлаб олди. Бу ҳам кор қилмади. Мелиқуш Қоратошнинг адабини бериб қўймоқчи ҳам бўлди. Кейин бу раъйдан қайтди. Ўз уюрингни қаттиқ ушла. Уюрингдагинг кўзини сузмаса, бегона айғир ҳирсланиб келмайди. Келган тақдирда ҳам байталнинг дашномига учраб, туёғини шиқиллатади.

Лекин Қандим Қоратошга дашном бериш у ёқда турсин, очикдан-очик унга кўз суза бошлади. Бошқа уюрдагилар ҳайрон бўлиб, қараб-қараб қўйишади. Мелиқуш, кўзинг қаёқда, нега жим турибсан, дегандай бўлишади. Барига Мелиқуш чидаб келди. Сабаби, Қандимни яхши кўради. Айғирни кўрганда суюладиган байтал битта Қандимми. Суюлгани билан ўзига маҳкам, ўйинқароқлигидан бошқа Мелиқушнинг юзини ерга қаратадиган ножўя қадам босмайди. Шундай қадамни у ҳеч қачон босмайди, деб Мелиқуш ишонди.

Бекорга ишонган экан. Мелиқуш Жайронтепадан хабар олгани кетган эди. Қайтиб келаётиб уюрида шилқимлик қилиб турган Қоратошга кўзи тушди. Қандим билан Қоратош искашиб туришганигами уни кўришмади. Қоратош уни ёлидан тишлаб тўронғизорга тортди. Қандим унга бўйсунди. Уларга Маржон эргашган эди, Қандим тишлаб орқасига қайтарди. Уни ёлғиз ташлаб, Қоратошга эргашиб кетди.

Мелиқуш уларнинг орқасидан бормоқчи бўлди. Бормади. Маржоннинг ёнига келди. Хўрсиниб турган тойчоқни қаноти остига олди. Маржон онасининг зуғумини унутди. Аввалгидей ўйноқлади. Маржоннинг хархашаси Мелиқушга ёқмади. Унга умуман ҳеч нарса ёқмай қолди. На ўтга бўйинни чўзди, на бошини кўтариб атрофга боқди. Кўзидан тошиб чиққан ёш майсага томди.

Айқаш-уйқаш қадам ташлаб Қандим қайтиб келди. У жуда ҳорғин эди. Ўз уюрига кетаётган Қоратош эса кўнкор еган отдай алпанг-далтанг борарди. Тумшуғини кўтариб, бурун катаklarини кериб, гоҳ ўнгга, гоҳ сўлга ғурур билан боқиб, қийин бир ишни қойиллатгандай, мамнун лўконларди. Қай отлар унга ғижиниб, қай отлар ҳавас билан боқарди. Уша отларнинг кўпчилиги Мелиқушга ачинганидан бошларини осилтирдилар. Лекин унинг устидан ошкора кулганлари ҳам бўлди. Умида кишнамаганлар ҳам ўша дамда кишнаб юборди.

Меликуш ортиқ чидолмади. Мадорсиз чўккалаган Қандимни бўйнидан тишлаб даст кўтарди. Икки марта айлантирди-да, зарб билан улоқтириб юборди. Қандим тикан устига ғужанак бўлиб тушди. Меликуш унинг устига отилиб борди-да, қорнига кўш оёқлаб шундай тепдики, чалқанча ётган Қандим одамга ўхшаб инграб юборди. Оёқларини типирчилатиб ёнбошига ағдарилди. Бўғилиб пишқирди. Бошини шилқ эткизиб ерга кўйди. Тиканнинг устида жон берди.

Қўрқувдан қалт-қалт титраган Маржон Меликушнинг пинжига кирди. Меликуш уни олиб, аста-аста қадам ташлаб, Жайронтепа томонга қараб кетди. Бу гал отлар унга эргашмадилар. Эҳтимол улар бўлиб ўтган воқеадан гангиб қолгандирлар, эҳтимол азадор айғирни ғами билан холи қолдирмоқчи бўлгандирлар. Лекин бари бошини ерга эгиб турар, ўйинқароқ қулун ва тойчоқлар ҳам вазмин тортиб отасига эргашиб бораётган Маржоннинг орқасидан чопмоқчидай унга талпиниб, маъюс боқишарди.

35

Неча кундирки, йилқичилар тўқайда от излаб сарсон. Аввалига уларни топиш унчалик қийин бўлмади. Жарғанақкўл бўйида отларни учратган йилқичилар уларни тутиб олишга умид боғладилар. Бироқ отлар бирпасда кўздан ғойиб бўлди. Ерга кирдимиз, осмонга учдимиз, билиб бўлмади. Отларга ўша лаҳзада дуч келганларида Буванинг кўзи Меликушни ахтарди. Аммо у кўринмади. Балки Бува танимагандир, орадан шунча вақт ўтди. От тўқайда тез ўзгаради. Агар отларнинг ичида Меликуш бор бўлса, Бувани танидимикан? Касаллик Бувани қаритди. Эҳтимол от танимагандир. Мабодо таниб қолса қочмасмиди? Балки энди у душманга айлангандир, одам қонига ташнадир...

— Дарё бўйидаги сўқмоқларга тузоқ қурамыз, — деди Қулжон, — сувсаб дарёга келади отлар.

— Келмаслиги ҳам мумкин, — деди Бува, — чучук кўл ва чашма суви се-роб тўқайда.

— Дарё суви бошқа-да, отни тортади.

Кўпчилиكنинг фикри билан тўртта сўқмоққа тузоқ қурилди. Сўқмоқнинг икки ёнидаги дарахтлар шохига кўзга кўринмайдиган қилиб трос тортилди. Ерга майса тагидан, тепада япроқлар орасидан ўтиб доира ясаган тросга отнинг бошими, оёғими кирса бас, тузоқ уни хиппа бўғади.

— Дарё авзои бузилди, — деди тузоқ ёнидаги панада асов тўлқинларга тикилиб ўтирган Бува. — Тўсиб бўлдилар шекилли.

— Унда эртадан қолмай тўқайни сув босади.

Қулжоннинг бу тахминидан асос бор эди. Дулдулсойда дарё тўсила бошлаганига анча бўлди. Дарёни тўсувчиларга қисқа муддат берилгани, сўзининг уддасидан чиққанларга катта мукофотлар ваъда қилингани ҳақидаги хабар радио ва телевизорларда айтилган эди. Охириги метрлар қолган бўлса ажаб эмас. Унга ҳам харсанглар босилдимиз, тамом, тўғон олдида тўпланган сув бир зумда атрофга, жумладан тўқайга ҳам ёйилади.

— Шу ўзи режали иш бўлмаган экан, — деди узунлигидан Узай деб лақаб олган Матёз йилқичи кўлидаги милтиқни тўронғига суяб.

— Нимани айтяпсан?

— Нимани бўларди, тўқайда сув омбори қуришни-да.

— Э, қайси ишинг режали сенинг, Матёз, — гўё ҳаммасига Матёз йилқичи айбдордай уни койиди Бува. — Отларни шу ерга келтириб ташлаганинг режали ишмиди?

Қизим сенга айтаман, келиним сен эшит қабилдаги бу гапдан Қулжон сергакланди. Бува сўзидан давом этди. «Чап қўлимиз қилаётган ишдан ўнг қўлимиз беҳабар. Раҳбарларнинг кўпчилиги гапга жубба кийдиришга уста. Гап жубба кийиб чиройли бўлаверади, иш чиройли бўлмайди, яланғоч қолаверади. Кўп ишимизнинг ўлда-жўлдалиги, хатолар ана шундан».

Қулжон ўзича суҳбатга аралашмайман деган эди, ўтиролмади:

— Буйруқчи буюради, кунликчи югуради. Исроил раис отларни қув деди қувдим, Сотим раис топиб келтир деди, мана изляяпман. Сенинг билан менинг вазифам буйруқни бажариш, Бува.

— Номаъқул бузоқнинг гўштини ебсан. Буйруқчи-кунликчи замони алла-

қачон ўтиб кетган. Катталар сенга буйруқ бердим, каллангни ишлатиб мағзини чақ. Эгилик бўлса бажар, бўлмаса йўқ.

— Чўпон кўп бўлса, қўй ҳаром ўлади.

— Чўпонда ҳам чўпон бор, ҳар бир таёқ кўтарган ҳам чўпон бўлавермайди.

— Бош бўлмаса, гавда лош. Минг кунликчидан бир буйруқчи яхши.

Бутоқлар шитирлади. Ҳамсухбатларнинг дами ичига тушди. Туёқ товушлари эшитилди. Отлар тузоққа яқинлашдилар. Омон бўлса тўданинг бошида Мелиқуш келиши керак.

Бир хаёли Бува ўрнидан туриб Мелиқушга кўриниш бермоқчи ҳам бўлди. Мелиқуш Бувани кўрса, аразини унутиб, бутун уюрни эгиб бериши мумкин. Отларнинг орасида Мелиқуш бўлмаса-чи? Жим ётгани маъқул. Шу қарорга келиб Бува бута орасида ўрнашиброқ чўккалади.

Тузоқ олдига келиб Мелиқуш (бор экан Мелиқуш) одимини секинлатди. Тўхтади. Ҳавони ҳидлади. Бошқа отлар ҳам тўхтадилар. Мелиқуш олдинга юришни ҳам, орқага қайтишни ҳам билмай иккиланиб турди. Истар-истамай олға қадам ташлади. Елкаси совуқ бир нарсага тегди. У тез ўтиб кетмоқчи бўлди. Трос сирғалиб бўйнига келди. Жонҳолатда орқага тисарилди. Қисиб келаётган тузоқдан эпчиллик билан бошини чиқариб олди.

Бува сапчиб ўрнидан турди. Шошиб отлар томон икки-уч қадам ташлади. Мелиқуш уни кўрди. Таққа тўхтади. Бувага тикилиб-тикилиб қаради. Донг қоғиб тураверди. Бошқа отлар унга син солиб турардилар. Бува ҳам унга синовчан боқарди. Қартайибди. Бўйин териси салқи ташлабди. Боши ва елкасини ўсиқ туклар босиб, қари арслонга ўхшаб қолибди. Аммо кўзлари ҳамон ўшандай зийрак, узун ва бақувват оёқларини ерга дадил босиб, худди аввалгидек атрофни сергак кузатади.

— Мели! Бу менман, Буваман...

Бува юрди. Милтиқларини шайлаб бутазорда писиб ётган йилқичилар буюғи нима бўларкин деб ҳайрон боқишарди. Фақат Қулжон ижирғаниб нималарнидир ўзича шивирлаб сўкинарди.

Бува Мелиқушга меҳр билан боқиб, майин оҳангда деди:

— Менман бу, Мели!

Мелиқуш Бувани танигани аён эди. Ўзига томон аста-аста қадам ташлаб келётган эски соҳиби ҳаракатларини сокинлик билан кузатиб турди. Бута ва тўронғиларни бир-бир оралаб соҳиби унга жуда яқин келиб қолди. Одам ҳиди бурнига урилди шекилли бошини сарак-сарак қилди. Бувага совуқ қаради. Орқага тисарилди. Барча отлар икки-уч қадам орқага чекиндилар. Отларни қоқчириб юбормаслик учун Бува тўхтади.

— Бормисан, омонмисан, жигар! Сени қишлоққа опкетгани келдим. Аввалгидек яна бирга яшаймиз. Яқинроқ кел, сени жуда-жуда соғиндим, Мели!

От унинг сўзларини жим туриб эшитди. Кўзидаги ётсираш ва ҳадик йўқолгандай бўлди.

— Сизларсиз Қораянтоқ ҳувиллаб қолди. Ростини ҳечам қишлоққа ўхшамайди. Отлари кишнаб турмаган қишлоқ қишлоқ бўлдим. Ўзинг ҳамма гапга тушунасан. Мели, кела қол, қишлоққа кетайлик. Биламан, аразлагансан. Мендан ҳам ўтди. Гина қилсанг, ҳаққинг бор. Одам зоти хом сут эмган. Энди сени инжитмайман. Юр, йўқ дема, жигар!

Шу гапларни айтиб Бува Мелиқуш сари юрди. Оралари уч-тўрт қадамча қолди. Мелиқуш яна орқага тисарилди. Бошқа отлар ҳам. Бироқ ҳеч бири қочгани йўқ. Ҳаммасининг кўзи Мелиқушда эди. Уларнинг кайфиятини кўриб Бува тўхтади. Узоқ айриликдан сўнг одам билан от қайта дўстлашуви учун вақт кераклигини Бува биларди. Лекин ўша вақт қани? Сув босиб келяпти. Отларни, тўқайдаги барча жониворларни мудҳиш ҳалокат кутмоқда. Отлар буни тушунишмайди-да. Буванинг боши гаранг бўлиб турганида орқадан асабий қичқариқ эшитилди.

— Нега анқайиб турибсан? Устига ўзингни отмайсанми, мижғов!..

Бу Қулжоннинг овози эди. Отлар овоз келган томонга ҳадиксираб қарашди. Қулжон яна нимадир деб қичқирган ҳам эдики, Мелиқуш орт оёғида зарб билан орқасига айланди. Отларнинг ичига ўзини урди. Тартиб билан турган отларнинг сафи бузилди. Бир-бирига уриниб-суриниб қоча бошладилар. Тоқати-тоқ

бўлган Қулжон бутазордан отилиб чиқди. Унинг орқасидан бошқа йилқичилар худди окопда писиб ётган, бирдан ёв устига ташланган аскарлардек милтиқларини шарақлатиб югуришди. Отларни қувиб етолмаслигини тушунган Қулжон чўккалаб милтиқ қўндоғини елкасига тиради. Бува отма деб унинг қўлларига ёпишди. Қулжон уни силтаб ташлади. Бува яна уни тўхтатмоқчи бўлган эди, қорнига шундай калла қилдики, Бува муккасига йиқилди. Қулжон тепкини босди. Ўқ овозлари тўқайни ларзага келтирди.

36

Буванинг кўз олдига урушнинг мудҳиш манзараси келди. Волхов фронтининг ўрмон ичкарасидаги бўлинмасида асосий транспорт хизматини отлар бажарди. Миномётларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, қурол-яроғ, одам ташиш ишларининг ҳаммаси отда бажарилар эди. Госпиталда ётиб даволанган аскарларни, ўқ-дориларни олиб йўлга чиққан жанговар бўлинмани фашистлар фавқулодда пайқаб қолишди.

Кун чошгоҳдан ошган эди. Икки кун йўл босган аскарлар манзилга яқинлашиб қолган эдилар. Аскарларнинг кўпчилиги отда, айримлари ўқ-дорилар ортилган араваларда ундан-бундан ҳангомалашиб, бамайлихотир манзил сари кетиб боришарди. Бува ўзи тақалаган Австрия отида командир билан изма-из атрофни кузатиб борарди.

Осмонда тўсатдан фашист самолётлари пайдо бўлди. Улар бўлинма устига яқин келиб қолган эдилар. Қочилишнинг ёки осмонга ўқ узишнинг фурсати ўтганини пайқаган командир от-араваларни ташлаб бекинишга буйруқ берди. Бошқа вақт бўлганида эҳтимол Бува буйруқнинг маънисини тўғрисида ўйлаб кўрган бўларди, лекин шу дамда уни бажаришдан бўлак чора йўқ эди. У ҳам бошқалар қатори отдан сакраб тушди-да, ўзини чакалакзорга олди. Майдонда ҳимоясиз отлар, араваларда ўқ-дорилар қолди.

Фашист самолётлари отларни ўққа тутди. Кўп отлар гуп-гуп йиқилди, қочганларини фашистлар узоқ қувишди. Буванинг отини самолёт анчагача қувиб борди, нишонга олди, ўққа тутди, ҳар гал от ўққа чап бериб қочаверди. Фашист унинг изини олиб қувишда давом этди. Сайхонликка қувиб чиқаргач, ўққа тутиб қулатди. Бува иложсизликдан титрар эди. Энг даҳшатлиси шу бўлдики, отни ўлдириб кетган фашист самолёти яна қайтиб келди-да, от ўлиги устига ўқ ёғдирди. Уларнинг фашист деб аталишининг боисини Бува ана шунда билган эди.

Ҳозир тўқайда отларни қувиб отиб бораётган Қулжон ва бошқа йилқичилар Буванинг кўзига худди фашистларга ўхшаб кўринди.

Қулжон ўқидан битта от қулади. От йиқилдию аммо тезда ўнгарилиди. Ўқ унинг орқ оёғини яралаган эди. От чўлоқланиб қоча бошлади. Қулжон унинг орқасидан бало-қазодай югурди. Оқсоқ отга бирпасда етиб олди. Бошига милтиқ қўндоғи билан тўширди. От гарангиди. Қулжон тўронғига осилиб, унинг билакдай келадиган шохини синдириб олди.

— Қараб тур, бевошлик нималигини кўрсатиб қўяман сега. Қочиб бўпсан, оқсоқ ҳароми. Энди қўлимга тушдинг. Терингни шилиб оламан сенинг, ёввойи галварс. Пўстингга сомон тикаман. Бир, икки, уч...

Отнинг нуқул бошига урарди. Кўзи тинди шекилли, от чайқалиб турди-да, оёғидан оққан қон устига ағанаб тушди. Қулжон жазавога тушиб чалқанча ётган отни савалай кетди. У ёғига ўтиб урди, бу ёғига ўтиб урди. Отнинг кўзлари олайди, тили осилди. Қулжон унинг устига чиқиб, тўғри келган жойига тепаверди.

Буванинг ҳайратдан оғзи очилиб қолган эди. У ҳушини йиғиб ўзини койиди. Ушанда-ку, фашист самолётига ўқ узишга командир буйруқ бермаган эди. Энди-чи, кимнинг буйруғини кутяпсан, нега бу фашистнинг адабини бериб қўймайсан?

Оёғи остида ётган чўқир тошга кўзи тушди. Еш йигитлардек эпчиллик билан энгашиб уни олди-да, отни тепкилаётган Қулжоннинг пешонасини мўлжаллаб отди. Тош нишонга бориб тегди. Қулжон отнинг устидан шилқ этиб йиқилиб тушди.

Аждарнинг домидан ажратиб олинган гўдакни авайлагандек, Бува отнинг

бошини тиззасига олди. Қийиғини ечиб, бошидан оққан терларини артди. От хириллаб-хириллаб жон берди.

Сотим Сафоев Моможон аянинг талаби билан Дулдулсойга келишга келди-ю, тўғонга яқинлашганларида кўнглига хижиллик тушди. Битта ўзи келганида ҳам бошқа гап эди. Аминов, шу кампирнинг орасига тушиб мен билан олишгани келдингми, демайдими. Қурувчилар олдида пўстагини қоқса-я. Оралари минг қалин бўлгани билан унинг кутилмаган бу ташрифини Аминов ҳазм қилолармикан? Агар тўнани тескари кийиб олса-чи? Аминов айтганини қилади-ган одам. Орқаси маҳкам. Болтабеков бор экан, унинг айтгани бўлаверди. Бир ҳисоби Сафоев бунчалик ташвишланмас ҳам бўлади. Негаки, Аминовга у бегона эмас, қўлида ишлаб ишончини қозонган. Болтабеков ҳам унга хайрихоҳ. Албатта, Аминов орқали. Аминов ўртага тушмаганида унга раислик қайда эди. Аммо Аминовнинг бир жаҳли чиқса борми...

Ўзи кампир тушмагур ҳам мен билан тўғонга бормасанг, идорангдан кетмайман, деб туриб олди-да. Уни ҳам тушуниш керак. Эри тўқайда, сув остида қолиб кетяпти. Тўқайга кетган бошқа йилқичиларнинг ҳам ҳаёти хавф остида. Шундай пайтда Сафоев пинагини бузмай ўтираверса, эл нима дейди. Йилқичиларни тўқайга унинг ўзи юборган-ку. Шунча одамнинг ҳаётига у зомин. Лекин Сафоев отларни тутиб келиш учун шунча кўп вақт кетишини қайдан билибди. Боришади-ю, отларни битта-битта тутиб келишади, деб ўйлади. Кимдир отлар Бувани кўришса, тамом, ўзлари эргашиб келишаверади, деди. Йилқичи халқи ҳам қизиқ бўлар экан. Отларни тутдингми, тутмадингми, қайтиб келавермайсанми. Дарёнинг тўсилаётганини биласан, устингга сув бостириб бо-раётганини биласан.

Уларнинг орқасидан юборилган хабарчилардан ҳам ҳамон дарак йўқ. Агар хабарчилар ҳам тўқайда ивирсиб, сув остида қолиб кетишса борми, унда қонун олдида жавоб бериш учун Сафоевнинг боши камлик қилади. Аминовнинг олдига келишга мажбур бўлаётганининг боиси ҳам аслида шу. Дарёни тўсишни лоақал уч-тўрт кунга кечиктиришни илтимос қилмоқчи. Лекин битта ўзи Аминовга учраб, дилини ёрса бўлмасмиди? Бу кампир билан етаклашиб келгани нимаси?! Қайси раис бундай қилади?! Узиниям ҳали пишмаган жойи кўп-да. Момонинг кўз ёшларини кўриб кўнгли бир хил бўлиб кетди. У билан машинага қандай чиққанини ўзи билмай қолди. Э, бўлар иш бўлди. Энди орқага қайтиш йўқ.

Соҳилдаги одамлар неча кундирки, тиним нималигини билмайдилар. Дарёни ҳам ўнг, ҳам сўл соҳилдан бараварига тўсиб келмоқда эдилар. Самосваллар бир-бирига йўл беришга қизганиб ғизиллашади, тоғдан шағал, харсанг, темир-бетон заводидан махсус ишланган тўсиқларни ташишади, кетма-кет келиб юкларини соҳилга ағдаришадида, карьер ва заводга тўхтовсиз йўл олишади. Экскаватор, скрепер, бульдозер, турли-туман катта-кичик трактор, машина-механизмлар сменаларга бўлиниб тинимсиз ишлатиляпти. Дарёни тўсаётган қурилиш-монтаж бошқармасига Аминовнинг ўзи раҳбарлик қилмоқда. Бир вақтлар келиб, дарёни кимлар тўсган, деб сўрашса, Аминов бошлиқ қурувчилар, дейишади-да. Номи тарихда қолади. Шундан жонини жабборга бериб ишламоқда. Рашид Бурҳонов бир неча одамга юлдуз ваъда қилганини ҳисобга олса, унинг бир дақиқа ҳам мижжа қоқишга ҳақи йўқ. Ўзи ҳам, штаб аъзолари ҳам шу ердаги вагон-уйчаларда тунайдилар. Сменадан бўшаган қурувчилар ҳам уйларига кетишмайди. Палаткаларда дам олиб, яна ишга тушиб кетадилар.

Сотим Сафоев машинадан тушиб, Моможон ая билан штаб сари бораркан, бу ердаги гулдурос ишни кузатиб, кўнглидаги ўша ғашлик тарқади қалбини дарё эпкинидек енгил бир ҳис чулғади. Ўйлаб қараса, экскаваторчи бўлиб ишлаган йиллари умрининг энг мусаффо, олтин палласи экан. Узини бирпас яна экскаватор рулида тасаввур қилиб кўрди. Маэза. Бироқ энди бунинг иложи йўқ, ўзи билар-билмас нарвоннинг юқори пиллапояларига чиқиб кетди. Энди қайтиб тушиш...

Момо бўлса дарёни шоша-пиша тўсаётганларни, юзлари офтоб ва шамолда қорайиб, терилари пўст ташлаб, лаблари ёрилиб кетган, чанг-тўзонга қори-

шиб ишлаётганларни кузатаркан, ўзича бошқа нарсаларни ўйларди. Бир замонлар Султон Санжар Мозий дарёни тўсиб нима кўрдию, булар нима кўришади. Тўғри, у Боғистонни босиб олиш ниятида дарёни тўсган бўлса, булар уни обод этиш орзусида куймаларни ишлашяпти. Аммо-лекин дарё тўсилгани билан Боғистон обод бўлиб кетармикан? Бува, аксинча бўлади, еримизни шўр босади, деб кўп айтар эди. Бува бир гапни айтса, албатта шу келади. У ҳамма нарсани билади, ўзининг қачон ўлишидан бошқа ҳамма нарсани олдиндан айтиб бероллади. Ўзини бўлса мутлақо ўйламайди. Одам деган ўзини ҳам ўйлаши керак-да. Худо ҳам асранганни асрайман деган. Агар ўзингни ўзинг ўйламасанг, сен ҳақда ким ўйлайди. Манави жазавага тушиб, кун билан туннинг фарқини унутиб юборганларми? Ўйлашиб бўпти. Улар сен тугул ҳозир ўзларини ҳам ўйлашмайди. Нима қилиб бўлса ҳам дарёни бир-икки кун олдин тўсишса бас, ўзларининг адои тамом бўлганлари, сенинг ўлиб кетганинг билан ишлари йўқ. Буларнинг авзои шунни айтиб турибди. Бу ерга ўзи чакки келдик.

— Нималар деяпсан, Сафоев? — ўшқирди Аминов Сотим раисга. — Индинга дарёни тўсиб бўлишимиз керак. Тошкентга, Москвага хабар қилинган. Корреспондентларнинг олди кела бошлади. Ўйлаб гапиряпсанми ўзи, бу ишни бир дақиқа ҳам тўхтатиш мумкин эмас.

Сафоев сувга тушган мушукдек бўшашиб қолди. Момо уни бундай аянчли ҳолатга тушади деб ҳеч ўйламаган эди. У икки йил олдинги жўмард Сафоевга, муз кўчкиси пайти Бува тўқайда қолиб кетганида аллақандай вертолёт топиб, уни ўлим чангалидан олиб қолган Сафоевга асло ўхшамас эди. Одам ҳам шу қадар тез ўзгардимми? Ё Сафоевнинг бирон тилқисиклиги бормикан?..

Аминов Момога ҳам юқоридан қараяпти. Ҳали Сафоев уларни таништирганида, Буванинг тўқайда қолгани, Момо унинг оиласи эканини айтганидаёқ Аминов нима бўпти дегандай Момога ёвқараш қилган эди. Анорхоннинг айтганича бор экан, Ганжанинг уйини тортиб олмоқчи бўлган бу Аминов одам эмас, худди аждаҳонинг ўзи. Кўзлари одамга ёмон қарайди. Ҳар битта кипригидан одамга нафрат отилади. Аммо Момо ундайлардан ҳайиқадиғанлардан эмас.

— Хўжайиним сувга кетса сиз жавоб берасиз, — деди у Аминовнинг ёниб турган кўзларига тик қараб.

— Нега энди мен жавоб берар эканман?

— Сизни огоҳлантирдик. Шундай бўлса-да, сиз...

— Ҳой, кампир...

Аминов кўча безорисига ўхшаб бақирди. Момога ҳеч ким бундай бақирмаган эди. Унинг сўзлари қалбини ханжардек тилди.

— Оғзингга қараб гапир, кампир. Биз ҳамма раҳбарларга, манави раисга ҳам тўқайга одам юборманг деб айтганмиз. Сўзим тўғримми, Сафоев? Сафоев бошини эгди.

— Ҳеч ким билмаса ҳам сен биласан, Сафоев. Шу ерда ишлагансан, тўсиш ишлари тугалланаётганида уни икки кунга кечиктириш қандай хунук оқибатларга олиб келишини биласан. Ҳамма ишни бошидан бошлашга тўғри келади. Ҳамма ишни. Эсингни еганмисан, Сафоев!

Бу ҳақоратомуз суҳбат шу билан тугадики, дарёни тўсиш муддати ўзгартирилмайди, Сафоев чорасини топиб, йилқичиларни тўқайдан олиб чиқиши керак, вассалом!

Уй-вагондан эзилиб чиққан Момо Сафоевнинг машинасига чиқмади. Раис қанча илтимос қилмасин кўнмади. Қораянтоққа яёв кетди.

Сафоевнинг машинаси бошқа томонга — Отақўрғонга қараб кетди. Шу куни кечга яқин изқуварлар, милиция ходимлари тўқайга шошилишч йўл олишди.

Бува чўқир тош билан Қулжонни уриб йиқитганидан кейин йилқичилар отларни қувишни бас қилиб, жанжал содир бўлган жойга тўпландилар. Қулжон ҳамон беҳуш ётар, Бува ўлган отнинг тепасида хунибийрон уҳ тортар эди.

Йилқичилар Қулжонни авайлаб юмшоқ майса кўрпасига ётқиздилар. Улар беихтиёр «жабрланувчи» томонига ўтиб, Бувага аччиқ-қурум сўз айтишдан ўзларини тиёлмадилар. Бусиз ҳам жони ҳалқумига келган Бува бирдан портлади:

— Ҳа, урдим, пешонасини ёрдим мен бу ярамаснинг. Бунини ерга тириклай кўмганнинг косови кўкаради. От жониворни йиртқич бўри ҳам бунча қийнамайди, биродарлар!..

— Бу отларни терисини шилсанг ҳам камлик қилади, — чийиллади ёш йилкичи. — Жоним оғзимга келди. Агар шу от менинг қўлимга тушганида борми...

— Тўғри айтади бу, — унинг ёнини олди Кўса йилкичи. — Шу ёввойи отларни деб адои тамом бўлди. Ҳали бу ёғида нима бўлишимизни бир худонинг ўзи билади. Шу ҳаром ўлгурни деб одамга қасд этадими одам ҳам?..

Бува унга қарамай, худди ўзига-ўзи гапиргандай, вазмин оҳангга деди: — Биз ҳам одам бўлдикми? Улган отни тепкилаган шу ярамас ҳам одамми? Биз қилган ишни одам қилмайди.

— Нима қилибмиз? — ўша баланд овозда қичқирди Кўса. — Одам ўлдирдикми?

— Отни ўлдирдик. Ўзимиз аввал парвариш қилиб, сўнг қишлоқдан ўзимиз қувиб солган отни. Ишимизга яраб келган отни. Одам зотидан бад-безор бўлган, лекин одамзоддан умидини узмаган отни... Бу одам ўлдиргандан ҳам ёмонроқ.

— Бувамиз ҳақ гапни айтди, — анчадан бери ўз ёғига қоврилиб турган Матёз йилкичи гапга аралашди, — отни ҳам отса, ҳам калтакласа, ҳам тепкиласа...

Қулжон ингради. Кўса ва Ёш йилкичи ёрдамга югурди. Матёз Бувага яқинроқ келди. Аслида енгил жароҳатланиб, ўзини ҳушдан кетдига чиқазиб ётган Қулжонга орқа ўгирди. Буни у Қулжон отнинг ўлиги устидан астагина шилқ этиб йиқилганидаёқ сезган эди.

Кўп таъна-надомат, тортишувлардан сўнг Бува ва Матёзни тўқайда қолдириб йилкичилар орқага қайтишди.

— Ўзларидан кўришсин, — деди дарёга яқинлашиб келишаркан Қулжон, — икковининг ҳам ўлгиси келган. Йўқса била-кўра туриб ўзларини ажалнинг қўлига топширишмасди. Ҳадемай устларига тошқин бостириб боради.

— Айтдик, тушунтирдик, яна нима қилайлик, — гўё суд олдида ўзини оқлаётгандек алфозда деди Кўса. — Болаמידики, қўлидан ушлаб судрасак. Уларга қўшилиб ўладиган аҳмоқ йўқ. Йиртқичга айланган ёввойи отларни деб...

Ёш йилкичи чурқ этмай уларга эргашиб келар, Қулжоннинг «бирданига ўлиб, бирданига тирилгани»ни кўрганидан бери қалбини ларзага солаётган саволларга жавоб тополмай қийналар эди. «Наҳотки бу одам шунчалик тубанликка борса? Бирон шишган жойи йўқ, қонаган жойи йўқ, тош тегдими, тегмадим, ҳаммани лақиллатиб, қанча ташвишга солди. Бечора Буванинг кўнглидан нималар кечди экан? Балки ўлдириб қўйдим, деб кўрқандир, муғамбирлигини билган бўлса, ўлдирмаганига минг пушаймонлар қилгандир. Бува асл одам. Матёз ака ҳам ҳалол киши. Нега уларнинг ёнини олмадим, нима учун уларнинг ёнида қолмадим? Улимдан кўрқдимми? Чамаси Қулжоннинг тузоғига илиндим. Мана, худди соясига ўхшаб орқасидан эргашиб боряпман. Мен тўқайда Буваларнинг ёнида қолишим керак эди. Буванинг ёши ўтиб қолган, тошқин бостириб борса... Қишлоққа бориб одамларнинг юзига қандай қарайман? Қайтиш керак, дарҳол орқага қайтиш керак. Лекин бу иккови...»

Ёш йилкичи шу ўйлар исканжасида ўртаниб бораркан, дарё томондан овоз келди. Улар тўхтаб қулоқ солдилар. Овоз радио карнайдан чиқаётгандек кўнғиллаб келарди, сўзларни илғаб бўлмади. Улар овоз келган томонга қараб юрдилар. Анча сигнал беришлар, бақириб-чақиришлардан сўнг Отақўрғондан келган қутқарувчиларга рўбарў бўлдилар.

Дарё ўзанидан чиқди. Олди бўғилгач, ўзини ёнбошга — тўқайга урди. Бува буни тўронғи шохларининг безовта силкина бошлаганидан билди.

Улар ярим кун тинимсиз йўл юриб анча ичкарига кириб кетганларига қарамай, Бува дарёнинг оғир нафас олишини эшитди.

— Матёз, сен тез орқага қайт.

— Орқага? Нега?

— Дарё келяпти.

— Сизга не бўлса, мен ҳам шу, кетмайман.

— Сен менга қарама, Матёз, Меликуш мени ҳар қандай гирдобдан олиб чиқолади.

Бува бунга қаттиқ ишонарди. Дарёдан ҳатлаган Дулдул. Гўрўғлини Ваянган жангидан омон олиб чиққан Ғирковик. Жалолитдинни Чингиз тузоғидан қут-

қазиб, Синд дарёсидан омон-эсон олиб ўтган Оқ от... Мелиқуш, ахир, шуларнинг авлоди. Минг ёввойилашганида ҳам ўшаларнинг қони оқади томирларида. Хавф-хатар чоғида ўша қон уйғонар, жунбушга келар. Мелиқуш ўзини ҳам, Бувани ҳам гирдоблардан олиб чиқиб кетар. Фақат у топилса бас. Бува уни топади. Шу тўқайдан чиқиб қаёққа ҳам борарди. Аммо Матёзнинг йўриғи бўлак. У кетмаса бўлмайди. У ҳали ёш... Отлар уни танишмайди. У ҳозироқ кетиши шарт.

Бува қанча гапиргани билан Матёз кўнмади. Сизни ташлаб ҳеч қаёққа кетмайман, деб қаттиқ туриб олди. Охири бўлмагач, Бува унга ўзининг эски аскар эканини эслатиб буйруқ берди.

— Ҳозироқ қишлоққа жўна.

Матёз яна эътироз билдирмоқчи бўлди. Бува даҳшат билан қичқирди:

— Жўна, гадам¹, йўқса...

У ўлим олдида турган аскарга ўхшарди. Унинг сўзини икки қилиш мумкин эмаслигини тушунган Матёз белбоғини маҳкамроқ тортиб боғлади. Орқа сўқмоққа бир қараб олди. Бува ҳовридан тушди. Унга мулойим боқди. Елкасига қўлини қўйди.

— Момонгга салом айт. Айтгил, қисинмасин. Худо хоҳласа омонликда учрашамиз.

Улар илиқ хайрлашдилар. Айрилиққа гирифтор бўлган ака-укадек мискин хайрлашдилар. Бир-бировини кучоқдан қўйиб юбормай узоқ хайрлашдилар.

39

Дарё тўқайга кириб борганида Бува Жарағанаққўл бўйида, чангалзор па-насида туриб, отларга товуш бераётган эди. Отлар жийдазор томонга кетди. Бува саросимага тушди. Нима қилиш керак? Зудлик билан орқага қайтсинми? Унда Мелиқуш нима бўлади? Оёғининг остига сув борса ўзи қочиб чиқар. Йўқ, унга ёрдам керак. Усиз Бува ҳам энди манзилга етолмайди. Уйчи ўйлағунича таваккалчи дарё кечибди, деганлар. Бува таваккал қилди. Жийдазор томон юрди.

Лоф эмас, жийдазорда минг хил қуш бор экан. Кўкқарға, ибис, зарғалдоқ, олачақчақ, саъва... Лекин бари безовта. Инлари, болалари атрофида гиргиттон. Уларнинг ошёнлари, ризқ-рўзлари тезора сув остида қолишини ўйлаб, Бува қушларнинг олдида ўзини айбдор сезди. Қушларни уяларидан айираётган одамлар орасида у ҳам юрибди-ку. Шу одамлар билан у ҳам саломлашади, гаплашади. Ишларидан хабардор. Ножўя ишларини кўрганида нега уларга, ҳой, тўхтанглар, ноинсофлар, демади. Ичида ижирғаниб юрди. У ерда, бу ерда дилини ёрган бўлди, кўнглини бўшатган бўлди. Бу билан иш битармиди? Ҳа, қушларнинг олдида у ҳам гуноҳкор.

Жийдазордан ўтам Бува ўз кўзларига ишонмай довдираб қолди. Унинг қар-шисида турган отлар ҳам довдиради. Лекин биронтаси қочгани йўқ. Мелиқуш Бувага тик қараб турарди.

— Мели! Бери кел. Мен Буваман. Эшитяпсанми, Бува...

Мелиқуш эшитди. Пишқириб ерни икки марта тепди. Бу яхшилик аломати эмас эди. Бува унинг жаҳлидан тушмаганини пайқади.

— Ахир, бир-бирларига ёв бўлганлар ҳам хавф-хатар олдида бирлашади-лар-ку. Дарё бостириб келяпти. Сен ҳам, мен ҳам сув остида қолиб кетамиз. Тўқайда додимизни эшитадиган кимса йўқ. Фақат сен борсан, фақат мен борман, ўлим олдида турган мана шу отлар бор. Сен ҳаммиша одамзодга қанот бўлиб келгансан, одамзод сенга ҳаммиша меҳр кўрсатган. Тўғри, бизнинг кунларга келиб бу одат бузилди. Лекин ҳозир аразнинг ўрними? Сенларниям, мени ҳам ўлим кутяпти, Мели. Тайсаллама, бери кел!

Мелиқуш юзини тескари ўгирди. Бу унинг, сенга ишонмайман, дегани эди. Одамзоднинг ўз эркини ҳам, ўзгаларнинг эркини ҳам топташдек машъум феъ-лини билиб олдим, дегани эди.

Буванинг оёғи остига шовуллаб сув келди. У дарё бунчалик тез келади деб ўйламаган эди. Қутулмас фалокат содир бўлганини ҳис этди. Отлар тошқиндан қочдилар. Бува отларнинг изидан югурди. Отлар ундан қутулиш учунми ёки

¹ Гадам — қотма, ўжар.

офатдан чўчибми, ўтлоқдан тезроқ чиқиб кетишга шошилдилар. Аммо дарё яшин тезлигида келди. Буталар, чангалзорлар бирпасда сувга фарқ бўлди. Қушлар чийиллашиб, дарахтларнинг юқори шохларига чиқиб олдилар. Отларнинг бўғиқ кишнагани эшитилди.

Зарб билин келган тўлқин Буванинг оёғидан чалди. Сув тошиб унинг белига келди. Бува сузди. Унда-бунда отларнинг ҳам сузаётганини кўрди. Уларга ошиқди. Нафаси тиқилди. Оғиз-бурнига бўтана сув кирди.

Тўртта бало бор, деган экан Найсонбува. Ут балоси, сув балоси, ноҳақ туҳмат, подшонинг ғазоби. Ҳар гал фотиҳа ўқиганида, шу тўртта балодан ўзинг асрагил, деркан. Бугун тўқай, ундаги жониворлар сув балосига йўлиқди. Бу балога уни одам йўлиқтирди. Демак, балоларнинг замирида одам макри ётаркан. Одам балосидан асрагил!

«Хайрлашмаган ҳам эдик, Момо. Бундай бўлишини ким билибди дейсан. Мени кечир. Мен сабаб кўп азиятлар чекдинг. Урушга кетганимда бир ўлибтирилдинг. Муз кўчкисида мени деб бир ўлиб-тирилдинг. Энди мен ҳаёт билан видолашсам ҳам Сен ўлма, Момо. Рози бўл. Мен абадул-абад Сендан розиман».

Бува хўпиқди. Оёғини ерга тирамоқчи бўлди, етмади. Сув тўронғиларнинг юқори шохларига чиққанини, қушлар қунарга жой тополмай гир-гир айланаётганини шунда кўрди. Мажоли қуриди. Ўзи томон сузиб келаётган отга кўзи тушди. Мелиқуш. Бу чинми ё Буванинг кўзига шундай кўриняптими. Отнинг қулоғи билан тумшуғи сувдан аранг чиқиб турарди. От бўлсин, рўё бўлсин, Бува унга қараб талпинди.

Агар шу Мелиқуш бўлса, умрининг энг сўнгги нуқтасида Буванинг орзуси ушаладиган бўлибди-да. Шунга ҳам шукр. Мелиқуш Бува учун ахир, оддий от эмас. У қораянтоқликларнинг буюк бобоси — Найсонбувадан ёдгор, тобора узоқлашиб бораётган муқаддас ўтмишнинг тимсоли, эртанги кунга бўлажак таянчи. Мелиқушнинг ўлими Бува учун ана шуларнинг, ҳаммасининг ўлими демакдир. Минг шукрки, Мелиқуш ўлмабди. Ана, у Бува томон пишиллаб сузиб келяпти. Кел, келақол, жигар. Буванинг нафаси қайтди. Икки-уч қултум сув ютиб юборди. Кўзининг олди қоронғилаша бошлади.

Мелиқуш келиб Буванинг теварагини айланди. Бува энтиқиб бориб аранг унинг думидан ушлай олди. От орқасидан пастга кетди, боши сувдан кўтарилди. Қийинчилик билан олдинга интилди. Тўлқин уларни даҳшатли куч билан қаттиқ бир нарсага олиб бориб урди. Буванинг қўлидан отнинг думи чиқиб кетди. Бува чўка бошлади. От орқасига қайтиб яна унинг теварагида айланди. Уни ушлаб олишга Буванинг мажоли етмади. Улар баравар чўка бошладилар...

Жайронтепа сув остида қолгач, Сорбургут чўкаётган тўқай узра ғазабнок айланди. Фарқ бўлиб бораётган отларни кўрди. Мелиқушнинг кетидан қалқиб-қалқиб бораётган Маржонга кўзи тушди. Шиддат билан Маржоннинг тепасига келди. Зум ўтмай пастлаб тушди-да, панжаларини тойчоқнинг белидан ўтказиб, уни сувдан бир қаричдай кўтарди.

Маржоннинг сузиши енгиллашди. Сорбургут уни тўқай сўнггидаги Адиртепа томон етаклади. Олдинга кетиб бораётган Маржоннинг кўзлари Мелиқушни изларди. Мелиқуш эса кўринмай кетган эди.

Сув ҳар қанча домига тортмасин, Сорбургут панжалари Маржонни қўйиб юбормади. Тортқилай-тортқилай уни Адиртепага яқинлаштирди. Маржоннинг оёқлари ерга тегди. Сорбургут уни қўйиб юборди. Маржон нафасини ростлаб тек турди. Аммо сув тобора тошиб борар эди. Сорбургут Маржонни тепага етаклади. Маржоннинг оёқ босишга мадори қолмаган эди. Аммо Сорбургут унга тинчлик бермади. Бўйнидан тутиб тепага торта бошлади. Тойчоқ қадамбақадам кўтарила борди. Тепаликка чиқишга озгина қолганда унинг оёғи тойди. Сорбургутнинг панжаси бўшашди. Маржон сирғаниб, юз-тубан ағанаб, сувга шалолаб тушди.

Ногаҳон толиқиб, ўлжасини тушириб юборган Сорбургут пастга ўқдай отилди. Унинг ёрдамида Маржон яна тепаликка ўрмалай бошлади.

Тошқин дарахт шохларини синдирди, сонсиз-саноксиз инларни бузди, ҳайвонларнинг, паррандаларнинг энди кўз очаётган болаларини қаърига тортди. Минг-минг жониворлар орасида Бува билан отлар ҳам чўкиб борар эди.

Туйқис сув остида Бува билан ёнма-ён Мелиқуш пайдо бўлди. Рўемисан,

Мелиқушмисан? Кўриб турибман, сен Мелиқушсан, Мелиқушнинг ўзгинаси-сан!.. Бува унинг бўйнидан қучоқлади. Мелиқуш Буванинг елкасига бошини қўйди, Улар шу чўкиб боришда От билан Одамнинг дўстлиги ҳақида келажак авлодларга ўлмас қўшиқ қолдиришаётганини билишмас эди, албатта. Аслида бу От билан Одам эмас, балки икки ажралмас дўст — Одамнинг бир-бирини қучоқлаганча жон бераётганига ўхшар эди.

Уялари, уяларидаги болаларидан ажраган қушлар таг-туғи билан йўқолган тўқай устида чийиллаб учдилар. Йиғлаб учдилар. Тўхтовсиз айланавердилар. Қанотларидан қонлар оққунча айландилар.

Қушлар қўналға ахтариб Қораянтоқ устига келдилар. Қишлоқ узра узоқ айланиб юрдилар.

Узун оқ кўйлак кийган бир аёл пастак ҳовли олдида оппоқ сочларини юлиб йиғлар эди. Унинг носасидан еру осмон титрарди. Қушлар унга қўшилиб фиғон кўтардилар. Қушлар йиғлардилар-у, гап нимада эканлигини, сочларини юлиб мотам садрига тушаётган бу аёл Буванинг бева қолган Момоси эканлигини билмас эдилар.

Йиғидан қон бўлган қушлар қўнишга на бир холи боғ, на бир кенгроқ бутазор тополмай, бу ерда яшаб кетишга кўзлари етмай, йўлни Дулдулсой устига бурдилар.

Қушлар галаси шаҳар тепасига келди. Дурустроқ бир қўнимжой топа олмади, сув омбори узра учини давом эттирди. Кўзлари ердаги катта темир-терсақларга, сувни бўғиб турган тўғонга тушди. Тўғон олдида қандайдир одамлар шод-хуррам қийқиришар, дўппиларини осмонга отиб қопчиб олишар, битта одамни елкаларида кўтариб, унга илтифот кўрсатишар эди.


Амударёни тўсган одамлар бир-бирларини ғалаба билан табриклашаётганини, қўлларига, бошларига кўтариб олганлари Аминов эканини қушлар билмас эди.

Қушлар учиб яна Кийиктўқай тепасига бордилар. Лекин тўқайдан нишона тополмадилар. Гўё бу ерда ҳеч қачон тўқай бўлмагандай, гўё бу ерда ҳеч қачон қушлар яшамагандай, бепоён сув бир зайлда жимирлаб ётар эди.

Қанотлари қайрилган қушлар саҳро томонга жилдилар. Саҳро чеккасида дийдираб турган тойчоқни кўрдилар. Қушлар Маржонни танидилар. Маржонни саҳро йиртқичларидан ҳимоя этиб унинг ёнидаги саксовулга қўниб ўтирган Сорбургутни ҳам қушлар танидилар.

Қушлар учушда давом этдилар. Уларнинг кўзлари бир қўналға излар эди...

Охири келгуси сонда



Муҳаммад Исмоил

УМИДИМСАН, ЙЎЛГА ҚАРАСАМ

* * *

Кўксимда айланар афсунгар туйғу,
Мўъжизавий унинг уйдирмалари.
Менга мусиқавий хотирадир у,
Кун сайин кўйида кўнглим куяди.

Орзиқаман. Гўё оллоҳ чоҳ қазиб
Билмай йиқилсин деб устини ёпди.
Сенда қолмоқ учун Ватан ахтариб,
Юзингдаги холдан ошиён топдим.

Сен кулсанг бу иқлим ёзим, баҳорим,
Йиғласанг — селидан оқиб кетгайман.
Юзингни қўриқлаш жаъми аъмолим,
Узгалар олса сўнг, ахир, нетгайман?

Юзингдаги холда қоларман, токи,
Ер юзида қолса олий муҳаббат.
Хол бу — ҳаловатсиз мажнунлар хоки,
Холларга кўмилар, куйганлар фақат.

От ва чавандознинг туши

Қучоқдай ястанган тунги ўтлоқда,
Ҳирсли пишқиради совутилган от.
Бу чоғда чавандоз
Синган оёқда,
Санчиғи зирқираб, туш кўрмоқда шод:

«...Тўёқсоп қамчинли, ҳибскор, қаҳҳор
Чавандозларнинг дор қуршови аро
Кўпкарига жон — чавақланган, қон —
Элда шон — улоқни элтмоқда у бот...»

Байталин ул ўтлоққа ким бойламоқда?
Ҳирсли айланмоқда совутилган от.
Бу чоғда чавандоз,
Синган оёқда,
Тепиниб, тушида излайди нажот:

«...Бетийик, ўқ кучи билан илкисдан
Тортишган чоғ, улоқ кетди қўлидан.
Оти ортда қолди. Чангда йўртмоқда.
Сазойидай, фақат ортда у, ортда...»

* * *

У кунларим қоронғи, мубҳам.
Севмоқ — ғорда яшамоқ асли.
Бир кун кетар бўлдинг, маҳбубам,
Тош деворга чиздим мен аксинг.

Кетдинг. Энди бизнинг умримиз,
Сувдай сингиб борар борлиққа —
Ҳижронга исён ҳар туйғумиз,
Уйқумиз лиқ тўла — зорликка.

Сенинг аксинг чизилган харсанг,
Томир отар елкаларимда.

Умидимсан, йўлга қарасам,
Тош жон олар юракларимдан.

Жисмидан тош гардни олади,
Йўқолади кўзимдан ғубор:
Олам эли хуш туюлади,
Туюлади ҳалол, хокисор.

Пойларига бошим кўюрман,
Елкамдаги, босиб турган тош —
Ошиқларнинг куйган қалбидан,
Пайдо бўлган чўнг, сабру бардош.

Дераза қаршисидаги кўрқув

Кўзи юмуқ дераза,
тушлар кўриб ором ол.
Шояд у қиз демаса:
«Келган — ўткинчи шамол!..»

Қиз — кўнглимга кўкламдай,
кўнглим гулга айланган.
Қарамаса, шўрага
дўнади-ей аламдан.

Халқ йўлида

Ўргилганим, кўргулигим,
Кимга бўлдинг чўри, гулим?
Қирқ фариштанг қошингдами,
Сочи майда ўрилганим?

Озорингдан озарми у,
Баҳри дилинг ёзарми у?
Кўзингдаги акси-руҳи
Жон сақлашни кўзларми у?

Қалблар бўйлаб изғир қуюн,
Чанг тўзғийди уюм-уюм.
Қўқиб ётар, оҳ, сен эса
Супурарсан кимнинг уйин?

Сенда мени ўйлаган тун,
Ўйлашимни туярмикин?
Уша тунда ваҳий рашқдан
Сочига оқ тўлармикин?

Айтгин кимнинг ёлғизлиги,
Ёлғизлиги — ялмоғизи,
Тентиб юрар ўрталикда,
Учовмиз ҳам ё ёлғизми?

Эгизакдай олисдан-да,
Ғаминг ютсам, у камситса,
Аммо минг ёшгача, наҳот
Унга боғланиб ўтсак!

Сирдарё



Шухратжон Мусаев

КЎРШАПАЛАКЛАР

Ҳикоя

Ҳулкар тепага келиб осмон буржи бўзара бошлаганда тушган салқин ҳаммани мизғитди-ю, йигитлар ўтирган ўринларида чўзилишиб пинакка кетишди. Саҳар ишга келган қизлар уйғотмоқчи бўлишган эди, нафи бўлмади. Қайтага Хадича сув келтириб сочганди, Раҳим қўрс оғзига келган сўзлар билан роса сўкди. Қизлар ўз ҳазилидан изза бўлишиб пайкалга жўнадилар.

Орадан ярим соат ўтиб раис келди. Аҳволни кўриб қизишди. Йигитларни тоза койиди. Яхшиям Саиднинг борлиги: доим ҳозиржавоб-да, бу Саид.

— Ҳа, энди тоға, — деб гап бошлади у пинак бузмай, — юз гектар ерининг суви ўн кишига қараб турибди. Кечани кеча, кундузни-кундуз демай иш-лаяпмиз. Биз тенгилар шанба, якшанбани оддих қилиб юришибди. Чидаяпмиз. Ёнимизда сиз бор-ку, шунисига ҳам шукр. Кеча кечаси билан сув тараб толиқиб-миз шекилли, саҳарга яқин кўз илинибди. Куйинишингизнинг ҳожати йўқ, тоға. Комсомол, — у ўнг қўлини кўксига урди, — ўз-ўзини бошқарувчи орган.

Мазза-мазза — Раҳим қўрс билан бригадир Саидга мазза-да! Қўрс-тракторчи, ғўзага дори солади. Саид бригадир эса аъзоларга иш бўлиб берса бўлгани, сўнг тўрт томони қибла. Тағин буёғи раиснинг жияни бўлгандан кейин...

Сувчилар кундуз кунни уйларида дам олишади... Лекин Раҳим қўрснинг наздида бугунги кун хосиятсиз кечди. Уйига келиб билдики, чол ва кампир орасидан тағин қора мушук ўтган. Онаси ичкари уйда кўрпа-тўшак қилиб ётиб олибди. Кечаси билан оғриб чиқибди-ю, отаси чой дамлаб бериш тугул ҳолинг нима кечди деб сўраб қўймай, ҳовлидаги супада ухлайверганмиш.

Қўрс қизиқон эмасми, уйда ётолмади. Ота-онасидан хафа бўлиб далага жўнаб юборди. Катта тут тагига пахталигини солиб ётиб, кунни кеч қилди. Бир кўнгли онасидан хабар олгиси келдию, бироқ уйига оёғи тортмади.

Эрталабдан ўзгачароқ бошланган куннинг таъсири бўлди, ишқилиб тун ҳам олдингиларидан бошқачароқ кечди: олдинлари улар қоронғи тушиши билан қимор ўйнашар, сигарет тутуни билан тўлган хонада ҳамманинг нигоҳи карта ва ўртадаги пулдан узилмай тонг оттиришарди. Бригада аъзоларидан икки киши Минҳожиддин билан Карим пакана қиморга аралашмас, алламаҳалгача сув тараш шуларнинг зиммасида эди.

Ҳар тун шундай кечарди. Бугунгиси бошқача бўлди.

Ой чиққунча сув тараб толиққан, сўрига келиб энди мизғиган Минҳожид-

дин билан Карим пакана яқинлашиб келаётган машинанинг овозини эшитиб ўринларидан сапчишди. Пакана ичкарига — қарта ўйнаётганлар ёнига отилди, кўпчилик бўлишиб машинани қаршилашди. Ундан икки киши тушди.

— Шийпонми? — деб сўради келганларнинг кексароғи, салом-аликдан сўнг.

— Ҳа, комсомол бригадасимиз, — жавоб берди Саид. Йигитлар келганларнинг кимлигини билмай ҳайрон эдилар: энг қувончлиси — идорадан эмаслиги аниқ, текширувчиларга ҳам ўхшамайди.

Сухбат узилиб қолди. Кимдир юлдуз тўла осмонга қарайди, кимдир қора гумбазда ёпилган нондай турган ойга термулади. Йўл четидаги ариқда сув қўшиқ айтиб йўрғалайди, чигирткалар эса уларга жўр. Саратоннинг иссиқ шамоли юзларни силайди.

Бироздан сўнг келганлардан бири — боя гапиргани сўз бошлади:

— Катталаринг ким?

— Мен. — Саид озгин, узун бўйинини чўзиб олдинга ўтди.

— Юринг, ука, гап бор, четга ўтайлик.

Қайтишгач, машинада келганлар жойларида қолишиб, йигитлар бригадирнинг орқасидан шийпон ичкарисига киришди. Ташқарида қолганларнинг «дарди» аён: «дори»ни арзонроққа ундирса бас. Ичкарида эса... тортишув авжига чиққан эди.

— Қўйинглар-эй, шу дорини сотиб нима қиламиз? — дейди Минҳожиддин зорланиб.

Қачонлардир юрагига ярадай ёпишиб қолган алам қўзийдимми, ёки жаҳли тезлигиданми Раҳим дарров унинг ёқасига ёпишади. «Сотамиз, — ишинг бўлмасин, — дейди у, — ёки бу ишни ҳам олдингидай бировга айтиб яна юзимизни шувит қилмоқчимисан?»

«Айтаман ҳам, — дейди Минҳожиддин пинак бузмай, — нима ҳаққинг бор бригаданинг дорисини сотишга, ахир у колхозники-ку».

Бу гапдан сўнг Раҳим қўрс Минҳожиддиннинг юзига мушт тортади. Оғзига келган сўзлар билан сўкади. Ёнида турганлар ҳам бари Қўрс томон, унинг тарафини олади. Ниҳоят уларни ажратишгач, Саид сиполик билан гап бошлайди.

— Минҳожиддин, отанг баҳорда ялиниб-ялиниб шу ердан икки қоп дори олиб кетгани эсингдан чиқдимми? Унинг устига колхоз сенга юз-юз эллик сўмдан ойлик берсайкан керилсанг. Олган пулимиз ўн кунга етмагандан кейин, нима, девоначилик қиласанми? Мундай хом каллангни ишлат сен ҳам. Ҳалол ишлайман, дегани борми ўзи? Раисда, кассирда машина бор, магазинчида машина бор, нимага бошқаларда йўқ! Нимагалигини мenden яхши биласан. Ҳар ким эплаганича яшайверади.

Аслида-ку, бундай «нутқ»дан кейин ҳар қандай одам индамай қолиши мумкин эди. Бироқ Минҳожиддин бало-да! «Шу азотни сотсанг бойиб кетасану, бўлмаса очдан ўласанми?» деб бригадирни мот қилди. Орага чўккан сукунат яна Раҳимнинг жаҳлини чиқарди. У ҳеч қачон ҳозиргидай қутуриб кетмаганди. Ерда ётган кетмон даста билан Минҳожиддиннинг тўғри келган жойига ураверди. Охири уни уч-тўрт киши суяб нарироқдаги пештоқига «қизлар хонаси» деб ёзилган хонага олиб кириб ётқизишди.

Ичкаридагиларни кутиб зериккан «харидорлар» ариқ бўйидаги сўрига ўтишди. Шийпон томондан келаётган жанжал-сурон овозига ҳам парво қилишмади. Бир-бирининг гўштини емайдимми, иш битса бас!

— Бўлмаса гап бундай Қовунчи амаки, — деди Саид ташқарига чиқишгач, харидорларга қараб. — Биз маслаҳатлашдик, қопи беш сўмдан бўлади.

— Уч, ҳеч бўлмаса уч ярим қилайлик ука, — ёлворди қовунчи. — Биз олмасак бекорга ўзага олиб юборардиларинг-ку.

— Унда бошқа ёқдан олинглар, — қўл силтади бригадир.

— Бошқа жойдагилар бари тугатишибди-да, — афсусланиб гапирди харидорлардан бири. — Бўлмаса сизларга ялинмасдик.

— Йўқ, тўртдан пасти бўлмайди. — Ичкаридан чиққан Раҳим гапга аралашди. — Пакана қани! — Кўзи унга тушгач ўшқирди, — кир Минҳожиддиннинг ёнида ўтир. Бирор ёққа кетиб қолмасин. Бизни сотса сени ҳам бошинг кетади!

Раҳимнинг девкелбат гавдасиданми, ёки вазоҳатидан қўрқдими, ишқилиб қовунчилар қопига тўрт сўмдан беришга рози бўлишди.

— Ҳаммангни мелисига айтаман, сотишма дорини!

Ҳамманинг нигоҳи ой ёруғида шийпон эшигига суяниб турган Минҳожиддинга қадалди.

— Қўрс, — деб бақирди бригадир. — Овозини ўчир!

Раҳим Саиднинг нимага ишора қилганига тушунди, югуриб бориб Минҳожиддиннинг қорнига тепди ва Каримга қараб «Пакана, гидраймай ўлгур қараб тур демабмидим!» деди. «Мен ҳалиги...» Энди гап бошлаган Каримга Қўрс ғазаб билан муштини дўлайтирди: «Ўл, долзарбда қистамай ўлсин!»

Шийпон ортидаги катта дорихонанинг тахта дарвозаси очилиб, бортли машинанинг орқаси тўғриланди, ҳамма дори ортишга киришди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай қовунчилар эллик қоп дорининг пулини санаб беришди-ю, жўнашди.

— Ўттиз қоп қолибди, — деди бригадир машина жўнаб кетгач. — Шуни эртага далага олиб бориб ташлаймиз-да, раисга дори солиб бўлдик деймиз. Э бошига от тепсин, пахтадан шу пайтгача ҳеч ким миллионер бўлмаган.

Йигитлар Саиднинг гапини маъқуллашди. Раҳим ҳамон қовоғини уйиб ўтирарди. Одил араққа кетди. Қолганлар «қизлар хонаси»га киришди-ю, Қўрснинг оғзини пойлашди.

— Саид, — деди у, шерикларининг дилини тушунгандай. — Манавинақа «эчки»ларни ҳеч кўрганмисан?

— Йўқ.

— Эй, — Раҳим юзтубан ётган Минҳожиддинни оёғи билан туртиб ўзига қаратди. — Армияда-ю, арзимаган нарса деб мени сотдинг, бу ерда дорини деб мелиса чақирмоқчимисан? Эсон бўлсам сен дақосни ҳали жуда кўп ураман. Аламим кўп сенда. Дорига келсак, у катта холангникими, сени ишинг нима?

— Эшшак! — Минҳожиддин ётган жойида инқиллади. — Дори сенинг катта холангникиям эмас, бригаданики, ҳайвон!

— Ҳали бригадани ўйлайдиган бўлиб қолдиларми? Берадиган ойлиги олдинга етса орқанга етмайди-ку. Колхоз сени ҳеч ўйлайдими? Беш тонна дори бердим, деб раиснинг ўзи уч тонна беради, яна сен ҳалол бўлмоқчисан! Ҳе одам бўлмай ўл. Сени ўша армиядаги сотқинлигинг учун ўлдириб юборишим керак эди-ю, эпломмадим-да!

— Нима қилганди Минҳожиддин? — қизиқди Саид.

— Э, нима қиларди, биттасининг альбоми йўқолганида мени дўппослатганди, бу нокас.

— Сен одаммассан! Эшшаксан! — Минҳожиддин қаддини ростламоқчи бўлган эди, Қўрс учиб бориб тагин биқинига тепди. Бироздан сўнг Минҳожиддин нималардир деб ингранди, бироқ ҳеч ким унинг сўзларини англай олмади.

Раҳимни эса хаёл элитди. Кўз олдидан ўша армиядаги воқеа бир-бир кино лентасидай ўта бошлади.

...Ўша машъум кун Минҳожиддиннинг ҳам, Раҳимнинг ҳам ёдидан умрбод чиқмаса керак ва умрбод бир-бирларидан нафратлансалар ҳам ажабмас.

...Ўша куни Сергей деган йигитнинг альбоми йўқолиб қолди. Сўрамаган одами, изламаган ери қолмади, қани энди топилақолса. Эртадан кечгача куйинавериб, кечга борганда юраги ёмон бўлиб қолди.

Кечки йўқламадан сўнг ҳамма ётишга команда бўлишини кутарди, бироқ старшина ҳеч кимни ўрнидан силжитмади. Сержантлар хонасига кириб телефон орқали рота командирига доклад қилди.

Орадан ярим соат ўтгач ротага командир кирди. Навбатчининг «смирно!» командасидан ғовур-ғувур гаплашаётганлар ҳам тинчиб қолишди. Хонага сув куйгандай оғир сукунат чўкди. Командир саф тортиб турган аскарлар ёнидан юриб ҳамманинг кўзига қараб чиқди. (Шундай қилса ўғрини топиб оладигандай). Сўнг овозини бор бўйича қўйиб нутқ ирод қила бошлади. Унинг кўк кўзлари чақнар, авзойи бузук эди. У ёқдан бу ёққа юриб чап қўлини қилич қилиб гап бошлади:

— Солдатлар, ротамиз кўпмиллатли. Гвардия номи бор. Қисмимизнинг

тарихини ҳаммангиз яхши биласиз. Оталаримиз Ватан ҳимояси учун жанг қилишган. Сизнинг ҳозирги ишларингизни қандай баҳолашга ҳам ҳайронсан киши. Уят, уят ўртоқ солдатлар!

Раҳим ичида «тезроқ даф бўл» деб турибди. Командир эса ҳамон сўзларди.

— Сергей Ковшовнинг альбоми шу казармада йўқолди. Биламан, орангиздан кимдир уни ўғирлаб қўйган. Альбом-ку майли, топилади, аммо унинг орасида онасининг расми бор экан. Сергей уч яшарлигида онасидан айрилган. Расм унга ёлғиз эсдалик эди. Йигитнинг аҳволи оғир. Ҳаммангни ҳам онанг бордир ахир. Командир жимиб қолди. Томоғига нимадир тиқилди чамаси, тез-тез ютиниб олди. Сўнг босиқ овозда давом этди. — Ким альбомни олган бўлса бир қадам олдинга чиқсин.

Орага яна жимлик чўкди. Ҳеч ким олдинга чиқмагач, у яна шундай деди:

— Хўп, унда ким альбомни олган бўлса, ўзида қолсин. Расмни эса Сергейнинг тумбочкасидами, бирор кўринадиган жойгами қўйсин. Тарқал!

Кимдир ташқарига сигарет чеккани чиқди, кимдир атрофида чивин айланётган лампочка тагида газета ўқишга тутинди. Ҳар кунги ҳазил, кулгилар йўқ. Бир кишининг ғами хизматдошларини ҳам индамас қилиб қўйган. Раҳимнинг эса уйқуси келиб зўрға юрибди. Минҳожиддин иккаласи каравотлари ёнидаги курсиларга чўкишди.

— Битта расмга шунчами, йиғлаб-йиғлаб тинчиб қолади-да, — деди Қўрс эснаб.

Минҳожиддин эса шеригига ҳайрон қараб қўйди-ю, бироқ индамади. Кейинчалик Раҳим шу воқеани эслаганда доимо шу ерига келганда Минҳожиддиннинг ўша қарашини кўриб туриб, бекор унга расм ҳақида гапирибман деб афсусланиб юрди.

Навбатчининг «рота, сафлан!» деган командаси билан ҳамма жой-жойига бориб турди. Командир ҳаммага «энди расмни қидирамиз, топганга ўн кун отпускаи» деди. Сафдошлар эса «отпускаи керакмас, хизматдошимиз учун излаемиз, топамиз» дейишди.

Ҳамма ўзини ҳар томонга уриб расм қидирмоқда. Раҳим мундоқ қараса Минҳожиддин ҳам зўр бериб тумбочка титкилаяпти. Унга яхшилик қилмоқчи бўлди. Бироқ Қўрс ҳамқишлоқ дўсти шунчалик хиёнат қилишини билмас экан. Ёнига чақириб «излаб овора бўлма, альбом менда» дейишини билади: Минҳожиддин унинг бошига гурсиллатиб мушт туширди.

Аскарлар ўртага тушишди. Улар ўзбек тилида гаплашганларидан бошқалар тушунишмаганди. Шунда Минҳожиддин орада ўтган гапни айтиб берди. Бир зумда ола-ғовур бўлиб кетди. Аскарлар Раҳимнинг тўғри келган ерига муштларди.

Раҳим воқеанинг айнан шу ерини эслаб, чидаб туролмади, бурчакда ётган Минҳожиддиннинг тепасига борди.

— Сен мени шу кўйга солгандинг, мана энди, ал қасосу минал ҳақ, номард!

Раҳимнинг бунчалик жиғибийрон бўлаётгани фақат Минҳожиддинга аён эди. Бироқ ўшанда Раҳимни қандайдир ёмон аҳволга солган, «сотган» Минҳожиддин «гуноҳи» нималигидан беҳабар йигитлар шу тобда Қўрсга ачинишарди.

...Ўшанда командир чиқиб қолиб Раҳимни сафдошларидан ажратиб, хонасига олиб кириб кетди. Бўлмаса балки Раҳим...

Командир Қўрсни ичкарига бошларкан, йигитларга «ётинглар» деб буйруқ қилди. Ҳадеганда командирнинг хонаси очилмас, расм қаердалигини эса ҳамманинг билгиси келарди. Ахийри тоқати-тоқ бўлган хизматдошлар унинг хонасига киришди. Йигитларнинг интизорлик билан кутиб турганини кўрган командирнинг овози титраб, гапирди.

— Расм... бу аҳмоқ расмни ёқиб... Ҳамма ҳозироқ бориб ётсин! — У ўрнидан сапчиб кетди. Яхшиям солдатларни вақтида қувиб чиқарди. Бўлмаса улар Раҳимни ғажиб ташлашлари мумкин эди.

...Осмон айланувчи нилий гумбаз. Кундуз битта қуёш ҳаммаёқни сутдай ёритади. Жонзодлар бир-бирларини нима қилаётганларини кўриб туришади.

Тун миллион-миллион қуёшчалардан иборат бўлсада, зулмат ҳукмрон. Ёзининг иссиқ шамоли йўрғалайди. Тутзор ва ғўзалар унинг мақомига оҳишта тебранади. Шийпон чироқлари ёниқ, бироқ ҳеч зот йўқдай, осудалик.

«Қизлар хонаси»да ориқ, узун бўйли, ёши йигирма бешларга борган йигит чўзилиб ётибди. Нарироқдаги дераза рахтасида эса унга «қоровул» — Карим пакана ўтирибди. Нариги хонада йигитлар давра қурган, ҳеч кимдан садо чиқмайди. Ўртада уч-тўрт дона сигарет, кулдон, мижиғланган пуллар. Чандир юзли йигит қарта тарқатмоқда. Нигоҳлар унинг қўлларига қадалган. Сигарет тутунидан чироқ нури ҳам хиралашган. Уч-тўртта парвоналар унинг атрофида ўйнашади. Йигит қартани тарқатиб бўлгач ёнидагини туртди:

— Гапир, Рустам.

— Ҳеч нарса чиқмабди, мен паст, тўрт сўм қайтасизлар.

— Беш сўм ўтдим.

— Сен, Собир?

— Мендан ҳам беш.

Ўртадаги пуллар кўпайган сари ўтирганларнинг асаб торлари таранглашар, қўллар қалтирарди.

Қиморнинг азалий қонуни битта — пул ҳаммадан ўтиб бир кишига йиғилади. Пул эса тирикчилик мезони. Бугун кўпроқ Раҳим омадли бўлди. Йигитлар топганларини унга тутдилар. Пулни чўнтагига соларкан Қўрс кулди:

— Хўп, бўлмаса, комсомоллар. — Уйда онам касал, боришим керак.

— Отанг уйда-ку, қараб турар.

— Ораларидан қора мушук ўтган, гаплашишмайди.

— Қолсанг қарзга бўлса ҳам ўйнардик. Бир жойдаги одамлармиз, тониб кетмаймиз-ку, — қисталанг қиларди Собир.

— Саҳар турган билан ким ишларди. Сув ғўзага ўзи оқиб ётибди. У ёққа, бу ёққа юраверишдан нима фойда. Дорини бўлса бир соат бурун бериб бўлдик, ғўзага.

Хонада енгил кулги кўтарилди.

— Унда арақдан қоларкансан-да.

— Ие, Одил обизамзамга кетган-а, ҳа майли қолдим, аммо барибир қарзга ўйнамайман. Қўрс бир гапирарди.

— Саид, ўртадаги пулдан ол. Ким қанча ишлатса жойига қўйиш.

Таклиф ҳаммага ёқди. Ўртадаги пул бояги дориники. Унга йигитлар фақат арақ оламиз дейишганди.

— Минҳожиддин қизлар хонасидами? — деб сўради Раҳим эшикдан кирган паканадан.

— Ҳа, ухляпти, — жавоб берди у.

— Бор, айт, чиқсин.

Пакана эшикни очиб ташқарига чиқаркан «борми?» деди. Ҳамма эшикка юзланди. Тўрхалтага солинган арақ шишаларини шарақлатиб Одил кириб келди:

— Бор!

— Ура!

— Сотқинни чақирмайсанми, пакана?! — ўшқирди Раҳим.

Бир юзи қизариб кетган Минҳожиддин кирди. Жовдираган кўзлари қўрқув аралаш шерикларига қараб турарди.

— Мана, оғайни, — Раҳим атрофдагиларга имо қилиб гап бошлади, — агар мени сотсанг-у, қамалиб кетсам мана булар сени ҳам гум қилишади. Эпласанг икки оша дейишган.

— Ҳей, Минҳож, — Саид орага суқилди. — Боя айтдим-у ўзингни отанг ҳам баҳорда икки қоп дори олган. Бекорга чиранаяпсан. Бўпти, энди ярашларинг.

Пиёз билан арақ ичишди. Пакананинг қўлига фонарь бериб далага жўнатишди. У ичмайди, чекмайди, қимор ўйнамайди. Яхшиси бориб сув тутгани маъқул.

Яна қимор бошланди. Алдов, зўрлик, сиполикнинг қирраларини ким кўп эгалласа ўшанинг ғалабаси билан туговчи ўйин. Ҳеч кимга нафи тегмайдиган «мардлик» ҳам шунда кўрсатилади.

— Ўрта ўндан, — деди кимдир. Ҳаммада пул бор, ичишган, қутуришган.

Шундай бўлса-да, кўп ўтмай, Раҳим ва Саидда пул қолди, холос. Иккиси роса тортишди. Бояги айтганимиз сифатларни — алдов, зўрлик, «мардликни» кучайтирувчи арақ ҳам энди ҳамма нарсани бошқариб турарди. Пул гоҳ унисининг олдига уюлиб қолса, сал ўтмай бунисига ўтарди. Томоша қилувчилар эса уларга арақ қуйиб бериб, чўтал олишмоқда.

— Юз сўм ўтдим.

— Отанга раҳмат Қўрс, уч чўз, — деди Собир.

— Икки юз қайтди!

— Қўймайсан Саид тулки, беш чўз! — қичқирди Одил.

Раҳим ёнидаги борини ҳисоблаганди, икки юзга етмади. «Кимда бор?» ёлборди атрофдагиларга мўлтираб. Ҳеч кимдан нидо чиқмади. Саид қарзга ўйнашга кўнмагач, Раҳим «бўлмаса мен уйга бориб келаман» деди аламдан кўзи ёниб.

— Ярим кечаси ким ҳам сенга пул берарди.

— Топаман, Қўрс битта гапиреди.

— Ишонмайман!

— Агарда бир соатда келмасам, она сутим ҳаром бўлсин. — Қўрс хонадан югурганча чиқиб кетди. Унинг шу кетиши ҳақиқий кўршапалакка ўхшарди. Фақат кечқурун жон пайдо бўлади-ю, ёруғликдан қочиб юраверади. Йиқилиб-қоқилиб зўрға уйига етиб келди. Оёғида туролмайди, маст.

Отаси кечагидай ҳовлидаги сўрида ухляпти. Ўғлининг келганини сезгани йўқ. Она ётган уйда эса чироқ ўчмаган, кампир эса ух-ухлаб дард чекмоқда. «Кўршапалак» ўзининг азалий қонунини бузиб ёруғликка кириб борди. Отаси унинг вазоҳатидан қўрқиб кетди.

— Ҳа, болам, — деди мунгли оҳангда.

— Пул керак! — «Кўршапалак» ҳозир ниманидир ютиб юбориши керак, нималигини эса фарқи йўқ.

Хаста кампир ўғлининг ёнига келиб оёғига йиқилди:

— Айнонай болам, ўлимлигим, озгина пулим қолган, тегма. Нега яна қимор ўйнаяпсан? — зорланди у.

Қўрснинг кўз ўнгида Саид гавдаланди ва «қасам ичганинг ёдингдами? Қўрс битта гапиреди деганинг-чи?» деяётгандай бўлди.

— Беринг! Эрталаб қайтараман!

Кампир нима қиларини билмай, сандиқнинг қулфига ёпишди. «Бир соатда олиб келмасам... Қўрс битта гапиреди...» — Раҳим олдин шу сўзларини эслади, сўнг Саиднинг олдига уюлиб қолган пулларни кўз олдига келтирди-да, ўшқирди.

— Нарн туринг!!

— Улимлигим... — онаси инграгудек нолиш қилиб, унинг қўлига ёпишди. Қўрс кучи борича силтаган эди кампир уй ўртасига чалқанча йиқилди. Оҳиста ингранди.

Қўрс чўккалаб ўтириб, сандиқ қулфини чангаллаб тортди. Қулф зулфинидан узилиб чиқди. У сандиқ устидаги кўрпаларни шиддат билан улоқтира бошлади. (Мунча кўп бу кўрпа даюс!) Ниҳоят сандиқни очди. Латта-путталар орасидан эски пул-тугунни топди. Гандираклаб кўчага отилди.

...Хира чироқ... Тутун билан тўлган хона. Пул худди дарёда сузиб юрган пўкак мисоли гоҳ у, гоҳ бу томонга ўтар, қўним билмасди. Саҳарга яқин яна қаттиқ тортишув бўлиб, охири Қўрс ютиб чиқди. У ҳамма пулни онасининг пул-туғунига жойлаб ҳам бўлганди, шу орада кўчага чиққан Одил «Минҳожиддин йўқ» деб кирди.

— Энди нима қилдик? У сотади!

— Қўрқма, — таскин берди бригадир хотиржамлик билан, — мелисага айтади, раисга айтади, иккисининг ҳам мендан тили қисик.

Орадан дақиқа ўтмай ташқарига машина келиб тўхтади.

— Қоч, мелиса!

Йигитлар бирдан ёруғликка чиқиб қолган кўршапалаклардек эшикка отилишди. Раҳим эшик қиррасига бошини уриб ёриб ҳам олди.

У уйига етиб келганда эшиклари олдидаги дарахтда қушлар чуғурлашарди. Отаси ҳам ўша дарахт тагида нохуш ўтирибди.

— Онанг йўқ, — деди у дабдурустдан, — ўзи зўрға ётувди. Эрталаб ичкарига бўйласам, сандиқ очиқ, лаш-лушлари сочилиб ётибди.

— Э, жуда ғалати одамсизлар. — Раҳим дарров тутақди. — Қариганда сизларга аразлашишни ким қўйибди.

Улар ҳовлига киришди.

— Лаш-лушлари сочилиб ётибди. Пулини олиб қаёққадир кетибди. — Чол яна аввалги гапини қайтарди. Раҳимнинг ичида нимадир узилиб кетгандай бўлди.


Отаси молхона томонга қараб кетди. Уғил эса оёғини қўлига олиб хонага кирди. Кирди-ю, овозининг борича додлаб юбордики, отаси ҳовлиқиб кириб келди. Қўрс пул-тугунни полга отди. Кечаси ўзи туширган кўрпаларни таталаб ҳар томонга ота бошлади. Унинг эпкинисида сочилган пуллар ҳар томонга учар, гўё бутун оламини қуршаб олгандай эди. Ниҳоят у излаганини топди: онаси тўшаклар тагида чалқанча ётарди. Энгаги титради, кўзини ярим очиб ўғлининг пешонасидаги ёриққа кўзи тушди. Бир нима демоқчи бўлди-ю, бироқ гапиролмади. Боши чап томонга шилқ этиб тушди. Олдин қаттиқроқ, сўнгра секин-секин уч марта ҳиқиллади... Ҳавода учиб юрган пулларнинг бир нечтаси унинг устига тушди.

Қуёш деразадан хонага мўралади. Жамики жонзод бир-бирининг нима қилаётганини кўриб турибди. Кўршапалаклар эса ёруғликни хушламайди, чунки улар тунми, кундузми, барибир ҳеч нарса кўришмайди.

Уғил юзини чангаллаб ваҳшиёна овозда ув тортганча ўзини ҳовлига урди.



Рассом Х. Зиёонов



Андрей Вознесенский

ХАНДАК

Маънавий суд

Сўнгсўз

1986 йилнинг 7 апрелида ёр-биродарлар билан Симферополдан Феодосия шоссеси бўйлаб кетаётган эдик. Таксидаги соат эрталабки ўнни кўрсатар, олтиш ёшлар атрофидаги ҳайдовчи Василий Фёдорович Лесних, қизил юзли, бошидан кўп балоларни кечирганиданми, мовий кўзлари хира тортган оғиркарвон одам ўзининг мудҳиш қиссасини қайта-қайта сўйлаб борарди. Шу ерда, шаҳар остонасида, 10-чакиримда уруш пайти 12 минг киши отиб ўлдирилган эди.

«Мен ўшанда ўн ёшда эдим. Биз — болалар, томоша қилиш учун югуриб боргандик. Уларни усти ёпиқ машиналарда олиб келишди. Ҳаммаларини қип-яланғоч қилиб ечинтиришди. Шоссе ёнидан танкка қарши хандак қазилган эди. Хуллас, ана шу хандак ёқасида уларни пулемётда қириб ташлашди. Даҳшатли доду фарёд, нолаю фиғон кўкни тутган, само ҳам инграётгандек эди. Декабрь ойи. Ҳаммаси калишини ечган, неча минглаб калишлар қалашиб ётарди. Шосседан ўтаётган аравалардаги кайфи тароқ немисларда уят бормиди дейсиз! Улар бизни илғаб қаторасига ўк узишди. Дарвоқе, ёдимдан кўтарилибди — кичкина курси бўларди, шу ерда маҳбусларнинг паспортларини олишди. Бутун саҳро паспортларга тўлиб кетганди. Кўпларини чалажон кўмиб юборишди. Тупроқ гўё ҳансирарди. Кейин, биз саҳродан этикмойи қутичасини топиб олдик. Оғирдек туюлди, очиб кўрсак, ичида олтин занжир билан бир жуфт танга бор экан. Демак, бир оиланинг бор жамғармаси. Одамлар энг қимматбаҳо нарсаларини

Жеделен көеси сөзүгө
табылган, «Марк
Иванов» —
Ваш
Иванов (Вашингтон)

ўзлари билан ола келишган. Кейин эшитишимча, кимлардир бу мазоратни очиб, олтин «казиб» олибди. Утган йили уларни суд қилишди. Қолгани ўзингизга маълум!..»

Нафақат маълум эди, ҳатто мен бу ҳақда «Хирс» деган дoston ҳам ёзгандим. Иккинчи томондан сарлавҳа учун «Хандақ» сўзи ҳам тинчлик бермай келарди. Мен гувоҳларни сўраб-суриштирдим. Бор танишлар архив ҳужжатларини кўрсатишди. Дoston ниҳоясига етган бўлса-да, барибир тинчлик бермасди. Қирғин рўй берган жой ҳеч кўз олдидан кетмас, қайта-қайта боргим келарди. Ҳолбуки, саҳронинг ястаниб ётган алафзорларидан бошқа у ерда кўрадиган нима ҳам бор?

«Менинг кўшним бор, Валя Переходник деган. Шунча одамдан ёлғиз ўшагина кутулган бўлса ажабмас. Уни йўлда онаси амал-тақал қилиб машинадан итариб юборган».

Тушамиз. Василий Фёдорович ҳаяжонланади.

Босқинчилар дастидан ҳалок бўлганлар ҳақидаги ёзув битилган, қачонлардир сувалган, айни пайтда, ҳаямаёғи дарз кетган, чўккан ғариб устун хотирадан кўра кўпроқ унутиш, лоқайдликни билдиради.

«Суратга тушамизми?»— дея шеригимиз фотоаппаратини олди. Ёнимиздан шоссе бўйлаб «МАЗ» ва «Жигули»лар оқими ўтади. Буғдойзорнинг зумрад тўлқинлари уфққа бош уради. Чапда, тепаликнинг хилват гўшасида кўримсизгина қишлоқ қабристони жойлашган. Хандақ аллақачонлар текислаб ташланган, ўт-ўланлар кўкариб ётибди, бироқ шосседан бир ярим чақиримча ён томонга кетган хандақ тарҳини ҳозир ҳам илғаш мумкин эди. Гуллай бошлаган тоғолчанинг новдалари хижолат чеккандай оқариб турибди. У ер-бу ерда акас дарахтлари қорайиб кўринади.

Биз куёш иссиғида лоҳасланиб, шоссе бўйлаб секин-аста юриб борардик.

Нохос сесканиб кетдик! Ие, бу нима?! Йўлда, ям-яшил дашт ўртасида янги қазилган ўра қорайиб кўринарди: тупроқ намлигича турибди ҳали. Ана, шунга ўхшаш яна бир ўра. Теварак-атрофда қорайган суяклар, чириган кийимлар уюми. Дудлангандай қопқора каллалар. «Лаънатилар, яна қазишяпти экан!»— Василий Фёдорович бутунлай чўкиб қолди.

Буларни — кинохроникада эмас, гувоҳларнинг ҳикоялари ёки ваҳм тушда эмас — шу ерда, шундоқ ўз кўзимиз билан кўраётган эдик. Ҳаммаси яқиндагина қазилган. Ана, бош чаноғи. Яна, яна. Иккитаси кичкина, болаларники. Ана, яна бирови — катта одамники. Майдалаб ташланган. «бу — ўшалар, қоплама олтин тишларни омбур билан суғуриб оладиган ўша лаънатиларнинг иши».

Аёллар киядиган бужур этикча. Сочлар, сочлари билан калладан шилиниб қолган бош териси, ўрилган ҳолда сақланган қизалоқнинг сарғиш кокиллари, ў худо, бу нима, булар нима ахир?! Кокиллар шу қадар маҳкам ўрилганки, ўша тонг, отишдан олдин нимадандир умидвор бўлишгани, кўз тикишгани шубҳасиз эди!..

Лаънатилар! Йўқ, бу бадий тўқима эмас, ўйлаб топилган қаҳрамонлар ёки жиний хрониканинг саҳифалари ҳам эмасди. Бизнинг катта йўл бўйида, одамларнинг бош чаноқлари уюми қошида турганимиз ҳақиқат эди. Қадимги ваҳшийлар эмас, йўқ, ҳозирги замонда яшаётган кимсалар қилишган бу ишни. Даҳшат, нақадар даҳшат!

Лаънатилар шу ўтган тунда кавлашган. Ерда филтрли синиқ сигарет ётибди. Ҳатто нам тортиб улгурмаган ҳам. Унинг ёнида кўкаринқираган мис гильза. «Немисларники»,— дейди Василий Фёдорович. Кимдир уни кўлига олади, бироқ юқумли касаллик хавфини ўйлабми, дарров қайтиб ташлайди.

Каллалар уюми — оламнинг бу жумбоқлари узоқ вақт ер қаърида ётганидан дудланган кўзқоринлардек тўқ малла тусга кирган эди.

Маҳорат билан қазилган шахталарнинг чуқурлиги — икки одам бўйича келади; бировининг тубида ичкарига қараб лаҳм кетган. Иккинчисида тупроққа кўмиб яшириб қўйилган сопи калта белкурак, демак, бугун қазишмани давом эттириш учун яна келишади!

Даҳшату ваҳшат ила, гўё булар ҳаммаси кўрқинчли тушда бўлаётгандек, ишонмай бир-биримизга қараймиз.

Катта серҳаракат йўл ёқасида скелетларни кавлаб ўтириш, фаралар ёруғида каллани майдалаб, олтин қопламаларни омбурлар билан суғуриб олиш учун одам нақадар пасткаш, маънавий жиҳатдан нақадар тубан, бадбин бўлиши керак. Айниқса, ҳеч кимдан яширмай, изларини ҳам йўқотмасдан очиқ-ойдин қолдирганлари, бу ишни ҳеч нарсадан тап тортмай намоийшкорона қилганлари ажаблантиради кишини. Шосседан машиналарида бамайлихотир ўтаётган одамлар бўлса, эҳтимол, кулги-га олишгандир: «Яна кимдир бу ерда тилла қазияптими?» Ҳамма ақлдан озганми, нима бало?!

Енимизда ерга қоқилган қозиққа суқиб қўйилган тунука лавҳада эса шундай ёзув бор: «Қазииш мумкин эмас — кабель ўтган». Одамларни қазиса майли! Кабель одамлардан азиз бўлдими, тавба?! Бундан чиқдики, ҳатто суд жараёни ҳам бу лаънатиларга қарши таъсир ўтказмаган ва, қолаверса, кейинчалик менга айтиб беришларича, судда марҳумларнинг тақдири эмас, фақат жиноятчилар хусусидаги гап борган. Эпидстанция-чи, қаёққа қараяпти? Бу ўралардан ҳар қандай юқумли касаллик чиқиб тарқалиши, эпидемия ўлкага зиён етказиши мумкин-ку, ахир. Даштда болалар юрибди. Маънавий эпидемия тарқалса нима бўлади?!

Қабрларни эмас, йўқ, бу ерда гап жирканч металлнинг арзимас мисқолларида ҳам эмас руҳ ва маънавиятни, ўлганларнинг хотирасини, сизнинг маънавий бойликларингизни ўғирлашмоқда улар!

Милиция шоссе бўйлаб ҳамён илинжида ҳайдовчиларнинг ортидан қувгани қувган, бу ёққа бўлса қиё ҳам боқмайди. Ҳеч бўлмагана пост қўйишса бўлмасмиди. 12 минг марҳумга битта пост нима деган гап! Инсон хотираси муқаддас. Нега энди бу мазоратни юридик жиҳатдан ҳимоя қилиш билан бирга маънавий муҳофазасини ҳам ўйламаслик керак? Бир ишорат айланг, кўрасиз, энг яхши ҳайкалтарошлар муносиб ёдгорликни ўрнатишади. Токи бу муқаддаслик одамларга таъсир қилсин, ўйлатсин.

12 минг марҳум шунга муносиб. Биз, тўрт киши, ўнинчи чақиримда турибмиз. Бу шармандалиқдан хижолат тортяпмиз, нима, нима қилмоқ керак, дея бош қотирыпмиз. Балки даҳлсиз кўкаламзор барпо қилиш лозимдир ёки мрамор тоштахта билан атрофини чегаралаб қўйиш керакдир? Номлар ҳам ёдга олинса ёмон бўлмасди. Айнан нималигини билмаймиз, бироқ ҳаялламасдан, зудлик билан нимадир қилиш керак.

Шундай қилиб, мен қайта кўтарилган ўтган йилги 1586-иш билан яна тўқнаш келдим.

Қайга элтяпсан, хандақ?

Муқаддима

Тингланг, ўқимишли куйган каллалар:

Наҳот, бизнинг идрокимиз битди батамом?

Биз чўлда турибмиз жим.

Шосседа кетар Қрим.

Миямгача зирқиради ногаҳон менинг бошим.

Олдимда — дудланган кўзиқориндай

бош чаноғи турар эди — қорайган аъзо.

Қатор тишларида — қатор истехзо.

Мен англадим:

Аллақандай махфий бирликни —

бу ғаройиб ҳолатни биз шунда билдикми —

бош чаноғин аппарати бирлан биз аро

симсиз телефонлар сингари

қандайдир сўзлашув кетарди гўё.

— ...Марья Львовна, алло!

— Она, бу қандай бало?..

— Яна бўрон, космик мавжлар айлар ғалаён...

— Александр, тинчидингми? — Фёдор Кузьмич, ёмон...

— Бу қандайин жараён?..

Каллалар. Гўри Амир. Очмангиз қабрларни!

Янги жаҳон уруши бошланмасин ногаҳон.

Чопманг белкурак билан

маънавий томирларни!

Бир офат тарқалгайки ўлатдан ҳам у ёмон.

Симферополь жараёни ҳали тугагани йўқ.

Замонларнинг кўприги бўлиндими бедарак?

Психиатрни айтинг!

Мен «хирс» деб атаганим — нокаслик жараёнин
қандай қилиб олдини олмоқ, қайтармоқ керак?!

Қандайин шоирсан сен, эл дардини билмасанг?
Анграйиб қолдинг нечун, топсанг-чи бирор тадбир?
Ўн икки минг жуфт кўзнинг шундоқ кўзи олдида
Чорасини топ, ахир, сафсата сотма, ахир!

Старшина, фалокат!

Сен қарагин, мамлакат —
окоплардан ўғлин таниб онаси чақирадир.
Атроф-муҳит тўзонида бугун яшамоқ даҳшат,
маънавий бузуқ муҳит ундан даҳшатлироқдир.

Мен қаерда бўлмайин,
неки ўқимайин мен, —
Симферополь хандағига элтгайдир доим йўлим.
Қорайиб бош чаноқлари ўтаверар, ўтаверар,
порлоқ ақлу идрокларнинг қаро қисмати бўлиб.

Ва мен шеърлар айтганимда: заллар, стадионларда,
бундан кейин сезиб ўтгай энди ҳар гал нигоҳим.
Кўзларимга, менга қадаб қорачиқларин
ўн икки минг жуфт кўз қараб туради доим.

Хандақ

Мени судрама, тақдир,
Ушал хандаққа, зинҳор!
Саҳро.. Ўн икки минг жуфт нигоҳ.
Арзанда неваралар
қўлида белкураклар.
Қирғин ерга хазина кўмиб кетган жой бу жой.

— Қазишга йўл қўймангиз!
— Бизлар ҳам одам эдик.
— Бриллиантни сенга асраб келдим. Ма, олгин!
— Отахон, шиқирлатма
суякларингни, секин.
Атаганинг бергину яна жойингга ётгин.
Одамларга биринчи бўлиб қувонч бахш этмоқ
создир, яхшидир доим.
Бош чаноғи очилган бу қабрни биринчи
бўлиб кўрмоқни сизга
кўрсатмасин худойим!
Валя! Бу сенинг онанг эди, сенинг илинжинг.

Бу — ҳақиқат, бу — ҳақиқат,
ҳақиқат бу, ҳақиқат,
олтину сўнгакларнинг ғуборидир бу фақат.
Скелетдан ечиб олди билакузукни, махлук,
иккинчиси машинада уни шоширди, муртад.
Бу — олислик, қаърида
олислик бўлгай гумдон.
Бош чаноғи. Қоронғи тун. Ва гуллаётган бодом.
Устомон бу газанда
марҳумларни қазганда,
белкуракни хотиржам
босгандайин сўнг беғам,
босди машинасин ҳам.
Белкуракнинг товуши янгради мисоли бонг.
Ўз калласин чопдими ё кимдир ноаён.
Танимади ўз калласин бироқ бу нодон.

Темир косовдай, ориқ
Гамлет каллаларни тупроқдан олиб,
олтин қопламаларни суғуради, тинмайди.

Қуртдан фарқ қилар одам.
Қуртлар олтин емайди.

На хотира, на ҳасрат,
Қайга элтасан, хандақ?
Бу — руҳлар қабристонни, қирғинларнинг уюми.
Сахро бўйлаб ёприлар паспортларнинг куюни.
Ҳеч ким гул келтирмади бироқ бунга куюниб.

Афсона

«Қўрқинчли тарвақай тошойна каби
Азроил келади жонни олгани».
Мен унинг вужуди — юзи, танининг
ададсиз кўзлардан тузилганини
эски китобларда ўқиган эдим.
Мана энди — ойналар
жумбоғи узра хаёл
суриб файласуф
бу ҳолга очмоқда фол.

Агар адашган бўлса,
(Азроил қайтиб кетар
жонингиз олмай.) — Сизга
бошқа бир жон бахш этар.
Ҳайрон бўлганга қайта
бир жуфт кўз қилар ҳады.
Достоевский шундай
руҳ эди деб айтишар.

Сен тириксан, юрибсан,
Валентин, Валентин!
Волиданг фариштаси сақлаб қолди ҳаётинг.
Шунинг-чун қабрларда қаро тупроққа тўлган
ўн икки минг жуфт кўзнинг нури, зиёси бугун
кўзингга кўчмиш бутун.

Сен кезасан заминда,
бошқа бир кўз ғамингда.
Бошқа бир кўз. Бошқа бир кўз, ў, қандай оғир!
Кўксингда нишонларнинг жилоси эмас, озор —
кўксингда қорачиқлар яралар янглиғ оғрир.
Кўйлақларинг — киприкзор!

Сен тунлар чинқирасан,
сабаблар томирини кўрасан, тикиласан,
тонг чоғи тошойнага қарайсан мотамсаро.
Бироқ бошқа тошойна —
Азроил жонинг сўраб
келганида шом аро,
сен унга кўзларингни бермагайдурсан асло.

Бу афсонамас, билинг,
кўрдим — тош қотди тилим,
идроким ҳам лол қолди узилгандай сарришта.
Симферополь хандағи...
Мени бошлагай сассиз
Валя Переходник — хомуш фаришта.

Иш

Қайга элтяпсан, хандақ? Уларни 1941 йилнинг декабрида ўлдиришди. Симферополь акцияси рейх бевосита планлаштирган ва амалга оширган қирғинлардан бири эди. Қайга элтяпсан хандақ, қайга?

1586-рақамли ишга элтяпсан.

«...10-чақирымдаги мазоратда мунтазам равишда заргарлик буюмларини ўғирлашган. 1984 йилнинг 21 июнига ўтар кечаси, ахлоқ нормаларини оёқости қилиб, кўрсатиб

ўтилган мазоратдан бир мисқоли 27 сўму 30 тийинга тўғри келадиган вазни 35,02 граммли чўнтак соатининг олтин қопламасини, баҳоси 810 сўмга тўғри келадиган 30 граммли олтин билакузукни — ҳаммаси бўлиб 3325 сўму 68 тийинлик буюмни ўғирлашган. 13 июлда умумий баҳоси 21925 сўмлик олтин қопламалар ва тишлар, 314 сўму 14 тийинлик асл олтиндан тайёрланган бриллиант кўзли узук, 1360 сўмлик тўртта занжир, 609 сўму 65 тийинлик чет элда зарб қилинган олтин дуқатлар, ҳар биттаси 400 сўмга баҳоланадиган 89 та пошшойи тангаларни ўғирлашган...

(2-жилд, ишнинг 65—70 саҳифалари).

Бу ишда кимлар бор эди? Фанлар академиясининг Москвадаги институти врачлари, «Межколхозстрой» ҳайдовчиси, ишчи, ёрдамчи ишчи, кинотеатр хизматчиси. Руслар, озарбайжон, украин, арман. Ёшлари ҳар хил — 28 дан тортиб 50 ёшгача. Судда тушган саволларига олтин тишларини яқриратиб жавоб беришди. Иккитасининг оғзи тўла «асл олтин» — ловуллайди. Уларга берилган қамоқ муддатлари унчалик катта эмас, аксинча, олтинларни пуллаганлар кўпроқ жабр кўришди. Уларнинг кам деганда, 68 минг сўмлик даромад қилгани тасдиқланди. «Қазийётган пайтда ўзингизни қандай ҳис этдингиз?» деб бировидан сўрашганида, у шундай жавоб берди: «Сиз-чи, сиз ўқ тегиб шикаст топган олтин тишларни суғураётганда ёки ичида суяк қолдиқлари қолган болалар ботинкачасини чиқариб олаётганда ўзингизни қандай ҳис қилган бўлардингиз?» Лаънатилар, «шикаст топган» бу тишларни харид дўкони қабул қилиб олишига зўрға эришдилар.

Мария Яновна

Гагарин кўчасида яшар Мария Яновна.
Бизга овқат келтирар, яша, Мария Яновна!
Сунбуллар ўстирасан. Қизинг Даша ўн ёшда
эди уруш пайтида. Сўнг тугатди филфакни.
Шаддод эди. Юзида — ҳуснбузарлар. Кейин
врачни яхши кўриб, унга тегар. Уларнинг
тўнғичлари — Александр, кўркам, келишган йигит
шоир бўлди. Кеча ёзиб чиқди «Литгазит»:
Биз кутгандик. Ниҳоят туғилмиш янги Пушкин!
Тўғри, шеъри мураккаб. Бироқ унинг ижодий
кечасига кирмоқ ҳам шундай мураккаб, мушкул.
Бошқа ўғилларининг ҳаёти ҳали мавҳум,
Кунлари унинг турфа нағмалар билан гавжум.
Анастасия — эвараси Марья Яновнанинг...

Мария Яновнанинг ҳориган бош чаноғи,
Шип-шийдам дала бўйлаб, елиб борар, қарагин,
ўн яшар Дашенканинг бош чаноғи — ордидан.

Ҳирс

Аввалги муқаддима

Сени чақираман, ибтидоий ҳирс!
Ғарчи бу даврда дуч келмас Ҳирс.
Одам фарқ қилар молдан.
Ҳирсни яратмиш одам.
Одамга ҳакам эмас,
Ҳаким керак, биродар.
Тунда ким увлар ёлғиз?
Бу — ҳаромлар ҳароси, демек яна ўша ҳирс.

Тўқликларга шўхликлар,
ўсаётган камомад.
«Кулба» майхонасида
қийқирар маст жамоат.
Баднафслик ўлат каби
адо қилар дўстларни.

Менга юқтирма қаро қонинг,
тутмагил шприц, —
севги-ла олишгувчи чиркин эҳтирос! —
эй ҳирс!..
— Бу ҳирс, бу ҳирс, азалдан

мавжуд ҳирс эрур бу ҳирс,
одамзод аъзосига сафродай зарур бу ҳирс,
каллалардан қасрлар қурган ҳам мен бўламан,
Канберра ва Керчларни қурган ҳам мен бўламан.
Қўзғалсам борми, у пайт
дунёни босгай зулмат,
адабиётда эса бошланади сукунат.

Мендан зўр бормикин ҳеч?
Ожиз компьютер, қилич.
Мени нима билан ҳам йўқота олардинг, айт?
— Фақат Сўз, фақат Сўз, сендан зўрроқ Сўз фақат,
оддий жонбахш Сўз сабаб йўқолгайдир қабоҳат.
— Фақат ҳирс. Фақат ҳирс,
Фақат беҳад, бедард ҳирс.
Фақат «ҳи», фақат «р!..», фақат «с».
... ..
— Фақат Сўз, фақат Сўз, фақат энг азалий Сўз.
Дарё сингари равон оқиб тозалайди Сўз.

Жинойатга «қўл уриш ё урмаслик» масаласи улар учун йўқ эди. Бу қилмишларини Гелла ва Бегемотнинг¹ ҳавойи шўхликларидан деб ҳам бўлмайди. Ҳаммаси пухта-пишиқ ўйлаб амалга оширилган. Тўғри, бу ишни енгил-өлпи деб бўлмасди, чунки хандақда ётган марҳумларнинг аксарияти камбағаллар эканлиги сабабли олтин қопламаларни кавлаб, титкилаб, қийинчилик билан топишга тўғри келди. Олтиннинг сифати паст экан деб сўкинишди ҳам. Жасадлар уюмининг айқаш-уйқаш бетартиб кўмиб ташланганидан, ишлаш қийин кечаётганидан ҳам тоза вайсашди. Бирови ўрада ишлади, икки киши тепада у узатиб турган каллаларни мажақлаб, омбурларда олтин тишлар, қопламаларни суғуриб олиш билан машғул бўлди. Олтинларни «тупроқ ва жағ қолдиқларидан тозалаб», Симферополдаги «Коралл» ҳамда Севастополдаги «Янтарь» харид дўконларига элтишди. «Қопламалар ва тишлар узоқ вақт тупроқда ётган экан-да», дея пичинг қилган нархловчи Гайда билан ҳам дилгирларча савдолашишга тўғри келди. Маразлар, бирор мараз юкишидан қўрқиб резина қўлқопларда ишладилар.

Бу коллектив ахил эди. Оилани янада мустаҳкамлашди. «Гувоҳ Нюхалова эрининг ҳар замон, ҳар замонда уйга келмаслиги, бунинг сабабини балинд иморатларда сувоқчилик қилаётибман, деб тушунтирганини, уйга мунтазам маош олиб келганини айтиб берди».

Илмий-техник асрнинг маънавий жараёнлари «янги роман», «янги кино» тушунчаларини, шунингдек, «янги ўғри» психологиясини вужудга келтирди.

Бугунги кунда ҳирсни оммавий «поп-арт» ва декадентлик руҳидаги «арт-нуово»га ўхшатган ҳолда икки гуруҳ «поп-ҳирс» ҳамда «ҳирс-нуового» (яни, баднафсликнинг энг янги кўриниши) ажратиш мумкин. Биринчиси ибтидоийроқ, у гўё азалий инстинкт билан ишлайди, фирромлик қилади, таксопаркда такси ҳайдовчидан уч сўм ундирмагунча қўймайди, бировнинг ҳақидан тап тортмайди. Иккинчиси — мураккаброқ, бунисининг ўз фалсафаси бор. Шухратпарастлик ҳамда ҳокимликка интилиш сезгиси бунисида бир бутунликни ташкил этади. Бирок қабр кавлаб, марҳумларни талаш эвазига бойлик орттираётган бу бадкирдорлар қилмиши қайси ўлчовга, қайси мудҳиш жазога тўғри келади?

Айтишларича, суд жараёнининг дастлабки кунда зал марҳумлар кўмилган жойни билиб олиш учун келган синчков шахслар билан лиқ тўла экан! Иккинчи куни суд зали ҳувиллаб қолган — «синчковлар» олган маълумотларини амалга оширишга ташланган.

Калта-узун белкуракларни шу яқин ўртадаги қишлоқ қабристонига беркитишди. Лаънатилар фаралар ёруғида казишди. Ёз осмонида, гўё уфқ ортида худди шу мақсадда ишлаётганларнинг белкуракларидан сачраган учкунлар сингари юлдузлар учарди. Қайга элтяпсан, хандақ?

Илмий-техник инқилоб асрининг ҳасис рицари

Ким тунлар қаро ерга
кўмар ўз талантини?
Бу қавм эса кечалар
кўмар бриллиантни.
Ҳовлисининг ярмига
бойлик экар, қўймайди.
Обрўйини кўмар у,
портфелини кўмади.

У портфелда — «Волга»лар,
Данғиллама ҳовли-жой,
Қутурган нафсинг, ўтган
олтин дамларинг, э, вой!
Кўксиде магнитофон,
сендан жирканар қизинг.
Ташқарида қандай тун —
рицар, чиққин, изғигин!

¹ М. Булгаковнинг «Уста ва Маргарита» романи қаҳрамонлари.

«Дарахтлар — бриллиант,
Далалар — бриллиант,
Ҳаволар — бриллиант,
Самолар — бриллиант...»
Ўғлинг ақлдан озар
поп-арт нағмаларидан.
Хотининг ақл эмас,
Латталар жамғаради.
Ҳайдовчинг ҳам гуноҳкор —
Нафси унинг тўймайди.
Янгича хирс сени ҳам
кемиради, қўймайди.

Тонгда туриб кўрасан —
атрофингда машум боғ
ўсиб борар тобора,
«видео»лардан бағри доғ.
Наҳот пок орзуларнинг
ўти сўнмиш кўпларда?
Вертолётлар юк эмас,
олтин элтар кўкларда.
«Бриллиантлар йўлларда,
Яйловларда бриллиант.
Мен адашдим — дарахтларда,
Самоларда бриллиант».

Симферополь жиноятининг инъоний Хотира, замонлар узвийлиги, эрк ва ахлоқ тушунчалари билан боғлиқ таъсир занжирлари қаёққа олиб боряпти, қайга элтяпти? Такроллашман, суд жараёни эмас, бу — маънавий жараён, маънавий суд бу. Гап фақат қабр қавлаган одам шаклидаги олти нафар қурт-қумурсқа ҳақида эмас. Нега, нима учун буларнинг уруғи кўпайиб боряпти? Бу маънавий тубанликнинг, муқаддас мәнбалардан узилишнинг сабаби нимада, нима учун бугунги кунда ўғил ўз онасини уйдан қувиб чиқаради? Ёки мансабпарастлик йўлида қондош, жондош меҳру оқибатнинг, муносабатларнинг узилишими бу? Нима учун ҳар йили, Гуржистондагидек ҳалок бўлганларнинг Хотира кунини нишонламаймиз? Хотирани кўмиб йўқотиб бўлмайди. «10-чақиримда немис-фашист босқинчилари томонидан асосан яхудий миллатидаги кишилар, қрим-татарлар, руслар отиб ўлдирилган», деб ўқиймиз, биз, архив материалларида. Кейинчалик партизанларни ҳам худди шу хандақда қатл қилишди. Булар муқаддас-тарихий теранликлар. Мўътабар марҳумлар руҳини таҳқирлаб, ўтмиш ҳисобидан бойлик орттиришни нима деса бўлади?

Боян, Скворода, Шевченколар беғаразликка чақиришган.

Жиноятга бошлаган очлик, муҳтожлик эмас эди. Нима учун Ленинград қамалининг туганмас, даҳшатли ва муқаддас кунларида айнан очлик, изтироб одамларга беминнат чидам ва матонат бахш этди, уларнинг маънавий жиҳатдан неларга қодир эканликларини кўрсатди? Нима учун бугунги кунда морг хизматчиси бошига мусибат тушган оилага буви ва она жасадини берар экан, пинагини бузмай: «Марҳуманинг олтин тишларини санаб олинглар», дейдию, айтган сўзининг даҳшатидан ўзи хижолат тортмайди?

«Психология ўзгармоқда, — дейди менга зукко адвокат чеховчасига тикилиб қараркан. — Илгарилари шунчаки жазова туганда «болта билан чопиб» ўлдиришар эди. Яқинда шундай бир воқеа рўй берди: она ва бола золим отани ўлдиришга қасд қилишади. Уддабурон ўғил отанинг каравотига электр манбаига тикиладиган шнурни улаб қўяди. Ота одатдагидек маст-аласт ҳолда каравотга ётиб пайпаслаб розеткани излаётганда шарақ этиб ток уради. Техника қуввати камлик қилгани сабаби уни ўзлари уриб ўлдиришади».

Қаҳрамонларимизнинг икки нафаригина, у ҳам бўлса бировни майиб қилгани учун, илгари судланган эди. Демак, уларнинг ҳеч кимдан фарқи йўқ экан-да? Ресторанларда улар еган-ичганига тилла тўлаган, демак, атрофдагилар ҳам билганда буни? Айбдор ким бу ерда?

Бу олтинлар — ялтираган бу тангалар, ичи ковак бу узуклару фусункор дукатлар — бари қаердан чиқди, асрлар зулматиданми ёки бизнинг ҳаётимиздан, мафтункор Урта Ер денгизиданми ёки хирсу ҳаросат қаъриданми — қаердан чиқди булар? Йўлдан оздиргувчи бу жетонлар кимга — Микен заргаригами ёки саҳро қаърига ва ё бўлажак дўкончи хотингами — кимга тааллуқли? Жабрланган ким? Ер ости жавоҳирлари-чи, кимга тегишли, кимники улар?

Биз 10-чақиримда турибмиз. Теварақда «ҳеч кимники бўлмаган» ўтлар яшнаб ётибди. Қаердадир узокларда шимолга қараб ҳеч ким, ҳеч кимники бўлмаган яйловлар чўзилиб кетган, ҳеч кимники бўлмаган дарахтзорлар хароб бўлмоқда, ҳеч кимники бўлмаган дарёлар ва кўллари бўлмағур одамчалар таҳқирламоқдалар? Улар кимга тегишли? Биз билан сиз-чи, бизлар кимники, кимга тегишимиз, бизлар?

Қўл

Тунда уйғондим мен. Кимдир бемаҳал айтди: «Ўлик уммон — муқаддас Байкал».

Бир кўз боқар эди куйдириб этим,
Гўё мен у кўлнинг қотили эдим.

Кўраман — Распутин ухлолмай чиқар.
Аждоди тирилиб келар. У чекар.

Сен бетоб бўлсанг гар бизлар ҳам ғариб,
Байкал — мамлакатнинг биллур жигари.

Кимдир нидо берди ўртаб жонини:
«Байкал — мамлакатнинг кўриқ виждони».

Қайиқда суздим мен Байкал бўйлаб жим:
Сувда шом нурларин ноластин кўрдим.

Ястанган кўзига боқиб Байкалнинг
наҳотки илму фан уни алдади?

Наҳотки биз бир кун тарихга (ўлиб)
киргаймиз Байкалнинг қотили бўлиб?

Балиқ, тюленларнинг соғлиғи ҳақда
хабар бериб бориш керак ҳар куни халққа.

Сув соф бўлсин учун, аввал ишонинг,
тоза бўлмоғи шарт элнинг имони.

Мана, нима учун ёниб қалблари
курашар камолат прораблари:

токи кўриқхона бўлсин кўл, инсон,
токи булғанмасин суви ҳеч қачон,

токи гапирмасин ҳеч ким, ҳеч маҳал:
«Ўлик уммон — муқаддас Байкал».

Қарз

Бу тарих асли надир —
қарзларнинг хандағидир!

Кулин кўкка совурганинг Арбатимни сен қачон
қайтаргунг, Наполеон?!

Уч юз йил аввал бино бўлмаган БАМни қачон
қайтарасан, Чингизхон?!

Менга — ўйлайман ҳар чоғ —
бир дийдор қарздор бу боғ.

Давом этамиз, қани.

Ҳали ўқимаганим
шоир номи олдида бўйнимда қарз бор маним.

Мен қарздорман:
туғилажак авлод олдида,
газ ва сув учун ҳамда
нобуд бўлган шимол балиғи учун.
(У менга «Раҳмат» айтар).

Гуллар келтиргайми биров илкида
илмий-техник инқилобнинг юз йиллигига?

Инсон

Кечир, мен инсонни кечиргил, инсон,—
Россия, Европа, тарих қошида,—
сўқир офатларнинг ваҳшати бу он
юртим ва асримнинг тушмиш бошига.

Кечиргил, мен фақат инсонман ожиз,
Нобель тожи билан сийланган умид.
Чернобиль кулфатин қайтариб куйиб
кетганлар, Сиз мени кечиринг холис.

Айбдор фанми ё одамми — қандай шўриш бу?
Бугун нима бўлди, эрта не бўлар?
Недин огоҳ этди бизни Чернобиль?
Наҳот назоратсиз қолган уруш бу?

Алвидо, алдамчи илинжлар, хайр!
Ҳали ҳам кеч эмас, эсинг йиғ, дунё!
Ў, худо! Мен бугун худо бўлсам гар,
Ночор қолганинг-чун кечиргил, худо!

Худодир ўтларга ўзни ташлаган —
Реакторни тўсиб, ўзи ёнган жон —
Киев, Одессларни қақшаб асраган.
Инсондай йўл тутди, чунки у инсон.

Мўътабар куйларда худо ниҳондир.
Нажотга зор эрур ўзи нажоткор.
Хиросима даҳшатининг тенгдоши доктор
Гейл Россияга етиб келган инсондир.

Касалхона

Айбдорларнинг кимлигин
биз аниқлаймиз кейин.
Билишнинг заҳарланган маҳсули қаердадир?
Вена Карпатдан яқин.
Офат гуллар олчадай,
бошқа бир кўз очилгай.

Нима учун у беҳол мўлтирар палатада?
Молу мулк деб яшамоқ минг карра осон эди.
Чунки фарзандларини ўзи билан тўсди у,
чунки у инсон эди.

Офатни қайтармоққа ночор қолганда робот,
заҳар балққан туйнукка ташланган шу жон эди.
Мену сен тирик қолдик, мену сен қолдик ҳаёт —
чунки у инсон эди.

Мусаввирдай қарайди кўзга йиғиб бор кучин,
Махсус кийимлар кийиб биз турибмиз ёнида
ўзимиз бирлан уни заҳарламаслик учун,
чунки у инсон эди.

Менга, сенга қарайди, қарар мамлакатга у,
Тепасида туну кун врачлар посбон эди,
врач илик ўрнатар — ҳаётини сақлар у,—
чунки у инсон эди.

Донор ҳам, ахир, одам,
ҳаётин мисли Ҳотам
улашмас, Ҳаёт, ахир, туганмас бир конмиди?
Нима учун бу одам
илигин берди у дам?
Чунки у инсон эди.

Отган тонг, уни кўтар,
саккиз жон уйда кутар.
Дарёларни туш кўрар — сувлари гирён эди.
Ишонгум, бу ўлмагай,
халқ бусиз халқ бўлмагай,
чунки у инсон эди.

Нуқта

Митти, бўм-бўш бош чаноқлар — сайёраларнинг
орасида биттасининг вужудида жон.
Миллион йиллар жилмаяди, фикрлайди, тайёрланади,
Моцарт куйин ёд этади, излайди имкон.
Бу — ям-яшил боши эрур заминнинг, инсон.

Висоцкий

Маънавий жараёнда ё ҳаёт, ё мамот, деб
яшаш шартми, Володя?!
«Энергосбит» худо бунга, наҳотки
тушунмас ҳеч балога?
Туёқлар билан олғир
бош чаноғингни ёриб,
калланга тикса омбур
шундоқ кўзинг олдида,
бу ҳолга гувоҳ бўлиб
яшаш шартми, Володя?!
У ёқда нима гап, айт?
Пардалар йўқ. У ёқдан
бу ҳаёт кўзларингга
кўринур қай ҳолатда?
Хабар бормас бу ёқдан,
унда кадр ортида
нималар бор, Володя?
Ё ҳаёт ва ё мамот —
жумбоқми бу ё сабот?
Қандай гапинг бор эди,

ўртаганди қай савол?
Балки илгаригидай
репетициядан кейин
бизнинг уйда кўнглингнинг
ёзгинг келди чигилин?
Бугун «ҳаёт» дегани,
демак, «мамот» дегани.
Ва лекин қабоҳатни
кимдир йўқотмоғи шарт!
Қорайган, таланган бош
чаноғида шу даъват.
Бечора Володя!
Олти йилким куйлайсан,
куйлайсану ўзинг йўқ.
Унутмаганлари-чун
бадавлатсан, кўнглинг тўқ.
«Ё ҳаёт, ё мамот», деб
у ёқдан куйлайдурсан.
Унутмаганлари-чун
бадавлат Ватан узра.

Мухлислар қолди, Гамлет!

Начора, Володя.

Паришон рўзғор ичра хўрсинар ёлғиз аёл:

«Бечора Володя...»

Ҳаёту мамот аро

кетар мангу можаро.

«Мамот» чоҳ қазир «ҳаёт» гумдон бўлсин деб, бироқ

сен эски гап-сўзларни енгдинг,

Сен — ҳаёт энди.

Афсусларким йироқсан, Мозамбикдан ҳам йироқ.

Қайга элтасан, хандақ?

Симёғочларда қандоқ

гап-сўз борар йўлларда?

Гўёки биздан олис бош чаноқлари тўп-тўп

изоляцияторлар бўлиб ўлтиришар уларда.

Кўзлар ва хандақ жавоҳирлари

- Кулранг жигарранг чақноқ мўлтираган маъсум интизор мунис узокни кўра олмайдиган феруза беайб ошуфта фаришта қоп-қора кулонғич қора куйдирадиган эҳтиросли ажойиб зийрак кечирмаган кутурган муқаддас кўк чидаб бўлмайдиган бахтиёр илоҳий мовий —
- (олтин совуқ комиссион ёқут тарашланган юнон турк дабдабали йирик сохта зумрад тўйолди тақиладиган жунжиктирадиган совға қилинган ақлдан оздиргучи тақилган иситилган кадрдон тақиладиган сийқаси чиққан)
- кўрққан тутқун уринган умидсиз аянчли итоаткор қувғинга дучор қилинган —
- (беркитилган асрайдиган яширинган кадрдон илик)
- йиғлоқи даҳшатли тушунмайдиган кўрмайдиган тушуниб етган ғазабнок илтижоли-сўник —
- (кўмиб ташлаган муздай унутилган)
- кулранг шахло беҳаё синчков —
- (тозаланган олтин магазиндагидай ярқирайдиган киримга ёзиб қўйилган юз сўмлик)
- самовий мўлтираган абадий.

Дисплейбой тавбаси

Ҳеч кимга ҳеч нарса қарз эмасман, мен!
Чириб кетсинми ё пуллар қаро ерда!

Верешчагин тўрхалтада
каллаларни бўш
шишалардек топширгани олиб боради.

Ҳа, мен гўрлар очдим.
Сизнинг имонингиз покми,
очмадими буюк-буюк мазоратларни?!
Қонга қўлларимни булғамадим мен —
ўлдирмадим бунда ётган марҳум зотларни.

Менинг исмим надир?
Не дерлар мени?

Ҳар қандай давранинг буқаламуни,
фоҳишабозманми, ғамим йўқ магар?
Фаҳшу ҳисоб-китоб балки комимдир?
Ўзим айтсам агар —
дисплейбой менинг номимдир.

Кийимлари антиқа, боди,
кезар дисплейбойлар авлоди.

Тинч бўлсин десангиз оилангиз гар
дисплейбойни чақиринг уйга.

Дисплейбой, йўл йўқми ортик,
ўтираверамизми тамаки тортиб?

Пул йўқ, кимни шиламиз энди?
Ҳамма ишни қиламиз энди.
«2—17—40 Люба...
олтинларни чақамиз пулга...»

Доктор, бирор чорасини топ.
Дисплейбой тамом бўлди, чоп.
Чап кўкраги зирқирар — азоб.

Сен тун бўйи ухлай олмайсан,
Ухласанг ҳам унутолмайсан:
туш кўрасан шокилаларни —
қизалоқнинг кокилларини.

Валянинг онаси, бадбахт,
режаларни айлади барбод.

Акаслар гуллаяпти

Хандақ —
танкларнинг эски маскани,
булбулларинг қани сенинг?
Бўрибосар-аср танго
тинглар, танго маъкул анго:
«Севги бўлмаса сен мени
чорламагил очиб бағир,
ҳеч қачон қайтмасман, ахир!..»
Муҳаббатнинг бугунги аҳволдан тутақиб —
кўп безовта ўйлар берди менга у, —
тирноқ билан сигаретнинг қулини қоқиб
Венада ўз қиссасини сўйлаб берди менга у.

Вена қиссаси

Уша тун атайлаб шошилмас эдим.
Тун гўзал, кўнглим ҳеч очилмас эди.
Машина титрарди кўппак сингари,
Жувонлик фаслининг барча ҳислари

вужуд-вужудимни ёндирди, куйдим —
ҳаво етишмайин терлаб, бўғилиб
чап ойнани тушириб қуйдим.

Шу он пайдо бўлди икки олифта —
гўё тушгандайин бир хил қолипдан.
«Кўнгилхушлик учун вақт борми, хоним?
Беш юз оқшом учун, бир кечага — минг...»

Мен ловуллаб кетдим. Улар фоҳиша
деб ўйлашди мени. Жимирлади этим:
сен гўзал, сен дилбар, сени хоҳлашди!
Мен норизо эдим. Мен «Майли», дедим.

Шериги қўшилди мовий, беғубор
кўзларин обқочиб: «Балки, кўрайман,
дугонангиз бордир, ўзингиздай — пулдор!
Мен ҳам бир кечага минг сўм сўрайман».

Ў, сотқин маҳлуқлар! Ў, лаънатилар!
Тутунлар бурқситиб ҳайдаб кетдим мен.
Дил эса майлу бахт шавқида ёнди!
«Беш юз оқшом учун, бир кечага минг».

Ишбилармонлар ўзларини хушторларсиз тасаввур қила олмасдилар.

«...23 сентябрь куни, соат 20 да, квартирада... — гр. Ш.га қиймати 10 сўмлик
пошшойи олтин тангани 500 сўмга сотиб олишни таклиф этди. Зеро бундан унга
140 сўм фойдага қоларди ва у тангани айтилган баҳодан камига сотмаслигини ҳам
ўқтириб ўтди. Бироқ жиноий ниятини ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ниҳоя-
сига етказа олмади, чунки Ш. тангани сотиб олишга унамади...»

«...25 сентябрь куни соат 17 да ширакайф ҳолатда гр. Фасонованинг квартираси-
да ҳеч қандай асос-сабабсиз, безорилик ниятида беадаблик билан шовқин кўтариб
Фасоновани ҳақорат қилди. Бундан ташқари дағаллик билан уни елкаларидан чангал-
лаб юзига тупурди, сўнгра ошхонада тутиб олиб калтаклади, баданига, шунингдек,
танасининг бошқа аъзоларига мушт туширди. Суд-медицина экспертизасининг хулосаси-
га биноан уни соғлиғига зиён етказмаган майда тан жароҳатларига дучор қилган.
Ярим соатча безорилик қилиб, бу билан атрофдагиларнинг оромига, хотиржам дам
олишларига халал берган». (1-жилд, ишнинг 201—203-саҳифалари).

Қайга элтяпсан, хандақ?

Ўра

Ўрага сакрадим мен. Кўланка
мени кучоқлади йўлакда.
Тепада ёруғ кун. Бунда бир калла.
Ғовак тупроқ ўзра шу палла
Қоронғи бурчакка юрганим замон,
даҳшатли зарбани сездим ногаҳон...

Кўз очдим мен — ярадор.
Шамлар ёнарди қатор.
Ер ости гўё омбор
Ҳеч кимда кўз йўк, қара,
бирови ичар арақ.
— Бунда сенга нима бор? —
сўрашади жонсарак.
— Бошқача бир кўз керак!

— Стрельцовнинг оёғидай зўр оёқни ол!
Чиннилардан олгил асил,
Синдиргил чил-чил!
Истасанг Ер шарини ол, куйдириб юбор!
Истасанг ол салтанатни, қатлни олгил!
— Нима керак? — сўрашади яна жонсарак.
— Бошқача бир кўз керак!

Кулдилар. Бўзладилар: «Чала туғилган инсон!
Ҳаёт бергилу олгил, Маҳолдир қайтмоқ такрор.
Шоир бир бошдан қанча
ҳаётларни кечирар,
кўзи, гидроки унинг янгиланар неча бор».

Ва мен бир кўз учун барча умрларимдан кечдим.
У, қанийди барини йиғмоққа улгурсайдим,
Бу кўзни мен бирма-бир
Сўқирларга тарқатиб чиқмоққа улгурсайдим.
Ва энг сўнги лаҳзада кўрмоққа улгурдим мен —
Сени, ота-онангнинг ёшлигини кўрдим мен...

«Белкуракни босдинг сен,
пешонангга урилди».
Утлоқда ётардим мен,
кулардиму кулардим.
Мовийликлар қаърига мен ўзимни кўмаман.
Мен сени нақадар яхши кўраман!

Бу ҳаёт опам эмас, севгилимдир бу ҳаёт!
Баданинг, жону дилинг,
лутфингдин умрим обод.

Қуёшдан титрагайлар,
кудуратни тарк этиб
нозик бармоқчаларинг
нигоҳимни беркитиб.

Қайга элтяпсан, хандақ?

Рухлар бизга эргашиб юради. Сўзлар тириладилар. Уз вақтида мен уруш кунларида отилган ва сувга фарқ этилган Закарпатье қирғини кўрбонларига бағишланган «Тирик кўл» шеърини ёзгандим. Утган йили шу шеърни Ричмондда бўлган кечада ўқиб бердим. Кечадан сўнг Ричмонд университетининг адабиёт профессори Уляна Габарра менинг олдимга келди. Рангида ранг йўқ. Кўзларида ҳайрату ваҳшат. У мазкур кўлда бутун оиласи ҳалок бўлганини сўзлаб берди. Унинг ўзи — ўша пайтда жажжигина қизалоқ, тасодифан омон қолган, кейин Польшага бориб қолган. Ундан сўнг эса — Қўшма Штатларга. Ушбу шеър асосида бир замонлар рассом Шагал сурат ҳам чизганди. Суратда олдинги планда бола онасининг тиззасида даҳшатдан серрайиб қолган. Эндиликда, ана шу бола мен учун Уляна Габаррадир.

Ёзаётганим ҳақиқатан ҳам дostonми? Шеърлар туркумими ё? Тўғриси айтиладиган бўлсам, бу мени унчалик қизиқтирмайди. Мени қизиқтирадигани — разолат камайсин дейман. Намдан димиқиб қорайиб кетган калла чаноғи менга термуляпти. Мен саҳифаларда разолатни қанчалик кўп йиғсам, айтсам — у ҳаётда шунчалик камаяди. Наср билан назм бир-бирига боғланадими? Разолат билан ҳаёт-чи?

«Оза» дostonимдаёқ мен илк марта насрни назмга сингдирган эдим, бироқ ундаги насрнинг ўз фантазмогорик вазифаси бор эди. Протокол услубидаги «иш» насри эса фантазиядагидан ҳам мудҳишроқдир.

Бу фактларни гапириб берганимда одамларнинг кимлиги билинди-қолди. Баъзилар бeфapқ қолишди, баъзилар эса бу ишга аралашмасликни маслаҳат беришди. Яхшиямки олижаноб инсонлар кўпчиликини ташкил этади.

Бироқ ҳозир симферополлик усталарга қандайдир шахслар радиожурналда эълон қилинган схемалар бўйича металл исковичлар тайёрлашни буюртма берибди.

Қиссамиз чўзилмоқда. Қабоҳат давом этмоқда. Янги ва янги иштирокчилар юз кўрсатмоқда.

Бу даҳшат қачон тугайди, қачон? Э, йўқ, ҳали мўр-малахдай ёпирилишади, ҳали!..
Қайга элтяпсан, хандақ?

Рейд

Мотоцикллар тириллар. Омонат кассасидан омонатчини судраб чиқишар ёқасидан.
Милиционерлар рейдда ҳар гўшани оралаб,
савдогарларни тутиб улардан пора олар.

Бу жиноят ўйлатади. Охири бўлсин бахайр.
Гаровда синадилар.
Кимки мужмалланса гар, дарахтзорда фаралар
нурида қийнадилар.

«Капитолина, жинси шим деб нега титрар қўлларинг?»
«Ҳар бошлиқнинг панжасига қистирайми не қилай?!»
Капитализм сарқитлари қани бунда, уларнинг
боболари кўрмай кетди капитализмни, билмай.

Каллангизда қандай босқич, лимитчи—болақайлар?
Онг қаърида нелар кечар, англаб бўлмагай ҳаргиз.
Иблисона либосларда мотоциклларида
учадир минг йиллик ҳирс.
Қонунлар ҳам ҳаққонийдир. Юладир погонларни.
Шаҳарча миш-мишлардан серрайди мисоли ер.
Буларни камарларсиз сайрга чиқарар энди
ҳақиқий милиционер.

У бир марта қабиҳ ўқдан яраланиб йиқилган,
пичоқланиб гимнастёркаси икки марта тикилган.

Тез ёрдам

Ишбилармон, айёр чаёнлар
қилмишлари аро дамо-дам
бахтсизларга бағишлаб жонлар
яшаяпти шундай тез ёрдам.

Қайга еляпсан ярим кечада?
Лек ўзингни қутқармоқ керак!
Йўлинг беркдир сенинг, тез ёрдам,
тўсиб турмиш йўлингни хандак.

Бошқа бир кўз

Дийдаларим зирқирар нега?
Бошқа бир кўз керакдир менга.

Не истайман? Уйғониш даврин.
Токи ҳар кент, ҳар битта шаҳрим
маънавият булоғи бўлсин!
Авлодларга ҳирс эмас, токи
қолсин биздан ёруғлик, поклик,
Блаженный мероси янглиғ.
Гиёҳдайин «Янги ҳаёт»да
бошқа бир кўз келди ҳаётга.
У яратди Уйғониш даврин.

Фалсафа устунидай
мен кашф этмоқ истайман
Сухарев минорасин.
Унга қайтадан ҳаёт
мен бахш этмоқ истайман.
Токи минор кўрсатсин бор
нашъ ила намоларин, —
Илмий-техник инқилоби
Пётр замонларин.

Мен истайман, токи уй
ерга етказмай зиён,
ҳаво ёстиқларида
қанот ёзсин кўк томон.
Токи Заминдан бундай
Узоқлашув-чун манга
таъна отмай авлодлар,
осмонга қилсин таъна.

Бошқа бир кўз! Бундай кўзга
амалдорда йўқ бардош.

Бу соҳада Фёдоров
менга сафдош, маслакдош.
20 миллион кўзи ожиз жоннинг яшнар юзлари.
Кундан-кунга очилмоқда мамлакатнинг кўзлари.

Оғир кунларда мен унинг
хузурига келгандим.
Қундузсифат бу инсоннинг
ўткир кўзин билгандим.
Коржомада фазогирдай
бурчин адо этар у.
Учувчига бошқа бир кўз,
нигоҳ ато этар у.

Мен истайман, токи битсин
очлик билан муҳтожлик,
қийналмасин инсон зоти
қачон бўлар деб ойлик.
Иш кунини таёқчалар қўйиб ҳисоблаш даври
аллақачон ўтиб кетган, ҳозир табеллар асри.

Хирс саналмас инсондайин яшагинг келса агар.
Фақат кўнглинг тоза бўлсин, баднафс бўлмасин қалбинг.
Яратганинг ўзингники, машина ҳам буюрсин.
Меҳнатингдан келган олтин балдоқларга бор ҳаққинг.

Хар аёлнинг мушфиқ, оғир ҳаёти давомида,
эгни-боши бут бўлсину кўрсин ҳавасларини,
кечалари — Веласкеснинг рангларини кийсину
кундузлари кийиб юрсин Карден либосларини.

Кийиб, яшаб, азоб чекиб, дош бериб барчасига,
ўхшаши йўқ ақлларнинг етинг даражасига!
(« 8 Март» атири, қаранг, ўсиб кетди-ку,
ёмонликда барча ёмон атирлардан ўзиб кетди-ку).

Ўхшаши йўқ болакай
чошиб борар йўлакда.
Қуёшда тобланар шан
ўхшаши йўқ бир бадан.

Ўхшаши йўқ бир одам
топилмайди бугун, йўқ,
Навқирон Нострадам
Педсоветда урар дўк.

Ярқираган телпақлардан
менга азиз қишлари —

Ўхшаши йўқ ақлларнинг
ўхшаши йўқ ишлари.

Баъзан янги фикрларга
тўсиқлар бор безғулик.
Азоб чекиб ғолиб чиқар
ўхшаши йўқ эзғулик.

Токи дунё кул бўлмасин
ўлат асрида, бешак
ўхшаши йўқ идроклару
кўзлар керак! Кўзлар керак!

Қарғалар

Қарғалар кўчаяпти! Қарғалар кўчаяпти!
Кўкда қора «Волга»лардан асфальт йўл борар тикка.
Бозорча хонавайрон. Хорвинда бўм-бўш перрон.
Электропоезд тўхтаб тинди қоронғиликда.

Ҳамма ёқда тирноқлар. Болаларни асрангиз!
Кулранг қуюн, бошимизда не дер совуқ нафасинг?
Балки бу — ўзгаришлар қуюнида кўшқидан
Супурилган ададсиз бюрократлар галаси?

Йўналишин ўзгартирар. Ўзгаради иқлимлар.
Қайга йўл солдинг, зулмат? Керчгами ё Покровга?
Кўзойнакли махлуқни эслайсанми, ҳийлакор
Ўғрилар галасини юборганди Масковга?

Балки бу — шеърбозлардир, учар ўнг-сўлга бокмай?
Воровский кўчасини босиб кетди патқалам.

Бошимизда самолёт карнайда садо берди:
«Болаларга карангиз! Кўчапти қарғалар!»

Қизчангни коляскада олиб ўтар эдинг сен,
Сен уни қорнинг билан тўсдинг шум самолардан.
Шу маҳал елканг бўйлаб этингни тилиб, юлиб
Қарғаларнинг галаси ўтиб кетди моладай.

Қачондир қизинг билан келгайсизлар пляжга.
Ўзга замонлар нақши баданингда англолар.
Қизингнинг саволига елка қисиб айтасан:
«Эсиз у бахтсиз қушлар! Кўчаётган қарғалар».

Агар ҳирс-очкўзлик вақт ўтиши билан олтин сифатида жамғарилса, бунга қарши ўлароқ беғаразлик санъаткорлар томонидан ғамланиб маънавий бойликларга айланади деб ўйлайман. Наполеон устидан қозонилган ғалаба шарафига умумхалқ хайр-эҳсони ҳисобидан халоскор Исо ибодатхонаси қурилган эди. Третьяковнинг ўз умри самарачисобидан халоскор Исо ибодатхонаси қурилган эди. Третьяковнинг ўз умри самарачисини шаҳарга армуғон этиши ҳам айнан беғаразликнинг ўзидир. Бир вақтлар мен Третьяков галереясининг захдан хароб бўлаётгани хусусида ёзган эдим. Эндиликда Москва сансоларликнинг барча ғовларини бартараф этиб, бинони қайта қуриш ишларига дадил киришиб кетди. Замоскворечьеининг ушбу лоларанг юрагига янги клапанлар ўрнатилади. Аслини олганда, янги бино барпо этилади. Ҳолбуки, қуриш ва таъмирлашда эҳтиёт бўлиб иш тутиш керак, негаки нақ юракнинг ўзи операция қилинади-я! Қисмларга ажратилган Иблис, Верешчагининг «Апофеози», файласуфона Филонов энди тўрт йилга сақловхонага кўчиб ўтади. Энг йирик полотно — Александр Ивановнинг дурдона асарини кўчиришдан аввал эски деворларни сўнгги марта кўриб қўйиш учун мени бу ерга таклиф этишди. Мен галереяга қазиб ташланган кўча ва йўлақлар орқали ўтиб бордим. Ҳадемай бу ерлар чегараланиб, фақат пиёдаларгагина йўл қолдирилади. Хувиллаган заллар нақбу дар ваҳимали бўлиб қолибди! Шундай қилмаса бўлмаслигини, зарурлиги ва бу тадбир яхшилиққа эканини ҳамма биларди, бироқ қанчадан-қанча инсонларнинг, замонларнинг нафаси теккан, сингиган деворлар билан гўё нимадир кетмоқда эди, уларда қандайдир маъюслик зоҳир эди.

Таъмирдан аввал

Галлей кометаси Ерга яқинлашган йилда
Третьяков галереяси билан
хайрлашув

Суратлар олингандир. Хувиллайди хоналар.
Филатовга ўхшаган одам аста нарвондан
Тушиб келар. Сўнгги иш: «Исонинг халқ олдида
пайдо бўлиши»н олиб қўйишмоқда девордан.

Аёллар фиғон айлар. Деворларда йўл-йўл доғ,
Бу ишни мақолалар билан тезлатган ўзинг.
«Исонинг халқ олдида пайдо бўлиши», халқдан
кетар сақловхонага, амалга ошар сўзинг.

Сен ёздинг, буюк ишлар чириб кетмоқдадир деб,
Нега турибсан кўзда ёшинг, лолу зор энди?
Капитан ҳаммадан сўнг тарк этади кемани.
Рассом англаб етмаган Исо, яхши бор энди.

Рассом Исо расмини чизолмади бетакрор.
Кўзлардан узоқлашиб бораётган митти кад.
Яқинлашиб келяпти дея ўйлабсиз бекор,
У тисарилиб, биздан узоқлашар бешафқат.

Хайр, яна кўришгунча Галерея номида!
Хайр, янги қасргача, хайр энди, гўзаллик!
Сени келар авлодлар кўргай энди, комета,
Хайр, бошқа кўзларгача Исонинг зор кўзлари!

Гавжум операторлар тўдасини оралаб,
Желагига ўраниб кўчадан жим, боши хам
Филатовга ўхшаган одам кетиб борарди.
Мен адашдим. Филатов эмас, эди бу одам.

Диагноз

Бир йилким менга тинчлик бермас, хандақ даҳшати.
Бир йилким зирқирайди бошим менинг, қақшайди.

Врач айтди, бош асвбим шамоллатиб кўйибман,
жун қалпоқда юрибман.

Юргизганда бошим узра табиб қўлларин, нохос,
қафтларини музлатади бошимдан эсган аёз.

Оппонентим ҳуриллайди, гўё «бари тамом», деб,
«Айтгандим-ку, модернизм совуқлари ёмон, деб».

Наҳотки ташдан эмас, шамоллаяпман ичдан?
Наҳотки зулмат фикр миям чиқарар ишдан?

Дунёларнинг қаҳратони, ингроқ, фиғони манда.
Қайга элтасан, хандақ?

Олишув

Тишлар ва белкураклар. 10-чакиримда
бизни кўмар мурдалар.
Эски, янги мурдорлар,
кўпроқ қазинг!

Тирикларни
кўймоқ планини биз
ошириб бажарамиз!

Ярим яланғоч бўлиб қазимокда ҳаммаси,
Жасадлар жазаваси.
Ким ўз бармоғин кесар, кимдир ташланар баттол.
Кимдир нафсни дафн этар,
кимдир маданиятга чоҳ қазмоқда бемалол.

Ҳақиқатнинг астарин кўрсатар балки бу чим!
Ким қабрга биринчи бўлиб тупроқ ташлар, ким?
Белкуракларни миниб алвастилар қабрга
кириб боришади жим!

Плакатда ҳаққоний ёзув дилни майдалар:
«Тириклар камчил эрур,
кўпчиликдир жасадлар».
Ўқийлик бор овозда:
«Тирикларга жаноза!»

Бундай қаттол кулгуни мен, кўрмаганман ҳеч қачон,
Мадҳиягўй энди бурро нутқлар сўзлагай чандон.
Грейдер кўрагини ишга солар, тўнгақлар.
Кўйиб берсанг бўлгани — мамлакатни кўмгайлар!

Бироқ, жасадларга қасдма-қасд
барҳаёт заҳматкашлар кўтаргай заминда қад —
Пастернак, белкуракдан букчайган Смеляков
ҳамда олча кўчатини ўтқазаетган болакай.

Улар билан ёнма-ён
Самода борар инсон,
Олтин учун эмас, йўқ,
имонига кўнди у. —

Вертолётда бориб
реакторнинг жасадини
кўкдан туриб кўмди у.

Ўликлар ва тириклар, ўликлар ва тириклар —
мангу жанг, мангу хавф, нафас мангу!
Қарши белкуракларнинг учқунлари чақнайди,
Твердан Янцзигача — ҳаёту мамот жанги.

Пастернак, четан учун тоғолча ўтқаздинг сен,
Беғаразлик ҳар ишда сенга муқаррар бўлди.
Машъаллар ичинда ҳам юксакларда эдинг сен,
Белкуракнинг гардиши сенга гулчамбар бўлди.

Менинг хокисор элим,
сўзда ҳам берар таълим.
Белкуракни бекорга
гулчамбар деб айтмас у.
Бошингиз узра уни кўтаринг сиз, дилдора
бир аёлни кўрасиз — сочлари узун, сулув.

Ўгирилиб турар у.
Кунботарга қарайди.
Ергача тегиб турар узун кокилинг тикка.
Сен учун уфқларда жангу жадал қайнайди —
ўликлар ва тириклар, ўликлар ва тириклар.

Ҳарфлар қандай бўлмасин,
халқлар қандай бўлмасин,
қандай бўлмасин элу юртлар аро кўприклар,
Қанча мижғовлансанг ҳам икки миллат бор фақат —
ўликлар ва тириклар, тириклар ва ўликлар.

Мен яшайман саргашта.
Зарбалар-чун ташаккур!
Сенинг инсон бўлмоғинг-чун йилларим куйгай менинг.
Кесишган белкуракларнинг чиллак шаклларида
қисматларин ўқийман тугаётган асримнинг.

Хандак ёнида излар —
ўликлар ва тириклар.
Борлиқнинг йўқдир чеки.
Белкурагим синди менинг
нечанчидир асрнинг
кошинларига тегиб.

Якун

Ҳаёт — сюжетга хотима, ҳудуд.
Разолатни жазолади суд.
Халойиқ шошади хандаққа томон.
Чўлда тахир-тўзон.
Чопар яна латтага ўраб
келтирмоқда белкурак.
Лекин гул келтирмас бирорта инсон.

Хотима

Мен бор қабоҳатни врач сингари,
варақларга йиғдим бирма-бир,
ёндиarmoқ-чун сени, ҳирс.
Қўлёмалар ёнмас наҳот?
Ловуллаб кул бўлгайлар.
Дерлар, буюклар барҳаёт,
Йўк, хор бўлиб ўлгайлар.

Ёзганларим, олов бўлинг, сен-чи, батамом, беиз
қуйиб кул бўлгил, эй ҳирс!

Барча тўрт қаҳрамон менадан узмас кўз —
Хандак, Ҳирс, Сўз ва Кўз.

— Сен рус равнақи учун Гойя бўлмоқчи эдинг.
Қонхўрлар култепада тиришиб бермоқда жон.
Дўстинг кўксин чангаллади. Рух хароб бўлди энди.
Ёки ўзинг ичингдан ёнмоқдасан ноаён?


Бу сенинг ҳасадингдир — чақирар зиёфатга,
Ҳасад — кўксингда пинҳон сенинг чин моҳиятинг.
Ҳирсдир бу, ҳирсдир бу, ҳирсдан ҳам баттардир бу,
ки дастидан эгриликда барбод бўлди ҳаётинг.

— Сен менинг дўстимни кемирдинг, единг.
Энди даврон сургил бемалол, иблис.
Кўз янглиғ ва ёким тоза моддадек
ажралиб чиқади олов узра ҳирс.
Барча одамлардан фақат мен кўрдим,
аянчли туюлган кулгунгни сенинг.
У кулгуда ҳайвонлик ҳам,
афсун бирлан нодонлик ҳам
бари эди мужассам.
У кулгунинг орқасидан
семиз илондай таранг
балқиб келаверарди
сенинг бепоён тананг.
Шунда аён этдим ҳис
инсонлар ҳалок бўлган
ўшал хандак эрур ҳирс.
Ёрдам беринг! — қичқиришди кавланган ердан.
Шу маҳал сен илжайдинг ҳарис.

Шунда кўрдим мен маккор сезгир нишингни санинг,
ҳаттоки тегиб турар эди юзимга манинг.
Эслайман, нишни ушлаб
пиликдай ёндирдим, чирс
ловуллаб ёниб кетди Камчаткага қадар ҳирс!

«Учта шарт қўйиб жаллод...
Сен мени айла озод...»
«Учта шартми? Жуда соз!
Тамом гумдон бўлгил, ҳирс.
Қайта туғилмагил, ҳирс.
Ҳамда боз —
токи номинг ўчсин, зиён
кўрмасин сендан жаҳон.
Шабнамдайин соф асрда
компьютерни қолдириб лол,
компьютердан узмай кўз
болакай айлар савол:
«Нимадир «ҳирс» деган сўз?»

Рус тилидан Сирожиддин САИДОВ таржимаси



Владимир Карпов

САРКАРДА

Қисса¹

Бу инсон ҳақида ёзмоқ ниятида қўлга қалам тутганим заҳоти вужудимни ёшлик чоғимда унга суқланиб боққан кезларим қамраб олган шодиёна ҳаяжон яна жунбушга келди.

Шодиёна ҳаяжон дедимми? Биргина у эмас. Эндиликда бу ҳаяжонда ёвшаннинг тахир мазаси бор. Бу тахирлик ҳаммамизнинг — унинг, менинг, сизнинг бошингизга тушган мусибатдир. Уруш, умуман олганда ҳаёт қайғу-аламсиз кечмайди. Уни яхши билган кишилар орамизда қарийб қолмади. Улуғ Ватан уруши қатнашчилари авлоди сафлари тобора сийраклашиб бораяпти. Утиб кетаётганимиз дилларни музлатиб, изтиробга солади, бироқ начора — табиат қонунини ўзгартириб бўладими! Одамларнинг бу киши ҳақида билишлари керак бўлган нарсалардан беҳабар қолишлари алам қилади, холос.

Шунинг учун унга атаб китоб ёзишга жазм этдим.

У — мен меҳр қўйган кишилардан эди. Уни китоблар саҳифасидан ёки кино лентасидан яхши кўриб қолганим йўқ. Уни ҳар куни кўрардим-у, айни пайтда ёнига яқинлашиб бўлмайдигандек туюларди. Қарабсизки, у ҳаёт йўлини босиб ўтди, мен ҳам ёшимни яшаб қўйдим.

Ҳаёт мени у билан учраштирганидан бахтиёрман. Бу одам билан учрашмаганимда менинг тақдирим унча оғир бўлмаса ҳам бошқачароқ, қизиқарсизроқ барор топган бўлармиди. Кўп йиллар мобайнида олисларда юрган бўлса ҳам ҳамиша у менинг дилимда эди. Унга дўст ҳам, ёт киши ҳам эмасдим. 1938 йилдан то умрининг охири — 1958 йилгача у менга нисбатан ғоят самимий муносабатда бўлди. Бу ҳақда шу боисдан ҳам дадиллик билан гапиряпманки, бундай хайрихоҳликнинг сабаби менинг шахсий фазилятларимда эмас, балки унинг меҳрибонлиги, раҳмдиллигида, кўнглининг юмшоқлигидадир. Бунинг устига у осмондан оёғини осилтириб тушганлардан эмасди. Вақти келса қаттиққўл, шафқатсиз ҳам бўларди.

Ким ўзи, ўша киши? Иван Ефимович Петров, албатта.

¹ Асар қисқартириб босилаётир.

Мен уни илк бор 1938 йилда учратдим-у, шу лаҳза бир умрга, тамомила яхши кўриб қолдим. У ҳарбий кийимда, гимнастёркасининг ёқасида ўша йиллари бригада командири (комбриг) унвонига тўғри келадиган ромб тақиб юрарди. Офтобда қорайган бу одамни мудом белига тўқасида йирик юлдузли командирлар камари боғланган, ўнг елкасида тасма — портупя, ялтиратиб мойланган этикда кўрардим. Сира-сира кутмаганим — қаншарига пенсе (кўзойнакнинг бир тури) тақиб юриши эди.

Комбриг Петров Тошкентдаги Владимир Ильич Ленин номли пиёда аскарлар ҳарбий билим юртининг бошлиғи бўлиб, бу билим маскани Салор сойининг Паркент кўчаси бошланадиган жойига яқин собиқ кадетлар корпусининг биносига жойлашган эди. Дарвоқе, ҳозирги пайтда бу кўча Генерал Петров номи билан аталади. 61-мактаб ҳарбий билим юртига яқин бўлиб, мен ва кўпчилик командирларнинг фарзандлари шу мактабда таълим олардик. Улар орасида комбригнинг ўғли Юра Петров ҳам бор эди. Бир куни Юра мени уйига бошлаб борди. Шунда мен унинг отаси Иван Ефимович Петров билан онаси Зоя Павловнани кўрдим.

Юра Петровлар хонадонда ёлғиз ўғил эди. У яхши ўқир, дўстлари билан самимий мулоқотда бўлар эди. Эндиликда орамизда Юра йўқ. Подполковник унвонида у 1948 йилда фожиона ҳалок бўлди. Иван Ефимович Петров армия генерали, машҳур совет саркардаси бўлиб етишди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига, кўплаб юксак давлат мукофотларига сазовор бўлди. Унинг ҳарбий хизмати давомида юксак парвозлар ҳам, кутилмаган тушкунликлар ҳам бўлган. Қандайдир машъум адолатсизлик узоқ йиллар бундай яхши инсоннинг кетидан изма-из пойлаб юрди. Ана шуларга жавоб изламоқ зарур. У тўртта қаҳрамон шаҳар — Одесса ва Севастополни ҳимоя қилиш, Керчь ва Новороссийскни озод этиш учун олиб борилган жанговар ҳаракатларга раҳбарлик қилганлардан бири. Генералнинг худди мана шу хизматлари ҳақида ақл-идроким етганича, қўлимдан келганича ёзмоқчиман.

ОДЕССА УЧУН БЎЛГАН ЖАНГЛАРДА 1941 ЙИЛ. ИЮЛЬ

Пассажир поезди июль субҳидамида Одессага яқинлашиб келарди. Офтоб чарақлар, мовий осмонда поездни қаршилаб паға-паға оппоқ булутлар сузарди. Қайдадир бундай илиқ тонгга ярашмайдиган гумбур-гумбур янгради. Чарақлаган қуёш, бўри болалайдиган ёмғир, ҳалиги гумбур-гумбур ёз момақалдиروғи эмас — у ёқда Одессани бомбардимон қилишарди.

Осмонда қора тутун кўриниб, самолётларнинг ғувуллаган овози эшитилгач, поезд тўхтади. Чунки, шаҳарни бомбардимон қилаётган самолётлар айланиб келиб ажал уруғини тўкиб кетиши ҳеч гап эмасди. Поездда бошқа пассажирлар қатори генерал-майор Иван Ефимович Петров ҳам келарди. Бундан бирор вақт муқаддам, уруш бошланмасдан олдин уни Урта Осиё ҳарбий округидан Москвага чақириб олиб, Одесса ҳар-

МУАЛЛИФДАН

Ажойиб ўзбек диёри дунёга жуда кўп зукко, меҳнаткаш ва меҳмондўст инсонларни берган. Бу эзгу хислатлар ўзбеклар сингари, Ўзбекистонга турли ёқлардан келиб яшаб қолган бошқа ҳар хил миллат вакилларига ҳам юқиб, хос бўлиб кетган, десак адашмаймиз. Бу балки чарақлаган саховатли офтоб шарофатидандир. Ахир, инсонлар ҳам дарахтлар сингари нур симириб кўкка бўй чўзмайдиларми?! Менга ҳарҳолда шундай бўлиб туюлади. Менинг болалик йилларим Қорёғди, Қатортерак, Жаркўча деган Тошкент маҳаллаларида ўтган. Хадра майдонидаги Чапаев номли мактаб, Паркент гузаридидаги 61-мактаб ҳам мен учун болалигим ёдгорлигидир.

Биз, бир гуруҳ ёшлар шу мактабларни битиргач, В. И. Ленин номидаги Тошкент ҳарбий билим юртига ўқишга кирдик. Худди мана шу ерда илк дафъа меҳрибон, самимий инсон Иван Ефимович Петровнинг тарбиясини олдик. У ўшанда билим юртида раҳбар эди. Энди менинг «Саркарда» асарининг қаҳрамони ҳам шу киши! Бу одамнинг ҳаёти бизга нисбатан ҳам Урта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи тақдири билан чамбарчас боғлиқдир. У инқилобнинг дастлабки кунларидан ўзбеклар, тожиклар, қozoқлар, қирғизлар билан бир сафда туриб, совет ҳокимиятини ўрнатиш учун ўт-олов кечган эди. Ерлик халқни у ҳамisha қаттиқ ҳурмат қиларди, бунга жавобан, унга ҳам ҳамма эҳтиром билан қарарди. Урта Осиёнинг чекка-чекка жойларида ҳам ёши каттарoқ кишилар вақтида генерал Петровни яхши билишарди! Мен истардимки, ҳозирги янги авлод ҳам уни шундай билса! Унинг фақат инқилоб йиллари эмас, Улуғ Ватан уруши давридаги хизматларидан ҳам воқиф бўлса!..

Петров уруш тугаши билан тўғри қадрдон ўзбек юртига қайтган, бу ерда Туркистон ҳарбий округи кўмондони вазифасига ташинланган эди. Хизмат — ҳамма жойда ҳам хизмат, лекин сен учун ардоқли ерда умр ўтказишга нима етсин, деган эди менга у. Худди шундай деган эди!

Мен асарни Иван Ефимовичга нисбатан юрагимда бўлган камоли меҳр билан ёздим. Асар ўзбек ўқувчилари юрагида ҳам бир илиқлик уйғотади, деб умидланман...

бий округига йўлланма беришган эди. Петров гимнастёркасида ўша давр учун ноёб ҳисобланган учта Қизил Байроқ ордени (биттаси Умумиттифоқ ордени бўлса, бошқа иккитаси — Туркменистон ва Бухоро республикасиники эди), «Ишчи-Деҳқон Қизил Армиясининг 20 йиллиги» медалини тақиб юрарди. Одессага йўлланма олган кунлари у қирқ беш ёшга тўлди. Қотмадан келган офтобда қорайган, ўрта бўйли деса ҳам, новча деса ҳам бўладиган бу киши малларанг сочларининг ўртасидан фарқ очиб тарар, иккита портупеяни елкасидан чавандозларча ошириб боғлаб юрарди.

Бомбардимон тинчиди. Поезд астагина вокзалга кириб келди. Перронда ҳеч ким йўқ. Вокзал биносининг бир неча жойида пайдо бўлган ўйдим-чуқурлардан бурқсиб тутун чиқар, нураб тушган деворларнинг гишт, сувоқлари, ойна парчалари уюлиб ётарди. Поездга ҳеч ким пешвоз чиқмади. Пассажирлар вагонлардан шоша-пиша тушиб олишди-да, юкларини кўтарганларича, шаҳар кўчалари бўйлаб тарқалиб кетишди. Генерал Петров йўлда танишиб олган икки ҳарбий киши ҳамроҳлигида перронда тўхтади-да, бинонинг шикаст еган жойларини кўздан кечира бошлади.

— Навбатчи қаерда экан-а?

— Ҳаммалари ҳалок бўлишмагандир...

Навбатчини ахтариб топишди. У саросимага тушиб қолган, қизил фуражканин қўлида ўйнаганича, генерал берган саволларга пойинтар-сойинтар жавоб қайтарарди.

— Бомбардимон тугади, ҳаёт давом этади, — деди унга генерал. — Худди мана шунақанги жиддий пайтларда телеграф ишлаши керак. Справкалар бюроси ишлаб туриши зарур. Поездлар ҳаракати ўзгаряптими, йўқми — одамларга эълон қилиб туриш, уларни юпатиш, кўрсатмалар бериш мақсадга мувофиқ. Хулласи калом, сизга қарашли хизматчилар оғир ва мураккаб вазиятларда тумтарақай қочиб юрмай ўз ўринларида бўлишлари шарт!

Бу дўқ-пўписа, танбеҳ эмас, оддийгина суҳбат бўлиб, мураккаб вазиятларда ҳеч қачон ўзини йўқотиб қўймайдиган Иван Ефимович гўё бамайлихотир ўйлаб иш тутиш одади билан ўртоқлашаётган эди. Яна бир неча муддат перронда турди-да, вокзал ходимлари маслаҳатларига амал қилиб иш бошлаганликлари, ҳамма нарсани унинг иштирокисиз амалга оширишларига кўзи етгач, шаҳарга чиқиб кетди.

* * *

Петров Орел губернияси, (ҳозирги Брянск областига қарашли) Трубчевск шаҳарчасида 1896 йилнинг 30 сентябрида дунёга келди. Отаси Ефим Петров ҳунарманд этикдўз бўлиб, онаси Евдокия Онуфриевна уй-рўзғор юмушлари билан шуғулланарди. Оилада Ивандан ташқари яна икки опаси ва акаси бор эди. 1906 йили Иван ўн ёшга тўлганида отаси вафот этди. Саводсиз, кунбай юмушлар билан болаларига овқат, кийим-кечак топиш таъшишида юрган она бошқа нима ҳам қилиши мумкин эди. Опаси Татьяна Иванга катта таъсир ўтказганлардан бири бўлди.

Татьяна Ефимовна билан кўп йиллар мобайнида таниш бўлганман. У, Тошкентдаги округ Офицерлар уйида кутубхоначи вазифасида ишлар экан, бизнинг хонадонимизда бот-бот бўлиб турарди. Татьяна Ефимовнани 1966 йили дафн этишимга тўғри келди. У кезларда Иван Ефимович ҳам оламдан ўтиб кетган эди. Татьяна Ефимовна ёлғиз яшарди. Касалхонада вафот қилди. У истеъдодли ўқитувчи эди. Жуда кўп ўқиган бу аёл кўп нарсаларни на фақат билибгина қолмай, ҳамма нарсани қандайдир содда ва тушунарли тарзда изоҳлаб берарди.

1914 йилда биринчи жаҳон уруши бошланди. Урушнинг келиб чиқиши сабабларини фақат газета ва суҳбатлардан билган Иван, табиийки, «Ватанни ҳимоя қилмоққа» ҳали тайёр эмасди. Уша пайтларда у бошқа инқилобий ҳақиқат борлигидан бехабар эди. Сўзсиз, мамлакатдаги тартиб-қоидаларнинг ҳаммаси ҳам Петровга ёқавермаган. Шу боисдан ҳам у жонажон Россиясида яхшилик томонига рўй берган ўзгаришларни кўрмоқчи бўлган, деб фараз қилиш жоиздир. Одамнинг дунёқарашлари ва эътиқоди унинг фаолиятида намоён бўлади. Иван Петровнинг революцион доираларга интилган, деган маълумот бизнинг қўлимизда йўқ. Аксинча, у ўша даврга хос, «Ватаннинг содиқ фарзанди» сифатида фронтга кетмоқчи бўлди. Аммо ёши тўғри келмади. 1916 йили, чақирув ёшига тўлганида эса, ўқитувчилар семинариясини битириб олиши учун қолдиришди. Шу йилнинг кузида Карачев семинарияси тарбиялаб етиштирган йигитларни муддатидан олдин ҳарбий билим юртларига юборишди. Шундай қилиб, Петров 1917 йил январда Москвадаги Алексеев юнкерлар билим юртига бориб тушди.

Москвада Петров атиги беш ой турди. 1917 йилнинг июнида у прапоршик унвонида билим юртидан Астрахандаги 156-пиёда аскарлар запас полкига юборилди.

Кейинчалик Иван Ефимович ўз таржимаи ҳолини баён этиб, шундай ёзди: «Мамлакатнинг сиёсий ҳаёти ҳақида умумий тушунчага эга бўлиб, кўп нарсаларни, хусусан, Октябрдаги кескин ўзгаришларни тушунмас эдим...»

Инқилоб ғалабасидан кейин унинг кўпчилик ўртоқлари Қизил Армия сафида хизмат қилишарди. Йигитлар мамлакат ичкарисидаги ва фронтдаги ишлар, ўзгаришлар ҳақида унга сўзлаб беришди. Ҳаммасини чамалаб, обдон ўйлаб кўргач, Петров ҳам Қизил Ар-

мияга кўнгилли бўлиб киришга қарор қилди ва дўстлари билан биргаликда Самарага қараб йўл олди.

Петров Қизил Армияда хизмат қила бошлаганининг биринчи ойдаёқ большевиклар партиясига кирди. Уша 1918 йилнинг май ойида эътиқодли коммунист сифатида Самарада анархистлар кўзғолонини бостиришда қатнашди. Сўнгра I-Самара Коммунистик отряди таркибиде Сизрань, Мелекес, Симбирск атрофларида исёнкор чехлар билан курашди. Чехословакиянинг исёни бостирилгач, 1919 йилда Петров ураллик оқ казаклар билан жанг қилди. Оқ казакларни яхшигина савалади-ю, ўзи эса ёш казак қизи Зоя Павловна Ефтифеевага «асир»га тушди — севиб қолиб, унга уйланди.

Уша йиллари Петровнинг қандай одам бўлганлигини қариндоши ёзган ва қуйида келтираётганим мактубдан яхши билиш мумкин:

«Муҳтарам Владимир Васильевич!

Мен Иван Ефимовичнинг жияни, унинг Анна деган синглисининг қизиман... Ҳаммамизга иккинчи она бўлган унутилмас Тая холани дафн этганларингиз учун Сизнинг оилангизга чуқур таъзим қиламиз.

Тоғамни граждандар уруши давридан эслайман. Бизнинг онамиз Белоруссиядаги қишлоқ мактабиде ўқитувчи ва мудира бўлиб ишларди. Бувимиз Евдокия Онуфриевна (И. Е. Петровнинг онаси — В. К) ҳам биз билан яшарди. 1919 йилда эса Зоя Павловна — Зоя хола ҳам бизникига кўчиб келди.

Шу давр (уч йил) ичида тоғам бизникига келиб-кетиш учун иложи борича ҳар қандай имкониятдан фойдаланарди. Будёнийчилар бош кийимида, ўнгари товонигача тушиб турган шинель ҳамда гимнастёркада бизга у дostonлардаги баҳодирлардек кўринарди... У келган заҳоти ҳамма нарсага жон кириб, хушнудлик чақмоқ отар, ағдар-тўнтар бўлиб кетарди. (Юра ҳам худди шундай эди!) Битмас-туганмас ҳазил-мутойибаларга бой Ваня тоғам яхшигина ашула айтар, қиёмига етказиб рақсга тушар, гитара ва мандолина чаларди. Онаминг ҳам овози яхши эди. Ҳар оқшомда апил-тапил ҳозирланган қўлбола концертларимизга икки қишлоқ ёшлари тўпланишарди. Тоғам ёшлигида шундай одам эди.

1929 йилда ўқитувчи, биринчи колхоз тузилишининг ташкилотчиси бўлган отамизни қулоқлар ўлдириб кетишди... Онам биз тўрт бола (мен 14 ёшда эдим, Галя ўнда, Вера етти яшар ва эндигина икки ярим ёшга тўлган Володя) ва бувимиз билан қолди. Дастлабки кунларданок Иван Ефимович бизга қўлидан келганича ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бериб турди, кўп ҳолларда отамизнинг ўрнини босиб, унинг йўқлигини сездирмади. Ҳар гал отпусмага келганларида улар Зоя хола ва Юра билан бизникида бўлишарди. Биз ҳам Ашхобод, Тошкент ва Душанбага бориб, уларникида меҳмон бўлганмиз. Юра бир неча йил бизникида истикомат қилиб, ўқишга қатнаган. Нега дейсизми? Ваня тоғам Юра эркатой бўлиб ўсмади, муҳтожлик нима эканини билсин, меҳнатга одатлансин, дерди. Тажрибали муаллима бўлган онамиз ҳамда хонаки мураббиямиз бўлмиш бувимиз бизни меҳнаткаш, софдил инсон қилиб вояга етказдилар.

Владимир Васильевич, бувимиз, яъни Иван Ефимовичнинг онаси Евдокия Онуфриевнани ёдга олмасам бўлмайди. Тоғам ташқи кўринишдан ҳам, афтидан бошқа жиҳатлари билан ҳам унга ўхшаб кетарди. Бувимиз мутлақо саводсиз бўлган, аммо табиий ақл-заковати унинг саводхонлиги ўрнини босарди. Бу донишманд аёл ёшларнинг дўсти, ўртоғи эди. У билан ҳар қандай сиру асрорингни ўртоқлашсанг бўлаверарди... Айни замонда ўзига ва барчамизга талабчан эди...

Оилада ҳаммамизнинг ўз бурчимиз бўлиб, Евдокия Онуфриевна ҳамма юмушларнинг яхши бажарилишини кузатиб турар, ўзининг ибораси жоиз бўлса, «мендан кетгунча...» қабилида иш тутишга йўл қўймасди. Турмушда учраб турадиган ҳар бир ҳодисаю воқеага унда доно халқ мақоли топиларди...»

ҲУЖЖАТЛАР ВА ЭСДАЛИКЛАР 1923—1940 ЙИЛЛАР

...1982 йилда истеъфодаги подполковник Александр Исакович Кондратенкодан хат олдим. Уша олис йилларда бўлиб ўтган воқеалар қатнашчилари сони тобора камайиб бормоқда, шунинг учун мана шу киши ҳақида бир неча оғиз ширин сўз айтишни зарур деб биламан. Узининг ёзишича, у «XIX асрнинг охирларида» дунёга келган, келиб чиқиши казаклардан, биринчи жаҳон уруши қатнашчиси. 1917 йилда ревком составига сайланган. 1918 йилда Боженконинг Тарашчан украин полкида хизмат қилган. Сўнгра ШЧорс, Будённый қўмондонлиги остида жанг қилган. Партияга 1919 йил февралда кирган. Иван Ефимович билан Урта Осиеда танишган. Унинг мактубидан кўчирма келтираман:

«Биринчи марта И. Е. Петров билан йигирманчи йилларда у Биринчи Отлик армиянинг 11-кавалерия дивизиясига қарашли бизнинг 2-кавалерия бригадамизга келганида учрашдим. Уша пайтда у 63-кавалерия полкига ҳарбий комиссар этиб тайинланган, бироқ доимо кавалерия бригадаси комиссари вазифасини бажарарди.

Петров билан полк ва бригада партия мажлисларида, баъзан эскадрон коммунистик ячейкасининг котиби сифатида ҳам командирлар ва сиёсий состав йигилишларида

таклиф этилган кезларим учрашиб туришга тўғри келарди. Иван Ефимович бутун шахсий составнинг иззат-икромиди, меҳр-муҳаббатини қозонган эди...

...Босмачилар тугатилгач, Тошкентдаги И. Е. Петров раҳбарлик қилган В. И. Ленин номили ҳарбий билим юртини битиришдек бахтга мушарраф бўлдим. Одатан у мажлисларга ҳарбий комиссар ва билим юрти партия ташкилотининг секретари билан келарди. Сайлов йўли билан тайинланадиган бу лавозимда узоқ вақт давомида Федор Копитин ишлади. Кейинчалик горнизондаги махсус қисмлар сиёсий бўлимининг инструктори бўлган Федор Копитин Иван Ефимовичнинг юксак партиявий фазилатлари тўғрисида энг самимий сўзларни айтди.

Йирик-йирик революцион байрамлар муносабати билан ўтказиладиган ҳарбий парадларда иштирок этиш учун шаҳар кўчаларидан ўтиб, ҳукумат майдони томон саф тортиб одимлаётган курсантларни Тошкент аҳолиси нечоғли самимий олқишлаб тургани ҳамон ёдимда».

Унча батафсил бўлмаган бу расмий мисраларни маршал С. М. Будёнийнинг «Босиб ўтилган йўл» деб номланган ёдномасида баён этилган, худди 11-отлиқ аскарлар дивизиясидаги хизматига алоқадор бир воқеа орқали тушунтириб бермоқчиман. Бир неча саҳифаларини ўз сўзим билан ифодаласам:

...1922 йилнинг сентябрида 13-ўқчи корпуси жойлашган Когон шахрига ўзини исломнинг барча кўшинлари бош қўмондониман, деб эълон қилган Анварпошшонинг буйруғи билан босмачилар ҳужумга шайланишарди. Ҳужумни фарбий Бухоро босмачилари бошиқларидан бири Абдусатторхон бошқариши керак эди.

Группа қўмондони 11-отлиқ аскарлар дивизиясининг 1-бригадаси олдига Абдусатторхон тўдасини Қизилқумда яксон қилишни, 2-бригада (командири К. И. Овинов)га эса Матчо беқлигини босмачилардан тозалашни топширди. Йиғма отряд тузиб, унга қўмондонлик қилишни Иван Ефимович Петровнинг зиммасига юклядилар.

Йиғма отряд Каттакўрғон ва Жиззахдан чиқиб, 18—19 сентябрда Бухорода тўпланди. Сунгра 20-сентябрда эса бутун операциянинг бошланғич пункти бўлмиш Варанзи қишлоғи томон йўл олди. Отрядга бу ерда сув ва озиқ-овқат юкланган туялар қарвони қўшилди. Шу ерда И. Ф. Куц командирлигидаги мусулмонлар отлиқ дивизиони ҳам етиб келди.

21 сентябрга ўтар кечаси отряд Қизилқумга кирди. Петров отларни аҳён-аҳёнда йўрғалатиб чопишга мажбур қилиб, тонготаргача босмачилар тўдаси турган Султонбиби қудуғига етиб олишни режаларди. Бироқ босмачилар қудуқларни ўлимтиқлар билан тўлдириб, қочишга улгуришган эди. Қумликда офтоб чарақлаб уфқдан бош кўтарар, атроф-теварақ эса тандирдек қизий бошлаганди — ҳавонинг ҳарорати 70 градусгача кўтариларди. Босмачилар Тўқайқудуқ томон кетганлиги кейинчалик маълум бўлди. Уларга етиб олиш учун салкам икки кечаю икки кундуз йўл юриш зарур эди. Қарвон изига қайтди, йиғма отряд эса босмачиларни таъқиб этиб кетди.

Иккинчи сутканинг охирига яқин тамомила кучдан толган отряд тун оғушида қудуқлардан атиги беш километр берироқда дам олишга эгарлардан ерга тушди. Субҳидамда разведкачилар Абдусатторхоннинг 800 га яқин отлиқлардан иборат босмачиларини пайқаб қолишди. Қизиллар отряди саҳрода ҳалок бўлиб кетишдан чўчиб бу ёқларга кела олмаслигига қаттиқ ишонган босмачилар бепарвосизларча иш тутишарди.

— Тўсатдан зарба берамиз, — деди Петров.

Мазгилнинг орқа томонига Н. П. Сидельников (кейинчалик Улуғ Ватан уруши иштирокчиси бўлган, истеъфодаги генарал-полковник) командирлигида 62-отлиқ аскарлар полкининг кучайтирилган эскадрони юборилди. Улар эҳтиёткорлик билан олға силжирдилар. 61-отлиқ аскарлар полкининг 2-эскадрони командири А. П. Листовский минган от чопқирлиги билан донг чиқарганди. Командир уни катта тезликда чап томондаги қора уйларга қараб бурди. Усти-бошига қараганда қандайдир бир қўрбоши қора уйдан ҳаллослаганича унга пешвоз чиқди-да, алланималар дея бақирганича маузердан ўқ узди. Листовский уни асирга туширмоқ ниятида:

— Қуролингни ташла! — деб буюрди ўзбек тилида.

Қўрбоши эса (у Абдусатторхоннинг ўзгинаси эди!) бунга жавобан яна ўқ узди. Бу ўқ узиш ўзининг тақдирини ҳал қилиб қўяқолди. Листовский уни қора уйнинг ёнгинасида қиличдан ўтказди...

Н. П. Сидельниковнинг мазгилнинг ичкари томонидан қилган ҳужуми муваффақиятли бўлди — биронта ҳам босмачи қочиб қутулолмади. Отлиқ аскарлар катта миқдорда инглиз қуроллари, от, туя ва бошқа ўлжаларни қўлга киритишди. Ўзлари эса деярли талафот кўрмадилар.

И. Е. Петров қўмондонлигидаги 11-отлиқ аскарлар дивизияси жангчиларининг Тўқайқудуқ атрофидаги шиддатли ҳужуми 13—ўқчи корпус қўшинларига қарата чиқарилган буйруқда қайд этилган:

«Туркман бригадасининг 2-туркман отлиқ аскарлар полки командири Петров Иван Ефимовичга...

ТАВСИЯНОМадан. 1929 й.

Уртоқ Петров менинг раҳбарлигимда 1928 йил августдан 1929 йил мартгача ишлади. Отлиқ аскарлар полки миқёсидаги назарий ва ҳарбий тайёргарлиги етарли. Оператив вазиятда тез хулоса чиқара олади. Отлиқ аскарлар полкининг собиқ комиссари сифатида катта тажриба орттирган.

Табиатан юмшоқ. Интизомли. Одобли. Яхши командир ва жамоатчи. Ахлоқ жиҳатидан барқарор. Қўшин хўжалиги — штаб ишини қониқарли даражада билади.

Полк командири лавозимига муносибдир.

Отлиқ аскарлар бригадасининг командири ва комиссари Мелькумов».

Катта командирлар ва бошлиқлар хулосаси:

«Босмачиларга қарши ўтказилган операцияларда ўзининг энг яхши томонларини намён этди. Алоҳида бригада командири лавозимига навбатдан ташқари кўтаришга лойиқдир.

САВО қўшинлари қўмондони Дибенко. РХКнинг вақтинча аъзоси Жильцов».

«1-туркман тоғ-ўқчи дивизиясининг командири Петров Иван Ефимовичга ТАВСИЯНОМА. 1932 йил.

Уртоқ Петров ғайрат-шижоатли, иродали, ташаббускор кишидир. Ўтган ўқув йилида жанговар тайёргарликни уддалай олди. Тактика ва отиш бўйича тайёргарликлари яхши баҳоланмоқда.

Ўз устида кўп ишлайди. Ўрта Осиё шароитини яхши билади. Маҳаллий тилларда гаплаша олади.

Дивизия командири — ҳарбий комиссари лавозимига муносибдир.

Ўрта Осиё Бирлашган ҳарбий мактабининг бошлиғи — ҳарбий комиссари сифатида фойдаланиш зарурки, кўп миллатли бу мактабда ўртоқ Петров Ўрта Осиёда ишлаб орттирган тажрибаси ва маҳаллий тиллар ҳамда урф-одатларни билиши билан фавқулодда фойдали.

САВО¹ қўшинлари қўмондони Дибенко. РХК аъзоси Баузер».

Петров 1933 йилда Қизил байроқли Бирлашган Ўрта Осиё ҳарбий мактабининг бошлиғи бўлди. Бу мактаб 1937 йилда Тошкентдаги В. И. Ленин номи Қизил Байроқли ҳарбий билим юртига айлантирилди. Билим юрти то 1934 йилга қадар босмачи тўдаларини тугатиш учун олиб борилган жангларга қатнашди.

Иван Ефимович нафақат совет офицер-кадрларини тайёрлади, бироқ ўзи ҳам ҳарбий одам сифатида, ҳам шахс сифатида камол топди.

Петров маҳаллий миллатга мансуб кишилардан командирлар тайёрлаш ғоясининг оташин тарафдори эди. У, қобилиятли йигитларни кунт билан излаб топарди-да, қўлида ўрта мактабни тамомлагани ҳақида ҳужжати бўлмаса ҳам ўқув юртига қабул қилаверарди. Бу йигитлар ўрта мактаб ҳажмидаги кўникмаларни билим юрти қучоғида олишарди. Одатда бундай йигитлардан энг яхши офицерлар етишиб чиқарди. Ана шулардан бири — ҳозирги пайтда Андижонда истиқомат қилаётган Маҳкам Саидович Саидовнинг ҳикоясини тингланг-чи:

«Ўттиз тўртинчи йил эди. Кунлардан бирида, иккинчи курсни тамомлагач, бўм-бўш казармада юрган эдим, рўпарамдан комбриг Петров чиқиб қолди. Унга честь бердим.

— Отпускага жўнаб кетмадигизми?— сўради у, олдимга келиб тўхтаркан. Хиждолат тортиб, уялиб кетдим. Ўзимни қўлга олиб:

— Етимман, ўртоқ комбриг,— дедим унга,— кимникига ҳам борардим...

Петров менга диққат билан боқиб турди-да, индамай нари кетди. Эртасига мени штабга чақиртиришди. Борсам йигирма нафар менга ўхшаган уй-жойи йўқ курсантлар тўпланиб туришибди. Билим юртининг бошлиғи ҳузуримизга чиқиб пенсне — кўзойнаги ортидан бизга эзгулик билан қараб қўйди-да:

— Барча қатори сизлар ҳам дам олишга борасизлар,— деди.— Ҳаммангизнинг ҳам оилангиз бор, жуда катта, жуда яхши оилангиз бор. Бу — Қизил Армия! Ленинградга борасизлар.

Комбригимиз Ленинграддаги билим юртининг бошлиғи билан телефон орқали гаплашиб, масаланинг моҳиятини тушунтирган, бизни меҳмонлар сифатида кутиб олишлари тўғрисида келишиб олган экан. Ўз қишлоғидан ўзга жойни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган етимча эндиликда ўртоқларим билан Ленинградга жўнаёпман...

Нақ эртанинг ўзгинаси-я! У ерда бизни илиқ кутиб олишди, қўлимизга гулдасталар тутқазишди. Билим юртига жойлашдик. Курсантлар ошхонасида овқатланамиз... Сирасини айтганда, бизнинг бориб-келишимиз учун деярли катта чиқим ҳам бўлгани йўқ. Аммо Петровнинг оталарча ғамхўрлигини ҳеч қачон унутмайман...»

Орадан кўп йиллар ўтди. Ҳозир Саидов истеъфодаги полковник. Унинг кўксидида

¹ САВО — Ўрта Осиё ҳарбий округи.

Қизил Байроқ, I ва II даража Ватан уруши, иккита Қизил Юлдуз орденлари, «Жасурлиги учун» медали мардона ва матонат билан жанг қилганидан далолат бериб турибди. Саидов ҳикоясининг ниҳоясида шундай сўзлар бор: «Умрим бўйи генерал Петровнинг самимий меҳр-муҳаббатини дилимга жо қилиб яшадим, унинг юзини ерга қаратмадим — виждонан хизмат қилдим, устодим уялиб қолмасин, деб жангларга кирдим».

1941 ЙИЛ. АВГУСТ. ОДЕССА.

Фронгга 12 минг коммунист ва 73 минг комсомол жўнаб кетган. Мамлакатдан узилиб қолган қаҳрамон шаҳарнинг жанговар таржимаи ҳоли мана шундай бошланар эди. Генерал Петров шу кунлар мобайнида контр-адмирал Жуков билан биргаликда жангларга раҳбарлик қилди. Жуков ҳам Совет Армияси саркардасига хос таржимаи ҳолга эга...

...Бу воқеа генерал Петровнинг дивизиясига қарашли Разин полкида содир бўлди. Рота сиёсий раҳбари Яков Васильковский ана шу воқеанинг шоҳиди бўлган экан. Кейинчалик у билан учрашганимда ҳикоя қилиб берганларини сизларга баён этмоқчиман. Душман янги куч билан ҳужумга ўтиб, бизнинг окопларимизга яқин келиб қолади. Уларга қараб ҳамма ўт очади. Лекин, чап қанотдаги пулемётнинг овози чиқмайди.

— Чап қанотдаги пулемёт нега жим?— Комбат Сергиенко қаҳр билан телефон трубкасига бақиради.— Қандай кор-ҳол рўй берди, зудлик билан текширинглар!..

Рота командири лейтенант Гринцов чап қанотга қараб ошиқади. Пулемёт расчёти яқинда келиб қўшилган жангчилар бўлиб, Гринцов улар билан ҳатто жанг олдидан ҳам суҳбатлашиб олишга улгурмаганди. Гринцов қараса, расчёт соппа-соғ, пулемётчи эса прицелга энгашничча турибди.

— Нега отмаяпсизлар?— сўради Гринцов.

— Ҳали узоқ. Яқинроққа келишсин,— деди пулемётчи хотиржам...

— Улар сени гранаталарга кўмиб юборишади.

Лейтенант бу ўжарни итариб юбормоқчи эди-ю, аммо пулемётчи отишни бошлаб юборди. Душман солдатлари аниқ отилган ўқлардан қуларди.

— Баракалла!— беихтиёр мақтаб қўйди Гринцов.— Қара, нечтасини қириб ташландинг-а! Орденга сазовор бўлдинг энди!

Пулемётчи ўгирилиб қараган эди, лейтенантнинг рўпарасида шаҳло кўзлари чақнаб турган лобар қиз намоён бўлди.

— Орден — яши нарса, ўртоқ командир,— деди у.— Фақат мен бу ерга орден деб келганим йўқ. Оптимизда Одессам турибди!

Жангдан сўнг комбат Сергиенко ҳам жасур пулемётчи қиз билан танишгани келди. Унинг исми-шарифи Нина Онилова эди.

— Сиз «Чапаев» кинофильмидаги Анканинг ўзгинаси экансиз!— деди у.— Шундай бўлса ҳам, ёдингизда турсин: душманни бунақанги яқин келишига йўл қўйиш мумкин эмас. Пулемёт ишламай қолгудек бўлса, душман гранаталар ёғдириб, окопларимизга тушиб олиши мумкин.

— Хўп бўлади, ўртоқ капитан!

Жасур пулемётчи қиз ҳақидаги миш-мишлар генерал Петровга ҳам етиб борибди. Уни мукофотга тақдим этиш ҳақида тавсиянома ҳам. Генерал нечундир қоғозга имзо чекмади, Ониловани чақириб келишларини буюрди. Қиз чанг-тупроқ босган уст-бошда кириб келди. Юзида милтиқ мойи билан қоракуя излари.

— Фашистларни қандай дўппослаганингизни сўзлаб беринг,— дея илтимос қилди Петров.

— Ҳамма қатори дўппосладим.

— Йўқ, барча қатори эмас, сиз уларга жуда яқин келишга имкон бергансиз,— луқма ташлади генерал.

Онилова кўзларини четга олиб деди:

— Аниқ, бехато савалаш учун... Уқлар зое кетмасин, деб...

Генерал кулиб қўйди.

— Баракалла! Довюрак қиз экансиз! Сизга катта сержант унвонини беряпман.

Онилова генералга ҳайратомуз боқди. Петров қизга яқинлашиб, унинг кўлини қисиб қўймоқчи бўлди. У эса, ҳарбийчасига эмас, қизларга хос ишва билан қўл узатди. Петров Нинага рухсат берди-да, суҳбат чоғи ҳозир бўлган Ковтунга:

— Ажойиб қиз экан!— деди.— Тавсияномада Қизил Юлдуз орденига тақдим этишибди. У эса Қизил Байроқ орденига арзийди! Ҳали ёўргина қиз-у, дадиллигини қаранг! Атайин чақиртирдим, чунки, иқроп бўлишим зарур — биронта бошлиқнинг маҳбубасимикан, деб ўйлабман. У ҳақиқий жангчи экан!..

ФРОНТ ХАРИТАДАГИ ЧИЗИҚ ЭМАС — ОДАМЛАРДИР

...1954 йилда Москвадаги А. М. Горький номи Адабиёт институтини тамомладим-да, куз кунларидан бирида Петровни бориб кўрдим. Уша кезларда у Москвада истиқо-

мат қилиб, Мудофаа министрлиги Бош бошқармаларидан бирининг бошлиғи лавозими-ни эгалларди.

Китобхонлар эътиборини ана шу лавозимга айнан Петровнинг тайинланганлигига қаратмоқчиман. Урушдан сўнги йилларда Бош штабда ишлаб, Улуғ Ватан уруши тажрибасининг умумлаштириш бораётгани, Совет Армиясининг янги устави яратилаётганини билардим. Устав тузилиб, жанговар тайёргарликка жорий этилиб улгурилмасданоқ атом қуроли пайдо бўлди. У ҳақда на назария, на амалиёт бор. Мутлақо янги стратегия, оператив санъат ва тактика яратиш зарур эди.

Петровга алоқадор бу улкан ва масъулиятли иш ҳақида кейинроқ ҳикоя қиламан. Ҳозир эса, генерал учун куч ва илҳом манбаи — у кўмондонлик қилган солдат ва офицерларда бўлганини кўрсатиб бериш ниятидаман.

Уша куни Петров институтдаги ўқишларимдан сўраб-суриштирди. Биз ўрганаётган фанлар ҳақида биринчи йили Константин Федин, сўнгра уч йил мобайнида Константин Паустовский, охириги курсда эса Александр Чаковский ижодий раҳбарим бўлганликлари, Леонид Соболев бошчилигидаги комиссия олдида диплом ҳимоя қилганлигим ҳақида сўзладим. Петров қандайдир яшириб бўлмас завқ-шавқ билан тинглар экан, мен тилга олаётган ёзувчиларнинг исмлари, Адабиёт институти бағридаги талабалик ҳаётим унинг учун ёқимли мусиқадай янграётганини сезардим. Дарҳақиқат, шундай бўлган эди. Иван Ефимович жуда кўп мутолаа қилар, адабиётни чуқур биларди. Ушанда у менга самимият билан:

— Сенга ҳавасим келаётганини билсанг эди, Володя!— деди.— Ёш бўлсанг ҳам катта йўлни босиб ўтдинг. Урушнинг ўзини айтмайсанми!.. Кузатувлар ва таассуротларнинг бундай запаси ёзувчи учун гоят фойдалидир. Мана мен, сирасини айтганда, кичкина бўлса-да, табиат менга инъом этган рассомликни рўёбга чиқаролмадим. Кўнгил ёзиш учун чизиб тураман...

Иван Ефимовичнинг мўйқаламига мансуб расмларни кўрганман. Уларнинг аксарияти мойбўёқ ва акварель бўёғи билан чизилган манзаралар тасвири. Моҳирона, нозик таъблик билан чизилганки, ҳатто у Строгановдан таҳсил олган экан, деган гап ҳам тарқалган. Бироқ бундай хулосани у билан қурган суҳбатларим мавзулари ҳам, унинг таржимаи буни ҳам тасдиқламайди.

Уша суҳбатимиз чоғида Петров бир қизиқ мулоҳаза айтган эдики, шу боисдан вақ-тидан олдин бўлса ҳам 1954 йилни тилга олаётирман.

— Лев Толстой айтган сўзлар аниқ ёдимда йўқ — деди у.— Лекин, маъноси шундай: рус кишиси жиддий ҳолларда ўзлигини айниқса ёрқин намоён этади, ҳатто иложсиз вазиятларда ҳам тушкунликка асир бўлмай уни енгиб ўтишга куч топа олади. Одесса ва Севастополь учун олиб борилган жангларда, умуман бошқа жангларда ҳам, Толстойнинг шу мушоҳадаси ҳаққоний эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Табиатимизнинг наздимда гоят муҳим хусусиятига бир эътибор бергин-а, Володя! Қийин синовларда бошқаларнинг тарвузи кўлтиғидан тушиб, ўлимга маҳқум этилганлиги туфайли ҳаракат қилиш ва фикр юритиш қобилияти туғаб-битган бир пайтда рус жангчиси, эндиликда совет жангчиси гўё ўзини ростлаб олади-да, охириги нафаси чиққунча курашади. Ҳалок бўлаётган чоғида ҳам довураклиги билан душманни мағлуб этади... Борди-ю, қачонлардир севастополликлар ҳақида ёзмоқчи бўлсанг буни тасдиқлайдиган юзлаб ёрқин мисолларни топасан. Ақалли ўн биринчи дзот ҳимоячиларини ёки танкларни зенит тўпларидан ўққа тутган Пьянзин батареясини, ёхуд омборларнинг кулини қурка совуриб кўплаб фашистлар ва техникани гумдон қилган жумбоқли портлашни олайлик. Уша портлаш тўғрисида ҳанузгача бирор нарса ёзилгани йўқ... Фронт харитадаги чизик эмас, ҳар бири ўз хусусиятига, орзу ва тақдирига эга тирик одамлардир...

Ушбу китоб устида ишлар эканман, Толстойнинг Иван Ефимович эслаган сўзларини излаб топдим. Шуниси қизиқарлики, Петровнинг ёдида қолган мулоҳаза Лев Толстойнинг бадийий текстида эмас, кундалигида бор экан. Демак, Петров буюк ёзувчининг ижоди билан нафақат маълум ва машҳур асарлари орқали таниш бўлиб қолмай, балки унинг кундалик ёзувларини ҳам ўқиган.

«ТОҒЛАР ВА ДЕНГИЗ»

1943 йил январнинг бошларида мамлакатимиз жанубида вужудга келган вазият қуйидагича эди: қўшинларимиз Сталинград остонасида Паулюснинг 6-армиясини батамом тор-мор қилиб, ҳалқани сиқиб бориб, бошқа қисмлар билан Ростов ва Донбасс томонларга қараб ҳужумга ўтдилар. Олий Бош Қўмондонлик Ставкани Закавказье фронтининг кўмондони генерал Тюленевга Краснодар-Тихорецк йўналишида ҳужумга тайёрланишни буюрди. Бу вазифани Қора денгиз группаси қўшинлари бажара оларди. Генерал Тюленев ўзининг эсдаликларида шундай ҳикоя қилади:

«Буйруқни олгач, генерал Петров иккаламиз қаттиқ ўйга ботдик. Бундай операцияни ўтказиш учун «қораденгизчилар»да куч етарли эмасди. Москва эса шошилиш равишда жавоб кутарди. Шундай қилиб, «вариант талвасаси» бошланди. Гоҳ мен, гоҳ Иван Ефимович ўз вариантимизни олдинга сурагимиз, ҳар томонлама муҳокама қилиб, унисини

ҳам, бунисини ҳам рад этамиз. Уларнинг ҳаммаси ҳарбий-назарий ва амалиёт нуқтаи назардан пуч бўлиб чиқаверди.

Олий Бош Қўмондоннинг буйруғида олдинга сурилган мақсад кишини ўзига тортарди: Батайска қишқимиз билан душманни мушкул аҳволга солиб қўямиз. Лекин, вазифа ҳаддан ташқари қийин эдики, ҳамма жойда тўсиқларга дуч келинарди. Одесса ва Севастополни қаҳрамонона ҳимоя қилишда кўпгина қийинчиликларни бошидан кечирган генерал Петров ҳайрон.

— Нима дейишимни ҳам билмайман, Иван Владимирович,— деди у елкасини учтириб.— Вазифа ғоят мураккаб. Сизни ранжитмоқчи эмасман, аммо Ставка таклиф қилган планнинг муваффақиятли амалга оширилишига кўзим етмаяпти.

— Ҳечқиси йўқ, Иван Ефимович, бардош берамиз. Ставканинг кўрсатмасини эса муҳокама қилишга ҳаққимиз йўқ,— дедим мен.— Сен бўлсанг, йўлсозларинг, сапёрларингга топшириқ бер — чаққонлик ва идрок мўъжизаларини бир кўрсатишин. Яна таъкидлайман, кутишга ҳаққимиз йўқ... Автотранспорт, замбараклар, ҳарбий от-аравалар юра оладиган йўлсиз ҳужум ҳақида ўйламасак ҳам бўлади. Юк тушириб яна ортишга мўлжалланган станциялар ташкил қиламиз, диспетчерлик хизматини йўлга қўямиз.

И. В. Сталин агар Москвадан Ставканинг кўрсатмаси юборилган бўлса, унинг жавобини узоқ кутишни ёмон кўрарди. Буни билганим учун ҳам штабга қайтгач, Москвага кўнғироқ қилдим.

— Уртоқ Сталин,— дедим,— Лазарев-Майкоп ва Горячий Ключ йўналишларидаги жойлар ҳақида қилинган рекогносцировка¹ ҳужум катта қийинчиликлар билан боғлиқ эканлигини кўрсатди.

— Нима, сиз,— Олий Бош Қўмондон гапимни кесди,— қандайдир сеҳрли кучга умид боғлаясизми? Ҳужум бошланиши керак! Қанчалик тезроқ бошланса, шунчалик яхши...

— Уртоқ Сталин, Петров билан мен ҳужумнинг муваффақиятли хотимаси хусусида хавотирланяпмиз. Биз илгари ишлаб чиққан Майкоп планига қайтишни сиздан илтимос қиламиз.

Сталин, афтидан мулоҳазага борди шекилли, бир дақиқа жимиб қолди, сўнгра суҳбатимиз тугаганини аңлатмоқчи бўлиб:

— Уртоқ Тюленев!— деди.— Петров билан Масленниковга айтиб қўйингки, Ставка таклиф этган Краснодар варианты кучда қолади!

И. В. Сталин Краснодар йўналишидаги ҳужумимиз режаси билан танишиб чиққач, диққатимизни Қора денгиз группаси душманининг ўз техникасини ғарбга ташиб кетишига ҳалақат бериши, Шимолий Кавказ группировкаси йўлини шарқ томондан тўсиб, уни қириб ташлашга қаратди...

Ўз фикрларини сир сақлаш қадимдан саркардаларга одат. Буни тасдиқловчи мисоллар маълум. Россияга иттифоқдош бўлган Австрия ҳукумати ва қўмондонлиги вакиллари Суворовдан: «Французларга қарши ҳаракат режалари қандай?— деб сўраганларида Александр Васильевич бир варақ тоза қоғозни стол устига ташлаб: «Мана, режакларим... Мен ўйлаб, калламда сақлаб юрган гапларни ҳатто шляпам ҳам билмаслиги керак»,— деган экан. М. И. Кутузовдан сўраганларида: «Агар режаларимни ҳатто ёстигим билиб қолгудек бўлса, унга бошимни ҳам қўймайман» дебди.

Петров ҳам белгилаб қўйилган санани охириг кунигача айтмаган.

МАРШАЛ ЖУКОВНИНГ КЕЛИШИ

...1943 йилнинг бошларида гитлерчилар қўмондонлиги, умуман Гитлер учун ҳам содир бўлган аҳвол енгил эмасди. Манштейннинг Паулюсни қутқариб қолиш учун Сталинград остонасига ошиқаётган бутун группировкаси қирилиб кетиш хавфи остида эди. Вазият шу қадар кескин эдики, 19 февралда Гитлер Запорожьёга учиб борди ва у ерда Манштейн ва Клейст билан учрашиб, энг ошиғич чораларни муҳокама қилди.

Бу ҳодиса генерал Петров қўмондонлик қилаётган қўшинларимизга ҳам алоқадор бўлгани учун бирмунча муддат Гитлер армиялар «А» группаси қўмондони Клейст ва армиялар «Жануб» группаси қўмондони Манштейн билан суҳбат олиб бораётган штабда бўламиз:

Манштейн, агар унинг қўшинлари Кубань плацдармида резерв ҳисобига кучайтирилмаса, Ростов бўсағасидаги фронтда муваффақият қозонилмайди, деди. Генерал-фельдмаршал Клейст эса фюрернинг ғазабидан қўрқмай, очиқдан-очиқ ҳоли хароблигини, Кубанда Сталинградга ўхшаш иккинчи жаҳаннам пайдо бўлишини таъкидлади. Запорожьёда бўлган йиғилишда нималар рўй бергани билан, яхшиси, фюрернинг адъютанти Отто Гюнешнинг ҳикояси орқали бохабар бўла қолсак, дейман:

«Гитлер қирувчи самолётлар кузатувида ўзининг «Кондор»и билан Запорожьёга парвоз қилди. Генераллар Йодль, Буле, адъютантлар, врач Морель ва камердинер²

¹ Рекогносцировка — душман тўғрисида маълумот тўпламоқ учун командирнинг ўзи ўтказадиган разведка.

² Камердинер — шахсий уй хизматкори.

Линге унга ҳамроҳ бўлишди. Узи билан Запорожьедаги йиғилиш протоколини ёзиб бориш учун котибаси Шредер ҳамда икки нафар стенографистни ҳам олиб жўнади... Келган кунининг эртасига Гитлер Днепропетровскдан ташриф буюрган, ДнепроГЭСни тиклаш ишларига раҳбарлик қилаётган инженер Брукманни қабул қилди. Брукман Германияда машҳур одам бўлиб, Нюрнбергдаги партия съездлари ўтадиган бинони барпо этган эди. Днепропетровскда у «Тодт» курилиш ташкилотининг раҳбарларидан бири эди. Гитлер Брукманга чекиниш лозим бўлиб қолса, ДнепроГЭСни бузиб юборишни буюрди. Сўнгра йиғилишга жўнади.

Гитлернинг кабинетига Линге ўтирарди. Шу пайт фюрернинг адъютанти Белов ҳал-соллаганича кириб келди.

— Тезроқ жуфтакни ростлашимиз керак!

— Нима бўлди?

— Запорожье аэродромида рус танклари! Вақт ғанимат. Шошилиш керак!..

Вужудига титроқ кирган Линге лаш-лушларини йиғиштира бошлаган ҳам эдики, хо-нага Гитлер кириб келди. У бениҳоя асабийлашган ҳолда Лингега қараша бошлади. Юкларни автомобилга жойлаб бўлишганида Белов, рус танклари Запорожьедан шарқ-роқдаги аэродромга ёриб ўтганлигини, лекин тезда улоқтириб ташланганлиги ҳақида хабар қилди. Гитлер энгил тортди...»

Гитлернинг совет танкларидан кўрқиб қочиши воқеаси ўша пайтда вазият нечоғлик кескин бўлганлигини кўрсатиб турибди. Қўшинларимизнинг Шимолий Кавказдаги ҳужумини тўхтатиш учун гитлерчилар қўлидан келадиган барча чораларни амалга ошириб кўрди. Бунинг учун Тамань ярим оролига қараб чекиниш жараёнида фронтнинг тобора торайиб бориши натижасида резервга чиқариб қўйилган дивизияларни яна жангга кири-тишга мажбур бўлдилар. Қрим ва Донбассдаги аэродромлардан, ҳатто Тунис, Голландиядан ҳам бомбардимончи самолётлар чақирилди. Шундай йирик куч жамғариб олган гитлерчилар қўшинларимиз ҳужумини тўхтатишни уддалай олдилар ва «Готенкопф» («Гот боши») деб аталмиш мустаҳкам мудофаа чизигини барпо эта бошлашди. Уни баъзан «Гот чизиги» дейишарди. (Бизнинг адабиётимизда унга «Мовий чизиқ» деб ном берганлар).

«Гот чизиги»нинг яратилишига Гитлер ва унинг қўмондонлиги катта умид боғлаган бўлиб, бу билан Кавказ учун бошланадиган янги ҳужум операцияларини ривожланти-риш назарда тутилган, Кубань плацдарминини сақлаб қолиш керак эди. 20 мартда Гитлер ўз фельдмаршаллари билан суҳбатни давом эттириш учун яна Запорожьеге учиб келди. Бу ерда у «Готенкопф» чизигини яратиш ва уни ушлаб қолиш режасини узил-кесил му-ҳокама қилди. 28 мартда бош штабнинг бошлиғи Цейлер бу қарор ҳақида армиялар «А» группасининг қўмондонига «Фюрер 17-армия «Готенкопф»нинг йирик позициясини ушлаб туриши ва унга Новороссийскни киритиши лозим, деган қарорга келди»,— деб хабар қилди.

Новороссийскни «Готенкопф» доирасига киритиш ҳақидаги ана шу охириги сўзлар гитлерчиларга кўп ташвиш келтирди. Новороссийскнику улар қўлларидега сақлаб қолиша олмади. Шундан ташқари шаҳар остонасидаги совет қўшинларининг «Кичик ер» аталмиш плацдарми мудофаа чизигининг муҳим позицияларини ҳам хавф остида қолдирарди. Бу хавфни йўқотиш учун гитлерчилар қўмондонлиги махсус операцияни ишлаб чиқди. Бошқаларига ҳам берилгани каби унга «Нептун» деган шартли ва романтик ном қўйилган эди.

Иван Ефимович қўшинлар группаси қўмондонидек юксак мавқега эга бўлишига қарамай ўз одатига содиқ ҳолда олдинги жабҳада бўлиб турар, Кичик ерда эса жангчи ва командирлар билан суҳбатлашар экан, ҳар доим улар билан тил топишиб кетарди.

Краснодар ишғол қилинган, армияларимиз давом эттирган ҳужум ўз ривожини топа олмай 22 февралда бутун Шимолий Кавказ fronti бўйлаб тўхтаб қолди.

Шундай қилиб, қўшинлар Қора денгиз группасининг «Денгиз» ва «Тоғлар» деб ном-ланган иккала операцияси турли натижалар билан бўлса-да, амалга оширилди. «Денгиз», яъни Новороссийск ишғол этилмади, аммо Мисхако яқинида муҳим плацдарм яратилди, «Тоғлар» деб аталган фронт операцияси натижасида эса қўшинлар Краснодарни қўлга киритиб, душманни ундан қирқ-олтмиш километр нарига улоқтириб ташладилар.

Умуман олганда (Жанубий фронт қўшинлари билан ҳамкорликда) душманнинг Кубань группировкасини худди Ставка томонидан буюрилганидек қуршаб олишга улгурма-дилар. Бу албатта, катта муваффақиятсизлик эди. Ҳужумнинг шиддатли тарзда ривож топа олмаслигига лойгарчилик сабаб бўлди. Кавказда баҳор барвақт келиб, февралдаёқ барча йўллар яроқсиз ҳолга тушиб қолди. Нафақат йўллар, аэродромлар ҳам аслида қўлдан-қўлга ўтавериб, доимий бомбардимонлар оқибатида яроқсиз ҳолга келган эди. Чекиниш пайтида гитлерчилар темир йўллар, автомобиль йўлларини бузиб кетишар, натижада қўшинлар ўқ-дори, озиқ-овқат билан вақтида таъминланмас, артиллерия орқада қолиб кетарди.

Ҳар ҳолда шуни айтмоқ керакки, умуман олганда фронт операцияси муваффақият-ли кечиб, Нальчик, Пятигорск, Черкесск, Минеральные Воды, Ставрополь, Армавир ша-ҳарлари озод қилинди. Қора денгиз группаси Майкоп ва Краснодарни халос этди. Жану-

бий фронт Ростов томонга чиқиб, 14 февралда шу шаҳарни озод қилиш билан бирга гитлерчилар армиясининг Кавказдаги группировкасини Украинадаги қисмларидан тамомла узиб ташлади. Бунинг устига 17-армиянинг орт томонида Азов ва Қора денгиз бор эди.

Гитлерчилар қўмондонлиги «Готенкопф» мудофаа чизигини мустақкамларди. Тамань ярим ороли ва Кубань плацдармида немисларнинг кучи етарли бўлиб, улар совет қисмларининг ҳар қандай ҳужумини шу куч билан тўхтатишга қодирмиз, деб ўйлашарди. Шунинг учун ҳам Гитлер, ҳатто «А» армиялари группаси қўмондони Клейстга отпуска беришни лозим кўрди.

Москва Тамань группировкаси қуршаб олинмагани учун норози эди. Ставка Кавказга маршал Жуков бошчилигидаги группани юборишга қарор қилди. Бу группа жойлардаги вазият билан танишиб, бўлғуси ҳаракатлар вазасидан режа қабул қилиши, аниқроғи уни белгилаб чиқиши керак эди.

Бу ҳақда генерал Штеменко шундай деб ёзади:

«Бош штаб Шимолий Кавказ фронтида шароитнинг икир-чикирларигача ўрганиб бўлгач, 17 апрелда ўз хулосаларини Олий Бош Қўмондонга айтди ва шу билан бирга Шимолий Кавказ фронтидаги мавжуд ва яқин вақтлар ичида бу ерга келадиган кучлар ва воситалардан фойдаланиш планларини ҳам топширди. И. В. Сталин яқиндагина Белгород яқинидан келган Г. К. Жуков билан маслаҳатлашиб олди. Г. К. Жуков немис қўмондонлигининг Таманда туриб қолган 17-армиясидан 1943 йилнинг кўклами ва ёз ойларида ҳужум операцияларида фойдаланиш эҳтимоли борлигини, Тамань плацдармининг мумкин қадар тезроқ тугатиб, душманни у ердан Қримга улоқтириб ташлаш мақсадга мувофиқлигини айтди.

Олий Бош Қўмондон бу фикрларни мулоҳаза қилиб бўлгач, Жуковга бундай деди:

— Ўзингиз шахсан аҳвол билан танишсангиз ёмон бўлмасди. Нима учундир кейинги вақтларда Масленниковнинг иши юришмай қолди. Фронт ҳаракатлари биз хоҳлаганчалик ижобий натижалар бермаётир... Ўзингиз билан бирга Бош штабдан Штеменкони олиб, ўша ерга борсангиз...

Ўшанда Олий Бош Қўмондон Тамань ярим оролидаги жангларда Ставканинг резервида турган махсус НКВД дивизиясидан фойдаланишга рухсат берди. Дивизияга полковник Пияшев командирлик қиларди. Бу қўшилма ўша пайтда энг тўлақонли қўшилмалардан бири бўлиб, унинг состави 11 минг кишигача етган эди.

Эртасига, 18 апрель тонгига биз Краснодарга учиб кетдик. Бу командировкага Г. К. Жуков Ҳарбий-Ҳаво Кучлари қўмондони А. А. Новиков билан Ҳарбий-Денгиз Флоти Халқ комиссари Н. Г. Кузнецовни ҳам таклиф этди».

Краснодар аэродромида Ставка вакилларини генерал Масленников кутиб олиб, ўз штабига бошлаб кетди. Бу ерда 58, 9 ва 37-армияларнинг қўмондонлари ҳам бор эди. Жуков командирларнинг ахборотларини эшитгач:

— Вазифани бажариш йўлини Кубаннинг жанубидан ахтарамиз,— деди.— Эртагаёқ ўша томонга йўл оламиз!..

19 апрель кунини эрталаб Жуков билан Штеменко 56-армиянинг қўмондонлик пунктига етиб келишди. Армия асосий зарбани Крымскаянинг жанубидан, ёрдамчи зарбани эса шимолдан бериши лозим эди. Душман бу ерда янги келган пиёда аскарлари, танклар ва авиациясини жангга ташлади. Армия Крымскаяга яқинлашди-ю, лекин уни қўлга кирита олмади. Ҳужум қилаётган дивизияларда ўқ-дорилар етишмас, артиллерия ҳамда танклар кам эди.

Командарм А. А. Гречко шароит ҳақида ахборот бераркан, армиянинг эртанги кунга белгиланган навбатдаги ҳужумга тайёр эмаслигини тўғридан-тўғри айтди. Г. К. Жуков унинг фикрига қўшилди ва армиянинг ҳужумини беш кун кейинга, яъни 25 апрелга белгилади. Бу вақт ичида ўқ-дорилар, ёнилғи, Олий Бош Қўмондоннинг резервидаги артиллерия, янги авиация кучлари ҳамда НКВД дивизияси ҳам етиб келиши керак эди. Бундан ташқари 56-армияни фронтнинг пассив участкаларидан келтириладиган гвардия миномётлари ҳисобига кучайтириш ҳам кўзда тутилган эди.

Жуков ҳужум бошланганига қадар корпуслар ва дивизияларда бўлиб, у ердаги аҳволни ўз кўзи билан кўришни истарди. Асосий йўналишда ҳаракат қилаётган қўшинларга яқин бўлиш ҳамда Краснодарга бориб келиш учун беҳуда вақт сарфламаслик мақсадида Георгий Константинович шу армияда ўз пунктига эга бўлишни Масленниковга таклиф этди. Қисқаси, Жуков бу ерда туриб қўшинларнинг жанговар ҳаракатига ўзига хос қатъият билан раҳбарлик қила бошлади.

Жуков йирик кўламда фикр юритадиган омилкор одам бўлиб, Кавказда бўлган чоғида Курск ёнида етилаётган улкан операция қанотларини таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қиларди. Кавказга жўнаб кетишдан аввал Сталин билан сўзлашар экан, немис қўмондонлиги Таманда ўтириб қолган 17-армиясидан 1943 йилнинг кўклами ва ёзидаги ҳужум операцияларида фойдаланиши мумкин, деган фикрни тўғридан-тўғри айтди. У Тамань плацдарминини иложи борица тезроқ тугатиш мақсадга мувофиқ, деб биларди. Жуков моҳир шахматчи сингари кўпгина юришларни олдиндан кўрган ҳолда ҳаракат қиларди.

Операцияга пишиқ-пухта тайёргарлик кўрилди. Жуковнинг режасига мувофиқ қўшинларни қайтадан группалаш амалга оширилди. Асосий йўналишда ҳужум қилаётган 56-армия сезиларли воситалар, жумладан Олий Бош Қўмондон Резервидан артиллерия бошқа фронтлардан олиб берилаётган йирик авиация кучлари ҳисобига кучайтирилди. Енилги, ўқ-дорилар, зарур анжомлар юкланган эшелонлар келарди. Жуков 21 апрелдан бошлаб авиация кучларидан душманнинг мудофааси, таъминот базалари ва аэродромларига қараб ёпирилма зарба бераверишни буюрди. Кичик ерликларга ёрдам бераётган авиациямиз 200 тагача самолётдан иборат группа бўлиб учаркан, бу ҳол фаол ҳаракат қилаётган душманнинг попугини пасайтириб қўйди.

Гарчанд маршал Жуков ўзининг штабига эга бўлмаса ҳам унинг барча фармойишлари Шимолий Кавказ фронтининг генерал И. Е. Петров раҳбарлигидаги штаби орқали расмийлаштирилар, қўшинларга етказилар, сўнгра уларнинг ижроси назорат қилиб бориларди. Бу ишни амалга ошириш осон эмасди! Жуковнинг талабчанлиги ва чўрткесарлиги ҳаммага маълум. Операцияни қисқа муддат ичида тайёрлаш, айниқса штаб учун қийин. Саркарда ғоят муваффақиятли маневрларни ўйлаб қўйиши мумкин, аммо уларни рўёбга чиқариш учун қўшинлар ва кучайтириш воситаларининг жойини ўзгартириб, бу маневрларни разведка, алоқа, транспорт, ёнилги, ўқ-дорилар ва бошқа моддий воситалар билан таъминлаб туриш зарур. Моддомики, Жуков тезлик билан операцияни ўтказишга ўзи қўл урган экан, фронт қўмондони генерал-полковник Масленников унинг ўринбосаридай бўлиб қолганди. Маршал Жуковнинг феъл-атвори, ўзига хос хусусияти ва хизмат нуқтан назаридан унинг мавқеига келсак, бу ҳоллар фронт штаби зиммасига тўлақонли, катта ҳажмдаги юмушларни юклади. Олдиндан айтиб қўяқолай: Иван Ефимович ўз олдига қўйилган вазифани дўндириб удаладики, бунга китобхон мазкур бобнинг сўнггида ишонч ҳосил қилади.

Шундай қилиб, Жуков билан Штеменко барча армияларни бориб кўришди. Маршал, айниқса асосий йўналишда кунт билан ишлади. Бу ерда у барча дивизия командирларини тўплаб, ҳар бирига унинг дивизияси операциясида қандай ўрин тутиши зарурлигини икир-чикиригача тушунтирди. Мана бу факт Жуковнинг тайёргарликка нечоғлик жиддий аҳамият берган эканлигидан далолат беради. Маршалнинг, сўзсиз, вақти зиқ бўлган — у шошиларди, чунки уни Москвада ва Курск остонасида кутишарди. Шундай бўлса-да, Жуков ҳали ҳамма нарса шай эмас, деган хабарни олгач, ҳужумни бошлаб юборишга рухсат бермади, уни Штеменко ёзганидек: «...Яна бир неча кунга — 25 апрелгача кечиктиришга тўғри келди. Фақат шу пайтдагина бутун куч ва воситалар тўла тайёр ҳолига келтирилиши мумкин эди».

Шу ерга келганда қандай қилиб генерал Петров «Тоғлар» операциясини бошлаганини китобхонларга эслатиб ўтишни жуда-жуда истардим. Артиллерия ўшанда ўт очиш позицияларига чиқмади, айрим қисмлар ҳали ҳам йўлсиз тоғлиқ жойлардан ўзининг дастлабки марралари томон ўтар, Сталин эса: «Петровга айтиб қўйинглар, ҳужумни бир соатга ҳам кечиктирмай, резервлар келиб қўшилишини кутиб ўлтирмай ўз муддатида бошласин», деб қаттиқ талаб қиларди.

Жуков ҳаракат эркинлигига эга эмасди, албатта. Ставка вакили ҳамда Олий Бош Қўмондоннинг ўринбосари сифатида у нафақат муддатни белгилаш билан машғул бўлар, балки бошқа фронтлардан ва РВГК¹ воситаларидан ҳам жалб этарди.

Шу ерга келганда ўша воқеаларни ўз кўзи билан кўриб, жуда яхши таъриф-тавсифлаган генерал Штеменкога яна сўз бераман:

«Ниҳоят, 29 апрель ҳам етиб келди. Биз 56-армия қўмондонининг кузатиш пунктига жойлашиб олдик. Эрталаб соат 7 дан 40 минут ўтганда тўплардан душман позициясини ўққа тутиш бошланди. 100 минут мобайнида фронтнинг бутун артиллерияси авиация билан биргаликда душман мудофаасини ағдар-тўнтар қилиб ташлади.

Мана, энди, тўплар душман позициясининг орқа томонини нишонга ола бошлади. Пиёда аскарларимиз эса Крымскаянинг шимоли ва жанубини ҳибсга олиб ҳужумга ўтдилар. Бу ерда асосий қаршилик кўрсатиш маркази бўлиб, немислар қаттиқ туриб ҳимоя қилардилар.

56-армия турган жойда бир кеча, кун мобайнида қаттиқ жанглар бўлди. Душман, айниқса, ўнг қанотда тез-тез қарши ҳужумга ўтиб турди. Қўшинларимизнинг бир кечакундузда олға силжиб бориши бир ярим-икки километрдан ошмасди.

Операциянинг бешинчи куни Пияшевнинг махсус дивизиясини жангга солишга қарор қилинди. Г. К. Жуков бу дивизиянинг кучига катта баҳо бериб, Пияшев билан бевосита алоқада бўлиш учун телефон ўрнатиш ҳақида буйруқ берди ва менга уруш ҳаракатларининг бориши ҳақида у билан шахсан боғлаб туришни топширди.

Дивизия армиянинг биринчи эшелонига кечаси олиб чиқилди. Эрта билан бу дивизия Крымскаянинг жанубида ҳужумга ўтди ва тез орада душман артиллериясининг кучли зарбаси остида қолди. Полклар ерга қапишиб олган, ҳужум тўхтаган.

Г. К. Жуковнинг 56-армиядалигини яшириш учун у Константинов деган шартли фамилия билан аталарди.

¹РВГК — Олий Бош Қўмондон резерви.

У мендан:

— Пияшев ҳужумни бошлаши керак! Нима учун ётиб қолишди?— деб сўради. Мен дивизия командирига телефон қилдим:

— Константинов ҳужумни давом эттиришни талаб қилмоқда!

Бу гапга қилинган жавоб, кутилмаганда ғалати бўлди:

«Гапираётган ким ўзи? Ҳамма буйруқ бераверадимми? Бундан ҳеч қандай иш чиқмайди. Ўтаверсин унинг...»— хунук ибораларни ишлатди Пияшев.

Жуков эса:

— Пияшев нима деяпти?— деб сўраб қолди шу пайт. Дивизия командири ҳам эшитсин учун Жуковга баланд овоз билан:

— Ўртоқ генерал, Пияшев буйруқни бажариш чораларини кўрмоқда,— дедим. Полковник учун шу гапнинг ўзи етарли эди. Пияшев Константиновнинг кимлигини тушуниб қолди ва кейин унинг барча фармойишларини сўзсиз бажара бошлади.

4 май кuni кечқурун душман ҳар икки томондан қўршаб олинishi натижасида Кримскаядан улоқтириб ташланди. Биз шу заҳотиёқ немислар мудофаасини кўздан кечириш учун улар ҳайдаб чиқарилган ерга бордик... У ерда қатор-қатор траншеялар, биридан-бирига ўтадиган йўллар: ертўлалар ва бирмунча очиқ жойлардан ташқари, Новороссийск цементи билан барча ғиштин уйларнинг ертўлалари ҳам дотларга айлантирилган экан. Бундан ташқари, станцияга кираверишда танклар башнясигача ерга кўмилган эди.

Ҳужумнинг бундан кейинги кунлари ҳам анча машаққатли бўлди. Айниқса, Киевская, Молдаванская ва Небержаевск яқинида қўшинларимизнинг ҳаракати тўхтаб қолди. Разведканинг маълумотига кўра, бизнинг олдимизда янги, кучли мустаҳкамланган жой бўлиб, бу ерга чекинган душман қисмлари жойлашиб олган ва унинг резервлари келтирилган экан. Бу мудофаа истеҳкомлари «Мовий чизик» деб аталарди. Уни даб-дурустандан ёриб ўтиш учун бўлган уринишлар фойда бермади. Бундан кейин ҳам катъият кўрсатишнинг фойдаси йўқ эди. Шунинг учун 15 мартда ҳужум операциялари тўхтатилди. Янги мудофаа районини ёриб ўтиш учун бошқа операция ташкил қилиш керак эди. Бунинг учун эса вақт ва воситалар талаб қилинарди.

Олий Бош Қўмондонлик Ставканинг вакили учун бундан кейин бу ерда қолишнинг ҳожати йўқ эди.

ОЛИЙ БОШ ҚҶМОНДОН БИЛАН УЧРАШУВ

Августнинг охирида Ставкадан узоқ кутилган кўрсатма олинди. Унда Шимолий Кавказ фронтига Қораденгиз флоти ҳамда Азов флотилияси билан биргаликда бир йўла қуруқлик ва денгиздан зарба бериб, душман мудофаасини ёриб ўтиш, унинг Тамань группировкасини тор-мор этиш, Қримга чиқишига йўл қўймаслик буюрилган эди.

Бу лўнда, лекин кўп нарсани ўз ичига оладиган буйруқни Петров кўп марталаб қайта-қайта ўқиб чиқди, унинг умумий маъноси ва ҳар бир сўзига тушуниб етди. Кўрсатмани ўқиган сайин дастлабки сарфланган сермашаққат меҳнат зое кетмаганидан унинг севинчи, мамнунияти тобора ошарди. Лекин, операцияни тайёрлашга қарийб вақт қолмаган — орадан бир неча кун ўтгач, режани шахсан Олий Бош Қўмондонга гапириб бериши керак.

Қўмондон Ҳарбий кенгаш аъзолари билан штаб бошлиғини ўз ҳузурига таклиф этди. Ўзидаги яхши кайфиятни яширмай Ласкинга:

— Қарорда ҳеч қандай ўзгариш бўлмади,— деди.— Аммо вақт ғанимат. Яхшиямки, бизда ҳамма масалалар ҳал қилингандай... Ҳарқалай операция режасини узил-кесил ишлаб чиқишга киришинг, Иван Андреевич. Замбараклар ўти, авиация зарбаси ҳамда денгиз десантининг ҳаракатлари орасидаги ҳамжиҳатликка дахлдор барча масалаларга обдон ишлов берилган бўлиши керак. Ахир, жангни жанубнинг зимистон тунида бошлаяпмиз-а!..

Ҳарбий кенгаш аъзоси генерал А. Я. Фоминих кўрсатмани ўқиб чиққач:

— Бундан келиб чиқадики, Новороссийскка мўлжалланган асосий зарбангиз ўз кучида қолар экан-да?... Хайр, майли, жангчиларга қаратилган мурожаатни тайёрлайверамиз,— деди.

Фоминих ҳамиша ўзини вазмин тутар, партия ходими сифатида эса ўта кам гап эди. Кундалик иш жараёнида шошма-шошарлик қилмас, одамлар билан мулоқотда бўлганида етти ўлчаб бир кесадиған, ишбилармон эди.

Ҳарбий кенгаш аъзоси Б. А. Баюков кўрсатмани ўқиб чиққанидан сўнг мурожаат қилди:

— Асосий зарба қаерга берилиши айтилмаган. Эҳтимол Новороссийсккадир? Мен тўғри тушундимми, ўртоқ қўмондон?

Петров тўғри дегандек бош ирғади.

Петров бош штабга, Олий Бош Қўмондонга ахборот бериш учун хариталар, справкалар ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаб қўйишни штабга буюрди.

Кечқурун Иван Ефимович ахборот бермоқ учун маршал С. К. Тимошенконинг ҳузурига борди. Ўз навбатида у Петровнинг айтган сўзларини тинглаш билан бирга Ставкада ўзини қандай тутиши юзасидан маслаҳат берди. Семён Константинович Мудофаа халқ

комиссари бўлган пайтларида Сталин билан тез-тез мулоқотда бўлгани сабабли ҳам унинг одатларини биларди.

Операция режаси Бош штабнинг фронт оператив бошқармасида, сўнгра Бош денгиз штабда кўриб чиқилди. Шундан кейин кўмондонни Бош штаб бошлигининг биринчи ўринбосари Алексей Иннокентьевич Антонов ўз ҳузурига таклиф этди. Петровни у ниҳоятда самимий кайфиятда қабул қилди. Яқин ўтмишда, 1942 йилнинг июль-декабрь ойларида генерал Антонов Шимолий Кавказ fronti, сўнгра қўшинларнинг Қораденгиз группаси ва Закавказье fronti штабларининг бошлиғи бўлганди. 1942 йилнинг декабрида у Бош штабдаги юксак лавозимга тайинланди. Ставканинг уни танлаб олиши тасодифий ҳол эмасди, чунки генерал Антонов истеъдодли штаб ходими сифатида ўзини намён қилди.

Петров ўйлаб қўйган барча режаларни Алексей Иннокентьевич қўллаб-қувватлади, у ҳам Сталин билан бўлажак суҳбат чоғида ўзини қандай тутиши зарурлиги борасида қатор дўстона маслаҳатлар берди. Чунки, нафақат бўлғуси операция режаси, балки Петровнинг келажақдаги тақдири ҳам бу учрашувга боғлиқ эди.

Бу Петровнинг Сталин билан илк бор учрашуви эди. Шу боисдан ҳам Олий Бош Қўмондоннинг кабинетига киришидан анча буруноқ Иван Ефимовични ҳаяжон қамраб олган эди.

Уша учрашув ҳақида Иван Ефимовичнинг ўзи сўзлаб берган ҳикоясига асосланиб ёзаман:

— Сталин мени зимдан, диққат билан тикилган кўйи қарши олди,— дейди у.— Яқинроққа келди. Саломлашди. Унинг юзида чечак излари... Илгари уларни расмларида кўрмагандим. Ҳайратландим шекилли... Афтидан ҳорғин кўринарди. Бўйи мендан сал пастроқ. Бу ҳам кутилмаган бир ҳол: илгари узоқдан, кинохроникалардан кўрганимда росмана басавлат эди... Сталин қисқагина қилиб: «Гапираверинг, ўртоқ Петров»— деди-да, харитани ёзиш мумкин бўлган стол томонга ишора қилди. Олий Бош Қўмондоннинг ҳар бир дақиқаси ғаниматлигини тушунган ҳолда лўндароқ ахборот беришга ҳаракат қилдим. Ахборотимдан сўнг Сталин Антоновдан: «Бош штабда қандай фикр бор?»— деб сўради. Антонов: «Бош штаб Шимолий Кавказ фронтининг операция режаларини кўриб чиқди ва уни маъқуллаш мумкин, деб билади»,— деди. Сталин гўё овоз чиқариб фикр юритаётгандек шошилмай гапира бошлади: «Демак, Таманда бизга қарши 17-немис армияси, мустаҳкамланган марра ҳамда ҳужум қилиш учун шароити оғир жой бор. Лекин бу армиянинг орқа томонида Керчь бўғози турибди. Сизлар билан эса Қораденгиз флотилияси. Флот билан ҳамкорликда амалга оширилган ҳаракатларда орттирган икки йиллик тажрибангиз бу операцияда унинг кучларидан тўғри фойдалана оласиз, дейишга асос бериб турибди. Вазифангиз немис армиясини тўқайлар, кўрфаз ва бўғозларда чўктириб юборишдан иборатдир. Дарвоқе, Ставкада сизни мудофаа мутахассиси деб билишади. Аммо урушнинг бу даври биз учун тамом бўлди. Ўзингизни ҳужум операцияларига раҳбарлик қилишда кўрсатишингизга тўғри келади». Олий Бош Қўмондон ҳужум планини ўзгартишсиз, тузатишсиз тасдиқлади. Бирон бошқа мавзуни тилга олмади. Яқинлашди, хайр-хўшлашар экан, қўлимни қисди-да: «Бу операцияда сизга, ўртоқ Петров, муваффақият тилайман»— деди эзгулик билан...

Уша куниёқ Петров Кавказга қайтиб келди. Сталин авваллари ҳам Петровга сиртдан хайрихолик қилар, унинг 1941 йилнинг оғир дамларида, Одесса ва Севастополь қаттиқ ҳимоя қилинган пайтлардаги хизматларини яхши биларди. Душманнинг Боку томонга берган зарбасини даф этиш ҳурмат-туйғусини янада кўпроқ мустаҳкамладики, Петровнинг Қора денгиз қўшинлари группаси, сўнгра Шимолий Кавказ fronti қўмондони этиб тайинланиши бундан далолат беради.

Олий Бош Қўмондон Петровни на фақат ҳурмат қилиб қолмай, балки уни ёқтириб қолгандек эди, Иван Ефимович Москвадан қайтиб келиши биланоқ унга генерал-полковник унвони берилгани ҳақида телеграмма олди. Афтидан, Сталин яхши хизматлар қилаётган генералнинг погонларидаги юлдузлар озлик қилади, деб ўйлаган бўлса керак.

Иван Ефимовичга келсак, у режа маъқуллангани, унвон берилишидан ҳамда Сталин билан бўлган учрашувнинг охири бахайр яқунланганидан бир ғайратига ўн ғайрат қўшилиб, қўшинларни жангга шайлашга киришиб кетди. Дарҳақиқат, инсон боласининг табиати қизиқ: унга самимий сўз, очиқ чеҳра билан қаралса бас. Бундай муносабатдан болалар ҳам, саркардалар ҳам ўзларини бахтиёр санайдилар.

Ўйлайманки, худди шу яхши кайфиятнинг ўзи, шодиёна кўтаринкиликни ҳис этиш Улуғ Ватан уруши ҳақида ҳанузгача академияларда ўрганилиб келинаётган қийин ва ёрқин операциялардан бирини муваффақият билан ўтказиш имконини берди. Эндиликда бу ҳақда кўплаб тадқиқотлар ёзилиб, кандидатлик ҳамда докторлик диссертациялари ёқланди.

НОВОРОССИЙСК ОПЕРАЦИЯСИ

1943 йил 9 сентябрда ўтар кечаси генерал Петров ўзининг Дооб тоғи яқинида жиҳозланган кузатиш пунктига жунаб кетди. Ундан нарироқда Қора денгиз флоти қўмон-

донининг, жануброқда эса 18-армия қўмондонининг кузатиш пунктлари жойлашган эди.

Петров ҳаммани тўплашга буюрди. Учрашувга фронт ҳамда 18-армия Ҳарбий кенгашларининг аъзолари ҳам келишди. Бу митинг ҳам, йиғилиш ҳам эмас, жанговар дўстларнинг катта ва масъулиятли жанг арафасидаги гурунги эди, холос. Сўхбатни Петров ўзи учун одат тусига кириб қолган йўсинда олиб берди.

... Иван Ефимович одамлар кайфиятини нафақат тушуниб, сезибгина қолмай, балки уларнинг қалбларини ёндириб жасоратга илҳомлантиришни ҳам биларди. Уша куннинг ўзидаёқ, 7 сентябрда Петров Қора денгиз флоти қўмондони вице-адмирал Владимирскийга ва 18-армия қўмондони генерал Леселидзега 9 сентябрга ўтар кечаси соат 2 дан 15 минут ўтганда ҳужум бошлаш ҳақида кўрсатма берди. Минг-минглаб тирик жон билан боғлиқ бўлган сир урушда ана шундай махфий сақланади! Операция ишлаб чиқилган, ҳамма нарса тахт, аммо «Ч» — ҳужум палласи қачон етиб келишини уни аллақачон белгилаб қўйган танҳо қўмондон биларди, холос...

Қўмондоннинг адъютанти Юрий Петров ошхонада отасига паст овозда ўғит берарди:

— Овқатланиб олинг, уззукун тиним билмайсиз...

Аммо Петров овқатга қўл теккизмади: овқат еб ўтирадиган вақт эмас, бутун вужуди билан у бўлажак жангга берилган... Ниҳоят, Иван Ефимович икки стакан чой келтиришларини илтимос қилди. Чойни шошилмай ичди. Сўнгра соатига қараб олгач:

— Вақти келди, — деди. — Кузатиш пунктига кетдик!

Соат 21 да флот қўмондони Владимирский:

— Денгиз десантининг шахсий составини катер ва кемаларга чиқариш тугалланди, — деб хабар берди. — Ҳаракатни бошлашга буйруқ беряпман.

Петров ахборотни қабул қилгач, жанговар ютуқлар тилади.

Шундай қилиб, десантнинг биринчи эшелонини ташкил этган учта отряд Геленжик пристанларидан денгизга, Цемесская кўрфазига қараб йўл олди.

Учинчи отряд — Каданчикнинг полкидаги вазият энгил эмасди. Пирс (кемалар боғлаб қўйиладиган жой)дан электростанциягача бўлган масофани душман қаттиқ ўққа тўтарди. Шунга қарамай полкнинг 1247 кишилик йирик бир қисми ўттиз минут давомида соҳилга тушиб, жангга киришди. Лекин полк командири Каданчикнинг ўзи қирғоққа тушиб улгуролмади. Унинг катери тўғри мўлжалга олиб отилган миналардан ёниб кетиб, соҳилга етиб боролмай ғарқ бўлди. Бортда турган айрим кишиларни, жумладан подполковник Каданчикни Геленжикка қайтиб келаётган кема қутқариб олди. Шу полкнинг бошқа катерда бораётган штаб бошлиғи капитан Д. С. Ковешников қирғоққа чиқиб олишга улгурди ва дарҳол полкка раҳбарлик қилишни ўз қўлига олди. Дарвоқе, мактабдошим Ковешников Тошкент билим юртида Петровнинг тарбиясида бўлган. Ҳозирда у — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, истеъфодаги генерал-лейтенант. Уша жанглар тўғрисида у менга кўп нарсаларни айтиб берди.

...Новороссийск ҳимоячиларининг матонатига маршал берган юксак баҳога тўлатқис қўшилган ҳолда генерал Петровнинг Новороссийск учун бўлган жангларда иштирок этишига тааллуқли муҳим бир қўшимча киритмоқчиман. 1942 йилда бевосита шаҳар учун бўлган жанглар 19 августдан 26 сентябргача, яъни 39 кеча-кундуз давом этди. Боз устига кўриб турибмизки, шаҳар қўлдан бериб қўйилган. Шу кунларда Петров ҳамон 44-армия қўмондони эди. 1942 йил октябрнинг бошларида Петров ўшинларнинг Қора денгиз группаси қўмондони бўлган, бинобарин, Новороссийск учун бўлаётган жангларга раҳбарлик қилишга киришиб кетди. Бундан келиб чиқадики, Новороссийск 360 кун давомида ҳимоя қилинган бўлса, 300 кундан зиёд муддат ичида Петров ўша ерда раҳбар бўлган. Ана шу кунлар давомида шаҳар чеккаларини ҳимоя қилган қўшинлар бир қадам ҳам орқага чекинмадилар. Ўз-ўзидан маълумки, шаҳарнинг матонатли ҳимоячилари хизмати бу ишда ҳал қилувчи ўрин тутади.

ТАМАННИ ОЗОД ҚИЛИШ

Ҳатто ғалабадан қувониш учун ҳам саркарданинг вақти бўлмасди. Петров жангу жадаллардан сўнг ҳали ҳам тутун қошлаб ётган Новороссийскни кўздан кечириб, одамлар билан сўхбатлашар экан, унинг фикри-хаёли бу харобалардан хийла олисда, учта армия жанг олиб бораётган томонларда эди.

3 октябрда Тамань шаҳри озод қилинди. 8 октябрга ўтар кечаси Қора денгиз флоти Тузлага десант туширди ва эрталабгача уни душмандан тозалади. Шу куни Кучугури ва Веселовка портлари учун ҳам сўнги шафқатсиз жанглар бўлди. Денгиз томонга қараб сиқиб қўйилган душман бу ерда қириб ташланди ёки асирга олинди.

9 октябр кўни соат 9 да Петров душманнинг Тамань группировкаси тор-мор келтирилганлиги ва Тамань ярим ороли батамом озод қилинганлиги ҳақида Олий Бош Қўмондонга ахборот берди. Ахборотнинг маънодорлиги Петровнинг ўзига хос фазилатдир: «Кубанда ва Тамань ярим оролида асирлардан ташқари биронта ҳам тирик немис қолмади».

Шу билан Кавказ учун олиб борилган кураш ниҳоясига етди. «Эдельвейс» плани

чипакка чиқарилди. Бу жангларда иштирок этган кўплаб оддий жангчилар ва командирлар мукофотланди. 18, 56, 9-армиялар ҳамда 4-ҳаво армияси кўмондонлари К. Н. Леселидзе, А. А. Гречко, А. А. Гречкин, К. А. Вершинин ва бошқаларга навбатдаги унвонлар берилди.

Генерал-полковник Иван Ефимович Петровга олий генераллик унвони — армия генерали унвони берилиб, у I даражали Суворов ордени билан мукофотланди. Статус (ҳуқуқий ҳолат) бўйича бу орден билан ҳужумда душманнинг устунликка эга кучларини тор-мор қилишни амалга оширган ҳарбий бошлиқлар мукофотланади. Генерал Петровнинг I даражали Суворов ордени билан тақдирланиши унинг ҳужум операцияларидаги маҳоратини тан олиш билан бирга «мудофаачи» деган нотўғри фикрларга ҳам барҳам берилди.

Фронт штабининг бошлиғи генерал-майор И. А. Лескинга генерал-лейтенант унвони берилиб, унга I даражали Кутузов ордени топширилди. Штабдаги бошқа ходимлар ҳам мукофотландилар. Аммо Иван Андреевични алоҳида кўрсатмоқдаман. Чунки, қуйида унинг Петров ҳақидаги қайноқ сўзларини келтираман:

— У ақли тиниқ, давлат миқёсида фикр юритадиган; вазиятни чуқур таҳлил қилиб, оператив ҳолат моҳиятини дарҳол пайқаб оладиган одам бўлиб, пухта ўйланган қарорларни қабул қилар; бир неча юз минглаб кишиларнинг жанговар ҳаракатига қатъий раҳбарлик қилиб, ҳар қандай душман олдида ҳам ўзини йўқотиб қўймайдиган одам эди. Аммо Иван Ефимович штабнинг жиддий ёрдамига умид боғлар экан, юз мингларча инсонлар тақдири учун, Ставка томонидан қўйилган вазифани бажариш учун зиммасидаги масъулиятни ҳамма вақт ҳис этар, шунинг учун ҳам аввало ўз-ўзига ишонарди.

У ҳазилни хуш кўрарди. Айниқса, одамларга нисбатан нафис мушоҳада ва ажабтовур хотирага эга бўлиб, кўпчиликнинг портретини аниқ чизарди. Фронтда бир йилдан зиёдроқ бирга ишлар эканман, унинг тимсолида ҳамиша сўзи билан иши бир, ўтқир ақл ва виждони пок кишини кўрдим. Унинг синчковлиги битмас-туганмас эди! Унинг ташқи кўриниши — хуш ёқим чехраси, жозибали қараш, шижоатли хатти-ҳаракатлари ҳам гўзал эди. Бир нарсага ачинардим, у ҳам бўлса штаб билан биргаликда айрим оператив масалаларни охиригача ечиш ёки аниқлаб олиш учун кўмондонлик пунктида ўлтириб қолишга Иван Ефимовичнинг вақти етмасди. У қарийб ҳар куни эртадан кечгача қўшинлар ўртасида бўлиб, турли босқичдаги командирлар, ҳатто оддий жангчилар билан ҳам учрашиб турарди. Бу жиҳатларини айблашга ўрин йўқ, зероки, улар билан учрашиш унинг учун маънавий эҳтиёж эди.

Юксак партиявий эътиқод соҳиби бўлмиш Иван Ефимович ўз қўшинларида баланд руҳ яратувчи ижодкор эди. Ғоят меҳнатсевар бу одам суткалаб дам олмас, маиший қулайлик талаб қилмас, кези келса устига шинелини ёпиб, чарм диванда ухлайверар, кўпича солдатлар учун пиширилган таомлардан истеъмол қиларди. Шу билан бирга Петров ўзининг зиёлилиги, юксак ички маданияти, одоблилиги ва одамларга нисбатан бениҳоя ғамхўрлиги билан ажралиб турарди...

БЎҒОЗ ОРҚАЛИ ҲАМЛА

Қизил Армия 1943 йил июль-август ойларида Курск дўғасида гитлерчиларга қақшатғич зарба берди. Сентябрьнинг охирида қўшинларимиз Днепр дарёсини кечиб ўтди, душманнинг катта-катта плацдармлари қўлга киритилди. Шимолий Кавказ фронти эса октябрнинг биринчи ярмида Тамань ярим оролини озод қилишни якунлади. Табиийки, гитлерчиларнинг Қримдаги 17-армиясини қириб ташлаш масаласи пайдо бўлди.

Бундай вазифанинг кўндаланг бўлишини генерал Петров Тамань ярим оролидаги операция қизиқ кетган кезлардаёқ тахмин қилган эди. У Керчь бўғозидан кечиб ўтиш ҳақида ўйларкан, разведка бошлиғи генерал Трусев олдида душманнинг Қримдаги ва денгиздаги кучлари, соҳилдаги ва ичкари томонидаги мудофааси, резервлари ва ниятлари ҳақида маълумотлар тўплаш вазифасини топширди.

Шу ерга келганда, бу мусибатда Петровнинг ҳеч қандай айби бўлмаса ҳам (буни китобхонлар кўрадилар) бир фожиона лавҳа ҳақида ҳикоя қилиб беришга мажбурман.

Петров рекогносцировка ўтказиб, қўшинларни бўғоздан кечиб ўтишга шайлаётган кунларда Қора денгиз флотига СССР Ҳарбий-Денгиз Флоти халқ комиссари Н. Г. Кузнецов келиб қолди. Нималар содир бўлгани тўғрисида унинг эсдаликларидан олинган парчалар воситасида гапириб бераман:

«Қора денгиз флоти кўмондони 1943 йил 5 октябрдаги фармойишида эскадра олдига эсминецлар I-дивизиони кучи билан торпеда катерлари ва флот авиацияси ҳамкорлигида 6 октябрга ўтар кечаси Қримнинг жанубий қирғоғидаги душманнинг денгиздаги алоқа йўлларига ҳамла қилиш ва разведка аниқлаган — сузиш воситалари жамғарилган Феодосия ва Ялта портларини ўққа тутиш вазифасини қўйди. Ҳужумга эсминецлар лидери «Харьков», «Беспощадный» ва «Способный» эскадра миноносецлари ажратилди. Уларни қўриқлаб туриш учун барча мавжуд узокқа ҳаракат қиладиган қирувчи самолётлар ажратилган эди. Денгизга чиқишдан олдин флот кўмондони вице-адмирал Л. А. Владимирский кема командирларига шахсан йўл-йўриқлар берди».

Шундан кейин адмирал Кузнецов душман бизнинг учта жанговар кемамизни қандай қилиб чўктириб юборганини баён этади. Ҳар бир киши хоҳлаган вақтида бу ҳақдаги тафсилотларни унинг «Ғалаба йўлида» деган китобидан ўқиб олиши мумкин. Мен фақат Петровга алоқадор томонини қайд қиламан:

«Урушда талофот муқаррардир. Аммо учта эсминец билан бўлган воқеани ҳеч нарса оқлай олмайди. Москвага қайтиб келгач, очиқ-ойдин, ўз айбимни ҳам тан олган ҳолда ҳаммасини И. В. Сталинга гапириб бердим. Бунга жавобан аччиқ таъна эшитдим. У адолатли одам эди. Қрим соҳилини кемалардан ўққа тутиш генерал И. Е. Петровнинг розилиги билан амалга оширилган эди. У ҳам Олий Бош Қўмондондан гап эшитди. Флот қўмондони Л. А. Владимирский эса ўзгалардан кўпроқ адабини еди. Бир умрга оғир сабоқ бўлди».

Бу воқеани тилга олишдан мақсад ўша кунларда Петровга қандай руҳий кескинлик вазиятида ишлашга тўғри келганини кўрсатиб беришдир. Олий Бош Қўмондондан танбеҳ эшитиш — кўнгилсиз воқеа. Кемалар ҳалокати рўй берган операцияни ўтказиш вақтида флот қўмондонининг команда пунктида Ҳарбий-Денгиз Флоти халқ комиссари, Ставка вакили Кузнецов, яъни Петровга нисбатан мартабаси ҳам, унвони ҳам катта киши бор эди. «Ўша пайтда Владимирскийнинг қўмондонлик пунктида эдим. Флот қўмондони кўлидан келганича кемаларга ёрдам беришга ҳаракат қиларди...» — деб ёзади Кузнецовнинг ўзи. Албатта, Петров Қрим соҳилини ўққа тутиш унинг розилигига кўра амалга оширилганлиги учун улар билан бирга жавобгардир.

Ҳаммага ҳам оғир эди: ҳазилакам гапми, бир неча юз нафар ажойиб денгизчиларнинг, учта энг яхши замонавий жанговар кеманинг ҳалок бўлиши... Бироқ Петров қандай қилиб бўлмасин қайғу аламни енгиб, одамларда операцияни амалга ошириш учун зарур жанговар кайфият уйғотиш кераклигини англади. Шу боис учрашувлар, кенгашлар, суҳбатлар ўтказарди. Мисол сифатида ана шу воқеаларда иштирок этган кишиларнинг ҳикояларини келтираман. В. Ф. Гладков қуйидагиларни эслайди:

«Тонг отарда олдимизга генерал И. Е. Петров етиб келди. Қирғоқ бўйлаб ўтаётиб, тайёргарлик машқлари қандай бораётганини кўздан кечиришаркан, солдатларни:

— Уктамлик билан ҳужум қиляспизлар,— дея мақтаб қўйди.— Нариги қирғоқда ҳам шундай ҳаракат қилинлар!..

Фронт қўмондони пўпанак босган тош устига ўтириб, қирғоққа урилаётган тўлқиннинг шов-шувига қулоқ солди.

— Тўлқин шовулляпти... Шовулляпти... Унда қанчадан-қанча гитлерчиларнинг мурдаси... Фашистлар бўлса ўз қўшинларини Тамандан олиб чиққанлари ҳақида ёлғон-яшиқ гапларни тўқишмоқда. Эҳ, Тамань! Греклар, хунлар, ҳазарлар, монголлар, турклар... Кимлар жанг қилмаган дейсан, бу ерда! Шу ерда оқгвардиячиларни савалаган эдик, мана, энди фашистларни ҳам дўппослашга тўғри келяпти.

...Шундай қилиб, соат 21.00 да Темрюк олдидаги причалда: «Олға!» деган буйруқ янгради. Кемалар қоронғиликда Азов денгизига қараб йўлга тушди.

Десантнинг ҳужум отрядлари очиқ денгизга чиққанида тўлқинлар мотоботларни уёқдан-буёққа ирғитиб, ағдариб ташлаш хавфини туғдирарди. Кемаларни бошқариш қийинлашди. Десантни дастлабки маррага олиб чиқиш бир соатдан ҳам зиёдроқ муддатга кечикарди...

Эндиликда Совет Иттифоқи Қаҳрамони, истеъфодаги генерал-лейтенант Дмитрий Степанович Ковешников рўпарамда ўлтирибди. Ковешников ҳам Ленин номли Тошкент билим юртида Петровнинг қўл остида тарбиялангани ҳақида ёзган эдим. Унинг Давидов-кадаги уйида ўлтирибмиз.

— Энди, Дима, Қримга туширилган десант ҳақида сўзлаб берсанг,— илтимос қилдим.

Ковешников тин олганича ўлтираркан, у эслаяптими, ҳиқилдоғига келиб қадалган ёнғоқдек нарсани ютиб юбора олмаётими, ҳартугул дарҳол тилга кирмади.

— Қирғоқдан тахминан уч километр нарида бизни сезиб қолишди,— деди у ниҳоят.— Тасир-тусир, гумбур-гумбурлар чунонам бошлиниб кетдики!.. Аввалига пулемёту миномётлар ўт очди. Сўнгра прожекторлар ва ёритувчи ракеталар порлади-ю, душман тўплардан аниқ мўлжалга олиб ура бошлади. Даҳшатли ҳолатда қолдик! На чап беришга, на ер бағирлаб ётиб олишга имкон бор. Йирик калибрли пулемётлардан отилган ўқ мотоботимизга қараб учаётганини кўрасану ҳеч нарса қила олмайсан. Тиқилинч трамвайга тушиб қолгандек бир-биримизга қапишиб олганмиз. Тўла тезликда соҳил томон елардик, чунки, фақат ўша ерда омон қолиш мумкин эди! Вазифа ҳам қирғоққа ёпишиб олишдан иборат... Етай деб қолганимизда кемалар саёз жойга дуч келиб, олдинга ҳам орқага ҳам силжий олмай тақатақ тўхтаб қолди. Бортдан сакрашга буйруқ бердим. Ноябрь бошланган, сув муздек. Қурулларни бошимиз узра кўтариб олганимизча зўр бериб қирғоққа интиламиз. Яқинроқ боргач, биз «ура!», денгизчилар эса «полундра!» дея бақирганимизча гитлерчиларга ташландик. Фашистлар бундай пўртонада бизни кутишмаган эди. Қарасам, баъзилари кийиниб олишга ҳам улгурмай ички кўйлақларида чопиб юришибди.

14 ноябрда Петров плацдармда намоён бўлди...

18 ноябрга ўтар кечаси СССР Олий Совети Президиумининг фармони радио орқали эълон қилинди. Эльтиген бўсағасидаги плацдармда ҳали ҳам жанг олиб бораётган 34 нафар солдат ва офицерларга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Улар орасида генерал Гладков, майор Ковешников, майор Борзенко, капитан Мирошник ва бошқалар бор эди. Петров қаҳрамонларни радио орқали муборакбод этаркан:

— Олдимизда ҳали катта уруш турибди!..— деди.

Петров десант Митридат тоғига ёриб ўтганидан хабар топган заҳоти шахсан Сталинга телеграмма берди. Бош қўмондонни безовта қилаётганидан чўчимади. Кичик бўлиналар ҳаракати тўғрисида Сталинга маълумот беришнинг ўзи мислсиз ҳодиса эди. Аммо Петров бахтиёр, жанговар дўстлари матонатидан масрур эдики, бу ҳақда Олий Бош Қўмондоннинг билишини истарди.

...Чошгоҳдан сўнг душманнинг ниятлари яққол аниқланди. Немислар десантни денгиздан узиб ташлаб, уни қуршаб олиш ва йўқ қилишга интилишарди. И. Е. Петров Главацкийга ёриб ўтишни буюрди. Десантчилар бу гал ҳам зўр қатъият билан ҳаракат қилишди. Куннинг охиригача асосий кучларимиз билан қўшилиб, қўлга киритилган тепаликларни уларга топширишди-да, сўнгра 55-гвардиячи ўқчи дивизиянинг резервида қолишди.

Генерал Штеменко эслаганидек:

«Ана шу жанглар натижасида армиянинг ўнг қанотида аҳвол бирмунча яхшиланди. Лекин шунда ҳам биз кутгандек бўлмади. Климент Ефремович асабийлаша бошлади».

15 январь кун эрта тонгда Петров ва Ставка вакили десант эғаллаб олган тепаликларда бўлишди. Денгиз бўйи армиясининг қўмондони Керчь яқинидаги немис-фашист мудофаасини ёриб ўтишни ташкил этаркан, шаҳарни ҳанузгача қўлда ушлаб турган душман томонидан берилиши мумкин бўлган зарбадан ўз қанотини муҳофаза қилиш йўллари йўларди. Бунинг учун тадбирлар белгиланди.

Яна Штеменконинг китобига мурожаат қиламиз:

«Алоҳида Денгизбўйи армиясининг Керчь ярим оролидаги аҳвол ҳақида Ставкага йўллаб турган маълумотлари ҳар доим ҳолисона бўлиб, қўшинларнинг Керчьдаги омадсизлиги сира ҳам бўяб кўрсатилмасди. Ставка бу хабарларни олиб ташвишланарди.

— Шу муносабат билан И. Е. Петров ва Климов — Ворошиловга юборилган телеграммада,— дея тилга олади Штеменко,— Денгизбўйи армияси душман устидан қўшинлар, артиллерия, танк ва самолётлар сони жиҳатидан сезиларли дустунликка эғалиги қайд этилган эди. Аммо: «душман маҳкам ўрнашиб олган, ҳар бир кўча ва ҳар бир уй учун узоқ давом этадиган ҳужум жанглари олиб боришга тўғри келаётган ва барча мавжуд кучайтириш воситаларидан унумли фойдаланиш учун шароит бўлмаган шаҳарда жангга аралашган армия шу устунликларни йўқотади», деб таъкидланарди.

Телеграммага И. В. Сталин ва А. И. Антонов имзо чекканлар. Ставканинг бу кўрсатмалари бажарилган, зарур ҳамма нарсалар қилиб қўйилганидан кўнгли тўқ генерал Петров ўз армиясини олға олиб боришга тайёр эди...»

Аммо бир пайт... Ушанда содир бўлган ҳодисалар шу қадар тўсатдан рўй бердики, Штеменко у ҳақдаги ҳикоясини худди шу учта сўздан бошлайди:

«Бир пайт қўққисдан Варенниковга поездда Алоҳида Денгизбўйи армиясининг янги қўмондони генерал А. И. Еременко келган эди. Олий Бош Қўмондонлик Ставканинг вакили оғохлантирилмаган, бу энг муҳим масала юзасидан унинг фикри сўралмаган ҳолда И. Е. Петров ўз вазифасидан озод қилиниб, Олий Бош Қўмондонлик Ставкани иштиёрига — чақириб олинган эди. Унинг бўшатилиш сабаби номаълум бўлиб қолди.

Сал ўтмай А. И. Антонов телефон қилиб, Керчь ёнидаги аҳвол ҳақида ахборот бериш учун мени ҳам Олий Бош Қўмондонлик Ставканига чақирди. Эҳтимол, кейинги кундаги воқеалар Сталинни бениҳоя ташвишга солган бўлса керак. Климент Ефремович ўша ерда қолаверди.

Мен фақат Ставка аъзолари ва А. И. Антонов иштирокида ахборот бердим. Петровнинг ўзи бу ерга чақирилмади. Сталин Денгизбўйи армиясининг ўтказган айрим операциясини мақсадга мувофиқ эканлигига шубҳаланиб қаради. Мен эса, кучимнинг борича, исботлашга ҳаракат қилдим. Денгизбўйи армиясининг иши ҳақида гап борганда, Олий Бош Қўмондон яна ўн имзо билан юборилган қарорни эслаб қолиб, сўкина кетди:

— Бу, колхозми, сизларга!.. Эҳтимол, у ерда овозга қўйган бўлсаларинг ҳам керак?.. Бу нарса учун Ворошиловни кечириб мумкин, у штаб ходими эмас, сиз тартибни билишингиз керак эди.— Шундан кейин у Антоновга мурожаат қилиб, менинг томонимга имлаб қўйди-да, деди:— Уни жазолаш керак!

Антонов индамади...

Петров ҳақида бир оғиз ҳам гап бўлмади. Кейинчалик биз, бош штаб ходимлари, айрим операциянинг чекланган якунлари ва флот қўмондони билан бўлган низолар Сталинда Иван Ефимовичга нисбатан қандайдир бир гумон ҳосил қилган бўлса керак, деган хулосага келдик. Петров катта операция бошланиши олдида — Алоҳида Денгизбўйи армияси амалда жангга тайёр бўлган пайтда ишдан олинган эди. Операция муваффақиятли ўтди. Қрим озод қилингандан кейин, май ойида, операция қатнашчиларидан кўп киши мукофотланди.

Саркарданинг ҳаётида мана шундай тасодифлар — у нафақат душмандан, балки ўзимизникилардан ҳам зарба олиб туради. Нима учун генерал Петров лавозимидан олинган эди? Унинг шахсий делосида шундай ёзув бор:

«Лавозимидан озод этилиб, Олий Бош Қўмондон Ставканининг резервига киритилган. Жанговар операция ўтказишдан ўзини четга олганлиги оқибатида операциянинг бажарилмай қолгани учун унвонида генерал-полковниккача пасайтирилган.

Ставканинг 1944 йил 2 февраль, 001— сонли буйруғи».

Нималар содир бўлди-ю, генерал Петровнинг айби нимада — келинг, бир аниқлаб олайлик-чи! Ҳақиқий сабаби менга Иван Ефимовичнинг ўзидан маълум...

«...Жанговар операция ўтказишдан ўзини четга олганлиги оқибатида операция бажарилмай қолгани...» Бу нимаси? Эҳтимол, фарқ бўлиб кетган учта жанговар кема назарда тутилаётгандир? Аммо бу фожиа Керчь бўғозини кечиб ўтишдан бурун содир бўлган, Петров Олий Бош Қўмондондан қаттиқ таъна эшитганди-ку! Яна нима бўлиши мумкин? Навбатдаги операция эмасми? Аммо у ҳали бошлангани йўқ. Бош штаб вакили Штеменконинг гапига қараганда унга ҳозирлашни юмушларини генерал Петров кутилганидан зиёда ўтказди. Фақат буйруқ берилиши қолган эди, холос.

Ҳўш, барбод бўлган операция, дейилганда нималар кўзда тутилмоқда? Айтайлик, операция икки киши ўртасидаги ҳеч қандай из қолмайдиган, бир неча кундан кейин унутса бўладиган муштлашиш эмас. Ҳарбий операция — жиддий иш, омадсизлик рўй берган тақдирда ҳам буйруқлар, хариталар, маълумотлар, қолаверса, ушбу операциянинг иштирокчилари бўлган одамлар қолади.

Ҳужжатларга назар ташлаймиз. Фақат ҳужжатлар эмас, уларни ёзган ва ўша воқеаларнинг қатнашчиларидан бири — вице-адмирал Холостяков — соғ-саломат. Унинг ҳузурида бўлиб, ўша «бахтсиз операция» ҳақида яна бир карра батафсил суриштирдим.

...Шу ўринда пича чекинишга тўғри келади. Ушбу боб қарийб бутунлай ёзиб битирилган, тирик адмирал Холостяков ҳақида ҳикоя қилиб бўлинган бир пайтда, дабдурустдан менга телефон орқали Георгий Никитичнинг 1983 йил 31 июлда фожиона ҳалок бўлганлигини айтишди.

Ҳарбий-Денгиз Флоти халқ комиссари Н. Г. Кузнецов айнан бир хил вазиятда — яъни, учта кемамиз фарқ бўлиб кетган кезларда, — ғоят олижаноб иш тутди. Николай Герасимович ҳақиқатни хабар қилишдан ҳам, у ҳақда ўз эсдаликларида баён этишдан ҳам чўчимади. Сўзларини эслатиб қўяй: «Москвага қайтгач, бутун самимийлик билан, ўз айбимни ҳам тан олган ҳолда ҳамма нарсалар тўғрисида И. В. Сталинга гапириб бердим. Бунга жавобан аччиқ таъна эшитдим. У одил инсон эди. Крим соҳилини кемалардан ўққа тутиш генерал Петровнинг розилиги билан амалга оширилган эди. Олий Бош Қўмондон унинг ҳам адабини берди».

Адабини берди-ю, лекин, айтилганидек, енгил кўнди. Борди-ю, Климент Ефремович Олий Бош Қўмондонга, десантлар туширилди ва ўз олдига қўйилган вазифани асосан бажарди, деб хабар берганида Петров бундай оғир жазони олмаган бўлармиди, дейман.

Энди эса, ана шу тўғрисида айнан Иван Ефимовичнинг ўзи гапириб берган ҳикояни келтираман:

Урушдан кейин, Юранинг ҳалокатидан сўнг Иван Ефимович билан учрашиб турарканман, ўзимнинг ташқи қиёфам билан ўғлини эслатган бўлсам керак. Петров бир неча бор мен билан гурунглашаётган чоғларида, гарчи бу суҳбатнинг Юрага алоқаси бўлмаसा ҳам, баъзан кўз ёшларини артиб-артиб қўярди. Шу боис ўша даврда бирга ишлаганимда Мудофаа министрлигининг биносида унинг кўзига кўринмасликка интилардим. Бир куни лифт ёнида учрашиб қолдик. Саломлашдим. Иван Ефимович маҳкам тирсагимдан ушлаганича, хонаси томон бошлади. Кабинетга киргач, Иван Ефимович қўлини елкамга қўйиб, менга зимдан боқди. Наздимда унинг кўзлари яна намланди. Аммо бу узоқ давом этмади. Кейин, жиддий оҳангда қандайдир юмшоқ таъна аралаш: «Чолни хафа қилма... Нима учун мен билан учрашишдан қочиб юришингни тушунаман. Ҳа, Юрани қайтариб олиб келолмайсан... Бас, шундай экан, яна бир карра илтимос қиламан: мени хафа қилма», — деди.

Иван Ефимович қаёққадир шошилиб турган экан. Гапимиз узоққа чўзилмади. Шундан сўнг унинг Маяковский майдони яқинидан ўтган Садовая-Кудринская кўчасидаги уйига бориб, ҳол-аҳвол сўраб турадиган бўлдим. Аксарият ҳолларда шундай бўларди: мени йўлакда учратиб қоларди-да, лўндагина қилиб: «Юр, тушликка (ёки учрашиб қолган соатимизга қараб) кечки овқатга борамиз», — дерди. 1953 йилнинг ҳезида бўлиб ўтган худди ана шундай учрашувлардан бирида Иван Ефимович Керчь иши ҳақида сўзлаб берди.

— Москвага келиб, Сталиннинг ҳузурига чақирилларини кутардим. Кримдан жўнаётганимда ҳамма, жумладан ўзим ҳам, юқори лавозимга тайинлашса керак деган фарзда эдик. Барибир кўнглим ғаш: одатда бундай пайтда розилик сўраларди, ўрнимга Еременко келди-ю, мени ҳеч қандай ваз-карсонсиз Москвага чақиритди. Қабулхонадаман. Мендан олдин кирган қандайдир конструкторми ёхуд қурувчиларми, Сталиннинг кабинетидан бамисоли ҳаммомнинг буғхонасида узоқ туриб қолгандай отилиб чиқишди. Жиддий гап бўлганга ўхшайди.

Кирсам Сталин дарғазаб аҳволда. У кабинетнинг ўртасида турарди. Ярқ этиб менга тикилиши биланоқ фалокат рўй беришини англадим. «Бошлайверинг маърузангизни!» — қатъиян деди Сталин саломлашмай. «Нима ҳақда, ўртоқ Сталин?» — ҳайрон бўлиб сўрадим. «Қандай қилиб одамлар билан кемаларни бўғозда фарқ қилганингиз ҳақида!» Нималарни билмоқчи — англамасдим. Индамай туравердим. Афтидан, унинг қаҳри тўлиб-тошди шекилли, портлаб кетди: «Бутун армиянгизни Қримга олиб ўтгандингиз, яна нима учун десантлар зарур бўлиб қолди? Бундай янги талафотлар кимга керак? Плацдармдан ҳужум бошлаш зарур, сиз эса янги десантларни юбораяпсиз. Улар кимга керак? Оқибатда одамларни ҳам, кемаларни ҳам ҳалок қилдингиз, ютуқлар эса зиғирдай...» Гап нима ҳақида бораётгани аён бўлди. Десантлар Ставка томонидан ўтказилган эди, демоқчи эдим бу ҳаракатим ўзини оқлашга уриниш бўлиб чиқшини пайқаб қолдим. Индамадим. Сталин чидаб бўлмас даражада ачитиб гапирарди. Ортиқ чидаб туrolмадим: «Ўртоқ Сталин, сиз менга сазо бераётган нарсада айбдор эмасман», — дедим. У кўзларини менга тик қадади: «Бўлмаса ким?» «Бош штаб аниқлаб маълумот бера қолсин» — деб жавоб бердим. Шунда у паст овозда, лекин дағдаға билан: «Мўғамбирлик қилманг, ўртоқ Петров, текшир-текшир билан шуғулланишга вақтим йўқ, тўғриси айтинг — ким?» — деди. Уйлаб қолдим: нега энди ҳаммасини ўз гарданимга олишим керак? Боз устига мен билан ҳисоблашишмади, ҳурматсизликка йўл қўйишди. Хайрли ишга қўл уриб, натижаси чиқмагач эса ўзларини панага олишди... Гапиришга жазм этдим. Афсус, Сталиннинг назарида ўзимни пастга урдим. Ҳанузгача ачиниб юрибман.

— Нималар дедингиз? — сўрадим мен.

— Бу операцияни Ставканинг вакили шахсан уюштирганди, — дедим.

Сталин менга тешиб юборгудек қаради. Кўзлари аъзойи-баданимни ёндириб юбораётгандек эди. Кейин бармоғини юзи олдида у ёқдан-бу ёққа силкиб қўяркан, ниҳоятда паст овозда деди:

— Сизга ўртоқ Ворошиловнинг кенг орқасига яширинишга йўл қўймаймиз. Қўмондон эдингиз, шу боисдан ҳамма нарса учун жавоб берасиз. Бораверинг...

Шундан сўнг ишдан олиб ташлаш, унвонимни пасайтириш тўғрисидаги буйруқ чиқди. Қилмишимга яраша-да! Талафотлар учун эмас — уларда айбим йўқ, ўзимни аҳмоқона тутганим, ўзганинг орқасига бекин्याпти дейишларига йўл очиб берганим учун. Умирда ҳеч қачон бундай бўлмаганди!..

Петровнинг ҳаёти кўпчилик саркардалар ҳаётига ўхшаб шаклланган эди. Уни ҳудаб-ҳудудага жазолашар, зарурат тақозо этиб қолгудек бўлса, яна Ватанга хизмат қилмоққа чорлашар эди.

* * *

1944 йилнинг феввалида Москвада кўп қор ёғди. Замину осмон бир хил хира-кўкимтир рангда: булутлар паст, қор эса печкалардан тушган қурумдан кир. Тонг кеч ёришиб, барвақт қош қораяди. Узундан-узун қоп-қора тун, узоқда навбатчи машиналарнинг фараларигина гўё ялтироқ қуртдек зимистон қўйнида сузиб юради.

Иван Ефимович Петров «Москва» меҳмонхонасида турарди. Қиладиган иши йўқ. Унинг қалби ҳам деразадан ташқари қандай бўлса шундай ҳазин ва ғамгин. Яқиндагина бир кеча бўлса ҳам чинакамига — шомдан тонггача тўйиб ухлашни орзу қиларди. Мана энди вақт ошиб-тошиб ётибди-ю, уйқуи келмайди. Аниқроғи, ухлай олмайди.

Ҳаёт генерални биринчи бор хавfli бурилишларга дучор қилаётгани йўқ. Лекин ҳамма вақт иш жойида бўлган. Бу гал ҳам шундай бўлармикан?

Петров радионинг сўнги ахборотларини диққат билан эшитар, газеталарни ўқиб борарди. Февраль яқунланди, март ойи бошланди, лекин Қримдаги йирик жанговар ҳаракатлар ҳақида ҳеч гап йўқ. Наҳотки, унинг ўрнига тайинланган генерал А. И. Еременко ҳамма нарсани ўзича бичиб-тўқиётган бўлса? Украина фронтлари румин чегарасига бориб қолди, Қрим ярим оролидаги немис қўшинлари ўзларининг асосий кучларидан қирқиб қўйилган. Нима учун Керчь яқинида судралишяпти? Ахир, Петровни ишдан олган пайтларида Алоҳида Денгизбўйи армияси аслида ана шу улкан операцияга тайёр эди-ку!..

У дераза олдида келиб Қримга боққанича узоқ туриб қоларди. Ана, майдоннинг нариги томонида қизил деворлар... Миноралар буй чўзган. Уйларнинг яшил томи кўзга чалинади. Эҳтимол, ҳозир Сталин ниҳоятда муҳим, кечиктириб бўлмайдиган ишлар билан машғулдир. Петров Олий Бош Қўмондоннинг ниҳоятда банд эканлигини тушунади. Лекин, қачон, қай бир дақиқада ўша кабинетда Петровнинг фамилияси тилга олинади? Қачон?..

Иван Ефимович эрталабга яқин уйқуга кетди. Шу пайт қутилмаганда телефон жинглаб қолди.

— Генерал Петров эшитаяпти.

— Сиз Уттиз учинчи армиянинг қўмондони этиб тайинландингиз! Бу ҳақдаги фармойишни келиб олиб кетинг!..

МОРАВСКА-ОСТРАВКА ОПЕРАЦИЯСИ

...Генерал Петровнинг уруш йиллари кўп соҳада омади юришмаган: унга ҳамма вақт ниҳоятда мураккаб шароитларда — қирғоқ бўйи, тоғли, ботқоқлик жойларда жанг қилишга тўғри келган. Қўшинлар одатда етишмас, қарши турган душман қисмлари эса кучлироқ бўларди. Яқунловчи жангларда ҳам шундай бўлди: бошқа фронтлар оператив кенгликларда маневр қилишар, Петров fronti олдида эса тоғлар ва мустаҳкам иншоотлар чизиги турарди. Кўплаб участкаларда қуршаб олинган ва янчиб ташланган душман қисмлари 4-Украина фронтининг рўбарўсида...

Барибир гитлерчи ҳарбий инженерларнинг янги иншоотлари ҳам совет қўшинларининг ҳужумини қайтара олмади. 26 март куни Лослау шаҳри қўлга киритилди, бу, демак — мудофаанинг узоқ вақтга мўлжалланган чизиғидаги асосий мудофаа минтақаси ёриб ўтилди... Негадир бу гал Олий Бош Қўмондонликнинг буйруғи чиқмади, Москвада ғалаба салюти ҳам янграмади. Бунинг ўрнига бу гал ҳам, томдан тараша тушгандай, янги фронт қўмондони генерал А. И. Еременко келди. Бу — ўша Керчь яқинида Иван Ефимович билан ўрин алмашган Еременко эди.

Нима воқеа содир бўлдикин?

Уша кунлари Петров билан бирга бўлган Константин Симонов кейинчалик шундай ҳикоя қилган:

«Минг тўққиз юз қирқ бешинчи йилнинг март ойида менга унинг ўзи учун ҳам, унинг штаби ходимлари учун ҳам мутлақо қутилмаган вазиятда фронт қўмондонлиги лавозимидан олишаётган пайтда ҳозир бўлишга тўғри келган. Бу ўринда воқеаларнинг бевосита гувоҳи сифатида шуни тасдиқлашим мумкинки, Петровни янгидан қутилмаганда ишдан олишаётган пайтда у қўмондонлик қилган фронтда, ҳеч бир қутилмаган фалокат туғул бунга яқин бирон бир воқеа содир бўлгани йўқ эди...»

Айтайлик, Симонов мухбир ва ёзувчи сифатида ана шу кунлари Петров билан ёнма-ён бўлган бўлса-да, эҳтимол ўша пайтда унинг ишдан олинишининг махфий тутилган сабабларини билмаган бўлиши мумкин. Бундан ўзгалардан кўра кўпроқ хабардор бўлган киши — маршал А. А. Гречконинг ёзишича:

«25 март куни 38-армия ҳамда 1-гвардиячи армия икки корпусининг ҳужуми давом этарди. Қўшинларимиз душманнинг қатъий қаршилигини енгиб, ёриб ўтишда анча ичкарига кириб бориб, йирик йўл узели — Лослау шаҳрига чиқиб борадиган жойда даҳшат соқдилар.

Шу куни (аниқроғи, 26 мартда — В. К.) 4-Украина fronti қўшинларининг қўмондони армия генерали И. Е. Петров ва фронт штаби бошлиғи Ф. К. Корженевич ўз вазифаларидан озод қилиндилар. Фронт қўмондонлигига армия генерали А. И. Еременко, штабга бош қилиб генерал-полковник Л. М. Сандалов тайинланди. Бу алмашишни асосан асл сабаблари номаълум бўлиб, ҳамма истеъдодли ҳарбий бошлиқ, камтарин ва меҳрибон инсон генерал Петровнинг қўмондонлик лавозимидан кетишига жуда ачинди. Бу алмашишни фронт қўшинларининг Моравска-Острава яқинидаги омадсиз ҳаракатлари билан боғлиқ, деб тахмин қилишар, ваҳоланки қўшинларнинг суст силжиши асосан, фронт ва армия қўмондонлигига боғлиқ бўлмай, балки душманнинг узоқ муддатга мўлжалланган мудофаасини ёриб ўтиш учун мавжуд куч ва воситаларга ҳамда операцияни ўтказиш учун ажратилган ўқ-дориларнинг ниҳоятда камчилигида эди. Ўқчи қисмлар ва бўлинмаларнинг артиллерия билан етарли қўллаб-қувватланмаган бир вазиятда душман мудофаасини ёриб ўтишларига тўғри келди ва бунинг оқибатида катта талафот кўрдилар».

Эслатиб ўтаман, бу воқеаларнинг барчасидан ҳаммадан ҳам кўпроқ хабардор бўлган Бош штаб оператив бошқармасининг бошлиғи генерал Штеменко Петровнинг 2-Белоруссия фронтидан Л. З. Мехлис ёзган хат натижасидан ишдан олинганлиги ҳақида сўзлар экан, бу ўринда ана шундай хатлар 4-Украина фронтидан ҳам ҳамон келиб турганлигини таъкидлаб ўтди.

Хатларнинг мазмунини ҳамон номаълум. Лекин бундай хатларнинг келиб турганлигини Олий Бош Қўмондон томонидан маршал Жуковга 4-Украина фронтда бўладиган пайтида, фақат оператив ишлардан ташқари, Петров билан Мехлис ўртасидаги муносабатларни қараб чиқишни топширганлигидан ҳам билиш мумкин.

Мен Г. К. Жуковнинг Сталинга ёзган маълумотида «Петров операциянинг қурилишини тўғри тушунади ва ўз ишини яхши билади», деб таъкидлаганини айтгандим. Айрим корпуслардан фойдаланиш хусусида ўзининг бир неча мулоҳазаларини баён этаркан, маршал Жуков қуйидагиларни хабар қилади: «Мехлис билан Петров аҳил ишламоқда. Петровнинг Мехлисга нисбатан бирон бир даввоси йўқ».

Георгий Константиновичнинг ана шу сўзларидан англаш мумкинки, у Петровдан одадига кўра тўғридан-тўғри унинг Мехлис билан муносабати ҳақида сўраган. Эҳтимол, Жуков Петровга Мехлиснинг хати ҳақида бирон бир сўз айтмагандир... Ҳарқалай, Мехлис туфайли бир бор изза бўлган Иван Ефимович бу ҳақда Жуковга эслатиб ўтишни ҳам лозим кўрмади. Ваҳоланки, унинг Ҳарбий кенгаш билан муносабати 2-Белоруссия фронтдаги воқеалардан сўнг, афтидан, фақат хизмат юзасидан ҳамда «совуққина» эди. Пет-

ров шундай бўлса-да маршалга: «Муносабатимиз яхши» деб жавоб қила қолди. Бу ҳақда Жуков Сталинга хабар қилган.

Генерал С. М. Штеменконинг Жуков маълумотининг худди шу жойи хусусидаги шарҳи қизиқ:

«Маршал бўрттирмаси Мехлиснинг кимлигини яхши билган, агар таъбир жоиз бўлса, феъли-атворидаги қусурларни англагани ҳолда виждони ва коммунистлик бурчи талаб қилгани учун у билан ҳамкорлик қилишга ўзида куч топа олган Иван Ефимович Петров шахсининг мусавфолиги ва сабр-тоқатининг буюклигидан гувоҳлик беради».

К. М. Симонов 4-Украина фронтининг қўмондони билан ўтказган кунни батафсил тасвирлар экан, Петров билан Мехлиснинг ўзаро муносабатларида нохушликдан дарак берувчи бирон бир воқеани таъкидламайди. Аксинча, ана шу ўзаро муносабат мутлақо оддий кўринар, бинобарин, фақат Петровгина шундай ҳисоблар, Мехлис эса ўзини мутлақо самимий кўрсатгани ҳолда кўнгли эгри бўлиб, Иван Ефимовичга қарши янги иғвони ўйларди. Уша воқеаларнинг бевосита шоҳиди бўлган маршал Москаленко эсдаликлари-дан парча келтирмоқчиман:

«Хужум кунларидан бирида, у барбод бўлганлиги аён бўлган пайтда, мени фронт қўмондонлик пунктига чақиртиришди. И. Е. Петров яшайдиган уйда фронт ҳарбий кенгашининг аъзоси генерал-полковник Л. З. Мехлисни ҳам учратдим. Норасмий бир вазият ҳукмрон эди. Биз дастурхон атрофида чойхўрлик қилиб, эркин суҳбатлашардик. Фронт қўмондони мендан биз дучор бўлган омадсизликнинг сабаблари хусусида шахсий фикримни сўради. (Сўнгра Москаленко китобхонларга юқоридан маълум бўлган сабабларни тилга олади — В. К.) ...Албатта, ана шу суҳбат пайтида Л. З. Мехлис муъжазгина ён дафтарчасига нималарнидир ёзаркан, буни кўрмасликнинг иложи йўқ эди. Фақат бир неча кун ўтгачгина бу ёзувлар унинг Москвага юборадиган телеграммаси учун зарур бўлганлиги маълум бўлди».

Сўнгра, К. С. Москаленко ана шу воқеанинг давоми сифатида норасмий суҳбатдан кейин орадан тахминан бир ҳафта ўтгач (ўзим томонимдан шуни қўшмоқчиманки, Петровни ишдан олиш тўғрисидаги буйруқдан 10 кун олдин) кечаси унга армия генерали А. И. Антонов Бош штабга бошлиқ этиб тайинлашидан олдин кўнғироқ қилди.

«Бундай бевақт ёки истасангиз жуда эрта чақиришдан ажабланидиган жойи йўқ эди. Зеро Олий Бош Қўмондонликнинг Ставкаси ҳам, Бош штаб ҳам уруш пайтида кечаю кундуз ишлашарди. А. И. Антонов саломлашгач, ҳол-аҳвол ва кайфият билан қизиқди. У, кўзимни очиб, уйқун қочиршим учун фурсат берди, деб ўйлагандим, чунки мени ҳозиргина дам олиш учун ётганлигимни айтишган экан-да. Лекин, уруш пайтида ҳаммамизда қуш уйқуси эди: кўз очилиши билан уйқу қочарди. А. И. Антонов менинг жавобимни тинглаб, ўз ишида давом этаркан:

— Олий Бош Қўмондон, — деди у, — менга сиз билан гаплашиб, фронт ҳужум операциясининг барбод бўлганлиги сабабларини билишни топширдим. Шу муносабат билан нима дейишингиз мумкин?

— Аммо мен, фронт кўламида маълумотларга эга эмасман, — жавоб бердим. — Бунинг устига фронт қўмондони турган жойда?..

— Генерал-полковник Мехлис сизнинг мулоҳазаларингиз баён қилинган телеграммани юборган. Уртоқ Сталин бу ҳақда батафсил билмоқчи.

Менинг А. И. Антоновни қўмондон ва фронт Ҳарбий кенгаши аъзоси ўртасидаги суҳбатдан хабардор қилишдан ўзга чорам йўқ эди. Муваффақиятсизликнинг сабабига келганда, мен И. Е. Петров ва Л. З. Мехлисга нимаики деган бўлсам, шуни такрорладим. Фронт қўмондонидан асосий зарба йўналишини ўнг томонига қараб, Зорау томонига кўчириш ҳақида сўраганлигимни ҳам хабар қилдим.

— Душманнинг у ерда кучи унча кўп эмас, — дедим, — мудофааи яхши кўриниб турибди, жойи аввалги йўналишдагига қараганда текисроқ... Зорау районида туриб ҳужум қилинса муваффақиятли бўлади деб айтишга журъат эта оламан.

Генерал Антонов ахборот учун миннатдорчилик изҳор этиб, яхши хайрлашди ва трубкани жойига қўйди...

Албатта, агар одам ишга сидқидилдан ва ростгўйлик билан ёрдам бериш ниятида юқори бошлиққа воқеаларни ўзи қандай тушунишини баён этиб хат ёзадиган ёки телеграмма юборадиган бўлса бунинг айби йўқ. Бу ўринда хат ва телеграммалар муаллифини иш манфаати қизиқтирмаган ва ўз обрўсини ошириш учун хизмат қилмаган бўлсаиди, деб чўчийман.

Бунинг натижаси тез орада ўзини яққол кўрсатди.

Ҳамма нарса — ташаккурнома изҳор этилган буйруқлар ҳам, Москвада салют беришлар ҳам, 4-Украина Фронтида қўшинлар бошқа истаган фронтдагидан оз эканлиги, бунинг устига Карпатдаги оғир жангларда ҳолдан тойиб, чарчаганлиги ҳам унутилди.

Буларнинг ҳаммаси эътиборга олинмайдиган бўлиб қолди. Москвадан келган хатнинг мазмунини қаҳрли эди:

«Шахсан Петровга ва Мехлисга!

Олий Бош Қўмондонлик Ставкаси армия генерали Петровнинг 1945 йил 17 мартдаги тушунтириш хатини асоссиз деб ҳисоблайди ва қуйидаги кўрсатмаларни беради:

1. Фронт кўмондони армия генерали Петров фронт кўшинларининг ҳужумга тўла тайёр эмасликларини аниқлагач, бу ҳақда Ставкага маълум қилиши ва тайёргарлик учун кўшимча вақт сўраган чоғида бунга Ставка рад жавоб қилмаган бўларди. Аммо армия генерали Петров бу ҳақда қайғурмаган ёки кўшинларнинг тўғридан-тўғри тайёр эмаслигини маълум қилишдан чўчиган. Фронт Ҳарбий кенгашининг аъзоси генерал-полковник ВКП(б) Марказий Комитетига ҳужумни тайёрлаш ва ташкил этишдаги хатоликларни операция барбод бўлганидан кейингина (китобхонларнинг эътиборини генерал мурожаат қилган адресга — Ставкага эмас, ахволни тезда тузатиши мумкин бўлган Бош Штабга ҳам эмас, балки бунинг устига жуда кечикиб ВКП(б) Марказий Комитетига ёзганлигига қаратмоқчиман — В. К.), кўшинларнинг тўла тайёр эмаслигини билгани ҳолда, бу ҳақда Ставкани огоҳлантирмаганлигини;

2) Фронт ва армия кўмондонлиги ўз кўшинлари тўпланган жойни ҳамда ҳужумга тайёргарлик кўрилаётганлигини душмандан яшира олмаганлигини;

3) Фронт штаби тарқоқ бўлиб, унинг кўпчилиги ҳужум бошланадиган участкадан 130 километр узоқликда қолиб кетган (Симоновнинг ҳикоя қилишича, Петров қаерда бўлганлигини ва ҳар куни шундай бўлганлигини эслатиб ўтаман — В. К.);

Операцияни тайёрлашнинг урдасидан чиқа билмаслик муваффақиятсизликка йўлиқшини белгилаб берди. Ставка армия генерали Петровни сўнгги бор огоҳлантиради ҳамда унинг кўшинларга раҳбарлик қилишдаги нуқсонларини таъкидлайди.

Олий Бош Кўмондонлик Ставкани

Сталин,

Антонов.

17.3.1945 й. 18.30»

«Сўнгги бор огоҳлантиради»... Буни қаранг-а! Ахир, шу пайтгача биринчи бор ҳам, ундан кейин ҳам огоҳлантирилмаган эдик-ку?!..

Бундан кейин мутлақо тушуниб бўлмайдиган воқеалар бўлди.

Константин Симонов шундай тахмин қилади:

«Назаримда Мехлисда шундай бир хусусият борки, бу уни кимнидир бўйнига тушадиган, ҳатто унинг ўзи бировнинг бўйнига тушишни хоҳламаганида ҳам ҳавода муаллақ қола олмайдиган, барибир тушиши лозим бўлган ойболтага айлантирарди... Петров билан ҳам шу қабилда бўлди. Билмадим, эҳтимол, бу беҳуда мулоҳазадир, аммо психологик нуқтан назардан худди шундай бўлган. Уйлайманки, ҳато қилмаётган бўлсам керак».

...Олий Бош Кўмондоннинг ҳаддан зиёд кескинлиги бундай тахмин қилишга асос бўла олади. Бунақанги хулосага келиш ва Петровнинг аввалги барча хизматларини унутиб юбориш учун Мехлис хатида ўтакетган низо — андишасизлик, лой чапловчи гаплар бўлиши керак.

У билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида ёзиб олинган яна бир ёзув:

«1945 йилнинг 25 март куни.

Мехлис менга ўгирилиб қаради-да:

— Бизда фронтга янги кўмондон келишидан хабарингиз борми? — деб сўради.

— Биламан, — дедим.

— Иван Ефимовичнинг ҳузурда бўлган эдингизми?

— Бўлгандим, — дедим. — Утган куни у билан хайрлашгани боргандим.

— У сизга нималар деди? Очигини айтаверинг.

— Ҳеч нарса дегани йўқ, — дедим. — Операциянинг бориши ҳақида ҳамда умумий тарздаги бошқа мавзулардан гапирди. Сиз сўраётган асосий мавзуда менга ҳеч нима демади. Сўзсизки, мен ҳам сўрамадим.

— Шунақа денг, ҳимм...

— Унинг ҳузурга хайр-хўшлашиш ва меҳмондўстлиги учун миннатдорчилик изҳор этиш учун боргандим, — дедим.

— Уни кўпдан биласизми?

— Ҳа. Назаримда у жуда яхши одам.

— Ҳа, — деди Мехлис қуруқ оҳангда. Назаримда ўзини ростгўй бўлишга мажбур қилаётгандек эди. — У очиқ кўнгил ва шинаванда одам... Шубҳасиз, тоғ шароитида жанг олиб бориш бўйича энг яхши мутахассислардан бири. Бу ишни у бошқалардан яхшироқ билади. Ҳаммадан кўра яхшироқ билади, деса бўлади. Лекин у дардчил одам... Буни биласизми?

— Яъни, қанақасига дардчил? — сўрадим.

— Ана шунақа... Касалманд одамлар бўлади, лекин... — Мехлис бир нафас тин олди. — Лекин, бу ҳақда сиз билан бошқа бир вазиятда гаплашиб оламиз.

Афтдан, машинада автоматчи билан шофёр ўтиргани учун бу мавзуда бошқа гапиришни хоҳламасди. «У сизга нималар деди? — деган саволидан Петров ишдан олинганидан кейин қандай ҳиссиётларни бошидан кечираётганлигини, ҳамда буни Мехлисдан кўрмаётганмиканлигини билишга ошиқаётганини сездим. Ҳар қалай менга шундай туюлди...»

Машинада бир неча минут жим кетдик, сўнгра Мехлис шундай деди:

— Куни кеча Иван Ефимович билан чала хайрлашдим. Армияда ушланиб қолган

дим. Унга телефон қилганимда жўнаб кетган экан. Хайр-хўшлашиш ҳам nasib этмади. Фақат телефонда гаплашишга тўғри келди.

Бу гапларни одатдагидек қуруқ оҳангда айтди: Петров билан хайрлаша олмай қолганидан койинаётгани ҳам, ўзини шундай кўрсатишга уринаётгани ҳам, сохталик ҳам сезилмасди.

Уруш ғолибона якунига яқинлашарди. Шундай кунларда зафар қучиш йўлида қанчадан-қанча куч-ғайрат сарф этган саркарда назардан четда қолиб кетаяпти. Ишсиз қолгани майли-я, бундан буён тақдири нима бўларкин? Юқорида у ҳақда нималарни уйлашмоқда экан?..

Петров буларнинг ҳаммаси Мехлиснинг тўхмати билан бўлганлигини албатта биларди. Бу ишнинг ипидан игнасиғача хабардор бўлган хизматдошларининг фикри ҳам, 1944 йилда 38-армия Ҳарбий кенгашининг собиқ аъзоси армия генерали А. А. Епишев мени таништирган яна бир қисқагина ҳужжат ҳам шундан далолат беради. Епишев ушбу қиссанинг биринчи қисми қўлёзмасини ўқиган заҳотиёқ менга ўзининг генерал Петров билан учрашувларидан бир неча эпизодларни ҳикоя қилиб берди. Сўнг, Иван Ефимовичнинг унга ёзган хатини кўрсатди. Мана ўша хат:

«1945 йил 26 март, генерал-майор ўртоқ Епишевга!

Ҳурматли ўртоқ Епишев, қўлингизни самимий қисаман. Сизга ҳар томонлама муваффақият тилайман. Сизнинг ўртоқ Москаленко билан иноқлигингиз ва жанговар дўстлигингиз яхши ва мустаҳкам. Фақат ҳавас қилса арзийди. Салом билан энг яхши истакларни йўллайман. И. Е. Петров».

БЕРЛИН ОПЕРАЦИЯСИ

Генерал Петровнинг бундан буёнги тақдири хусусидаги нохуш тахминлари тўғри чиқмади. 1945 йил апрель ойнинг бошларида у 1-Украина фронти штабининг бошлиғи лавозимига тайинланди. Маршал И. С. Конев ўз эсдаликларида шундай ҳикоя қилади: «...Берлин операцияси пайтида 1-Украина фронти штабининг бошлиғи бўлган Иван Ефимович Петров ҳақида қисқача сўзлаб бермоқчиман.

У ана шу операция бошланиши олдидан генерал Соколовскийнинг ўрнига келган. Василий Данилович 1-Белоруссия фронтига, қўмондон маршал Жуковга ўринбосар бўлиб кетди.

Бундан бир неча кун илгари Петров 4-Украина фронти қўмондони лавозимидан озод қилинганлигини билардим. Иван Ефимович ҳақида шахсий фикрим умуман ижобий эди, шунинг учун ҳам унинг тайинланишига розилик бердим.

Петров фронтга етиб келганлигининг иккинчи куни штаб бошлиғи сифатида Ставкага маълумот тузиши керак эди. Одатда бундай маълумот тузишни кечаси соат иккиларда тугатардик. Мен унга ана шу муддатгача маълумот тузишни таклиф этдим. Лекин у эътироз билдирди.

— Нималар деяпсиз, ўртоқ қўмондон. Мен маълумотларни илгарироқ, соат йигирма тўртга ёзиб тугатаман.

— Узингизни уринтириб қўйманг, Иван Ефимович, — дедим. — Шошилаётган жойим йўқ, ҳали иш кўп, армияларнинг қўмондонлари билан гаплашаман. Шундай қилиб, соат иккигача вақтингиз бор.

Жанговар маълумотга имзо чекиш вақти келганда, кечаси роппа-роса соат иккида, Петровга қўнғироқ қилдим. У хижолат чекиб, маълумотлар тайёр эмаслигини, ҳали барча зарур хабарлар тўпланмаганлигини телефон орқали айтди. Унинг ҳолатини англаб индамадим, имзо чекишни эса эрта билан соат тўртларга қолдирдим. Петров зарур материалларни тонгги соат олтига тайёр қилди. Мен кўп ўзгартишлар киритиб, имзо чекаётганимда у ошкора ва рўй-рост (бу унинг феълида бор) шундай деди:

— Уртоқ маршал, сизнинг олдингизда гуноҳқорман. Бунақанги кўламдаги ҳаракатларга биринчи бор дуч келишим. Унинг уддасидан чиқишим қийин бўлди.

Албатта, ҳар бир ишнинг бошланиши қийин бўлади. Петровнинг ўзи имкониятларини рўй-рост эътироф этиши кейинчадидек ҳамкорлигимизнинг юришиб кетишидан далолат беради.

Иван Ефимович яхши ҳарбий тайёргарликка эга ҳамда ҳар томонлама юксак маданиятли киши эди. У бутун уруш мобайнида довураклик ва мардлик кўрсатди, армияда шу хислатлари билан танилди. Фронт қўмондони бўлган, урушнинг охирига келиб эса, ўз тажрибасида биринчи марта фронт штабининг бошлиғи, жанговар генерал... Гинахонлик нима эканлигини билмасди. Аксинча, янги ишга жону дили билан киришиб кетди. Ўз ўзига: «Мана энди ҳақиқий фронтни, унда қанча қўшин бўлади-ю, вазифалари қанақа бўлишини тасаввур қиляпман», — дерди. Генерал жанговар тажрибаси борлигига қарамасдан ўзининг штаб бошлиғи сифатидаги янги вазифасида ҳали кўп нарсаларни ўрганиши кераклигини яхши ҳис этди ва у виждонан ўрганди.

Мен унга тўла ишонардим. Петров бунга тушунар, менга ҳам шундай муносабатда эканлигини сезардим. Ҳарқалай Петровнинг аслида штаб командири эмаслигини назарда тутиб иш юритишим керак эди, (бу лавозимгача — уруш даврида ҳам, тинчлик пайтлари-

да ҳам билим юрти бошлиғи, дивизия командири, армия қўмондони, фронт қўмондони бўлиб ишлаган). Петровгача бир йил мобайнида штабимиз бошлиғи бўлиб ишлаган генерал Соколовскийнинг хизматларини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. У ўзидан мустақкам жипслашган коллектив қолдирди. Ана шу коллективга таяниб Петров ўз ишида бирон жиддий қийинчиликка дуч келмади.

Иван Ефимович урушнинг охириги кунигача фронтимиз штабининг бошлиғи бўлиб қолди. Биз у билан бирга урушни 1-Украина фронтида яқунладик, яқунлаганда ҳам ёмон яқунламадик шекилли...»

И. С. Коневнинг юқорида келтирилган сўзларидан урушнинг дастлабки кунларида-ноқ Иван Ефимовичга зўр ҳурмат билан муносабатда бўлганлигини кўрамиз. Унинг ҳикоясидаги баъзи киноялар эса — бу маршалнинг феълига хос бўлиб — гоҳо ҳазилни ҳамда кишига биров тегажўғлик қилишни ёқтиришидандир. И. С. Коневнинг операциялар кўламининг катталиги ва қўл остидаги қўшинларнинг кўплиги билан фахрлианиши табиий. Юқорида келтирилган парчадаги унчалик аниқ бўлмаган иккита нарсага ўз мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Тўғри, Петров штаб бошлиғи лавозимида иш тажрибасига эга эмасди. Лекин фақат қўмондонлик лавозимларида ишлаганди, дейишлари ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Китобхонларга маълумки, Петров 1943 йилнинг 16 мартдан 13 майгача Шимолий Кавказ фронти штабининг бошлиғи бўлган. Уруш шароитида икки ой мобайнида фронт штаби ишига раҳбарлик қилиш — бу, албатта катта тажриба. Эслатиб ўтаман, бу лавозимда ҳам Иван Ефимович ўзининг ниҳоятда қобилиятли эканлигини кўрсатганки, бунга ўша пайтда у билан бирга ишлаганлар шохидлик беришади.

Петров 1-Украина фронти штабига бошлиқ бўлиб келган кунлари кенг кўламдаги ишни кўриб гўё ўзини йўқотиб қўйганлиги ва белгиланган муддатда Ставкага маълумот ёзаолмаганлиги тўғрисидаги фикрга ҳам эътироз билдиргим келади. Маршалнинг ҳулосаси шу жойнинг ўзидаёқ ўзи айтган сўзлар билан инкор қилинади. Уларни эслатиб ўтаман: «Петровгача бир йил мобайнида штабимиз бошлиғи бўлиб ишлаган генерал Соколовскийнинг хизматларини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. У ўзидан мустақкам жипслашган коллектив қолдирди».

Умуман, И. С. Конев ўз хотираларида Петровга ниҳоятда самимий муносабатда бўлади. Бунинг тасдиғи сифатида яна бир кўчирма келтираман:

«Фронт штабининг бошлиғи Петров, 1-Украина фронтидек улкан штабга раҳбарлик қилар экан, ўз иши билан аксари банд бўларди. У ҳар куни фақат бир неча соатга Дрезден йўналишига бориб келарди. Соат 18—19 ларда у штабда бўлиши керак эди.»

...Сталин маршаллардан Жуков ва Коневни шошилини равишда Москвага чақиртирди. Штеменко Черчилнинг сўзларини ўқиб бергач, Жуков ва Коневга мурожаат қилиб сўради:

— Берлинни ахир, ким — биз оламизми ё иттифоқчиларми?

Сталин шу мавзуда маршаллар ва Ставканинг вакили билан гаплашиб олди-да, ҳулоса қилиб деди:

— Берлинни энг қисқа вақт ичида олиш керак! Шунинг учун ҳам операцияга тайёргарлик кўришни ниҳоятда чегараланган муддатда ўтказиш лозим.

Маршаллар Жуков ва Конев Москвадаёқ бўлажак операция планини қиёмига етказиб, уни Бош Қўмондонга баён этдилар. План тасдиқланди, ўзлари эса штаблари жойлашган ерга учиб кетдилар.

Армия генерали Петровнинг 1-Украина фронти штабининг бошлиғи сифатидаги фаолияти ҳам ана шундай мураккаб операцияни, бунинг устига ниҳоятда чекланган муддатларда ишлаб чиқиш билан бошланади.

Берлин операциясини режалаштиришнинг ўзига хос хусусияти бўлиб, Олий Бош Қўмондон ўринбосари маршал Жуковни 1—Белоруссия қўшинлари қўмондонлигига тайинлаб, Берлинни айна шу фронт қўлга киритишни белгилаб берди. Эҳтимол, Сталин бу билан гитлерчилар Германияси устидан ғалабага эришишимиз учун жуда кўп куч-ғайрат сарфлаган маршал Жуковнинг алоҳида ролини назарда тутгандир.

Бироқ бу ҳол фашистлар Германиясининг пойтахтини қўлга олишга ўзида ҳуқуқ ва имконияти бор деб ҳисоблаган 1—Украина фронти қўмондони маршал Коневга унчалик мақбул эмасди. Бунинг учун ўша пайтда тўрт йилни ўт-олов остида ўтказиб, жуда кўп қурбонлар берган ва ўз тупроғидаги вайронагарчиликларни кўрган барча совет жангчиларининг юрагидаги алагали истак — Берлинни ўз кўзи билан кўриш, уни ўз қуроли билан ишғол этиш истаги қанчалар рамзий маънога эга бўлганлигини тасаввур қила билиш керак.

Бош штаб, Сталиннинг хоҳиши шундай эди. 1—Украина фронти зиммасига душманни Берлиннинг жанубида, Котбус районида янчиб ташлаш, жануби-ғарбидаги Беелитц Виттенберг маррасини ишғол этиш ва Эльбага чиқиб бориш вазифаси қўйилди. Ана шу кенгаш иштирокчилари Сталиннинг анча маҳал харита олдида туриб қолиб мулоҳаза юритганлигини, сўнгра қўлига қалам олиб 1—Белоруссия ва 1—Украина фронтлари таъсир доираларини чизик тортиб белгилаб берганлигини эслайдилар.

Петров жозибдор ва серғайрат одам эмасми, Коневнинг интилишларини қўллаб-

қувватлайди. Штабда қанчалик қизғин иш олиб борилганлигига маршалнинг қуйидаги сўзлари гувоҳлик беради:

«Операцияни тайёрлаш учун ҳаммамизда — фронт штабида ҳам, унга бўйсунувчи штабларда ҳам вақт зиқ бўлиб, иш ошиб-тошиб ётарди. Халқ ибораси жоиз бўлса, бош қашишга ҳам вақт йўқ эди».

Маршал Конев яна шундай ёзади:

«Берлин операцияси Улуғ Ватан Уруши йиллари мобайнида амалга оширишимга тўғри келган барча операциялар ичида энг мураккаби бўлса, ажаб эмас. Шу муносабат билан фронт қўмондонлигига ҳар куни ва ҳар тун кўпдан-кўп турли масалалар билан шуғулланишга тўғри келарди.»

25 апрелда Олий Бош Қўмондоннинг буйруғи эълон қилинди. Бу гал буйруқ икки фронт қўмондони ва ана шу фронтлар штабларининг икки бошлиғига қаратилган эди.

«Совет Иттифоқи Маршали Жуковга, генерал-полковник Малининга, Совет Иттифоқи Маршали Коневга, армия генерали Петровга.

1-Белоруссия фронтининг қўшинлари Берлиндан ғарбга олиб борувчи барча йўлларни қирқиб қўйдилар ва бугун, 25 апрелда, Потсдамнинг шимоли-ғарбида 1—Украина фронтининг қўшинлари билан бирлашиб, шу билан Берлинни тўла қамал қилишни тугалладилар».

Уша куниёқ 1—Украина фронтининг маршал Коневнинг илтимосига кўра Иван Ефимович алоҳида эътибор бериб турган қўшинлари Эльбада иттифоқчилар билан бирлашдилар. Бу Жадов қўмондонлигидаги 5-гвардиячи армия эди.

• УРУШДАН СЎНГ. ҚАДРДОН ЮРТГА ҚАЙТИШ

Жанглар тугади. 1945 йил 29 майда Иван Ефимович Петровга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. Олий Бош Қўмондоннинг кўнгилини ғалаба надида эритдими ёки генералнинг уруш йилларидаги барча қилган ишларини инкор этиш мумкин бўлмай қолдими, ҳақиқат тантана қилди: Петров бошқа штабларнинг бошлиқлари билан бир қаторда ана шу юксак унвонга сазовор бўлди. Мен буни Сталиннинг қарори билан шунинг учун ҳам боғлаяманки, юқори қўмондонлик составига мукофот унинг шахсан кўрсатмаси ёки у билан келишилган ҳолда бериларди.

Иттифоқчилар билан ишлаб чиқилган битимга биноан фашистлар Германиясининг таслим бўлиши тўғрисидаги Актдан келиб чиқадиган талабларнинг бажарилишини назорат қилиш учун қўшинларнинг бир неча группаси тузилди. 1945 йил 10 июнда 1-Украина fronti базасида тузилган қўшинларнинг марказий группаси Австрия ва Венгрияда жойлашган бўлиб, унинг штаб-квартираси Венада эди. Группа қўмондони этиб И. С. Конев, унинг ўринбосари қилиб армия генерали И. Е. Петров тайинланди. Қўшинлар группаси капитуляция тўғрисидаги Актнинг бажарилишинигина назорат қилиш билан шуғулланмасдан, балки ҳокимиятнинг маҳаллий органлари ва аҳолига уруш оқибатларини тугатишда, корхоналар ҳамда транспорт ишини йўлга қўйишда ёрдам кўрсатарди.

Сентябрь ойида Петровга Москвадан кўнғироқ қилишиб, Туркистон ҳарбий округига қўмондонлик қилишга розилик берармидингиз? — деб сўрайдилар. Иван Ефимович бундан яхши ишни орзу қилмасди. Ешлиги ўтган, онаси, синглиси, кўпдан-кўп дўстлари яшайдиган қадрдон ўлкага қайтиб бориш унинг учун катта қувонч эди. Худди шу диёрни у ўз уйим деб ҳисобларди. Мамнуният билан розилик берди. Буйруқ ҳам шунчалик тез этиб келдики, ўша сентябрь кунлари Иван Ефимович дастлаб Москвага, у ердан Тошкентга жўнаб кетди.

Уша пайтда Юра Петров билан мен Москвадаги Фрунзе номли академияда эдик. Юра ҳам, мен ҳам яралангач, госпиталда даволанганимиздан кейин ўқишга киргандик. Уруш бошланишидан олдин Тошкентда ажралишганимиздан буён энди учрашишимиз. Юра уруш йиллари куч-қувватга тўлиб, этилибди. Аммо ҳамон ўша-ўша: хушчақчақ, ўтовлов... Ўқишдан ташқари пайтларда фотография билан қизикар, лейкасини кўтариб олганича ўзини қизиқтириб қолган уйлар, ҳайкаллар, йўловчиларни суратга оларди.

Ўқиш бошланиши билан Юра уйланди. Шу йилиёқ ўғил кўрди. Тўнғичи Володя бугунги кунда соғ-саломат. Сўнгра иккинчи ўғил туғилди. Уни бобосининг номи билан аташди. Иван Ефимович невараларини жон-дилидан яхши кўрар, болалар кўпинча уникида, Тошкентда туришарди. Шунга айтиб ўтиш керакки, Юранинг оилавий турмуши унча яхши бўлмади, у кўп ўтмай хотини билан ажралишди.

Бувиси ҳарбийлар сулоласини давом эттириш мақсадида набираларини суворовчилар билим юртига берди. Қувончининг чеки йўқ эди. Аммо бу ерда ҳам Петровларга фалокат эргашиб юрган экан. Ваня билим юртини тугатмасдан рақ касаллигига чалиниб, оламдан ўтди. Ҳозирда Новодевичье қабрстонига бир қабрда икки Петров — Иван Ефимович билан суворовчи Иван Юрьевич жасади ётибди.

Сентябрь — академия тингловчилари учун отпуска пайти. Ушанда, 1945 йилнинг сентябрида Иван Ефимович билан Тошкентда биринчи марта учрашдим. У эндигина округ қўмондони лавозимига тайинланган, мен бўлсам ота-онам ҳузурига отпускамни ўтказиш учун келгандим.

Уйига йўқлаб бордим. Соқчи қўнғироқ тугмасига ишора қилди. Қўнғироқ қилдим. Остонада Иван Ефимович пайдо бўлиб, мени кўргач, хитоб қилди:

— Эҳ-ҳе, Володя... Тирикмисан?!

У мени уйига олиб кириб кучоқлаб, ўпди-да, ўзидан нари суриб, гимнастёркамдаги орденларга тикилиб қаради:

— Яхши, ўзингни йўқотиб қўймабсан, азамат... Ҳатто Совет Иттифоқи Қаҳрамони ҳам бўлибсан!..

Биз узоқ ўтириб қолдик. Мени тунаб кетиш учун олиб қолишди. Стол атрофидаги полга жой солинди, ҳамма оёғини унинг тагига узатиб ётди. Қоронғуда алламаҳалгача чақчақлашдик. Болалар ухлашган, биз эса ҳамон ўз қариндош-уруғларимиз ҳақида, турмуш ҳақида, ғалабадан кейинги қувонч ҳақида гурунглашардик.

Мўъжазгина уйда менга кўрсатилган бундай ҳурмат-иззатни ҳеч қачон унутмайман. Ҳозирда таниш-билишларим ва ошналаримнинг шинам уйларида, тўкин дастурхонлари атрофида ўтирган кезларим кўпинча ўша торгина меҳмондўст хонадонни эслайману «ни-ма сабабдан эндиликда ана шундай самимият ва меҳр сезилмайди?..» деб ўйлаб қоламан. Афтидан, уруш йиллари кўпчилиكنинг бошига тушган мусибат, ғам-андух бизни бир-биримизга яқинлаштирган ва бир-биримизга нисбатан ҳар қачонгидан ҳам сахий ва меҳрибон бўлганмиз.

Иван Ефимович Туркистон ҳарбий округига етиб келгач, бутун республикани айланиб чиқди, ёшлигидан ўзи учун азиз бўлиб қолган жойларни бориб кўрди. У бу ерда граждандар уруши йилларида бирга хизмат қилган жуда кўп эски таниш-билишларини учратди. Бировлари худди ўзи каби эндигина фронтдан қайтишган, бошқалари айниқса, босмачиларга қарши курашларда сафдош бўлганлари энди оқсоқол, серфарзанд бўлиб кетишганди. Иван Ефимовични ҳамма жойда азиз меҳмон сифатида кутиб олишар, уйларида таклиф этишар, бориб кўриш учун колхозларга чорлашарди. Унга ана шу сахий, меҳнатсевар одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, биргаликда эслайдиган воқеалар жуда кўп бўлган.

Уша йиллар генерал Петров Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Усмон Юсупов билан дўстлашди. Туғма талант соҳиби, қадимда оддий аравакашнинг ўғли бўлган Усмон Юсупов чинакамига халқ эъзозлаган одам эди.

Усмон Юсупов билан бир неча бор учрашганман, шунинг учун ҳам у ҳақда комил ишонч билан сўзлаяпман. Бунинг устига узоқ йиллар мобайнида Ўзбекистонда яшаб, у бошлаган ажойиб ишларнинг гувоҳи бўлганман. Ота Улуғ Ватан урушининг машаққатли йиллари, айниқса жуда кўп ишлар қилди. Бу ерга, Ўзбекистонга бир қатор sanoat корхоналари кўчирилди. Фронт ниҳоятда кўп миқдорда техника, қурол-аслаҳа, ўқ-дори талаб этарди. Ўзбекистонга эвакуация қилинган корхоналар Усмон Юсупов раҳбарлигида мисли кўрилмаган қисқа муддат ичида маҳсулот бера бошлади. Фақат битта мисол келтираман. Одатда завод қуриш учун йиллар талаб этилади, фронт эса буни кутиб турмайди. Усмон Юсупов маҳаллий илиқ иқлим шароитини назарда тутиб, Россиядан келтирилган дастгоҳларни эшелонлардан тўппа-тўғри қурилиш мўлжалланаётган майдонларга туширтиради. Бетон пойдеворлар ўрнатилади, унга дастгоҳлар мустаҳкамланади ва очиқ ҳавода ишлай бошлайди. Деворлари, томи эса кейинроқ тикланади. Эвакуациядан икки-уч ой ўтмаёқ заводлар маҳсулот берабошлайди...

Цемент, ёғоч, темир камчил бўлган шароитда бу ишнинг қанчалик мураккаблигини тасаввур қилиш қийин эмас. Ҳамма нарса чекланган миқдорда Сибирда сақланиб қолган корхоналардан келтирилларди. Умуман, бу ишларнинг ҳаммасини нафақат чинакам меҳнат қаҳрамонлиги, балки мўъжиза деб аташ мумкин.

Усмон Юсупов билан уруш йиллари бўлган учрашувимни ҳикоя қилиб бераман.

Менга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилганидан кейин орадан бир кун ўтгач, Ўзбекистоннинг Москвадаги доимий вакили келиб кадрдон жойларимни, яъни Тошкентни бориб кўришга таклиф этиб кетди. Таклифни жон-дилимдан қабул қилиб, кўмондонлик томонидан берилган ўн кунлик отпускани олиб йўлга тушдим.

Тошкент вокзалида мени онам, отам, яқин дўстларим ва жуда кўп нотаниш кишилар кутиб олишди. Ҳаммаларининг қўлларида гулдасталар. Офтоб чарақлаб турган ёз куни... Бу паллада Тошкентда гул ғоят сероб бўлади: вокзал олдидаги майдонда гул, кутиб олаётганларнинг қўлларида гул — ҳаммаси менга, фронтдан келган кишига худди эртакка ўхшарди... Ахир ҳали 1944 йил эди-да!

Кутиб олаётганлар орасида «расмий» киши ҳам бор. У ёнимга келиб, машина кутиб турганлигини, меҳмонларнинг ҳаммасини ўз уйимга олиб боришим мумкинлигини айтди. Унинг бу сўзлари мени ўйлантириб қўйди. Негаки, мен бор-йўғи катта лейтенант бўлиб, ўша пайтдаги пул билан унча кўп эмас — 900 сўм маош олардим. Бир буханка нон ўша йиллари бозорда 300 сўм турарди. Ана шу ўртоқ меҳмонларни бизникига боришини айтганида, ота-онам билан бирга машинага ўтирарканман, уларни нима билан ва қаерда кутиб оламиз? — деб ўйлардим. Бу ҳақда оҳиста отамдан сўрадим. У бўлса қувонч ва бахтга тўлиб:

— Хавотир олма, ўғлим, ҳаммаси жойида, ҳамма нарса ҳозирлаб қўйилган, — деди хушнуд жилмайиб.

Зўр-базўр кун кўришган бўлса, буларнинг ҳаммасини қаердан олишганини тушунолмасдим. Лекин, ҳовлимизга яқинлашиб уйга кирганимда бу зиёфатни ота-онам эмас, балки Ўзбекистон ҳукумати уюштирганлигини сездим.

Ҳовлида, боғдаги дарахтлар соясига узун столлар қўйилиб, дастурхон ёзилган. Ҳовлининг этагида дошқозонда ош дамланган. Қозон атрофида оқ фартук ва қалпоқ кийиб олган ошпаз куйманиб юрибди. Ёнида каттакон мис самовар, чамамда биронта чойхонадан келтирилган бўлса керак.

Кечгача зиёфат бўлди. Кечқурун вокзалда кутиб олган ўша — «расмий» киши менга юзланаркан:

— Эртага эрталаб Усмон Юсупов сизни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида, ўз хонасида кутади, — деди.

Саҳарлаб туриб, ювиниб-тарандим-да, орденларимни тақиб Марказий Комитетга йўл олдим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Гоголь кўчасида, ҳозир Ўзбекистон фанлар академияси жойлашган бинода эди.

... Рўпарамдан оқ жужунча китель, пистоқи рангли галифе шим кийган, оёғида этик, сочи қирилган, кувноқ Усмон Юсупов табассум қилиб келарди. У мени қучоқлаб, ўзбекча одатга кўра кўксига босиб кўришди-да, юксак мукофот билан табриклади ва ўтиришга таклиф этди. Отани фронт, менинг фронтда кўрсатган жасоратларим қизиқтирарди.

— Модомики, Ўзбекистонда эканман, — дедим мен, — ўзбекча сўзлашишга ижозат берсангиз...

Усмон Юсупов ҳайрон бўлиб қошларини чимирди. Чамаси, бу ерда яшовчи кўпчилик русларга ўхшаб ўзбекчани чала-чулпа билса керак, деб ўйлади.

— Ўзбек тилини яхши биламан, — дедим уни хотиржам қилиб. — Ўзбек маҳалласида яшаб, ўзбек болалари билан ошиқ отиб, ланка тепиб юрган кезларимда ўрганганман. Фақат уйда ота-онам билан рус тилида сўзлашардим, қолган пайтлари...

Усмон Юсупов суюниб кетди. У менинг ҳаётим ҳақида сўраб-суриштираркан, оталарча бағрига босди-да, деди:

— Нима ҳам дейиш мумкин, рус бўлсанг ҳам ўзбек халқининг фарзандисан... Биламан, ота-онанг бағридан узилгинг йўқ. Аммо уруш давом этапти. Фронтга стратегик хомашё зарур. Сендан ақалли Тошкент яқинидаги колхозларда бўлишингни, фронтда қандай жанг олиб бораётганликларингни, қандай қилиб фашистларнинг адабини бераётганларинг ҳақида колхозчиларга сўзлаб беришингни, бу ерларда етиштирилаётган пахта фронт учун нақадар зарурлигини эслатиб ўтишингни илтимос қиламан. Халқ фронт учун жонини ҳам аямаяпти. Шундай экан, одамларнинг руҳини кўтариш, фронтни хомашё билан таъминлаётганликлари учун уларнинг шаънига яхши сўзлар айтиб, кайфиятларини кўтариш зарур. Нима дейсан?.. Кечқурунлари эса, уйга қайтиб, ота-онанг бағрида яшайверасан.

Келишдик. Усмон Юсупов шу куни кечқурун мени ўз уйига, меҳмонга таклиф этди. Белгиланган пайтда Усмон аканинг уйида бўлдим. Биз билан дастурхон атрофида унинг рафиқаси ҳам бор эди. Айтгандай, у украинка — Юлия Леонидовна Степаненко. Усмон Юсупов билан кўп нарсалар ҳақида чақчақлашдик. У менга вино қуйиб, бугун фронтчи сифатида ичишим мумкин ва зарур эканлигини, ўзи эса овқатдан сўнг ишга қайтиб бориши кераклиги боисидан бирга ича олмаслигини айтди.

Усмон Юсуповнинг меҳмондорчилик ниҳоясида айтган сўзлари ҳам ёдимда. У шундай деган эди:

— Унутма, азизим Володя, олган мукофотларинг, кўксингда ялтираб турган «юлдузчанг» ҳаётингда сенга ёрдам беради. Сен ўсиб-улғаясан, ишда ҳам, мансабда ҳам илгари силжийверасан. Лекин, бу кўтарилишни тоққа чиқиш билан тенглаштир. Тасаввур қилгин-а: чўққига кўтарилиб бораясан... Сен билан бошқа кишилар ҳам бораёпти... Тоғларда тез-тез шундай бўлиб туради — баъзан оёғинг тагидаги тош думалаб кетади. Қоқилишинг мумкин... Бу фалокат бошқа бирон киши билан содир бўлса, у ўрнидан туриб, чангини қоқиб кетаверади. Аммо сен билан бундай фалокат юз берадиган бўлса, у ҳолда Олтин Юлдузинг жуда оғир юкка айланади. Партия ва ҳукуматнинг сенга ишониб билдирган юксак ишончини оқлай олмасанг ўрнингдан туриб қаддингни ростлаб олишинг анча қийин бўлади...

Усмон Юсуповнинг ана шу доно сўзларини умрим бўйи ёдимда сақлаб келяпман.

Эртаси куни машина юборишган эди, колхозчилар ҳузурида сўзлаб бериш учун жўнаб кетдим. Шаҳар бўйлаб борар эканман, қутилмаганда Инқилоб хиёбонида, сўнгра Хадрада ўзимнинг каттакон портретимни кўрдим. Уларнинг тагига: «Ўзбек халқининг фарзанди Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Карпов» деб ёзиб қўйилганди.

Усмон Юсупов майда-чуйда нарсалар устида ҳам ана шундай давлат миқёсида мушоҳада юритувчи инсон эди. У бу учрашувни интернационал туйғуларни муштаҳкамлаш, уруш йиллари чарчаб-ҳориган колхозчиларнинг меҳнатдаги ғайрат-шижоатини кўтариш, юксак унвонга сазовор бўлган мендек ёш йигитни ақлли-ҳушли бўлишга ўргатиш мақсадида ташкил қилган эди.


Иван Ефимович ҳақида озми кўпми тасаввурга эга бўлдингиз. Бу ҳарбий кишининг, саркарданинг ҳаёти. Мен унинг инсон сифатидаги фазилатларини тўла очиб беролганим йўқ. Негаки, бунинг учун унинг шахсий орзу-ўйларини кўрсатишим керак эди. Табиий, Петровнинг ҳарбий хизматга дахлдор бўлмаган ўз қизиқишлари, оиласи, дўстлари билан мулоқотлари бўлган. Буларнинг ҳаммаси, ҳатто менга маълумлари ҳам асарга киритилмади. Мақсад, Петровнинг чор армиясининг прапоршчигидан совет саркардаси бўлиб етишгунгача босиб ўтган йўлни кўрсатиш эди.

«Саркарда» сўзи бўрттириш учун танланмаган. Эҳтимол, Петров раҳбарлигидаги қўшинлар нимагаки эришган бўлса уларни порлоқ ғалабалар деб айтиш мумкин эмасдир, аммо ниҳоятда машаққатлар билан қўлга киритилганлигига шубҳасиз тўла асос бор. 1941 йил, урушнинг дастлабки ойлари, Информбюронинг ташлаб чиқилган шаҳарлар тўғрисидаги ахборотларини эсланг. Гитлерчилар бу шаҳарларни урушнинг бир неча кунда ёки бир неча соатида, баъзан эса бир ҳамлада қўлга олганлар. Одесса бўлса 73 кеча-кундуз, Севастополь эса 250 сутка мобайнида мамлакатдан мутлақо ажралиб қолган бир шароитда кураш олиб борди. Ставка қўлидан келган барча ёрдамни кўрсатди, лекин шуларга қарамасдан бундай шароитларда жанг олиб бориш ниҳоятда оғир эди.

Саркардалик тақдири Петровни сийламас эди. Бор-йўғи икки армиянинг кучи билан Карпатни ошиб ўтишнинг ўзи қанчалар қимматга тушган! Душманни тоғ тизмаларидан улоқтириб ташлаш учун қаерлардадир қолиб кетган кучлар тўпланар, навбатдаги истеҳкомни забт этишга отланилганда қор ва ёмғирдан шалаббо бўлган, ҳолдан тойган бўлишларига қарамай юқорига қараб тирмашаётган солдат ва офицерлар кўзга ташланарди. Ушанда юзлаб километр масофада бирин-кетин қад кўтарган тоғ тизмаларининг ниҳояси йўқдек кўринарди!

Шу жангларда Петровнинг роли қандай бўлди? У қояларга тирмашиб чиқмаган, ўқ ёмғири остида солдатлар билан ёнма-ён қадам ташламаган. Лекин, ақл-заковати ва қалби билан улар билан бирга бўлган. Энг муҳими, уларнинг қисматини енгиллаштириш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилган. Жангчилар ўз Ватанларини, қариндош-уруғлари ва ёру биродарларини ҳимоя қилардилар. Улар учун ана шундай яқин кишилардан бири Иван Ефимович Петров эди. Ўз қўмондонларига ишонч ва ҳурмат душманни ҳам, тоғларни ҳам енгиб ўтишда уларга мадад бераётган манбалардан бири эди. Бу менинг сўзларим эмас, ўша жангчиларнинг сўзи. Мабодо менинг Петровга нисбатан иззат-икромим ва муҳаббатим бўртиброқ кетган бўлса, бунинг учун койимассиз, деб ўйлайман. Ахир, одамни самимий муҳаббати учун койиш мумкинми?..

Ҳамид ТОЖИБОЕВ таржимаси



Абдулла Тожибоев

Ўртоқ Навоий

Ўртоқ десам ўртоқсиз, замондошсиз,
Сизни ўлган деб айтар қайси эссиз.
Бир сафдасиз биз билан бирга яшаб,
Ўзбексиз-ку тили бир, қариндошсиз.

Ўлчов эмас умрга вақту муддат,
Мангулик ўз-ўзидан бўлмас бунёд.
Минг йил сўнмай яшаши мумкин ахир
Чақмоқ каби чақнаган нурли ижод.

Сиз келяпсиз вақтдан ўзиб-туриб,
Абадият дулдулин миниб-суриб.
Келяпсиз ғолиб чиққан саркардадай,
Асрларни тўлдириб довул уриб.

Сизнинг юзминг сатрингиз юзминг аскар
Сингари олдимизда жавлон айлар.
Ҳар сўзингиз боғларнинг булбулиндай,
Ҳаётни мадҳ этади, чаҳ-чаҳ сайрар.

Елкалаб ҳур фикрлар инжу-зарин,
Силкиб ташлаб Вақт қўйган тўсиқларин,
Етдингиз ёруғ иқбол — ёркин кунга
Янгротиб мунгли замон қўшиқларин.

Меҳр-ла назар солинг, суюк оқин,
Бутун олам бугун сизга мухлис, яқин!
Янги дунё куёшга юз очмоқда,
Тозалаб жунунликдан инсон отин.

Бугун Фарҳод кўзида олов ёнар,
Халқининг ўй-армонин бажо айлар,
Зўр тоғларни кўтариб суриб қўйди,
Ўзгартди оқимларин Сирдарёлар.

Яшнатиб чўл-биёбон, далаларни,
Бунёд этди зўр шаҳар, қалъаларни.

Таниқли қозоқ шоири Абдулла Тожибоев 1909 йилда Қизилўрда шаҳрида туғилган. Абай номидаги Қозоқ педагогика институтида, СССР Ёзувчилар союзи Олий адабиёт курсларида таҳсил олган. Филология фанлари доктори.

Шоирнинг илк шеърлар тўплами «Янги оҳанг» 1932 йил эълон қилинган. Шу йиллардан бошлаб А. Тожибоев қозоқ шеърини, драматургияси ва адабиётшунослиги ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Шоирнинг кўплаб асарлари қозоқ халқининг маънавий хазинасига айланган, рус ва қардош халқлар тилларига таржима қилинган. Унинг «Кўтарилган гўмбаз» драмаси (Миртемир таржимаси) ва «Тўй арафасида» комедияси (Н. Фозилов таржимаси) ўзбекчаланштирилган.

Ўзбек адабиётининг қадрдон дўсти ва тарғиботчиси Абдулла Тожибоев 80 ёшга тўлди. Кўп сонли адабиёт мухлислари номидан улкан оқинни қутлуғ ёши билан муборакбод қиламиз.

Хаёлда ҳам ўсмас гуллар ўстирди у,
Қувноқ куйлар қувди мунгли нолаларни.

Унутди Фарҳод бугун қайғу отин,
Қўшди бахту шодликка муҳаббатин,
Араб, Эрон, Ҳиндистон ҳавас қилар
Кўриб бугун ўзбекнинг мамлакатин.

Бизларда милён Фарҳод ўсди ростдан,
Арзийди ҳар бирига битсанг дoston,
Фақат шу, Навойлар етишмайди,
Буни ҳам айтиб ўтай яширмасдан.

Койиманг, йўқ десам гар сиздай шоир,
Саодатли манзиллар яқин ахир,

Ҳар Фарҳод-чун бир шоир туғар ҳали,
Давримизнинг кучи бор шундай соҳир.

Талай замон кутмоқда сизни олдда,
Келажак набиралар кўз тутмоқда.
Мана Сизга бизлардан янги паспорт,
Истиқбол эшиклари очилмоқда.

Она тилим

Тириклигим нишонаси — она тилим,
Тилим борки — аён бўлар ўю фикрим.
Тилим ўсса, мен ҳам бирга ўсадирман,

Тилим ўлса, мен ҳам бирга ўладирман.
Тилсиз ҳайвон бечора,
Бечорага не чора?!

Ҳасса ҳақида

Саксон яқин келди менга,
Меҳру шафқат қилди менга.
«Суянарсан чарчасанг», — деб
Ҳассатаёқ берди менга.

Олмаота

Қозоқнинг пойтахти шу Олмаота,
Яшайман шу шаҳарнинг мен ўзида.
Мақташга Рим эмас у, Париж эмас,
Ва лекин қиёси йўқ ер юзида.

У энди сизлар билган шаҳар эмас,
Сурати унинг ҳозир бошқачарок.
Куйлаш учун ер, осмон манзарасин
Эскирмас, янги-янги сўзлар керак.

Қай шаҳарнинг шундай алп эманлари
Кўчада қанот ёйиб, қад керади?
Қай шаҳарнинг азамат тераклари
Осмонни яроғи-ла супуради?

Ҳар гулга қўшиқ айтса битта булбул,
Ҳар қизга битта шоир ўлан битган.
Юксакни орзу қилса қайси кўнгил,
Тоғи бор — осмонларга елка тутган.

Ипак ел лаби билан ўпиб ўтса,
Оқ ёмғир остонамни ювиб кўяр.
Рангларин кўз-кўзлаш-чун, еру кўкка
Камалак кўйлагини ёйиб кўяр.

Гул, булбул ва қуёшни севинг, дўстлар,
Қозоқнинг пойтахтига келинг, дўстлар.
Маҳмонга чин кўнгилдан саховат бу —
Қозоқнинг дастурхонин кўринг, дўстлар!

Олисдан хат

Ёзда жонбахш шабадалар
Юзларингга тегса гоҳо,
Булар — соғинч еллариدير,
Нафасимдан бўлган пайдо.

Шивирлашиб кўк япроқлар,
Еллар билан айтишса сир,

Сен ҳам тингла, менинг ишқий
Розларимни тингла ахир.

Узун тунлар мафтун бўлиб,
Ой қараса деразангдан,
Сен ҳам қара: оймас, бу — мен,
Кўз узолмай турган сендан...

Қозоқчадан таржима.



Михаил Бабинцев

РАИСНИНГ ИККИНЧИ МАКТАБИ

Баҳорда ҳайқириб оқаётган сойнинг бўтана сувлари тик қирғоққа урила-урила уни емириб, бўшроқ қатламини қидиради. Пишқираётган серкүпик тўлқин юз йилларнинг шоҳиди бўлган даҳлатни тупроқ қатлами ва эндигина бўй чўзаётган майсалар билан биргаликда «гуп» этказиб жарга қулатгунча шу ишини давом этказаверади. Рустам Раҳбарович дўнгликда омон қолган уч туп терак ёнида турганча жўшқин сой оқимини кузатар экан, беихтиёр табиатнинг бу ҳодисасини ўзининг раислик ташвишлари билан таққослади. Яқин ўтмишдан — турғунлик йилларидан қолган иллатлар бўтана тўлқин каби раис билан колхозчилар коллективи ўртасида мустаҳкамланиб бораётган муносабатларга раҳна солишга интиларди...

Сирасини айтганда, Акбаров ўзининг сабр ва бардошини синовдан ўтказадиган пайт келишини кўпдан бери кутарди. Шундай пайт у район партия комитети тавсияси билан колхоз раиси этиб сайланганидан кейин келди. Қарабсизки, илгари тарих ўқитувчиси, қишлоқ мактаби директори, сўнг райОНО мудирини бўлиб ишлаган одам ўзгача ташвишлар билан яшай бошлади.

Акарбов ўз ҳузурига чорвачилик фермасининг мудирини кириб келган ўша унутилмас кундан бошлаб яқин ўтмиш иллатларини илдизи билан суғуриб ташлашга киришди, ўзи турган қирғоқнинг нураб кетишининг ғамини еди. Ушанда ферма мудирининг ҳузурига сахарда кириб келди-да, гўё хижолат чеккандек кўзларини олиб қочиб аста сўз бошлади:

— Рустам ака, сут соғими камайиб кетяпти!.. Беда тамом бўлди, кўк ўт ҳам йўқ...

— Нима, нега йўқ бўларкан?! — Жуссаси кичкина, аммо чайир раис ток ургандек креслодан ирғиб турди. Столни айланиб ўтиб мудирга рўбарў келди. Мудир раиснинг қорамтир кўзойнаги ортидаги кўзлари оловдек чақнаб кетганлигини кўрди. — Кузда, агроном Толипов билан биргаликда, беда пичани янги мавсумгача етади, деб мени ишонтирган эдинг. Хўш, қани у? Ҳозир, йил эндигина бошланган пайтда сут соғимини пасайтириб юбориш нима эканлигини биласанми ўзинг? Соғувчиларнинг иш ҳақи икки баравар камайиб кетса сен билан мён нима деган одам бўламан. Бу ерда бир гап борга ўхшайди, дарров аниқлашимиз зарур.

Акарбов камдан-кам ҳолларда тутатиб кетарди. Бу гал ҳам тезда ўзини қўлга олиб, колхоз бош агрономи Турсунбой Толипов билан ер тузувчи Аҳмаджон Саидовни ҳузурига чақиртирди.

— Ҳозир мен билан бирга далага борасизлар. Ҳар бир далани алоҳида-алоҳида қайта ўлчаб, текшириб чиқамиз. Беда, маккажўҳори қанча майдонни эгаллаганини аниқлаймиз.

— Рустам ака, бу ишни биз ўзимиз қилсакмикан? Бусиз ҳам сизнинг ишларингиз тиқилиб ётибди. Бизга ҳаммаси беш қўлдай маълум... — ялтоқланди Толипов бу гал хуфийа гектарларни яшириб қола олмаглигини сезиб.

— Бас! Турсунбой, ҳозирча сенга гап йўқ! Аҳволни қанчалик билишингни кўрсатдинг... Абдурахимни, ферма мудирини ҳар ҳолда виждони бор экан, ростини айтди, сенда эса виждон йўққа ўхшайди. Узимда ҳам айб бор, бепарволик қилдим, яна педагог эмишман-а! Айрим бригадаларда сабзавот етиштиришнинг ортиб бораётганлиги фақат ҳосилдорлик эвазига эмаслигини озгина сезгандим...

Алмашлаб экиш планига мувофиқ бедазор бўлиши керак бўлган ўн гектардан зиёд ерни қидириб топишди. Бу ерда редиска, саримсоқ барқ уриб ўсиб ётарди. Бу аслида деҳқончилик ҳодисасини бузиш, чорва молларининг ризқини қийиш эвазига қўлга киритилган ўғринча жой бўлиб, ҳисоботда ҳосилдорликнинг юқори бўлишини таъминлаб, агрономга сохта обрў-эътибор, пул муқофоти келтирарди. Фермадаги ҳозиргидек аҳвол эса тез-тез такрорланиб, хўжалик четдан ем-хашак сотиб олишга мажбур бўларди. Бу эса сутнинг таннархи ортишига, сут соғими камайишига сабаб бўларди. Хўжалик шаҳар яқинида жойлашганига қарамай уч минг литрлик маррадан ўтиб бўлмас эди. Бошқача айтганда, бир мири фойда-ю, уч мири зиён эди.

Мутахассисларнинг ана шундай қинғир ишига ўз вақтида чек қўйилмагани учун раис ўзини ўзи койди. У педагог эди, одамларга ишонишга ўрганганди. Уқувчиларини ҳам доимо шунга ўргатган. Қувончлиси шундаки, ҳозир ўша шоғирларнинг кўплари шу колхозда ва қўшни хўжаликларда ишлашяпти. Шундай экан, ўқитувчининг чекинишини оқлаб бўлмайди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми узоқ йиллар мобайнида республикада таркиб топиб келган қонун бузишлар, фирибгарликлар, кўзбўямачилик сингари салбий ҳодисаларни фош этди ва қоралади. Хўжаликларда ерларга яширинча экин экиб, бунинг ҳисобига ҳосилдорликни ошириш одат бўлиб қолган эди. Кўп ҳолларда бу юқоридан рағбатлантирилади ва хўжаликларнинг раҳбарлари қўшиб ёзишлар эвазига ўз мансаб курсиларида мустаҳкам ўтирардилар.

Янги раиснинг олдиди икки йўл: эски ва янги йўл бор эди. Акбаров янги йўлга дадил қадам қўйиб, янгича фикрлаб, виждонан ишлашга аҳд қилди. У аини пайтда хўжаликдаги аввалги баъзи

мутахассислар — яқин вақтларгача ўзига таянч бўлиб келган ўрта бўғин раҳбарларининг бир қисмидан ҳам юз ўгирди. Унинг рўйхатидан ўчирилганларнинг биринчиси бош агроном Турсунбой Толипов бўлди. Ваҳоланки, ўзи учун энг қийин бўлган пайтда, ҳатто ундан ер илмини ўрганган эди. Правлениенинг биринчи мажлисидаёқ раис агрономни бригадирликка ўтказиш тўғрисида қатъий фикрини айтди.

Еш зоотехник Саидикром Юсуфхўжаевни чорвачилик фермасининг мудирини этиб тайинлашди. У ҳам яқин ўтмишда Акбаровнинг ўқувчиси бўлган.

— Менга яна бир бор имтиҳон топширасан! — деди оталарча меҳрибонлик билан жилмайиб Рустам Раҳбарович. — Буниси мактабдагидан қийинроқ бўлади. Тўғриси айтишга қўй, — раиснинг нигоҳи жиддийлашди, — сендан умидим катта! Биз икки-уч йил мобайнида сут соғимини ҳар бош сиз сиз ҳисобига тўрт минг килограммга етказишимиз лозим. Йўқса, озуқа цехи билан янги фермани нега қурдик. Қара, бутун бир чорвадорлар шаҳарчаси қурапмиз. Чиройли коттеджларга саккиз-ўн жонли оилалар кўчиб киради. Бу ерда шаҳарликлар учун чинакам сут фабрикасини вужудга келтирамиз! Кузда атрофига дов-дарактлар экамин, янги боғ барпо этиламиз...

Дарҳақиқат, Саидикром раиснинг умидини оқлади. Фермадаги ишлар юришиб кетди. Ун биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳар бош сизгидан 4100 килограммдан сут соғиб олинди. Қўшиб ёзувчилар «яширган» бедапоё ҳам асқотди, албатта. Энг муҳими, раис мутахассислар, бригадирлардан ўзининг чинакам сўянчиқларини вужудга келтириши лозимлигини, уларни ўтқинчи муваффақиятларга эмас, балки ҳўжалик юритишининг энг мақбул йўллари қидириб топишга рағбатлантириши зарурлигини тушуниб етди.

Раис яқин пайтлардаги ёрданчиларини алмаштиришга қатъий киришиб, тўғри иш қилаётганлигини яхши биларди. Зеро, бу бошқарувда янгица фикрлашга, ердан фойдаланишда тартиб ўрнатишга олиб боровчи йўл эди. Бироқ район раҳбарлари орасида Акбаровнинг режаларини дарров тушунмаганлар ҳам бўлди. Айниқса, бош агрономликка номзод танлашда қаттиқ жанг қилишига тўғри келди. Раис бу лавозимга Ботир Раҳимовни таклиф қилди. У оддий агроном эди. Акбаров уни кузатиб юриб, серҳаракат, ёзланувчан, топқир йигитлигини пайқаб қолди. Аммо раиснинг хоҳиши ва колхоз правлениесининг розилиги кифоя қилмас экан. Ҳўжаликнинг бош мутахассиси РАПО кенгашида ёки колхознинг умумий йиғилишида эмас, балки район партия комитети бюросида тасдиқланарди. Бу қоида ким томондан ўйлаб чиқарилганлиги номатълум, аммо ҳозир ҳам шундай тартиб мавжуд. Бунда кўпинча шундай бўладики, биринчи секретарь район партия комитети номидан иш қўриб, ўз фикрини ўтказишга ҳаракат қилади, коллектив фикрини инкор этади. Бу гал ҳам шундай бўлди.

— Сиз раҳбарликни бир оз ошириб юборяпсиз, ўртоқ Акбаров! — дея гап бошлади район партия комитетининг биринчи секретари А. Тўрахонов раиснинг мулоҳазасини охиригача эшитмай. — Бу сизга мактаб эмас, шўхлик қилган ўқувчини синфдан ҳайдаб чиқариб, эртаси куни яна киритадиган! Толипов — тажрибали мутахассис, кўпдан бери ишлайди, сиз уни, ҳе йўқ, бе йўқ, бригадирликка туширмоқчисиз. Биз уни бошқа колхозга бош агроном қилиб тайинлашимиз мумкин...

— Иштиёрингиз, аммо Толипов шундай ноҳўя иш қилганки, унга бригадирлик ҳам зиёд... Акбаров ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиб шундай деди-ю, лекин шамол қаёқдан эсаётганини тушуниб қолди. Ҳа, инсонлар тақдирини ҳал бўладиган бу бинода турмушимиздаги салбий ҳодисалар ҳақида қанча кўп гапирилмасин, ҳали ҳам ҳомийлик кўрсатиш иллатлари таг-томири билан тугамаганди. Бунга қарши бориш эса анча қалтис иш бўлиб, асаббузарликни, талашиб-тортишишни тақозо этарди. Раис ана шуларни ҳаёлидан ўтказаркан, ўтирганларга юзланди:

— Агар райком Раҳимовнинг номзодига қарши бўлса, келинг, умумий йиғилишда колхозчилардан сўраб кўрайлик... Ишончим комилки, кўпчилик у ҳақда фақат яхши гап айтиди!

— У йигитингизнинг соқи-сумбати ҳам йўқ-ку, райкомга чанг босган эдик кийиб келади... — ўтирганлардан бири шундай лўқма ташлади-да, ўзи уялди шекилли, жимиб қолди.

— Туядек шаклдан, тугмадек ақл яхши! — деди Акбаров. — Одамларнинг ташқи кўринишига қараб эмас, қобилияти ва ишчанлигига қараб баҳо берадиган пайт ҳозир...

Район партия комитети бюросининг мажлисидан жўнаб кетар экан, раис коллектив фикрига таяниб иш тутса, ўз нуқтаи-назарини ҳимоя қилиши осон бўлишига яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Оддий ҳақиқатни унутган ва ўзини бошқалардан ақллироқ ҳисоблаб, ўйламай-нетмай қарор чиқарадиган раҳбарга эса қийин.

— Қобилжон, теплица комбинатига кириб ўтайлик, — деди Рустам Раҳбарович ҳўжаликка яқинлашганларида ҳайдовчига. — Беш кунча бўлди у ерга кирмаганимга. Бир йўла андак нафасни ростлаб оламан, райкомдаги бунақа гапдан кейин юракнинг чигилини ёзмасам бўлмайди...

Чимкент тракти қишлоқлар ораляб кетган. Колхозларнинг чегаралари ҳам шу йўлга туташади. Унг томонда бир ҳўжалик бўлса, сўлда — бошқаси. Уйлар, саф тортган миззатераклар ортида кўкламги ям-яшил далалар ястаниб ётарди. Аслида буларни дала дейиш ҳам қийин: бўлтак-сўлтак ерлар!.. Бошқа республикада, Қозоғистонда бошланадиган Чимкент тракти Тошкент ҳалқа йўлини кесиб ўтиб, Юнусободдаги янги микрорайонга кириб боради. Бу ерда шаҳар ва қишлоқ бақамти келиб, талай муаммолар пайдо бўлган. Шаҳар йилдан-йилга кенгайиб, кечаги кўм-кўк далалар ўрнида осмонўпар бинолар бўй чўзётганди. Деҳқонларнинг қанча авлодлари томондан ардоқланган, ишлов берилган, шўх ва ҳазин қўшиқларда тараннум этилган энг унумдор ерлар ўз «касбини» ўзгартираётганди. Шаҳар эса бунга бепарво, мисоли соғлом гўдак сингари тобора иштаҳага кириб, кўпроқ сут, мева, сабзавот талаб қиларди. Мабодо таъминотда узилиш рўй берса ҳархаша ҳам қиларди.

Мантиққа қанчалик зид бўлмасин, шаҳар айна ўзини қўбаётган дала ҳисобига кенгайиб, ҳар йили атрофидаги колхоз ва совхозлардан юзлаб гектар далаларни тортиб олмоқда. Бу аслида ўзи ўтирган шохга болта уриш билан баробар эмасми?! Игирма йил ичда Тошкент аҳолиси қарийб икки баравар кўпайиб, икки миллион кишидан ошди. Уларни қарийб йил бўйи янги сабзавот билан таъминлаш ўзи бўладиган иш эмас. Сабзавотни мамлакат марказидан олиб келишмайди-ку, ахир. Афсуски, ҳозир ҳам марказда анча-мунча жойлар бўш ётганига қарамай, чекка-чеккада қурилишлар давом этмоқда. Суғориладиган ерлар бебаҳо бойлигимиз эканлигига, унинг ҳар гектаридан олинадиган даромад суғорилайдиган майдонларнинг 20 гектаридан олинадиган даромадга тенг эканлигига эътибор берилмапти. Яна бизда кўп яхши қарорлар қабул қилинади-ку, лекин унинг

ижроси изчил назорат қилинмайди. Масалан, КПСС XXIV съезди қарорларида катта шаҳарларнинг кенгайишини қатъий чеклаб қўйиш таъкидланганди. Аслида эса мамлакатимиздаги йирик шаҳарлардан бири бўлган Тошкент кенгайимдан кенгайиб, уни бошқариш ҳам тобора қийинлашиб бора-япти. Бир кун келадики, авлодларимиз режасиз иш қилганликлари учун бугунги шаҳарсозларга таъна қилишлари аниқ.

Акбаров бирор нарсани чуқур ўйлаб олиб, қалби амрига қулоқ солиш зарур бўлганда шу томонга йўл олади. Унинг ёшлиги ўтган, эндиликда қиёфаси бутунлай ўзгариб, хотирасидагина қолган далалар шу ерда эди. Ҳозирги Юнусобод массиви ўрнида яқин пайтларда ҳам Карл Маркс номли колхознинг марказий қўрғони бўларди. Акбаров урушдан олдинги ва айниқса, урушдан кейинги йиллардаги тупроқ кўчали, гувала уйлاردан иборат бўлган оч-юпун қишлоқни яхши эслайди. У шу қишлоқда биринчи бор кўклам қўеши нурлари остида ҳамирдай кўпчиган ернинг илиқ нафасини ҳис этиб, тандирдан янги узилган оби ноннинг хушбўй исини, жоноқи олмаларнинг муаттар ҳидини искаб завқланган. Ҳозир булар болаликдан қолган ширин хотиралар ҳолос. Шу боисдан, ҳамisha Акбаров бу ерга — ҳозир тош қасрлардек бинолар саф торган жойга келганда навбаҳорда оппоқ гулларга бурканган боғлар, далалар манзараси кўз олдида жонланади. Унинг ёшлигини йиллар олиб кетди. Етуклик даври аллақачон бошланган. Аммо неваралар балоғатга етаётганлигига қарамай, кўнгил кургур ҳамон ёш...

Раисни бу ерга кўндалик ташвишлар ҳам чорлайди. Микрорайоннинг қоқ марказида худди оролчадек бўлиб, колхознинг теплица комбинати қолган эди. Шаҳар ижроия комитетидагилар бир неча бор: «Иззатингиз битди, янги жойга кўчиб ўтишингиз, бу ерни гулхонага айлантириш учун беришингиз керак» дейишди. Жойни бўшатиб, дейиш осон, аммо янги теплица, қозонхона турғанининг ўзи бўладими?! Бунинг учун янги ер участкасини топишнинг ўзи бир ташвиш. Шундай ҳам ернинг ҳар бир қарчи тиллага тенг-ку! Ана, колхоз идораси ёнида ҳам гулзор учун бир парчагина ер ажратилган, қолган майдонга сабзавот экиб юборилган. Четдан қарасанг гўё ҳаммаёқ гулбоғ, яхшироқ разм еолсанг сабзю саримсоқ...

— Шу охири «оролча» билан ҳам хайрлашадиганга ўхшаймиз, Анвар, — деди Акбаров маъюслик билан теплица хўжалиги директориға. — Идорамиз орқасидан бир жой танладим, бориб кўр. Янги йилдан янги теплица қуриш ишини бошлашга тўғри келадиганга ўхшайди.

— Бу ҳақда ўйлаб қўйганман, Рустам ака. Истасак-истамасак ҳаёт бизни шунга мажбур қияпти, — деб раиснинг гапини маъқулади директор. — Энди теплицаларни каттароқ майдонда, келажакни ўйлаб қуришимиз керак деб ўйлайман, — сўзида давом этди Анвар. — Беш йиллик охирига бориб сабзавот етиштириш бўйича планимизни ошириб беришлари шубҳасиз!...

Янги нарсани кўрганда қувониб инсоннинг табиатиға хос хислатдир. Акбаров микрорайондаги янги қурилган болалар майдончаси — шаҳарчаси ёнидан ўтар экан, ўзгаришлардан қувонди. Бу ерда ағримчоқлар билан бир қаторда космонавтлар акси туширилган, худди парвозга шай тургандек космик кемачалар, шаҳар манзарасига аллақачон сингиб кетган қум тўшалган майдончалар ва гулзорлар бор эди. Эҳтимол, ана шу гулзорлар унинг хотирасига болалик йилларидаги яшнаган бор-роғларни солгандир. Бироқ раиснинг нигоҳи занг ҳосил қатор-қатор гаражларға тушди. Бу жойлар ҳам яқин-яқин пайтларғача мевазор эди.

Йўқ, раис бундан хафа бўлмади. У ари уясидек бир-бириға ўхшаш уйлар атрофидаги бетартиб бўлтак-султак «томорқача»ларни кўрди. Кимки миришкорроқ бўлса, ўзи айириб олган парча ерни яшнатиб қўйибди. Аммо кўп ерлар қовжираб ёки кўллатиб сув бостирилганидан шўри чиқиб, бурган босиб ётибди. Буни кўрган деҳқоннинг юраги эзилади. Одамлар бу ерда неғадир ўзларини вақтинча яшаётгандек тутаётганларидан, ҳатто ўзларига ўзлари қандай хиёнат қилаётганликларини сезмаётганларидан хафа бўлиб кетасан киши. Райижроком, қурувчилар бош планға мувофиқ хиёбонлар, боғ-гулзорлар барпо этишини асло кутиб турмаслик керак. Агар шаҳарда бир парча еринг бўлса уни парвариш қил, зеро яхшилик ерда қолмайди. Раис бир кун хаёлан фақат шу Юнусобод массивидаги бум-бўш ерларнинг қанчалигини ҳомчўт қилиб кўрди. Шунда бу ер унинг колхозни бугунги кунда эға бўлганидан кўпроқ эканлиги маълум бўлди.

Биз инсонлар ризқ-рўзимизни бераётган она заминни ардоқлашни қачон ўрганамиз?

Ер! Агар инсон унга ғамхўр ва эътиборли бўлса, ўзининг беқиёс саховатини кўрсатади. Мен илгари Сибирь ва Қозоғистон қўриқ ерларининг бепоён далаларини кўрган киши бўлсам ҳам, икки йил бурун Карл Маркс номли колхозға биринчи марта келганимда бу ернинг шунчалик самарадорлиға қойил қолганман. Колхознинг атиги 560 гектар сўғориладиган ери ҳар йили қарийб ўн бир минг тонна сабзавот беради. Ана шу ер шаҳарға йилиға деярли минг тонна сут етказиб берадиган чорвачилик фермасини ҳам боқади. Сирасини айтганда, бир гектар ҳисобига маҳсулот чиқиши бу ерда ўн минг сўмликдан ошди. Бундай кўрсаткичға эришган колхозлар ҳозирда Ўзбекистонда бармоқ билан санарли. Мана сизға ернинг самарадорлигини оширишнинг амалдаги натижаси! Бир қарашда ҳамма нарса ишға солинган, колхоз ерининг ҳар бир қарчи ҳисобға олинган, экинзорларға айлантирилиб бўлинганға ўхшайди. Шунга қарамай, хўжалик сабзавот етиштиришни йил сайин кўпайтироққа. РАПО эса эришилган кўрсаткичлардан келиб чиқиб давлат планини ошироққа. Сабзавотчилик азалдан қийин беқарор тармоқ ҳисобланади. Аммо колхоз учун у юқори рентабелли соҳаға айланган. Хўжалик ҳар йили қарийб бир миллион сўм соф фойда олмақда.

Бунга қандай эришилмоқда? Акбаров бундан олти йил бурун иқтисодий заиф, ишлаб чиқаришини бошқаришда талай нуқсонлар мавжуд колхозни қабул қилиб олган эди. Хуллас, хўжалик анча қаровсиз қолган бўлиб, бунинг сабаби ер тақчиллигида, унумдорлиги пастлигида деб ҳисоблашарди. Аввалиға раҳбарлар ҳам бир жиҳатдан ҳақ эдилар: ахир ерни боқмай, ундан қачонғача фойдаланавериш мумкин? Бир хил экин экавериш натижасида ер чарчаб қолган, кейинги йилларда унинг унумдорлигини ошириш учун қатъий чоралар кўрилмаган эди. Колхознинг янги раиси ва мутахассислари олдиға ҳосилдорлиқни, етиштирилаётган маҳсулот ҳажмини қамайтирмаган ҳолда ернинг унумдорлигини тиклаб, алмашлаб экинни йўлга қўйишдан иборат қийин вазиға кўндаланг бўлди.

Бу режани жонбозлик кўрсатиб ишлайдиган билимдон кишиларғина удалдай олардилар. Худди шу боисдан раисға агроном Ботир Раҳимов, инженер Эркин Қорабоев, иқтисодчи Миржамол Ёқубов сингари ишончли таянч керак бўлди. Агрономларнинг ҳисоб-китобиға кўра ҳар гектар ҳисоб-

бига 50 тоннагача маҳаллий ўғит солинган тақдирдагина ернинг унумдорлиги тикланади ва кўзланган ҳосилни беради. Сабзавот экилишини назарда тутиб, минерал ўғит солишни имкони борича қамайтириш керак эди. Яширишнинг нима ҳожати бор, хўжаликларнинг аксарияти селитра ҳисобига тонналаб қўшимча маҳсулот олади ва табиийки, ножиоз йўл билан киссасини тўлдирари. Акбаровга бунақа муваффақият керак эмасди. Колхоз фермаларидаги барча гўнг ташиб бўлингач, раис қўшни Чимкент областадаги хўжаликларга чириган гўнг сўраб борди, қозоқ дўстлар бу илтимосни ерда қолдиришмади. Кейин эски иморатларнинг деворлари ҳам далаларга ташилди.

Ҳосилдорлик отрядининг ишлари юришиб кетди, аммо муаммонинг бир қисми ҳал этилган эди холос. Кўп ўтмай Рустам Раҳбарович колхоз правлениесини йиғди, мажлисга барча бригадирлар, звено бошлиқларини ҳам таклиф қилди. Экинларни жойлаштиришнинг агрономлар тавсия этган структураси билан танишиб чиқиб, гапни шундай бошлади:

— Бир йилда икки эмас, балки уч марта ҳосил олишни кўзлаб ишлашга ўтсак деган фикрдаман, сизлар нима дейсизлар? Ана, ишбилармон одамлар плёнка остида ҳам, парникда ҳам, очик ерда ҳам кетма-кет сабзавот етиштиришнинг уддасидан чиқишяпти...

Хонага жимлик чўқди. Утирганларнинг ҳаммаси ҳам раиснинг сўзларини жиддий қабул қилишгани йўқ. Унинг таклифи анча қалтис ва ҳатто, пухта ўйлаб кўрилмагандек туюлди.

— Сиз айтган одамлар томорқада етиштиришяпти, бизда эса колхознинг юзлаб гектар ери бор, — қатъий эътироз билдириди ҳали ўша пайтда колхознинг бош агрономи бўлиб турган Толипов. — Агар биз сабзавот ҳосилни кўпайтирсак, келгуси йил плани бўғзимизга чиқариб қўйишадими, кейин уни бажаришни талаб қилишади. Йилдан йилнинг фарқи бор, арқонни узунроқ ташлаш керак...

— Бажарсак бажарамиз-да! — раис ўз гапидан қайтмади. — Эканга эмас, қойиллатиб сотган деҳқонга тан бериш керак. Айтайлик, ўша редискани биз магазинга қачон чиқарамиз? Бозорда ва тайёрлов базасида тўқилиб ётган пайтда. Сиз билан бизнинг вазифамиз томорқалардан олдинроқ эртанги сабзавот етказиб беришдир! Ҳосилни барвақт етиштирсак, қимматроққа сотамиз, шахарликлар ҳам «раҳмат» дейишади, негаки, бизнинг нарх ҳар ҳолда бозордагидан пастроқ бўлади. Плёнка остига кўпроқ сабзавот экамиз. Хуллас, ердан, вақтдан омилкорлик билан фойдаламиз, — деди Акбаров ва бироз сукут сақлаб жиддий қўшимча қилди. — Толипов ва бошқа шу ерда ўтирган баъзи ўртоқларнинг фикрига келсак, очик айтиб қўяломай бундай кайфият билан катта ишга қўл уриб бўлмайди. Майда-чуйда масалаларда баъзан раиснинг измидан чиқиш ҳам мумкин. Аммо муҳими, айтиш мумкинки, колхоз ҳаётининг бош йўналиши билан боғлиқ масалада бир жон, бир тан бўлайлик! Мен эртақдагидек арқонни ҳар томонга тортадиганлар билан муроса қила олмайман!..

Хўжалиқда режалаштирилаётган ўзгаришлар планини кейин колхозчиларнинг умумий мажлиси муҳокамасига қўйишди. Йиғилишда раисни кўпчилик қўллаб-қувватлади. Бироқ шунга қарамай РАПОдан кўнғироқ қилишди:

— Рустам Раҳбарович, сиз яна нималарнидир ўйлаб чиқараётганга ўхшайсиз! Яхшиси, қўшнингиз — «Ленин йўли» колхозига бориб, улар қандай хўжалик юритишяётганини, нималар эвазига планга қўшимча сабзавот, узум етиштиришяётганини, бир кўрсангиз дуруст бўларди. Раиси мақташга арзигули. Районимизга келган хорижий меҳмонларни доимо ўша ерга олиб боришимиз бежиз эмас. Атрофга қараб, узоқни кўзлаб ишлаш керак...

— У колхознинг ери бизникидан бир ярим баробар кўп, сабзавотни эса биз қанча етиштирсак, улар ҳам шунча етиштиришади. Биз улардан нимани ҳам ўрганардик, — ўз гапини маъқуллади Акбаров. — Сабзавотга меҳмонларнинг нима дахли бор? Биз хўжакурсинга ишламаймиз! Бу фақат менинг фикрим эмас, колхозчилар умумий мажлисининг қарори шундай.

Э, колхоз етказиб берадиган эртанги сабзавотларнинг қарийб учдан бир қисмини плёнка остида етиштириш бригада ва звеноларга осон бўлармиди! Бу жуда серташвиш иш. Ўша елим плёнкани топиш ҳам ўзи бўладиган иш эмас. Ҳар бир метри республика Давлат агроаноат комитетининг ҳисобида туради. Айтганларидек, биров уни кундузи чироқ ёқиб қидирса, бошқасининг омборинда чанг босиб ётади. Одатдаги технология асосида сабзавот ўстирадиганларда шундай бўлади. Бошқарув янгича бўлса ҳам планлаштиришдаги зиддиятлар ҳамон мавжуд. Акбаров планлаштиришдаги камчиликлар ҳақида барча даражадаги йиғилишларда бир неча бор гапирган. Шунинг учун ҳам РАПОдагилар уни муросани билмайдиган раҳбарлар қаторига киритиб қўйишган.

Колхозда ўстирилган эртанги экинларнинг дастлабки туркумиёқ бошланган ишнинг қанчалик фойдалилигини кўрсатди. У биринчи бўлиб колхоз бош бухгалтери Шухрат Мирзакаримов сездди ва қувониб кетди. Негаки, колхознинг ҳисобидаги даромад тушуми кўпайган эди.

Раис Мирзакаримовни ҳурмат қилади. Иқтисод фанлари кандидати бўлган бу ёш, серғайрат йигитни дастлаб Тошкентдаги илмий-тадқиқот институтларидан бирига ишга таклиф қилишганди, у эса жонажон қишлоғида ишлашни хоҳлади. У мутахассис ва ҳатто олим сифатида айнан шу ерда ўзини тўла намоён эта олишини биларди. Шухратнинг ишидан хато топмоқчи бўлганлар ҳам бўлди. Лекин ҳисобот масаласида у бригадирлар, мудирлар билан ғоят жиддий гаплашаётганини кўриб қойил қолишди. Худди шу Шухрат раисга яхши бир мулоҳаза айтдики, бу колхоз иқтисодини мустақамлаш бўйича бошланган йўлнинг давомига айланди.

— Қийин бўлса ҳам эртанги сабзавотлар етиштиришга киришганимиз жуда яхши бўлди, — деди Мирзакаримов. — Модомики, биз томорқачилардан тажриба ўргана бошлаган эканмиз, нега энди колхоз даласида ўшандай тиришқоқ, ҳафсала билан, берилиб ишлашни йўлга қўймаслигимиз керак. Биздаги кўпгина бригада, звеноларда худди шу нарса етишмайди...

— Нимага ишора қилаётганингни сезиб турибман. Бригадаларнинг бир қисмини, балки ҳаммасини оила пудратига ўтказиш керак, шундайми? — дея жилмайди Акбаров бош бухгалтернинг фикрини дарҳол илғаб олганидан мамнун бўлиб.

— Топдигиз, Рустам Раҳбарович! Тажрибадан маълумки, сабзавоткор меҳнатининг пировард натижасига қараб ҳақ тўлашга ўтказиш ҳар бир ишловчининг манфаатдорлигини оширади. Ажратилган участкадаги экинларни баҳамжиҳат ва батариб парваришладша, мўл ҳосил етиштиришда оила пудрати энг қўлай усуллардан бири саналади. Аслини олганда, бундай тажриба республикамизда мавжуд ва гап биз уни пухтароқ ўрганиб, жорий этишимизда қолган.

— Хайрли ишни ўйлабсан, Шухрат! Ҳамма нарсани яна бир бор ёрдамчиларинг билан ҳисоб-китоб қилиб чиқ, таклифингни кечиктирмай правление мажлисида муҳокама қиламиз, мен сени қўллаб-қувватлайман. Балки, ишни тезлаштириш учун таклифингни партком мажлисида муҳокама қилсак ҳам бўлади...

Акбаровнинг ўзи ҳам кўпдан бери хўжаликнинг барча тармоқларини коллектив ва оила пудратига тўлиқ ўтказиш масаласини ўйлаб юрарди. Шу мақсадда меҳнатни янги ташкил этиш ва ҳақ тўлаш борасида республикада, мамлакатимизда тўпланган тажрибалар ёритилган талай газета ва журналларни, адабиётларни қайта-қайта ўқиб чиқди. Биринчи раҳбар эмас, балки мутахассислар, бригадирлар бу ишда ташаббускор бўлишадиганидан астойдил қувонди. Қайта куришнинг моҳияти нимада? Ҳеч шубҳасиз, хўжалик юритишга ёндашувни, ўзининг бевосита вазифаларига муносабатни қайта куришда, янгича фикрлашда... Албатта, ташаббус кўрсатишга ҳаётнинг ўзи, қалб амри даъват этиши керак. Шундагина ишга ижодий ёндашувга эҳтиёж туғилади. Бинобарин, Мирзакаримов фан кандидати бўлгани учунгина раисга ўз режаларини айтгани йўқ. Бригадир Тоҳир Жалиловни олайлик. У олий маълумотли эмас, аммо у ҳам коллективларни нарядсиз ҳақ тўлашга ўтказиш, тўла хўжалик ҳисоби ҳақида кўп гапирди. Нима ҳам дердик, қайта куриш тўлиқини барчани ғафлат уйқусидан уйғотмоқда, ўз ҳаётий позициясига бошқача назар ташлашга ўргатмоқда.

Колхозда катта ўзгаришлар амалга оширилишидан анча олдинроқ Рустам Раҳбарович ўқиш-ўрганиши кераклигини ҳис этди. Аниқроғи, қайта ўқиши керак эди. Агар оддий агроном билимсизлигимга таъна қила оладиган ҳолат юз берса уят бўлади, деб ўйларди раис. Аммо Акбаров салкам эллик ёшида Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг сиртқи бўлимига киришга қарор қилганида уйдагилар бу фикрдан қайтармоқчи бўлишди.

— Неварангиз катта бўлишини бироз кутиб, биргаликда институтга кирсангиз бўлармиди, — ҳазиллашди умр йўлдоши, мактаб директори бўлиб ишловчи Муҳаббат опа.

Муҳаббат опа шундай дегани билан эрининг ташвишларига шерик эди. Унинг ишидаги қийинчиликларни педагогга хос туйғу билан ҳис этарди.

Рустам Раҳбарович агрономия факультетини муваффақиятли битириб, имтиёзли диплом олди. Тўғри, ана шу ўтган давр мобайнида уч марта бир ой-бир ойдан шифохонада ётиб чиқди. Сабаби, бир пайтнинг ўзида ўқиш ва серташвиш хўжаликка бошчилик қилиш қийин бўлди. Вазият ҳам зўр бериб ишлашни талаб қиларди. Бу пайтда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бўлиб ўтган, унда деярли барча соҳалардаги, шу жумладан, қишлоқ хўжалигидаги салбий ҳодисалар очиб ташланган эди. Маълумки, ҳар қандай янгиликни йўқотишларга ҳам олиб келади. Ушанда Рустам Раҳбарович кўпгина дўстларини, ўзи ишониб юрган одамларни йўқотди. Бу ҳам ўз навбатида институт каби катта мактаб, маънавий сараланиш, покланиш мактаби бўлди. Ундаги оғир синовдан биров ўтса, бошқа биров ўтолмади. Акбаров эса бу синовга ҳам бардош берди.

Колхоз юқалишида давом этди. Ун иккинчи беш йилликнинг дастлабки икки йилида хўжалик мавжуд майдонда сазавот етиштиришни салкам учдан бир ҳисса кўпайтирди. Бунинг талай қисми эртанги сазавотлардир. Картошка етиштириш йилига 1800 тоннага етказилди. Чорвачилик фермаси ҳам кўпроқ маҳсулот бера бошлади. Колхознинг ўртача йиллик даромади беш миллион сўмдан ошди. Бунинг бир миллиони соф фойдадир. Энг муҳими, колхоз сазавотни турлари бўйича етказиб бериш тартибига риоя этмоқда. Афсуски, айрим хўжаликларда бошқача аҳволни кузатиш мумкин: бухгалтерия ҳисоботларида ҳамма нарса сип-силлиқ, яъни маҳсулот плани бажарилган бўлади-ю, шаҳарликлар дастурхонига етказиб берилган маҳсулотнинг тайини бўлмайди. Бундай хўжаликлар ўз фойдасини кўзлаб, гоҳо қарови оз, аммо сотиш осон бўлган қарам, пиёз каби экинларни кўпайтириб юборишади. Бодринг, кашнич, сабзи, қулупнай каби маҳсулотларни эса пештахтада ҳаммиша ҳам кўравермайсиз.

Шаҳар атрофидаги хўжаликнинг бугунги кундаги вазифаси сазавотларни мавсумга қараб эмас, балки йил бўйи етказиб беришдан иборатдир. Токи, шаҳарликлар ҳамма маҳсулотни қишда ҳам магазиндан арзон нархда сотиб олишсин. Карл Маркс номли колхозда ана шу заруратни ҳисобга олишди. Теплица комбинатида ошқўкларнинг турларини кўпайтиришди. Февраль-мартда плёнка остига сазавот экишни бошлашади. Май-июнда бу ерлар бўшайди, ўрнига бошқа экинлар экилади. Шу тарзда бир йил мобайнида икки-уч ҳосил олиш эвазига янги узилган сазавотларни узлуксиз етказиб бериш таъминланади.

Сархил сазавотни сақлаб қўйиш учун колхозда 500 тонна маҳсулот сиғадиган холодильникли омборхона қуришди. Аммо икки-уч йилдан кейин бу омборхона ҳам эҳтиёжни қондира олмай қолиши мумкин. Шу боисдан, ҳозирданок минг тонна маҳсулот сиғадиган янги омборхона қурилиши бошлаб юборилди. У билан баравар колхознинг консерва комбинати тўла қувват билан ишлаб бошлайди. Ҳозирча сазавот саралаш ва помидорларни қайта ишлаш линиялари ишлаб турибди. Колхоз раиси ва мутахассислари яқин келажакда чиқитсиз ишлаб чиқаришни йўлга қўяди, хомроқ, эзилган, ностандарт маҳсулотни қайта ишлаш режалаштирилди. Сирасини айтганда, бу колхоз кассасини тўлдиришнинг янги имкониятларидир. Давр шуни тақозо этмоқда. Қайта куриш даври, «меники» ва «давлатники» деган тушунчалар қайта кўриб чиқилаётган давр даъват этмоқда. Агар ер колхозники бўлса, демак унга ҳам худди томорқага бўлгани каби меҳр ва муҳаббат билан муносабатда бўли! Маҳсулот етиштирган экансан, уни сақлашни ва сотишни бил!

Яқин ўтмишда шаҳар атрофидаги хўжаликларда етиштирилган ва баъзан магазинларда ҳам камёб бўлган маҳсулотни топширишда қийинчиликлар юз берарди. Колхоз билан шаҳарликлар ўртасида «тайёрлов ташкилоти» деган воситачи бўларди. Очиғини айтганда, воситачи хўжаликка ўз ҳукмини ўтказарди. Хоҳласам — оламан, хоҳламасам — йўқ қабилида иш тугиб, сабаб ҳам кўрсатарди: «помидорингиз сал хомроқ экан, редискангиз эса бироз пишиб кетибди» ва ҳоказо. Қисқаси, ишни пайсалга солиб, маҳсулотни бузар, раҳбарларнинг асабини қақшатарди-ю, пировардида сувдан қуруқ чиқарди. Уларнинг зиммасига ҳеч қандай жавобгарлик юклатилмасди.

— Гапнинг пўстқалласини айтганда, тайёрлов идораси ходимлари колхоз иқтисодига путур етказишяпти, — деган эди Акбаров у билан илк бор учрашганимиздаёқ. — Улар елкамизда

оғир тош бўлиб ўтиришибди, жарга итариб юборгудек бўлишади, сохтакорликка, маҳсулотни ўтказишнинг қонунсиз йўллари кидиришга мажбур қилишади... — Раис бироз тин олгач, жиддий тортиб мендан илтимос қилганди: — Балки сиз «облпотребсоюзга» кўнғироқ қиларсиз? Далада 200 тонна карамимиз ётибди, сархил, эртаги, ҳеч ким олмаяпти! Жуда ташвишдамиз! Очиғини айтсам, улар матбуотдан ҳайиқишади, шунинг учун сиз...

Ушанда юқори идораларга кўнғироқ қилиб, карамни ўтказишда Акбаровга ёрдам берганимни, эҳтимол, умрида биринчи марта «воситачилик» қилганимни тан оламан. Ҳали анча тажрибасиз, йўқни йўндиришга ўрганмаган раисга ёрдам бераман, деб баъзи бир «катта ака»ларга ялинишимга тўғри келганди. Ҳа, колхоз куруқ эмас, ноз-неъмат тўла қўлини чўзиб, «тер тўкиб етиштирганмиз, олинг, ола қолинг», деб ялинса-да, иккинчи томон ноз қилса, бу қандай қолипга сиғади ахир! Одатда фикрловчи, ўз ишига ихлос қўйган одам ишбилармон бўлади. Мен биринчи учраганимдаёқ Акбаровнинг шундай киши эканлигини сезганман. Шу боисдан яқин фурсатда маҳсулотни ўтказиш борасидаги қийинчиликлар бартараф этилажағига ишонгандим.

Бир кун Тошкентдаги Ленин кўчасидан ўтиб бораётиб, ойнаванд бино пештоқдаги ғалати ёзувга кўзим тушди. «Тошкент районидagi Карл Маркс номли колхознинг фирма магазини». Ёзувнинг остида майдароқ ҳарфлар билан раиснинг фамилияси кўрсатилган. Бу колхознинг ўзига хос визит карточкаси бўлиб, «харидорларнинг маҳсулот сифати ва хизмат кўрсатиш маданиятига эътирозлари бўлса, марҳамат қилиб, шу адресга мурожаат этсинлар, истаклари инобатга олинади», деган маънони билдиради эди.

Магазинга кириб, сабзавот ва меваларнинг сероблигига эмас, уларнинг чиройли жойлаштириб қўйилганлигига ва даладан ҳозиргина териб келтирилганига қойил қолдим. Редиска, шивит, петрушкadan саҳарги шудринг ҳали кўтарилмагандай эди. Шаҳардаги бошқа магазинларни: полда сарғайиб ётган бодрингларни, кесак аралаш сабзи ва картошкаларни, сўлиган ўтдан фарқи қолмаган ошқўкларни кўз олдимга келтирдим... Оппоқ халатли ёш, мўйловдор йигитдан кимлигини сўраган эдим, фахрлининг жавоб қилди:

— Ким бўлардим? Колхозданман! Магазинимиз «фирменный», ҳозирча шаҳарда ягона... Тўғри, бинони ижарага олганмиз, кўп ўтмай ўзимизникини қуриб оламиз, бундан яхшироқ бўлади...

Сабзавотларнинг нархи билан қизиқдим. Ҳа, улар шаҳар савдо идораси магазинлариникидан сал баландроқ, лекин машҳур Олой бозоридагидан анча арзон. Ҳар қандай мураккаб ишнинг ечими оддий бўлади, дейишлари бежиз эмас. Мана, маҳсулотни ўтказиш муаммосининг ҳал этилиши!

Кимдир биринчи бўлиб бошлаши керак эди, тадбиркор, тиниб-тинчимас раҳбар ташаббус кўрсатди. Маълумки, яхши ташаббусга эргашувчилар албатта топилди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Шаҳар атрофидаги қўшни хўжаликларнинг раҳбарлари бирин-кетин Акбаровнинг ҳузурига тажриба ўргангани кела бошлашди. Шундан сўнг республика пойтахтининг турли бурчакларида колхозларнинг фирма магазинлари пайдо бўла бошлади ва тезда уларнинг сони ўттизтага етди. «Фирма магазини» дейилишининг боиси колхоз молини харидорга бевосита сотишда ва қимматроқ нарх қўйишдагина эмас. Бундан асосий мақсад, харидорга оморда туриб қолган маҳсулотни эмас, балки тўғри пайкалдан янги узиб келтирилган сабзавотни етказиб беришдан иборат. Бу аслида томорқачилар билан дадил рақобатлашув демакдир. Томорқачининг ютуғи эса етилган маҳсулотни оби-тобида бозорга олиб чиқишдадир. 1987 йил баҳорда Карл Маркс номли колхозда ва унинг фирма магазинида КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Никонов, СССР Давлат агросаноат комитетининг раиси В. С. Мураховский бўлиб, шаҳарни дала неъматлари билан таъминлашнинг янги шаклига юқори беҳо бердилар.

Мана, энди ўшандан бери тепалари устидаги икки қаватли бинога, колхознинг янги идорасига тез-тез меҳмонлар келадиган бўлиб қолишди. Аниқроғи, уларни бу ерга ўзгартишлари — экономиканинг юксалишини, социал янгилишини, замонавий қишлоқ қандай чирой очиб бораётганлигини ўз кўзлари билан кўришлари учун бошлаб келишмоқда. Қардош республикалардан ҳам, хорижий мамлакатлардан ҳам меҳмонлар ташриф буюришади. Уларнинг аксарияти озгина ерда шунчалик кўп ҳосил етиштирилаётганини, бир гектар ҳисобига ўн минг сўмлик маҳсулот олинаётганини кўриб ажабланишмоқда.

Акарбовнинг ёш, истараси иссиқ муовини Акромхўжа Қодирхўжаев янги режалар ҳақида гапириб берди:

— Фирма магазинларимизнинг йиллик товар оборотини бир миллион сўмликка етказиш ниятидамиз. Шунда харидорларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ва имкониятлардан оқилона фойдаланиш мумкин бўлади. Истиқболда эса, бошқа республикаларнинг тажрибаси кўрсатганидек, агрофирмалар ташкил этиш, ўз қўлимизга маҳсулот етиштиришни ҳам, уни қайта ишлашни ҳам, сотишни ҳам олишимиз зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бизнинг колхоз ҳозирданок бунга тайёр!

Мен Қодирхўжаевнинг сўзларини тинглар эканман, раиснинг ўз муовинига берган қисқа, аммо лўнда характеристикасини эсладим: билимли, вазмин, ўсадиган... Бу вазифа колхозда икки йил бўш турган эди. Четдан одам юбормоқчи бўлишди. Раис эса боғ бригадири, ёш агроном Акромхўжани кузатиб юрарди. У ҳам қачонлардир Акбаровнинг қўлида ўқиган эди. Яъни, бу йигитни қизил галстук тақиб юрган пайтидан бери биларди. Аммо одам ўсади, ўзгаради, шунинг учун раис аввалига уни обдон кузатгач, бир кун кечки мажлисдан кейин мақсадини айтди.

— Гап бундай Акромхўжа, сен яхши бригадирсан, лекин энди ўринбосаримнинг кабинетини эгалла! Партком билаң келишиб қўйдим, қаршилик кўрсатишмайди. Менга ишончи ёрдамчи керак...

Бундай оддий, самимий сўзлар раҳбарлик ишига кўтарилаётган киши учун бурч, мажбурият, масъулият ҳақидаги бир янги соатлик суҳбатдан кўра кучлироқ, яхши таъсир этади. У ишончини оқлаш учун жон-дили билан ишга киришди. Бу жиҳатдан раис чинакам педагог-часига йўл тутди. У ҳаёт йўли эндигина бошланаётган одамнинг руҳиятини мактабда обдон ўрганган, фақат ўқувчиларигагина эмас, балки институтни битириб келган ёш ўқитувчиларга

ҳам мураббийлик қилишига тўғри келган. Акбаровни колхозга мутахассислар ва бригадирларни таъиниш-билишлари ва қариндошлари орасидан танлаётганликда ҳам айбламоқчи бўлишди. Шунда Акбаров очиқ-ойдин жавоб қилди:

— Мактабда йигирма йилдан ортиқ ишлаган пайтимда шунча қариндош — ёр-биродар орттирдимки, улардан бир эмас, ўн та колхоз тузиш мумкин! Мактабни битирганларнинг барчаси — менинг фарзандларим!

Бунақа далилга эътироз билдириш осон эмас.

Янгича тафаккурга эга бўлган ҳар бир замонавий раҳбар бугунги кунда туб социал ўзгаришларсиз қайта қуриш программасини амалга ошириш мумкин эмаслигини билади. Пешқадам саналадиган баъзи раисларнинг банкдаги ҳисобимизда мана бунча миллион сўм пул бор, деб мақтанганларини эшитганман. Хўш, бу яхшими? Улик капиталнинг кимга кераги бор? Ана шу миллионлардан оқилона фойдаланиш учун озгина ҳафсала керак, холос. Маблағинг бор бўлса қурилиш қил, одамларга қўлайликлар ярат, ишлаб чиқаришни кенгайтир.

Акарбов Карл Маркс номли колхозга 1981 йилда раис бўлган. Шундан бери хўжаликда беш миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Агар колхознинг икки қишлоғидаги барча янги объектлар жамланса, кўз олдингизда бутун бир замонавий қишлоқ намоеён бўлади. Барча қўлайликлари бўлган салкам ўттизта коттеджд, поликлиника, дорихона, муҳташам маданият саройи, магазинлар... Саунали ҳаммоми, медреса, медреса, ошхонаси, магазини, кино зали, кутубхонаси бўлган чорвадорлар уйини айтмайсизми? Буларни қуриш осон бўлмаган, албатта. Шуларнинг ўзи раиснинг бир беш йиллик фаолиятида колхозда катта ўзгаришлар бўлганлигини кўрсатиб турибди. Шу ўринда кишини ажаблантирадиган ҳоллар ҳам бўлганлигини айтиб ўтиш лозим. Чунончи, чорвадорлар учун беш хонали коттедждларни қуриб битказишганда, райижроком уларга ёш оилаларни кўчириб киритишга рухсат бермай турди. Квартиралар кўп болали оилаларга берилиши керакмиш. Колхозда уйлارни қураётганда худди шу томонини, келажакни ўйлашган. Ахир одам янги уйга бир йил яшаш учун кўчиб кирамайди-ку! Ёшлар ҳам фарзанд қуриб, ўзларидан кўпайишади, уйлари тўлади! Шундай экан, катъий чегара белгилаб қўйиш шартмикин?..

— Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Бир қарашда Рустам Раҳбарович кечагина тарих дарсида болаларга биринчи беш йилликларнинг кўтаринки руҳи, қаҳрамонона жанговар йиллар ҳақида, ерни яшнатаётган, космосга йўл очаётган одамларнинг янги авлоди тўғрисида ҳикоя қилиб берад эди. Мана, эндиликда унинг қўлида тарбия топганларнинг ўзлари тарихни яратишяпти, эртанги куннинг пойдеворини қўйишяпти. У ҳам, кечаги тарих ўқитувчиси, бугунги раис (буни ҳаётнинг ўзи тақозо этди, яна бир истиснодини намоеён этишга чорлади) ҳам эришилган маррада тўхтаб қолишни истамайди. Акбаровни афсуслантирадиган бир нарса бор, у ҳам бўлса колхознинг ривожланиши учун имконият экланганлигидадир. Ер йўқ! 560 гектарга қанчалик зўр берманг, барибир унинг имкониятларидан ортиқча ололмаймиз. Озгина ер қўшиб беришганда-ку, яхши бўларди, аммо ҳозирча РАПОга қилинган илтимослар натижасиз қоляпти.

— Колхозимиз тўни тор келиб қолган одамга ўхшайди, — дейди Акбаров ҳам ҳазил, ҳам бироз умидсизлик билан. — Қисматимиз шундай экан, қўриқда эмас, шаҳар ёнида жойлашганмиз. Бу ерда бизга ер бериш у ёқда турсин, боридан ҳам юлиб олмақчи бўлишяпти...

Агар чуқурроқ ўйлаб кўрилса, бу ерда ҳам вазиятдан чиқининг йўлини топиш мумкин. Ердан самарали фойдалана олмаётган хўжаликлар унинг бир қисмини чинакам омилкорлик билан иш юритаётган хўжаликларга бериши кераклиги ҳақида адолатли гаплар бўляпти. Албатта, ҳаёт ҳамма нарсани жой-жойига қўяди. Ҳар ҳолда шундай фурсат келишини кутиб ўтирмай ташаббускорлик кўрсатилса ёмон бўлмасди!

...Раис хўжаликни айланиб чиқар экан, гоҳо мактабга кириб ўтади. Зеро, ҳаётининг бир бўлаги шу ерда қолган! Колхоз унинг учун иккинчи мактаб бўлиб қолганлигини Рустам Раҳбарович дўстларига кўп марта айтган. Бу ерда у бошқаларга мураббийлик қилиятигина эмас, ўзи ҳам тажриба орттиряпти, оқилона иш юритишни ўрганипти. Нима бўлганда ҳам мактаб синфда ўтган кунлар бугунги кунга замин ҳозирлаган эди. Уша ерда у болаларининг қалбига яхшилик уруғларини сочишга интилган эди. Мана эндиликда, ота-бобоси касби-корини давом этказиб, ерга уруғ қадаб, ҳосил ундирияпти.

Қачонлардир раис бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган киши ҳақидаги ҳикояни шу билан якунлаш мумкин эди. Бирор кимса раҳбар бўлиб, аиниқса яхши раҳбар бўлиб туғилдими? Келинг, раиснинг тақдирини билан дастлаб қизиқа бошлаганимиздаги «қирғоққа қайтайлик. Негаки бу қирғоқ биргина Акбаровнинг эмас, балки бошқаларнинг ҳам ҳаёт йўлидаги муҳим манзил бўлган. Бир кун Рустам Раҳбарович РАПО коридорида Толиповга юзмаюз келиб қолди. Унинг қўшини Ильич номли колхозда бош агроном бўлиб ишлаётганини биларди.


— Бизни нега уялтириб қўйяпсан, Турсунбой? — деди Акбаров ўзининг собиқ агрономига. — Бизда кўп нарсани ўрганган эдинг. Колхозинг ҳосилдорлик бўйича оқсаяпти, эшитдим, ишларинг юришмаётганмиш...

— Яна бир йил ўтсин, Рустам ака, сизга сўз бераман, аҳволни ўнглаб оламиз! — Толипов бироз сукут сақлади, сўнг ўзининг собиқ бошлиғининг кўзларига тик қаради. — Сиз билан кўпдан бери учрашмоқчи эдим, очигини айтсам уялдим... эсингиздами, ўша гапдан кейин кўп нарсани атрофлича мулоҳаза қилиб кўрдим. Ишимиз яхши эмаслигини боиси ўша эски сабабларда, камчиликларни кечикиброқ тузатяпмиз. Алмашлаб экишда тартиб ўрнатяпмиз...

— Ҳар кимнинг бошига қор ёғса, ўзи курайдми, ука. Аммо сен колхозимиздан нега кетдинг, шунга ҳайронман, ўзимизга ёрдамнинг тегарди. Наҳотки, одам ўзини кўрсатиши учун амалдор бўлиши шарт бўлса...

— Гап унда эмас, Рустам ака, очиги, бироз қайсарлигим тутди. Биргаликда анча-мунча яхши ишлар ҳам қилган эдик. Энди қайтмас бўлади, лекин биласизми, ҳозирги колхозимизда ҳам қилинадиган ишлар кўп. Ташвишларимиз сизларникидан оз эмас...

Толиповнинг сўзларини тинглар экан, Рустам Раҳбарович унга жиддий, ҳатто бироз хуш кўрмагандай қараб турар, аммо ич-ичидан мамнун эди. Унинг бу сабоғи ҳам зое кетмаганди!..



ҲАҚИҚАТ ВА БУРЧ

Кейинги икки ўн йилликда ижтимоий ва иқтисодий жабҳаларда рўй берган турғунлик, социалистик ҳаёт моҳиятига ёт бўлган иллатлар, тузумимиз принципилари ва қоида-қонунларидан чекинишлар адабиётда ҳам маълум даражада кўзга ташланди. Бу ҳақда СССР ёзувчиларининг VIII съездида ҳамда сўнги вақтларда ўтказилаётган ижодкорларнинг турли йиғинларида рўй-рост гаплар айтилмоқда. Жумладан, СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг съездга ҳисоботида куйидаги жумлаларни ўқиймиз: «Айни вақтда биз кейинги йилларда адабий жараёни ривожлантиришда муайян муваффақиятсизликлар рўй берганлигини эътироф этишимиз керак. Ўқувчилар хом-хатала ва тузсиз асарлар пайдо бўлаётганидан нолимоқдалар. Прозада ҳам поэзияда ҳам кўпинча салбий ҳолатлар айтибгина ўтилар, уларга қарши курашга — бугунги кунда партия турғунликка, дабдабозликка, муросасозликка қарши бизни отлантирган курашга дъввати сезилмас эди».

Дарҳақиқат, замон тақозоси билан кўпгина асарларда ҳаётнинг кескин зиддиятлари, конфликтли қирралари четлаб ўтилди, турмушдаги мавжуд қарама-қаршиликларнинг куч-қудратига бепиёсан қаралди, ҳаётини проблемалар ичига кириб боришда журъатсизлик кўрсатилиб, бундай фактлар, муаммолар олдида қандайдир ҳадиксираш, чўчиш ҳолатлари рўй берди. Шу маънода адабиёт маълум даражада қирқинчи йилларнинг охири ва эллингинчи йилларнинг бошларидаги мавжуд машъум конфликтсизлик назарияси оқибатларини эслатадиган ҳолга келиб қолган эдики, бу социалистик реализм мезонларидан чекинишдан бошқа нарса эмас эди.

Бошқа бир ҳолни ҳам назардан қочирмаслик керакка ўхшайди. Ижобий қаҳрамонлар шу даражада схемалашиб кетдики, баъзи адабларимиз худди конфликтсизлик назарияси ҳукм сурган йилларидек, ўз асарлари қаҳрамонларини улар ҳаётда нимага қўл урмасин, иши осонгина, муваффақиятли кўчаверадиган, план ва топшириқларни ҳамиша уздан ошириб бажарадиган, ўз коллективи, жамият олдида доим «юзи ёруғ, иши ўнг», ҳар бир айтган сўзи ҳамма учун қонун бўладиган қилиб тасвирладилар. Бунинг устига етмишинчи йилларнинг бошларида раҳбарлар шахсга сиғиниш, уларни кўр-кўрона, асоссиз улуғлаш, хоҳиш ва истакларни қатъий қонун, муҳим кўрсатма сифатида қабул қилиб, хушомадгўйлик йўли билан уни бажаришга интилиш ҳоллари содир бўлганди. Адабиётга кўчган бу хилдаги «қаҳрамонлар» худди эртақлардагидек ҳаракат қилишар, афсонавий баҳодирлардек ўз режа ва мақсадларини бекаму кўст бежирим ошираверар эдилар.

Маълумки, бир вақтлар конфликтсизлик назарияси адабий жараёни зарпечакдек ўраб олган эдики, унинг айрим салбий иллатлари таъсири ҳатто Ойбек, Абдулла Қаҳҳор сингари улкан сўз санъаткорлари ижодида ҳам қисман соя ташлаган эди. Зотан, Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар», Абдулла Қаҳҳорнинг «Кўшчинор чироқлари» романлари ҳам шу нуқтаи назардан танқид қилинганлиги маълум.

Конфликтсизлик назарияси эллингинчи йиллардан бошлаб адабиётимизга катта зиён етказди. Партия ижодкорларни социалистик реализм адабиёти учун ёт бўлган бу иллатдан тез қутулишга расман дъвват этса-да, унинг зарарли таъсири кейинги даврларда — олтмишинчи, етмишинчи йилларда, сўнги вақтларда ҳам давом этиб келди.

Тўғри, конфликтсиз назарияга чалинган асарларда ҳам қандайдир зиддиятлар, драматик вазиятлар кўринарди. Уларда воқеалар тасвирида баъзи бир тўқнашувлар, келишмовчиликлар ва қарама-қаршиликлар ёки ижобий қаҳрамонга зид борувчи салбий образлар яратилар эди. Аммо бу салбий персонажлар ҳаётини, реалликдан анча узоқда бўлиб, аксарият ҳолатларда ёзувчининг зўрма-зўракилиги, субъектив хоҳиши билан асарга сунъий ёки мажбуран киритиларди. Натижада кўп ҳолларда бундай образлар ижобий қаҳрамоннинг бир зарби, илк тўқнашуви оқибатида яқсон қилинар, мағлуб этиларди.

Афсуски, юқорида айтганимиздек, бу тенденция етмишинчи йилларнинг охирилари ва саксонинчи йилларнинг бошларида кенг тарқалган. Эллингинчи йиллардагидек, адабиётимиздаги бу касаллик фақат битта-иккита ижодкор — ёзувчиликда тажрибаси кам, истеъдоди заифроқ қаламкаш фаолиятигагина тегишли бўлмади, балки ўзбек адабиётининг асосий тараққиёт йўналишини белгилаши лозим бўлган кўпчилик адабларнинг ижодида ҳам кўринди. Ҳатто баъзи ўринларда бундай асарлар бутун бадий ижод учун андаза сифатида тарғиб ва ташвиқ қилинди ҳам.

Ўрни келганда яна бир ҳолатни ҳисобга олиш керакка ўхшайди. Талай асарларда ҳамма нарса — барча муаммо ва катта ишлар алоҳида бир гуруҳ кишилар, яъни юқори мартабали шахслар, уларнинг ҳукми-иродаси ва қудрат-хоҳиши билан ҳал этилиши ўта қабартриб тасвирланарди.

Аксарият асарларда маълум даражада зўрма-зўраки, сунъий равишда яратилган конфликтлар асар сюжетининг орқа планида «суянч тоғ» бўлиб турган шахснинг бирор сўзи ёки ишораси, ҳеч бўлмаса, ҳаёлан иштироки билан осонгина ечилар эди. Ўз вақтида яхши баҳоланган Ҳамид Фуломнинг «Бинафша атри», Иброҳим Раҳимнинг «Оқибат», Муҳаммад Саломнинг «Мувозанат», Саъдулла Кароматовнинг «Олтин кум», «Сўнги бархан» романлари, Йўлдош Шамшаровнинг «Ер нафаси» повести ва бошқа баъзи бир асарларда бу тенденцияларни кўриш мумкин эди.

Бу хилдаги асарларнинг баъзиларида сюжет йўналишининг марказида албатта маълум бир раҳбар шахс туради ва у асосий ролни ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда, ёзувчи уни фақат ғоявий мазмун учун эмас, балки шакл жиҳатидан ҳам асарнинг ҳал қилувчи омили, марказий нуқтасига айлантиради. Мирмуҳсиннинг «Илдизлар ва япроқлар» романида воқелик оддий кундалик турмуш ҳодисаларидан бошланиб, ривожланиб боради, образлар орасида маълум тортишув, тўқнашувлар бўлади, китобхонни қизиқтириш учун адиб томонидан қатор воқеалар, айрим тақдирлар тасвири ҳам берилади. Шу тарзда ҳам ёзувчи сюжетни муайян бир ечимга олиб бориб қўя қолиши мумкин эди. Лекин булар етарли эмасдек туюлади ёки ёзувчини қониқтирмайди. Муаллиф назарида озгина, кичик бўлса ҳам маълум бир иш содир бўлаётган жойда ривоятлардаги ҳазрати Хизирдек пайдо бўлиб қоладиган «улуғ» ва «суянч» шахлар ҳозир у нозир бўлиши шарт, аксинча, воқеликка яқун яшаи қийин.

«Илдизлар ва япроқлар» романи биринчи китобида асарда тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларга ёпишмайдиган, қаҳрамонлар тақдирига алоқаси йўқ эпизодлар зўрма-зўраки киритилган. Романнинг ўттизинчи бокида тасвирланишича, катта мартабали киши областининг баъзи жойларини айланади. «Яхши ҳам Сурхонимиз бор! Яхши ҳам Сурхон тандири бор. Вақтида ҳароратнинг кучайгани жуда яхши-да. Ипак пахта учун бу ҳарорат жон-кул.. Ипак пахта... бошимда офтоб, оёғимда Сурхон суви турсин, дермиш. Фақат Сурхондарё суви бўлсин дермиш...» деган гаплари билан мингларча кишиларни балан овозда: «Шундоқ...» дейишига, олқишлар ва қарсакларига сабабчи бўлади. Адиб ҳам катта раҳбар шахсни мақташда давом этади.

Романда келтирилган бу тасвири изоҳлайдиган бўлсак, биринчидан, юқорида айтганимиздек, қишлоқ кишилари, уларнинг оғир меҳнатларини кўрсатишга кенг ўрин берилмаган. Асосан виждонсиз, порахўр ва қабих шахс-зағотскотнинг бошлиғи Тайлоқов зўравонлиги туфайли бахти пайҳон қилинган Онахоннинг тақдири, севги можаролари тасвири замнига қурилган асар учун республика раҳбари таъриф-тавсифи, унинг юқорида ўқиганимиздек, Сурхон водийси, ипак пахта тўғрисида бирон оригиналлик ёки янгилик бермайдиган, ҳаммага маълум гаплари роман сюжетига нега керак бўлиб қолди экан?

Бу нохуш тенденция ривожланиб шу даражага бориб етдики, сюжет «жумбоқ»ларини, ҳаётнинг барча мураккаблиklarини бир кўрсатма, ишора ёки санкция билан ҳал қилиб ташлаиверадиган «қудратли шахс»га бағишлаб, бутун-бутун асарлар ёзилди. Саъдулла Кароматовнинг «Сўнгги бархан» романи шундай романлардан эди. Асар сюжети узоқ ҳаёт ирмоқларидан, қаҳрамонларнинг студентлик йилларидан бошланади. Кейин катта бир шахс воқеага қўшилиб кетадики, бу ҳам ҳаётдан адабиётга кўчган сунъийликдан бошқа нарса эмас. Романда барча муваффақиятлар, тадбирлар обком секретарининг иштирокида, раҳнамолигида, фавқулодда «ташкилотчилиги» ва «донолиги» туфайли юз беради. У роман охирида — ҳамма қиладиган ишларни — қурилишлар, каналлар, сув омборлари, қўйинги, барча-барчасини парадни қабул қилганда сафдан ўтказди. Ғайринсоний куч-қудратга эга шахсни, коммунистга хос камтарликни унутган раҳбарни мақташ, халқ меҳнати ва ташаббусини эса иккинчи даражали ўринда тасвирлаш ҳаёт ҳақиқатига зид эканлигини давр исботлади — «Сўнгги бархан» романи ғоявий ғўр асар сифатида ўқувчи назарига илинмади.

Улкан совет ёзувчиси Чингиз Айтматов «Известия» газетасининг муҳбири соволларига жавоб бериб, жумладан, шундай дейди: «...Биз шахсий ташаббускорликни олқишладан узоқ эдик, унинг тасдиғи юқоридан бўлишини кутардик, кимдир бунга йўл очиб бериши керак эди. Кўрсатмаларга ўрганиб қолганимиз, эндиликда бизга қимматга тушмоқда» («Известия», 1988, 20 июнь).

Чунончи, юқоридан, «Улуғ шахслар» томонидан бериладиган фатво реал ишлардан, халқ меҳнатидан устун ҳолда тасвирланган асарлар ўша вақтда анчагина учрайдиган бўлиб қолганди.

«Оқибат» романи актуал мавзу — мамлакатимиз Ноқоратупроқ районларини ўзлаштиришга отланган ўзбек ватанпарварларининг ҳаётига, муаллиф китоб ўзбоқисида эътироф этганидек: «Ўзбекистон халқ ҳашарчиларининг Россиядаги унумсиз ерларни обод қилишдаги жасорати»га бағишланган. Рўй-рост айтадиган бўлсак, романда Иброҳим Раҳим қайд қилган «Ҳашарчиларнинг жасорати», «меҳр-оқибатлари замондошларимизнинг биродарлик бурчига садоқати, фаолияти, ишчан одамларимизнинг матонатли, машаққатли меҳнатининг бадий йилномаси» очиб берилмаган, ёзувчи шуни ният қилган бўлса-да, воқеалар тасвири ва қаҳрамонлар талқини реал конфликтлар замирида кўринмайди.

Адиб асарнинг асосий қаҳрамонлари характерини яратиб, типиклаштириш ўрнига юқорида айтганимиздек, ўша йилларда республикада раҳбарлик мавқени эгаллаб турган шахснинг фаолиятини кўрсатиш учун ёзгандек туюлади. Асарда ҳашарчилар совуқ Шимолда, мураккаб шароитда жонбозлик кўрсатаётган ватанпарварлар, уларнинг матонатли кураши, ички дунёси, руҳий кечинмалари, психологик ҳолатлари кейинги планларда қолиб кетиб, юқоридан берилган топшириқларни бажаришда қилни қирқ ёрадиган чаққонлар таъриф-тавсифланади.

«Оқибат»нинг марказий қаҳрамони — аввал «чўл-совхоз» қурилиши бошқармаси бошлиғи, кейин Россиянинг Ноқоратупроқ ерларини ўзлаштиришга раҳбарлик қилган Қудратов худди шундай, баландарвоз гаплар, штурм ва буйруқбозликка ўч киши. Романдан юқоридаги фикрларимизни тасдиқлайдиган кўпгина мисралар келтириш мумкин. Китобнинг биринчи varaғида ўқувчи бош қаҳрамон билан шундай танишади: «Нега индамайсан?» дегандай оппоқ телефон аппаратига қараб-қараб қўяди... Нега индамаяпти бу соқов телефон?»

Ниҳоят кўпдан бери бўзрайиб турган аппарат бирданига оҳангдор ва такрор-такрор жиринглаб: «Тез бўл, тез бўл!» дегандай хитоб билан уни чақирди...

— Сизни ўртоқ Розиков кутаяптилар, — деди қабулхона котибаси мулойимгина.

Розиков республика ва ундан ташқарида олиб борилаётган муҳим қурилиш ва ўзлаштириш ишлари билан шуғулланувчи барча ташкилот ва муассасаларнинг бошини бириктириб, ишини қовуштирадиган катта ваколатли одам, яъни марказком секретари эди... У тер босган юзини рўмолча билан сидириб арди-да, ўзини ўнглаб улгурмай, итоаткор оҳангда: «Ҳозир... ҳозир бораман!» — деди. Қаранг: ёзувчи мутелик ва итоаткорликни поэтиклаштириб, қаҳрамонни улуғламоқчи бўляптики, бу ерда уларнинг шахсий ташаббуси, мустақиллиги умуман назарга олинмайди. Ҳаммаси маълум бир шахснинг «мулкига» айлантиради.

Юқори мартабали шахс Розиков Қудратовни янги вазибаларни бажаришга йўллайди: «Рос-

сиянинг унумсиз сағизтупроқ ерларини тез ва соз ишга солиш ана шу тadbирларнинг муҳимлари-дан муҳими бўлиб қолди. Гапнинг пўст калласини айтганда, нон, гўшт, сут ва кийим-кечакнинг катта резерв хазинаси очилаяпти. Бу иш ўзича, осонликча бўлмайди. Шу муҳим ишдан четда турмаслигимиз керак... Россияда намунавий совхозлар қурасизлар. Ўз номи билан намунавий — деди Розиков алоҳида ургу билан. — Ута масъулиятли иш! Қадам олишингизга бутун халқимиз, бепоев Россия кўз ташлаб туради... Марказим ҳам сизларга қаттиқ ишонади.

— Раҳмат! Ишонччи оқлаймиз!».

Қўрдингизми, қаҳрамон характери тасвирида на вазиятни объектив баҳолаш ва на ўй-мулоҳаза бор. Борди-ю, Розиков ракетага тушиб осмонга учасан деса ҳам Қудратов иккаланмасдан ракета зинасига оёқ қўя берадиганлардан. Яъни унинг учун суянч «шахс»нинг айтгани айтган, дегани деган, унинг ҳар бир сўзи — қонун.

Қудратовнинг катта ваколатли раҳбар иродаси, топшириғини бажариш йўлидаги «фидокорлиги», бошқа ҳамма нарсани, ҳатто дардман, туғурқхонада ётган хотини Дилафрўзга ҳам эътибор қилмай, икки энлик хат киритиб юбориб, «Муҳим топшириқ билан кетаяпман. Сиздан укаларингиз, болалар хабар олиб турадилар. Омон-эсон кўзингиз ёриб, уйга боринг! Қўришгунча хайр!» деб, узоққа жўнаб кетгани унинг қай даражада ўз эрк-ихтиёрини «суянч шахс» қўлига бериб қўйганлиги исботидир. Ёзувчи ҳам Қудратов характеридаги худди шу хислатларни «поэтик»лаштириб, уни қўллаб-қувватлаётди. Қудратов ўртоқ Розиковнинг «ишончини оқлаш» учун куйиб-пишиб ҳаракат қилади, ҳамма ишга шу нуқта назардан ёндашади: «қаҳрамон» давлат иши, ўз касб-кори, инсоний бурчи ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмайди.

Роман сўнггида Қудратов «Қирқ беш минг гектар балчиқни қурибди, йигирма беш минг гектар ерга сув чиқарадилар, азаматлар» дея ўз «десантчилари» билан тушурланади. Лекин бу ғалаба — «ишончини оқлаш» қўл остида ишлаётганларга қандай қимматга тушганлиги асарда етарли очиб берилмагани учун бор зиддиятлари билан китобхон онгига бориб етмайди. Шунингдек, асарда характерлар, воқеалар чуқур психологик таҳлил ва тадқиқ этилмайди, улар қайд қилинади, ўқувчига хабар берилади, холос.

Аслида-чи? Роман воқеалари содир бўлган етмишинчи йиллар жуда оғир, зиддиятли, синов йиллари эди. Асар қаҳрамонларининг дунёқарашини, психологияси ҳар хил ва мураккаб. Шунингдек, объектив фактларга қарамадан, қиши қаҳратонли, кузи, баҳори ва ёзи изғирин ёмғирли Шимолни ўзлаштириш энгил кўчаради, қаҳрамонлар ёзувчи чизган чизиқ бўлиб тантанавор ҳаракатда кетаверадилар. Уша йилларда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги турғунлик, чекинишлар, турли-туман қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар — реал воқелик образлар характерида тўла акс эттирилмаган.

Адабиёт жамиятнинг виждони. Буюк рус танқидчиси В. Г. Белинский «адабиёт бутун жамият мулкидир... адабиёт доимо оммавийликка суянади, ўз тасдиғини жамият фикридан олади», дея бадий сўз қудрати, ролига ва ижодкорнинг ижтимоий фаолияти, ҳаётда тутган ўрнига юксак баҳо берган эди. Бу қимматли фикрга амал қилинадиган бўлса, ҳозирги инқилобий ўзгаришлар даврида адабиёт ҳаётни қайта қуришнинг асосий қуролларидан бирига айланиши ҳақиқатдир. Бинобарин, социал ҳаётнинг кўпгина жабҳаларида яқиндагина рўй берган турғунлик ва бузилишлар жамиятнинг издан чиқариб юборишга қурб етмаганидек, бадий ижоддаги чекинишлар ҳам адабиётни ҳаётнинг долзарб масалаларидан узоқлаштира олмайди. Истеъдод эгалари ижтимоий тараққиёт қонуниятларини объектив равишда ҳис этиб, ҳар хил кўринишдаги нуқсон ва иллатларга қарши фаол курашдилар, ҳаётнинг илғор майлларини ифодаловчи асарлар ва ҳаётий қаҳрамонлар устида иш олиб бордилар. Михаил Сергеевич Горбачев адабиётнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва ёзувчилар талантини юқори баҳолаб, КПСС Марказий Комитетида ахборот ва пропаганда воситаларининг раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашувда шундай деди: «Адабиёт жамиятни ўзгаришларга тайёрлади, ижтимоий виждонимизни кўзғатиб турди».

Марксча-ленинча таълимот шунини тақозо қиладики, социалистик жамиятда шахс ҳар томонлама ривожланиши, шахснинг ҳақ-ҳуқуқи, ҳаётдаги ўрни, кадр-қиммати бирор бир жиҳатдан камситилишига йўл қўйилмаслиги лозим. Акс ҳолда социалистик тузумнинг принципларига путур етади, жамият тараққиётида турли кўринишдаги бузилишлар, ўпирилишлар юзага кела бошлайди.

Етмишинчи ва саксонинчи йилларнинг бошларида ҳаётимизда совет қонунчилигининг бузилиши, мансабдор шахслар томонидан айрим кишилар кадр-қимматининг оёқ ости қилиниши рўй берди, танқиддан ташқарида турган, улар ҳақида ҳеч ким, ҳеч қаерда салбий фикр айтиши мумкин бўлмаган дахлсиз шахслар пайдо бўлдики, бу ижтимоий адолатсизликнинг нохуш куртаклари ҳисобланади. Бундай салбий ҳолатларга ҳаётнинг ойнаси ҳисобланган адабиёт ҳам тўла фаол муносабатда бўлолмади, баъзида эса, бу кўнгилсиз ҳодисаларни танқид қилиб чиққан асарлар босилишига йўл берилмади. Фақат истеъдодли адибларгина турғун бўлиб қолган умумий ақидалардан четга чиқа олдилар ва мавжуд тўсиқларга қарамадан, ўз асарларида инсон ҳақ-ҳуқуқи, меҳнат кишисининг кадр-қимматини ҳимоя қилиб, қалам тебратдилар.

Ўзбек адабиётида ҳам ўша дабдабозлик, тантанаворлик, офарин ва мақтовлар авж олган йилларда ҳаётни объектив, реалистик тасвирлайдиган, ғоявий-бадий баркамол асарлар майдонга келган эди. «Синчалак» ва «Тобутдан товуш»дек порахўрлик, ўзбошимчилик, кибр-ҳаво, манманлик, шухратпарастлик ва сохталанин қораловчи, оқни оқ, қорани қора ҳолида айтувчи, энг муҳими, ҳаёт оқими ҳамда жамият тараққиётининг мусбат ва манфий томонларини, йўналишларини олдиридан ўта сезгирлик билан кўрсатувчи бадий кашфиётлар; «Имон», «Эрк», «Олмос камар», «Диёнат», «Нур борки, соя бор», «Тирик сайёралар», «Йиллар армони» каби ҳаёт ҳақиқати, давр туйғусини тўғри ифодаловчи, инсон тақдирини, руҳий мураккаблик, зиддиятларни ошқора кўрсатувчи насрий, шеърӣ ва драматик китоблар кенг тарқалди. Зотан, истеъдодли ёзувчилар турли объектив ва субъектив қийинчиликлар, сунъий тўсиқларга дуч келишган бўлсалар ҳам, мураккаб ҳаётнинг ичига киришга, бор гапни айтишга бел боғладилар.

Реалистик адабиёт мамлакат ҳаётида рўй бераётган айрим нохуш томонларга кескин муносабатини билдириб келганига Чингиз Айтматовнинг ижоди ёрқин далил бўла олади. Атоқли адиб жамиятда ғайри нормал ҳолатлар ривожланган пайтда ўз истеъдоди қудратини намойиш этди. Унинг «Асрга татуғлик кун», «Кунда» романлари жиддий баҳсларга сабаб бўлди. Адиб

ҳаётда учрайдиган турли чекинишлар, маънавий бузилишларни кескин танқид қилди. Ёзувчи ўз ғояси, фикрларини чуқурлаштириш учун турли афсоналар, мифлардан ҳам усталик билан ўринли фойдаланди. Айниқса, манқурт афсонаси жуда ибратлидир.

Бир замонлар шундай бўлган: зўравон гуруҳлар заифроқ бутун-бутун қабила-уруғларни ўзларига қарам қилиб, уларни жисмоний ва маънавий мажруҳларга — манқуртларга айлантирганлар. Манқуртлар — ҳамма нарсадан, ҳатто мустақил фикрлашдан ҳам маҳрум, ўтмиши, хотираси ва кимлигини унутган, эрксиз, ҳуқуқсиз одамлар. Адиб тўғри сўз, меҳнаткаш, имон-диёнатли кишиларни меҳр билан тасвирлар экан, инсониятни манқуртлик, тобелик, фалокату маломатдан сақлашга чорлайди, ҳар бир киши жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида барча моддий неъматлардан баб-баравар фойдаланиши лозим деган ғояни олға суради.

«Асрга татиғуллик кун» романида ҳаётимизда тезкорлик билан ривожланаётган илмий-техника революцияси, моддий-иқтисодий тараққиёт — цивилизация билан инсон қадр-қиммати орасидаги табиий заددиятлар ҳам теран тасвирланади.

Асар қаҳрамони Едигей ҳар бир нарсага одамайлик, адолат нуқтаи назаридан ёндашади, «Бўронли» бекатида қирқ тўрт йил ишлаган, ўзига жуда кўп яхшиликлар қилган Қозонқоннинг ўғли ва қизи бўлса ҳам Едигей марҳумни кўмиш маросимига бошчилик қилишни инсоний бурч деб билади. Қозонқоннинг ўғли Собитжоннинг қаршилигига қарамасдан, марҳумни авлодлар ҳоқи қўйилган Она боит қабристонига элтишга қарор қилади. Қанча машаққатлар билан Она боит қабристонига етиб келишгач, у ерда космодром қурилганлигидан огоҳ бўлишади. Едигей Она боит қабристонини сақлаб қолишга жазм қилади. Амалдан ажралишдан қўрқиб, бу ишга бош қўшишдан тонган Собитжонни «манқурт» деб сўкади. «Манқуртлар» тўғрисидаги ривоятнинг бутун моҳияти ҳам шу ерда тўла очилади. Уз ўтмишига беписанд қараш, ўз тарихини унутиш, эътиқодсиз ҳар бир одам онасини ўз қўли билан отган манқуртга айланиб қолиши ҳеч гап эмас, деган ҳаётий фикр ўртага ташланади.

Хуллас, ҳаётимизда ўша вақтларда рўй берган хира томонлар айрим адиблар, иқтидорли истеъдодлар томонидан бўямасдан, объектив равишда тасвирланди. Бу эса адабиёт турли шароитда ўз имконияти даражасида ижтимоий ҳаёт оқимига ўз муносабатини билдириб турганидан даллат беради. Чунончи, бу муносабат ва таъсир баъзан кучли, баъзи ҳолларда эса заиф, етарли даражада оммавий, тенденция тусини олмаган бўлиши ҳам мумкин экан.

Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романи давр туйғуси, курашчанлик ва муросасизлик руҳини ифодаловчи асар сифатида баҳоланди. Бу асар республика социал ҳаётида кейинги йигирма-йигирма беш йиллар мобайнида рўй берган ижтимоий-иқтисодий ва маънавий турғунлик, социалистик қонунчиликдан чекинишлар, ўзбошимчалик, зўравонлик ва бошқа салбий томонларга қарши бонг уради.

Тўғри, бу асарда ҳам қаҳрамон салобатли, ишбилармон, бироқ унинг бу «хислатлари» ўша даврда жамиятимизда рўй берган кимларнингдир ҳақ-ҳуқуқини тортиб олиш, кимларгадир ажратиладиган маблағ ва имтиёزلарни ўзлаштириш, ўз манфаатига қаратиш ҳисобига пайдо бўлади. У — шу маънода давр яратган зўравон, ўзбошимча шахс. Гап асарнинг бош қаҳрамони — Отақўзи ҳақида борапти. У гўё жамият манфаати учун фаоллик кўрсатаётгандек туюлади. Аммо қаҳрамон қилаётган ҳар бир ишини фақат ўз шухратини, ўз мавқеини ошириш манфаатига бўйсундиради. Шу маънода у ўзбек адабиётида яратилган бошқа зўравон ва ўзбошимча характерлардан ажралиб туради.

Масалан, эллигинчи йиллардаги ўзбошимчаликларни энг типик вакили Қаландаров кўчада машина билан ГАИ ходимини туртиб ўтишга, колхозчиларни, омmani, жамоат ташкилотларини менсимасликка журъат қилса ҳам, ўз қилмишларига ҳисоб беради, баъзи ҳолларда партия ташкилоти секретари Саиданинг ишларини тан олади. Отақўзи эса Қаландаровга нисбатан анча айёр, чаққон ва ҳушёр. У милиционерни туртиб ўтишдек майда-чуйда ўзбошимчаликлардан ўзини тияди, унинг ҳаракат кўлами Қаландаровникидан бир неча марта кенг. У фақат раён миқёсидаги биринчи раҳбарларгина эмас, балки область миқёсидаги раҳбарлар олдида ҳам эътибор қозонган, катта тадбирлар ўтказиш, имтиёзу ўринлар, мукофотлар тақсимлашда, юқори мартабали шахслар билан муомала қилишда ўта устакор. Отақўзи бу ишларни бир қарашда сезилавермайдиган ҳолатда амалга оширади.


Пиримқул Қодировнинг «Олмос камар», «Эрк», У. Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор», Уктам Усмоновнинг «Гирдоб» асарлари ҳаёт ҳақиқатини бадий ҳақиқатга айлантиришда қаламкашларнинг ютуғи бўлган десак хато қилмаймиз.

Бундай асарлардаги тасвир Абдулла Қаҳҳор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва бошқа истеъдодли шоиру адиблар ижодига ҳамоҳанг эди.

Чингиз Айтматов: «Ҳаёт ҳақиқати китобхонларни овутадиган эртак эмас, балки уларнинг кўзларини очиб қўядиган аччиқ, шафқатсиз сабоқдир... Жамият ҳам кишилар тақдир учун жавобгардир, одамнинг тубан кетишига муайян шарт-шароит таъсир кўрсатади. Ижодкор эса бунга бепарқ қарши мумкин эмас», — деганида минг бор ҳақлидир.

Адабиёт — жамият виждонидир. Бадий сўз санъаткорлари ана шу виждонни ҳаракатга келтириб туришдек маъсулиятли бурчни адо қилар эканлар, ҳар доим улар юрак садоси, ҳайқирғига қулоқ осишга мажбурдирлар. Ижтимоий ҳаётдаги турғунлик, депсинишларнинг таъсирида воқеликни силлиқ кўрсатувчи, хаспўшловчи, дабдабазлик ва офаринлар хусусида асарлар юзага келган бўлса-да, бир қисм ёзувчиларимиз истеъдод билан яратилган асарларини ҳаётнинг реал манзараси, асл моҳияти, чинакам руҳи, туйғусини ифодаладилар ва шу билан ўзларининг жамият, китобхон олдидаги бурчларини адо этдилар.

Исроил МИРЗАЕВ,
филология фанлари кандидати



ШЕЪР—МАВЗУН ВА СОЛИМ САНЪАТ

(Муҳаммад Солиҳ портретига чизгилар)

**Эй Навоий, хўблар ичра менинг моҳимдадир
Таъби мавзунни десам ё зеҳни солимни десам.**

«Мавзун» сўзининг луғавий маъноси вазнга мувофиқ дегани. Бунда мавзун — сийратнинг вазндорлиги ва шеър мусиқаси — интонацияси билан тўла уйғунлиги ҳам, бадий ифода — сувратнинг нафислиги, мантикий таносиби ҳам мужассамлангандир. «Солим» сўзи камоли мусаффолик, ҳаётйилик, омонлик (кенг маънода тан ва руҳ соғломлиги, қалб ҳурлиги) каби нуктадонликларни умумлаштиради. «Тахайюл мулкининг султони» Навоий ўзининг илоҳий ишқ тимсоли — хаёлдаги маҳбубини дунёнинг барча гўзаллари даврасида («хўблар ичра») нафақат ҳусн бобида, балки инсоний табиати — дидининг нозиклиги, расолиги («таби мавзун»), заковатининг нуқсонлардан холий тозаллиги, бутунлиги («зеҳни солим») каби сифатлари билан ҳам тенги йўқ деб билади. Навоийнинг фавқулодда нафис мушоҳада тарзини шеърият санъатига нисбат берганда, бу ҳақиқий истеъдоднинг шавқу рағбат, ёниқ эҳтирос маҳсули бўлган ҳар бир шеърига бетакрор гўзаллик ҳодисаси сифатида ёндашмоқ лозим, деган маънони англаш мумкин...

Шубҳага ўрин йўқ — Муҳаммад Солиҳ ана шундай солим поэтик истеъдод соҳибларидан. Эҳтимол, мавзунлик — мусиқий уйғунлик зоҳиран қараганда бу оригинал шоир шеъриятида ҳар доим ҳам ажралиб турмас. Лекин солимлик — тафаккур соғломлиги, туйғулар ҳурлиги, исёнкорлиги, образлар таровати, ҳаётйилиги Муҳаммад Солиҳнинг ижодий стихияси десак, ажабланманг.

Ҳақиқий шоирнинг ижодий қиёфаси, аввало, ўзи мансуб бўлган шеърият тақдири учун, хусусан, яратган шеърларининг мазмунан салмоқдорлиги, шаклан «тарашланган» (Чулпон) ва ўзига хошлиги, истисносиз, ҳар бир мисранинг контекстдаги аниқ бадий-мантиқий ўрни, зарура-ти учун нечоғлик қайғуриши билан белгиланади (аксинча, бундай ижодий талабчанлик ҳиссини йўқотган шоир бу қутлуғ ном билан аталишга маънавий ҳақли эмас). Муҳаммад Солиҳ — шеърият қадрини, поэтик сўз қадрини, истеъдод масъулиятини теран ҳис этадиган ижодкорлардан. У ўзининг эстетик позициясини бир миниатюрасида шундай таърифлайди:

**Бошоқдай мухтасар,
Дон каби кичик
Бир шеър, бир асар
Илоҳам, бер-чи.
Кўп эмас, битта —
То жужуқ қизнинг
Булбулдай митти
Кафтига сиғсин!..**

Шу пухта-мухтасар шеърнинг ўзи шоир ижодий принципнинг конкрет «ашёвий» далили бўлиб хизмат қила олади: истеъдоднинг давомли изланишлари, ижодий кузатишлари жараёнида саралаб олинган нисбатловчи сўзларнинг ўзи («бошоқ», «дон», «жужуқ қиз», унинг «булбулдай митти кафти»), ҳар бир ташбеҳ-иборани, мисрани заргардек «иктисод» қилиш, юрак ё кўз жарроҳидек қалб нигоҳи билан неча бор таҳлилдан ўтказиш — булар муаллиф кўзда тутган асл мақсадни қанчалик аниқ ифодалаб беради! Турли жанрга оид, хоҳ мўъжаз, хоҳ йирик ҳажмдаги шеърларга мана шундай комил, бутун бадийят талаби, ўзига ҳос бетакрор образ талаби билан ёндашиш истеъдоднинг ижодий мезони бўлиб қолиши ва ҳар жиҳатдан рағбатлан-тирилиши керак, токи шеърий санъатнинг бундай бирламчи талабига ҳамон лоқайдлик, худписандлик билан муносабатда бўлувчи ҳунарманд назмгўйларнинг дасти қисқароқ бўлса...

М. Солиҳ «Демак» шеърда оламнинг инсон қалбига, руҳиятига кўрсатган таъсири, бунинг зиддиятли оқибати — ўзгача асорати ҳақида фалсафий мушоҳада юритади:

**Бир ожиз жонзод бор тепа ё пастда,
Биз заиф мавжудот бордир муқаррар.
Йўқса, мен ўзимни кучли сезмасдим,
Қалб ўзига ишонмас эди бу қадар.
Бир буюк куч бордир тепада шаксиз,
Ё пастда бир улуг қудрат бор, демак,
Йўқса, нега ўзни сезаман ожиз,
Йўқса, нега бунча титрайди юрак!!**

Дарҳақиқат, табиат ва жамият фарзанди бўлган инсон — шоир қаҳрамонини бунчалар оғир хаёлга толдирган, гоҳ «кучли», гоҳ «ожиз» ҳолга солган сир нимада экан? Ҳолбуки, анъанага кўра, хусусан, шеърятда одамзод ўзининг мислсиз заковати, руҳий-маънавий қудрати билан қоинотнинг марказига қўйилади, «оламлар ичида оламлар» (А. Мухтор) яратади, ҳаттоки, ўзи чексиз «сирли бир дунё» бўлса, борлиқ унинг олдида «фақат зарра» (Э. Воҳидов)га айланади. Муҳаммад Солиҳ бу азалий мушкул муаммога ижодий-индивидуал ёндашади — мумкин қадар реалистик заминда туриб, конкрет шахс — замондошнинг теран, айна чоғда зиддиятли хаёллари образини яратади. Эҳтимол, у азалий мавжудият ичида «барчадин шариф ва латиф» (Навоний) зот эканини қанчалик чуқур идрок этгани сари бу поёнсиз ҳилқат ҳукми остида шунчалик ожизлигини яхшироқ англаб олар... Ҳар қалай, шоир инсоннинг мислсиз заковати, ижодкорлик даҳоси билан табиатнинг сарҳад билмас қонунлари (абадияти, чексизлиги, тинимсизлиги, ранггинлиги, турфа зиддиятлари) қаршисида лолу ҳайрон, чорасиз бир ҳолатда қолишдек қийин муаммони ўртага қўядики, бу, шубҳасиз, китобхонни ҳам ўйга толдиради.

Муҳаммад Солиҳнинг қаҳрамони ҳеч қачон руҳи тушмас, иродаси букилмас, мағрур характери билан, тақдирнинг энг шафқатсиз ҳукми қаршисида ҳам бўйин эгмас, курашчан ва исёнкор табиати, ўзининг ҳақлигига мутлақ ишонган маънавиятчи билан ажралиб туради: «Агар сен ҳақда бўлса Манглайга битилган ёзувнинг Битта ҳарфини ҳам ўқимайман мен». Мана, инсоннинг руҳий қудратига, қалб амрига бўйсундирилган ирода кучига шоир нечоғлик қиммат беради:

**Вужуд, томирларинг ёпиб ол,
Киритма у ерга сотқин титроқни...
Кўкракка лағча чўғ темирни
Босганда душман,
Оғиз, гуллаб қўйма кўкрак сирини.
Қичқириб юборма, бўғиз,
Инграб, ҳирқирама азобдан —
Одам жамлаб олса ўзини,
Ўзини катта бир майдонга йиғса —
У улкан лашкардир!**

Шоирнинг бундай фавқуллодда кўламдор мушоҳада тарзи инсон дунёсини, унинг китобхонга, ҳар қалай, сирли бўлган руҳиятини кашф қилиш йўлидаги давомли изланишларидан далолат беради. М. Солиҳ қаҳрамонининг хос тасаввури бўйича, инсон «вужуди» ўз руҳиятини, унинг асли кимлигини, нима учун яшашини — умр қомронлиги ва маънавиятини ҳаётнинг мушкул синовларидан омон сақлаши, авайлаши керак; машъум қўрқоқлик ҳисси, ирода-сабот заифлиги, умидсизликка берилишдек руҳий танглик вазияти юз берганда сабр-бардошнинг етишмай қолиши инсонлик шаънига номуносиб, унинг моҳиятига зиддир. Шоирнинг мана шундай руҳий қаноати ҳайратомуз мухтасар тафсил — ташбеҳлар («одам... ўзини катта бир майдонга йиғса — улкан лашкардир») воситасида ифодаланади. Бу фавқуллодда журъаткор мисралар замирида — подтекстида бугун биз ошкора, ҳайқириб айтаётган том маънодаги эрк, ҳурфикрлик ғоялари тажассум топган десак муболаға бўлмас.

М. Солиҳ ўз ижодий таомили — эстетик принципига кўра қаҳрамоннинг ҳатто фоже ҳолатини — руҳий драмасини ҳам зоҳиран осойишта оҳангда, жонли мусоҳаба — мубоҳаса тарзида бера олади.

**Сизларким бўлибсиз унинг олдида!
Мен ўзимнинг ҳаётим бўлмиш,
Йўқ, йўқ, ҳаётимдан ҳам азизроқ
Инсон билан ҳам яшамадим-ку.
Сизлар ким бўлибсиз унинг олдида!
Сен ким бўлибсан, ҳаёт!
Кимсан ўзи сен, ўлим!**

Шоир қаҳрамонининг ҳеч нарсадан ҳайиқмас, ҳеч қандай куч қайтаролмас даражада туғёнли-аламнок ҳолати (гарчи аниқ сабабиятини билмасак ҳам) аён кўриниб турибди. Ажабо! У «ҳаётидан ҳам азизроқ инсон» билан тақдирини қўшолмаган экан, ўртада сўз билан таърифлаб, шарҳлаб бўлмайдиган қийин муаммо — фақат бошига келган одам ўзигина биладиган мушкулот содир бўлган. Қаҳрамонни аросат кўйига, йўқ, ундан даҳшатлироқ савдога солган зиддият, ҳар қалай, ўша фожианинг моҳиятини бир қадар тасаввур қилишга, лоақал, умумий тарзда ҳукм чиқаришга имкон беради: на ҳаётнинг мўъжизакор, ҳамма нарсага қодир қудрати, табиий жозибаси — оҳанрабоиси, на ўлимнинг барчасини маҳв этувчи, хаёлини, тасаввурни, ҳиссиётни, тафаккурни музлатиб-қақшатувчи даҳшати... муҳаббат отлик илоҳий қисматнинг иродаси олдида, аёвсиз озорлари олдида маъносиз бўлиб қолиши ҳақиқат эмасми?!... Демак, шоир қаҳрамонининг муҳаббат идеали (майли, у бахтсиз қисмат, алдамчи рўё бўлиб чиқсин!) реал ҳаётдан таққослаб бўлмас даражада юқори турар экан! Буни бир қадар тушуна бошлаганимиз учун: «Сен ким бўлибсан, ҳаёт?» деган, биринчи қарашда, анчайин куфрона-нописанд туюлган нидони аслида яшашнинг маъносига ортиқ талабчан муносабатнинг анчайин аламли, кинояомиз ифодаси деб қабул қиламиз. Фақат шунда: «Кимсан ўзи сен, ўлим?» деган, энди ижобий маънода писандсиз, мағрур янграган хитоб замирида инсоннинг «ўлимларни доғда қолдирувчи» (К. Симонов) барҳаёт руҳий қудрати зухур этганига амин бўламиз. Шу тарика, шоир шаклан оддийгина сатрларда ҳаётнинг моҳиятига етиб бўлмас теран зиддиятлари ҳақида, китобхонни лоқайд қолдирмайдиган, аксинча, ўйга толдирувчи баҳс очади. Бу сўзга юксак даражада талабчан, чин маънода эҳтиросли муносабат самарасидир.

Шоир сарлавҳасиз миниатюраларидан бирида муҳаббатнинг ҳаётбахш қудратига, инсоний табиатига фавқуллодда қиммат ва миқёс беради:

**Бир одам кимнидир севаркан токи
Севгини туғ каби кўтарса азот —
Бутун башарият яшашга ҳақли,
Узини оқлайди ердаги ҳаёт.**

Зоҳиран оддийгина кўринган бу сатрларнинг жозибаси сири — шоирнинг қатрада оламни бутунлиги билан кўра биладиган мушоҳада тарзида, мухтасар сўз лавҳасига мумкин қадар салмоқдор маънолар жойлаш маҳоратида. Мана шу хусусият унинг интим мавзудаги шеърларига ҳам ғоявий мазмундорлик, руҳий-маънавий мусаффолик, фалсафий теранлик каби сифатлар бағишлайди. Бу жиҳатдан М. Солиҳнинг «Сен борсан» сарлавҳали саккизлиги яна-да ўзгача таассурот қолдиради:

**Сен борсан. Мен сени йўқотганим йўқ.
Чунки топганим йўқ сени, севгимим.
Мен сени излайман, чунки ёлғондир
Йўқлигинг ҳақдаги бор ҳақиқатлар.
Ерни гир айланиб излайман, аммо
Айланиб келмасман яна шу ерга —
Сени топмагунча ёлғондир чунки
Ёлғондир заминнинг юмалоқлиги!**

Шоир муҳаббат туйғусининг хос табиати, хос фалсафаси билан маълум даражада таноисиб ярата оладиган, унинг дунёда «борлиги»га, улуғ классиклар таъбирича, фақат «дард аҳли» ишонадиган, хоҳ дунёвий, хоҳ самовий-илоҳий маънода талқин қилинсин — азалий ҳақиқат ҳақида баҳс очади. Бу муҳаббат оламининг руҳий теранлиги — фалсафий моҳияти заминда ўзига хос бадий мантиқ яратиш маҳоратидир: «Ёлғондир йўқлигинг ҳақдаги бор ҳақиқатлар». Токи севгини (майли, хаёлий тимсолини бўлсин) эътиқод деб билмагунча, гўё унинг «йўқлиги ҳақдаги бор ҳақиқатлар» устидан даҳриёна, исенкорона ҳукм чиқаришга жасорат топилар-қиди? Бу реал имконияти мушкул, гўзал хаёл, «шеърый ёлғон»дан ғаройиб имкон яратишдек поэзиянинг мўъжизакор қудратидан бир далолат («Сўз ичраким ёлғон эрур нописанд, Чу назм эттилар — қилди доно писанд» — Навоий), фақат шеърятга хос бадий мантиқ намунаси. Демак, шеърят ҳақиқати баъзан муҳаббат ҳақидаги хаёлий, кўпинча умидсиз, лекин одамлар тасавурида эзгу тушунчалардан, агар зарурати тўғилса, «заминнинг юмалоқлиги» каби илмий ҳақиқатлардан юқори туриши ажабланарли ҳол эмас.

М. Солиҳ — ёш, ижодий тажриба жиҳатларидан қатъий назар, инқилобий қайта қуриш, покланиш жараёнига маънавий—эстетик замин яратишда фаоллик, журъаткорлик кўрсата олган шоирлардан. Бундай дадиллик унинг истеъдод характери — ҳақиқатга тик қараш, дангал, юз-хотирсиз муносабат туйғуси билан, қолаверса, маърифатга чанқоқлиги, биринчи галда кенг заковати билан изоҳланса ҳеч ажаб эмас. Мана «Суратчи» шеърдан характерли икки мисра:

**Жилмайинг, жилмайинг, дедим-ку сизга,
Ахир авлодларга қолар бу сурат...**

Улуғ идеаларимиз ҳаққи, чуқур дард, алам, қаҳр, нафрат, ўкинч ҳислари билан йўғрилган, руҳий фиғон билан айтилган «авлодларга қолар» сўзларидаги ачиқ истеъзо моҳиятида бугун партия ва халқ қатъиян қоралаган мудҳиш ёлғон — турфа кўринишдаги қаллоблик қанчалик мухтасар, аниқ, ёрқин ифодаланган!

Сиёсат машинасини бошқариш нолайиқ, норасо кимсалар ихтиёрига ўтиб қолар экан, ниҳоятда мушкул, ҳатто идеаларимиз руҳига, моҳиятига зид тус олган курашлар, беҳисоб курбонлар, маҳрумликлар эвазига, мислсиз жасорат ва мардликлар, айна чоғда тўзимсиз сабот, матонат, виждон қийноқлари эвазига бунёд этилган муқаддас йўлдан хиёнаткорона тойилиш ҳоллари, ҳақиқат ва адолат принципларидан чекинишдек кечириб бўлмас, инсонлик шаънини, кадр-қимматини оёқ ости қилувчи машъум лоқайдлик психологияси ижтимоий офатга айланиши ажабланарли эмас. М. Солиҳнинг «Суратчи», «Фарқли ўлароқ», «Эртага», «Виждон сени...», «Кўникиш» каби кучли мунозара руҳидаги шеърларида турғунлик иллатлари аёвсиз фош қилинади. Масалан, «Тараққиёт ва мақол» сарлавҳали тўртликни кузатиб курайлик:

**Тараққиёт ёнида ожиздир мақол:
Эл оғзига элак топиш ҳам мумкин.
Агар биз истасак, бугун бемалол
Ойни этак билан ёпиш ҳам мумкин.**

Маълумки, мақол замиридаги фикр пурмавж-динамик характерда бўлиши қийин, сабаби, у қанчалик теран, ҳикматли маъно ташимасин, қанчалик сайқалланмасин, такрор-такрор, давомли истеъмол жараёнида маълум даражада ақида, схематик панднома ҳолига келади (ҳатто даҳо шоирларнинг афоризмга айланган шоҳ байтлари ҳам бора-бора статик хусусият касб этади). Лекин М. Солиҳ халқимизнинг икки ибратли нақлини шундай «шафқатсиз таҳрир»дан ўтказадик, натижада улар кескин кинояли маъно, бадий жозибаси касб этади — барча имони заиф, виждони мудроқ, юмшатиброқ айтганда, ғофил бандаларнинг ҳақиқатдан кўз юмиб, оқни қора, қорани оқ дейишдан тоймайдиган разил қилмишларини аёвсиз савалашга хизмат қилади. Халқ тафаккурига, бадий тилига бундай журъатли ижодий муносабат туфайли шоир сатрлари руҳига сингдирилган ачиқ ҳақиқат бизни ҳам сергаклантиради. «Мақол» шеър яна-да ўзгача поэтик усул, оригинал талқин мисоли бўла олади:

**Замон сенга боқмаса гар, сен ҳам боқма замонга,
Майли, яхши отинг чиқсин бир лаҳзада ёмонга!..
Ҳаёти-ла ўзгартирса бир мақолни бир одам,
Бир одамнинг ҳаётига етиб ортар ўша ҳам.**

Хусусан, кейинги икки мисрада юқори маънавий қиммат берилган ўзига хос жасорат — «бир одамнинг... бир мақолни ҳаёти-ла ўзгартариш» учун кураши (яна қандай мазмундаги мақол!) ҳазилакам иш эмаслигини бир қадар англаб олганимиз учун ҳам, шоирнинг анъанавий нисбатлаш усулига талабчан ижодий муносабатидан беихтиёр шавку ҳайратга тушамиз.

М. Солиҳ шеърлари аксарият кутилмаган ташбихлари, рамзлари, мажозлари, ғаройиб истиоралари, киноялари, классик муаммо ва ифрот (ўта муболаға) санъатларини эслатувчи оригинал тимсоллари билан ажралиб туради. Лекин шоир баъзан анъанавий ташбехларсиз, бевосита турмуш тафсиллари тилидан фойдаланганда ҳам, воқеалик ва руҳий оламга терең назар солгани учун фақат Муҳаммад Солиҳ қаламига хос «фикрловчи», баҳсга тортувчи лирик лавҳалар, оригинал образлар яратади:

**Мен қайтадан ишондим сенга,
Алданишга яна тайёрман...
Бахт нелигин тушунмай туриб,
Кечир, сенга тилайдирман бахт.**

«Янги йил» шеърдан олинган бу мисралар оддий ёки фавқулудда ташбехлари билан эмас, балки сўзнинг асл маъно қирралари орқали ифодаланган, бевосита ҳаёт зиддиларидан туғилган турли қарашлар, нуқтан-назарлар, кайфиятлар, тамойиллар билан ички мунозара заминда шакланган конкрет таассурот, мушоҳада меваларидир. Уларда одамни бир лаҳза бўлсин, сеғми ва бахтнинг маъноси, умр моҳияти ҳақидаги, ижтимоий муносабатлардаги ҳақиқат ва ёлғоннинг ҳар доим ҳам аниқлаб олиш осон бўлмаган нисбати ҳақида ўйлашга мажбур этувчи сеҳр-жозиб бор. Шоирнинг «Қор» сарлавҳали миниатюрасида ҳам мажозу истиоралар йўқ, зеро, қор бўралаб ёғаётган манзара ҳосил қилган кечинма доирасида «бир зум ўй» фалсафий-лирик образи шаклланади. Ҳассос шоир тинимсиз, ҳудудсиз, ғуборсиз ва унсиз стихияси билан кишини ихтиёрсиз ҳаёлга толдирадиган табиат ҳодисаси фонида ҳаёт — ўлим каби абадий мавзудан баҳс очади:

**Тўхтама, тўхтама, тўхтамагин, қор,
Серташвиш дунёни бир зум алдаб тур...
Бир зум ўйга чўмсин одамлар, бир зум,
Бир зум ўзи, бир зум ўлим ҳақида.**

Воқеликка (аниқроғи, табиат орқали акс этган руҳий оламга) фақат шоирона-эмоционал муносабат орқалигина лаҳзалик фурсат ичидаги чексиз ҳилқатнинг шунчалар аниқ тасвирига, моҳият эътибори билан бу «коргаҳ ваъзи» (Навоий) қаршида «ўйга чўмиш»дек руҳий покланиш жараёнининг бетакрор фалсафий образига эришиш мумкин. «Ёмғир» миниатюрасида, эҳтимол, ярим тундаги шаҳар манзараси чизилади. Бунда «Қор»даги каби ижтимоий дард — азалий муаммолар ҳақида чуқур ўйчанлик йўқ. Зеро, тафсиллар аниқлиги билан истиора — метафора тиниқлиги, оригиналлиги шундай уйғунлик яратадики, бундан ёрқин, жозиб кечинма-образ шаклланади:

**Ёмғир ёғар, бу зиёфатга
Бош қўшмаган чироқлар ўчар...
Чўмар ибтидоий ёмғирга
Ўз номини унутиб кўча.**

Зоҳиран қараганда, бу «соф» манзара лавҳасида асли уни бедор кечирган, қалб нигоҳи билан кузатган, тунги оламнинг ёмғир мусиқаси («зиёфати»)дан ўзгача шавқ олган гўзаллик шайдоси — қаҳрамоннинг кайфияти акс этади, унинг ўзи эса кечинма-образ, манзара-образ ортига яширинади; ҳолбуки, ёмғирли тундаги шаҳар кўчасининг мусаввирона аниқ тасвири уни ўз тасавурида жонлантирган, қайта яратган ҳассос инсонсиз маъносиздир. «Ёмғир» миниатюраси ана шундай — ўз шаклига нисбатан анча кенг ва чуқур таассурот қолдиради, бу М. Солиҳнинг сўз туйғусидан ёрқин бир далолатдир.

М. Солиҳ сарлавҳасиз шеърларининг бирида «юрак» образини энди номарғуб маънода талқин қилади — унга кутилмаган тарзда кескин танқидий позициядан ёндашади:

**Ҳаммасини кўриб жим турсанг, юрак,
Ҳаммасига чидаб, айлансанг тошга,
Нима тошин, ахир, дарёдан бўлак!
Нима қимирласин, шу ердан бошқа!!**

Наинки юрак ўзининг юксак, мағрур, даҳлсиз, ғуборсиз аршидан қулаши, эрк-ихтиёри, имкониятлари, орзу-хаёллари, интилишлари сарҳад билмаган маънавий давлатини бирдан бой бериши мумкинлигини тасаввурга сеғдириб бўлса?!.. Наҳотки ўз табиати билан беором-безовта, муросасиз-исёнкор, дардли-туғёнли бўлган инсон юрагини ором, сукут, журъатсизлик, лоқайдлик, бедардлик, совуқлик макон тутса, у ўз моҳиятини йўқотса?!.. Шоир бундай маънавий фалокатни, биринчи қарашда, табиатдаги мувоzanатнинг бузилиши—сув тошқинларию зилзилалар офати билан қиёс қилаётгандай бўлади. Аслида шеър моҳиятидан ҳиссизлик, лоқайд кузатувчанлик, кўрқоқ келишувчилик психологиясининг касоратини гўё табиий (аниқроғи, ногаҳоний) офатлар билан боғлайдиган мистик уйдирма эмас, балки реал, аччиқ ҳақиқат — ўша табиат стихиясидан кўра беқиёс

даражада даҳшатлироқ фожиа юз бериши мумкин деган ташвишли нидо англашилади. Демак, шоир табиатдаги дисгармоник ҳодисаларни анъанавий муқояса сифатида, юз бериши мумкин бўлган ҳақиқий фожиали вазиятни бўрттириб кўрсатиш учун келтиради: токи — юрак Ҳақиқат қаршидасида сукут сақлаб, тошдек муз қотар экан, нафақат шахсининг, балки жамиятнинг ҳам ҳаёти, маънавий ривожига жиддий хавф-хатар остида қолади, бундай фожиа олдида табиий офатлар ваҳми, даҳшати ҳам ожиздир...

«Шоирнинг «Деҳқон қўллари» шеърисида ўзбек пахтакорининг аъмолик, тақдири янги кўпқиррали тимсол — «қўл» образи ва деҳқонни лолу ҳайрон қилиб қўйган танг аҳволнинг конкрет тафсиллари орқали, моҳиятда зиддиятли руҳий ҳолатлар ифодаси тарзида кўрсатилади:

**Қўлдан иборатдир менинг вужудим.
Кўзим — қўл, юзим қўл, оёғим ҳам — қўл.
Неки туртиб чиққан бўлса ичимдан,
Бари — қўл, ҳаттоки... қўлоғим ҳам — қўл!
Тушда аён бўлди улуг бир мақсад,
Олга кетаяпман, боқмай орқамга:
Хўжалик ерига пахтани эксам,
Мен қўл эжажакман ўз томорқамга!**

Шоир дастлабки тўрт мисра орқали деҳқон далада йил давомида бамисоли бутун «вужуди — қўл»га айланиб бажариши лозим бўлган, биринчи галда деярлик ҳар кун (ёз ойлари кечалари ҳам) махсус парваришни тақозо этадиган пахта билан боғлиқ юмушлар, камига об-ҳаво таъжангликлари, ғўза касалликлари оқибатида туғиладиган ногоҳоний ташвишлар (деҳқонсиз битмайдиган, ҳар қайсисининг ўз «плани», ўз «мажбурияти») бўлган бошқа соҳаларни саноққа қўшмаганда) одамзотнинг қўли иккита эмас, тўртта, ҳатто ундан ортиқ бўлганида ҳам уни базўр банд қилиши мумкинлигига ким шубҳаланади? Агар «қўл» тимсолида, моҳият эътибори билан тирик одамни — замондошимизни англасак, наҳотки бугунги ўзбек деҳқонининг тақдирига шуларнинг ҳаммаси — ҳеч қандай қонунга, меъёрга сиймайдиган меҳнат режими битилган бўлса, деган мушкул савол туғилиши табиий. Хусусан, деҳқон болаларининг бундай қаттол қисматдан қочиб, она қишлоғидан беизб, бош олиб кетиш ҳолларининг асосий сабаби ана шунда — инсон тақдирига лоқайдликда, унинг маънавий-руҳий эҳтиёжларига худписанд муносабатда эмасмикин... Дарҳақиқат асл ўзбек деҳқони (далага омонат келиб-кетувчи тасодифий «деҳқоннамо» учарлар эмас) кунни тунга, ёзни қишга улаб, чинакам ҳордиқ нима билмай ишлаганини, тўю маъракалари, ҳатто айрим «маданий тадбирлар» ҳам мана шу меъёрсиз меҳнат режимига бўйсундирилганини, яъни пайкалдан ночор-ноилож узиб олинган ҳар бир соат қанчалик қимматга тушишини ёлғиз унинг ўзи билади. Нафақат сўнгги ўн-ўн беш йилликнинг кўзбўямачиликлари муҳитида, балки, умуман, урушдан кейинги даврнинг ҳақиқат ва адолатга турли даражада пугур етказилган бирёқлама, ностабил шароитида... ўша «жаҳон захматкаш ва уринчоқ» (Миртемир) деҳқоннинг ҳам юридик, ҳам маънавий ҳуқуқи сифатида айрича муҳофаза қилиниши лозим бўлган турли талаб-эҳтиёжлари аксарият сўзда, қоғозда, нари борса, хўжакўрсинга қилинадиган юзаки тадбирларда қолиб кетганидан бугунги партиявий ошкоралик муҳитида ким кўз юма олади? Жон олиб, жон бериб, она-заминдан ризқ-рўз ундирувчи деҳқоннинг ҳақиқа зомин бўлишдан, лоқал, унинг маъсум болалари уволига қолишдан қўрқмаган бундай ғайриинсоний муносабат қандай қилиб юз берди? Ўзбек деҳқони қачон том маънода рўшнолик кўради? У бошқалар сингари ўзлиги ҳақида, замонавий маърифат, маданият, қачон вақти бўлади? Муҳаммад Солиҳ кашф қилган беомон бадий ҳақиқат — «қўллар» иложсиз ана шундай «азобли ўйлар» (А. Мухтор), мушкул саволлар исканжасига олади, уларга очикроқ жавоб беришга ундайди. Акс ҳолда, мисли кўрилмаган фожиа юз бериши — деҳқон ўзининг бобо касбини, тақдир насибаси деб билган даласини тарк этishi — тирикчилик кўйига кириб кетишдан бошқа нажот қолмаган бўлур эди. Айниқса охириги мисрада ифодаланган фавқулдда кучли мажозий-киноявий лаҳза («Мен қўл эжажакман ўз томорқамга») зинҳор кечиктирмасдан олдини олиш зарур бўлган, ўзбек деҳқонининг ҳаётий манфаатларига жиддий таҳдид солиб турган фалокатдан огоҳ этувчи, ҳар қандай мудроқ шуурни сергаклантирувчи бонг-тимсолга айланади. Чиндан ҳам марказий ва республика партия матбуоти органларида кескин қораланган, қаллоб шухратпарастларнинг қадимий тажрибага, деҳқончилик маданиятига хилоф бўлган «монокультура» сиёсати далани хароб, деҳқон дилини хуноб қилаёзган эди... «Деҳқон қўллари», «Худо қарамади...» каби том маънода реалистик шеърларнинг ҳозиржавоблиги, тийрак ҳаққонийлиги сири шунда.

Муҳаммад Солиҳ «Шоирнинг севглисига ёзган очик хати» сарлавҳали миниатюрада пахтакор аёл дунёсини терим палласидаги меъёрсиз меҳнат кунни сўнгига тинка мадори қуриган драматик бир ҳолат фониде беради:

**Мунисим, пахтадан бошингни кўтар —
Кун ботди, келди бош кўтармоққа пайт!
Чўлли қувавериб, ўзинг ҳам дилбар,
Чўлга қувғин бўлдинг, етар, уйга қайт.
Пахтани терасан... ватанга бериб,
Донг қотиб ухлайсан, фақат ухлайсан —
Уйқунгда ётасан кучоғинг кериб,
Қайси саодатни бундай йўқлайсан!!**

Кўчирилган бу парчадан, лоқал, икки характерли мисрани таҳлил қилганда шоир кузатган мақсад ойдинлашгандай бўлади: «Кун ботди, келди бош кўтармоққа пайт!». Яхшиямки, табиат қонунига биноан қуёш уфқдан оғиб кетади-ю, иложсиз оқшом қуюла бошлайди... Айниқса аёлларнинг то кун ботгунча нега пайкални ташлаб чиқмаслиги ҳеч кимни ажаблантирмайди. Негаки, бу ҳолни неча ўн йилликлар давомида гўё ҳаёт тарзига, тириклик ва меҳнат қонунига айлантирганлар. Қанча

сувлар оқиб ўтди, юрт бошига қанча «улуғлар», «оталар», «ёшуллилар» келиб кетди, бу ёруғ жаҳонда турфа ўзгаришлар юз берди, қанча тартиб-низомлар, меъёр-меzonлар, одат-русумлар янгиланди... Лекин ҳануз деҳқон аёли токи кун ботмагунча «пахтадан бошини кўтаролмайди» — далани ташлаб кетолмайди. Гўё уйда уни фақат фароғату истироҳат кутаётгандай. Шомдан кейин остонадан зўр-баъзўр кириб келар экан, ҳамма-ҳаммаси — болажонлари ҳам (боз устига у жўжа-бирдай жон!), эҳтимол, оиланинг катталари ҳам, қозон-товоқ, бошқа хўжалик юмушлари ҳам фақат унга кўз тутиб, маҳтал бўлиб туришини ўйлаганда, худонинг ўзи раҳми келиб унга яна ғойибдан мадад беради — «миллион эгатларга эгилган» (А. Орипов) 10—11 соатлик, аёл жуссасига мутлақо мосланмаган, ғоят зўриқтирувчи меҳнат чарчоғи гўё унутилгандай бўлади... Аксари қувноқ кўшиқларда, байрам шеърларида васф этиладиган ҳазрати деҳқон аёли тунги соат нечада бориб жойига чўзилишини фақат унинг ўзи билмаса, бошқа ким ҳам билсин?.. Энди мантиқан иккинчи мисра шарҳида ўтсак бўлади: «Донг қотиб ухлайсан, фақат ухлайсан». Бу трагикомик характердаги ҳақоний сатр руҳига сингдирилган истеҳзо оҳангида, гўё шоир қаҳрамони ўзининг заҳматкашликда, сабр-бардошда, итоткорликда беназир, лекин шахсий-интим муносабатларда «бераҳим», «бепарво» ёридан гинахонлик, ҳасрат қилаётгандай туюладиган киноя замирида ҳам ачиқ ҳақиқат — ижтимоий дард яширинган бўлса не ажаб? Чиндан ҳам ўзбек пахтакор аёли зиммасига тушган, бамисоли унинг қисматига битилган, бошқа бирор заҳматкаш тоифаси кўтара олмайдиган меҳнатнинг тўзимсиз оғир шароити, залворли юки хотинлик ва оналик вужудини эзмаса, унинг йиллар давомида фақат иш қуролига мурватларига айланган, дағаллашган қўллари, оёқлари, беллари (гениал шоирларга, рассомларга илҳом бахш этган гўзалликда тенгиз аъзолар!) оғриқни, чарчоқни ҳам сезмайдиган даражада қарахт бўлмаса... у тошдек қотиб, ғайритабиий қаттиқ уйқуга кетармиди? Айниқса севимли аёл уйқуси бундай ачинарли ва маломатли маънони ифодалаш шейрият, санъат тарихида кўрилмаган бир ҳол. Бу, аввало, М. Солиҳнинг хос поэтик иқтидоридан, ўзгача, «аёвсиз» мушоҳада салоҳиятидан далолат берувчи, қолаверса, ҳозирги лирикада, чунончи, унинг интим мавзудаги намуналарида ҳаёт ҳақиқатига ҳар қачонгидан яқин, журъаткор муносабатни тасдиқловчи янги реалистик аломатлардан биридир.

Шоир «Бадийй ёлғон» сарлавҳали шеърда пахта мавзуда, ўзбек пахтакори шаънига даҳлдор, ҳозир ҳаётнинг ўзи илгари суръатган жиддий муаммодан баҳс очади:

**Пахтани «олтин» деб кимдир бўлса ҳақ,
Унга ҳам ишонманг, қалқинг оёққа —
Чунки ҳақиқат ҳам ёлғондир мутлақ,
Агар қарши бўлса ҳақиқат халққа!**

Ёлғоннинг турфа кўринишлари бор. Лекин бу шеър уйдирмалар асосида тўқиб чиқарилган, эртами-кечми фош бўлиши муқаррар ёлғон ҳақида эмас. М. Солиҳнинг мушоҳада тарзи бундай нисбатан осон ва раvon йўлни ҳушламайди. У ўта маккор, ғоятда пухта замин ҳозирланган, ҳаттарок ёлғонни — ёмонлик илдизини очиш мақсадини кузатади. Демак, энг даҳшатлиси конкрет рақамлар, реал фактлар, мўътабар қадриятлар ортига яширинган, аниқроғи, гўё улугвор мақсадлар, давлат аҳамиятига молик вазифалар, «етук социализм»нинг жаҳоншумул зафарлари, «моддий фаровонлик» кўрсаткичлари каби гўё зътйрозга ўрин қолдирмайдиган, даҳлсиз омиллар билан ниқобланган қаллоблик кўринишларидир. Шеър моҳиятида инсон тақдири, халқ дардидан узоқ бўлган ҳар қандай ҳайқирувчи «ҳақиқат»ни, жумладан, пахтани «олтин», пахтакорни «олтин қўллар» деб атаган мунофиқ бошлиқларнинг «ҳақ» сўзи «мутлоқ ёлғон» бўлиб чиққанини тўрт сатрда бадийй асослаб бериш нияти ётади. Бу шоирнинг фавақулда иқтидоридан, чинакам эътиқод ва жасорат туйғусидан далолат беради.

М. Солиҳнинг «халққа қарши бўлган ҳақиқат» — пахта монокультураси билан бевосита ё билвосита боғлиқ мавзудаги «Худо қарамади...», «Деҳқон қўллари» каби мардона ҳақиқат туйғуси билан суғорилган шеърларидан «Қуш билан суҳбат» миниатюрасида ҳам бевосита предметлар, воқелик тафсиллари тили ажралиб туради:

**Агар пахта эсмоқ мумкин бўлсайди,
Сенинг ўша мовий осмонингга,
Қазилма бойлиги тўкин бўлсайди,
Мен дарров борардим ёнингга.
Ҳозирча ер — меники, осмон — сеники.**

Бу мазмуни салмоқдор, моҳияти теран мисраларнинг ўткир киноявий оҳангида — оддий сўз бирикмалари замирида неча ўн йилликлар давомида (нафақат турғунлик шароитида!) ўзбек пахтакорининг ақл-ҳушига, ўй-фикрига, дилу жонига, вужудига зўр бериб сингдирилган, унинг оддий инсоний эҳтиёжларига назар-писандисиз муҳитни, унинг сабр-бардоши, андишаси, қадр-қимматини таҳқир этувчи носоғлом иқлимни тақозо қилган устма-уст планлар, ватанпарварлик мажбуриятлари, ташаббуслари, рекордлари — уларнинг оқибати сифатида содир бўлган ғоят мушкул вазият ҳақиқати зуҳур этади. Бугина эмас. Шеърда ўзбек пахтакори учун лоақал ҳозир умумий тароққиётнинг биринчи, нисбий қулайликларига эга бўлган нормал меҳнат шароитини: яратиб бериш ўрнига (унинг замонавий руҳий-маънавий, маданий-эстетик эҳтиёжлари ҳақида қайғуриш қаёқда!) пахта монополияси йўлида борлиқни — ерни, сувни, ҳавони, полизни, мевани, чорвани, жамики жонзотни, ҳаттоки одамни, унинг насли-зурриётигача қурбон қилишдан қўрқмаган собиқ «раҳнамолар» ўтказган мудҳиш сиёсатининг «халққа қарши ҳақиқати» — нафақат ҳимоясиз деҳқон аҳлига, балки бутун бошли бир халқ, миллат ҳақиқига хиёнатдан иборат моҳияти зуҳур этади...

**Ботирхон АКРАМОВ,
филология фанлари кандидати**



ҲОЗИРЖАВОБ МИРАЛИ

(Алишер Навоий ҳақидаги туркман халқ ривоятлари)

Узининг ҳаётбахш шеърини билан нафосат олами шайдолари дилида меҳр уйғотган улў бобомиз Алишер Навоий асарлари нафақат ўзбек, балки кўпгина қардош туркий халқлар учун ҳам мўътабар саналади. Таниқли ёзувчи Б. Кербобоевнинг ёзишича, туркманлар ҳам Навоийни ўз классиклари каби севиб, ардоқлаганлар, ҳофизлар унинг ғазалларини тилдан қўймай кўйлашган. Навоий ижодиётига, унинг буюк сиймосига бўлган самимий ҳурматни асрлар давомида яратилиб, эл орасида кенг тарқалиб кетган халқ ривоятларида ҳам кўриш мумкин. Навоийни туркманлар Мирали, унинг дўсти Ҳусайн Бойқарони эса Султон Суюн деб атаганлар. Қадимий аъналарга бой туркман фольклори мотивлари асосида яратилган бу ривоятларда Миралининг ақлу камолотда бениҳоя етуқлиги, ҳозиржавоблик ва чечанликда беназирлиги, заҳматкаш улус дардларига ҳамдард, ғоят камтарин ва шу билан бирга нозик дидли сўз устаси эканлиги тасвирланган.

Мирали ҳақидаги туркман ривоятлари илк дафъа П. Ғолиев томонидан тўпланиб, 1941 ва 1948 йилларда нашр этилган. Сўнгра Б. Кербобоев Мирали ва Султон Суюн туркумдаги халқ ривоятларини қайта ишлаб, алоҳида китоб ҳолида чоп эттирди, кейинчалик бу ҳикоятлар ёзувчи танланган асарларининг 4-томига ҳам киритилган.

Мирали ҳақидаги туркман халқ ривоятларини тўплаш, нашр этиш, ўрганиш ва бошқа тилларга ўгириб, оммалаштиришда Ш. Ботиров, Б. А. Карриев, М. Кўсаев, К. Боржакова, К. Хўжаев, Ш. Холмуҳаммедовларнинг изланишлари, айниқса, самарали бўлди. Туркман овулларини кезиб чиққан фольклоршунослар халқ орасидан Мирали билан боғлиқ кўплаб янги ривоятларни ёзиб олдилар.

Хусусан, филология фанлари кандидати Шомуҳаммад Холмуҳаммедов томонидан нашрга тайёрланган «Сирли хазина» номли эртақлар тўпламига [Ашхобод, «Магариф» нашриёти, 1985 йил] ҳам Мирали ҳақидаги саккизта ривоят киритилган. Қўйида ана шу ривоятлардан айримларини сиз азиз журналхонлар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик.

Маматқул ЖУРАЕВ,
филология фанлари кандидати

ПАТИ ЮЛИНГАН ТОВУҚ

Қаҳратон қиш кунларининг бирида Султон Суюн ўзининг вазиру вузаролари билан шаҳар айланишга чиқибди. Шунда улар қаттиқ изғирин бўлишига қарамасдан, кўчада ковуш ямаб ўтирган бир қосибни кўриб қолишибди. Арқони давлат этикдўз устанинг ёнидан ўтаётганларида, бош вазир Мирали Султон Суюнга қараб:

— Шохим, ижозат берсалар, шу устага этигимни бирров кўрсатиб олсам, — дебди.

— Шуниям сўраб ўтирибсизми, бемалол кўрсатаверинг. Биз бироз кутиб турамыз, ахир шошаётган жойимиз йўқ-ку, — деб подшо Миралига рухсат берибди.

Шунда Мирали устанинг олдида бориб, курсисига ўтирибди. Сўрашиб бўлгач, Мирали муддаога ўтиб, этигини кўрсатиш ниятида эканлигини айтибди. Ҳол-аҳвол сўрашдан бошланган суҳбат аста-секин қизғин гуруннга айланибди. Мирали савол берибди, уста эса жавоб қайтарибди.

Мирали:

— Учингиз тўртга етмаяптими, уста? Изғиринда ишлаб ўтирибсиз?

Этикдўз:

— Э, нимасини айтасиз! Қанча уринсам ҳам барибир учим тўртга етмаяпти-да!

Мирали:

— Эсиз, вақтида экмаган экансиз-да?

Этикдўз:

— Экишга экдим-у, лекин эл ўриб олди-да!

Мирали:

— Дўстларингиз билан орангиз яхшими?

Этикдўз:

— Дўстларим ҳам аллақачон душман бўлиб кетишган.

Мирали:

— Узоғингиз қандай?

Этикдўз:

— Узоғимам яқин бўлиб қолганига анча бўлди.

Мирали:

— Иккинги қай аҳволда, уста?

Этидўз:

— Иккимнинг уч бўлганига ҳам кўп йиллар бўлдиёв.

Мирали:

— Бир товук юборсам, патини юла олармикансиз?

Этидўз:

— Бўлмасам-чи, бунақанги ишни ўринлатаман.

Мирали:

— Яна молни арзон сотиб юрманг-а?!

Этидўз:

— Хотиржам бўлаверинг, тўрам, арзон кетмайди.

Шу билан буларнинг савол-жавоби тугабди, бу орада уста ҳам Миралининг чокини тикиб бўлибди. Мирали уста билан ўзи ўртасида бўлиб ўтган ғалати савол-жавобни эшитиб хайрон бўлиб турган ҳамроҳлари олдига қайтиб келибди. Улар йўлда давом этишибди. Шу кетишда Султон Суюн пайт топиб, Миралининг юзига айёрона жилмайибди-да, бояги сирли савол-жавобларнинг боисини сўрабди.

Мирали олдинда кетаётган вазирлардан бири томонга имо қилибди-да: «Ана шу вазирингиз бу гапларнинг маъносини қандай тушунар экан, шуни билиш учун уста билан шунақа сирли гаплашдик», — деб жавоб берибди.

Султон Суюн ҳам зийрак одам эмасми, гап нимадалигини дарров тушунибди. Чунки бу вазир роса ичи қора бўлиб, Миралининг эл-улус орасидаги обрўси кун ора ошиб бораётганлигидан ғижинар, иши-пешаси Миралини подшога ёмонлагани-ёмонлаган экан. Шунда Султон Суюн ўша вазирга қараб:

— Айтинг-чи, Мирали билан бояги этикдўз нималар ҳақида гаплашишди экан? Қани, уларнинг суҳбатидан қандай маъно айира олибсиз, билайликчи, — дебди.

Бу саволни кутмаган вазир довдираб, тили калимага келмай, нима дейишини билолмай, чайнала бошлабди.

Шунда подшо:

— Шу савол-жавобларнинг маъносини чақсанг, қутулганинг. Мабодо маъносига етмасанг — унда ўзингдан кўр, саройда қорангни кўрсатма. Уч кун ичида билиб келмасанг, молинг талонда, бошинг ўлимда! — деб амр этибди.

Вазир айёрликда не-не тулкиларни ўқита оларкан, бу гал ҳам муғомбирлик қилмоқчи бўлиб, ҳеч нарса билмагандай Миралининг олдига борибди-да, этикдўз билан ораларида бўлиб ўтган савол-жавобнинг маъносини билиш истагида келганлигини айтибди.

Мирали эса:

— Яхшиси, сиз ўша устани қидириб топинг, унинг олдига борсангиз, менданам тузукроқ тушунтиради, — дебди.

Вазир ноилож этикдўзнинг олдига борибди. Уста ҳеч нарсадан беҳабар одамдай бамайлихотир ўз ишини қилиб ўтираверибди. Вазир қуюққина салом берибди, уста алик олибди.

— Эй, келинг иним! Қани, мана буёққа ўтинг! Утирақолинг. Этигингизнинг бизбоп иши чиқиб қолибдими дейман-а? — деб этикдўз ёлғондакамига мулозимат қилган бўлибди. Чунки уста Мирали ваъда қилган «семиз товук» шу одам эканлигини билиб турган экан!

Вазир мусофирнинг мушугидай бўйнини қисиб, ўзини бечораҳол кўрсатиб дебди:

— Э, йўк, этигим бус-бутун, ёшулли! Мен бу ерга кеча Мирали билан ораларингда бўлиб ўтган савол-жавобнинг маъносини билиш учун келдим, дебди.

— Йў-ей, биз унақанги тушунми-тушунмайдиган гап-сўз гапирганимиз йўқ эди-ку? Яна худо билади, бирон нарсага тушунмаган бўлсангиз бемалол сўрайверинг.

— Очиғини айтсам, ёшулли, ўша суҳбатнинг бирор сўзига ақлим етмади. На Миралининг саволларига, на сизнинг жавобларингизга тушундим десангиз, ҳеч бирининг мағзини чақолмадим. Подшо бўлса «шу савол-жавобларнинг маъносини билиб келмасанг, бошинг ўлимда, молинг талонда», — деб зулм қилди. Энди бутун умидим сиздан, ўзингиз жонимга оро кирмасангиз, ҳолим не кечади, ёшулли! — деб ялинибди вазир.

Ҳоли танг бўлган бу калтафаҳм вазир ҳозир ҳар қандай шартга кўнишига ақли етган уста:

— Ундай бўлса, гап бундай, иним! Ҳикмат олтиндан қиммат, дейди донолар. Сермаъно сўзнинг қадр-қимматига етмасангиз ҳеч ким сизга ўша савол-жавобларнинг мағзини чақиб беролмайди, — деб ўзини тарозига солибди.

— Эй отагинам-ей, керакли молнинг нархини суриштириб ўтирмайдиларку! Тезроқ айта қолинг, мен ҳам қутулай бу балодан. Қанча бўлса, мана мен, туриб берганим бўлсин! — дебди вазир.

Этикдўз ҳар бир савол-жавобга юз тиллодан баҳо қўйибди. Подшо ғазабидан кўрққан вазир ноилож рози бўлибди. Ана шундан сўнг этикдўз ўзининг Мирали билан қилган суҳбатининг маъносини айтиб бера бошлабди.

— Мирали аввало менинг қаттиқ совуқда ҳам ишлаб ўтирганимга раҳми келиб, бундай қилишга сизни нима мажбур қилди, уч фасл — баҳор, ёз, куз ишлаганингиз тўртинчи фасл — қишловингизга етмадим, деб сўради. Мен эса қанча ҳаракат қилсам ҳам етказолмаётганимни айтдим. Иккинчи сафар у менинг фарзандларим бор-йўқлигини, бўлса улар менга ёрдам берадим-йўқми, шуларни аниқламоқчи бўлди. Мен фарзандларим борлигини, аммо уларни эл ўриб олганлигини, яъни ҳар қайсиси ўз оиласи, рўзғори ташвиши билан машғул бўлиб кетганлигини айтдим. Сўнгра Мирали тишларимнинг аҳволи билан қизиқди. Мен унга тишларим аллақачон тўкидим битган, бирор нарсани чайнайдиган бўлсам, оби-зардоб бўлиб жонимга озор беради деб тушунтирдим. Мирали кўзларимнинг узоқ-яқинни кўриш-кўрмаслигини билмоқчи бўлганида, мен кўзларимдан нур кетганини айтдим. Кейинги саволда Мирали оёқларим куч-қувватдан қолган-қолмаганлигини сўради. Мен эса анчадан буён кўлимга ҳасса олмасам, узоқ-яқинга боролмаслигимни билдирдим. Шундан сўнг аҳволим ночорлигини билган Мирали менга раҳми келиб, бир

«товуқ»ни юборсам, патини юла оласанми, деб сўради. Бу ишни қойиллатаман, дедим. Мана, Мирали, айтгандан ҳам зиёда қилиб биттаям патини қолдирмай юлдим.

Нодон вазир эса тоза хижолат бўлиб, ранги-рўйи пахтадай оқариб кетибди. Ҳеч иложи қолмаган вазир яна устага мурожаат қилиб дебди:

— Ҳа, энди, шунақасиям бўлар экан-да... Келинг, охириги савол-жавобнинг маъносини айтиб бера қолинг, ёшулли. Бўлар иш бўлди.

— Ақалли шунгаям ақлинг етмадими, нодон?! Ҳолинг шу экан, келиб-келиб Миралидай одамнинг оёғига осиласанми, а? Бунинг нимасини тушунмадинг: Миралининг «Молингни арзон сот-ма!» — дегани бу савол-жавобларнинг маъносини билишга қизиқиб келган кишига жуда қиммат нарх қўй, дегани эди. Мен ҳам камини қўймадим, ҳар бирига юз тилладан-а, яна арзони борми? Хуллас, бизнинг Мирали билан қилган савол-жавобларимизнинг маъноси шу, бу ўзидан бошқани эр билмаган сендай бойваччаларга бир сабоқ, холос. Ана энди, бора қол, йўлингдан қолма, — дебди уста. Пати юлинган товуқдай шип-шийдон бўлган нодон вазир эса шўппайиб саройга қараб жўнабди.

ДАРОМАДНИНГ ХАРЖЛАНИШИ

Мирали билан Султон Суюн ярим кеча зиёфатдан қайтишадиган экан. Зим-зиё тун. Бутун шар ширин уйкуда, фақат ғарибона кулбалардан бирининг даричасидан ёруғ кўринибди, холос. Улар: «Ие, шу маҳалгача ухламай, чироқ ёқиб ўтирган киши ким бўлдикин? Бу ерда бир сир бор-га ўхшайди-ёв!» — дейишиб, ўша уй томонга юришибди. Бориб қарашса, бир қария мукка тушиб олганича, нималарнидир яшаш билан банд экан. Бундан таажжубланган Султон Суюн Миралига қараб:

— Сўраб кўринг-чи, бу одамнинг касби-кори нима экан? Нечун у кечасиям тиним билмайди, наҳотки кундузи топган-тутгани тирикчилигини кўтармаса?! Даромадини нимага сарфларкин ўзи бу чол? — дебди.

Мирали: «Бош устига!» — дебди-да, қариянинг ҳовлиси тўмон борибди, эшикни тақиллатибди. Қария бемаҳалда эшик қоққан меҳмонга пешвоз чиқиб, уни уйига таклиф қилибди. Улар салом-алиқдан сўнг, ҳол-аҳвол сўраб ўтирибдилар. Чой устида иккалови уёқ-буёқдан гаплашибдилар.

Мирали гап орасида:

— Ёшулли, сўраганнинг айби йўқ, деганлар. Узун тунлар миждоқа қоқмай ишлар экансиз, бу кундузи ишлаб топганингиз қозон қайнашига етмайдими дейман?! Топиш-тутишингиз яхшими, уни нимага сарфлайсиз ўзи? — деб сўрабди.

— Тўрам, мен бир бечора қосибман. Кеча-кундуз тиним билмай ишлаб атиги тўрт аббоси¹ пул топаман, холос. Бир аббосини бериб қарзимни тўлайман, биттасини сувга ташлайман, яна бирини эса қарзга бераман. Қолганини чолу кампир ўзимиз баҳам кўрамыз, — дебди қария.

Эшик ортида турган Султон Суюн буларнинг гапларини эшитиб турган экан, қариянинг гапларидан ҳайрон бўлиб: «Ие, бу қанақаси бўлди? Одам пешона тери тўкиб зўрға ишлаб топган ақчасиниям сувга ташлайдими?» — деб ўйлабди ўзича.

Шу пайт Мирали ҳамсўҳбати билан хўшлашиб, ташқарига чиқибди, кўчада кутиб турган Султон Суюнга юзланиб:

— Қани, шоҳим, кетайлик энди. Қарияси тушмагур даромадини қандай сарфлашини тоза қойиллатиб тушунтирди-да ўзиям! — дебди.

Султон Суюн Мирали билан ёнма-ён бораркан:

— Мен ҳамма гапларни эшитдим, Мирали, — дебди. — Жуда ғалати қария экан. Кеча-кундуз тиним билмай ишласа-ю, не азобда топган пулини сувга отиб юрса?! Очиғи, қариянинг гаплари мени бир оз ўйлантириб қўйди, сира мағзини чақиб ололмаяман.

— Шоҳим, у кишининг ёшини ёшаб, ошини ошаган қари ота-онаси бор экан. У «қарзимни тўлайман» деганида кексайиб, белидан қувват кетган ота-онасини боқишига ишора қилапти. Нега десангиз, улар ҳам вақтида буни едириб, ичириб, камолга етказганлар. Энди унинг ҳам ташвиши катта, оиласи бор, бир ўғил, бир қиз ўстирапти экан. Сиз ҳайрон бўлаётган «сувга отилган ақчалар» ана шу қизи учун сарфланган харажатлардир. Сабаби, қиз халқи — киши ҳасми, деганлар. Боқиб-боқиб катта қиласан, бўй етгандан сўнг узатасан, ўз рўзгори, бола-чақаси билан машғул бўлиб кетади. Шунинг учун қария қизига аталган ақчасини сувга ташлаган билан баробар деб ҳисоблайди. Унинг «қарзга берадиган» пули эса ёлғиз ўғлига аталган ақчасидир. Бунинг маъноси шуки, шоҳим, эскилардан қолган «қайтар дунё» деган нақл бор. Қария ҳам вақти келиб қартайишини, белидан қувват, кўзидан нур кетишини билади. Шундай пайтда қачонлардир ўз ота-онасига қилган яхшиликлари ўғлидан қайтишига ишонади. Охириги тангани нима қилиши эса ўз-ўзидан тушунарли бўлса керак, — деб сўзини тамомлабди Мирали.

«ТОШДАН ТЕЛПАК ТИКИБ БУЛАДИМИ!»

Бир куни Султон Суюн Миралини гапда мот қилмоқчи бўлиб, унга ақлга сиғмайдиган бир юмушни топширибди:

— Сизга уч кун муҳлат, шу уч кун ичида тошдан телпак тикиб келасиз, — дебди.

— Агар ҳазратим ипини топиб берсалар, уч кун ҳам гапми, уч соатга қолмай тикиб бераман, — дебди Мирали.

— Қанақа ип? — дебди Султон Суюн ён беришни истамай.

— Толнинг қулидан ийлаб ишланган ип-да, шоҳим!

— Вой «доно»-ей! Ҳеч замонда толнинг қулидан ҳам ип қилиб бўларканми?

— Ундай бўлса, тошдан телпак тикиларканми, шоҳим! — дебди Мирали.

— Ундай бўлса, тошдан телпак тикиларканми, шоҳим! — дебди Мирали.

Миралининг ҳозиржавоблигидан қаттиқ изза бўлган Султон Суюн ер чизиб қолган экан.

¹ аббоси — пул бирлиги.

Ардак

*Парийзодеки, мушкин зулфи жоним мустаманд этмиш,
Малойик қушларин ул ҳалқамўлар бирла банд этмиш.*

*Самандингим, ёлиндек тез эрур, юз шукрим, гардун
Анга бизни самандарваш, мунга гард-и саманд этмиш.*

*Чекарга ишқ оташгоҳиға девона кўнглумни
Қазо ҳар бир шарар торини бир ўтлуқ каманд этмиш.*

*Вафоға телбаликдин нописанд ўлсам, ани кўрким,
Жафоға кимни менча ул парийпайкар писанд этмиш.*

*Май-и равшан тут, эй соқийки, кўнглум тийра қилмиш шайх
Даму афсун била баским анга изҳор-и панд этмиш.*

*Лабингда нўшу заҳр-и ҳажр оғзимда тонг эрмас, гар
Манга ҳар заҳрханд ўлғанда дил бир нўшханд этмиш.*

*Лаб-и лаълин малоҳат холи бирла баҳравар қилган,
Менинг жонимни доғ-и ишқ бирла баҳраманд этмиш.*

*Биравким, сарвдек озодаваш бўлди бу боғ ичра,
Қазо деҳқони ҳам сарсабз ани, ҳам сарбаланд этмиш.*

*Навоий, кеч висол умидидинким, ҳақ сени беҳад
Залилу зору ёрингни азизу аржуманд этмиш.*

Матладаги «мушкин» сўзи «мушк» сўзидан ясалган нисбий сифат бўлиб, мушқдан иборат деган маънода. Зулф қоралик ва хушбўйлик жиҳатларидан мушқка ўхшатилади ёки «мушк» ва «мушкин» деб сифатланади.

«Мустамад» аслида «мустанд» шаклида бўлиб, унга «а» орттирилган ва шу шаклда оммавийлашган. Мазкур товушининг «мустанд» сўзига орттирилишига, биринчидан, «мустаҳкам» «мустақил» сингари «муста» деб бошланадиган сўзларнинг кўплиги ва шеърда бу сўзни «мустанд»га кўра «мустамад» деб ўқишининг вазн ва талаффуз жиҳатидан қулайлигидир. Бирор нарсага зор бўлиб, шунинг қайғуси билан банд бўлган кишини «мустамад» дейилади.

«Малойик» «малак»нинг кўплиги. «Малак» деганда диний маънодаги фаришта ва табиий маънодаги ҳаётий қувватлар тушунилади. Мазкур байтда кишига хусну фазилат бағишловчи ҳаётий қувватлар «малойик қушлари» деб қушга ўхшатишган. Бу ерда малакнинг қушга ташбиҳ қилинишининг сабаби шуки, киши қўлга киритган фазилатини сақлай олмаса, ундан ажраши мумкин. Авом тили билан айтганда «фариштаси» учиб, «фариштасиз» қолиши мумкин. «Ҳалқамў» ҳалқа шаклидаги сочдир.

«Парийзодеки» дегандаги «э» таъкид билдиради «ки» эса боғловчи бўлиб, «мушкин зулфи мустамад этмиш» деган гапнинг «парийзод»нинг сифати эканлигини билдиради. Демак, «Парийзодеки, мушкин зулфи жоним мустамад этмиш» деган мисрани «мушкин зулфи, яъни қоп-қора жингалак сочлари менинг жонимни мустамад, яъни ҳожатманд этган ул парийзод» деб тушуниш керак бўлади. «Парийзод» сўзида «и» дан сўнг «э» дан олдин «й» товуши бор. Охирги товуш «т» эмас «д» бўлади. Навоийнинг манзури мисли кўрилмаган даражада шундай гўзал эканки, уни «одамийзод», «яъни одам наслидан деб бўлмас ва уни «парийзод», яъни парий наслидан дейиш керак экан. Мана шу парийзод Навоийча «Малойик қушларин ул ҳалқамўлар бирла банд этмиш» яъни сочининг ҳар бир ҳалқаси, жингалаги билан бир малак қушини ўзига боғлаб олган экан. Навоийнинг жонининг қуввати эса ўша жингалак сочларда ва шунинг учун у унга зор экан.

Ҳазалнинг иккинчи байтидаги «саманд» ёлу думи сомонранг, танаси малларанг от. Ҳозир оддий сўзлашувда кўпинча охирги товуш «д» тушуриб «саман» деб айтилади. Аммо бу сўзининг адабий талаффузи «саманд». «Ёлин» аланга дегани. Бу сўз кўчма маънода «Юрагида ёлини бор» деган мақол таркибида ҳам учрайди. «Гардун» осмонга нисбатан унинг айланиш жиҳати назарда тутиб айтиладиган сўз. «Самандарваш» самандарсифат, самандарсимон дегани. «Самандар» ўт ичида яшайдиган бир жонвор деб тасаввур қилинади. Ҳаёти ишқ ўти ичида бўлган ошиқ самандарга ўхшатилади.

Байтда Навоий ўз манзурининг отини ёлиндек, яъни алангадек тез деган. Бу ўринда ёлини ҳам назарга олганлиги англашилади. Тажнис санъатидан хабардор ўқувчи буни бемалол фаҳмлайди. Чунки бу ерда яширин тажнис бор. «Ёл» билан «ёлин» сўзлари шаклан бир-бирига яқин бўлгани учун тажнис ҳосил қилади. Аммо бу ерда «ёл» сўзи зикр этилмагани учун буни «яширин тажнис» дедик. Байтда яна «гардун» билан «гард» сўзлари ҳам бор. Бу ҳам тажнис, лекин яширин эмас. Бу ерда Навоий отнинг ёлини ҳам эътиборга олганлигига бизда воқеий асос ҳам бор. Чунки саманд отнинг ёли ва думи сомонранг, яъни аланга рангида, танаси эса малларанг, яъни аланга остидаги ўт тусида бўлади. Ошиқ шоирнинг кўз ўнгига саманд югурганда унинг ёли ҳаракатдаги ёлин бўлиб кўринади.

Гардун Навоийни шундай саманднинг гарди ва ёлиндек ёлу табиатига самандарваш қилибди. Шоир гарддек, манзури саманднинг оёғи остида бўлиб, самандар ўт ичида яшагандек ишқ ўти ичида бўлганлигига юз шукр қилади. Чунки акс ҳолда у ҳеч кимни ва ҳеч нарса ни ёқтирмайдиган ва ўзи ҳам ҳеч кимга маъқул бўлмайдиган совуқ бир мутакаббир бўлур эди. Аммо Навоий бошидан кечирган ҳодисалар уни тўғри тарбиялаб табиатини ҳақиқат шууридан баҳраманд қилипти.

Бу ўринда шоир ҳаёт мактабини фалакнинг маънодоши бўлмиш «гардун» сўзи билан ифодалашнинг иккита сабаби бор.

Биринчиси «гардун»нинг чиғириқ, ғалтак ва арава деган маънолари ҳам бор. Буларнинг ҳаммасидан эзиш ва эзилиш натижасида чанг ҳосил бўлади. Иккинчиси «гард» сўзи «гардун» сўзининг таркибида бор.

Ҳазалнинг учинчи байтидаги «чекмак» тортмоқ дегани, «оташгоҳ» деб ўтхона, гулхан каби ўт ёниб турган ерга айтилади. «Шарар» сўзи «шарор» шаклида ҳам ишлатилади ва учқунни, яъни ўтнинг сачраган бўлагини билдиради. «Тор» сўзининг биринчи маъноси ип бўлиб, бу байтда ана шу маънода ишлатилган. «Каманд» ёввойи ҳайвонларни, уй ҳайвонларининг асовини, уруш ва олишувларда душман, хасм, рақибни илинтириш ва қўрғон деворига осилиб чиқиш учун қўлландиларда сиртмоқ арқон. Каманд оддий қилиб «арқон» деб ҳам юритилади. Масалан, биров бир ҳайвон ёки кишига каманд солса, «арқон солди» дейилади. Арқон сўзи худди шу каманд маъносига «арқан» шаклида русчада ҳам қўлланади. Аммо рус тилида «арқан» сўзидан ташқари «классо» деган сўз ҳам бор. «Девона» телба, яъни ақлсиз дегани.

«Қазо» сўзи оламда юз берадиган ҳодисалар қонунини билдиради. Масалан, ернинг қуёш атрофида айланиши, ернинг ўз ўқи атрофида айланиши туфайли туннинг кун билан, куннинг тун билан алмашиниши қазо ишидир.

«Ишқ оташгоҳи» деган бирикма ўхшатишдан иборат бўлиб, бунда маънавий ишқ назарда тутилган ва унинг макони оташгоҳ, ўт макони деб тасаввур ҳосил қилинган.

Мана шу ўхшатиш туфайли ишқ ҳаракатини кўрмаган киши ҳам ўтни яхши билгани учун ишқ хусусида ўзига яраша тасаввурга эга бўлади. Яна Навоий ўзининг кўнглини девона кўнгулм деган. Қандай кўнгул девона кўнгул дейилади? Девона оқил, ақлнинг зидди. Ақлга бўйсунмаган кўнгул девона кўнгул бўлади. Бу масалада адашмаслик учун бир-бирига зид бўлган икки кайфиятни яхши тушуниш керак. Ақлга бўйсунмайдиган кўнгул бошқа, ақлга бўйсунмайдиган нафс бошқа. Эзгу мақсад, камол, ҳақиқат йўлида ақлнинг баъзи хато ҳулосаларига эътибор бермаслик ишқ макони бўлмиш оқ кўнгулда бўлади.

Шахсий манфаати, ўз нафси йўлида ақл инкор қилса ҳам ҳийлаю найранг, фисқу фасод ва зулму ситамлардан тийинмаслик ишқ учқунидан бебаҳра қора кўнгулларда бўлади.

Гап шундаки, киши оламдаги кўп нарсаларни тажриба ва ҳис билан идрок қилиши мумкин. Баъзилари учун эса ақл ҳам керак бўлади. Аммо олам ва ундаги мавжудотнинг кишининг ақли етмайдиган жиҳатларини идрок қилишда кўнгул керак бўлади. Кўнгулга келган нарсани эса ақл далил етишмаслиги туфайли, у маъқул бўлса ҳам, инкор этади. Аммо кўнгулдаги иш ижобий шаклда содир бўлгач, бу тажриба асосида ақл уни тан олади.

Навоийнинг ишқий истеъдоди кучли бўлгани ва унинг кўнгли гўзалликка телбаларча интилгани учун учраган ҳар бир нарса, жумладан от минган йигит ҳам, унинг оти ҳам уларнинг ҳар бир ҳаракати ҳам ипи ўт учқунларидан иборат каманд бўлиб уни ишқ маконига, яъни ҳақиқий ишққа тортар экан.

Ҳазалнинг тўртинчи байтидаги сўзлар ҳаммага таниш. «Ани кўрким» дегандаги «ани»дан мурод маҳбуб эмас, ҳолатдир. Навоий мана бу ҳолатни кўрким, манзурнинг назарида мен телба бўлганим учун унинг вафосига лойиқ эмасман, аммо жафо қилишга келганда энг лойиғи менман ва ҳеч кимга ул парийпайкар менга бўлганчалик жафо қилмайди. Вафо қилиш керак бўлганда бу телба, бунга вафо қилиб бўлмайди, дейди. Аммо жафо вақтида шарт қўйилмайди.

Бешинчи байтдаги «май-и равшан»дан мурод ҳақиқий пок ишқдир. Равшан сўзи «софий» сўзининг маънодоши қилиб ишлатилган. Ҳар бир нарсанинг, жумладан майнинг қуйқасиз қисми «софий» деб аталади, қуйқаси «дурд» ёки «дурдий» дейилади. Бу ўринда «равшан» сўзининг ишлатилишига сабаб байтда «тийра», сўзининг борлигидир. Шайх шоирнинг кўнглини тийра, яъни хира қилган. «Дам» сўзининг ишлатилишига сабаб, кўзгуга дам урилса, у хиралашади. Шайхнинг афсундан иборат, яъни ҳақиқатга зид насихати ошиқнинг кўнглини дам кўзгуни хира қилгандай хира қилипти. Энди тийра кўнгулни равшан қилиш керак. Бунинг учун «май-и равшан», яъни пок ишқ лозим. Бундай ишқ майини соқий, яъни ҳақиқий ишқ устоди ичиради, «Шайх»дан мурод риёий шайх, яъни қаллоб тариқатчи, «панд» насихат дегани.

Демак, товламачилик билан пирлик даъвосини қилувчи шайх даму афсун яъни дам солиб сеҳрлаш йўли билан Навоийнинг кўнглини унга бу телбалик йўлидан қайт, деб «кизҳор-и панд», яъни насихат қилиб тийра қилипти. Шунинг учун шоир «май-и равшан тут эй соқий» деб, беғараз ишқ устодидан пок ишқ таълими билан кўнглини равшан қилишни илтимос қилмоқда.

Олтинчи байтдаги «нўш», «заҳр»нинг, яъни «заҳар»нинг зидди. Шифобахш, ҳаётбахш ва ширин нарсалар, жумладан асал «нўш» дейилади. «Тонг эрмас» ажаб эмас, яъни ҳайрон қоладиган жойи йўқ, оддий ва табиий ҳол дегани. Байтда Навоий манзурига қараб, ҳар гал мен жон аччиғидан кулиб қўйганимда дил бир ширин табассум қилса, бунинг ажабланарли ери йўқ, чунки сенинг лабигда нўш, менинг оғзимда айрилиқ заҳр-и бор, дейди. Шоир бу ўринда ўз юрагини ранг ва торлики ҳам эътиборга олиб маҳбубининг лаби билан боғлиқ қилиб қўйган. Ошиқ юрагининг кайфияти маъшук лабининг кайфиятига боғлиқ. Бу нисбат беришда ҳақиқатдан иборат ҳусн-и таълил бор.

Муҳибда бир-бирини инкор қилувчи азоб ва роҳат берувчи икки ҳолат юз бермоқда. Бу ажабланарли ҳол. Аммо шоир бунинг ажабланарли ери йўқ, дейди. Чунки ҳажр туфайли келаётган азоб кишининг жисмоний жиҳати билан чекланган. Маҳбуб табассумидан юракка етган руҳий лаззат эса, кишининг маънавий жиҳати билан боғлиқ бўлиб, у жисмоний азобни ҳам роҳатга айлантиради.

Еттинчи байтда маҳбубнинг лаълга ўхшаш қизил лабини унга малоҳат бағишловчи қора хол билан безаган менинг жонимни ҳам ишқ доғи билан баҳраманд қилди, дейилган.

Маҳбубнинг лаби ҳам муҳибнинг жони ҳам бир қора нуқтадан баҳраманд. Аммо бириники малоҳат холи, иккинчисиники ишқ доғи Лекин бу доғ бўлишига қарамасдан ишқ доғи бўлгани ва ҳусн сабабчиси бўлмиш холга нисбатан бўлганлиги учун у лаззат манбаи, шунинг учун шоир «мени баҳраманд этмиш» дейди.

Саккизинчи байтдаги «озодаваш» озодасифат, озодалар сифатига эга бўлган дегани. Салбий сифатлардан озод бўлиб ижобий хислатларни касб қилган пок, саховатли ва кароматли киши «озода» дейилади.

Сарв тик ва доим кўкариб турадиган хушманзара дарахт. Сарв дарахтларнинг озодаси ҳисобланади, чунки у ҳазон бўлмайди ва кишиларга қувонч бағишлайди. Боғдан мурод ҳам сарв ўсган боғ, ҳам инсон ўсадиган дунё. Кимки бу дунёда боғдаги сарвдек турли иллатлардан холий бўлиб, юртни ободу элни хушнуд қилса, қазо деҳқони, яъни оламни кўкартириб яшнатувчи қонуний кучлар унинг ўзини ҳам сарвдек яшнатиб, кўкартириб шоду хуррам қилади.

Ҳазалнинг мақтаидаги «залил» хор дегани. «Аржуманд»нинг асли «аржманд» бўлиб, «мустаманд»да «а» орттирилганидек бунда талаффузга қулай бўлгани учун «у» орттирилган. Байтнинг мазмуни равшан. Бунда висол умидидан кечишга даъват қилинганда, висол муяссар бўлмаган тақдирда ҳам маҳбуб ёдининг ўзи ҳам камол йўлидаги тараққийга сабаб бўлиши назарда тутилади.

Алибек РУСТАМОВ



БОБУР ДЕВОНИНИНГ КОБУЛ НАШРИ

Афғонистонда чуқур илмий тадқиқотлари, шеърлари, рисоалари билан танилиб қолган олима, Афғонистон Фанлар академиясининг илмий ходими Шафиқа Ерқин томонидан Заҳриддин Муҳаммад Бобур девонининг нашр қилиниши бобуршуносликка янги ҳисса бўлиб қўшилди. Тадқиқотчи ўз ибораси билан айтганда «девоннинг Кобул нашри»ни яратар экан, Бобур адабий меросини синчиклаб текшириб, қиёслаб чиқди. Олима бу янги нашр заруратини қуйидагича изоҳлади: «Агарчи Бобурнинг шеърӣ девони ўзининг кўп сонли ҳақиқий мухлисларига эгадир, аммо афсуски, унинг нусхалари камёб бўлиб, жаҳоннинг турли нуқталарида мавжуддир. Аслини олганда бу девонлар алоҳида ҳолида мукамал эмас, шунинг учун уларнинг барчасидан фойдаланиб ҳар томонлама тўла девон тузиш мумкин».

Шафиқа Ерқин девонни тайёрлашда қуйидаги нусхалардан фойдаланган: Истамбул университетидаги қўлёзма, Истамбулдаги Тўпқасарой музейи фондидаги қўлёзма, шу шаҳардаги Жавдат исми муаллимнинг шахсий кутубхонасидаги қўлёзма, Париж миллий кутубхонасидаги қўлёзма ва Ҳиндистоннинг Рампал кутубхонасидаги қўлёзма.

Булардан ташқари тадқиқотчининг совет шарқшунослари томонидан нашр этилган Ленинград ва Тошкент нусхалари, Петербург ва Ҳиндистонда босилган Бобур девонидан фойдаланганлиги Кобул нашри қимматини янада оширган.

Шафиқа Ерқин девоннинг танқидий матнини тайёрлаш ва ундан илмий хулосалар чиқаришда танлаган манбаларидан асосан бештасига суянади ва уларни қиёслаш объектига айлантиради. Булар турк адабиётшуноси Купрулизода нашр эттирган Бобур девони, Москвада шарқшунос И. В. Стеблева томонидан нашр этирилган девон, профессор А. А. Самойлович нашр этган Бобурнинг шеърлари ва Бобур девонининг Тошкент нашридир. Тадқиқотчи Бобурнинг шеърӣ меросини тадқиқ этишда биринчи марта бобуршуносликда Тўпқасарой музейида сақланаётган қўлёзмадан қиёсий таҳлилда фойдаланган. Бу қўлёзма Бобур лирикасидаги нозик томонларни белгилашда, айрим чалкашликларнинг олдани олиш ва аниқлик киритишга имкон беради.

Шафиқа Ерқиннинг илмга қўшган ҳиссаси «Девон»нинг илмий-танқидий матнини тайёрлаш билан чегараланмайди. Олима мазкур девонга киритган 129 бетли кириш сўзида Бобурнинг таржимаи ҳоли, адабиёт, адабий-танқидчиликда тутган ўрни ҳақида кенг тўхталади. Шоир поэтикасининг таҳлили, мусиқага муносабати, рубоӣ жанридаги маҳорати борасида батафсил илмий мушоҳада юртади.

Шуни таъкидлаш керакки, Афғонистонда ҳам Бобур ижодини ўрганиш, бу мураккаб шахсининг Афғонистон тарихи, маданияти ва ривожини

да тутган ўрни ҳақида талайгина илмий ишлар қилинган. Афғон олимлари Абдулҳай Ҳабибий, Аҳмадали Қўҳзод, Сарвар Гўё Эътимодийларнинг монография ва илмий ишларида Бобур таржимаи ҳоли ва адабий меросига оид арзигulik фикрлар баён этилган.

Бироқ Бобур ижодини тадқиқ этган афғонистонлик олимларнинг ишларидан фарқли ўлароқ, Шафиқа Ерқин адабиётшуносликда биринчилардан бўлиб академик услубни танлайди. Жумладан олима тадқиқотда Фаҳрий Хиравийнинг «Равзатул-салотин», Абдулфазл Алломийнинг «Акбарнома», Вильям Эрскиннинг «Баъзи Темурия», Мирзо Ҳайдар Дуғлатнинг «Тарихи Рашидий», Саид Ҳасан Низорийнинг «Музакирул-асҳоб» ва бошқа асарларидан фойдалангани туфайли Бобурнинг ҳаёти ва ижодига оид кўп ҳақиқатларни ойдинлаштиришга эришган.

Тадқиқотчи Бобур ҳаёт воқеаларини ўз асарларида ҳаққоний акс эттиргани, табиат тасвири, наботот олами, турли халқлар меъморчилигига оид фикрлар баёнида замондош адибларидан анча илгариланган кетганлигини ҳақли равишда таъкидлайди. У қобилиятли адабиётшунос сифатида Бобурнинг нозик дида, муҳит ва давр воқеа-ҳодисаларига қарашини очишга интилади. Айниқса, «Бобурнома»да портрет яратиш маҳорати, ғазалларида муаллиф ва лирик қаҳрамон ички оламининг ҳамоҳанглиги, Бобурнинг адабий-танқидий, эстетик қарашлари, «Аруз рисоласи» ҳақидаги муфассал қарашлари Шафиқаниннг юксак илмий савияси ва қобилиятдан дарак беради.

Шафиқа Ерқин Бобурнинг шоирлик қобилиятини эритар экан, ўз тадқиқотини чуқур илмий руҳ билан суғорилган жиддий хулосаларга йўналтиради. У Бобурнинг шоирлик маҳоратини, санъаткорнинг сирларини ўз салафлари Низомий Ганжавий, Амир Хисрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоӣ асарларидан ўргангани, ёшлигиданоқ шеърятнинг нозик қирраларини чуқур ҳис қилганини ва ўзи юксак даражадаги шеърлар битиб қолдирганлигини жонли мисол ва далиллар билан исботлайди. Унинг фикрлари ўқувчи ишончини қозонади.

Классик адабиёт намуналарининг тадқиқ этишда қиёсий-типологик йўл яхши самара беради. Шафиқа Бобур поэтик меросини Алишер Навоӣ ижоди билан қиёсий таҳлил этади. Узбек классик адабиётининг бу икки забардаст вакили шеърятдаги ўхшашлик ва айни вақтда ажралиб турадиган ўзига хослик ҳақида қуйидаги фикрни илгари сўради: «Буюк Навоӣнинг шеърлари жуда пишиқ ва устодлар ижодига хосдир, аммо Бобур шеърларига нисбатан тушинилиши мушкул ва тақаллуфироқдир. Навоӣ шеърларида бадий санъатлар ўзининг юксак чўққисига етган, Бобур ашъори эса ширинкаломлик, чиройли тасвирлар, сўз ва ибораларнинг рангин ва мусиқийлиги билан ажралиб туриш хусусияти билан

характерли) (Лекин шунини таъкидлаш жоизки, Навоий шеърлари ҳам Бобур ашъorida мавжуд бўлган юқоридаги хислатлар: ширинкаломлик, чиройли тасвирлар ва мусиқийликдан на фақат холи эмас, балки жуда бойдир — Ҳ. Қ.)

Тадқиқотчи Бобур яратган янги алифбе ҳақида ҳам чуқур илмий маълумот беради. Тадқиқотчи шоир мухлисларига унча ойдин бўлмаган бу саҳифани кенг ёритиш учун кўп заҳмат чеккан. У фикрларини пухта далиллаш мақсадида жуда кўп манбаларга мурожаат этади, улардан ўқувчини ишонтирадиган далил-ашёлар келтиради. Натихада олима Бобурнинг араб ёзувига асосланган янги алифбе яратиш ном чиқариш учун эмас, эл саводини ошириш ва янгиликка интилиш эканлигини тўғри баҳолайди.

Шафиқа Ерқин тадқиқотидаги яна бир ижобий томон — бу Афғонистонда дарий тилида сўзлашувчи китобхонлар учун Бобур ижодига тушунлиши қийин бўлган сўз, ибораларнинг бир қанча синонимлари билан таржима қилиниб берилганидир.

Шафиқа Ерқиннинг «Девон»га ёзган сўзбоши ва умуман китоб нашрига оид тадқиқотида ижобий томонлар жуда кўп. Уларнинг барчасини бир тақриз доирасида баён этиш маҳолдир. Бироқ тадқиқотда, бизнинг назаримизда, айрим камчиликлар ҳам борки, бу борада фикр юритишни лозим топдик.

Маълумки илмий иш, айниқса у академик нашр характерига эга экан, муаллиф ўзидан олдин яратилган мавзуга дахлдор асарларга ҳавола бериши зарур эди. Тўғри, тадқиқотчи бунга маълум даражада амал қилади, аммо бу ўринда изчилликка ҳамма вақт амал қилинмаган, айниқса, бу Ўзбекистон ва бошқа совет шарқшунослари ишларига оид ҳаволаларни бериш заруратида сезилади.

Шафиқа Ерқин тадқиқотининг жуда кўп жойида Бобур шеърларини чуқур тадқиқ этади, таъкидлаганимиздек, ишонарли илмий хулосалар ясади, муаллиф китобнинг 26—30, 73—75 бетларидаги Бобур шеъри таҳлилида содда баёнчилик, зерикарли шарҳларга берилдики, шубҳасиз бу тадқиқот қимматини оз бўлса-да, туширади.

Тадқиқотчи Бобур ижодининг мухлиси сифатида «Девон»да шоир асарларини ўзи эркин таржима қилади. Албатта, бу мақтовга лойиқ ишдир. Бироқ Бобур шеърларини гоҳ насрий, гоҳ шеърий таржима қилиниши умумий принципни бузган, китоб ўқилишини мушкуллаштирган, илмий даражасига қисман путур етказган. Масалан, асардаги 64—65 бетлардаги ўгирилган матн фикримизга гувоҳ бўла олади.

Шафиқа Бобур ижодига оид танлаган мисолларда шоир дунёқараши унинг мураккаб шахсияти билан бирга олиб таҳлил этилади. Бироқ

бунда ҳам ҳамиша тўғри таҳлил мезон вазифасини ўтай олмаган. Масалан, «Девон»нинг 76-бетида Бобурнинг бир рубойини келтирилиб, қуйидагича изоҳланади: «Бобур бир вақт ҳаммом қуриш фикрига тушади ва уни турли безак ва нақшлар билан оройиш бердиради. Мана бу рубойига эътибор беринг-а, у (яъни Бобур — Ҳ. Қ.) қанчалик шоирлик зарофати ва риндлик қараши билан бу ҳаммом қуришини кўрсатиб беради:

**Ҳаммомки арк ичинда пайдо қилдим,
Соғинмаки суддин табарро қилдим.
Суд ушбу эмасму ким бу тадбир бирла,
Покиза баданларни тамошо қилдим.»**


Рубой мазмунидан кўриниб турибдики, бунда Бобурнинг шоирлик зарофати ва риндлик хислатидан кўра ўша бобуршунослар таъкидлаган «мураккаб шахс»нинг бир томони — шох Бобурнинг дунёқараши ўз аксини топган. Шоир ҳаммом қурдирар экан, хотинларни томоша қилиш асосий мақсади эканлигини очиқ баён этган.

Яна бир мисол. Бобур ўзининг ўлмас асари «Бобурнома»да шароб ичишни тарк этиб фармон чиқаргани, фақат ўзи эмас 300 дан ортиқ мулозимлари билан бир мажлисда шаробларни тўкиб, май шишаларини синдириб ташлаганларини ёзади. Бироқ Бобур бу қарорга умрининг охирида келади. У бир неча марта «тарки май» этишга жазм қилади, аммо яна ичкиликка берилади. Эҳтимол, бунга ўша даврдаги оғир шароит, Ватан ҳажри, муҳит сабабчи бўлгандир. Шафиқа Ерқин Бобурнинг бир рубойини келтирар экан, бу рубой «Бобурнома»даги фармоннинг мазмунини ихчам ҳолда ёритиб берган, деган хулосага келади. Бизнинг назаримизда, аксинчадир. Агар фармонда Бобур қатъийлик билан ичишни тарк этган бўлса, рубойда ана шу қасам — май ичмаслик қасами жуда эрта бўлганлиги, ҳали май орқали келадиган кайф-сафо даври қолганлигидан шикоят қилади:

**То тарки маноху шароб этмишман,
Нафсимга худой учун азоб этмишман.
Тавба эшиги ҳанўз очиқ эрди,
Бу тавбада бир нима шитоб этмишман.**

Бироқ юқоридаги майда камчиликлар Шафиқа Ерқин яратган катта илмий ишга соя солмайди. Тадқиқотчи Бобур ижодининг янги-янги қирралари, назокатини ўз асарида оча олган. Биз Шафиқа Ерқиннинг адабиётшунослик оламида яна янги илмий асарлари билан кўриниши тарафдоримиз.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,
филология фанлари кандидати**



ЭЪТИҚОДНИНГ НУРЛИ НУҚТАЛАРИ

(Гулчеҳра Нуруллаеванинг «Нурли нуқталар» китобини ўқиб)

**Айбим — қуруқ сўздан ёнолмаслигим,
Сохта буюкларни тан олмаслигим.**

Қўлингизда шоиранинг янги китоби. Биринчи саҳифасини очишингиз билан муаллифнинг ҳар бир сатри сиз билан мулоқот қилишга киришади. Бирда дардингизга дармон бўлади. Бирда кўксингизда қат-қат бўлиб қатланиб ётган не бир орзу, не бир армонларингизни ушалиши учун имдод бера билади. Ҳамнафас, ҳамдарад бўлади. Бирда уялтиради: кўз илғамас қусурларингизни, билиб-билмай қилган хатоларингизни, ё ошқора қилиб юрган бадкорликларингизни бирма-бир фош қила боради. Ҳавойи бўлиб, ўзингизни осмон чоғлаб юрган бўлсангиз ерга тушганингизни, ноҳақдан қадрсизланиб юрган бўлсангиз ўз ўрнингизни қандай қилиб топганингизни билмай қоласиз. Мажмуанинг ҳар бир сатри ҳақларнинг қалбига нур бўлиб киради. Ноҳақларнинг кўзига, юзига тикан бўлиб қадалади.

**Меҳрим — ақл кўзим очар зотларга
Муҳаббат, адолат, эътиқодларга,—**

дейди шоира ихлос, эҳтирос билан. Кошки эди ҳамма ҳам шундай бўлса. Афсуски, ҳамма шундай эмас-да! Кошки эди ҳамма ҳам ўзини-ўзи тергаб, ўзига-ўзи ҳисобот бериб яшаса. Шунда орамизда молпарастлар, мартабапарастлар, минбарпарастлар, дилозорлар, элбозорлар, бадномлар, бадкорлар, порахўрлар, қаро ердан ҳароб эрлар, нафсиғорлар, беорлар бўларми эди? Бўлмас эди. Бундай кимсаларнинг қилмишларини кўриб шоира ёнади. У носамимий, нобакор, ножин, худбин зотларга бўлган қарашларини умумлаштириб дейди:

**Нафратим — омаддан маст-аласларга
Халқнинг юрагини англамасларга.**

Шоира бундай кимсаларни инсофга чақириб ўтирмай тўғридан-тўғри уларга ғазаб ёғдиради. Сен ҳам одаммисан, деб одам бўлганига пушаймон қилдира билади. Биргина бу эмас, элидан, тилидан тонмишларнинг устига Барчин мисоли йигитлик либосини кийиб от солади:

**Навоий юртини авом билса ким,
Тўмарис мардлигин ким билса «эртак»
Элингга, тилингга даҳл қилса ким
Қалқон бўла билгил, мисоли эркак.**

Шоиранинг сатрлари сохта мураккабликдан, зўраки файласуфликдан холи. Содда. Самимий. Тиниқ. Теран. Барчага бирдай тушунарли сатрлар бирлашиб байтга, байтлар бирлашиб бандга

айланадилар. Узоқ-узоқлардан анқаб-чанқаб келётган йўловчи сада ё чинор соясида бир сония ором олиб ўзига келгани, чинор тагидаги чашмадан қониб-қониб ичиб мириққани мисол ўқувчига роҳат бахш этади. Бирон бир сўз ё иборага тушуниб етолмай лўлаболишдай луғат китобларини титиб ўтиришга ҳожат қолмайди.

Мен бир китобхон сифатида Гулчеҳрахошимнинг шеърятини кўз қорачиғи қадар қадрлаб келаман. Шахсиятига ҳавас қиламан. Дабдаба-бозлик, мадҳиябозлик, баландпарвозлик, шунга ўхшаш бозлик-бозликлар билан муроса қила билмаслигига тан бераман. Шоира бор гапни ўрнига қўйиб, уни поэтик тарзда ифода эта билади. Бирда:

Бўсалар бўлмаса бунчалар текин...

Эхуд:

**Латиф Кумушларнинг нозик адоси
Наҳот саҳналарда яшаса фақат!!**

деб модапараст, мағрибпараст, кўчапараст айрим ёшларимизнинг ифатлари, иболари ҳақида ўйга толса, бирда:

**Оҳ, кўрсангиз мени... энтиқиб-энтиқиб
Ҳар онимда унга сўялишларим...
Уни тинглаб-тинглаб, ақлларга қониб
Ўз айтар сўзимдан уялишларим...**

дея оила номли оламга бергусиз муқаддас ошиён ва унинг муносиб беги, саодатли соҳибаси бўлиш бахтли зотларга насиб этажгаи ҳусусида бир ўқишданоқ ёд бўлиб кетгулик битиклар битида. Беғам, бефаҳм, биргина ўзини ўйлаб, ўзи учун яшовчи бетайин кимсаларни:

**Қуёш кимга беқадр,
Кимларга мўътабардир,
Менинг учун барибир:
Буни ҳарсангтош айтди,—**

деб тупроққа қорилиб оёқ остида ётган ташландиқ тошга ўхшатади. Шу йўсин шоиранинг нуқтаи назари тобора теранлаша боради. Дунёқараш жиддий тус ола бошлайди. Эрмакталаб ажнабий туристлар билан тўқнашади. Камолимизни кўриб кўнгли тўлмаган, оқни қора, қорани оқ ўрнида кўришни истаган, тўғри келиб эгри кетишни ният қилиб қўйган «меҳмон»нинг ҳазил аралаш «илтимослари»га илтимос билан жавоб бериб мулзам қилади:

**«Майли,— дедик: — бизлар рози
Мана, ҳарам бизлардан.
Кўнгил очар қизлар эса,
Жаноб, бўлсин сизлардан!»**

Китоб саҳифаларини варақлай туриб яна бир ҳазинага дуч келамиз. Бу — Марина Цветаеванинг дурдона асарларидан қилинган таржималар. Шеърдан шеърга ўзингизни бир гулзордан иккинчи гулзорга ўтгандай ҳис қила борасиз. Бири-биридан юксак, бири-биридан нодир сатрлар сизни сеҳрлайди.

Гулчеҳра Нуруллаева ҳам азиз устозларимиз — Миртемир билан Зулфияхоним мактабларининг интизомли, иқтидорли, садоқатли, салоҳиятли талабаларидан бири. Аини вақтда шоиранинг ўзи қайд қилганидай «ақллилар анжуманида» бўлишни ўзи учун тўқис, тугал бир бахт деб билади. Миртемир оға ёшлар, умуман, ижодкорлар ҳақида гап кетганда шундай деб таълим берар эдилар:

— Ижод аҳли ён атрофидаги кишилардан, жуда бўлмаганда, уч-тўрт қадам олдинда юриши сал узоқни кўра билиши керак.

Оқсоқол шоиримизнинг ана шу ўғитларига камоли эҳтиром билан амал қилиб келаётгани Гулчеҳраҳонимнинг ҳар бир битигида кўринади:

**Лоқайд инсон десалар,
Кўрсатаман сени, шеър.
Борми имон, десалар
Кўрсатаман сени, шеър.**

Наشريётларимизнинг ҳам, ноширларимизнинг ҳам адабиётнинг ҳамма жанрлари каби поэзияга қўяётган ҳозирги талабларига қўшилмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Сабаби: кўпинча эрмак учун, шухрат учун, мақтовлар, мақтанишлар учун ҳар бири ёстиқдай келадиған мажмуалар битиб келинди. Кўпинча ўқиган китобларимиздан излаган нарсамизни тополмас эдик. Китобни ўқиб бўлгандан сўнг ўзимизнинг эзгу ҳиссиётларимиздан ҳам айрилиб қолганларимиз сирми? Бу одам нима демоқчи ўзи? Бизга ақл ўргатмоқчимиз? Е вақтимизни ўғирламоқчимиз? деб ўқиганларимизга пушаймон қилмасми эдик? Шоира ана шу саволларимизга ҳам жавоб беради:

**«Мен — шеър илоҳаси» дегувчилар бор
Содда тингловчининг қулоқларига.**

Мен «Нурли нуқталар»нинг бирон нуқтасидан «кир» қидириб топа билмадим. Бу — менинг тўмтоқлигимдан, «шунос»ликдан беҳабарлигимдан, албатта. Аслида эса атоқли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг тили билан айтганда:

**Шеърият — бу асли жунун камоли,
Майлига, ким уни нима демасин.**

Тўра СУЛАЙМОН

ҲАҚИҚАТГА ЭЪТИҚОД

**«Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида»,
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.**

Бугунги ҳаётимизда кечаётган ўсиш-ўзгаришлар, адабий-бадий жараёндаги жонланиш ва ижобий тенденциялар сўз санъатининг муҳим

бир соҳаси бўлган танқидчилик ва адабиётшуносликда ҳам ўзининг дастлабки самараларини бермоқда. Чунончи, кейинги пайтда адабий газета ва журналларимиз саҳифаларида эълон қилинган ва ўқувчилар томонидан хуш қабул қилинган салмоқли адабий-танқидий мақолалар, республикамиз нашриётларида чоп этилган танқид ва адабиётшуносликка доир бир қатор етук асарлар фикримизга далил бўла олади. Ана шундай асарлар орасида «Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида» номли тўплам ўзининг мазмундорлиги, бадий ижод ва санъаткор шахси ҳақидаги теран фикр ва кузатишларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Хотиралар Абдулла Қаҳҳорнинг ёрқин ижоди ва тақорланмас сиймоси ҳақидаги ранг-баранг мушоҳадалар ва унутилмас таассуротларга асосланган бўлиши билан бирга муштарак хусусиятларга ҳам эга. Булар энг аввало шунда кўринадики, мазкур хотиралар — улар адибнинг замондошлари ва қаламкаш дўстлари томонидан ёзилган ёниқ сатрларми ёхуд миннатдор шогирдлар ва муҳаббат муҳаббатининг рамзи (И. Ғафуров) сифатида айтилган қалб сўзларими — уларнинг деярли барчасида чуқур бир ҳақиқат, яъни Қаҳҳорнинг адабиётимиз ривожидеги хизматлари тенгсиз эканлиги ва «ижодда қанчалар улуғ бўлган адибнинг ҳаётда ҳам шунчалар юксаликка кўтарилганлиги» ўзига хос тарзда акс этиб туради.

«Ёзувчининг вазифаси, — деган эди Абдулла Қаҳҳор, яхши асарлар ёзиш; халқ дилининг таржимони бўлиш билангина чекланмайди, унинг вазифасига адабиётни ҳар қандай бало-қазодан қўриқлаш, адабиётнинг сергак, жасур посбони бўлиш ҳам киради». Унинг бутун адабий-ижодий фаолиятининг бош мақсади халққа манзур бўладиган асарлар яратиш билан бирга, аини пайтда, «атомдан кучли» бўлган адабиётнинг муқаддаслигини, буюклигини кўз қорачиғидай асрашдан иборат эдики, бу ҳаётий ҳақиқат тўпламдаги хотираларда ўзининг равшан ифодасини топган. Ҳаётда ҳам, ижодда ҳам эзгулик ва ҳақиқат учун мардона курашиш ёзувчининг буюк эътиқодига айланган эди. Бу ҳақда атоқли рус совет адиби К. Симонов ўзининг «Абдулла Қаҳҳор ҳақида сўз» деб номланган мақоласида шундай ёзади: «У одамларни севарди, бироқ табиатида ёзувчилик ҳаётини чигаллаштириб юборган бир жиҳат ҳам бор эди: у яхшилик сари бораркан, йўлида ёмонни сезмасдан, уни диф эмасдан, уни масҳара қилмасдан, унга ҳажвнинг ўткир тизгини санчмасдан қолмасди. У ёвузлик, жаҳолат, разиллик ёнидан хотиржам ўтиб кетаверадиган одам эмасди, афтидан, бу ҳол уни қайғуга соларди, худди мана шу қайғу унинг ақлли кўзларида ҳаммиша сезилиб турарди. Бироқ ҳаёт номукаммал экан, бундан ўзгача муносабатда бўлиш унинг қўлидан келмасди, бошқача муносабатда бўлишга интилмасди ҳам» (48-бет).

Аслида ҳақгўйлик ҳамма даврда ҳам чинакам истеъдоднинг энг юксак мезони (Г. Бакланов) бўлиб келган. Бироқ ҳақиқатни ифодалашда қаҳрамонона собитлик, ҳақиқатга онгли садоқат камдан-кам ёзувчиларнинггина ижодий тақдирига айланади. Тўпламдаги хотиралардан яна бир қарра аён бўладики, ҳар қандай ғаразли мақсад ва тор манфаатлардан холи бўлган ҳаётий ҳақиқат Абдулла Қаҳҳор истеъдоди ва табиатининг характерни белгилловчи бош фазилат эди.

Таниқли адабиётшунос М. Қўшонов лўғри таъкидлаганидек, А. Қаҳҳор ана шундай буюк сўз санъаткорларидан бири эдики, унинг ҳақгўйлиги беихтиёр бутун умри давомида адолат ва

ҳақиқат учун курашган ва ана шу пок эътиқоди йўлида «вазирлик либосини ечиб ташлаб»; «қора халқ» кучоғига отилган» улуғ Навоий, «ёлгончилар уяси бўлмиш бойларнинг юзига «туф» деб шеър ёзган» Фурқат, «ҳаққониятсизликка қарши норозилик юзасидан академик унвонидан воз кечган» Чехов ва Короленко, «шахсга сиғиниш даврининг энг даҳшатли кунларида ноҳақ халқ душмани унвони тақилган кишиларни ҳимоя қилган, уларни қутқариш учун аждаҳонинг оғзига қўл тикқан» Шолохов каби машҳур адибларнинг шижоати ва жасоратини ёдимизга солади. Бежиз эмаски, тўпламдаги хотираларда ёзувчининг бу хислати маънавий ҳаётимизда нечоғли катта ижтимоий-эстетик салмоқ касб эта олганлиги адабиётимизнинг турли авлоди намояндалари ва ҳатто энг оддий касб эгалари томонидан ҳам яқдиллик билан эътироф этилади. Чунончи, Абдулла Қаҳҳор ижоди ва шахсини яхши билган таниқли адиб О. Ёқубов ёзувчиларимиз орасида алдамчилик, таниш-билишчилик ва порахўрлик устидан ҳеч ким Абдулла Қаҳҳорчалик кула олмаганини, нафрат қила билмаганини ва бу каби иллатларни фош этар экан, унинг тили ҳеч бир муболағасиз заҳарга айланишини таъкидласа, устоз адибнинг «ҳар бир асари, ҳар бир мақоласи дунёда лоф айтиб умр кўраётганлар учун кескин зарба бўлар эди, — деб ёзади А. Орипов, — Биргина «Тобутдан товуш» пьесасини эсланг. Порахўрликни қаттиқ қоралаган бу асар ўз вақтида айрим одамлар томонидан сал бўлмаса жамиятга тўхматдай қабул қилинди. Орадан йиллар ўтиб, А. Қаҳҳорнинг мутлақ ҳақлиги аён бўлди. Демокриманки, А. Қаҳҳор доимо ҳақиқатга, ҳаётга таянар, бошқалардан ҳам шуни талаб қилар эди» (200-бет). Дарҳақиқат, А. Қаҳҳор буюклигининг асосий «сири» ҳам, адибнинг «қаҳрига учраган, даққисини еган истеъдодсиз одамлар унинг «душманларига айланишининг асл сабаблари ҳам мана шунда — бу Шухратнинг «Устознинг сўнги кунлари», С. Аҳмаднинг «Устоз чироғи» каби эзгу хотираларида яхши очиб берилган. Жумладан, Ш. Холмирзаевнинг оғир жудойи кунларидаги ўйлари устоздан айри тушган шогирдининг дардли кечинмаларига эмас, балки улар инсон умрининг мазмуни ҳақидаги ибратмуш мулоҳазаларидир: «Чифатой» қабристонидан қайтишда ҳар ким ўз йўли билан кетди. Мен бир таксига ўтирдим. Ешгина, мурти бор бир бола: «Абдулла Қаҳҳор жуда... честний ёзувчи эди-я?» — деб қолди. Мен унга ялт-этиб қарадим. Юрагим увушиб кетди: «Честний ёзувчи... Ана бериладиган баҳо!» деб ўйладим» (257-бет).

Тўпламдаги бундай таъсирчан хотиралар бутун ижоди давомида ҳақиқатни муқаддас деб билган ва уни ўзининг яшаш принциpigа айлантира олган улуғ адибимизга нисбатан эл-юрт меҳрининг нечоғли юксак бўлганлигидан чуқур далолат бериши билан бирга, айни вақтда, улар адабиёт ва санъатнинг моҳияти ҳамда ижодкор тақдирини ҳақиқатда ҳам муҳим хулоса чиқаришга асос беради: ёзувчи сўзининг қадри, ижодининг қиммати энг аввало унинг «халқ дилидаги, тилининг учигаги гап»ларни қанчалик чуқур ва ҳаққоний ифода эта олиши билан белгиланади. Шу маънода, Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди кўплаб замондошларимизга ҳам, ёш ижодкорларга ҳам ҳақгўйлик ва ҳақиқатга садоқатнинг буюк бир намунаси бўлиб хизмат қила оладик, бу тўпламдаги хотираларнинг умумий руҳи ва ғоявий йўналишини белгилувчи асосий фикрлардан бўлиб ҳисобланади.

Абдулла Қаҳҳор ижоди ва шахсини озми-кўп-

ми ўрганган ва хусусан, адиб шогирдлари ва замондошларининг ёрқин хотиралари билан яқиндан танишган киши шундай бир хулосага келиши табиий: ўзбек совет адабиётимизда истеъдодли ёшлар тарбиясига Қаҳҳорчалик меҳнати кўп сингган, ёшлар ижодини Қаҳҳорчалик чуқур билган ва уларга бу қадар кучли таъсир ўткази олган йирик санъаткорни топиш қийин. Адабиёт майдонига кириб келаётган ва «қаламини шухрат ёки бошқа нарса таъма қилиб эмас, қалбидаги муҳаббат ва нафрат оловини оламга сочиш» учун олган ҳар бир ёш ижодкор Абдулла Қаҳҳорнинг синчовни нигоҳидан четда қолмас эди, чунки у талантни халқ мулки, маънавий бойлиги деб биларди. Дастлабки асарлари биланоқ унинг назарига тушган, ундан мадад олган ва эндиликда ўзлари ҳам ижодий камолот даражасига кўтарилиб, адабиётимизнинг залварли юкини ўз зиммаларига олган таниқли ижодкорларимиз озмунча эмас. Қаҳҳорнинг устоз сифатидаги ибратли фаолияти адабиётимиз ривожини учун нақадар катта аҳамиятга эга бўлганлиги ва адибнинг ўз ижоди, ўз умри билан ёшларга қандай муносабатда бўлиш сабоғини қолдирганлиги айниқса, Э. Воҳидовнинг «Қарздорлик» номли хотирасида теранлик билан ёритилган.

«Абдулла Қаҳҳор биз энди адабиётга қадам қўйган давр муҳитининг марказида турган шахс эди... ёшларга алоҳида эътиборли, истеъдодни илғаш қобилияти бениҳоя кучли устоз эди. С. Аҳмад, М. Қўшонов, О. Шарафиддинов, О. Ёқубов, П. Қодиров, У. Умарбеков, А. Орипов, У. Ҳошимов, Ш. Холмирзаев, У. Назаров сингари ёзувчиларнинг ижодий тақдирини А. Қаҳҳорнинг устозлик ўрни бор... Устознинг менга, сўнгра А. Ориповга кўрсатган хайрихоҳлиги биз учун ўзига хос яшан қайтаргичдай бўлгани сир эмас» (114—117-бетлар). «Ҳам меҳрибон, ҳам талабчан» устозга нисбатан чуқур эҳтиром ва миннатдорчилик туйғулари акс этиб турган бундай самимий эътирофларни А. Қаҳҳор билан бир неча бор мулоқотда бўлган Ҳ. Назир, А. Абдураззоқ, Л. Файзиев, Г. Нуруллаева, У. Норматов, С. Мамажонов, Н. Худойберганов ва М. Мансуров каби неча ўнлаб ижодкорларимизнинг хотираларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин.

Шунга алоҳида таъкидлаш керакки, адабий ёшларга нисбатан доимий эътибор ва ғамхўрлик А. Қаҳҳорнинг табиатида хос бўлган, унинг қоннига сингиб кетган фазилатларидан эди. Бу ҳақда адибнинг ўзи ён дафтаринида шундай гувоҳлик беради: «Ёзувчи адабиётга икки хил қиради: биринчи асари билан тутаб, биринчи асари билан яшнаб қиради... Мен адабиёт муҳибман, шунинг учун адабиётга яшнаб кирган ёшларни кўриб қувониб кетаман, қувончимни ўша ёшнинг ўзига изҳор қилиб айтаман. Бу яшнаган чўғни елпиш демакдир».

Тўпламдаги мақолаларнинг яна бир аҳамиятли томони бор. Уларда Қаҳҳорнинг бир қатор устоз ёзувчилар ижоди хусусида, жумладан, Абдулла Қодирий, Фафур, Фулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Миртемир каби атоқли адиблар, шунингдек, ижод йўли бир қадар мураккаб бўлган Чўлпон, Фитрат ва Боту каби талантли сўз санъаткорлари ҳақида айтган қимматли фикрлари ҳам баён этилган. Шуниси характерлики, бу улкан санъаткорлар ҳақида танқид ва адабиётшунослигимизда кўплаб йирик асарлар, илмий тадқиқотлар яратилган бўлса-да, Абдулла Қаҳҳорнинг ихчам ва лўнда иборалари бу ижодкорларнинг энг ёрқин жиҳатларини бамисоли кўзгудагидек акс эттирувчи теран мушоҳадалари-

дек хотирамизда мустаҳкам ўрнашиб қолади. Масалан, куйидаги фикрлар бизни аллома санъаткорларимиз — Ғафур Ғулум ва Шайхзодалар ҳақида жиддийроқ ўйлашга даъват этади: «Ғ. Ғулум мислсиз истеъдод эгаси эди. Афсуски, ўзидаги шу улкан истеъдоднинг ҳаммасини тўла ишга сололмай, тўқсон фойзини ўзи билан олиб кетди. Аммо шу ишга солинган истеъдоди маҳсули билан ҳам у адабиётимизда классик бўлиб қолаверади».

«Мақсуднинг шоирлигию, драматурглигини бир ёққа қўйиб турганда ҳам, адабиётшунос — танқидчи сифатида ўзбек адабиётшунослигининг ярмини ташкил этади» (180-бет).

Бундай қаҳқорона мулоҳазалар, гарчанд, улар ёзувчи замондошлари томонидан қайта тикланган жонли таассуротлар тарзида ифодаланаётган бўлса-да, мазкур адиблар ижоди ва шахсини чуқурроқ ўрганиш ва улар яшаган даврдаги адабий-тарихий жараён ҳақида кўламлироқ тасаввурга эга бўлишимизга ҳам кўмаклашади. Албатта, тўпламга киритилган хотираларнинг қиммати шулар билангина чекланмайди. Улар ёзувчи, ижодий биографиясини янада кенгроқ ёритишда, айрим асарларнинг яратилиш тарихини атрофлича ўрганишда, қолаверса, адибнинг етук мунаққид ва адабиётшунос сифатидаги ўзига хосликлари ва эстетик қарашларини равшанроқ англаб олишимизда ҳам ишончли бир манба бўлиб хизмат қила олади.

Ниҳоят, тўпламнинг А. Қаҳҳор ижоди ва такорланмас сиймосини ёрқинроқ тасаввур этишимизда муҳим аҳамиятга эга эканлигини ва уни адабиёт мутахассисларидан тортиб оддий китобхонларгача қизиқиш ўқишларига шубҳа қилмаган ҳолда, мазкур асарни янада мукамал ва бе-нуқсон кўриш орзусида баъзи истак ва мулоҳазаларни айтиш зарур. Энг аввало шуки, тўпламга Абдулла Қаҳҳор билан узоқ йиллар бир сафда ижод қилиб келган Ҳамид Олимжон, Н. Сафаров, Зулфия ва Асқад Мухтор каби таниқли замондошларининг ҳам адиб ҳақидаги хотира ва таассуротларини киритиш билан (баъзи умумий фикр ва мақолаларни қисқартириш эвазига бўлса-да) асар мазмунининг салмоғини яна ҳам ошириши мумкин эди. Шунингдек, Қаҳҳорнинг талантли издошлари бўлган ва прозаимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган Н. Аминов ва Х. Султонов каби ўзига хос ёзувчиларимизнинг ҳам устоз ҳақидаги нуқтадонлик билан бойитилган таассуротлари тўпламдан жой олганда, улар ҳам, шубҳасиз, А. Қаҳҳор сиймоси ва унинг юксак бадий маҳоратини ёритишга кўпроқ хизмат қилган бўлар эди.

Тўпламда баъзи, баҳсли фикрлар ва ноаниқликлар ҳам учрайди. Масалан, «Минбар» (О. Мухтор) номли мақолада бир қатор ибратли фикрлар билан бирга шундай жумлани ўқиймиз: «А. Қаҳҳор... «портлаган мушакнинг гўзаллиги совуқ, юлдузнинг гўзаллиги илиқ», деган нозикликкача етиб борди...» (165-бет). Бизнингча, А. Қаҳҳор асарларида бу фикрни учратмайсиз. Қолаверса, бу жумладаги маъно бир қадар дудмавроқ кўринади. Ёхуд «Ҳурмат ўз ўрнида» (Н. Худойбергенов) номли мақолада ҳам шунга ўхшаш мунозарали фикрга дуч келамиз: «А. Қаҳҳор ўз салобатига кўра ғурурланиш туйғусини бутун танасига синдирганини уққанман» (268-бет). Холисона айтганда, бу сўзларнинг маъносига тушунишга қийналасан одам.

Агар янглишмасак, бу ўринда Н. Худойбергенов Абдулла Қаҳҳор ўз таланти ва ижоди билан ғурурланарди ва фахрланарди, деган маънони ифодалаётганга ўхшайди. Ҳолбуки бу фикр тўп-

ламдаги деярли барча хотираларнинг асосий мазмунига ва умуман, Қаҳҳор ҳақидаги реал ҳақиқатга зид келади. Бинобарин, уни яқиндан билган замондошлари адибнинг ғоят камтаринлигини ва ўз таланти ёки ижоди билан заррача ҳам бўлсин мағрурланиш ёки фахрланиш ҳисси унинг табиатига бутунлай ёт эканлигини қайта-қайта ҳавас билан эътироф этишади. «Мен адабиётимиздаги улкан ижодкорлар орасида А. Қаҳҳордек камтар ва камсуқум ижодкорни билмайман», — деган эди кўпмиллатли совет адабиётининг таниқли намоёндаларидан бири Ғ. Мусрепов. Бу ҳақиқатни адибнинг К. Симон, К. Қаҳҳорова, П. Қодиров, М. Қўшонов, О. Шарафиддинов, Ш. Холмирзаев, У. Норматов каби юзлаб замондошларининг унутилмас таассуротлари ҳам тўла тасдиқлайди.

Кези келганда шахсий бир мулоҳазамни ҳам айтай. Камина ҳам Абдулла Қаҳҳорнинг барҳаёт сиймосини кўрган, пурмаъно сўзларини тингланган ва адиб асарларини анча йиллардан буён баҳоли қудрат мутлолаа қилиб келаётганларданман. Шуни қатъий ишонч билан айта оламанки, ёзувчининг на бирор нутқида, на бирор мақола-си ёки суҳбатда ўзи ҳақида озгина бўлса-да ошириброқ гапириш у ёқда турсин, ҳатто бирор марта нокамтаринлик ёки носамимийлик билан фикр юритганини, лоақал шунга яқин оҳанг ёхуд бирор ишоранинг ҳам гувоҳи бўлган эмасман. «Ёзувчи, — деган эди А. Қаҳҳор, — ўз ижодий ишидан ҳеч қачон қаноат ҳосил қилмайди, қаноат ҳосил қилган куни, менимча, ёмон қариган лақма чолга айланади» (6 т. 308). Дарҳақиқат, ўз ижодидан қониқиб ёки шухратидан ғурурланиш эмас, балки ўз ёзганларидан қаноатланмаслик унинг бутун онги ва шуурини нурлантриб турган муқаддас туйғу эди. Атоқли шоирларимиз Р. Ҳамзатов ва Қ. Қулиевлар ўзларининг А. Фадеев, А. Твардовский каби кўп миллатли совет адабиётимизнинг буюк намоёндалари ҳақидаги хотираларида уларга хос юксак маданият, табиатан камтарлик ўзгалар ҳақида қайғуриш каби тенгсиз фазилатлари алоҳида меҳр билан тилга олишади. Назаримда, А. Қаҳҳор ҳам ана шундай улғу санъаткорлар сафида туради. Шунинг учун ҳам юқорикелган мулоҳаза ўқувчида ҳақли эътироз уйғотади.

Шунингдек, тўпламда тахрирнинг етарли даражада бўлмаганлиги оқибатида айрим ноаниқликлар ва фикрий чалкашларга ҳам йўл қўйилган. Чунончи, М. Хайруллаевнинг «Учмас лавҳалар» номли мақоласида: «Нурли чўққиларни ҳаммамиз ўқиб чиқдик. Абдулла Қаҳҳорнинг қўлёмасида «автобус кетидан тутун чиқариб юриб кетди» деган жумла бўлиб, тахрирчи томонидан «автобус кетидан ДУД буруқсатиб юриб кетди», деб тузатилган эди», — дейилади. Бироқ таажжубки, тўпламнинг 350-бетида «Мухаррир ўрни топиб ишлатилган «дуд» сўзини «тутун» сўзи билан алмаштириб қўйибди», дея юқоридаги сўзлар ҳақидаги баҳс чалкаштириб юборилади. Ёки Қаҳҳорнинг Э. Воҳидов хотирасида келтирилган куйидаги характерли фикри ҳам негадир ўзгартириб юборилган: «Маълумки, амалдорни мақтаган одам бориб уни қулоғига мақтамайди...» дейиш ўрнига «мақтайди» сўзи қўлланилган (115-бет). Ҳолбуки, фикр мантиқи бу сўзни инкор этади. (Э. Воҳидовнинг «Шоир шешуру шуур» асариде бу ибора тўғри берилган, Қаранг: 63-бет).

Булардан ташқари, тўпламда Абдулла Қаҳҳор ижоди ва биографиясига доир айрим факт ва рақамлар ёхуд ўқувчиларга адиб ҳақидаги асарлар орқали аввалдан маълум бўлган баъзи фикрлар ҳам (ёзувчининг хасталиги, боғ тасвири,

меҳмоннавозлиги ва ҳ. к.) бир неча бор қайтарилганки, бу ҳолни ҳам муҳаррирлар эътиборсизлиги билан изоҳлашга тўғри келади. (Жумладан, «Тешик дастурхон» ва «Қуюшқон» фелъетонлари «ҳикоя» деб берилади. Бу ўринда А. Қаҳҳор 1953 йилда Езувчилар союзига раҳбарлик қилар эди, дейилса, бошқа хотирада «50-йилларнинг иккинчи ярмида» деб кўрсатилади ва бошқа стилистик ғализликлар ҳам мавжуд.) Бу хил қайтариқлар фақатгина «Абдулла Қаҳҳор замондошлари хотирасида» тўпламида учраётгани йўқ, балки улар Миртемир, М. Шайхзода ҳақидаги хотираларда ҳам кўплаб топилади. Масалан, «Мақсуд Шайхзода замондошлари хотирасида» тўпламида шоирнинг машҳур «Ўзларидан сўрасак» ибораси қарийб ўн жойда такрорланган. Беихтиёр ўйлаб қоласан: ахир, Шайхзодадек буюк санъаткорларнинг топган-тутгани ёки муҳ-

лислари ёдида қолгани биргина шунақа сўз ёки ибора бўлмагандир. Бинобарин, А. Орипов: «А. Қаҳҳорнинг қоғозга тушмаган қанотли қочиримларини йиғса ҳам бир китоб бўлар», деганда, жуда ҳақ эди. Зотан, бу каби хайрли ишлар адабиётшунослигимизнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиши керак.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, юқорида кўрсатилган нуқсонлар тўпламининг умумий қимматини пасайтирмайди. Абдулла Қаҳҳорнинг ёрқин хотираси замондошлари қалбида ардоқли бўлиб яшар экан, унинг асарлари қайта-қайта ўқилар экан, сеvimли адбимиз ҳақида яна янги-янги асарлар яратилишига шак-шубҳа йўқ.

Усмон ҚОСИМОВ,
филология фанлари кандидати



Акс садо

БИР МАКТУБ ИЗИДАН

«Шарқ юлдузи» журнаlining 1988 йил 10-сонида эълон қилинган филология фанлари кандидати Тўхтамурод Зуфаровнинг «Келажак меросдан бошланади» сарлавҳали мақоласини мамнуният билан ўқиб чиқдим. Унда келтирилган Ҳамзага оид ҳужжатлар улғў ўзбек адиби ҳақидаги билимимизни бойитишга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Мақоладаги диққатимни жалб қилган ва изланишларга чорлаган ўринлардан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг 1916 йил декабрида Ҳамзага ёзган мактублари бўлди. Маълумингизки, биринчи мактубда «Садои Туркистон»нинг биринчи адаби учун Ҳамзадан шеър сўралади. Иккинчи мактубда эса Чўлпон юборилган шеърни олганлиги ва у тезда босилишини билдиради. Мактублардан англаш мумкинки, 1916 йилнинг охирида Андижонда «Садои Туркистон» газетасини нашр қилмоқчи бўлганлар. Шунинг учун газетанинг илк сонига Ҳамза каби таниқли шоирдан шеър сўраганлар.

Мен 1916 йилнинг охирида Андижонда «Садои Туркистон» газетаси нашр қилинганлиги ҳақида маълумотга эга эмас эдим. Масалага аниқлик киритиш мақсадида инқилобдан аввалги Туркистон матбуоти орасидан Андижонда чоп этилган газетани изладим. Изланишлар оқибатида инқилобгача Андижонда ўзбек тилида газета нашр қилинмаганлиги аниқ бўлди. Шунда диққатимни Чўлпон мактубидаги адрес жалб этди. Унда ёзилишича, Ҳамза жавоб мактубини Андижондаги «Туркестанский голос» газетаси идорасига жўнатиши лозим эди. Дарҳақиқат, 1916—1917 йилларда Андижонда рус тилида «Туркестанский голос» номли газета нашр қилинган. «Садои Туркистон»га оид саволимга жавобни ҳам мазкур газета сифталаридан топдим.

«Туркестанский голос»нинг 1917 йил 15 январь сонида «Мусулмон газетаси ҳақида» («О мусульманской газете») мақоласи босилган. Унда ёзилишича, Фарғона область правленийсининг умумий йиғилиши У. А. Хўжаевга Андижон шаҳрида «Садои Туркистон» газетасини нашр этишга рухсат берувчи ҳужжатни бермасликка қарор қилган.

Маълумки, Убайдулла Асадуллаевич Хўжаев 1910—1917 йилларда Туркистоннинг таниқли зиёлиларидан бири эди. У 1909 йилда буюк сўз устаси Л. Н. Толстой билан хат ёзишган (Л. Н. Толстойнинг У. А. Хўжаевга ёзган жавоб хатининг факсимил нусхаси ва қисқача изоҳ ҳам «Туркестанский голос»нинг 1916 йил 25 декабрь сонида босилган Андижонда чоп этилган) «Садои Туркистон»га ношир ва муҳаррирлик ҳам қилган эди. Чўлпон Ҳамзага мактуб ёзган маҳалда У. А. Хўжаев Андижонда яшаб, «Туркестанский голос» газетасида ишлаб турган экан. Бу ҳақда газетанинг 1917 йил 17 январь сонидаги бир хабарда ҳам ёзилган. Тахмин қилишимизча, У. А. Хўжаев Чўлпон каби илғор тараққийпарвар ёшлар кўмағида 1916 йил охирида Андижонда яна «Садои Туркистон» номи билан газета нашр қилмоқчи бўлган. Бунга ҳар тарафлама тайёргарлик кўрилган. Шунинг учун Чўлпон Ҳамзага юқорида эслатилган мактубларни йўлаган. Лекин маҳаллий халқни жаҳолатда сақлашдан манфаатдор бўлган чор маъмурилари газетани нашр қилишга рухсат бермаганлар. 1916 йилда, умуман, Урта Осиёда маҳаллий тилда фақат «Туркистон вилоятининг газети» ҳамда «Алислоҳ» журнали чоп этилган, холос.

Энди Т. Зуфаров мақоласида келтирилган тарихга келсак, Ҳамза шеърисидаги «Ганжи ўзбай» Садои Туркистон» мисрасидаги ҳарфларнинг абجد ҳисобидаги умумий абади 1332 га эмас, балки 1335 га тенг. Чунки Ҳамза 1916 йил охирида нашр этиш мўлжалланган «Садои Туркистон» ҳақида тарих айтган. 1916 йил декабрида эса ҳижрий 1335 йилнинг сафар ойи тугаб, 14 декабрдан рабиъ ул-аввал ойи бошланган эди.

1916 йилнинг охирида Андижонда нашр этиш мўлжалланган «Садои Туркистон» газетаси ҳамда Ҳамзанинг шеъри нима сабабдан матбуот юзини кўрмай қолганлигининг мухтасар тарихи, бизнингча, шундан иборат бўлса керак.

Рустам Тожибоев



«УРУШ ВЕТЕРАНИ»

Конизар қишлоғининг мўсафидлари чойхонада паловхўрлик қилишни хуш кўришади. Бугун ҳам зўр ошхўрлик бўлди. Ошдан кейинги чойхўрлик жараёнида суҳбат кимнинг қанча ордени ва медали борлиги хусусида кетди. Кечки пайт хушнуд тарқалишди. Фақат Раҳимжон бува уйига тунд қайтди. Буни кўриб, кампири ажабланди.

— Ҳа, бугун қовоқлар осилган?

Чол индамади. Эшагини бостирма остига боғлаб сўрига келиб ўтирди.

— Ҳамма айб сенда! — деди сўнг ҳорғин. — Ариза бериб урушга бораин, десам, унамагансан ўшанда. Мана, оқибат. Ҳаммада халта-халта ўрдир, менда иккита медалдан бошқа ҳеч вақо йўқ! Суҳбатларда ўзимни қаерга қўйишни билмай қоламан.

— Ўрдирим кўп эди, урушда йўқотиб қўйганман, девормайсизми?

— Дедим, десам, анови Парпи чиноқ мени калака қилиб кулди. «Раҳимжон бир кўлида арра, бир кўлида болта, Сибирда жанг қилган» деди. Жуда алам қилди.

— Ҳм, — кампир ўйланиб қолди. — Магазинда сотса экан, кўкрагингизни тўлдириб юборсам. Айтмоқчи, қишлоқ советига учраб қўя қолмайсизми, бирорта олиб берар. Ўттиз йилликда Урайим оқсоқолга берди-ю! Боринг, урушда шунақа-шунақа қилганман, денг. Бари ёш болалар, билиб ўтирибдими?

Эртасига чол қишлоқ советига етиб борди. Эшагини чинорга боғлаб идорага кирди. Секретарь бола ва кассир қиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Улар Раҳимжон бувани илиқ кутиб олишди. Ҳол-аҳвол сўрашгач, секретарь чолга мурожаат қилди:

— Ҳўш, отахон, хизмат?

— Ўрдир масаласида келган эдим.

— Ўрдир, қанақа ўрдир?

— Кўкракка тақадиган-чи?

— Э, да, орден, орден.

Чол колхоз тузилиши давридаги, Фарҳод қурилишидаги ва урушдаги «ўрдир-боп» хизматларини бир бошдан гапириб берди.

— Ҳм, яхши, яхши, — деди секретарь. — Демак, уруш ветеранисиз?

Раҳимжон бува Улуғ Ватан уруши йилларида Челябинск областида ишчи батальонида қисқа бир муддат хизмат қилган, уруш ҳақида эртақлардаги «уруш»га яқин тасаввурда эди. У ҳам яхлит эмас, фронтдан қайтган жангчиларнинг ҳикояларидан узиб-юлқиб олиб афсона ва лофлар қозонида қайнатилган қурама тасаввурдан иборат эди. Чол ҳақиқий жангни ақалли ярим дақиқа кўрмаган бўлса-да, «урушда лемисларни у қилворганман, бу қилворганман» деб катталарни ҳам ишонтирмоққа уринар, кўпинча кулгига қолар, аммо бундан унча оғринмас, майин жилмайиб қўя қолар эди.

«Улар-ку катталар, булар болалар-ку, — дилидан ўтказди чол. — Нимани билар эди?»

— Ҳа, бўлганман, — деди дадил. — Дастлаб Челябин пронтида бўлганман.

Ешлар бу қорача, ориқ, қисик кўзли, чўққи соқол бобога бир зум тикилиб қолишди.

— Челябин? Қаёқда Челябин? — деди секретарь бола ва ўрнидан туриб, девордаги харитага боқди.

Раҳимжон бува Челябинскни кун ботар томонда деб ўйларди, таваккалига ғарбни кўрсатди.

— У ёқда Челябин деган шаҳар йўқ эди шекилли, — секретарь қидира-қидира топди. «Челябин» эмас, «Челябинск» экан.

— Ҳа, ўшанақа, — рози бўлди чол.

— Сибирда уруш бўлмаган эди-ку?

— Йўқ, бўлган, бўлган! Сиз ёшлар билмайсизлар, қаттиқ уруш бўлган!

Қизнинг елкалари кулгидан титради. Юзига кафтини босганича ташқарига чиқиб кетди. Йигит қувгина экан, кулгисини яширди. Бу беғубор чолни гапга солгиси келди.

— Ҳм, — деди ўзини жиддий тутиб. — Демак, сиз Ғарбда эмас, Шимолда урушгансиз?

Ғалаба байрами арафасида колхозда улкан маросим бўлган эди. Унда колхоздаги барча уруш ветеранларига сарпо кийдирилганди. Бироқ ўшанда секретарь Раҳимжон бувани кўрмаган эди.

— Ундай бўлса, нега Ғалаба байрамида қатнашмадингиз? — дея луқма ташлади.

Чол ўйлаб-нетиб ўтирмай, шахдам жавоб қайтарди:

— Челябинга кетган эдим. Қуролдош оғайниларни кўргани...

Секретарь яширинча кулди ва «собик жангчи»га қизиқиши ортиб, саволлар ёғдирди. Бува «Челябин» пронидаги ҳарбий ҳаракатлар»ни батафсил гапира кетди. Чол «Челябинни кеч-пешингача олиб, у ерга бола-чақаларни кўчириб келаман» деган «лимис саллоти»нинг тилига бигиз уриб, туз сепганини алоҳида уқдирди. Раҳимжон бува ҳақиқатан ҳам душманга нисбатан ўта шафқатсиз бўлган экан. Тилига бигиз еган ўша «лемис»: «Жон ота, мени кечиринг, билмасдан оғзимдан чиқиб кетибди, бир этак болам бор», деб ялинса ҳам қулоқ солмабди. «Челябин энангнинг уйими?!» дебди. Кейин тилининг тешигига сим ўтказибди. Етаклаб командирнинг ёнига олиб борибди. Сўнгра командирнинг буйруғи билан «лемис»нинг калласини жодида қирқибди.

— Мана сенга Челябин! — дебди. — Сен ким билан ўйнашяпсан! Бу — Конизарлик Раҳимжон Мирзаманнонуф бўлади!

— Командирлик ҳам қилганмисиз?

— Ҳа, қилганман. Уч-тўрт ой қилганман. Кейин ташлаб юборганман.

— Нега ташлаб юборгансиз?

— Э, командирлик ҳам бригадирликка ўхшаган серташвиш ҳунар экан. Кўпчилик. Ҳар хил тоифадаги одамлар. Биров гапга юради, биров юрмайди. Эрталаб чойни дамлаб ўйготасан, турмайди. Уйготасан турмайди. «Ҳой; болалар, туринглар, лемислар келадиган вақт бўлиб қолди, чойни ичиб урушга киришглар. Кун исимасдан келганини пешма-пеш салқинда ёпириб қўяқолинглар, ухлаш қочмайди», дейсан, турмайди. Караватни ёғирлатиб у ёққа ағнайди, бу ёққа ағнайди. Қаттиқроқ гапиргани кўнглинг бўлмайди. Кейин «бор-е!» дедим-да, ташлаб юбордим. Командирларнинг раисига «Менбоп ҳунар эмас экан командирлик, жўн соллот бўлиб юраверай, икки норма бажармасам, мен номард» дедим. Раис кўнди.

Секретарь кулди.

— Бир нормаси қанча эди?

— Бешта эди. Бир кеча-кундузда киши бошига бешта лемиснинг калласини узишимиз керак эди.

Ярим дақиқа жим қолишди.

— Бир куни, — қиқирлаб кулди чол. — Туш пайтида тахта сўрида ухлаб ётган эдик.

Нимадир бўлиб ўғониб кетдим. Нос чекдим. Ариқчага тушиб таҳорат қилдим. Қўлнинг бўшида пешин намозига юралаб олақолай, деб турсам, йигирматача лемис қилич яланғочлаб от ўйнатиб келяпти-да! Назаримда улар тушлик уйқуга эртароқ бош қўйган экан чоғи. Йигитларимиз уйқусини бузгим келмади. Шартта отни яйдоқ миниб, қилични қўлга олдим. Бир пасда олтитасининг бўйнини уздим. Қолганлари тумтарақай қочди.

— Танк, милтик, автоматлар йўқмиди?

— Бор эди. Танклар ҳам бор эди. Лекин ўша топда танкларни заправкага олиб кетишган эди. Лемислар мен билан роса олишишди. Бироқ уdda қилиша олмади. Негаки, уларнинг қиличлари калта эди.

— Бизнинг қиличлар узунмиди?

Раҳимжон бува қулочини ёзиб кўрсатди.

— Чопқисининг ўзи мана шундай келарди. Лемислар қилични кўрди-ю, жон-пони чиқиб кетди. Орқасига қайтиб, ура қочди. Аранг ўн олтитасини чолиб улгурдим.

— Олтита эди-ю, — луқма ташлади секретарь.

— Олтита эди? Ҳа, олтига эди, — давом этди чол, — Вой, уларнинг додлаб ялинганини кўрсанг эди! Қочиб кетишяпти-ю, «Отахон, кечиринг, биздан ўтибди, энди бунақа номаъқулчилик қилмаймиз», дейди-да! Йўқ, дедим. Ҳаммангни жаҳаннамга жўнатаман!.. Роса қувдим, лекин етолмадим. Кейин алам қилди чоғи, устимдан бомба ёғдиришди. Улар ташлайверди бомбани, мен гуваладай илиб олиб тахлайвердим.

— Ие, портлаб кетмайдими бомба?! — деди қиз кулган ҳолда.

Секретарь изоҳ берди:

— Қаттиқ нарсага урилса портлайди-да! Секин илиб олса, портлармиди?

— Ҳа, шунақа, — маъқуллади чол. — Кейин бомбаларни ўзларига ташладим. Портлайверди, портлайверди! Ҳамма ёқ қиёматга айланиб кетди!.. Лемисларнинг бир хили бола-чақасини ўртага солади. «Ҳа, бола-чақанг ширин бўлса, ёнида пешонасини силаб тинчгина ўтир, бу ёқларда нима қиласан санғиб, ҳаммани безовта қилиб», дедим. Тўғри айтибманми?

— Жуда тўғри айтгансиз! — деб улар жўровоз бўлиб жавоб қайтаришди.

— Айтмоқчи, улар қайси тилда сўзлашар экан? — сўради секретарь. Чол довдираб қолди.

— Ўзбек тилида гаплашадилар-да, — ғулдиради у бир оздан кейин.

— Оббо муттаҳамлар-эй! — ваҳима қилди кассир, — урушда керак бўлади, деб олдиндан ўрганиб олишган-да. Пишиқлигини қаранглар-а!

Чол Челябинскдаги катта чойхонанинг пештоқиға бизнинг байроқ тикилгандан кейинги халқ шодиёнаси хусусида гапирди. Қўша-қўша карнайлар, сурнайлар чалинибди. Маросим охирида кураш бўлибди. Раҳимжон бува байроқ тиккан йигитни чойхонада ширмон ва кунжут ҳолва билан меҳмон қилибди. Чойдан сўнг бирпас мизғиб олиб, яна душмanning изидан тушишибди.

— Ундан кейин анови шаҳарга кирдик, — дея чол теваракка жовдиради.

— Уфага, кейин Куйбишев шаҳарига қараб юргансизлар! — деди картаға тикилиб ўтирган кассир.

— Ҳа, шундай, — Раҳим бува мийиғида кулди. — Кексалик-да, кексалик. Хаёлдан кўтарилибди. Қолаверса, бу воқеаларға узоқ йиллар бўлди.

«Ветеран» бува Уфадаги «жангу жадал»лар ҳақида анча гапиргач, қиқирлаб кулди.

— Бир куни кечаси хоқопда ётсам, жийданинг тағида бир гала лемис турибди. Ўзининг тилида чулдур-чулдур қилишади.

— Ҳа, номардлар, нима деяётганини сезиб турибман, — дедим ва ғазаб билан отилиб чиқдим. Уткир найзани уларнинг кўкрағиға ғарч-ғарч санчдим. Сихга тортилган гўштдай кабоб бўлиб қолишди. Етти киши экан. Питир-питир қилиб, шу ялинишади, шу ялинишади... Лекин аярмидим, қулочкашлаб тегиримоннинг томиға отиб юбордим.

Мана сенга Раҳимжон акангнинг каромати!

Секретарь Раҳимжон бува «жанг қилган» йирик шаҳарларнинг номини айтиб турди, чол «уруш тафсилотларини» ҳикоя қила кетди. Фронт линияси Москваға яқинлашганда, секретарь сўраб қолди.

— Москва урушида ҳам қатнашганмисиз?

— Ҳа. Жуда қийин бўлган Москва уруши! — афтини буриштирди чол. — Калла нормасиям оша-оша йигирматаға етган. Ҳар куни бир қанордан калла кўтариб келамиз. Командирлар санаб олишади. Нормани оширсанг, елканга қоқиб қўйишади. Нормадан кам бўлса, «Бугун маза йўқ-ку!» деб ўпкалашади. Лемисни тутиб бўйнини узишни ўнғай деб ўйлашади шекилли. Ахир, анойи эмас лемислар ҳам. Тутқич бермай қочишади, ирғишлашади.

Чол «лемис»ларни Москвадан ҳайдаб, чойхонада Ўзгanning гуручига ош дамлаганини гапирди. Сўнг Берлинни олиб, Гитлернинг уйига кирганини, уни оғилнинг бурчағидаги эски хумнинг ичидан суғуриб олганини сўзлади. Гитлернинг ёқасидан тутиб, юзига тарсаки солганини ҳикоя қилаётган эди, лоп этиб Парпи чиноқ кириб қолди. Чиноқ урушининг бошидан охиригача қатнашган ва Раҳимжон буванинг ўша йиллардаги ҳаёти билан ошно эди. Раҳимжон бува фoш бўлишдан қўрқиб, «тилини ютди» ва сапчиб ўрнидан турди. Ташқарига отилди. Орқасидан секретарь чиқиб қиқирди.

— Ҳой, «ветеран» бува, қаёққа? Орден масаласини ҳал қилмадик-ку!

— Кейин...

Чол сўзсиз эшағиға минди ва шошиб жўнади. Секретарь бош чайқаб кулганича қолди.

ТУТ «МИНИСТР»

Жумашер бухгалтерияға кириб таъби тирриқ бўлиб чиқди. Колхознинг пилла плани бу йил ҳам тўлмабди, саксон уч фоизда қолиб кетибди!

— Э, колхоз, колхоз! — ғудирлай-ғудирлай уйига жўнади у. — Қачонгача ёш болага ўхшаб тайёр ошингни тўкиб ичасан? Қачонгача қанчадан-қанча ортиқча маблағ, пақир-фақир пешона терининг бошиға сув қуясан!.. Мана энди иккинчи қайта қурт боқилади, учинчи қайта боқилади... Қарабсанки, келаси йилги қурт ризқининг баракаси чўрт учибди-кетибди! Янаги йил тағин ўша саксон уч!..

Жумашер хит бўлиб ҳовлисига келса, ҳаммаёқ тўзғиган, беш-олти ўспирин ған титиб юришипти.

— Ҳа, йигитлар? — деди у остонада тўхтаб. — Нима йўқотдиларинг?!

— Тилла, тилла! — кулди бир йигит ғаннинг боғини узиб сочаркан.

Жумашернинг жаҳли чиқди.

— Пилла деявер! — бақирди у. — Нима қиласан гапни бунақа чайқаштириб... Ким тиқиб қўйибди бу ерга пиллани?!

Буни раисдан сўрайсиз, — деди агротехник томдан тушаётиб.

Жумашер ёниб кетди.

— Шунақами?! — қиқирди эшикларни шарақ-шарақ очиб. — Мана, қара! Уйларға кириб, қозоннинг ичиниям қара, мана! Оғилниям, товўқнинг катагиниям қара, мана!.. Қаерда ўша раисинг? Пиллани қаерға яширишиб ётганини бир кўрсатиб қўяй!

Жумашер саволиға жавоб ҳам кутмай ташқарига отилди. Жаҳлим лат емасин деб йўлда учраганларға атайин қарамай ўтди. Раисни қидира-қидира қумтепадан топди. Раис

белигача кўмилиб Қумтепанинг устида ўтирган экан. Жумашер раиснинг рўпарасида тўхтади.

— Пилла йўқотдингизми, раис бува?! — деди дабдурустан. — Йўқотган пиллангизни келаси йил топиб бераман, тўхтатинг шу шармандагарчиликни!

Раис Жумашер уйини тафтиш қилдирганимизга нафсонияти оғрипти-да деган хаёлга борди.

— Бир сеникимас, ҳамманики ҳам қараляпти, — деди.

— Ушани айтаман-да! — баттар ўдағайлади Жумашер, — Ҳамманикини қаратасиз, тўзғитасиз, лекин жуда нари борса, беш кило пилла топасиз, қолган беш юз эллик уч килони қаердан топасиз?!

Раиснинг энсаси қотди.

— Нима демоқчисан ўзи?! — деди.

— Ҳан титишни тўхтатинг, шу беш юз эллик уч килони мен топиб бераман, демоқчиман. Фақат «Жума бугундан бошлаб тут қоровули» деб элга овоза қилиб қўйсангиз, бас. Иш ҳақи бермасангиз ҳам майли!..

— Э, гап буюқда дегин, тут «министр» бўлмоқчиман дегин, — деди раис кулиб. — Оббо, сен-ей. Борди-ю, топиб беролмасанг-чи?

— Калламни бераман! — қичқирди Жумашер кўрсаткич бармоғи билан ўзини «сўйиб». — Борди-ю, топсам-чи?

Раис бирпас гарангсиз қолди. Жумашернинг гапига яраша жавоб қилмаса бўлмайдиган, кўзига тикилиб турипти.

— Мана шу оғриқ оёқларимни бераман, — деб кулди.

— Хўп, шунга келишдик-а, — Жумашер раиснинг қўлини қаттиқ қисди. — Шу бугундан бошлаб тут — меники, мен — сизники!

Жумашер авваллари мироб эди, одамлар уни «сув министр» дейишарди. «Сув министр» келяпти, деганини эшитган одам оғзига олиб турган сувни ариқча обориб тўкарди. Нимадир бўлиб каналнинг райкачиси билан муштлашиб қолган, вазифасидан бўшатиб юборилган эди.

Раис Жумашернинг мироблик вақтидаги қилмишларини кесатиб эслатди.

— Аммо билиб қўй, одамларга илгаригидек ўткирлик қилмайсан.

— Қандай? — ҳайрон бўлди Жумашер. — Бусиз иш битадимми? Ўрни келганда...

— Йўқ, мутлақо қилмайсан! Бошқача йўлини топасан.

Жумашер «бошқача йўл» қидириб тонготаргача ўйланиб чиқди.

— Товба! — дерди у ўзига ўзи. — Бировни уролмасанг, сўколмасанг, тутни ғажиб турган мол-қўйни ўрнида бўғизлаб ташлолмасанг!.. Солдатнинг қулоғини боғлаб урушга ҳайдашдек гап-ку, бу!

Жумашер эртасига велосипедини миниб далага чиқиб кетди. Йигирма битта бригадани уч кунда айланиб чиқди.

Раис зимдан кузатиб борарди, Жумашер чиндан ҳам йўлини топмоқда эди: Жумашер ҳали мол-қўй боқувчи чол-кампирларга куйиниб гап уқдираётган, ҳали болаларга «мол боқиш қондаси»ни тушунтираётган, ҳали шийпонларда нутқининг ярмини «тут», «барг», «қурт» қилиб ваъз айтаётган...

Жумашер иккинчи қурт тарқатилган куниеқ радиоузелчи болани алдаб гапга чиқди. Баргни тутнинг энг тагидан термаган, баргни нобуд қилган қуртбоқар жавобгарликка тортилади, деб правление номидан дўқ ҳам урди.

Сал кунда тутлар капалаб, тутқаторлар шундоқ қўра бўлди қўйди. Қани, энди унга озор етказувчи бирор жонзот топилса! Такрорий қурт тутнинг пастки қисмидаги баргни ҳам еб тугатолмади.

Жумашер қишда ҳам тинмади, дала кезиб ўтинчи чолларни тут яқинига йўлатмади. Баҳорги қурт тарқатилиши билан Жуманинг куни туғди. Югуриб-елиб юриб, қуртнинг бешинчи ёшигача тутнинг фақат қуйи қисмидан олдириди, каллакка тиғ текиздирмади. Бунинг натижаси шу бўлдики, ҳар йили етмай ётадиган баргнинг талай қисми ортиб қолди. План ҳам тўлиб-тошди...

Ҳар куни гоҳ далада, гоҳ қишлоқларда бақириб-чақириб юрадиган Жумашер пилла тугаган куни негадир ҳеч қаерда йўқ эди. Раис уйига «Победа»сини юборди. Лекин машина қуруқ қайтди, Жумашер ўзимнинг «Победа»мда бораман, деб унамабди. Бироздан сўнг у эски «Рига» велосипедини ғийт-ғийт қилиб идорага кириб келди.

— Баракалла, шер! — деди раис унинг қўлини қисиб. — Ютдинг, оёқни ютдинг!..

Раис Жумашерни зўрлаб гаражга олиб кирди. Мукофотга келган мотоциклардан бирини унга ажратиб, тахт қилдириб қўйган эди, миндириб юборди.

— Мана сенга ўша айтган оёқ!

Жумашер ўзида йўқ хурсанд, мотоциклини гумбурлатиб ҳайдаб кетди. Бироқ дам ўтмай қайтиб келди.

— Шу билан «министр»ликдан тушдимми энди? — деди орқасига қайрилиб.

— Ие, нега экан, — раис кулди. — Ваколатинг тугагани йўқ-ку, ҳали?!

Жумашер бир илжайиб қўйди-да, газни босди.

Раис бош чайқаб, унинг орқасидан мамнун қараб қолди.

Мундарижа

НАСР

Неъмат Арслонов. Қўмондон. Ҳикоя	2
Фарҳод Мусаџонов. Икки ҳикоя	12
Алишер Мақсумов. Чорраҳада қолган бола. Қисса	30
Музаффар. Узук кўзидаги хат. Ҳикоя	47
Эркин Самандар. Дарёсини йўқотган қирғоқ. Роман	57
Владимир Карпов. Саркарда. Қисса	143

ШЕЪРИЯТ

Абдулла Шер. Менсиз ёнар олисда гулхан	8
Саъдулла Аҳмад. Сурмаранг саҳарларда	26
Нусрат Карим. Менинг юлдузли оним бу	43
Ихтиёр Ризо. Уммонлар мамлакати	53
Андрей Вознесенский. Хандақ. Маънавий суд	123

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Муҳаммад Исмоил. Умидимсан, йўлга қарасам. Шеърлар	113
Шухратжон Мусаев. Кўршапалақлар. Ҳикоя	115

БИЗНИНГ КАЛЕНДАРЬ

Абдулла Тожибоев. Шеърлар	172
-------------------------------------	-----

ОЧЕРК

Михаил Бабинцев. Раиснинг иккинчи мактаби	174
---	-----

АДАБИЙ ТАНҚИД

Исроил Мирзаев. Ҳақиқат ва бурч	181
---	-----

ПОРТРЕТГА ЧИЗГИЛАР

Ботирхон Акрамов. Шеър — мавзун ва солим санъат	185
---	-----

НАВОИЙХОНЛИК

Ҳозиржавоб Мирали	191
Алибек Рустамов. Ғазал	194

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Ҳасан Қудратуллаев. Бобур девонининг Кобул нашри	197
--	-----

ТАҚРИЗЛАР

Тўра Сулаймон. Иқтидорнинг нурли нуқталари	199
Усмон Қосимов. Ҳақиқатга эътиқод	200

АКС-САДО

.	203
-----------	-----

ГУЛҚАЙЧИ

Анвар Муқимов. Ҳажвиялар	204
------------------------------------	-----

На узбекском языке
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»
{Звезда Востока}
№ 2

Орган Союза писателей Узбекской ССР

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1989

Техник редактор А. Ҳайдаров.

Рассом Ғ. Алимов.

Корректор М. Имомов.

Редакцияга келган бир босма тобоқчада бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.
Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Редакция ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларни қабул қилади.

Теришга берилди 08.12.88 й. Босишга рухсат этилди 26.01.89 й. Қоғоз формати 70×108¹/₁₆.
Р-11545. Фотонабор. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Шартли босма листи 18,2+0,25 (зар-
варақ). Нашриёт ҳисоб листи 20,2. Тиражи 149832. Буюртма 4879. Баҳоси 1 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли
босмаҳонаси. Тошкент — П. Ленин проспекти, 41.